



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадiiй,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

11  
1988

57-йил чиқиши

Бош редактор:  
Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Саид АҲМАД  
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ  
Омон МУҲТОРОВ  
(проза бўлими мудири)  
Мурод МУҲАММАД ДУСТ  
(бош редактор ўринбосари)  
Умарали НОРМАТОВ  
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА  
Муҳаммад СОЛИҲ  
Хайриддин СУЛТОНОВ  
Зоя ТУМАНОВА  
Туроб ТўЛА  
УЙҒУН  
Ўлмас УМАРБЕКОВ  
Носир ФОЗИЛОВ  
(масъул секретарь)  
Азиз ҚАЮМОВ  
Ҳамид ҒУЛОМ


---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

# УШБУ СОНДА



*Наср*



**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ**

## **ҲИКОЯЛАР**

«Адашганинг кўчаси кўп» деган ҳикоялар китоби устида ишляпман. Ҳикоялар, албатта, ўз-ўзича мустақил. Аммо уларнинг бош мавзуйи бугунги кундирки, шу ҳол уларни жамлайди ва услубда ҳам бир-бирига хиёл яқинлик бор: қаҳрамонларнинг ўзлари гапирди, яъни, ҳикоя қилишади.

«Ёшлик» журналининг ўтган йилги биринчи сонидан чиққан уч ҳикоям ҳам шу китобдан эди.

Тагин бир гап: китобнинг номи ўзгариши мумкин.



*Шоғиринат*

**Азим СУЮН**

## **САРБАДОРЛАР**

### **Драматик достон**

Истагимиз, билгил, ҳар бир раият  
Ўз юртига ўзи ҳокимлик қилсин,  
Ишласин, яшасин ўз эрки билан!  
Жавлонгоҳ бўлмасин, деймиз, ҳеч қачон,  
Юртимиз тупроғи ёв отларига.



## УФҚИМИЗДА ОКТЯБРНИНГ ҒОЛИБ БАЙРОҒИ

Ғафур Ғулом

### Ватан марши

Шарафлар-ла балқий бер, Совет Ватани,  
Уфқингда Октябрнинг енгган байроғи.  
Коммунизм қурувчи халқлар маскани,  
Йўлимизни ёритур Ленин чироғи.  
Улуғ Партиямиз ҳамишадир раҳбар,  
Қурашда, меҳнатда, онгда биз сафарбар.  
Бу эркин ўлкамизда барча миллатлар  
Битта улуғ оила — тотув яшайди.  
Ҳамма тенг, зўрлик йўқ, тозадир ниятлар,  
Фақат ишлаган кишигина ошайди.  
Яшасин халқларнинг ленинча дўстлиги,  
Шарафлансин меҳнатда ҳуқуқ бирлиги.  
Улуғ рус оғаси билан бирга одимлаб,  
Қардош халқларимиз яратганлар бахт.  
Туради қудратимиз тимсоли бўлиб  
Севикли Москва — улуғ пайтахт.  
Ғолиб армиямиз тинч меҳнатга посбон,  
Осойишта, кўм-кўк бошимизда осмон.

.....  
Ер юзи доимо тинч ва омон бўлсин,  
Барча халқлар яшасин биродар, тотув,  
Инсон эрки ҳуқуқи поймол бўлмасин,  
Биз уруш истамаймиз — шiorимиз шу!  
Гулласин Советлар Ватанин ҳар ёғи,  
Халқимиз етаклар Партия байроғи!

Мамарасул Бобоев

### Инқилоб қўшиғи

Инқилоб мазлумга эрк —  
Берди, адолат юртга ҳам.  
Қўшчига бергани ердек,  
Менга тутқазди қалам.  
«Сен, — деди, — дилларни эт пок,  
Чўлни қилгандек эрам!  
Қанча бўз, чўли-ғазабнок,  
Қанча тошлоқ бунда ҳам...»

Ортди фахрим, ҳақ-ҳуқуқим,  
 Қочмадим заҳматданам,  
 Қисматим қилди муҳим —  
 Гоҳ ғазаб, гоҳо карам.  
 Юртимиз бахтин улғлаш  
 Бўлди бурчим мунтазам.  
 Яъни, ҳур инсонни куйлаш  
 Бефигону беалам...  
 Қувноқ оҳангга юракни  
 Қайрадимки, то бу дам:  
 Оҳу афғондан бўлакни  
 Ёзмаган аҳли қалам.  
 Куйладим мардона халқни,  
 Бахтга қўйгач некқадам  
 Кўрди олам; яна завқли  
 Куйламоқ — кўрмоқданам!  
 Ёнди ёв келгач қоғозни  
 Қон ва ўт босган далам  
 Найзага айланди, ёзди —  
 Қон билан, кўзларда нам...  
 Инқилоб йўлини такрор  
 Тўсди иғво, фитна, ғам,  
 Найзага санчилди беор —  
 Қанча айёр, муттаҳам.  
 Ёзгани — нурли ҳақиқат,  
 Қанча мушкул бўлса ҳам;  
 Чекмади ҳеч вақт хижолат,  
 Қилмади ё бошни хам.  
 Сўнгги дам маълум эмас, лек —  
 Маълум у аҳду қасам:  
 Уртамизда нурли дўстлик  
 Сўнмагай то сўнгги дам!

Саида Зуннуова

### Байрам паради

Нега севинмайин, шу голиб халқнинг  
 Фарзандиман, севинмай нега?!  
 Элга бахт, ўлкага бир умр баҳор,  
 Равнақлик бергандир шу халқ шеъримга.

Ана, парад ўтар, гўё чеки йўқ,  
 Шиддатда мисоли денгиз тўлқини.  
 Қўждаги қуёшнинг илк шуғласимас,  
 Лола байроқларнинг олов ёлқини.



Ойна бўлди-ю ҳар битта чеҳра,  
 Мен унда бахтиёр ўзимни кўрдим.  
 Ёшларнинг беғубор ёноқларида  
 Саодат яшнатган юзимни кўрдим.

Уғлини елкага опичлаб ўтган  
 Отанинг шодлигин кўришдим баҳам.  
 Ахир мен у билан мақсаддош, йўлдош,  
 Унинг бахти асли менинг бахтим ҳам.

Парад тўлқинидан узолмайман кўз,  
 Утмоқда, кўринмас ҳамон охири.  
 Бу совет халқидир, бу менинг халқим,  
 Қуёшдек сахи-ю, бўрондек қаҳрли.

Байроқлар... Музаффар, лола байроқлар,  
 Ҳилпираб бормоқда, сафлар мустаҳкам.  
 Тинчлик қудратини этиб намойиш  
 Шу байроқ остида бораман мен ҳам.





Шукур Холмирзаев

## ҲИКОЯЛАР

### Ҳайкал

...Боққа кирсам, Сталиннинг ҳайкалини бузишяпти... Хўп. Шундай бир куз куни эди. Эллик олтинчи йилми-эллик еттими, аниқ айтолмайман. Хуллас, эгнимда мана шу коломинка кител, мана бу «За отвaга» ҳам — жойида; чой ичгани кирдим-да боққа. Эслайсизми, қандай соя-салқин жой эди! Уриклари пишиб, тўкилиб ётарди. Ҳа, аптека қуриб, расвосини чиқаришди. Ҳозир парк шаҳардан четда: биров бормади... Сталиннинг ҳайкалини эсланг! Баланд су-пада. Оппоқ бўлиб турарди. Шинель ҳам, мўйлов ҳам бир ярашган. Кителини ҳам ҳеч маҳал эгнидан ташламаган экан.

Боққа кирсам, чойхонадаги одамлар бир ёққа ҳуркиб кетган: жавдираб туришипти. Ҳайкалнинг пойида ижрокўм раиси Бўтаев билан музейнинг ди-ректору Холиқбердиев! Мана шундай карлик бўлиб туришипти. Шунда ҳайкал-нинг орқасида Қулмуҳаммад — жўрам, фронтовик ошнам бор экан, чиқиб келди-да:

— Ортига ағанайди. Кўчатни синдирмайди, — деди. Эшитяпсизми, Ста-линнинг ҳайкали ҳақида гапиряпти? Доҳини ўйламаяпти, кўчатни ўйлаяпти...

— Ҳей, нима қияпсизлар ўзи? — деб уларнинг олдига бордим.

Бўтаев пучуқ бурнини тортиб:

— Келинг, Кимсан ака. Шунини йиқитиш керак, йўқотиш керак бўп қолди, — деди.

— Кимни? Кимни йўқотиш керак? Йиқитиш керак?

У мийғида кулди.

— Биламиз, сизлар — ветеранларнинг бу одамга ихлосинглар баланд. Лекин бу — қарийб халқ душмани экан, ака... Хрушёв бобонинг докладини ўқи-мадингизми?

— Уқидим, — дедим. — Балки сиздан олдин ўқигандирман, ўртоқ раис! Лекин у кишиям доҳининг ҳайкалини бузинг демаган...

— Кимсан ака, нервингиз бурнингизнинг учида туради-я! Қизишмасдан ўйлаш керак-да... Улиги мавзолейдан олингандан кейин ҳайкали бу ерда тура-дими? Минг одам киради бу боққа. Ёшлар киради... Ахир, сиёсатгаям қараш керак-да!

Мен жимиб қолдим: сиёсатни тилга олгандан кейин лаби-даханинг боғла-ниб қолади-да.

Шунда қисталоқ:

— Бузинг, Қулмухаммад ака! Ҳамма кўрсин! — деди.

Ҳалиги бетон супанинг пастиди каттакон гурзидай болға турган экан. Қулмухаммад олди-ю, айлантириб солди денг! Доҳининг иягига урган экан, боши учиб кетди.

Кўз олдим қоп-қоронғи бўлиб қолди. Ҳайкалнинг орқасига қандай қилиб ўтганимни билмайман. Каллага энгашган эдим, болға яна гурсиллади. Шартта изимга қайтдим. Қулмухаммад доҳининг мана шу ерига — кўкрагига урипти.

— Э, баққа бер-э, энангди... — деб болғани тортиб олдим. Қулмухаммаднинг башарасига шапалоқлаб солиб юбордим. Кейин болғани Бўтаевга тутдим. — Олинг! Мени уринг!.. Мен розиман! — Йиғлаб юборибман. — Шу одамни деб қон тўкканман, кантужин бўлганман. Ҳалиям биқинда асколька бор!

Одамлар келиб, мени ушлашди. Унга сари жаҳлим чиқиб кетди.

— Бу одам юртни ўйлаганда, сен қайда эдинг?! Э, жўжахўроз полиптик!? — Оғзимдан у кирди, бу чиқди. Эсим ҳам жойида эмас шекилли. — Ахир, ахир... Бу одам — доҳи-ку? — деб бақирдим. — Кеча «Яшасин!» деб юрган эдинг... Ҳе, ҳароми! — деб Қулмухаммадниям сўкиб кетдим. — Урушда «За Сталин!» деб кирган ким эди? Курский дуга эсингдами, ипос? Сен салкам пошист экансан-ку?!

Ғала-ғовур бўлиб кетди. Қаёққа қарайман! Сўкяпман!.. Энди, оға, бу жон — фойдага қолган жон. Буёғида нимадан кўрқаман? Шунда бир-иккита мусулмонлар ҳам бор экан, менинг тарафимни олишди.

— Ҳе, шуни олиш керак бўлса, бузиш шартми? Ул-бул... — деган гаплар қилишди.

Чамаси Бўтаев ҳам шундай бир ҳимога маҳтал эканми:

— Йўғасам бунга ағнатайлик. Майли, ўзларинг бирон жойга обориб кўминглар, — деб қолди.

— Мана, биз олампиз-да! — дедим. — Кўмаманми, кўммайманми — уёғи билан ишларинг бўлмасин!

— Майли, биз сизларнинг олдингиздан ўтдик. Биз халққаям қулоқ соламиз, — деди-да, Холиқбердиевни эргаштириб кетди.

Энди Қулмухаммаднинг йиғлаганини айтинг:

— Менга қадри йўқмиди доҳининг? Чақириб айтишди-да: «Сиз сиёсатга қаршимисиз?» деб... Уларнинг гапини қайтариб бўладими, жўра?

— Мен сенинг жўранг эмасман! Бугундан бошлаб! — дедим. Кейин болғани отвориб, уф, доҳининг калласини кўтардим. Жуда оғир экан. Лекин ўзи... Мўйлаблари... Ияги учган. Қаттиқ цементдан яшашган эканми, хайрият, жуда унча шикаст емаган...

Боғдан чиқиб, бозорга чопдим. Эшак бозорида Парда қийшиқ аравасини энди миниб турган экан.

— Жон ака, гап шундай-шундай, — дедим. — Мана сизга ўн сўм! Пенсиямни олсам, яна бераман...

— Э, пулни қўйинг, — деди у бечораям. — Ишқилиб, бизга гап тегмаса бўлди.

— Тегмайди!

Қаранг, ёли оқариб кетган шу аравакаш ҳам кўрқади-я? Биламан, бир замонлар «кўш ҳўкизинг бор», деб отаси қулоқ қилинган. Кейин «враг народ» бўлиб отилиб кетган...

Эшакаравани тўғри боққа ҳайдатиб кирдим. Ҳайкални кўчириш, авайлаб аравага ётқизиш ҳам кўп қийин бўлди. Одамларга раҳмат, қарашишди. Ахир уларниям мана бу ерида бор-да Сталин!..

Кейин уйга жўнадик!

Кўчанинг ўртасидан ҳайдатиб кетдим аравани. Одамлар у бетдаям, бу бетдаям гўж бўлиб, ажойиботга қарагандай қарайди. Парвойим палак. Нима бўлса, кўрдим бу оламда: кўрқадиған жойим йўқ. Болаларим уйли-жойли бўлиб кетди.

Сўққабошим билан бир ҳовлида ётибман! Мана, энди... икки киши бўлдик. Ҳа-ҳа, тўппа-тўғри, сойдан ўтказиб, уйимга обордим. Дарвозани ланг очиб

киритдим. Ҳе, у ердаям томоша! Ким эргашиб келган, ким мени алқаяпти, ким қўрқитяпти...

Аммо-лекин, ука, шу қўрқитиш... деган гапимда жон бор: мен ҳарқанча ботирлик қилган бўлсам ҳам, кўнглимнинг ости дир-дир этиб турганини тан оламан.

Ха. Энди бизам унча-бунча кўрганмиз-да, оға! Лениндан кейин... Сталин бободан кейин қанча арбоблар ўтди?! Тўғри айтасиз, бу нарсани кейинроқ тушундигу, аммо-лекин ўртоқ Сталин ҳаётлигидаям роса ғалати ишлар бўлган-ди-да, ахир!

Минг-минглаб одамлар «халқ душмани» бўлиб кетган. Анчайин гапнинг устидан...

Энди денг, биз кимсан — Хрущёвнинг замонида сталинчи бўлиб турибмиз. Тўғрими гапим?

Мениям тиқиб қўйишлари ҳеч гап эмас-да? Ҳа-ҳа, Сталинни оқлаш — Хрущёв бобони қоралашга ўтарди... Ҳа-е, бу гаплар — даромад гаплар...

Шундай қилиб, ҳайкални ҳовлининг ўртасига ўрнатдик... Бе, ўзи бўладими?

Мен нодонлик қилиб, паркдаги тагсупаниям кўчириб келтирмаган эканман. Қайтиб борсам, боғнинг қоровули деворга ишлатаман деб, бузиб-ташиб кетиб-ди, нокас.

Кейин у ёққа чопдим, бу ёққа чопдим: уч-тўрт қоп цемент топдим. Сойдан шағал ташиб, супани ўзим ясадим. Аммо ҳайкалнинг бошини ўрнатиш ҳам анча қийин кўчди.

Хайрият, қўшни совхозда арманлар тошдан иморат қураётган экан, чўтқачи Рама жўрам: «Шуларга бор. Ҳар бало қўлидан келади арманининг», деди.

Борсам, ҳаққат тўғри: биладигани бор экан. Бир тийин олмай, каллани жойига ўрнатиб берди.

Улай агар-а, худди ўзидай қилиб берди. Лекин бечоранинг уч кун вақти кетди: иякни ўрнатгач, ичидан сувади. Аллақандай қоришмалар ясади.

Ишонасизми, бир тийин олмай кетди. Тўғри, кейин учта товуқ обориб, дим-лама қилиб бердим жўраларига. «Пенсионер бўлмасам, қўй сўярдим», дедим.

Ана энди денг, ҳайкал ҳовлида турипти. Бала-анд! Оппоқ! Мўйлаблари бирам хушрўй. Узига ярашиб... Токқа қараб турипти. Томдан ҳам баланд-да!

— Эй, доҳи, — деб қўяман онда-сонда. — Қалайсиз, Иосиф Виссаранович?

Улай агар, лаблари қимирлагандай бўлади.

— Яхши. Раҳмат сенга. Сени билар эдим. Ишонар эдим! — дегандай бўлади.

Бир марта ҳақиқатан ҳам гапиргандай бўлди...

Ой чиқиб турган эди. Уйимдан сал нарида жар бор, қуриб кетгур ахлатхона бўлган. Райондаги бари синган бутилкани келтириб тўкишади. Яна алламбало чиқиндилар. Ёввойи мушук дейсизми, ит дейсизми — макон қилиб юборганди. Кундузиям одам боришга қўрқарди. Уша оқшом нимаям бўлиб, бир қанча ит жуда увлади. Ҳе, увлади. Уйқум учиб кетди.

Ташқарига чиқсам, ой сутдек ёруғ... Қўрқдимми дейман, эшик тепасидаги лампочкани ёқдим. Ҳаммаёқ равшан бўлиб, кўнглим сал жойига тушди.

Доҳи бўлса, туриптилар!

Худди мени қўриқлаётгандай.

Гангиб, пойларига ўтирдим. Чекишни ташлаган эдим, битта чекдим. Жуда ғуссага ботдим. Энди одам ўйлайди-да, оға: «Бу инсон оламга келиб, нима топди? Битта шинель, бир жуфт этик, каломинка кител, фуражка билан ўтди...»

Ў, ўзингиздан қолар гап йўқ: анчайин мишиқи раҳбар ҳам «бир нарсали бўлай» дейди. Худо урсин агар, кейинги вақтда партия сафига кираман деб ариза берганларнинг тўқсон фойизи, раҳбар бўлсам, пулдор бўламан, деб ўйлар эди...

Ахир, раҳбар одам — партия аъзоси бўлиши керак-ку бизда? Балли...

Сизга ёлғон, худога чин, «Икки минг сўм бер, партияга ўтказаман», деган арбобларни эшитганмиз...

Ҳе, ҳаммаёқ бузилиб кетган эди!

Лекин бу одам... Иосиф Виссаранович худди Ленинга ўхшаб яшаганда!

Тўғри, тўғри, тушуниб турибман: Ленин бобоям Сталин ҳақида бироз...

Аммо-лекин умрини халққа берди-да?

Хўп! Мен шундай деб ўйлайман! Ҳе, Хрущёв тахтга ўтиришидан олдин халқ ҳам шундай деб ўйлар эди.

Э! Сталин ўлганда, минг-минг одамнинг кўнгли озиб қолган. Менинг касалхонага тушганимга ишонмайсиз-да?

Ана шунақа, оғажон.

Би-ир маҳал шивирлаб қолдим:

— Уртоқ Сталин, бу ишлар... қандоқ бўлди? — Кейин секин ўрик соясига ўтдим.

— Парво қилма, Кимсанбой, — деди у киши. — Бу кунлар ҳам ўтади. Ҳали менинг қадримга етадиган кишилар келади тахтга... Хрущёв ҳам ўтади. У аслида мени хуш кўрмас эди. Мен уни писанд қилмас эдим. «Никита» дер эдим.

Балки, балки бу гаплар кейин бўлгандир? Балки мен кўшиб айтаётгандирман.

Аммо гаплашдик!

— Курский дуга эсингиздами? Танкада ёниб кетаёзган эдим?

— Эсимда... Кремлда ўтирган бўлсам ҳам, кўриб турган эдим! — деди доҳи. Ҳа-да, у кўриб турарди. Бе, ишонмас экансиз-да одамга... Хўп, майли...

Мен бир вақт қарасам, йиғлаяпман. Кейин қўрқдим. Аста уйга кирман деган эдим, ҳалиги итлар яна увлаб юборди. Туриб қолдим.

Бу орада ҳайкални кўргани ҳар хил одамлар келиб туришарди: бири яшинча, бири ошкор. Бири қизиқиб, бири мандан аҳвол сўраш учун. Ишқилиб, бизнинг уй Холиқбердиевнинг музейига ўхшаб қолганди.

Ҳе-ҳе-ҳе! Билет сотсангиз бўлар эмиш! Ёшсиз-да! Ундан кўра ўлдириб кўярман ўзимни...

Э! Сизлар бошқа авлод!

Худони биласизми? Билмайсиз. Пайғамбарни-чи? Йўқ. Тўғриси, мен ҳам билмайман. Кўрганим йўқ, ўзи кечирсин... Лекин аҳли мусулмон худога ишонди, тўғрими?

Хўп, қўрқади дейлик.

Сталиндан ҳам ана шундай... Йўқ: у кишига ишонар эдим.

Ишонинг шу гапимга: Сталин — биз учун ҳам худо, ҳам пайғамбар эди!

Унга қарши бориб бўладими? Унга сиғиниш мумкин, тавоф қилиш мумкин холос...

Ана шу одам...

Э, э, тилингизга шак-қар, келишди-да грузинлар! Иккитаси. Мана шундай ерга ўтиришди. Қайдан билишган бу сирни? Худо билади. Кейин тусмолладимки, иморатчи арманилар бориб айтишган бўлса керак? Капказга борганда...

«Пакаяний?» Дарвоқе, яқинда қулоғимга чалинди: грузинлар шундай кино қилишпти. Сталинга ўхшаган расмига халқ сиғинадиган кишини кўрсатишти дейишди.

Билмадим, кинода халқ қўрққанидан сиғинар эмиш... Аммо ҳаётда ўз-ўзидан сиғинар эди, оғажон!

Ҳе, фалак, ундай одамлар битта ўтади! Худо ҳаққи, Сталин тириклигида Ленин бобониям эсдан чиқариб қўйгандик. Энди, асосий ишлар, қийинчиликлар Сталин даврига тўғри келганди-да... Ҳа-ҳа, лекин Сталин инқилобниям тепасида турганлардан-да?

Грузинлар кетишди.

Бир ҳафта ётишди. Қўй сўйдик. Ўзлари опкелди. Ҳе, яшиқ-яшиқ вино... Қўшнилариным оғзи теги.

Улар кетгандан кейин бизни райкомга чақирди. Бордик. Биринчи билан Бўтаев ўтирган экан. Бўтаев айтди:

— Сиз нима қиляпсиз ўзи?

— Нима қиппан? Сталин сизларга керак бўлмаса, менга керак. Хўп, ана, битта-яримта қизиққан ўртоқлар боришади. Кўрса нима? Мен уларга ташвиқот қилмасам. Сталин яхши эди демасам... Миқ этмайман. Томоша қилиб-қилиб кетишади. — Кейин Бўтаев бир нима деб эди, жаҳлим чиқиб кетди. — Э, ўртоқ раис! — дедим. — Оғзингизга қараб гапиринг: чет элларда Гитлернинг ҳайкалиям музейларда турармиш! Эшитяпсизми? — Бу гапни грузин меҳмонлардан эшитган эдим. — «Шу одам инсониятни оёқости қилмоқчи бўлган!» деб кўрсатишар экан... Нима қипти Сталин меникида турса?

— Йўқотинг, — деди Бўтаев. — Мендан ҳам айб ўтган экан, ўртоқ секретарь...

Биринчи бўлса, кулди.

— Менинг қаршилигим йўғ-у, Кимсан ака. — деди. — Лекин шу ҳайкал сизниям бошингизга бир ташвиш солмаса, деб кўрқаман. Мени тушининг, ака... — Кейин Сталин даврида қирилиб, «халқ душмани», деб қораланиб, отилиб кетган одамлар, жуда катта-катта раҳбарлар, ўзимизнинг ўзбеклардан ҳам уч-тўрттасини тилга олди. Кейин: — Сизгаям касофати тегмаса, деб кўрқаман, — деди.

— Касофати тегмайди! — дедим. — Мен фронтовик! Мен Сталин деб жангга кирганман. Балки шу гап менга қувват бўлиб, ўлмай қолганман! — дедим. — Чунки Сталин: «Биз ғалаба қиламиз!» дер эди. Мана, ғалаба қилдик. Биз унга ишонар эдик.

Кейин иккиси минғирлаб, менга бир ғалати гапларни айтишдики, асти сўраманг...

Айтаверайми?

— Сиз сиёсатнинг ўзгариб туришини билмайсиз, ака, — деди Биринчи. Ҳа. — Худо кўрсатмасин, «халқ душмани» деган гап тилимиздан йўқолган эмас...

— Э? — дедим. Аммо сиздан яширмайман: бўғинларим бўшашиб кетди. — Ҳалиям борми?

— Ахир сиз расмий сиёсат билан келишмаяпсиз-ку?

— Қачон?

— Мана шу қилиғингиз нимани кўрсатади?

— Эй, ўртоқ котиб! — дедим. — Мен принципли одамман, оғажон! Мен агар бу ишни ошкора қилаётган бўлсам, бошқалар ичида... яхши кўради Сталинни. Хўп, ёш болаларни қўйинг...

— Сиз хавфли одам экансиз, — деди Бўтаев.

— Боринг. Уни ўз қўлингиз билан бирёқли қилинг, — деди секретарь. Бирёқли... қиламанми мен? Устига чодир ёпиб қўйдим. Урабгина. Шундай турибди... Ҳа, онда-сонда очаман. Кечалари... Ҳей бир маҳалда...

Очиб қўйиб гурунглашаман. Ишонмайсиз-да? Биласизми нима, ўзи ишонмайдиган одамлар... нима десам экан, ахир, сиз синаб кўринг: бир нарсага қаттиқ ишонсангиз, у нарса тош бўлсаям тилга киради! Худогаям одамлар ишонгани учун уни «бор» деб юришади. Ҳа, энди ҳаммамиз атеист бўп кетганмиз-у, барибир-да...

Йўқ, ҳозир ҳеч ким безовта қилмаяпти. Одамлар ҳам оёғини тортиб қолган. Икки йилдан бери грузинлар ҳам келмай қўйди.

Сталин бобо даврида ҳалигидай бўлганлар ҳақида бўлса, газеталар ҳар кун ёзишяпти...

Ҳа, энди таъсир этади менгаям, бир гапни ҳадеб қайтараверсангиз, ишонади-да киши?

Лекин мен... билмайман, ниманидир кутгандай, кутиб юргандай яшаяпман. Бир оқшом шу тўғрида Сталин бободан сўрадим ҳам.

— Бекор гап. Сенга ҳеч ким зиён етказмайди, — дедилар.

Мана энди денг, ҳақиқатан ҳам ҳеч ким менга бир нима демаяпти. Онт ичаман, одамлар бепарво...

Шундан ўйлаб қоламан: «Доҳининг бу гапи ҳам рост чиқдимми?» деб. Ҳақиқатан ҳам шу-да: қама-қама деган гап йўқ.

Бе, одамларнинг жағи очилиб кетган!

Бир гапларни гапиришади, бир гапларни! Тукинг тикка туриб кетади: «Ҳозир обориб тиқиб қўяди», деб ўйлайсан...Йўқ! Телевизор ҳам сайрагани сайраган. Радио...

Қизиқ замон бўлди.

Эндими? Бир фикрга келдим: мабодо мени қамаб-нетиб қўйишса, ишонаман: Сталиндан кўрқишар экан... Ана гап қаерда. Қолаверса, мени агар қамашса Сталин ҳақидаги бари гаплар. — бир пул, деб ўйлайман: ўзи замон шу экан, дейман.

Ҳе, ёш ҳам саксонга етди: буёғи кам қолди. Лекин... ҳе-хе-хе, саксондан кейин қамашмайди.

## Хоразм, жонгинам

Шоир укам Қадамбойга

Мен бир саёқ одамман, ака. Бугун бу ерда бўлсам, эрта Фарғонадаман. Индин сизнинг юртингизгайм кетаверман. Мижозлар кўп! Мана, дафтарчамда, ҳей, ўнлаб тўйлар бор. Барининг куни аниқ. Рубоб омон бўлса, овозни олмаса, энг муҳими — ўзбек халқи ўлмаса, менинг ошиғим олчи. Умуман, бизнинг ашулани тожиклар ҳам, туркманлар ҳам яхши кўради... Чет элга борган ансамблларимиз ҳам жуда обрў олиб келишяпти.

Лекин мен ўзимни катта санъаткор деб билмайман. Мендақалар Хоразмда сон мингта!

Энди, мен сал олғирроқман-да... Уйинчи қизларниям жуда ҳалигидай кетворганларидан олиб юраман. Ҳақиниям бас дегунча бераман. Шунинг учун «Уйинчи қизлар» ансамблида ҳам, филармонияда ҳам мен билан юришга ишқибоз қизлар кўп. Яъни, тўйга юришга-да... Йўқ-йўқ, мен уларга синглимдай қарайман. Ҳа, энди, баъзан биронтаси билан, шундаям...

Хуллас, ака, аввало Ўзбекистон ҳақида гапирадиган бўлсак, мен учун бу заҳматкаш ўлканинг ҳар бир қишлоғи азиз: ахир, қаерига бориб тўртта ашула айтсам — чапак, олқиш!

Ўзингники-да... Ҳали битта ёзувчи ёзганидай, илгари бўлинган эдик: ҳе, хонликлар замонида. Мана, ҳозир биттамыз. Мен инқилобнинг мана шу томонидан розиман аммо. Ўзбек халқининг бошини бириктирди. Узаро жанжалларга чек қўйди. Ҳозир ҳам баъзилар: «Биз бир миллат бўлиб шаклланмадик», дейишади. Мен буни сезмайман. Буни сезмайман-у, Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси ҳам — бизнинг ватан деган гапга ҳозир бироз панжа орасидан қарайдиган бўлганман.

Сабабки, ҳар биримизнинг ҳам туғилган маконимиз, киндик қони томган тупроғимиз бор экан-да. Уни аста-секин, айланиб-айланиб топар экан киши. От айланиб, қозиғини топади деганларидек. Мен ҳам...

Бир бошдан айтай.

Хоразмга туз ёғила бошлади. Ҳар квадрат метрига фалон кило. Деворлар денг, зах тепгандек шишиб, уваланиб, тўкилишга бошлади. Мадрасалар, қалъалар ҳам шу аҳволда. Ҳавонинг ҳам мазаси қочди. Буларнинг бош сабаби, албатта, Оролдан... Ҳа-ҳа, буни ҳамма билади. Қорақалпоқдаям аҳвол шу. Туркманистоннинг кўп жойларидаям. Бухорода ҳам...

Пахтадан ҳам путур кетди. Ер, экиладиган ер касал, дабдаласи чиққан. Банги. Химикатни ейвериб, наркаман бўлиб қолган... Энг ёмони — Оролнинг ҳалокати...

Бу тўғрида мenden ҳам яхши билсангиз керак: газеталар ҳар куни ёзишяпти.

Хуллас, ака, Хоразмда яшаш қийин бўлиб қолди.

Мен-ку онда-сонда борардим. Шунда ҳам меҳмон бўлиб... Лекин Хиванинг ўзида, Ичан қалъанинг шундай ёнида ҳовлимиз бор. Катта ҳовли. Отам турарди онда...

Отам эскидан рубобсоз эди. Шунақанги торлар ҳам ясардики, санъаткорлар уйимизга келиб, заказ бериб кетишарди. Усталар ҳам ғалати бўлар экан-да: отам кўнглига ёққан санъаткорга соз ясаб берарди. Кейин: «Хоразм мақомларини кўпроқ ўрган. Улиб кетмасин, қўшилиб қоришиб кетмасин», дер эди... Хоразмни яхши кўришда у кишидек одамни ҳали учратмадим. Аммо менинг фожеам шундаки, отамнинг туғилган юртга бунчалик ёпишиб олишини «эскича фикр, қарашлар натижаси», деб ҳисоблардим. У кишини «кўнгли тор»ликда айблардим, ўзимча...

Ҳозир ҳам кўз олдимда турибди: мен у кишини кўргани борган вақтларимда ҳам гоҳо тонг-сахарда уйдан тополмай қолардим. Кўчага чиқсам, пўстин эғнида, бошида чўгирма, кимсасиз, баланд кошоналар орасида гангиб, бир кўйга қулоқ солган каби юрган бўларди. Ғалати манзара-да: ҳеч ким йўқ кўча. Карвич деворлар баланд. Улар оша қадим гумбазлар кўриниб туради. Ўтмиш, ўтмишнинг ўзи... Шулар орасида биров айланиб юрса! Тағин у одам гангиб-гарангсиб юрса! Томоша қилиб эмас, йўқ. Нима десам экан, отам бундай кўча-

ларда қандайдир... мана шу манзара билан уйғунлашиб кетарди: унинг узвий бир бўлагига айланарди.

Энди мени — соч қўйган, галстук таққан, костюм-шимдаги йигитни у кўчада тасаввур қилинг: туристдан фарқим йўқ.

Шунинг учун гоҳо менга шундай туюладими, мен ва менга ўхшашлар бу ерда муваққатмиз: сайёҳлар каби тезда ғойиб бўламиз. Бу макон — минг йиллардан қолиб келаётган кошоналар, деворлар, гумбазлар, тор кўчалар қолади.

Эртақлардагидек, фақат шу шаклда қолаверади ва қачонлардир ўзига мос келадиган, ўзи билан уйғунлашиб кетадиган, яъни, отамга ўхшаган одамларга тўлади: улар бир бутун ҳолда яшашни давом эттирадилар.

Аммо... бу хаёлим ҳам эртакка ўхшаш нарса эди: ундай бўлмайди. Биз олға кетаяпмиз.

Отамга ўхшаганлар тобора камайиб, менга ўхшаганлар тобора кўпайиб боради.

Ва бу қадим маскан — инсониятнинг қадим кошоналари истиқболга мерос бўлиб, экзотикага ўхшаш нарса бўлиб, тўғрироғи, музей каби бўлиб қолади.

Мен туйғуларим ҳақида гапириб кетдим... Бундан бир йил бурун бу туйғулар қаёқда эди!

Мен қаттиқ ташвишда эдим: «Ҳовлимиз нима бўлади?» Ҳа-ҳа! Шунинг ташвиши тушган эди менга: ахир, бу иморатнинг қурилганига салкам эллик йиллардан ошган. Унга бобом раҳматликнинг ҳам қўллари теккан. Бу иморатга ҳам Хиванинг кичик бир нусхаси деб қараш мумкин эди: бузилган, вайрона бўлган эски қасрларнинг ташландиқ ғиштларидан тикланган эди.

Эски кулбанинг ўрнига тушган-да!

Эшикларимиз ҳам ўймакор, икки қават ўймали эшиклар эди: уларни ҳозир омон қолган усталарга ясатишган. Айвонимиз ҳам нақ хоразмча айвон эди: усти ёпиқ, қўшни ҳужраларга тор йўлаклар кетган. Йўлаклардан доимо елвизак эсиб турарди, салқин бўларди! Ёзнинг жазирамасида ҳам!

Ана шуни пуллаш пайига тушгандим... Мени ҳозир ичингизда сўқдингизми? Майли.

Лекин мен иморатнинг биқинлари уваланиб тўкила бошлаганини кўрдим. Деворларга мушт урсанг, пўкилларди. Йўлакларда изгиган елвизак ҳам заҳарли эканига шубҳам йўқ эди: ҳавода туз бор. Туз эса, энг, энг қаттиқ темирларни ҳам емиради. Одам деганимиз унинг олдида нима!

Хуллас, шунинг ташвиши бошимга тушган эди.

Аммо отамнинг бу жойга меҳри қанчалик эканини айтишим ортиқча бўлса керак.

Шунинг учун не-не андишаларда бир куни гап очдим:

— Ака, мен Тошкентдаман-у, кўнглим бу ерда бўлиб қолди, — дедим. Бизда «ота»ни «ака»ям дейди. — Шунинг учун яна келдим... Сизни, ҳовлини ўйлайман...

— Насини? Қисмат экан, — деди отам. Чол менинг нима демоқчи бўлганимни ўзича тушунган эди.

— Қисмат экан, деб ўтираверсак, ҳовлидан ажралиб қоламиз-ку? — дедим.

— Кўпчилик нима бўлса, биз ҳам шу, — деди отам.

Мен бу гапга ҳайрон бўлмадим.

— Лекин кўплар ҳам... кунини кўряпти, — дедим. — Мисол учун, ҳовлисини сотиб кетётишипти.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди! Ўзбекистон кенг! Катта мамлакат, ота! Буёғи Фарғона, уёғи Сурхондарё! Бухоронинг ўзи бир мамлакатча жой! Қаерга борсак ҳам жой топилади...

Отам менга мунғайиб қараб қолди. Кейин... мен кутмаган гапни қилди:

— Сен бузилиб бўлибсан, ўғлим.

— Йўқ, ота, балки мен... тузалиб, ақлим тўлишиб... қолгандирман. Мен юрт деган нарсага кенгроқ қарайман... — Албатта, бу гапларни хоразмча қилиб айтдим. Аммо мазмуни шу.

Отам миқ этмай қолди. Мен: «Ҳозир уради!» деб ўйладим. Ҳеч қачон урмаган бўлсам.

Лекин гапдан қайта олмас эдим.

— Мана, Тошкент — пойтахтимиз! — дедим. — У ерда юз хил миллат яшайди. Биз — ўзбек-ку?

— Ҳўш? — деди чол бош кўтармай.

— А, бизни қучоқ очиб кутиб олади! — деб хитоб қилдим. Шундай дейишим керак-да: бўлмасам Тошкентдан жой олиш осонми? — Мен ҳатто битта-си билан гаплашиб келдим, — дедим. — Қрим-татарларнинг юртига қайтишга рухсат берилган. Ушалар ҳовли-жойларини арзонга сотиб кетишяпти. Жуда чиройли ҳовлилар... Биз бу ҳовлини сотсак...

Отам менга қаради.

— Ҳа, сотсак... ҳозир сотсак, — дедим. — Пулига учта ҳовли олиш мумкин!

Отам яна индамай қолди-да, пиёлани чойнакка урди, чойнакни пиёлага. Эшикниям шарақлатиб очиб, чиқиб кетди. Ҳай-ҳайлаб чиқдим, қарамади.

Жуда таъбим хира бўлди. Мен ҳам чиқиб кетдим... Ким кўп, жўралар кўп...

Уларни топдим. Амуга жўнадик. Қайиқ бор. Тушиб, кечгача айландик. Амуниям суви камайиб қолган, униям келажаги йўқ... Оқшом Одамбой деган бир доктор жўрамнинг уйига бордим. Суд-экспертизада бош врач бўлиб ишлайди. Жуда бели бақувват йигит. Узиям одамижон! Китобнинг ишқивози...

Қўшиқ айтишиб, шеър ўқишиб, ичишиб, қолиб кетибман уйда. Шу оқшом икковимиз йиғладик ҳам. Энди, Хоразмнинг тақдири кимни йиғлатмайди: шундай қадимий, улуғ ўлканинг бошида ажал шарпаси айланиб турган бўлса! Барибир фарзандлари куяр экан-да...

Тўғри айтасиз, мен ўшанда унчалик куймаган бўлишим керак. Ичкиликнинг таъсириданми, Одамбойнинг гаплари таъсир қилдим, отамнинг аҳволими...

Саҳар туриб келсам, отам уйда йўқ.

Кўчадан топдим.

Менга қарамади.

Уйга келгандан кейин:

— Кетавер, — деди. — Онанг ўлгандан бери ёлғиз эдим. Кўникканман... Чолга бироз раҳмим келди. Кейин: «Барибир айтар гапимни айтдим», деб... Тошкентга жўнавордим!

Яна тўйма-тўй юриш, маишат... Пулим бор эди: бир, саккиз мингча бор эди. Ўзи, ака, менда пул турмайди. Тушдим — кетади. Ким билади, енгил йўл билан тушгани учунми... Ўзим ҳам аямайман-да. Шунинг учун пулга ружу қўйган отарчиларни ёмон кўраман... Хуллас, бор ақчам — ўша экан. Тошкентда эса бир ҳовли... фалон юз минг сўм! Бу пулимга кооператив квартираям ололмайман... Қисқаси, яна тўйма-тўй юра бошладим.

Ҳадемай анча пул йиғилиб қолди. Мен... шу бориғаям бирон эски жой олиб, кейин янгилашим мумкин эди. Лекин Хивадаги уй-жойга ачинардим: кун сайин нархи тушяпти-да.

Ҳе, Луначарскийда беш-ўнта хоразмлик танишларнинг зўр-зўр ҳовлиларини кўрдим: илгари кўчиб келишган. Билишади-да улар: уста одамлар.

Умунан, масалага реал қарагандаям шу-да: уйнинг кўз олдинда тўкила бошласа, нархи тушаверса — нима қилиш керак? Унинг бир сўмга қиммат бўлишини кутиб, тағин бошпанасиз қолишни кутиб ўтириш керакми?

Тағин Хивага бордим. Отамнинг аҳволи анча чатоқ эди: шишганми-е, сарғайгандек ҳам эди. Кўчага кам чиққанми... Бармоқларида қандайдир оқ доғлар пайдо бўлган, кўзлари ўкрийган...

— Келдингми яна? — деди.

— Э, шу ҳовлининг тагига ўт қўйиб юбораман! — дедим. — Шусиз куним ўтмайдимиз? Сизга... сизга ачинаман-да, ота! Афтингизга қаранг! Ойнага қаранг бир! Шуюм туздан дейман... Тавба! Айвоннинг ҳавосиям бузилиб кетипти! — Кейин бирдан ялиндим: — Жон ота, кетайлик! Мен шу бугун Тошкентга қайтиб, зўр бир участка топаман! Уни топдик деб ҳисоблайверинг... Шу оқшом, хоҳласангиз, ҳовлига харидорниям топиб келаман!

Ҳовлига харидор топиларди, албатта! Ҳе, Хоразмдаям бир савдогарлар бор, бир афиристлар бор! Қўқонлик афирист унинг олдида ип эшолмайди. Сурхондарёдаги деновлик афиристлар ҳам унинг олдида бир пул.



Бугун шу ҳовлини, масалан, йигирма мингга олиб, эртага ўттиз мингга со-  
тадиганлар бор!

Отам яна миқ этмасдан ўтирди-да, кейин эшикларни очиб қўйиб, уйларни  
супура бошлади. Қараб турибман... Шу-шу, ёмон иш бу...

— Чиқ, мен уйни супураман, — деди.

Бу — мени ҳайдагани эди.

«Э, қизингни...» деб чиқиб кетдим. Яна ўша жўраларни топдим. Ўзим бир  
рестораннинг залини олдим. Жуда маза қилдик. Кейин ҳалигидай қизлар ҳам  
топила қолди. Яна кетдик Амуга. Қайиққа тушиб суздик. Яна ашула, ўйин...

Роса айтдим ўзим ҳам. Жуда тўлиб-тўлиқиб айтган эканман, шекилли, жў-  
ралар мени Комилжон акага етказиб қўйишди. Бизда энди, ашулачиларнинг  
эталони — Комилжон Отаниёзов-да! Худойшукуров билан Ортиқлар кейин  
юради...

Дарё милтиллайди денг. Оққани билинмайди-да. Биз кетаяпмиз. Худди  
бир ёққа бош олиб кетаётгандек! Ака, менинг жўраларимни ўзига ўхшаган  
отарчи, саёқ деб ўйламанг, зўр-зўр йигитлар улар! Ҳа, энди битта-яримта афи-  
ристям бор... Лекин Хоразмнинг чин фарзандлари улар!

Бир ақлли йигитлар борки!.. Э, уларнинг гапларини эшитиб турсангиз, бу  
дунёнинг бошидан кириб, адоғидан чиқасиз. Адоғидан кириб, бугунги кундан  
чиқасиз!

Шоҳлар, уруш-жанжаллар... Жалолиддин Мангуберди! Шу ҳақдаги пьеса-  
ни чиқариб яхши иш қилишди-я? Лекин унчалик зўр эмас экан. Атай ўқидим.  
Жалолиддин ҳақида битта ҳикоями, повестики ёзилган экан. Униям ўқи-  
дим; қизиқ... Унинг ўлими олдидаги ҳаёти тасвирланган. Гангиб қолган одам.  
Майли, энди, шоҳлар ҳам охир-оқибат шундай ғариб ҳолга тушар...

Лекин бу фикрни баён қилиш учун Ватан озодлиги учун курашган инсон-  
нинг... шоҳнинг сўнгги соатларини тасвирлаш шартми? Қайтамга бир қонхўр  
иблис шоҳнинг шундай дамлари тасвирланса, яхши чиқарди, менимча...

Жалолиддин — у — эртақ! У — бизнинг каъбамиз, жонимиз! Биз унга,  
унинг руҳига ҳамма вақт ҳурмат билан боқишимиз керак. Тўғрими? Ахир, биз  
ҳам халқимиз-ку?

Ҳар бир одамнинг тарихда тутган ўрни бўлар экан: унинг ўрни бошқача!..

Э-э, ўша кеча Амуда кўп гурунги бўлди! Биз худди оқиб, бир томонларга  
кетаётгандек эдик!

Икки кундан кейин чарчаб-ҳориб уйга қайтиб келсам, отам оламдан ўтган...  
ишонасизми, энди бедапояда жаноза ўқишаётган экан. Уйимизнинг шундай  
орқасида...

О! Бўзлаб кирдим. Домланинг олдида бордим.

— Қайта ўқинг, қайта ўқинг! — дедим.

Домла удумга кўра менга бир-икки саволлар берди: отангни маъракала-  
рини ўтказасанми? У-бу...

— Э, минг қарра қилиб ўтказаман! — дедим.

Шу билан тобутни кўтар-кўтар қилиб жўнадик. О, жуда даҳшатли бўлади  
бу пайт: тобутни (сизлардаям шундайми?) шиддат билан олиб кетишадими, чо-  
пиб зўрға етиб оласан: бу оламдан тезроқ чиқаришга шошилишаётгандек тую-  
лади!

Кўмдик. Сизлардақа қилиб эмас. Шундоқ ерга қўйиб, устига сағана кўтар-  
дик. Ерга кўмиш, ҳалигидай лаҳм қазишнинг иложи йўқ-да, сув чиқиб кетади.  
Шунинг учун Хоразмда зиндонлар ҳам ер остида бўлмаган.

Мозордан қайтдик. Уч-тўрт кун қандай ўтди — билмайман. Соқолларим  
ўсиб кетган. Озиб қолибман. Чолнинг еттисидан кейин йигирмасига тараддид  
қилиб қўйдим-да, яна жўраларни топдим... Яна ичипти, машат қилипти, деб  
мени сўкарсиз? Майли... Отам айтганидек, балки бузилиб кетганим ростдир...

Лекин одамнинг дардини дўстлари кўтарар экан. Юрагингни бўшатасан...  
Кейин биласанки, сен ҳам шу оламда омонатсан: борадиган жойинг — ўша  
жой...

Ана шу хаёллар бошингни қамраганда, оламнинг барча ташвиш-тахлика-  
лари бир пул бўлиб қоларкан. Эътиқодлар ҳам... Худо ҳаққи, ҳеч нарсанинг  
қиммати қолмагандай бўларкан. Бироқ мени тагин отам... унинг руҳи қандайдир  
тутиб қолди: у нимага садоқат билан ўтди оламдан?

Хоразмга. Ҳа. Ўша юртга... Бир парчагина бўлиб қолган, буёғиям номаълум юртга...

Бу нарсани мен кўпроқ билардим, албатта. Бошқалар учун отам — оддий уста, қария эди.

Мен бошқа нарсаниям билардим: чол тушмагур гапимга кўнганда, Тошкентга келсак, мен ишонаман, ҳали анча яшарди. Аммо шуни истамади у!

Балки менинг ўша таклифимоқ чолнинг умрини қисқартирди, жон ака!

Тағин бу фалокат, туз ёмғири, Орол фожиаси... Чол уларни билмасмиди?

Во, ҳамма нарсага ақли етарди. Лекин улар — бошқача одамлар. Камгап.

Ичидаги ичида, ҳадеб сиртига чиқаравермайди... Э, бечора отам!

Чолнинг йигирмасини бергач, Тошкентга қараб учдим. Хоразмда яшолмадим.

Бирон ойлар ўтгач, кечикиб бўлсаям, қирқини бергани бордим-да, бир йўла ҳовли-жойни йигирма уч мингга сотдим.

«Бор-е!» дедим.

Шу жой учун шунча гап-сўз бўлди!

Кейин яна Тошкентга қараб учдим... Лекин энди кўнглим ғалати эди: оёғимдан бир нарса Хоразмга тортар, худди оёқларимга тушов солингану арқоннинг бир учи уёқда қолгандай эди. Мен эса... қайсар ўлгур, у ипни резинкадай чўзиб қочардим...

Юрдим: яна сангиб кетдим.

Аммо энди тўйлар ҳам менга татимай қўйди: охирида йиғлашни одат қилибман экан.

Кейин маданият институтидаги ҳужжатларни тўғрилашга бошладим. Учинчи курсдан, бир домла билан уришиб, ўқишни ташлаб кетган эдим-да...

Лекин янги, ёш болалар билан бир аудиторияда ҳам ўтиролмадим: нима қилиш керак?

Пул бўлса, кўп. Жуда кўп!

«Э, нима бўлса бўлар!» деб бир куни Қорақамишга чиқдим. Бозорга. Эскироқ бир «Волга»ни йигирма учга олдим. Худди ҳовлининг пулига...

Нима? Йўқ, ҳовли-жой олишни негадир ўйламасдим: билмайман, нимага шундай бўлди?

Ҳовли-жойнинг бебақолигиданми?

Ҳарҳолда, ака, мен, мана, яна Хоразмга кетиб бораётирман. Ҳа, тўғри ўша ёққа!

Уёқда нима қиламан? Билмайман.

Сиғмадим-да! Йўқ, тушунмаяпсиз: шундай катта Ўзбекистонга сиғмадим!

Хива, ўша минорлар, эски карвич деворлар, торкўчалар, сағаназор мозорлар мени тортди.

Майли, бари тўкилиб, чириб кетмайдими!..

Мен ўша ерга бораман.

Балки... балки бу бир ҳолатдир?

Лекин мен туғилган юртимни қайтадан кашф этдим. У тап-тақир чўл, саҳро бўлиб қолгандаям — менинг тупроғим экан. Ўлиблар кетмайманми ўша ерда!

Хоразм, жонгинам.

Бу манглайи қора ўғлинг тағин бағринга бораётир... Бу саёқ фарзандинг дунёнинг кўп ўйинларини тушунмайди: ўйлайди, ўйлайди. Кучи шунга етади, холос.

## ЙИҒИ

Уғлим Жамшидга. Афғонистондан  
омон қайтганига шукрона қилиб...

Мен миллатчи эмасман. Афғондаги босмачиларгаям муносабатим аниқ. Аммо, дўстим, ўша ерда хизмат қилаётганимда бир воқеа содир бўлдики, ҳа-ли-ҳамон унинг мағзини чақолмайман.

Биз крепостда турардик. Тошдан ясалган қўрғонда. Деворидан одамнинг боши кўринади. Девор ортидаги майдонга вертолётлар келиб кўнарди, биз кечаси уларни кўриқлардик: Кундузи ҳар хил топшириқларни бажарардик. Го-ҳо кечаси ҳам босмачилар яқин келгани ёки бирон қишлоқни босганини эшит-сак, бораверардик. Эғнимизда ўқ ўтмайдиган жилет, қўлимизда автомат. Ко-мандир буюрса, бас...

Ёнимизда битта ўзбек қишлоғи бор эди. Жуда хароб яшайди у ернинг хал-қи. Одамларини кўрсангиз, раҳмингиз келади. Кир-чир, қўллари қадоқ... Қиш-лоқнинг ўртасида дўконлар бор. Улимни ўйламасак ҳам, барибир бўйинга олиб кўйгандик. Биласизми, жуда кўрқмас одам ҳам, жуда кўрқоқ одам ҳам тез ўлар экан: битта наманганлик ўртоғим бор эди. Келганида майингина йигит эди. Ўзи, бўйи мендан икки қаричлар баланд. Олти ой ўтмасдан броне-жилет киймасдан жангга кирадиган бўлди. Улимни сира ўйламас эди. Босмачилар-нинг снайперлари уни қасдлашган экан. Буни кейин билдик... Бир куни иккала-миз крепостнинг ёнида мана шунақа тошда ўтиргандик. Гаплашиб. Рўпарамиз-да баланд тоғ: тошлар, ғадир-будир. Дарахат йўқ. Ўртоғимга ўқ текканини бил-дим... Эшитдим. Ўқнинг овозини эшитганим йўқ. Мана шу еридан — қоқ пе-шонасидан теккан экан. Чинқариб юборди. Жойидан сапчиб кетди. Орқага йиқилди. Мен ҳам бурилиб, тош панасига ўтдим. У типирчилаяпти. Тоққа қараб турсам, бир тошнинг орқасидан саллали киши чиқди. Бўйини чўзиб бу ёққа қа-рай бошлади. Улики кўрмоқчи-да. — Ҳа-да, қулоқ-бурнини кесиб кетади. Ё ав-томатини олиб кетади. Отдим саллалини. Сурилиб тушиб келди. Устига бориб, яна отдим. Йўқ... тушгунча ўлиб бўлган экан.

Милтигини олиб келдим. «Бур» деган милтиқ экан. Инглизларники. Биз-нинг снайпер милтиғимиз билан тенг туради. Ҳе, кейин кўп болалар ўша мил-тиқ билан расмга тушишди.

Хуллас, жуда кўрқмас одам ҳам тез ўлар экан.

Мен сизга бошқа нарсани ҳикоя қилмоқчи эдим. Яхшиям ўртоғимнинг ўли-мини айтдим.

Ана шунда мен биринчи марта йиғладим. Йиғладим-у, шундан кейин бош-қа бировнинг йиғлаганини кўрсам, тоқат қилолмайдиган бўлиб қолдим.

Битта йигит тўртинчи даражали бош ошпаз экан. Взводга келиши билан: «Мен ошпаз бўламан», деб туриб олди. Ўзимизда ошпаз бор. Командир: «Йўқ», дейди. У бўлса... йиғлайди. Шунда бир-иккита руслар ҳам ундан кулишди.

У бир ҳафтадан кейин биринчи жангда ўлди.

Сизга айтмоқчи бўлган ҳикоям ёнимиздаги қишлоқлик бир ўзбек бола ҳа-қида.

Ун беш ёшда эди. Лекин... йириккина эди. Гилам дўппи кийиб юрарди. Она-си, тўртта укаси бор эди.

Ўша бола менга битта кучуквачча олиб келиб берганди. Қозоқи итга ўхшай-ди. Расмиям бор. Мана, оёқларига қаранг, қандай йўғон... Ўлди.

Олдин ҳам бир ўлимдан қолганди. Бир куни босмачилар яқин келганини эшитдик. Жўнадик. Олдинда сапёрлар. Орқада биз. Дух ҳам эргашди (мен унга Дух деб от кўйган эдим). Ҳа-да, босмачиларниям кўпинча Дух деб аташарди уёқда. Уларнинг кўпи тоғ одамлари. Қўлга тушириш қийин. Ўлдирдим деб усти-га борсангиз, сизни отиб қўяди...

Ҳа-ҳа, Дух ҳам бизга эргашди. Ит — ит-да. Минани босиб қўйиши мумкин. Йўлда бир қисмдан ўтаётгандик, уни қолдирдик. Бир кладовкага қамашди.

Биз кетгандан кейин шу қисмни текширишга комиссия кепти. Битта капитан ҳалиги омонат уйчаниям очирипти. Дух унга ташланган экан, у тўппончадан отипти. Оёғига тегипти. Орқамиздан оқсаб етиб борди. Кейин... уни Ҳаким олиб кетди.

Уша бола-да... Баъзан мен билан гаплашиб ўтирарди. Нима? Қишлоққа оралаган босмачилар ҳақидаям хабар берарди. Йўл кўрсатарди баъзан.

— Сизлар Ўзбекистондан келиб қолган ўзбекларми? — деб сўрасам, даб-дурустдан жаҳли чиқарди.

— Мумкин сизлар биздан бориб қолган ўзбеклар! — дерди.

Мен ичимда қувонардим. Биласизми, ўзбек эканингни бу ерда — Ватанда қадрига етмайсан, эсламайсан ҳам. Аммо четда... билинар экан. Биринчидан, тезда топишасан. Қайси юртдан эканини сўрайсан. Сухбатлашасан. Тилинг бир, урф-одатинг бир... У ерда жудаям тез яқинлашиб, жигаргўшадек бўлиб кетасан. Сўнгра мен бир нарсани сездим, аниқроғи, ишондим: бизнинг ўзбек болалари яхши уришар экан! Мана мундай кичкинасиям тезда юрагини босиб олади. Қарабсизки, автоматни кўтариб кетяпти. Тўғри, биздан геройлар кам чиқди. Лекин геройлик бериш бизнинг қўлимизда эмас эди...

Нима? У ердаги баъзи босмачилар ҳам — менимча, ўзбеклар экан...

Хуллас, ҳалиги афғонлик ўзбек болаям бизга бир укадек бўлиб қолди.

Сухбатимиз энди... У кўпинча Союз ҳақида сўрарди. «Сизлар неча жон оилада?» деб сўрарди. Тағин, бизни яхши кўрарди-ю, лекин қандайдир, нима десам экан, ҳадиксираб қарарди. Уша араққа борганидаям қандайдир қўрқиб, ҳам жирканиб борарди. Йўқ, уларда сухой закон!

Бир оқшом қишлоқ яқинида босмачилар пайдо бўлганини эшитдик. Телевизор кўриб ўтирган эдик. Командир буюрди. Кетдик... Уша жойга яқинлашгач, ракета отдик. Ҳалигидай осмонда тўхтаб турадиган ракетадан. Мушакни кичкина парашют тутиб туради. Уч-тўрт минут атроф кундуз кунгидек ёришиб туради. Шунда отамиз!

Улар кўпчилик экан. Отиб бораяпмиз, отаяпмиз. Охири биттаси яраланган экан, уни ташлаб қочишди. Олдин борганлар уни тутиб келишди. Қарасам, ҳалиги Ҳаким...

Бирдан бурилиб кетдим.

Кўрғонга келдик. Бу ер ёп-ёруғ. Проекторлар кўп-да! Командир ҳам чиқиб келди. Унинг яқин дўстлариям. Бола ўртада. Мени кўрди-ю, йиғламоққа тушди-ку!

— Ака, мени ўлдирасизлар. Ўлдирманглар... Улар мени олиб кетишаётган эди...

— Ўлмайсан, ўлмайсан, — дедим.

— Йўқ. Ўлдирасизлар! — дейди.

— Ҳаким?

— Сизлар асир тушганини ўлдирасизлар!

— Йўқ дедим-ку! Сени мана булар ҳам танийди.

— Йўқ, танисаям ўлдиради.

Хўп, гапи-ку, майли... Йиғлаганини айтмайсизми? Бақириб йиғлаяпти денг!

Улай агар, тоқатим қолмади. Қарасам, баъзи ўртоқлар кулишяпти ундан.

Шунда, ишонасизми, кишида миллий туйғу дейсизми, қандайдир ор-номус дейсизми, ғалати бир туйғулар уйғониб кетар экан: ўша боладан эмас, ўзимдан кулишаётгандек бўлди. Худо ҳаққи! Ёнимдаги ўзбек болалар ҳам унга ялина кетишди:

— Йиғлама. Ўлдирмаймиз...

— Ўлдирасизлар... Менинг айбим йўқ!

Қизиқ гап-а? Унинг айби бор-йўқлигини биз, хориждан келган аскарлар ажрим қиламиз.

— Қандай қилиб уларнинг қўлига тушипти? — деб сўради шунда командиримиз.

Мен ундан сўрадим:

— Қандай қилиб уларнинг қўлига тушдинг?

Ана шунда бола пақир йиғидан тўхтади:

— Мен сизларни ёмон кўраман, — деди.

— Нима, нима?!

— Сизлар — босқинчи... Нега бизнинг юртга келдинглар? Тинчгина яшаётган эдик...

— У ёғини ҳукуматингдан сўра, — дедим. — Тушундингми гапимни?

— Ҳукуматим сотқин, — деди.

Тавба.

Кимдир шунда бу гапни командирга таржима қилди.

Бундай пайтда ҳукм қатъий бўлади...

— Ҳақим энди ўласан, — дедим.

— Билардим-да, хунхўрлар! — деб яна уввос солиб йиғлай бошлади.

— Йиғлама, — дедим. — Мард бўлсанг, охиригача мард бўл, ука. Йиғлаб нима қиласан?

Болалар яна қўшилишди:

— Йиғлайди-да энди. Ёш бола... Улим ўлим-да, ака... Қўрқаяпти...

Шунда у баттароқ йиғласа бўладими! Қарасам, қишлоқ томонда ҳам йиғи бўлаяпти. Чамаси, болани овозидан танишган. Лекин бизга яқин келишолмайди.

— Ука, йиғламасанг, сени олиб қоламан, — дебман шунда. — Майли, отилиб кетсам ҳам... Хўп дегин. Сени қамаб қўяман. Кечаси чиқариб юбораман.

— Ялғон! Ялғон! Сизлар қонхўр! Сизлар — ўзбек эмас! — деб тағин бақиршга тушди.

Ҳа. Узим автоматни бўшатдим.

Шунда... яна тавба дейман, Дух ўлгур аллақаяқдан келиб, менга ташланиб қолди-ку! Мана шу томоғимга интилади денг. Униям отдим.

Қабристониям шундай яқинимизда эди... Хотин, қиз, кампир дегани шу куни кечгача мозорда ўтириб йиғлашди. Мен шундай ҳолатга тушдимки, ўзимни ўзим отиб қўйишимга оз қолди. Кечқурун улар чарчаб уйларига кетишди.

Ухлаб қолдим... Ҳамон туш кўргандайман... Биласизми, мен, ҳали айтганимдек, миллатчи эмасман. Яъни, ўзбекларни кўпроқ яхши кўриб қолдим-у, бошқаларни камроқ ҳурмат қиладиган бўлдим, демоқчимасман. Биз, худога шукур, интернационалистлармиз... Афғонистондаги босмачиларгаям муносабатим ўзгаргани йўқ.

Бироқ менда қандайдир шафқатсизлик пайдо бўлди, балки жиззакиликдир...

Бундан ҳам муҳими, ҳа, энг муҳими, мен ўйлайдиган бўлдим-да: «Инсон дегани аввало, балки ҳамиша энг олдин ўз халқи учун, уни ҳимоя қилиш учун, ўз Ватани ҳимояси учунгина урушга кирса, унда ўлса ҳам, армон қилмаса керак. Дўстларинг ўлсаям, унчалик кўз ёши тўкмасанг керак...»

Хуллас, мен ўша йиғининг, умуман, йиғлашнинг, нега йиғидан қўрқиб қолганимнинг сабабини, сабабларини ҳамон тушунмайман.

Лекин шу тўғрида ўйласам, Ҳақимнинг додлаб йиғлаганлари, қариндошларининг кун бўйи бўзлаганлари кўз олдимга келаверади. Анави Дух ҳам... Нега бундай? Уларга ачинганимданми?

Балки. Нимага десангиз, ўша воқеаларни эсласам, мени айблашингиз мумкин, аммо ўша бола учун ҳам, ўша аёллар, қизалоқлар учун ҳам йиғламоқчи бўлаётганимни сезаман: титраб кетавераман...

Нима? Балки, балки! Ахир, мен бу ерда — юртда йиғи нималигини билмас эдим.

## Ҳукумат

Уруш йиллари Кенгдалада раислик қилганимда бир қозоқ кампир бўларди. Бечора ёлғиз эди, бизнинг уй ишларини қиларди. Ушанда ўтовда турардик. Сигир бор, иккита-учта совлуқ бор, шуларни соғарди. Кир-чирни юварди. Ана шу боёқиш «раис» деган сўзни билмасди-да, нуқул: «Ҳукумат опой...» йўқ, «Ўкумат опай», деб чақирарди мени. Язнангизниям «Ўкумат оғай» дер эди. У киши — колхознинг раиси, мен Шўронинг раиси эдим.

Нима бало бўлди, мен ҳам қаригандан кейин катталарни «Ҳукумат» дейдиган бўлдим.

Қодиржонниям «Ҳукумат болам» дер эдим. Ёш кадр, оталари партия, совет ташкилотларида кўп йил ишлаган, бообру одам эди. Урушдан қайтмади. От ўрнини той босади дегандек, Қодиржон ҳам раҳбар бўлиб етишди.

Аграномликни битирганми-ёв, аниқ билмайман. Лекин, болам, ҳозир ҳам районда уни жуда ҳурмат қилишади. Энди... бизга ўхшаган қарияларниям иззатлайди-да. Кўпнинг дуоси — кўл, ҳурмат қилсанг — ҳурмат кўрасан.

Шу киши денг, бизга унча-мунча қарашиб турарди-да. Совхоз директори, ҳамма нарса унинг қўлида: қозоннинг бошида... Биз ҳам ахир шу жамиятни деб хизмат қилдик. Вақти келганда, оч қолдик, қийналдик. Лекин жамиятни деб яшадик... Ҳе, болам, бошимиздан кўп савдолар ўтган: саводсизликни тугатишда ўзимизнинг ўлиб кетишимизга оз қолган, қўш хотинликларга қарши курашишда ҳам битта Жаъфаров деган кишининг мени отишига оз қолган. «Эна-ғар, хотинларим рози бўлса, яна нима дейсан?» деган. Бир ҳисобда ўша одам ҳам ҳақ экан... Лекин замоннинг талаби шу эди: уни жавобгарликка торттирдик. Кейин хотинлариям мени уч йил қарғаб юрди. Қулоқ қилиш, тилла қидириш вақтларидаям кўп иш қилдик...

Ҳа, энди мана, қариб, пенсияга чиқдик. Мен тенги дугоналаримдан ҳам учта қолдик. Лекин мен содда эканман: пул йиғмапман. Дунёнинг кетидан бўлмапман. Мана, энди пенсияга қараб ўтирибман. Язнангизнинг ҳам аҳволи шу. У бечора шунча йил колхоз раиси бўлиб, фақат отни миниб: «Машоқни терма! Ғаллани ўрма!» деб умрини ўтказган экан. Аммо-лекин у кишиям жуда ҳалол ишлаганлар. Биламан-да. Урушдан кейинги қимматчилик йилларида айримлар каламуш, сичқонларнинг уясини кавлаб, ғалла-дон топишарди. Ана шуларгача тортиб олиб, ҳукуматга топширганлар...

Уғилчамиз шўх чиқди. Боши омон бўлсин, қолгани — шу... «Кенжа болам, кенжа болам, топганимни сен же болам», деб юргич эдим. Мана, ёшимиз ўтганда, бу одам бўлди. Бир нимани ёлчитиб едирмадик ҳам. Қайтамга унинг қўлига қараймиз.

Шопирнинг топгани нима бўлади? Бе, сиз айтадиган шопирлар бошқача. Бунинг машинаси бир кун ишласа, икки кун ўзи ишлайди: машинанинг тагидан чиқмайди. «Эна, янги мошин оберинг. Ота, далолат қилинг», дейди.

Бизнинг гапимиз ўтмайди... Қодиржон «янги машина келса, бераман» деган. Ана шундай кейин Кенжабой ўзини ўнглаб олар. Уғилчаси мактабга борадиган бўп қолди: ҳали қўлини ҳалоллагани йўқ...

Шу, яқинда денг, авфон шамоли бўлди-ю, анави оғилнинг устини очиб кетди. Кенжабой иримига девор кўтариб, устини тахта-картон билан ёпган эди: товўқхона қилган эди. Шунинг томини кўтариб ташлади. Э, қиёмат бўлди ўша кун. Кўп зиён етказди у шамол.

Шунда жиянингиз айтиб қолди-да: «Эна, қани ўкуматингизга боринг энди. Тўртта шипр берсин», деди.

Шу гапи менга негадир ўтиб кетди.

— Бораман! — дедим. — Сен менинг ҳукуматимга пичинг қилма! Ҳали ёш боласан! Биз уни қурганмиз! О, қандай қийинчилик билан қурганмиз!..

Рост-да, ўғлим, шу колхоз тузилиш йилларида мен ўн уч-ўн тўрт ёшларда эдим. Энам бечора отамдан қолган қўш ҳўкиз билан қўзили совлиғимизгача колхозга берган эди. «Бўлсин, ишқилиб, шу жамият бўлсин. Ҳукумат оёққа турсин!» дер эдик...

Эндиликда шаккоқлар кўпайган, болам. О, баъзан бир гапларни эшитасан, бир гапларни! Одамларнинг оғзи мана мундай бўлиб кетган. Бизнинг замонларда у оғизларни аллақачон йиртиб қўйишарди. Ҳозир тартиб-интизомдан путур кетган. Органлар ҳам яхши ишламайди, мен сизга айтсам...

— Э, боринг! Шу Қодир ҳукуматингизга бир учранг! — деди Кенжабой.

— Учрайман! — дедим. Анави туфлимни кийдим. Лениннинг юз йиллигида, Октябрнинг олтмиш йиллигида берилган медалларни тақдим. Чолга қарасам, боши хам. Жўнадим.

Мана шу тор кўчадан ўтиб, мош экилган далага чиқдим. Бирам ҳаво яхши. Мош пишган. Қирс-қирс ёрилади. Ариқларда сув. Қурбақалар қуриллади.

Жуда кўнглим очилиб, ҳее ўтган-кетган кунларни эслаб, катта йўлга чиқ-

дим. Кўпқаватли иморатлар тушаётган экан, шуларнинг орасидан ўтиб, совхоз идорасига бордим.

Бу — эскидан қолган иморат эди. Пешайвони бор. Ери тахта-пол қилинмаган. Лекин менгаям қандайдир яқин иморат эди. Қодиржон шу ерда ишларди. Кириб бордим.

— Ассалому алайкум, холажон, — деди. Ўрнидан туриб келиб кўришди. Мундай жойдаги диванга ўтқазиб, бир пиёла чой берди. — Дамлигинамисиз, холажон? Бобой яхшими? Жиян қалай?.. Яқинда янги машина келади, албатта берамиз, дегандим...

— Ҳе, мингга киринг, оғажон, — дедим. — Отангиз ўзи улуғ одам эдилар-да!

— Хизмат, холажон?

— Э, ўғлим, — дедим. — Кечаги шамолни билдингизми?

— О, аста айтасизми! Бизнинг қирқта шипримизни учуриб кетди. Парча-парча қилиб ташлади. Қанча цемент, албастр кўкка учди. Узиям ярим соат орасида ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб юборди-да!

Шипрни тилга олганида, дамим сал ичимга тушган эди. Барибир айтдим.

— Шундай-шундай... Катакнинг усти очилиб қолди. Товуқлар сочилиб кетди. Кенжабойингиз жинни бўлиб юрипти. Бизда қўй йўқ, сигир йўқ. Шу тўртта товуқ...

Қодиржон индамай қолди. Индамай чой ичди. Худо урсин, уни ҳеч мундай аҳволда кўрмаган эдим: ҳамма вақт «йўқ» демасди... Ахир, биласиз, бир замонар бу ҳукуматимиз бизга қарам эди. Энди биз унга қарам бўлиб қолдик: қарашиб турса ёмонмас-да! Тўғри, одам хижолат бўлади. Аммо наилож.

Йўқ-йўқ, мен йилида келсам, бир марта келардим. Илтимос билан. Шундаям давлат нархида пулини тўлаб олардим. Энди, бир қоп-ярим қоп камикор-мами, буғдойми, арпами, ишқилиб... «йўқ» демасди-да.

Узи, мен сизга айтсам, болам, бу тиланчилик эмас. Худо асрасин: энди, одам... ҳаддинг сиғиб келасан-да. Ўзингнинг ҳукуматинг, ахир.

Тўғри энди, бу ҳукуматимиз ҳам анча пишиқ бўлиб кетди: бир вақтлар байрамлар бўлса, Октябрь ҳайитлари кунни бозоржойда қозон-қозон ош дамларди, чой, нон — бари бепул. Ўйин-кулги. Байрам, тўй — тўйдек ўтарди. Кейин... бунақа супралар ҳам очилмайдиган бўп кетди. Қайтамга баъзи одамлар каттароқ тўй қилса: «Бой бўп кетдингми?» дейдиганлар кўпайди...

Мен ўғри, каззобларни кўзда тутмайман, болам. Улар ҳалиям бор. Охири ўз ҳақини олади: худодан топади. Худодан топмаса, ҳукуматнинг ўзи кўрсатиб қўяди.

Қаригандан кейин эзма бўлар экансан киши.

— Ҳа, Ўкуматжон? Мундай ўйланиб қолдингиз? — дедим.

— Э, холажон, ҳозир замон ўзгариб кетди, — деди Қодиржон. — Мен сиздан ҳеч нарсани аямайман, билиб қўйинг! Ҳукумат ўз ветеранларидан аямайди...

— Раҳмат! Ҳукумат пақат халқ фаровонлигини кўзлайди.

— Гап шундаки, холажон, биринчидан, бизда ҳамма нарса қаттиқ ҳисоб-китобли бўлиб қолди. Қурилиш материалларининг ҳам нархи ошди... Шунга қарамасдан сизга ёрдам қилиш керак... Аммо, холажон, ўзингиздан қолар гап йўқ, этакдаги чўл ўзлаштирилгандан кейин совхоз бўлинди.

— Бўлинди?

— Ҳа. Иккита совхоз бўлди-да... У совхозга кўп жойларимиз тушиб кетди.

— Қаерда у?

— Ана шу катта йўлдан бора берсангиз, астановка келади... Ҳали эшитмаб эдингизми?

— Қайдан?

— Шу ердан қизил автобус ўтади. Учта астановкадан кейин чапга бурилиб тўхтайтиди. Қарағай экилган боғ келади. Ана шу ерда янги совхознинг идораси...

— Хўп, идораси бўлса бўлар, — дедим. — Мен сиздан ёрдам сўраб келдим-ку?

— Мен ҳам айтяпман-ку, сизнинг ерингиз ўша совхознинг территориясига тушиб кетган.

— Хўш?

— Шунинг учун... шунинг учун ёрдамни ўша совхоз қилади энди. Директори ёш йигит, ақлли... Холажон, тушунмаяпсизми? Кечирасиз энди...

— Йўқ, тушундим, тушундим, — дедим. — Лекин сизнинг идорангизга пиёда келдим, уникига аптобус билан борсам, у бизга йироқ экан. Қодиржон, меникиям бир гап-да: сизнинг совхозингизда тураберсак-чи, қола берсак-чи?

— Ҳе, холам-э, холагинам-э, холагинам-э! — деб кулди у. — Мумкин эмас!

Мен билар эдим; мумкин эмас. Лекин йўлига айтган эдим-да.

— Хўп, ўша совхозда бўла қолайлик. Лекин сиз... ўнтагина шипрга қоғоз берсангиз, мен пулгинасини тўлаб...

— Холажон, мен нима деяпман? Кечирасиз, тушунтиролмадим шекилли... Хўш, энг муҳим гап шундаки, бизда ҳам ҳалигидай хўжалик ҳисоби, самофинансирование деган гаплар амалга ошяпти... Бундан ҳам муҳими, хўш, ҳамма нарса шу қадар ҳисобли-китобли бўлиб кетаяптики, мен сизга битта шипр берсам ҳам, бу ерда гап қилишади. Совхоз мулкани бегоналарга талон-тарож қилдирди деб...

Ана, биз бегона бўлиб қолган эканмиз. Вой, мен тушунаман, ғалча эмасман: ҳукуматнинг гапи гап. Қарорлари — қарорлар! Уларнинг, мисол учун, план бажаришда кўпи амал қилмасаям, мана мундай йўриқларда жуда амалда!

Лекин мен энди бешта шипр деб юрсам... Кенжабойдан ҳам уялдим: «Ҳукуматингиз нима қилди деса, нима дейман? Ҳукуматим ўзгарипти, дейманми?»

Қодиржон яна бош эгди. Билдим: боланинг иложи йўқ. Бўлмаса, у бундай қилмас эди.

— Ҳа, болам, яхшилигингни кўр, — дедим. — Сен ўксима, Қодиржон... Унга бўлса, унга бораман-да...

Қодиржон хўрсиниб туриб кетди.

— Биз бир қаттиқ бўлсак, тошдан ўтиб кетамиз! — деди. — Бир сахий бўлсак...

Мен кулдим.

— Сахий бўлганимизни ҳалигача кўрганим йўқ. — Кейин унинг кўнглини кўтардим. — Биз, болам, ҳукумат... ҳукуматимиз катталариям йўқсилдан чиққан. Ўзимиз ҳам. Бойларниям йўқсил қилганмиз. Бундай мамлакат, ҳукумат... кўрпасига қараб оёқ узатиши керак. Тушунаман, оғажон. Меникиям бир гап-да.

— Ақлли холажонимдан айланай, — деди.

Шундай деди.

Мен уни дуо қилиб, чиқдим. Айтганидек йўлга тушиб, бекатга бордим. Автобусиям айтганидай экан, келди. Ўша Қарағайзорга бурилганда, тушиб қолдим.

Қаранг-а, уйда ўтириб қолганингдан кейин жамиятдан чиқиб ҳам қолар экансан. Газета кўп, кўп оламиз. Журналлардан ҳам... Дунёнинг у чеккасидаги гапни билиб турар экансан-у, ёнингдаги ўзгаришлардан беҳабар қолар экансан.

Бу тарафлар, ҳее, тоза ўзгариб кетган экан... Эсимда бор. Кечагидай: қирқинчи йилмиди, ўшанда Шўро мажлисини ўтказиш учун шу томондаги бир овулга бориб, кеч қайтгандим. Бир чўпон бечора: «Қизим, отингиз яхши экан. Лекин бемаҳалда юрманг, жондор учрайди», деб эди. Мен... ёш эканман: оловлик. Отимга ишониб ҳайдай бердим. Қурисой деган жойга етганда, бир бўри эргашди. Тавба, қўрқмапманми денг. Бошимда катта шол рўмолим бор эди. Шунинг бир учидан ушлаб, бир учини осилтириб келавердим. Бўри ўлгур рўмол билан ўйнайди денг. Эшитганман-да, бўри отнинг думидан олади деб. Хавотирим шундан эди. Бир маҳал рўмолни тишлаб бир тортиди, қўлимдан чиқиб кетди. Ана энди, ўлдим, деб ўйладим. Отни ҳайдадим. Қор, муз, совуқ. Бўри эргашди. Буёқда қоронғи тушяпти. Сойдан чиқиб, энди қирга ўрлагандим, бўри етди... Отим бир сапчиб кетди-ю, йиқилди. Шундай ёнбошлаб қолди. Қарасам, бўри-мўри йўқ. От соғ. Пишқиряпти. Шундай бўйнига осилиб олиб: «Чух жонивор!» дедим. Гапим далда бўлдими, от жонивор сапчиб туриб кетди. Ҳей ундай жойга борганда эгарга миниб олдим. Қарасам, бўри... от йиқилганда тагида қолган экан. Инқиллаб четга чиқяпти. Бирдан увлаб юборди. Мен отни суриб ҳайдадим яна. Жийдали деган жойга етганда, бир аравани учратдим... Шундай қилиб, омон қолган эдим...



Нима деяркан эдим?

Ҳа, бу даштлар ҳам ўзгариб кетган экан.

Идорани топиб кирдим. Ҳе, башан. Зиналари мармардан. Райкомнинг биносига ўхшайди. Бир чолгина диванда ўтирган экан, директорнинг хонасини кўрсатиб қўйди.

— Ассалом алайкум, ҳукумат болам, — деб кирганимни биламан, у талаб ташлади.

Йўқ, сира танимадим. Ёшгина. Кўзлари ўйноқлабгина турган йигит. Ўттизларнинг нари-берисида. Қодиржонга ўхшаб жайдари кийинмаган ҳам. Бўйнида галстук, оппоқ кўйлак.

— Нима дедингиз ўзи? Ким ҳукумат? — деб бошлади.

— Ҳай-ҳай, тил ўлгур ўрганиб қолган-да, — дедим. — Ҳовлиқманг, болам. Биз ҳам, ҳей, сондан чиққан уй хотини эмасмиз... Вақтида райкомлардаям ишлаганмиз. Киссамизда партия билетимиз бор!

— Ҳеч ўхшамайди-да, ўхшамайди, — деди. — Ҳа. Хўш, мақсад нима? Тезроқ бўлинг, вақтим зиқ!

Бу гапдан кейин унга бирнимани дангал айтиб бўладими?

— Директор болам, — дедим. — Билсангиз, эшитган бўлсангиз, мени фалончи опа дейдилар. Кекса...

— Опа, ветерандан кўпи йўқ! — деди гапимни кесиб. — Ҳалиям битта ветеран чол келиб кетди. Қиладиган иши — магазиндан давлатнинг гўштини сотиб олиб, ташқарида икки марта қимматга пуллаш экан! Ветеранлар учун ҳамма нарса безочирид-да! Шундан фойдаланар экан, ноинсоф.

— Ҳа, энди ночорликдан...

— Опа, муддао нима?

Жуда хўрлигим келди: ахир, мени районда билишарди. Ҳар йили Октябрь байрамларида бизни чақириб сийлашарди. Дугоналаримниям. Кўрганлар салом берарди.

«Бу йигит бошқа райондан келган экан-да», деб ўйладим-да, муддаога ўтдим:

— Олдин Қодиржоннинг совхозига қарардик...

— Қайси Қодиржон?.. Ҳа-ҳа, Қодир Собиржонович! Хўш?

— Энди сизнинг совхозингизга ўтипти бизнинг ерлар.

— Жуда яхши бўпти! Бу совхознинг келажаги катта! Ҳим, болаларингиз ишлайдими?

— Ҳа, биз ўғилчамиз... Кенжабой шопир. Лекин... Лекин... Лекин билмадим, у сизнинг сапхозингиздами, ё ҳалиям Қодиржоннинг сапхозидами?

— Хўш, мақсад? — Кейин ҳеч иккиланмай: — Тайин бирон илтимос билан келган бўлсангиз керак? — деди.

— Ҳа, — дедим.

— Ўзим ҳам пайқаган эдим...

— Шу биргина бостирмамиз... товўқхонамиз бор эди. Кечаги довул томини бузиб, картонларини учириб кетипти, ўғлим. Шунга бир қарашасизми деб...

— Шипр йўқ.

— А?

— Бизда қурилиш бригадаси бор. Самофинансированига ўтган! Бу гапни тушунасизми? Кооперативни-чи? Хозрашётни? Ҳим... Гап шундаки, сиз ўшаларга учрашасиз. Улар бориб, ками-кўстингизни битириб беришади.

— Ўзлари-я?

— Ўзлари! Лекин текинга эмас!

— Ҳа, албатта... Давлат нархида бўлса...

— Давлат нархида эмас! Илгари биз баъзи қари-қартангларга қарашганмиз... қарашганлар. Совхоз баҳосида ул-бул ишлар қилиб берилган. Энди у нарса бекор қилинди. Ҳали бора-бора қурувчиларимиз ҳам мустақил бўлиб кетишади.

— Тушунмаяпман. Улар... қиммат оладими?

— Уҳ! Ҳозир, опа, қурилиш материаллари икки карра қимматлаб кетган. Биласизми шуни?

— Йўқ.

— Хуллас, биз ёрдам беролмаймиз... Бошқа саволлар борми? Уша Кенжабойингизга айтинг... Сизни ветеран деб чоптириб қўямасин, хўпми? Ҳозир бари ёшлар нуқул ветеранларни чоптиришади... Билиб олдик! Энди бунга барҳам берилади...

— Энди биз...

— Менинг сизга ёрдамим — мана шу!

— Нима?

— Тушунтирдим-ку?

— Сал-пал тушундим... Лекин сизни ҳукумат деб... Ахир, ҳукуматдан бошқа кимимиз бор, ўғлим? Сизлар ёш эдинглар, балки туғилмаган эдинглар...

— Мен бу гапни ҳалигина эшитдим.

— Э, амалинг бошингдан қолсин! Садқаи ҳукумат кет! — Шундай дедим-да, чиқиб кетдим.

Энди денг, йиғлагим келади. Қаёққа боришни билмайман... «Хор бўлдим-да оқибат!» деб қарағай тагига бордим. Утириб хўп йиғладим. Буёғи қандай бўлди энди?

Э, болам, биз ўйлар эдик-да: «Ўлимлик ҳам йиғмаганмиз. Ҳукуматнинг ўзи кўмади», деб...

Қаранг, одамлар қандай шафқатсиз бўлиб кетаяпти. Ёшгина боланинг гапини...

Сувга тушиб, қуруқ чиққандай бўлдим, уйга жўнадим. Лекин ўпкамни бо-солмайман: ўлай агар унинг гапларидан бир нарсани тушунган бўлсам...

Шундай қилиб, автобусга чиқдим. Бир ёшгина йигитнинг ёнига ўтириб қолдим. У Афғонистондан келган экан. Бир оёғи йўқ экан. Мен йигитчанинг туриб жой бермаганидан ҳам сал ўксиган эдим. Кейин тушундим-у, гурунглашиб қолдик. Ҳе, у шўрлик ҳам ветеран экан... Менга айтмади-ю, қандайдир иши битмаганини пайқадим. Кейин автобусдан тушиб, уйга пиёда жўнадим.

Ўзимча ўйлайман денг: «Ҳа, нималардир ўзгарипти. Хозрашётми, самофинасми бўпти... Яхшиликка бўлсин! Лекин биз шу ҳукуматни деб умрни ўтказдик. Энди у бизга...»

Йўқ, болам, уйга боролмадим. Бошим қотиб қолди. Мошзорга етганда тагин қайтибман денг.

Орқага-да.

Бир вақт қарасам, эски сапхознинг идорасидаман. Қодиржоннинг олдида турибман.

— Ҳа, холажон? — деди.

— Э, болам, менинг ҳукуматим... сен экансан. Шу сапхоз экан, — дедим.

— Ҳа, шундай дедим.

Бекорчиликдан «Минг бир кеча»ни ўқиган эдим. Бир пошшо бир ғарибнинг ҳикоясини эшитиб, унга қўшилиб йиғлайди. Шунга кулиб эдим. Қарасам, Қодиржоннинг ҳам кўзи ғилқ ёшга тўлган.

— Холажон, уйингизга боринг. Боринг, холажон. Мен ўзим юбораман шипрни, — деди. — Нечта керак?

Ана шунда ўзимга келдим. Кейин... уялдим. Энди шипр кераксиз бўлиб қолган эди.

— Иложингиз етар экан-да? — дебман.

— Буёғини суриштирманг, — деди.

Кетдим.

Шу оқшом Қодиржондан икки давангидай йигит ўнта катта шипрни бир машинага ортиб келиб, бостирманинг устини ёпиб, тагин бирини запасга қўйиб кетишди.

Ўзимча ҳайрон бўлиб, Қодиржонни ҳам алқаб, ҳам ичим зиқ бўлиб ўтиргандим, Кенжабой келиб қолди. Бостирмани кўриб хурсанддир, деб ўйласам, қовоғи солиқ.

— Ҳа? — дедим. — Ўкуматим қилиб берган ишни кўрдингми?

— Кўрдим, — деди у. — Қодир ака уйдаги шиприни юборган экан. У кишиям бир оғил-поғилга ишлатаман деб опқўйган экан.

— Вой, шўрим...

Мана, сизга айтмоқчи бўлган гапим шу, ўғлим. Сиз тагин бу опамиз таъмагир экан... Хўш, ҳукуматдан норози бўлипти, деманг, болам. Сираям ундай

эмас: ҳукумат ўзимизники. Ахир, биз уни деб яшадик. Умр поёнига етди. Албатта, албатта. «Враг народ»ларгина ҳукуматни ёмон дейди. Биз ундайларни қуритиб келганмиз.

## Ўзбек характери

...Мен бир воқеани айтиб берай.

Иккинчи курсда пахтага бордик. Ўша Бўка районига. Четдаги бир колхозига. Мана шу ўзимизнинг Сурхон ёқасига ўхшаб кетадиган жойлар экан: ҳар қандамда қиёқлар ўсган. Боғ-боғ ёш қамишни таги билан ўтқазиб қўйгандай. Ери жиққа ажриқзор. Мол ўтлайдиган, болалар чиллак ўйнайдиган ер-да!

Қадрон, мен унинг ўзимга, мана шу кўнгил қурғурга ёққан жойини айтдим: бунақа жойлар ёқади-да!

Хуллас, ана шу ажриқзордан сал ўтгандан кейин қишлоқча бошланади. Йигирма-ўттиз хонадон турса керак. Томлари бари — лойсувоқ, деворлари гувала. Биз борганда жами томларга пичан уюлган, ёмғир ёғиб ўтган пайт эди, пичанлар сап-сарик. Баъзисининг устида ёш болакайлар ўтирарди.

Бизни кўриб, қийқириб юборишди. Бечоралар... Тошлоқ кўчада машина-миз тўхтади. Уқитувчилар ўзаро келишдилар. Бизни шу ердан буриб, пастликка эндириб кетишди.

Битта бригадирнинг битмай қолган пешайвонли иморатига жойлашадиган бўлдик. Буям шунчаки сомон сувоқ қилинган. Дераза ромлари йўқ. Ер зах. Одатдаги... бараклардан фарқсиз эди. Фарғоналик, тошкентлик болалар орасида мендан ёши улуглари кўп эди: бирлари армияни битириб келган, бирлари техникумни... Биз энди, ўзингиз қатори ўнни битирибоқ университетга кира қолган эдик. Шунга айтиш керакки, савод масаласида ҳам улардан кам эмас, баъзан баландлик ҳам қилиб қолардик: ҳарқалай ўнни битириб, тўғри институтга кирган боламиз. Билимлар ҳали свежий... Бундан ташқари, ўзингизга маълум, камина кутубхонанинг, айниқса, фундаментал кутубхонанинг фаол ўқувчиларидан.

Лекин уятчанлигимиз ҳам бор. Барибир уларга — водийлик, тошкентлик болаларга нисбатан қишлоқимиз-да, тўғриси. Балки «уддалик» бобида ҳам анча жўн эдик.

Йўқ? Э! Сизни ўша уйга жойлаб қўйса, нима қилардингиз? Колхоз идорасидаги бўғалтрининг хонасидан печни кўпориб келармидингиз? Келолармидингиз? Йўқ. Дераза ўрнига нима тутар эдингиз? Тўл... Уни қаердан топардингиз? Ана шундай... Мен энди «удда» деяпман, гап шундаки, ўша пайтда улар менга ҳатто олғир бўлиб кўринганди... Ҳа-да, уй исиб қолгандан кейин албатта ёқади!

Урмон деган бир курскомимиз бор эди. Новча, ориқ йигит. Уч йил университетга киролмаган. Сибирга помидор, пиёз обориб сотган. Поезддаги саргузаштларини эшитсангиз, ҳее... Пишиқ болалар-да! Комсоргимиз ҳам Азимжон деган йигит эди. Нуқул Ремарк билан Хемингуэйни ўқиб: «Бизнинг ёзувчиларимиз ёлғончи», деб юрарди. Мен? Албатта унга қарши турардим!..

Шундай қилиб, жойлашиб олдик. Ерга похол тўшадик, устига чодир ёйдик. Кейин, кўрпа-тўшакни ёздик.

Чойнак, челақ ҳам топиб келишди.

Кеч бўлиб қолган эди, ётдик. Биласиз, дастлабки кеча ухлаш қийин. Латифа айтишарди болалар: «Сиз кўрган ўша афанди, сиз билган ўша афанди...»

Болалар дарҳол тўрни, ён томонларни эгаллаб олишгани учун менга эшик оғзидаги жой теккан эди, билмадим, кечаси эшик очилиб кетганми, саҳар турсам, бурун битиб қолган.

Ҳавода зилдек оғир, қорамтир булутлар айланар, лекин этакдаги пахтазор яққол кўзга ташланар эди. Иккинчи теримдан чиққан. Кўп фўзалар барг тўкиб, сарғайиб қолган.

Айвон устунига суяниб, томоша қила бошладим: пахтазор четида тутлар. Ўша тутлар... У ер-бу ерда чуғурчиқлар галаси учади. Тутзорнинг нари томонида бўзранг бир узун иморат кўринарди. Унинг олдида бакни қайнатишяпти шекилли, бак карнайидан қизил аланга чиқиб қоларди.

Кейин, шундоқ пастликдаги — пахтазорни биздан ажратиб турган ариқ бўйидаги ёлғиз кулбага кўзим тушди. Унинг ҳам томига пичан босилган. Пичан устида чумчуқлар ғужгон: чириқ-чириқ... Ариқ бўйида эса бир қорақалпоқ курс-дошим, ҳа, ўша — Сапарбой майкачан бўлиб чопиб юрибди.

Бет-қўлни ювгани пастга эндим.

— Ечин. Югур. Физкультура қил! — деди Сапар.

— Э, пискултурам чиқиб турипти,— дедим.

Шунда қарасам, ҳалиги кулба... одам яшайдиган уйча экан. Мен, билмадим, уни бостирма деб ўйлабмидим, ҳайрон қолдим. Кичкина деразаси бор.

Уйчанинг олдида эса, биласизми нима, ўрмак... ўрмак тикилган. Бир аёл катта тароқ билан гурсиллатиб уриб, калавани қатимлар орасидан уёқ-буёққа отиб, шолча тўқияпти. Секин унга яқин бордим: бу манзара ҳам бизнинг кўнгилга яқин-да, қадрдон!

Аёл шарпамни сезиб, бошидаги гарди рўмолини пешонасига туширди.

— Салом алайкум, ҳорманг, опа? — дедим.

— Келинг, ука,— деди у.— Хўш кепсизлар... Яхши жойлашиб олдингларми?

— Ҳа, раҳмат. Жуда-а яхши жойлашдик... Шу уйда яшайсизларми?

— Ҳа,— деди у.— Хўжайин молга кетган.

«Молга кетган!»

— Мол ҳам боқасизларми? — дедим.

— Ҳа, колхоз бир отар бериб қўйган.

«Бир отар!» О, Тошкентда бу сўзларни эшитмайсиз-да, меҳрибоним. Ана шундай қилиб, буларга бирдан кўнглим илиди.

— Эчкими, қўйми? — дедим.

— Аралаш.

Қарасам, уйчанинг нари томонида узун кўра бор. Тевараги шох-шабба билан ўралган. Секи-ин ўтдим. Қий ҳиди... Ҳа-ҳа-ҳа! Кўранинг энгарагидан қарадим: етмиш-саксон майда мол сиғаркан... Мен нимагадир бу ерларда ҳам одамлар фақат пахтани билади, деб ўйлардим. Энди денг, мол туфайли пахтаям кўзимга юз чандон яхши кўриниб кетди.

Бунинг устига, ҳаво юмшоқ. Ғўзалар ювилган, намхуш. Барглари, поялари сариқ. Ариқчада тиниқ зилол сув оқаяпти... О! Ўша пайтлар Бўкадаям сувлар тоза бўлгич эди. Химикатлар ҳам кам сепиларди, назаримда. Лекин мен бу томонларига эътибор қилмаганман... Чунки ўзимиз тарафдаям химикат, сув нотоза, ул-бул деган гаплар кам бўларди.

Хуллас, мен Сурхоннинг бир бурчагига келиб қолгандек эдим.

Шу пайт уйдан — ётоғимиздан болалар ҳам бирин-кетин кўзларини уқалаб, ҳар ёққа қараб тушиб кела бошлади. Баъзиси Сапарга қўшилиб чопишга тушди. Баъзилари пахтазорга оралаб кетишди. Ўрмон ака ўрмак тўқиятган аёлнинг қошига келди.

— Қалайсиз, опа? Ҳорманг?

— Бор бўлинг, ука... Келиб зап иш қилдиларинг-да...

— Ҳа, энди, сизларга ёрдам бермасак бўладими? Кўк чой борми? Қуруғидан.

— Бор, бор.— Аёл этагини апил-тапил тушириб, тароқни ташлаб, кулбага кириб кетди. Оёғида эски кирза этик, узун сочлари учида сочбоғ. Ранги ўнгиб кетган кўйлагаги ғижим. Сал ўтмай бир банка билан бир парча газета кўтариб чиқди. Газетани Ўрмонга бериб, устига банкани энгаштирди. Бир ҳовучлар чой тўкилгач, Ўрмон:

— Бўлар, раҳмат,— деди.

— Керак бўлса...

— Керак бўлса, яна сўраймиз.

— Бемалол, оғажон. Ҳе, пахта, пахта... Мана, сизлар ҳам ўқишларни қолдириб, ота-оналарингни ташлаб келдинглар. Барака топинглар. Раҳмат...

— Энди, териш керак-да! — деди Ўрмон ака.— Ҳа, пахтанинг килограмми неча тийиндан?

— Шу, ўн тийинми, беш тийинми, мен кўпам фарқига бормайман.

— Э! Ундай бўлмаслик керак! — деди Ўрмон ака. Кейин кулди.— Яз-намиз билсалар керак?

— Ҳа. У киши биладилар.  
— Яхши... Сизлар ҳам бирон ёқдан келганмисизлар дейман?  
— Йў-ўқ, биз шу ернинг одами.  
— Бундан бошқа участкаларинг ҳам бордир-да?  
— Йўқ, оғажон. Бори шу... Буям яхши. Узимиз уч жон. Жиянингиз отаси билан кетган... Чўпон бўламан дейди. Ҳализамон кеп қолади. Чойни қаердан ичасизлар?

— Чойни? Ҳим, бугунча энди ётоқда... Кейин яна ўйлаб кўрамыз.  
Мен Урмон акани ҳозир қитмир, суқатой қилиб таърифлаётганга ўхшайман. Йўқ, бир ҳисобда у ўзича ҳақ эди: бизниям ўйларди, ҳарқалай.

Шундан кейин теримга жўнадик.

Кун чиқиб, уям сарғайиб нур сочаяпти. Биз этакларни бўйинга илиб, худди ошалолга бораётган подачидай кетаяпмиз. Э, дўстим, менга мана шундай кун зарда бериб чиқаётганда намхуш сўқмоқлардан юриш ҳам ёқади-да!

Тепангда чуғурчиқлар ўйнайди. Оёғингга ҳўл япроқлар ўралишади. Унда-бунда хирмон жойлардан буғ кўтарилади. Кўрганмисиз? Ғўзанинг қаванчоғи ёнишга маҳтал бўлади. Узоқ вақт уюлиб ётса, тутун ҳам чиқиб кетади.

Уша кунни тердик. Уят ўлимдан қаттиқ... Эл қатори тердим. Лекин бурун очилмади.

Қайтаётганимизда ҳалиги кулба биқинида қозон қайнаётган экан. Энди Азимжон ака қозонга яқин бориб, ҳидлаб кўрди-да:

— Ош,— деди бизга қараб.

— Ҳў,— деди Урмон ака,— қозони кичик экан-да.

— Юринг, юринг.

— Шошманг. Ҳо, хўжайин!

Уйчадан каловланиб, қотма, қора чопонининг тирсақлари йиртилиб пахтаси оққан, соқоли ўсиқ, чувак юзли йигит чиқди. Худди ўнгирини босиб оладигандек сурилиб-шошилиб келиб, биз билан бир-бир кўришди.

— Хўш кепсизлар, хўш кўрдик! Қани, уйга марҳамат!

— Олдин ювиниб олайлик-чи,— деди Урмон ака.— Айтмоқчи, бир укамизнинг томоғи шамоллаб қопти. Бурнинг ҳам битган-а? — деб сўради менадан.— Шу, шу... Дори-пори топиладими? Медпунктларинг марказда экан, бу ер — Камчатка.

— Э, топилади-да. Дори топилади! — Йигит этигини қўлантаёқ кийиб чиққан экан, оёғидан тушиб қоладигандек талпанглаб уйга кирди.

Кейин бир боғ итузум олиб чиқди.

— Шу бўлади, томоққа боғласалар,— деди.

— Бўлади, бўлади! — дедим.— Озгинаси бўлади.

— Э, озгинани нима қиласан? — деди Урмон ака.— Ҳали яна керак бўлади.

Итузумни олиб ётоққа келдим. Унга тикиламан: таниш-да бу ўсимлик ҳам! Қадрдон, биздаям бир момо бўлгич эди. Бобомиз босмачиларнинг отларига хашақ бергани учун «халқ душмани» деб отилиб кетган, ундан қолган ўн бир курсоқни боқаман, деб умрини тоқ ўтказган кампир эди. Уларниям биринкетин яратганига топшириб, бизнинг маймоқ ота билан қолган...

Уша кампир даволарди шунақа итузумлар билан... томоқларимизни. Тилдан терсак чиқса, оқ гулбутани қуритиб-эзиб, кукунини сепарди. Ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетардик.

Омборимизда мана шундай итузум боғларидан ёғоч қозиқларга осиб қўярдилар.

Биз ҳам девордаги бир михга осиб қўйдик. Кейин мевасидан бир ҳовуч олиб, бўз этакнинг четидан бир парчани йиртиб, мевани эзиб-эзиб томоққа кўтардик.

Эртаси кўзимиз чарақлаб очилиб, теримга чиқиб кетдик.

Бизга чой қайнатиладиган бак ортидаги кулбаларнинг орқасида ҳудудсиз далалар бор, биз ўшаёқда пахта терардик. Ҳар жой-ҳар жойда митти-митти шийпончалар қўнқайиб турарди. Ери зах, деворлари қабариб кетган, атрофида тупроқ ўйнаб ётар, унда сичқон-каламушларнинг излари кўп эди.

Биз гоҳо ўшандай кулбачаларга кириб, дам олардик.

Мен... мен ўзим ўшанақа жойларда изғишни яхши кўрардим. Шундай шийпончаларнинг яқинидан албатта бирон ариқ ўтган бўлар, унинг қирғоқлари-

дан қамишлар ғовлаб кўтарилган, қамишлар ичида турфа тиканлар қизил, сариқ бўлиб гуллаган, ўшаларнинг ҳам ёлғиз томошачиси биз эдик.

Баъзан эгатлар ичида тарвуз, қовун палаклари чиқиб қоларди. Албатта, битта-иккита буришган, тиришган туйнак бўларди. Аммо уни ёриб есангиз, мазаси... тилни ёради. Э, азизим, менга, бир фақир студентга шундай туюлган-да! Бўлмаса ичи тушган, айнай бошлаган тарракнинг нимаси ширин? Балли, одам деган мундай инжиқ бўлмайди: борига қаноат қилиш керак...

Теримда эса, ҳамма вақт қорнингиз тўйган кўзининг қорнидек бўлмаслиги ўзингизга маълум: бир туюр гўшту макарон солиниб қайнатилган шўлан-шўрва мана шундай... жонингизга тегиб кетади: раҳмат.

Ҳозир пахтани ёмонлаш, унинг меҳнатини оламдаги энг оғир меҳнат деб аташ модада. Бир ҳисобда, ҳақиқатан ҳам шундай. Бироқ, терим пайтидаги романтика!

Тонгларни эсланг! Тупроғи нам тортган сўқмоқларни. Йироқда арава йўлдан кўтарилган чангни, уфқдан энди бош кўтараётган қуёш ёғдуларига йўғрилиб, заррин бир тўзонга айланиб туришларини эсланг! Бунинг устига, ўша пайтда: «Энг улуғ ишни мен қилаяпман! Ўзбекнинг миллий ифтихори учун курашаяпман!» деб ўйлаб турсангиз. Битта ўртоғингиз ўйинқароқлик қилиб, камроқ пахта терса, тўзингизга ёв бўлиб кўринса...

Битта гўзал, нозик қиз ипакдек бармоқлари чаноқларга тилиниб, қони чиқиб, дока билан боғлаб олиб, энди зўрға тераётганини кўрсангиз: «Э, шаҳарлик ойимқиз! Сояпар-да, сояпар!» деб ичдан ҳақорат қилар эдингиз!

Ҳа-да, аввало ўзим ҳақимда гапиряпман! Ё ҳикоямни тугатиб қўя қолайми? Майли...

Бир оқшом Азимжон ака:

— Қизларга борамиз! — деб қолди.

Биздан бир-икки километр наридаги бир баракка текстилкомбинатнинг қизлари келиб жойлашган эмиш... Мен кулги бўлмаслик учун уларга эргашдим: уялар эдик-да қиздан-е! Уялардик... Менинг ҳеч эсимдан чиқмайди ўшанда кўрган манзарам: узун ётоқ. Шифти баланд. Уртада сўқмоқдек йўл қолдирилган. Икки томонда ётишибди. Утиришибди. Қарта ўйнашяпти, яна аллақандай ўйинлар... Хона тутунга тўлиб кетган. Уйнинг қоқ ўртасига қўйилган каттакон темир бочка печга айлантирилиб, карнайи деворни ўйиб чиқарилган. Печ атрофига дор тортилган. Кир илинган. Қизларнинг ҳар хил кийимлари... Улардан ҳам буғ кўтарилади. Чекишяпти... Ҳа. Бу ерда қанча қиз бўлса, йигитлар ҳам шунча экан, шекилли.

Азимжон ака билан Ўрмон ака дарров русчалаб гапириб, уларга қўшилиб кетган, мен четгинада омонат ўтириб қолгандим.

Шундай ёнимдаги тўшакда иккита сариқсоч қиз билан иккита карецга ўхшаган йигитлар қарта ўйнашарди. Тўртови ҳам оёқларини бир-бирига узатиб, оёқлар устига пахталик ташлаб қўйишган. Шунинг устида қарта суришарди.

Бир пайт қизлардан бири шўх-қувноқ овозда: «Воҳ» деди. Кейин унинг рўпарасидаги йигит қувнаб-инграб юборди. Оёқлар бир-бирининг ҳар хил жойларига...

Ташқарига чиқиб кетдим.

— Ипсласлик! Ярамаслар! — дер эдим. Э, соддалик қурсин! Сени нима ишинг бор денг? Йўқ, фоҳишахонага кириб, жами дунё фоҳишаларини «тўғри йўлга» солиш ҳақида ўйлаган студентга ўхшардим. Чеховнинг шундай қаҳрамони бор-ку?

Майдалаб ёмғир ёғарди. Зимзиё тун. Тусмоллаб йўлни топдим. Лой, лой... Кетаяпман, кетаяпман! Ишонинг, дўстим, буям бир романтика: гўё қанча тез юрсам, бу макондан шунча йироқлашадиганга ўхшар эдим.

Албатта йиқиласиз-да. Ҳар қадамда.

Расво бўлиб, шалаббо бўлиб ётоққа етиб келдим. Эртаси саҳарлаб туриш керак, теримга чиқиш керак. Ёмғир, қор — пахтанинг олдида капейка!

Кийим-бошни ювиб, печга тутиб сал-пал қуритдим. Кейин бир доно ўртоқнинг маслаҳати билан: «Тўшакда қуриб қолади», деб кийиб ётдик.

Эртаси расвогарчилик.

— Жуда нозик экансиз-да, шоир,— деди Ўрмон ака. Нозик, хаёлпараст одамларни «шоир» деб аташ ўшанда расм бўла бошлаган эди. Қандайдир ре-

дакция ходимидан чиққан дейишади бу гапни... Бизнинг тарих-археологик группамиздаги студентлар орасидаям редакциялар билан яқин йигитлар бор эди. Камина ҳам редакциялар билан боғлиқ гапларга қизиқарди.

Мен кеча «анави қизлар» ётоғидан келаётганимда лойга беланганимни айта бошлагандим, Азимжон ака дакки берди:

— Айрилганни айиқ ер, бўлинганни — бўри! Сиз кетворибсиз! Биз роса изладик...

— Э, у жой ўзи...

У киши кулиб, Ремаркдан тушди: ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати ана ўша, деб хулоса чиқарди.

Сапарбой — ҳалиги қорақалпоқ йигит менга яқин эди. Ким билади, Сурхондаги айрим элатларни ўзларига яқин олишадими, деб ўйлардим. Энди албатта бу нарсани яхши биламиз... Ушанда шунчаки дўст, ҳамфикр эдик. Шу йигит: — Қол, сен учун икки фартуқ пахта териб бераман,— деди.

Икки фартуқ пахта — бу оламжаҳон меҳнат! Бу — камида — икки-уч минг марта эгилиб-кўтарилиш дегани. Яна қанча машаққати бор... Кўнглим бузилиб, унга нима миннатдорчилик билдиришни билмай қолдим. Бошим айланар, ичим ўз-ўзидан ёниб кетаётгандек эди. Азимжон ака ҳам пешонамга қўл қўйиб:

— Қолинг. Мумкин эмас. Жон ҳам керак,— деди. Қаранг, одамлар қандай реалист.

Қолдим. Болалар кетишди. Уйда ётиб қолган бемор учун ҳам шарт шу эди: уёқ-буёқни супуриб, тозалаб қўйиши керак. Биратўла қутулай деб уйни супурдим. Айвонларниям тозаладим. Ахлатни иморат орқасига ўтказиб тўкиб қайтаётган эдим, бир манзарани кўриб қолдим.

Жўхориюпа четида, ёввойи супурги панасида битта ўн-ўн бир ёшлардаги болакай қўлчаларини тиззасига тираб нари томонга қараяпти. Уёқда бўлса, пахса деворга тақаб тўкилган сомон остида бир сариқ ит ётибди.

Мен ҳам қизиқиб, боланинг ёнига бордим. Шунда ит ғингиб, сапчиб турди-да, девордан липпа ошиб ўтди. Салдан сўнг муштдек кучукваччани тишлаб, буёққа сакраб ўтди. Ерга қўйиб ялади. Яна ётди.

— Қизиқ-а? — дедим.

Болакай чўчиб тушди. Афт-башараси кир, телпагининг қулоғи пешонасига тушган эди.

— Ҳа,— деди у ташвиш билан.— Бу ер кўча, опкетишади болалар... Мен боласини ҳовлига ўтказиб қўяман, бу уясига олиб ўтади. Уёқ яхши-ку?

Мен хўрсиндим.

— Минг қилсаям ўзининг уйи-да... Сен кимнинг ўғлисан?— Одамзод қизиқ-да, а? Унинг кимга ўғил бўлишини менга нима аҳамияти бор денг!

— Ботир чўпонни,— деди.

— Ҳа-а, ордени борми?

— Йўқ.— У ғамгин тортиб қолди.— Эшимбойнинг ордени бор. Лекин қўйи кам...

Ана, ёш болалар ҳам ўша махинацияларни биларди.

— Ҳечқиси йўқ,— дедим.— Сени отанг ҳам олади. Ботирбой зўр чўпон! А, уйларинг шу девор орқасидагими?

— Е-э! — деди у устимдан кулгандай.— Ана-ку!.. Сизга отам итузум берганда, мен деразадан қараб туриб эдим... Яна керакми? Кўзингиз ёшланиб кетипти!

— Йўқ. Итузумдан бор,— дедим.— Ака-укаларинг ҳам борми?

— Укам ўлди. Доя кампир чала туғилган, деди. Улди. Кўмиб келдик. Кичкина эди.

— Аттанг,— дедим.

Шу ерга келиб жойлашгандан бери ҳалиги аёл билан эрининг яшаш шароити, туриш-ётишини ҳам кўриб турардим: аёл тонг отмасдан уйғонарди: сигир соғади, эрини кузатади, кейин ўрмак тўқийди... Кун кўтарилаверганда, ариқнинг у бетидаги пахтазорга тушади: кечгача бир қопни тикка қилиб қўяди. Кечаси ҳам алламаҳалгача уларнинг кулбасидаги ёлғиз деразадан ариқ бўйига нур тушиб турарди.

Ўрмон ака билан Азимжон ака, тагин уч-тўрт болалар уларнинг чойини ичиб чиққан, бир-икки марта овқатларигаям шерик бўлганди.

Шу нарсаларни ўйлаб: «Иши оғир, бола ташлагандир-да», деб ўйладим. Биласизми, эй қадрдон, кўзимиз очиқ бўлгани билан оғир эканмиз-да: сиз ҳам шундай ғариб кулбаларда яшаётган деҳқонни, пахтакорни кўргансиз. Албатта... Лекин буни тан олмас эдик-а? Қандай аблаҳ эканмиз!

Тавба, буни тан олишдан уялар эдик. Бировлардан ҳам яширар эдик! Шошманг-шошманг, бу ерда гап бор: бу нарса — фақат кўрқувдан деб ўйлайсизми?

Гумоним бор. Бечора ўзбекни биласиз-ку: ўзи емасдан меҳмонга тутади...

Камбағаллигини яширади. Қизиқ-а? Ҳолбуки камбағал одам ўз ҳолатига кўниккан бўлади. Яширмайди. Бизникилар негадир... Худди жуда бой эди-ю, бирдан камбағал бўлиб қолгандай: шунинг учун ўқинч билан буни яширишга интилаётгандай туюларди менга... Балки бошқа, бизнинг ақлимиз етмайдиган сабаблар бордир?

Боланинг исми Абдуқодир экан.

Бирга-бирга айвонга келдик.

— Итга тегма,— дедим.— Сенга ўзингнинг уйинг яхши, унга ўзиники яхши.

— Бу ердан ёмон болалар ўғирлаб кетади. Сотади,— деди Абдуқодир.

— Кимга сотади?

— Сотади-да... Битта гектарчи қарис олтига кучукни сотиб олиб кетган эди.

— Ўқийсанми?

— Бешинчида... Тушдан кейин мактабга борамиз. Ҳей кейинроқ кўрак чувиймиз.

— Ўқиш нима бўлади?

— Тўхтайтиди! — деб кулди у.— Келаси йилдан пахтага чиқамиз!.. Мен ҳозир ҳам пахта тераман. Опамга теришаман... Китоб? Ўқийман. «Робинзон Крузо» бор. Битта фельшер ташлаб кетган. Ўтган йили... Укамни кўргани келганда... Мен йиғладим. Кейин шу китобни берди. Яхши китоб!

Азизим, мен ҳам худди шу болакайнинг ёшида ўқиган эдим ўша китобни.

Сиз ҳам...

Биографиямиз қанчалар яқин-а?

Ҳикояни чўзиб юборяпманми? Шошиб қаерга борасиз, қадрдон? Гоҳо мириқиб гаплашиб, ўйлашиб олиш ҳам керак-ку? Ўша дамларни қайтадан яшаб, а?

У хотиралар одамнинг юрагини тозалайди. Шундоқ ҳам фисқи-фужурга, кераксиз, кони зиён ўйларга тўлиб кетган бу кўкрак... Сигаретдан чекинг.

Шундай қилиб, Абдуқодир билан жўра бўлиб қолдик.

Тутзор ортидаги баракда қизларимиз ҳам турарди. Улардан ҳам иккитаси касал бўлган экан, доктор келди. Мениям кўриб, аналгин-паналгин деганларидан бериб кетди.

Уч кун қаттиқ ётдим.

Тўртинчи кун эди, шекилли, айвонга чиқаётсам, Ботир чўпон битта тарвузни қўлтиқлаб пастга тушиб кетди. Шу куни тушдан кейин, ҳаво очилиб, кун анча қизиди.

Кечга томон яна ўрни супуриб бўлиб, айвонда — устун тагида чўнқайиб ўтиргандим, Абдуқодир ярим палла тарвузни кўтариб, пишнаб чиқиб кела бошлади.

Ўзи битта тарвуз олиб тушишган эди...

— Сизга. Енг,— деди.— Отам бердилар. Опам есин дедилар... Кейин кечқурун уйга кирар экансиз.

— Емайман. Раҳмат. Қорним тўқ,— дедим.

— Йўқ. Ейсиз! — деди у мен билан уришадигандай.— Сиз касал. Бу тарвуз яхши экан.

— Емайман.

Абдуқодир турди-турди-да, тарвузни шартта ерга қўйиб, чопиб тушиб кетди.

Болалар теримдан қайтишгач, ҳақиқатан ҳам Ботир чўпон чиқиб келиб, бизларни уйга айтди:

— Келинлар, укалар. Бир ошам ош қилган эдик. Сизларга раҳмат. Бу ерда ота-оналаринг йўқ...

— Э, уйингизга сиғмаймиз-ку,— деди Ўрмон ака.

— Кўнгил кенг бўлса, бемалол сиғишамиз,— деди чўпон.— Тушинлар.



— Биз ахир йигирма киши!

— Бўлмасам, йигитлар, ўнтамиз бугун меҳмон бўламиз. Ўнтамиз кейин! — деди Ўрмон ака.

Мени қўймай олиб бордилар.

Тўрт киши зўрға сиғадиган хона эди. Бурчақда гиштин печ. Оқланган. Лекин чойнинг доғи, ёғ тўкилган. Ерга икки қават палос солинган. Тўрда бир тахмон юк. Энсиз-энсиз кўрпачалар солинган. Тиқилишиб ўрнашдик.

Ботир чўпон илжайиб, қувониб дастурхон ёзди. Қўш-қўш ёпган нон қўйди. Бир тақсимча оқ қандни сочиб ташлади. Кейин икки ҳовуч жийда билан майиз ҳам сочди. Кейин каттакон хум чойнакка кўк чой дамлади.

Икки товоқ палов ҳаш-паш дегунча йўқ бўлди. Кейин босиб-босиб чой ича бошлашди.

Мен... қандай ўтирганимни билмас эдим. Касалликдан тузалмаганим, инжиқлик ҳам сабабдир... Лекин бир бурда нон ейишга истиҳола қилардим. Бу оила — камбағал оила эди.

— Ҳа, пахталар ҳам оёқлаб қолди... Қани, бу яшаш қалай энди? — деди Ўрмон ака.— Йиғаяписизлар дейман-а? Ҳа-ҳа-ҳа! Ўзбекнинг одати шу-да: боламга бўлсин дейди...

— Ҳа, энди бизнинг оталар ҳам қилган-да,— деди Ботир чўпон.— Опангизга уйлантириб қўйишди. Элни олдидан ўтдик. Тўй дегандай, харажати бор-да...

— Лекин бизни алдашяпти, чўпон ака! Кунлик меҳнатимиз овқатимизни қопламайди. Бир килога ўн тийин тўлайди. Ҳозир ўн кило териш ўлимдан қийин.

— Ҳа, энди чидаймиз-да, оғажон. Ўзимизни пахта, ўзимизни ҳукумат.

— Ҳей, тушунмай қоламан-да бу ишларни!

Аёл мени кузатиб турган экан.

— Шу укамиз ҳеч нарса татмади-да,— деб қолди.— Ё бизни писанд қилмаяптиларми?

— Э, нимага...— Оловим чиқиб кетди.— Ўзим шу...

— Ҳе, иштаҳаси йўқдир-да,— деди Ўрмонжон ака.— Бўлмаса овқатдан ҳам тортинадими одам?

— Ҳа, иштаҳа йўқроқ...— дедим.

Тезроқ чиқиб кетгим келарди. Ўрмон аканинг гаплари, сўроқлари жонимга теккан эди... Нима? Э, кадрдон, мени наҳот тушунмайди деб ўйлайсиз? Ҳа-ҳа! Ўрмонжон акаям ўзича ҳақ эди... Масаланинг бошқа томони ҳам бор: биз ўзимиз ҳам қорнимиз тўйиб яшамасдик. Биттаси ярим кило қанд опкелган бўлса, бошқа биттаси ўғирларди, бировнинг косасидаги гўштни биров... Айтишга тил бормайди. Тутаб кетасан, киши.

Н-нима қилишим керак бўлмаса? Ҳадеб қўл узатаверайми? Қўйинг бу гапларни.

Оға! Уша шароитда сиз ҳам мендан ўзгача тутмасдингиз ўзингизни!

Шу-шу буларнинг уйга қайта кирмадим. Чўпон гапиради, хотини айтади, ўғли чақиради. «Хўп» дейман. Пайсалга соламан.

Уларнинг кулбасига кунора кириб чиқадиган, дастурхонини қуринадиган болалар кўзимга ёмон кўриниб қолди. Аста-секин улар билан ҳам ҳамдардликни уза бошладим.

Шунда, сиз тасаввур ҳам қилолмайдиган бир воқеа содир бўлди.

Сурункасига ёмғир қуя бошлади. Икки кун овқатсиз қолдик. Шундоқ ҳам кўп болалар қарздор бўлишган эди.

Аста-секин элчиларимиз қишлоқ кўчаларида изғийдиган одат чиқаришди: кечаси бир маҳалда ўнталаб, ўн бешталаб қовун-тарвуз кўтариб келишади.

Эртаси штабда жанжал: кимдир ҳовлисига ўғри тушганини айтиб шикоят қилиб келган.

Ана, ўғирликкаям ўргана бошладик.

Аммо энг катта ўғирлик... Кечаси довул бўлди. Бир пайт эшик қаттиқ очилиб, шалаббо бўлган Ботир чўпон кўринди.

— Моллар чиқиб қочди! Ёрдам беринглар!

Қўй-эчкиларни нима ҳуркитган — билмай қолдим. Бошқалар қатори чиқиб, излаб кетдик. Қишлоқ кўчаларида денг, ит кўп. Балки бўри оралагандир? Ёмғир бўлса челақлаб қуяпти... Э, кўп изладик. Дабдаламиз чиқиб, қўй-эчкиларнинг

бир бўлагини пахтазордан, беш-олтитасини кўчадан, айрим хонадонлардан топиб келдик.

Чўпон эшик оғзида фонарь ёқиб, кўзлари жавдираб турипти. Нуқул раҳмат дейди. Аёли алқайди. Ўғилчаси хурсанд... Лекин битта кўзи топилмаган эди.

— Уни ўзим топаман. Сизлар дам олинлар энди... Топсам, ўзимнинг икки кўйимдан биттасини сўйиб, қовуриб бераман сизларга,— деди Ботир чўпон.

— Шундай қилинг-е, бир гўштга тўйайлик, ака! — деди Ўрмон ака.

Биз ётоққа қайтдик. Энди... яна бурним битди десам, сизниям ғашингиз келади.

Майли, бундай дейин: шу кеча беш-олтита йигит ҳам қаттиқ шамоллаган экан.

Соат иккимиди-учмиди, нафасим қайтиб, уйғониб кетдим. Эшик қия очиқ, ғувиллаб шамол кираётган экан. Тагидан тортдим, яна очилди. Тоб ташлаганми, нима бало. Ирғиб туриб тутқичдан ушлаганимни биламан, биров эшикни нарёққа тортди. Мен буёққа. Қўрқдим. Кейин ланг очиб юборгандим, Азимжон ака турган экан.

— Э, э! Баққа ке. Устингга бир нарса ил,— деди у киши.

Чопонни елкага ташлаб чиқсам, устун ёнида Ўрмон ака, Мирзағолиб деган полвон йигит ҳам туришибди.

Мирзағолибнинг ҳам ёши мендан улуғ, «Раис» деган лақаби бор, ўзи эҳтиёткор, «қирқоёқ киради», деб кечаси қулоғига пахта тиқиб ётарди.

Азимжон ака эшикни зичлади-да:

— Юр. Гап бор. Бўлган иш бўлди... Сен шўрлик ҳам бир маза қил,— деди.

— Лекин гулдур-гуп,— деди Ўрмонжон ака.

Уларга эргашиб, йўлга чиқдим. Ўрмонжон ака олдинга тушди. Ёмғир тинган, аммо совуқ кунлардан дарак берадиган шамол эсар, у уст кийимларимиз ўнгирларини очар, бағримизга ўзини урар эди. Энди итларнинг товуши ҳам ўчган.

Биз йўл ёқасидан орқага — қишлоққа бизни олиб келган «томон»га кетардик.

Анча йўл юриб қўйдик. Димоғим ҳам очилди анча. Бир-икки марта:

— Қаёққа бораяпмиз ўзи? — деб сўрадим.

Улар айтишмади. Кейин бўлса... хурсанд бўлиб кетдим: ҳа, зимзиё тунда қандайдир сирли иш билан қаёққадир илдамлаб кетишнинг ҳам завқи бор-да!

Ҳе, қишлоқ орқада қолиб кетди... Бошда айтганим — қиёқлар боғ-боғ қилиб ерга ўтказиб қўйилгандай ажриқзорга етиб келдик. Бу томонда бир-иккита ит учради, қочиб кетишди.

Биз Ўрмонжон аканинг орқасидан бораяпмиз. Айрим жойлардаги қамишлар ёндирилган экан: намиққан кулнинг ҳиди анқийди. Намчил ер ғиж-ғиж этади.

Алқисса, қамишлар одам бўйи ўсган, жангалга ўхшаш ерга бориб қолдик. Шунда бир кўзичоқнинг ожиз маъраганини эшитдим. Аммо ҳали гап нимадалигини, бу сафардан мурод нелигини билмасдим. Оқибат, қамишларга ораладик ва Ўрмонжон ака қўл фонарини ёқди. Зумдан кейин биз тўртовлон оёқлари куликлаб боғлаб ётқизиб қўйилган қорагина, жиққа ҳўл бўлган, кўзлари йилтираб зўрға овоз чиқараётган кўзичоқ тепасида турардик.

— Хайрият,— деди Ўрмонжон ака.— Мен дайди итлардан қўрққан эдим... Эргашвой, чорвани биласан, ит ҳам кўзичоқларни ейиши мумкин-а?

— Шундай воқеалар бўлади,— дедим.— Лекин, бу кимнинг кўзиси?

— Бизники... Бизники энди. Мирзағолиб, бошланг энди! Мана, менинг пичоғим ўткир. Лекин суякка урманг.

Жуда жўн эканман дейман-да!

— Вей, шуни сўясизларми?— депман.

— Бор. Хей уердан йўлга қараб тур!

— Йўқ, ахир, бу кимники? Балки колхозники, балки... Э! Ботир аканинг йўқолган кўзиси эмасми?

— Оббо, сенга нима деяпмиз! — деди Ўрмонжон ака ва елкадан ушлаб, орқага бурди.— Бор-да энди! Колхозни ёнини оладиганни кўрдик! Колхоз... Падарига лаънат! Бизни очдан ўлдиради! Ботир ҳам бир кўзидан айрилса, очдан ўладиган кимса эмас!

— Ахир, инсофларинг...

Шу иш билан бу йигитлар тарбияланиб қолармиди? Йўқ! Мен ўшанда фақат нафратланар, ночорликдан фиғон чекар эдим.

Тўғри, қишлоқ томонга бир-икки қадам босдим. Лекин чамаси, курсдошлар орасида ёлғизланиб қолиш, минг бир таъналарни эшитишдан ҳам кўрқдим, шекилли.

Бундан ташқари, англаб олмаган эсам-да, бу йигитлар тўқликка шўхлик қилмаётганларини ҳам тушуниб турардимки, гарчи бу ҳол уларни оқлашга тирноқча асос бўлмаса ҳам, кўнглимга тасалли, ўз-ўзини алдаш дейсизми, тасалли дейсизми — шуларнинг бири эди.

Хуллас, мен ўша кўзининг гўштидан бир бўлак емаган эсам-да, барибир ўғирликка шерик эдим.

Ўрмонжон акаям, Азимжон акаям бир ҳафталаргача мендан хавфсираб ола қараб юришди.

Мен улар билан гаплашмай қўйгандим, холос.

Нима дедингиз?

Ҳа, ўша ерда сўйишди. Мирзағолиб сўйди. Ҳаш-паш дегунча терисини шилиб, калла-почасини отворишди. Кейин бир тўп қамишни ёндириб, қўрига жигарни пишириб ейишди.

Емадим дедим-ку. Ўзимни иштаҳаси йўққа урдим-да... Жуда бўлмагандан кейин: «Ҳаммаларингдан жирканаман!» деб четга чиқдим. Кейин кутдим.

Бе-е, чўпонга бориб сиз ҳам айтмасдингиз. Кейин кетдим. Ётоққа кириб ётдим...

Нукул йиғлагим келади, уккағар. Ботир акага, аёлига ачинардим. Кейин, йигитларимизгаям ачиндим... Ҳа! Улар қачон кириб ётишганини билмайман. Бироқ уч-тўрт кун гўшт қовуриб ейишди. Йўқ... Қизлар ётоғида ейишди. Энди, улар ҳам жаннатда эмас эдилар-да, қадрдон.

Сиз ёзувчилар инжиқ одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта сутдек оқ, мусичадек беозор одамни тушунасизлар. Ҳолбуки унақалар ҳаётда йўқ: ундайлар, менимча, ғоя... холос. Ҳа-ҳа-ҳа. Сизнинг гапингиз ҳам «Коммунистик жамият одамининг ахлоқ кодекси»га ўхшаб кетди.

Кодекс чиқдими, демак, бас, одамлар унга амал қилади: рисоладагидек бўлади, деб ҳисоблашади баъзилар. Булар — чипуха гаплар.

Кунлар ўтди.

— Қор учқунлай бошлади... Бизнинг, ўзингиз билган тоғларда бундай пайтлар изғишларимиз, сайру саёҳатлар — энди эртак эди. Биз совуқда торс-торс ёрилган кўсақларнинг пахтасини сувга ивитиб олгандек суғуриб олардик.

Ҳа, икки киши арқон билан ғўзаларни бир четдан суриб, қорини туширарди. Кейин диқиллаб эгатга кирардик. «Оқ олтин»ни терардик. Бу қурмағур «оқ олтин» этакка тушгач, тугилиб, муштдек бўлиб қоларди. Жиққа хўл-да.

А? Қандай қилиб қуритиб топширишларини билмайман. Лекин бир-икки хонада уюлиб, сасиб ётганини кўрганман.

Кейин кўсақ териш бошланади.

Энди, бизнинг қадрдонлар — Ўрмонжон ака, Азимжон ака, Мирзағолиб, тагин уларнинг сафдошлари — бари сал совуқ ўтди дегунча, ё вақтида бак қайнамаса, Ботир чўпоннинг кулбасига кириб тиқилиб олишарди.

Чўпон билан хотини эса... хурсанд!

Биз энди яккамахов бўлиб қолгандик. Йўқ, сира кирмадим. Қандай қилиб кираман?

Буёғига қулоқ солинг.

Қайтадиган бўлдик. Ўзингиз биласиз, бундай кунни ҳеч бир ўқитувчи-бригадир айтмайди... Негалигини ҳамон тушунмайман. Балки теримдан совуб қолади, деб ўйлашадими.

Лекин, кулгили жойи шундаки, болалар барибир билишади. Ботир чўпон ҳам билган экан. Эрта жўнайдиган кунимиз ўзлари хотинлари билан келиб қолдилар. Ётоққа... Мен қандайдир хавотирга тушган бўлсам керак, ҳарҳолда.

— Ассалом алайкум, келинлар, меҳмонлар! — деб юборди Ўрмон ака.

Азимжон акаям болаларга тўшакча солишни буюрди. Ботир чўпон қуллук қилиб, худди кириб ўтирмаса — биз у дунё-бу дунё юз кўрмас бўладигандек таъзимлар билан яна уйига айтди.

— Шу, лабз экан, укалар... Тилга олиб қўйиб эдик. Битта қон чиқарамиз деб... Шунга қадам ранжида қилсангизлар. Мана, опаларинг ҳам илтимос қил-япти,— деди.

Мен тамом бўлдим.

— Э, қандоқ бўларкан...— деди Урмонжон ака.— Қўзингиз топилса бошқа гап эди...

— Ҳа, ўша кеча биз ҳам яхши изламаган кўринамиз,— деди Азимжон ака ҳам.— Андак хижолатдамиз.

— Э, оғаларим-ей,— деб кулди чўпон.— Биз хижолатда эдик. Ишонасизларми, биз?.. Энди, гапни кўп чувалтирмайлик, укалар. Қўзи топилди ҳисоб. А, хотин? Ҳе, Шодитўқайдан топдик. Ул-булини... Узимиз тусмоллаган эдик: дайди итларга ем бўлган-ов, деб... Энди бизни хурсанд қиламиз десанглар, кетар жафосига бир меҳмонимиз бўласизлар...

Кейин ўзлари ҳам энди теримга чиқмасликларини, фақат ғўзапоя юлишлари ва уйда ўтириб, кўсак чувишларини айтди.

— Қишлоғимизда иккита грек бор,— деди хотини кейин.— Бир челақ ҳалигидай сувдан ҳам олдик.

Ҳайронмисиз, қадрдон?

Мен ҳайронман!

Албатта...

Шу кечаси бир маҳалгача кулбада ўйин-кулги қилиб ўтиришдилар. Ташқарида ҳам давом этди. Мен ўзимни ухлаганга солиб ётар эдим. Йигитлар келиб, чироқни ёқишгач, мен тўғримда тўнғиллай-тўнғиллай тўшак-тўшагига ўтиришди.

Кўпчилигининг кайфи бор эди. Кайфдаги одамнинг гапига ишониш қийин-у, лекин... Ҳа-ҳа, ўша, худди ўйлаган гапингиз бўлди: пушаймонлик... Э, бири қўйиб, бири олади, бири қўйиб, бири...

Чамаси, ҳаммасининг оғзи теккан экан ўша гўштга.

Азимжон аканинг бир нидоси ёдимда қолди:

— Биз аблаҳмиз! — деди инграб.— Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади. Нима дединг, Урмонжон?

— Биз анча бузилганмиз,— деб пўнғиллади Урмон ака.— Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қилади-да кишини.

— Уларни мажбур қилмаяпти-ку?

— Нимага?

— Шу, энди... Балки пул йиғиб берармиз-а?

— Бўлса!

Кейин яна мен ҳақимда гапиришди. Биттаси, овозидан билолмадим, тик турганча:

— Шу Эргашвойнинг ичига тепсанг-да! — деди.— Кўзимга итдан баттар кўриняпти... Энди, бир умр кулиб юради биздан, ярамас. Ёввойи...

— Парво қилма,— деди Урмонжон ака.— Бунақалар ҳаётда бўлади...

Мен бу ҳикояни ўзимни мақташ учун айтмаяпман. У ёғини сўрасангиз, ҳозир улардан ҳам бешбаттар бўлганман: ҳақимни едирмайман. Ҳарқанақа авторитетни одам демайман... Шу-шу. Ҳозир ҳаммамизнинг кўзимиз очилиб қолган...

Ҳа, эртаси... лайлак қор ёғиб турарди. Худди тоғларда ёғадигандек!

Кўчада автобуслар тизилиб кетган. Йигитларнинг боши осмонда! Ниҳоят, университет аудиторияларига қайтишади!

Айвонда тургандим. Халтам ёнимда. Шу Ботир чўпон билан хотинига бир яхши гап, миннатдорчилик билдиргим келарди. Мен уларни жуда яхши кўриб қолгандим-да!

— Ҳа, келиб қолишди.

— Хўш кўрдик! Сизларга минг-минг раҳмат, Урмонжон! — деди Ботир чўпон.— Азимжон, сизгаям... Ҳаммаларингизга. Қаранглар, бир майизни қирқ бўлиб егандай яшадинглар... Сизларнинг қадрингизга етолмадик биз.

У киши ҳамма билан қўл бериб хайрлашди-да, менга қолганда, бурилиб кетди. Шунда аёли ҳам хўшлаша бошлади. Қадоқ қўлларининг учини бериб хўшлаша-хўшлаша менга етганда, уям бурилиб кетди.

Мен титраб-қақшаб уларнинг олдига бордим.

— Ботир ака, опа... мен сизларни жуда яхши кўраман,— дедим.— Хафа бўлмангизлар.

— Йўқ, сиз бизни яхши кўрмайсиз,— деди хотини.— Бошдан ёмон кўриб эдингиз.

— Рост, ука. Писанд қилмадингиз бизни,— деди шунда чўпон ҳам.— Анави йигитлар бошқача...

— Ахир мен сизларни жуда-жуда ҳурмат қиламан.

— Бекор гап,— деди аёл.

— Ҳа,— деди эри.

Абдуқодир менга ётсираб қараб турарди.

Шунақа.


Хўш, бу ерда нимани кўрдинг, нима хулосага келдинг, деб сўрасиз?

Мен бу ерда... оддий-жайдари, содда ўзбекнинг кенглиги, тўпорилигини кўрдим.

Ишонасизми, автобусга ўтирганимдан кейин совуқ ойнадан лайлакқорга қараб йиғлар эдим: ана шу ўзбекларнинг бағри кенглиги учун, не-не қийинчиликларга, фақирликка қарамай феъли тор бўлмагани, ажиб-афсонавий меҳмондўстлиги инстинкт каби мавжуд қолгани учун... ичимда, ич-ичимдан қувониб йиғлардим.

Узр, суҳбатимиз «ўзбек характери» ҳақида эди. Сизлар айтган зўр-зўр ҳикоялардаям ҳақиқат бор. Аммо менинг бу жўнгина, оддийгина ҳикоям — кўнглимдан ўтган нарса эди, азизим. Шунинг учун бунинг менга таъсири мутлақо бўлакча.

Тошкент, 1988.



Азим Суюн

## САРБАДОРЛАР

(Драматик достон)

Менинг ҳаракатимдан аълороқ мазҳаб йўқ!  
Сарбадорлар шиори

Олам фили қайтаролмас журъатимиз,  
Чархдан зўрроқ қудратимиз, шавкатимиз.  
Гар чумоли кириб қолса сафимизга —  
Шер этажак уни дарҳол давлатимиз!

Паҳлавон МАҲМУД  
Бизлар ҳурриятнинг фидойилари!  
Мақсуд ШАЙХЗОДА

### ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Абу Бакр Калавий — пахта тозаловчилар маҳалласининг оқсоқоли.  
Мавлонозода Самарқандий — Мадраса мударриси.  
Мавлоно Хурдаки Бухорий — Мавлонозоданинг устози.  
Шайх Исомиддин — Самарқанд музофотининг эътиборли шайхларидан.  
Саид Юсуф — Самарқанд вилоятининг қозикалони.  
Мирзо Соҳиб — Самарқанд вилоятининг девонбегиси.  
Амир Ҳусайн — Самарқанд амири, бутун Мовароуннаҳр ҳокимлигига даъвогар.  
Амир Темур — Кеш амири.  
Зобитбек — маҳаллий ўтроқлашган мўғул беги.  
Аббос Баҳодир — Темур хуфячиси.  
Сиёб ота — деҳқонлар оқсоқоли.  
Нурзод — хунарманд йигит.  
Телба Сархон.  
Зарбону — Телба Сархоннинг қизи, Нурзоднинг севгилиси.  
Қул Чобук.  
Дагар сарбоз — Нурзоднинг дўсти.  
Илёсхўжа — Сўнгни мўғул ҳокони.  
Тегинбек — Илёсхўжанинг бош ноиби.  
Лочинной — асира қиз.  
Амир Темур сарбози.  
Амир Ҳусайн сарбози.

Сарбадорлар, раият, китобдор, жанг либосидаги курашчи йигит, қизиқчи йигит, сайёх, ақобир-аёнлар, мўғул нўёнлари, навкарлари, сарбозлар, мулозим, ясовул, кўшиқчи йигитлар, раққос йигитлар, чечанлар, паҳлавонлар, овозлар.

## Муқаддима

### КИТОБДОР

(Букри чол)

Уйингизда китоб борми, китоб?.. Йў-ўк...  
Бор! Чанг босиб ётибди токчангизда.  
Токчангизда йўқми?..

Болохонага

Бир чиқиб қаранг... Ҳ-ҳў, қанча китоб...  
Сарик, оч сарик, оқиш китоблар, ох,  
Бобонгиз бобосидан қолган балки!  
Болохонада йўқ!..

Рост бўлса шу гап,

Унда чиқиб, қаранг оғилхонага!  
Шифтларин ўргимчак уяси босган,  
Ўн қатлам чанг босган китоблар... Кўринг!  
Кўркманг, ушлаб кўринг, еб қўймас улар,  
Ҳар қалай жони йўқ... бўғиздан олмас.  
Шифтда ҳам йўқ денг?..

Ҳеч қабристонга

Бориб кўрганмисиз? (Ким ҳам бормайди!)  
Унда кўрганмисиз моғор, йўсин, зах  
Уриб кетиб — уникқан бирон-бир китоб?  
Ҳа-ҳа, кўрганман денг?

Ўқиганмисиз?

Йўқ, имлоси бошқа...

Ўрганиш мумкин! —

Ихлосу эътиқод етарли бўлса!  
Китоб — эл-юрт бахти!

Ҳар қандай Инсон

Оддий тирикчилик, манфаатлардан  
Юксак турса агар

Халқ ва Ватанин

Бахт — тақдири ҳақда ўйлашга қодир!  
Билсангиз, сиз кўрган ўша китоблар  
Шундай ИНСОН ақлин меваси эрур!  
Мен —

сиз ўқимаган, уйқу келтирган  
Китобларни йиғиб — ўқимоқдаман!  
(Кўйнидан бир китобни олиб)  
Мана, бунисини яқингинада  
Кўмилган қудукнинг тубидан топдим.  
Бу китобни ўқинг! Уйқунгиз қочар!..  
Уйқунинг ози соз, кўпи беморлик!

## I ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

1365 йил. Куз. Сирдарё бўйи. Қароргоҳ.  
Безатилган ўтов олди. Шом.  
Илёсхўжа ва Тегинбек гаплашиб ўтиришибди.

ИЛЭСХҲЖА

(Ширакайф)

Ғалабамиз боиси недур, Тегинбек?

ТЕГИНБЕК

Кучу қудратингиз сабаб, ҳоқоним!

ИЛЭСХҲЖА

Фикрингга кулмисан, қайтмайсанми ҳеч?

ТЕГИНБЕК

Тангри шоҳид эрур, шоҳид ўзингиз!

Илѣсхўжа чапак чалади. Ясовул киради.

ИЛЕСХУЖА

Келтир, анов икки асирни бунда!

ЯСОВУЛ

Бош устига, ҳоқон!

Ясовул чиқади.

ИЛЕСХУЖА

(Тегинбекка)

Хўб, шундоқ дегин?...

Ясовул икки асирни олиб киради.

ЯСОВУЛ

Мана, ит эмганлар, ҳузурингизда!

ИЛЕСХУЖА

(Тегинбекка биринчи асирни кўрсатиб)

Бу Амир Хусайн сарбози эрур.

(Иккинчи асирни кўрсатиб)

Буниси Амир Темурнинг сарбози.

ТЕГИНБЕК

Худди шундай, ҳоқон.

ИЛЕСХУЖА

Суроқ қилурмиз!

(Амир Хусайн сарбозига)

Амир Хусайнинг қочди қай тараф?

АМИР ХУСАЙН САРБОЗИ

Билолмадим, ҳоқон, асирингизман.

АМИР ТЕМУР САРБОЗИ.

Мен билурман, қочди Хуросон ёққа,

Думин ликиллатиб қочди ул номард!!!

АМИР ХУСАЙН САРБОЗИ

Номард деб амиринг Темурни ата.

Бир неча йил юрди қуюндай тўзғиб,

Каллакесарларни тўплаб қошига.

Йўлларда бошларни узди сапчадай,

Ғажирдай талади тижорат аҳлин.

Форлар, пастқамларни ошиён этиб

Ном олди қароқчи, йўлтўсар дея.

Нечундир тангрининг қарашди ўзи:

Кеш ҳоқими Ҳожа барлос — тоғаси

Хуросонга қочиб кетгандан кейин

(Илѣсхўжага)

Отангиз! пинжиги кириб олди у.

Ётган жойи жаннат бўлгур ул бузруг

Боладай инониб айёр Темурга

Кешнинг ҳоқимлигин калладай тутди.

ИЛЕСХУЖА

Шундоқ!

АМИР ХУСАЙН САРБОЗИ

Аммо Амир Темур тупурди

Ё пир! — Тузин ичган тузлуғига сўнг!

Ҳамиша туллаклик тулкининг касби.

Қуч — Амир Хусайн тарафда эди,

Шу сабаб Темурбек унинг этагин

Чангаллаб олди-ку қарчиғай янглиғ.

Бироқ гоҳ аразлар, гоҳо ярашар,

Ўзи бир юмушни уддалай олмас,

Қўли пастми... бошин ҳам қилиб келар,

Сағал баланд бўлса қочади ташлаб,

Қосов калталиги қўлнинг шўридир,

Амир Хусайнни кўролмас Темур.

АМИР ТЕМУР САРБОЗИ

Темур кўролмайди... Бу тухмат қайдан?

У зўр, шижоатли, ёш ҳам тадбирли.

<sup>1</sup> Туғлуқ Темир — Илѣсхўжанинг отаси, Мўғулларнинг аввалги хони, Мовароуннаҳр ҳам унинг тасарруфида бўлган.



Кўк сари интилар, ахир, тутун ҳам.  
Бугун қочиб қолган амирим эмас...  
АМИР ҲУСАЙН САРБОЗИ  
Амир Ҳусайнми?.. Оқсоғинг қочди.  
АМИР ТЕМУР САРБОЗИ  
Амиринг оёғи бутун бўлса ҳам  
Жуфтакни ростлади биринчи бўлиб.  
АМИР ҲУСАЙН САРБОЗИ  
Тепамда тангри бор, Қочди оқсоғинг!  
АМИР ТЕМУР САРБОЗИ  
Ҳой хоин, ҳой мурдор, ҳой сен арсалиқ<sup>1</sup>,  
Тилингни теккизма тангри номига!  
АМИР ҲУСАЙН САРБОЗИ  
Нима, нима дединг? Ким, ким арсалиқ?  
Ох, қани, кўлларим бўш бўлса эди?!  
АМИР ТЕМУР САРБОЗИ  
Илондек, мажаклаб ташлардим сени!

**Илөсхўжанинг ишораси билан, ясовул уларнинг кўлларини  
ечади.**

#### ИЛЕСХЎЖА

Иккисига икки қилич берилсин!  
Ажрим бўлсин, қайси бири арсалиқ!

**Ясовул иккаласига ҳам қилич беради, сарбозлар бир-  
бирига ташланадилар.**

#### АМИР ҲУСАЙН САРБОЗИ

Кўрсатиб кўюрман арсалиқлигим!

**Амир Ҳусайн сарбози Амир Темур сарбозига қилич уради,  
у ҳам жон ҳолатда унга қилич санчади. Иккаласи ҳам жон  
беради. Ясовул мурдаларни судраб олиб чиқиб кетади.  
Қиличлар эсдан чиқиб қолади.**

#### ИЛЕСХЎЖА

(Қувлик билан)

Ғалабамиз боиси недур, Тегинбек?

#### ТЕГИНБЕК

Қуллук, ҳоқон, қуллук!

#### ИЛЕСХЎЖА

Шундоқ, Тегинбек!

Бу эл феъли шундоқ! Бобомиз Чингиз  
Бу юртни олмоққа қийналган чоғи,  
Маҳмуд Ялавочни хўб ишга солди!  
Чингиз кучи эмас ёвни қийратган,  
Маҳмуд Ялавочнинг кучидир, билсанг!  
Зулқарнайн келган пайтда бу юртга  
Испитомин деган бир кимса ўтган.  
У қаттиқ курашди ёғийлар билан,  
Жаҳонни титратган шоҳ ожиз қолди.  
Аммо иложини топди Искандар,  
Олди Испитомин хотинин қўлга.  
Ушовидан тушови қиммат бу хотин  
Искандарга тутди ўз эрин бошин!..

(Керилиб)

Бу эл тарихини сен мандан сўра!  
Оташпарасти бўлган бу эл бир пайтлар,  
Сажда қилган фақат олов — тангрига,  
Оловдан бошқасин тан олмаган ҳеч!  
Эл учун оламда энг оғир нарса

<sup>1</sup> Арсалиқ — ҳайвонларнинг хунасаи.

Топинган динидан воз кечмоқликдир,  
Қутайба қийналди бу эл қонидан  
Ўт-оловни сириб ташлаш йўлида  
Ва лекин олди у! Хўш, қандай олди?  
Сотиб олди! Ҳа! Ҳа! Масалан, Чоғон  
Туғишган укаси Хурзодни сотди —  
Ўлдирди ит каби! Сўнгра юртини  
Арабга топширди ўз қўли билан!  
Қумурсқа бирлашса бирлашар, лекин  
Бу эл бирлашолмас — унутма буни!

ТЕГИНБЕК

Асло унутмасман!

ИЛЕСХУЖА

Шундоқ, Тегинбек!

Тан ҳам олмоқ керак гоҳ ожизлигинг.  
Тан олмоқ керагу ва унинг қатъий  
Мустаҳкам чорасин изламоқ лозим!  
Мағлум бўлмоқлигим, уч кунлик жангда  
Сезилиб қолганди, лекин дош бердим.  
Ўйладим... изладим... топдим чорасин;  
Не қилиб бўлса ҳам икки амирнинг  
Ўртасига нифоқ солмоқлик зарур —  
Улар қўшинин қоқ бўлиб ташладим!  
Амир Темур қочди деб, жар солдим кейин,  
Амир Ҳусайн тараф ишониб бунга  
Қочишни бошлади ортга қарамай!

ТЕГИНБЕК

Билурман, ҳоқоним!

ИЛЕСХУЖА

Шундоқ, Тегинбек!

Сен эса айтасан қудратингиз деб!  
Эртага юрурмиз Самарқанд тараф,  
Самарқанд бизники, ҳеч ким йўқ унда.  
Икки амир кетди бошларин олиб,  
Ҳали-бери ўнглай олмас ўзларин!

(Сокин)

Ҳозир дам олмоққа ихтиёрим бор.

ТЕГИНБЕК

Дам оласиз, ҳоқон!

(Сирли)

Совғам бор сизга.

ИЛЕСХУЖА

Не совға экан ул? Билайлик, қани?

(Тегинбек чиқади.)

Нима ўйлаб топган бу айёр, маккор?

(Тегинбек гўзал бир қизни бошлаб киради.)

ТЕГИНБЕК

Тиз чўккил, Лочиной, толеинг кулди,

Кўзларинг алдамас, шоҳ олдидасан!

ИЛЕСХУЖА

(Ўрнидан туриб кетади.)

Боракалло, Тегин! Жаннат гули-ку?!

ТЕГИНБЕК

Камтарин қулингиз!

ИСЛЕСХУЖА

Ҳоқонимсан сен!

ТЕГИНБЕК

(Талтайиб)

Тонгда фармон бердим нўёнларимга,

Толиб келинг, дедим, энг сулув қизни,

Бўлса ҳамки, ҳатто, ернинг қаърида.

Ер қаъридан эмас, тоғ қишлоғидан

Олиб келди буни!

ИЛЕСХУЖА

Офарин, балли!

Бизни ёлғиз қолдир, дам ол, Тегинбек!

(Тегинбек чиқади.)

Лочиной, Лочиной...  
ЛОЧИНОЙ

Менга жавоб бер!

Раҳминг келсин, раҳм қил, гар султон бўлсанг,  
Уйимга кетайин, жавоб бер менга!

ИЛЕСХУЖА

Тун босиб келмоқда, йўллар хатарли,  
Эгаллаган ҳамма жойни лашкарим.  
Кўриб қолса сендай соҳибжамолни,  
Улар унутади мени ҳаттоки!  
Сен тонгда кетурсан, элтиб қўйишар,  
Уйингга борурсан зар, олтин билан!  
(Чапак чалади, ясовул киради.)

Олтин келтирилсин!

Ясовул чиқади.

ЛОЧИНОЙ

Йўк, керак эмас!

Жавоб бер, жавоб бер, беҳуда бари!

**Ясовул баркашда олтин олиб киради, Илёсхўжа имоси билан Лочинойнинг оёғи остига тўкади ва қайтиб кетади.**

ИЛЕСХУЖА

Ҳаммаси сеники, олгин, Лочиной.

ЛОЧИНОЙ

Жавоб бер, раҳм қил, уйимга кетай!

ИЛЕСХУЖА

Бас!

(Илёсхўжа важоҳат билан Лочинойга яқин кела бошлайди,  
Лочинойнинг кўзи қиличларга тушади.)

Шундоқ де, шундоқ!.. Кетмоқчимисан?..

**Лочиной чаққонлик билан бир қилични олади ва Илёсхўжага ташланади, аммо, Илёсхўжа ёнидан қиличини олиб, уни чопиб ташлайди.**

ЛОЧИНОЙ

Кетаман!..

Улади.

ИЛЕСХУЖА

Ясовул!.. Тегин, қайдасан?..

## И К К И Н Ч И С А Ҳ Н А

**Эски Самарқанд. Тонг. Пахта тозаловчилар растаси.  
Калавий ёлғиз.**

КАЛАВИЙ

Ғалат туш кўрибман. Қандайдир саҳро,  
Саҳроки беадад... кум, кум, кум, кум, кум.  
Ханжарлари ярқираб кун тиғида  
Мени қувлар эмиш уч қора отлик.  
Қумдан оёқларим узилиб зўрға,  
Ҳаллослаб, бўғзимга ўпкам тикилиб,  
Кунчиқар томонга қочар эмишман.  
Воҳ... кутар эмишман офтобдан нажот;  
Отлиқлар кўзини қамаштирар у,  
Мен эса қутулиб кетгум, демишман.  
Йўк, улар қолмади ортимдан ҳеч ҳам.  
Сўнг... қандайдир қирлар, тепалар... Қизик...  
Ногаҳон бир арна дуч келмиш менга,  
Бахташ таваккал деб отдим ўзимни  
Ва дарҳол бекиндим битта нишабга.  
Отлиқлар барибир келдилар етиб,  
Бири тушди... сўнгра шошилмай, секин

Елкамга оёғин босди... Хўш, кейин-чи хўш?!..  
Турғизиб бўғзимга ботирди ханжар.  
Қип-қизил қон оқди... Аниқ эсимда,  
Қонимни тўхтатмоқ бўлар эмишман...  
Томоғимни маҳкам бўғар эмишман...  
Туриб кетдим — қўлларим ўз бўғзимда!  
(Безовта)

Таъбири не бўлғай бу нохуш тушнинг?..

### Қуролланган Қул Чобук бошлиқ бир тўда сарбадорлар Зобитбекни судраб олиб кирадилар.

#### ҚУЛ ЧОБУК

Амир Ҳусайннинг бул арзандаси  
Ўз қулини чопиб ташлабди, сардор.

#### ЗОБИТБЕК

Чопаман... сўяман... Сизларга нима?..  
Кимдир тождор, кимдир бождор дунёда.  
Биров текканин ер, биров суйганин...

#### КАЛАВИЙ

(Бепарво, Қул Чобукга)

Не гуноҳи бор экан қулнинг?

#### ҚУЛ ЧОБУК

Ул шўрлик

Бизга қўшилмоққа орзуманд экан.  
Ўзи емас, итга бермас бу Зобит  
Ниятидан хабардор бўлиб, уни  
Гўштдай бурдалабди оғилхонада.  
Бор молу мулкини кўкка совурдик,  
Анов, ёнаётган уй-жойи бунинг.

#### КАЛАВИЙ

(Кескин, Зобитбекнинг ёнига келиб)

Ҳа, Зобитбек, мўғул!.. Чопасиз... сўясиз...  
Ҳа, егани — заҳар, ичгани — заққум,  
Юраги қоп-қора қон раиятни<sup>1</sup>  
Бўғасиз, зўрлайсиз, хўрлайсиз, ҳа, ҳа!..  
Сизга мумкин бари! Ва лекин айтинг,  
Айтинг, қачонгача, бу зўравонлик?  
Қачонгача элни топтайсиз бунча?  
Қачонгача кўкдан арпа ёғса ҳам  
Меҳнаткаш эшакнинг еми нимчадир?  
Қачонгача замон соғлари бемор,  
Тили бурролари соқов яшайдур?..  
Нимаси кам эди сендан ул қулнинг,  
Нечун ул гуноҳкор? Айби нимада?  
Талпинганлигими Эркинлик сари,  
Хур яшамоқликни севганлигими?  
Айт, эй малъун!

#### ЗОБИТБЕК

Ул менинг қулим.

Сизнинг ҳақкингиз йўқ мени тергашга!  
Қароқчиларингиз жазосин олар!..

#### КАЛАВИЙ

Шундоқми?.. Ки, демак... Биз қароқчилар...  
(Қатъий)

Улиминг олдидан билиб қўй, мўғул!  
Яхшилаб билиб қўй, қумдан чиққан мор!..  
Биз — ўз бошимизни аллақачоноқ  
Дорларга тикканмиз! Улимлар ҳечдир!  
Шуни англагилки, токи тирикмиз  
Юртни сен итлардан қилурмиз озод!  
Эл-юрт озодлиги учун курашмоқ  
Яккаю-ягона муродимиздир!  
Истагимиз, билгил, ҳар бир раият  
Ўз юртига ўзи ҳокимлик қилсин,

<sup>1</sup> Раият — ўлпон, солиқ тўловчи тобе эл.

Ишласин, яшасин ўз эрки билан!  
Жавлонгоҳ бўлмасин, деймиз, ҳеч қачон,  
Юртимиз тупроғи ёв отларига.  
Ўз тилимиз, ўз динимиз муқаддас,  
Муқаддас эрур ўз урф-одатимиз!  
Билмасанг, билиб қўй, мана, Сарбадор  
Давлати<sup>1</sup> яшар иккам ўттиз йил  
Озод, дориломон, хур, эркинликда!  
Раият давлатни бошқарар ўзи,  
Сардорин сайлайди ўзи раият.  
Ўзин давлатининг ўз қўшини бор,  
Муҳри бор, дирҳами, туғи, қонуни!  
Ҳамма тенг, баробар қилгайдир меҳнат,  
Барчага баробар ҳаёт нашъаси!  
Қилич ўз қинига тўғри, дейдилар,  
Йўқ, тўғри эмас у! Билиб қўй, Зобит!  
Биз қароқчиларми?... Ҳа, ҳа, ҳозирча  
Сизлар наздингизда қароқчилармиз!  
Билиб қўй, Сабзавор сарбадорларин  
Давлати сингари биз ҳам, албатта,  
Ўз давлатимизга бўлурмиз эга!!!  
Биз қароқчиларми?... Биз — сарбадорлар!  
(Сарбадорларга)  
Сарбадорлар ҳукми!  
САРБАДОРЛАР

Хукмимиз олий!

Ўлим! Ўлим! Ўлим! Юрт ёвларига!

ЗОБИТБЕК

Калавий, Калавий, кечиринг мени,  
Мен... мен... итлик қилдим... қулингиз бўлай...

КАЛАВИЙ

(Қатъий)

Жазо майдонига осинглар буни!  
Раият билсинки, Самарқандда ҳам  
Фуқаро тарафин олгувчилар бор!  
Эл сирин ўз сирим, дегувчилар бор!  
(Сарбадорлар Зобитбекни олиб чиқадилар.)

Ити йўқ қўтонга ола қашқир ҳам,  
Қора, кўк қашқир ҳам чопгани-чопган.  
Ити йўқ қуллар, ўҳ... ити йўқ элим,  
Қачон хур яшайсан, озод яшайсан?..  
(Сокин)

Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!  
Халқим кўли — қадоқ, елкаси — ямоқ;  
Чориғи йиртиқдир ямоқчисининг,  
Кулоли ёлчимас бутун косага.  
Она йиғлар бўм-бўш бешик бошида!  
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!  
Денгизнинг сувлари сиғмас ҳовузга,  
Халқим дарди эса оламга сиғмас.  
Ўз тўни ўзига тор келиб қолди!  
Айтарлар: туялар ташийдир тилла,  
Аммо еганлари итсийди, янтоқ.  
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!  
Минг дарахт бошини бир болта кесар,  
Икки болта кесар халқим бошини:  
Бири ёт юртлардан келган мўғуллар,  
Бири ўз юртимнинг бою беклари!  
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!  
Тулкилар тепага чиқди юртимда,  
Ўрдақсиз кўл — юртим, лойхўрақлар хон.  
Ўтин ёрган болта ётадир ташда,  
Игна тешигидан мол ўтказар ёв.

<sup>1</sup> Гап Хуросон сарбадорлари ҳақида кетмоқда. Улар Хуросонда мустақил давлат тузганлар. Маркази Сабзавор бўлган бу давлат 1337—1381 йиллар, яъни қарийб 45 йил яшади. Хуросон сарбадорлари билан Самарқанд сарбадорларини чалкаштириб юбормаслик керак.

Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!  
Тутуннинг аччиғин мўри биладур,  
Қулоқдин кўз ҳақдир, кўргил, Озодлик!  
Халқимнинг қоп-қора кўзидан бошқа  
Тариқча гуноҳи йўқдир, Озодлик!  
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!  
Озодлик, дунёнинг юраги ўзинг,  
Наҳот ботар куннинг отмас тонгги бор?  
Мен сенга йиғласам, наҳот Озодлик,  
Ўкраб чиқмоқликка бир қароринг бор?!  
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!

**Узоқ жимлик.**

**Дагар сарбоз киради.**

ДАГАР САРБОЗ

Ассалому алайкум. Бевақт келибман...

КАЛАВИЙ

Ва алайкум ассалом. Хўш, кел, йигит.

ДАГАР САРБОЗ

Нурзоднинг ҳешиман.

КАЛАВИЙ

Ҳа-а, эсладим...

Кўрганман...

ДАГАР САРБОЗ

Оқсоқол, сизни биламан,

Кўп эшитганман сиз ҳақингизда...

**Нурзод киради.**

НУРЗОД

(Калавийга)

Ассалом, сардорим.

ДАГАР САРБОЗ

Бормисан, ошна?

НУРЗОД

Мен борман, сен ўзинг бормисан, сарбоз?

(Қучоқлашадилар.)

Бўримисиз ва ёки тулки?

ДАГАР САРБОЗ

(Тундланиб)

Тулки...

Бўрими, тулкими, ростин айтганда

Сизларга нима ҳам қизиғи бордур?

Енгилдик, вассалом!

КАЛАВИЙ

Гап нима ҳақда?

НУРЗОД

(Калавийга)

Сардорим, бул Амир Темур сарбози.

КАЛАВИЙ

Амир Темур сарбози?..

(Дагар сарбозга яқин келади.)

Хўш, сўзла.

ДАГАР САРБОЗ

Айтдим-ку, сизларга не қизиғи бор!

КАЛАВИЙ

(Қаъий)

Сарбоз, сендан бунини сўраганим йўқ,

Кўрган, эшитганинг айлагил изҳор.

ДАГАР САРБОЗ

Хўп, майли, тинглангиз кўрганларимни,

Мен Амир Темурга сарбоз тушгандим,

Аслида ўзим шу самарқандликман.

НУРЗОД

Калавий устодим... Сўзлайвер, Дагар!

ДАГАР САРБОЗ

Мўғул хони Илёсхўжага қарши

Сайхун қирғоғида жанг<sup>1</sup> қилдик уч кун.  
Зап кескин жанг бўлди, бунақа жангни  
Мен яқин ўртада кўрмаганман ҳеч!  
Емғир қуяр эди... кўпчиган отлар  
Отилиб кетарди сирғалиб, тойиб,  
Қалпоқдай учарди жангчилар ерга.  
Лекин биз заррача парво қилмайин,  
Юракда бир олов гуруллаб, ёниб,  
Мўғулнинг адабин берардик роса.  
Жангу ҳарб тугай деб қолган бир пайтда,  
Унг қанот — Ҳусайн ёқ чекиниб қолди!  
Қарамай қочишди олди-ортига!  
Ичдан бузилмаса — қўшин енгилмас!  
Бизда ҳам қолмади кейин бир илож,  
Тум-тарақай бўлиб кетди сарбозлар, —  
Тириклар кетишди тўши-тўшига...  
Менинг қочиб келиб турган ерим бу.

КАЛАВИЙ

Самарқандга сўғиш бошларми мўғул?

ДАГАР САРБОЗ

Ҳафтага қолдирмас Самарқандни ҳам.

НУРЗОД

Бунчалар нафасинг совуқ бўлмаса.

ДАГАР САРБОЗ

(Тўлғаниб)

Ҳа, шундай бўлади! Узингиз ўйланг  
Бу юртнинг на шоҳи, на гадосининг  
Бирор тайини бор! Ахир барчаси  
Ахталаб қўйилган! Қўйдан фарқи йўқ!  
Мўғул деса бўлди — қалтирар бари,  
На қадрин билади, на ғурурини!  
Бошида тош чақса бақрайиб турар!  
Йўқ! Йўқ! Ишонмайман бирор амирга.  
Бу юрт соҳибининг барчаси ўлган!  
Юртимизда эса кўп бўлди, э, воҳ!  
Боболарнинг руҳи қушдай чирқиллар!

Йиглайди.

КАЛАВИЙ

(Ўзига)

Ўт экан! Сарбоз ҳақ! Номард Ҳусайн,  
Эл-юртни тўнғизнинг комига ташлаб  
Ўзинг қочибсан-да! Боғланган този  
Овга ярамас, деб шунга айтарлар.

(Дагар сарбозга)

Эр кишига йиғи ярашмас, сарбоз.

ДАГАР САРБОЗ

Не қилай, оқсоқол, юрагим куюк!

КАЛАВИЙ

(Дагар сарбозга)

Дагар сарбоз, ўғлим! Агар барча эл  
Сендай фикр қилса, ўйласа эди,  
Юртда бўлар эди доруломонлик!  
Хуррият бўларди, бўларди Эрклик!  
Тўғри айтдинг, сарбоз... Раият — ахта!  
Отдан эшак ўзган мурдор замон бу!  
Эл кўзин очмоқлик — бизларга қарздир,  
Қолиб кетмас, дейман, элимиз шундай.  
Енмаган — бировни ёндираолмас,  
Эркингни излагил эл орасидан!  
Мен сен билан, ўғлим, Нурзод сен билан,  
Раият биз билан, мана, кўрасан!

(Нурзодга)

Нурзод, жигарбандим! Пайт келди, дейман!  
Ётган-ёвга ёқар. Энди ётмоқ, бас!

<sup>1</sup> Тарихда «Жанги лой» номи билан юритилади.

Емғирдан қолганин селга олдирмоқ  
Ожизлик, аҳмоқлик, тубанлик эрур.  
Хўкизининг оёғи бўлгандан киши  
Бўлгани яхшироқ бузоқнинг боши!  
Денгиз довули бўл, сахро бўрони,  
Хабар бер кечикмай сарбадорларга.  
Масжиди Жомега йиғилсин барча,  
Дагар сарбозни ҳам ўзинг бирла ол.  
ДАГАР САРБОЗ

Ташаккур, оқсоқол, ишончингизга!

**Нурзод ва Дагар сарбоз чиқадилар.**

КАЛАВИЙ

(Уйчан)

Нима тадбир қилғай Мавлонозода?  
Хатто қишда қорни қизғонадиган  
Девонбеги, қозикалонлар не дер?..  
Эҳтиёж — иштиёқ туғдирар мудом,  
Кенгашмоқ, кенгашмоқ, кенгашмоқ зарур!..

(Асабий)

Ух, яна мўғуллар!.. Ух, Илёсхўжа,  
Отанг ўлиб, сенга етдими навбат?!  
Мовароуннаҳрга юра бошлабсан.  
Нима қолган ўзи бу юртда бугун,  
Нечун бунча ғажош бу қоқ суякни?  
Қуруқ қопни бекор ёрганинг билан,  
Нима фойда берар? Эй золим фалак!

(Сукут)

\*Бешак, бир кулгининг бир йиғиси бор...

**Телба Сархон чопиб киради.**

ТЕЛБА САРХОН

Хоҳ-хоҳ-хо-о  
Кўкрагинг очиқ бўлса,  
Шамоллар эсиб турса...

(Калавийга)

Ҳой, мударрис, мударрис,  
Отингни ташлабсан-да,  
Қанчалар эди учкур,  
Қаноти эди бир газ,  
Билиб қўй, лекин бир кун,  
Улдирар сени мўғул.

(Алмойи ҳаракатлар ила)

Мен ҳам ўқишга келдим,  
Муллавачча бўлгум бор.  
Отимдан айрилганман...  
Бўжи келди, бўжи келди.

КАЛАВИЙ

Сархон, яна уйдан қочибсан-да сен,  
Мавлонозода эмас, Калавийман...

ТЕЛБА САРХОН

Ҳа, оқсоқол... бу ерда,  
Хўш, нима пиширибди?  
Пахтангизни чанг босиб  
Ётибди-ку бозорда.  
Мен, мен, ўқишга келдим,  
Бўжи келди, бўжи келди...

(Йиғлаб)

Исобегим гўштин еб,  
Носирбегим гўштин еб,  
Хотинимнинг гўштин еб,  
Мўғул жуда чанқаган.  
Сув беринг, сув — мўғулга,  
Бўжи келди, бўжи келди.

(Бирдан тўхтаб)



Кўкрагим очиқ бўлса,  
Шамоллар эсиб турса,  
Шунинг ўзи менга, бас...  
Бўжи келди, бўжи келди...

### Телба Сархон чиқади.

КАЛАВИЙ  
(Хаёлга чўмиб)

Шўрлик Сархон, Сархон...  
(Тўлғаниб)

Сархон қисмати —

У, Мовароуннаҳр, сенинг қисматинг!  
Сен бугун телбасан — билмайсан ўзни,  
Ақлинг поймол, танинг мажак, бемурод.  
Ўзингга ўхшайди фарзандларинг ҳам.  
Зотан, ким қолди, айт, телба бўлмаган?!  
Қайси бир кимсангнинг ақли жойида?  
Деҳқон йўқчиликдан девона бўлди,  
Шоир, фозилларинг кетди тўрт томон,  
Қуллар доим қуллар! Косиблар ҳоли  
Қуллар аҳволдан эрур бешбаттар!  
Аё, халқинг хароб! Берух, паришон!  
Сени топтар ғаним истаган пайти.  
Ҳар бир вилоятда биттадан амир,  
Ҳаммаси султонлик қилишар даъво.  
Бири ичмак истар иқбол ҳавосин,  
Бири етмак истар тахт висолига.  
Шу боис, қутурган қашқирлар каби,  
Ҳаммаси бир-бирин ейишар гўштин.  
Харажу мараждур бошингда бу кун,  
Бошбошдоқлик юрти — Мовароуннаҳр,  
Ис босган бағрингда ким телба бўлмас?  
Қандай яшагайдур бунда соғ ақл?  
(Сукут)

Ў-ў, шўрлик Сархон... қадрдоним-эй...  
(Буткул хаёлга чўмиб)

Йилнинг боши эди<sup>1</sup> Мўғулистондан  
Самарқандга Туғлуқ лашкарин тортди,  
Хароб юртни тагин у қилди хароб.  
Йилдирим мисоли бир йил ўтмасдан  
Ўлганнинг устидан тепишган каби  
Қайта қўшин тортди бадкирдор Туғлуқ.  
Эл чидай олмади — кўкрак кўтарди,  
Амир Баён Сулдуз бул Самарқанднинг  
Номига амири эди ўшанда.  
Эрмак эди унга офатижон май,  
Айш қуши бошидан учмас эди ҳеч.  
Тап тортмай шаҳд билан киришдик жангга,  
Аммо, ҳамжиҳатлик қаёқда, тангрим,  
Муштдек тугилмади битта ерга куч!  
Кўп ўтмай қамишнинг тўзғоғи мисол  
Исёнкор эл тўрт ён тирқираб кетди.  
Шу Сархон ва бизлар ўттиз-қирқтамыз  
Қаршилиқ кўрсатдик сўнги дамгача.  
Кўп чидай олмадик, Туғлуқ лашкари  
Бизни селдай босиб, янчиб ташлади!  
Ўшанда шер каби жанг қилган Сархон,  
Қаттиқ шикаст еди — бўлди ярадор!  
Тангри бир ярлақаб, биз тирик қолдик,  
Олиб қочдим уни Ургут томонга,  
Бошқа йўл йўқ эди...

Бир ҳафтадан сўнг  
Сархон тузук бўлди — шаҳарга қайтдик.  
Қоп-қора тун эди... Ў, даҳшатли тун,

<sup>1</sup> 1360 йилдаги Туғлуқ Темирнинг Мовароуннаҳрга юриши кўзда тутилмоқда.

Юрагим орқамга тортади ҳамон.  
Ёмғир қуяр эди, гўё осмондан  
Юлдузлар ёмғир бўп савалар эди.  
Шаҳар гўристондай ваҳмкор, жимжит,  
Биронта уйдан ҳам кўринмас ёруғ,  
Эшитилмас, ҳатто, итлар овози.  
Фақат совуқ шамол — ёмғирли шамол  
Юзга лой отгандек изиллар тинмай.  
Сархон ҳовлисига етдик амаллаб,  
Бирдан... бирдан... Сархон додлаб юборди!  
Мен аввал сезмадим бирор нарсани,  
Сўнг кўрдим... ҳовлида... кўзим ўнгида  
Уч дорда... уч гавда чайқалар эди!  
У-ў, шўрлик Сархон... қадрдоним-эй...  
(Зарбону киради.)  
Кел, кел, Зарбону.  
ЗАРБОНУ

Ассалому алайкум.

Отам кирмадими мободо бунга?

КАЛАВИЙ

Кирганди ва лекин чиқиб кетди у,  
Эски қалъа томон кетди чамамда.

ЗАРБОНУ

Доим шундай, зўрға эплаб боқаман,  
Пайт топди дегунча қочиб қолади.  
Шом ёки саҳарми унга барибир...

(Тараддуланиб)

Узр, Нурзод оғам... У келмадими?

КАЛАВИЙ

Келганди... мен унга айтурман албат.

(Зарбону чиқади. Калавий аввалги кайфиятда)

Мана, туш таъбири... Қўлим бўғзимда!  
Ва лекин тирикман — ётмайман қотиб!  
Раият, ишонгум, бош кўтаредир,  
Тул хотин ўчоғин ўти-чўғини  
Мўғул тортиб олган — кечирмайдир эл!  
Яланғочлар сувдан тойишмас, ахир!

## У ЧИН ЧИ САҲНА

**Боғ кўча. Истеҳком. Раҳналарда қоровуллар. Узоқда  
Масжиди Жомеъ кўзга ташланиб турибди. Жанг либосида  
курашчи йигит ва қизиқчи йигит кирадилар.**

КУРАШЧИ ЙИГИТ

Мавлонозодага қойил-е, жигар.

Уч кун кўз юммади.

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Шунча серғайрат.....

Улусни рўйхатдан ўтказди буткул,  
Ҳатто мусофирлар рўйхатин олди.

КУРАШЧИ ЙИГИТ

Уйланган, уйланмаганлар рўйхатин  
Нечун алоҳида қилишди экан?

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Ақлинг етмадими шунга, каллапўш,  
Серхатар жойларга уйланмаганлар,  
Бундайроқ жойларга...

КУРАШЧИ ЙИГИТ

Ҳа, ҳа, тушундим...

Бир иш бўлса... бола-чақа дегандай.

Ўзи уйланганми?

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Йўк, уйланмаган.

Севганин, анови катта ҳарб-жангда  
Туғлуқ Темир олиб кетган, дейдилар.

Онаси, синглиси бор экан фақат.  
КУРАШЧИ ЙИГИТ  
Севганин қутқазиб олмаган нечун?  
ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ  
Бу ерда бўлмаган, Ҳожа барлос-ла  
Ҳарбу жангда юрган... жанглари севган!  
КУРАШЧИ ЙИГИТ

Нима бўлса ҳам кўп донишманд экан,  
Саркубга қарагил, кўчабандларга...  
Шаҳарнинг тўрт ёнин банд қилдирди-я!  
Тулки ҳам ўтолмас қалъа ичига...  
Ўн минг киши жангни кутиб турибди!  
ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ  
Ўн минг, дейсанми?  
КУРАШЧИ ЙИГИТ

Ҳа, Амир Ҳусайн  
Қолдирмаган шаҳар ҳимоясига  
Лашкар тугул ҳатто доруғани ҳам.  
Лекин ўн минг киши йиғилгани рост.  
Жума куни, ахир, Жомеъ майдони  
Раиятга тирбанд бўлиб кетди-ку!  
ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

«Қуръон»и шарифни тавофлаб, ўпиб  
Қасамёд қилдилар жанг қиламиз деб,  
Барча жондан тўйиб кетган экан-да!  
Кўп сўзамол экан Мавлонозода,  
Қулоғим остида жаранглар сўзи.  
(Мавлонозодага тақлид қилиб)

Мусулмон жамоат! Сўзимни эшит,  
Катта хатар пайдо бошинг устида.  
Кофир босиб келар қора булутдай,  
Бу булут, ўйлама, ёмғир ёғар деб,  
Ул ўқлар отадур сенинг кўксингга!  
Болангнинг кўксига ўқлар отадур,  
Яксон қилар буткул хонумонингни!  
Божу хирож дея жизья<sup>1</sup> ундирган  
Тилининг тагида тили бор худхуд<sup>2</sup> —  
Амир Ҳусайн қочди номардлик қилиб.  
Сени ташлаб кетди тақдир ҳукмига,  
Раият демади, ўз бошим деди!  
Ёвинг кўп бешафқат! Қиёмат қилар!  
Мен жангга чорлайман!..  
КУРАШЧИ ЙИГИТ

Секинроқ, жигар,  
Дарров бошлайсан-да, бугун тинч юргил,  
Бошимиз балога қолмасин тағин.

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ  
Нега қозикалон Саид Юсуфбек  
Тарқошовлик қилди сулҳ тузамиз деб?  
КУРАШЧИ ЙИГИТ

Уларнинг мол-мулки етарли, ахир  
Ва лекин Калавий боплади уни.  
ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

(Калавийга тақлид қилиб)  
Сулҳ, аҳднома, дейсиз, ул нима ўзи?  
Раиятни алдаш, эрур, вақтинча.  
Илёсхўжа сира кўнмайди бунга,  
Ётниқи ҳамиша еб-тўйгунчалик!  
Азалги ёв-ёғий дўст бўлмас асло!  
Туғлуқ Темир ўша, Илёси ўша,  
Эшаги ўшаю тўқими бошқа!  
Унга Самарқандмас бойлик, мулк керак!  
(Кулги)  
Кейин Саид Юсуф ҳайқирди тағин.

<sup>1</sup> Жизья — жон солиғи.

<sup>2</sup> Худхуд — сассиқпопишак, бу ерда Амир Ҳусайн тожи ҳам худхуд тожидай гап маъносида киноя қилинмоқда.

(Саид Юсуфга тақлид қилиб)  
Эй валломатлар, бас, аравани  
От-улов тортмайди — арпа тортади,  
Мулк керак бўлса гар йиғиб берамиз!  
«Сулҳ яхшироқдур»<sup>1</sup>. Энг тўғри йўл шу!  
Мавлонозода-чи, Мавлонозода...

(Мавлонозодага тақлид қилиб)  
«Қаерда бўлмангиз, сизларни ўлим —  
Қидириб топгайдир...»<sup>2</sup> — бунга не дерсиз?..  
КУРАШЧИ ЙИГИТ

Бас, қил масхарабоз! Жондан тўйдингми?  
Сенинг учун улар кулги бўлдимми?

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Саид Юсуф бизга қўшилмади-ку,  
Уша кун кенгашни ташлаб кетди у.

КУРАШЧИ ЙИГИТ

Ҳа, унга қўшилди уч-тўрт ақобир.

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Лекин эл тарафда қолди шайхийлар,

Қози улардан ҳам аразлади-я...

Қизик, ҳозир нима қилмоқда экан?

КУРАШЧИ ЙИГИТ

Қозилар йўлини топар ҳамиша.

(Кўкка қараб)

Вақт бўлиб қолди, мен жойимга борай.

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Мен ҳам кетдим, омон бўлгил, биродар.

**Кетишади. Мавлонозода, Бухорий, Калавий, Нурзодлар  
киришиб, саркуб устига кўтариладилар.**

МАВЛОНОЗОДА

(Шаҳарни кузатиб)

Ғалати сокинлик бутун шаҳарда,  
Жанг олди, одатда шундай бўлади!

БУХОРИЙ

Ана, тийрандозлар, кўраяпсизми,  
Саф тортиб ётишар ўнгу сўл бўйлаб?

КАЛАВИЙ

Ишорага маҳтал қиличбозларим!

МАВЛОНОЗОДА

Энди гап, ёвларнинг бу Боғкўчага

Кириб келишида қолди, чамаси!

КАЛАВИЙ

Шаҳарнинг ичига бошқа йўл йўқ-ку?

Келиб тушадилар ушбу қопқонга,

Сиз бунда бемалол кутиб олурсиз!

МАВЛОНОЗОДА

Тангри қувват берсин йигитларимга!

БУХОРИЙ

(Сокин)

Бу «қопқон» ёдимга солди, кўрганим,

Ургут тоғидаги олқорқамокни.

(Сокин)

Ажойиб тошқамок... Тоғнинг устида

Кенг, каттакон яйлов... уч тарафиндан

Қўл билан қургандек тош-ла ўралган.

Яйловда бел бўйи ўтлар ўсади;

Кийикўт, дейсизми, айиқтовонми,

Қайинтовук, қоқи, телпакўт, қатрон,

Ҳатто равоч ҳам бор ва лекин, биллоҳ,

Қизлар сочи каби буғдойи мўл-кўл.

Наъматак, бодомча, учқат, ирғайлар

Барглари шилдираб ётибди ўсиб.

<sup>1</sup> «Қуръон», 3-сура, 128-оят.

<sup>2</sup> «Қуръон», 4-сура, 78-оят.

Улар илинжида олқорлар тўп-тўп  
Кириб келишади... овчилар эса  
Пойлаб «дарвоза»ни эгаллашар-да,  
Бемалол, шошилмай овлар уларни...

МАВЛОНОЗОДА  
(Кулиб)

Бугунги овимиз олқорлар эмас!

**Бирин-кетин Шайх Исомиддин, Сиёб ота, Мирзо Соҳиб,  
Қул Чобуклар кирадилар.**

ҚУЛ ЧОБУК

Отлиқлар тайёрдур ишорангизга,  
Нафасидан олов ёлқини келар.

ШАЙХ ИСОМИДДИН

Барча илми толиб сарбадормиз дер!  
Ғалати ўт улар қонида қайнар...  
Ботирлар қулида синиқ игна ҳам  
Айланмоғи мумкин олмос ханжарга!

МИРЗО СОҲИБ

Улар жанг қилмоқчи сарбадорлардек!  
МАВЛОНОЗОДА

Балли! Энг аввало, илм аҳли учун  
Илм муборақдир, мўътабар эрур.

Ва лекин илмдан-да юксак — Ватан бор!  
Ки, Ватан тақдири илм тақдиридур!

СИЁБ ОТА

Аҳли зироатнинг ғазоби чексиз!  
Сел келмай, тўғон қур — деганлари шу!

МАВЛОНОЗОДА

Демак, эл оёқда! Ғазаб ўтида!  
Ғазаб агар ақл ҳосили эрса  
Ҳар қандай ғов-тўсиқ кунпаякундир!  
(Ҳаммага)

Ҳаммаси жойида, тайёрсиз, демак!

**Дагар сарбоз киради.**

ДАГАР САРБОЗ

Ёғийлар Сиёбга яқинлаб келди,  
Жуда беҳавотир келишар улар!

БУХОРИЙ

Мантиқ илми айтур! Агар мақсадда  
Мавҳумлик бўлса гар — суян мантиққа!..  
Ўзига ишонган бу Илёсхўжа  
Ғалаба шавқи-ла келар бемалол!  
Ўйлаган: ёв йўк деб бул Самарқандда!

МАВЛОНОЗОДА

Оллоҳим ёр бўлсин! Ҳамма жойига!  
(Мавлонозода, Дагар сарбоз ва Нурзоддан бошқа  
ҳамма чиқади.)

Фармонимни кутинг!  
(Сукут)

Нақадар жимжитлик!

Кел, кел, Илёсхўжа! Ёвни ҳеч қачон  
Бундайин бемалол кутмагандурман.  
Юрагим сезмоқда: ғалаба равшан —  
Раият қаҳрики шунчалар қаттик!

ДАГАР САРБОЗ

(Кузатиб)

Ёғийлар йўналди дарвоза томон!..  
МАВЛОНОЗОДА

Кўраяпман, киришди кўча бошидан!  
(Ўз-ўзига)

Киравер, киравер!..

(Бирдан жиддий)

Сезиб қолдимми?..

Нечундир безовта! Сўнгиси ҳали  
Кўчага киргани йўқ?!  
(Ҳайқириб)

Ноғоралар!!!

(Нурзод ва Дагар сарбоз чиқишади. Ноғоралар овози еру  
кўкни тутати. Қилич, қалқонлар шарақлаши, шовқин-сурон,  
«урҳо-ур», «чопҳо-чоп», «бўшашма»лар авжига минади.  
Мавлонозода саркуб ортига қараб)

Йигитлар! Чикинглар, кўрсатинг ўзни!  
Эл-омон жангги бу! Имон жангги бу!

Мавлонозода белидаги шамширини олиб, баланд кўтариб,  
саркуб орқасига отилади.  
Саҳнага Мавлонозода сарбозлари ва мўғул навкарлари  
қиличбозлик қилиб киришади. Бу ҳолат анча вақт давом  
этади, улар жанг қилишиб чиқадилар. Яраланган Илёсхўжа,  
Ясовул ва бир неча нўён жон ҳолатда кирадилар.

ИЛЁСХЎЖА

От... от... келтир, аблахлар!

Унутдингми мўғул хонин қаҳрини?  
Қонингни ичаман ҳаммангнинг... аблах!..

БИРИНЧИ НЎЁН

Оҳ, қириб ташланди қўшиннинг ярми.

ЯСОВУЛ

Кетайлик, ҳоқоним, кетайлик бундан.

ИККИНЧИ НЎЁН

Тегинбекни асир этишди ёвлар.

ИЛЁСХЎЖА

Биламан, от келтир, деяпман сенга!

Чиқадилар. Нурзод чопиб киради.

НУРЗОД

Ёғий қочмоқда!.. Ёв...

Нурзод чиқади. Қул Чобук киради.

ҚУЛ ЧОБУК

Ғаним қочмоқда!

(Мавлонозода ва Сиёб ота иккинчи тарафдан киришади.)

Ёғийлар қочмоқда! Рухсат бер, саркор,

Қувиб бориб уни қилурмиз яксон!

МАВЛОНОЗОДА

Қуёни пайқамас кийик қувганлар!

Шошилманг! Йўқ, қувманг! Ҳийла эрур бу!

Бу ҳийла ўтмайди — ҳаммаси маълум!

Кенг майдонда жангга чорламоқдалар.

Бу жанг бизга тўғри келмайди, қувманг!

ТЎРТИНЧИ САҲНА

Жангнинг иккинчи куни. Самарқанд яқинида лашкаргоҳ.  
Илёсхўжа ва бизга таниш нўёнлар кирадилар.

ИЛЁСХЎЖА

Бугун ҳам энгилдик... Ишониб бўлмас!

Наҳотки ғалаба қилди қора эл?!

Сув ичирмаганга сут ичирган эл!

Қани боболарим қўллари, қани?

Уларнинг арвоҳи урмасми мени?!

Иш бермади ҳатто ҳийла-ю макр,

Наҳот қўлдан кетди Мовароуннаҳр?!

Шаҳид бўлди наҳот икки минг навкар?..

БИРИНЧИ НЎЁН

Ҳа, шундай, ҳоқоним, ҳисоблаб чиқдик.

## ИЛЭСХҮЖА

Қандай қилиб ғаним ғалаба қилди?

### ИККИНЧИ НҮЁН

Мен битта асирни сўроқ қилгандим,  
Ул айтди, қалъада эл кўтарилган, —  
Етти ёшдан етмиш ёшгача бари...  
Шаҳар мадрасасин бош мударриси  
Ва яна қандайдир сарбадорларми...  
Уларга сарварлик қилибди, ҳоқон.

## ИЛЭСХҮЖА

Сарбадорлар... Ё раб? Нима деяпсан?  
Улар Хуросондан келишибдимми?

### БИРИНЧИ НҮЁН

Ҳоқоним, мен айтай... Бу сарбадорлар  
Икки йилки... пайдо бўлибдир бунда  
(Икки йилки, биз ҳам келмадик, ахир!)  
Бойларни, бекларни таларкан улар,  
Ҳаттоки амирлар кўрқишар экан.  
Бойўғлидай тунлар қиларкан босқин.  
Талаба, йўқсиллар ва хунармандлар  
Хайрихоҳ эканлар сарбадорларга.  
Худди шулар бизга элни кўтарган...

## ИЛЭСХҮЖА

Энди аён бари... бу сарбадорлар  
Хуросонда пайдо бўлишган асли.  
Томир отибдилар, демак, бунда ҳам...

### ИККИНЧИ НҮЁН

Ҳоқоним, бир қошиқ қонимдан кечинг...

## ИЛЭСХҮЖА

Сўзла!

### ИККИНЧИ НҮЁН

Оралабди отларга ўлат,

Шундай хабар айтди бизга сайислар.  
Тезроқ йўл олмоқлик керак юрт сари...

## ИЛЭСХҮЖА

Оҳ, танграм! Нима гап? Шу етмаганди.  
Юз бурдингми биздан оллоҳи карим?  
Овчининг армони кўп бўлар тоғда,  
Менинг армонларим Жайхун, Сайхунда...  
Боболар эгалик қилган бу юртдан  
Мени сарбадорлар, ўлат қувмоқда.  
Мажбурман бошимни баркаш қилмоққа,  
Тоғдайин елкамни обкаш қилмоққа!  
Менга кундай маълум бўлмоқда ҳозир,  
Бугунги жангимиз сўнгги жанг эрур!  
Жайхундан, Сайхундан юз йиллар оша  
Сувлиқсиз сув ичган мўғул отларин  
Шу бугун тугади насибалари...

## БЕШИНЧИ САҲНА

Катта майдон. Кун пешиндан оққан. Раият жам. Калавий,  
Мавлонозода, Бухорий, Шайх Исомиддин, Мирзо Соҳиб,  
Сиёб ота, Дагар сарбоз, Нурзод ва бошқалар раият билан  
аралашиб кетган ҳолда кўринади.

### ОВОЗЛАР

...Балли, Мавлонозода!

...Яша, Калавий!

...Балли!

...Қул Чобук, қул эмас! Ҳақиқий сарбоз!

...Биз — сарбадорлар!

...Жанг тугаган йўқ!

...Беклар олиб қочди ўзни сўғишдан!

...Ут кўюрмиз Саид Юсуф уйига!

...Аён-акобирлар бошин кесурмиз!

МАВЛОНОЗОДА  
Раият! Ғалаба нашъасини сур!

Тўртта йигит даврандан ажралиб чиқиб, қарсак остида  
қўшиқ бошлайди.

**ТЎРТ ЙИГИТ**

Тушга кирмас нималар,  
Ёвлар нима, демайди?  
Биз ўтказган умрлар,  
Жўра, қайтиб келмайди.  
    Ўйна, ҳо, ўйна!

**Бир тўп йигитлар ўйинга тушади.**

Қайга шошар тентак сой,  
Товни кўзга илмайди.  
Бу кўркамлиқ, бу чирой,  
Жўра, қайтиб келмайди.  
    Ўйна, ҳо, ўйна!

**Ўйинга Калавий, Нурзод, Қул Чобуклар қўшиладилар.**

Ирғанади ирғайлар,  
Томирлар зирқиллайди.  
Ўқдай учар қирғийлар,  
Бу шашт қайтиб келмайди.  
    Ўйна, ҳо, ўйна!

Тангиларнинг тошини  
Зулфиқорлар тилмайди.  
Ғоз тутгил-эй, бошингни,  
Бошлар қайтиб келмайди!  
    Ўйна, ҳо, ўйна!  
    Ўйна, ҳо, ўйна!

**УЧТА ЙИГИТ**

(Иккинчи қўшиқни бошлайди.)

Бўри қочди, бўри қочди...  
(Бир йигит бўри тарзида даврани айланиб қочади.)  
Бўри қочди, бўри қочди.  
Урҳо-ур, урҳо-ур!

Бўрининг қорни очди,  
Ур-ҳо-ур, ур-ҳо-ур!

Қайга қочиб боради,  
Ур-ҳо-ур, ур-ҳо-ур!

Сенинг молинг ёради,  
Ур-ҳо-ур, ур-ҳо-ур!

Сенинг молинг нимадир,  
Ур-ҳо-ур, ур-ҳо-ур!

Молинг — элинг нимадир,  
Ур-ҳо-ур, ур-ҳо-ур!

**Навбатда икки чечан ўртага чиқишади.**

**БИРИНЧИ ЧЕЧАН**

Эл билмаганини кексасидан сўрайди.

**ИККИНЧИ ЧЕЧАН**

Биров йўлдан адашса кимдан сўрайди?

**БИРИНЧИ ЧЕЧАН**

Юргандан сўрайди.

**ИККИНЧИ ЧЕЧАН**

Юрган адашса кимдан сўрайди?

**БИРИНЧИ ЧЕЧАН**

Кўргандан сўрайди.



ИККИНЧИ ЧЕЧАН  
Кўрган адашса кимдан сўрайди?  
БИРИНЧИ ЧЕЧАН  
Кўпдан сўрайди.  
ИККИНЧИ ЧЕЧАН  
Кўп адашса кимдан сўрайди?  
БИРИНЧИ ЧЕЧАН  
Донишманддан сўрайди.  
ИККИНЧИ ЧЕЧАН  
Донишманд адашса кимдан сўрайди?  
БИРИНЧИ ЧЕЧАН

Донишманднинг кўзи кўр бўлмаса  
Нимага адашадилар!

ОВОЗЛАР

...Офарин, чечанлар!  
...Асло кам бўлмагил!  
...Донишманднинг кўзи кўр бўлмасин ҳеч!

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ  
(Даврадан чиқиб)

Халойиқ, муаммо!.. Кимнингки боши  
Сойнинг тоши эмас — ечар муаммо!

(Жимлик)

Бир жуфт булоғи бор, бир жуфт ирмоғи,  
Дараси биттадур, қояси битта!

ОВОЗЛАР

...Тоғ!

...Йўқ!

...Ўтов!

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

...Йўқ! Йўқ! Юрт бердингизми?

КАЛАВИЙ

Юрт бермоқ нодонлар ишидир, элим!  
(Сокин)

Бу — киши юзи! Жуфт булоғи — кўзлар,  
Жуфт ирмоғи — мўйлов, дараси — оғиз,  
Яккаю ягона қояси — бурун!

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Топдингиз, оқсоқол! Эл, яна, эшит!  
Ёвни енганларнинг боши тош эмас,  
Асалари ини — асалга макон!

(Енгил кулгу)

Қўнғироғу, лекин жарангламайди,  
Ранг-рўйи сап-сарик — дарддан сап-сарик!

ОВОЗ

Шу ҳам муаммоми? Қизикроқ айт-да?  
Менинг боғимдаги нашватидир бу!

ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Яша, нашватингни танир экансан!  
(Кулгу)


Даврага икки полвон чиқиб, кураш тушади.  
ҚИЗИҚЧИ ЙИГИТ

Ёвдан қочур булар!.. Дўстлар ичида  
Кураш тушар икки такага ўхшаб!

РАИЯТ

Гумбирлагил қалдирик,  
Чақинлар чақ, чақинлар.  
Кетаверсин сур, қўрқок,  
Келсин ботир, яқинлар!  
Гумбирлагил қалдирик...

П а р д а  
Охири келгуси сонда



Саид Аҳмад

# ЖИМЖИТЛИК

Роман<sup>1</sup>

X

Ҳар куни то бошларига офтоб келгунча ухлайдиган болалар тоғам Кийиксовдига оборади, деб вақтлигина туриб олишган эди. Улар ўртоқларига аллақачон Кийиксовди момога борамиз, деб мақтаниб қўйишган, шунинг учун ҳам икки-уч бола эшикдан бош суқиб, уларнинг йўлини пойлашарди.

Толибжон ҳар куни катта йўлга чиқиб, Самарқанд—Китоб, Панжикент—Шаҳрисабз маршрутида қатнайдиган автобуслардан газета олиб келарди. Бу болалар ҳам унга эргашиб бориб-келишарди. Бекат гавжум эди. Унда кавказли бир йигит кабоб сотади. Ланғиллаб ёнаётган кўмир тепасига қўйилган чойдиш ҳамма вақт вақирлаб қайнаб туради. Толибжон болаларни қатор ўтқазиб қўйиб, кабоб олиб беради.

Кабобчидан сал нарида бир неча хотин ерга клиёнка ёзиб кийикўти, равоч, қурут сотиб ўтиришади. Йўлнинг соя тарафида доимо бир эски «Москвич» туради. Эгаси фанер қутига асал тўла шиша банкаларни қўйиб, тоғ асали, деб сотади. У асли Нишоннинг Қовчин қишлоғидан, асали ҳам пахта гулини эмган ариларники. Аммо ҳар гал автобус келганда йўловчилар гурра ёпирилиб бу «тоғ асали»ни талаб кетишади. Кейинги автобус келгунича, йигит «Москвич» багажнигидан янги «тоғ асал»ларини олиб қути устига териб қўяди.

Бозорча тоғ йўлларида қор эриб қатнов мавсуми бошланиши билан биринчи автобусни даста-даста чучмўмалар билан кутиб олади. Бу пайт адирлардаги лолалар хазон бўлиб, тўпиқ бўйи келиб қолган буғдойзорларда лолақизғалдоқ алвон кўрпасини ёпиб ташлаган бўлади. Лола сайрига тўймай қолган одамларнинг тоғ лоласини кўриб кўзлари яшнаб кетади. Самарқандга қайтаётган, Термизга ўтаётган машиналарнинг орқа ойналари лолаю чучмўмаларга тўлиб кетарди. Қовчинлик асалчи йигит ҳам савдо мавсумини бошлаб юборарди. Кабобчи кўрасидан чиққан тутун ёнбағирларда сузарди. Ана шундан кейин сал фурсат ўтмай, «бозор»чага равоч чиқади. Витаминга ташна йўловчилар равоч харид қиладилар. Шундоққина пастликда шовуллаб оқадиган сойдан болалар мой балиқ тутиб чиқадилар. Ой қулоғидан тол новдаси ўтказилиб шода қилинган балиқчалар анча пайтгача типирчилаб турадилар. Йўловчилар дунёда тоғ сойининг балиғидек ширин балиқ бўлмаслигини биладилар. Савдога «чиққан»ига қаноат қилмай болалар яна тутиб чиққунларича кутиб турадилар. Июлнинг ўрталарига бориб бозорчага олма чиқади. Бу ернинг олмасига дори сепилмайди. Ҳашоратдан холи тоғ қуршовидаги олмазорлар кўкламда ёмғир суви, ёзда томирлари оралаб сизиб ўтадиган булоқ сувларини шимиради. Чанг-ғу-

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

бордан холи боғларда етилган бу олмалар минг дардга даво эди. Асфальт йўл четида олма тўла пақирчалар тизилиб кетарди.

Тинимсиз ўтиб турган автобус, машиналардан тушган йўловчилар бир зумда бозорчани «ялаб» кетишарди.

Эртанги олма товсилиши билан кетма-кет ўрик чиқади. У томони Қарши, бу томони Жиззах ўриклари қоқи бўлган, тунука томларга ёйилган ўриклар қуриб қоплаб бўлинган пайтда, бу ерларда энди ранг олади. Август этагига келиб фарқ пишади. Тоғ ўригидан туршак солиб бўлмайди, ундан қиём ва компот пишириш керак. Тоғ ўригидан пиширилган компотдан табиий ванилин ҳиди келади. Бунақа ажаб хушбўй қиёму-компотларни шаҳарликлар ҳаддан ташқари яхши кўришади. Бу йўлдан ўтганки одам бор, бир-икки пақир харид қилиб кетмаса кўнгли жойига тушмайди.

Ана шундан кейин бозорчага дўлана чиқади. Кетма-кет кузги олма, нок бозори бошланади. Анзур пиёзини сўрайдиганларнинг саноғи йўқ. Йўл четларида ёнғоқ тўла қоплар қалашиб кетади.

Тоққа қор тушиши билан автобус қатнови ҳам сийраклашиб қолади, қор тепадан пастга аста-секин ўрмалаши билан пассажир автобусларининг қатнови ҳам тўхтади. Фақат азамат юк машиналари «Алка»лар қишин-ёзин баробар қатнаб туради.

Сўнги йўловчиларгина каклик бозорини кўриб қоладилар. Тўрт-беш йўловчи — харидорга ошланмаган тулки, бўрсиқ териси тегиб қолади.

Йўлларни одам бўйи қор босади. Чўққиларни, ёнбағиру йўлларни булут ўрайди. Ниҳоятда тиниқ бир жимлик бошланади. Бу сукунатни булутлар тепасидан учиб ўтадиган Душанба—Тошкент реактив пассажир самолётининг гуруллаши бузади.

Хонадонлар атрофида чўққидан хўрак излаб тушган ҳайвонларнинг излари қолади. Какликлар очиқ эшикларга кириб келадилар...

Толибжон бугун катта йўлдаги гавжум бекатга бормайди. Онасига берган ваъдасига биноан, Кийиксовдига боради. Бугунги газеталарни автобус шофёри кабобчи йигитга ташлаб кетаверади.

Нонуштадан кейин Зайнаб битта халтага нон, қанд-қурс, ёнғоқ, тутмайиз, қуруқ чой солиб берди. Бир қоғоз қопга қумғон солиб, қайтишда ҳам шунга солиб келинлар, бўлмасам ҳаммаёғингизни қурум қилиб юборади, деб тайинлади. Кетар олдида кампир Толибжонни ёнига чақириб, болам Кийиксовди момомга тиловат қил, тиловат қилишни биласанми, деб сўради. Толибжон, билмайман, деб жавоб қилди.

— Ҳай, майли. «Қулху оллоху аҳад»ни уч марта ўқисанг, қуръон ўрнига ўтади, — деди.

Толибжон, уни ҳам билмайман, деди хижолатлик билан.

— Ҳай, майли, — деди яна кампир. — Сен кетавер, шу ерда туриб ўзим ўқиб қўяман. Савоби сенга тегсин деб, момога илтижо қиламан.

Толибжон онамининг дили оғримасин, деб хўп, хўп, она, деганча чиқиб кетди. Кампир орқадан жавраб қолди:

— Ҳой, тентаккиналарим, тоғангни бевошлик қилиб қийнаманглар. Форларга кирманглар, жар ёқасига борманглар, юмронқозиқ уясига қўл суқманглар, илон-чаёнлар чақиб олмасин. Қушларнинг боласига тегманглар, онаси қарғайди...

Толибжон болаларни эргаштириб йўлга тушди. Шай бўлиб туришган қўшни болалар ҳам эргашиди.

Одатда ота-оналари бу болаларнинг чўққи томонга боришларига ижозат беришмасди. Бу чўққиларда, бу ўнгирларда қанчалаб бола адашиб бўриларга ем бўлган. Улар болаларига, Толиб тоғангнинг измидан чиқма, айтганини қил, деб тайинлашган. Болаларнинг ҳаммасида тўрва. Улардан ташқари бирида компас, бирида дурбин, яна бирида батарея чироқ. Толибжон ундан:

— Куппа-кундузи батарея чироқни нима қиласан? — деб сўради.

— Форга кирамиз, Толиб тоға. Фор ичи жуда қоронғи. Чироқ бўлмаса ҳеч нарсани кўриб бўлмайди, — деди бола.

Тоғ болалари пишиқ, тадбирли бўлади. Бу ҳам ўшалардан эди. Олдинда кеча Толибжон билан зум-зум ўйнаб камарини ютган бола мақтаниб кетяпти. Бошқалари унинг «чет элдан келган» камарига ҳавас билан қараб қўйишади.

Бир боланинг халтаси оғирроқ эди. Ичида тош борга ўхшарди. Толибжон ундан, тўрвангда нима бор, деб сўраганда у, оҳак тош билан томатдан бўшаган банка, кейин пича кир совун бор, деб жавоб қилди.

— Ия, буларни нима қиласан?

Бола жуда билафонлик билан, зўр иш қилмоқчилигини билдирадиган ҳаракат қилди.

— Булоқ тепасидаги катта қоратошга отимизни нимада ёзамиз. Оҳакни банкага солиб тепасига совун япроқлаб соламиз, кейин сув қуйсак вақирлаб қайнаб кетади. Қатиққа ўхшаб оппоқ атала бўлади. Уша билан тошга ҳаммамизнинг отимизни ёзаман.

— Дуруст, дуруст, тadbирли бола экансан.

Бола шунақа, биз шунақамиз, дегандек бир қарадио олдинга тушиб югуриб кетди.

Йўл-йўлакай дурбин қўлма-қўл ўтарди. Компасли бола йўлни жуда яхши билса ҳам унга қараб, буёқ шарқ, буёқ ғарб, деб мақтаниб борарди. Компас ҳам қўлдан-қўлга ўтиб турарди.

Толибжон болаларнинг беғубор, аммо алмойи-алжойи гапларидан завқланиб жимгина борарди.

Ун уч ёшлардаги, бўйи чўзилиб қолган бир бола гапга аралашмас эди. Толибжон уни яхши танийди. Отаси Равшанбек деган чўпон эди. Толибжондан беш-олти ёш кичик бўлса керак. Ҳозир Толибжон унинг башарасини унутиб юборипти. Эслашга ҳаракат қилса ҳам, эслолмади. Равшанбек бедарак йўқолган. Кўп қидиришди, кўрдим деган одам бўлмади. Бу бола отаси йўқолгандан кейин муштдек боши билан рўзғор тебрата бошлади. Узини ўтга-чўкка уриб, пул топарди. Автобус бекатида эрта баҳордан то қор тушгунча равоч сотади, балиқ сотади. Урик териб келади, кийикўт теради, тоққа чиқиб кетиб қош қорайганда ёнғоқ тўла иккита қопни эшакнинг гарданига айри ташлаб келади. Шу эшак жонвор билан қанчадан-қанча равоч, ўригу-дўлана ташиди. Бувиси Толибжон болаларни Кийиксовдига олиб борармиш, деб эшитиб, уни атайин уларга қўшди. Отангга атаб Кийиксовди момом мақбарасига шам ёқ, деб тайинлади. Атаб қўйган еттита тангани рўмолчасининг учига тугиб берди.

— Бор, болам, болаларга қўшилиб сал ёзиласан. Муштдеккина бошингга рўзғор ташвиши тушди. Отанг бўлса сени шу аҳволга солиб қўярмиди, бор, боравер, мени ўйлама, мен бир худо қарғаган одамман, — дея орқасидан мунгли қараб қолди.

Мана, у ўздан кичик болаларга қўшилиб, Кийиксовдига кетяпти.

Толибжон уни ёнига чақирди.

— Бирга гаплашиб кетайлик, Азизбек.

Азизбек жуда кўҳлик йигит бўлиб келаётган эди. Овози дўриллаб, иягидаги туклар муртга айлана бошлапти. Қарашлари ўйчан. Онасига ўхшаяптимикин, отасигами? Лекин боланинг ичи тўла қандайдир алам, пинҳоний изтироб туғён қилаётгани билиниб турарди. Онасини жуда кўҳлик дейишади. Қўни-қўшниллар орасида қадамини чакки босарди, деган гаплар ҳам бўлиб ўтганди. Ҳатто бешик тўйида бир хотин, касофати эрига урди, деб айтганини ҳам эслашарди. Толибжон Азизбекни қандай қилиб гапга солишини билмай ўйланиб туриб, кейин сўради:

— Катта энанг соғ-саломатмилар? Бир кириб, кўриб чиқай дейман...

Толибжон у ёғига гап тополмай тўхтаб қолди.

— Ҳали бақувватлар. Ўзларига-ўзлари овқат пишириб ейдилар.

Толибжон ҳайрон бўлди. Савол назари билан Азизбекка қаради. Азизбек унинг нима демоқчилигини сезиб жавоб қилди:

— Катта энам аямни қўлларида овқат емайдилар.

— Нега? — деди Толибжон.

Бола жавоб беришга қийналди. Анча жойгача индамай борди. Айтиш жуда ҳам қийин бўлган аллақандай аламли, изтиробли бир гапни тилига чиқазолмай қийналарди. Толибжон бунни сездди. Айтмай қўяқолса ҳам майли эди-я, деб мавзунини ўзгартирмоқчи бўлиб турган эди, Азизбек қатъий деди:

— Мирвали тоғани бир кун эмас, бир кун ўлдириб кетаман. Уни ёмон кўраман. Дадамни шу йўқ қилган. Биламан, биламан. Уйда дадамни иккита қўшоғиз милтиғи бор. Орқасидан пойлаб бориб, отиб ташлайман.

Боланинг овози бўғилиб, охири кейинги гапларини айтолмай, юзини тескари бурди. Этаги билан кўзини, бурунларини артиб олди.

— Катта энам кечалари Мирвали тоғани қарғаб чиқади. Аямни қарғайди. Кейин ув тортиб йиғлайди. Мен ҳам бўйнига осилиб йиғлайман.

Болалар бирдан чувиллашиб қолишди. Дурбин қўлма-қўл ўтиб талаш бўлиб кетди.

— Толиб тоға, Толиб тоға, осмонга қаранг, бургут боласини учирма қил-япти. Мана, дурбинда қаранг.

Толибжон бола берган дурбин билан чўққига қаради. Офтобда оппоқ қорлари чақнаб кўзни оладиган чўққининг шундоқ ёнгинасида баҳайбат бир бургут гоҳ мункиб, гоҳ учишга интилаётган бир бургутчанинг у ёнидан-бу ёнига ўтиб, баъзан тагидан келиб туртиб, уни йўлга соларди. Бургутча қанотларини пир-пиратар, ўзини эплаёлмай ўқ теккандек пастга шитоб билан мункиб кетарди. Она бургут шўнғиб худди уни илиб олаётгандек, тагига кирарди-да, яна учишга ундарди.

Чувиллашиб келаётган болалар бирдан жимиб қолишди. Тўхтаб орқага тисарилишди: илон!

Ёлғизоёқ йўлда, қайноқ тупроққа бағрини бериб ётган баҳайбат бир илон безовталаниб бошини кўтарди. Кейин ҳужумга тайёрланаётгандек кулча бўлиб бошини бир тизза бўйи кўтарди-да, айри тилини ўйнатиб қимирламай туриб қолди.

Болалар уни тошбўрон қила бошладилар. Шунда у думи билан тупроқни чангитиб шу чанг-тўзон орасига кириб йўқ бўлди. Толибжон дурбинни кўзига тутиб чўққи томонга қаради. Бургут энди йўқ, олис-олисларга боласини эргаштириб кетиб бўлганди.

Азизбек унинг ёнгинасида индамай борарди.

Толибжон унинг дадасини эслади. Ювошгина, камгап йигит эди. У уйланганда Толибжон Тошкентда эди. Бодомгул деган чиройли бир қизга уйланди, деб қулоғига чалинганди.

Ҳақиқатан Бодомгул ҳаддан ташқари чиройли, шаддод қиз эди. Бу атрофда ундан хушовоз қиз йўқ эди. Чирмандани чертиб қўшиқ бошлаганда ўйнаган ҳам ўйнардди, ўйнамаган ҳам. Қишлоқ тўйлари усиз ўтмасди. У ўзининг чиройлилигидан ўзи завқланарди. Қошидан бир энлик юқорида бир текис қирқилган патига<sup>1</sup>, қулоғининг остига тўғрилаб қирқилган сатанг соқолига беҳи уруғи ивигилган сув суриб ялтиратарди. Йигитларнинг кўзи куйсин, деб дуррани чап томонга сал қийшайтириброқ танғирди. У сира пардоз қилмасди. Чунки шундоғам унинг ним қизил лаблари, сариққа мойил оқиш чеҳраси ҳар қандай пардоздан кўримли эди. У беқасам камзул кийиб даврага тушганда, силкиниб чирманда чертганда давралар жимиб қоларди. Айниқса, ўртага ёқилган гулхан атрофида айланиб қўшиқ айтаётганда, юзи алангадан яшнаб кетарди. Бўйнидаги қизил, кўк мунчоқлар, қулоғидаги балдоқлари ялтираб йигитлар кўксига учқун бўлиб сачрарди. Ана шундоқ қиз Равшанбекка насиб қилди. У тоғ-тошларда эчкилар суруви кетида чангга беланиб юраркан, фақат шу беқиёс гўзал хотинини қўмсаб, чўққилар тепасига чиқарди. Олисда қуюқ кумушранг туман ичида элас-элас кўриниб турган қишлоғига қарарди.

Областнинг илғор чўпонлари қатори бир йили Равшанбекка Меҳнат Қизил Байроқ ордени чиқади.

Равшанбек бу қувончли воқеа муносабати билан уйда зиёфат беради. Ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар, совхоз активлари йиғилишади. Мирвали бу зиёфатга бир танача етаклаб келади. Уни дастурхоннинг тўрига олишади. Зиёфат авжига чиқади. Шиеракайф меҳмонлар, Бодомгулдан эшитайлик, шу бугун айтмаса қачон айтади, деб туриб олишади. Битта туғиб янада яшнаб кетган Бодомгул ловуллаб ёнаётган оловдек атлас кўйлакда чирманда билан ўртага тушади. Мирвали уни кўрадио оғзи ланг очилганча ёпилмай қолади. Бодомгул силкиниб-силкиниб чирманда чертар, гоҳ баланд, гоҳ паст тиниқ овозда терма айтарди. Мирвали тумонат йиғилган бу зиёфатда Бодомгулдан бошқани кўрмас, шиеракайф овозларни эшитмас, қулоғи фақат Бодомгулнинг тошдан-тошга урилиб тушаётган тоғ сувининг кўнғироғидек овозини эшитар эди.

<sup>1</sup> Пат — пешонадан қирқилган соч.

Мирвалининг нияти бузилди. У билан учрашишнинг минг хил йўлини излади. Охири совхоз ҳаваскорларини телевизорга чиқаришни Тошкент билан келишиб, марказдаги клубда уч-тўрт кун репетиция қилишга уни чақиртирди. Бодомгулни ҳар кун машинада олиб келиб қўйиб юришди. Шундай кунларнинг бирида бирга овқатланамиз, деб уни Чорчинорга чақиртиришди. Расулбек уни машинада опкелиб ўзи ҳозир келаман, деб қайтиб кетди. Бу ерда Мирвалидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Расулбек йўлнинг ярмида машина ичида магнитофон қўйиб ўтирди: агар бирон машина бу томонга ўтмоқчи бўлса, нозик меҳмонлар бор, деб қайтармоқчи.

Бодомгул табиатан енгилроқ аёл бўлганидан Мирвалига тез кўникди. Ана шу кундан бошлаб ораларидаги муносабат тезлашиб кетди. Мирвали унга шу қадар берилиб кетдики, бир кун кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Равшанбек тоққа кетган пайтларда ҳатто уйига ҳам борадиган, баъзан кечалари ётиб қоладиган одат чиқарди.

Равшанбекнинг онаси Мирвали келган тунда неварасини бағрига босиб йиғлаб чиқарди. Бир кун тонг маҳали Мирвали чиқиб кетаётганда кампир уни тўхтатиб яхшиликча насиҳат қилди. Ялиниб-ёлворди:

— Болам, гулдек рўзгорини бузманг. Биттагина арзанда боласи бор-а. Ўғлим пайқаб қолса жуда хунук ишлар бўлиб кетади, шуни биласизми?

Мирвали ундан тап тортмай, сиз бу ишларга аралашманг, кампир, дедию чиқди-кетди. Мирвалининг қўлидан ҳар иш келишини кампир яхши биларди. Унга тенг келиб бўлмайди, тик қараганни йўқ қилиб юборади.

Кампир қон йиғлаб қолаверди Мирвали келиб-кетишдан тийилмади! Кампир ўғлига айтай деса орада гап қочиб, болам шикаст еб қолади, деган ўй билан аламини ичига ютди. Тонг отгунча невараси Азизбекнинг пешонасини силаб, ёмонларга ўлим тилаб чиқадиган бўлди. Яхшиликча келинига насиҳат қилмоқчи бўлган эди, Бодомгул гапни калта қилди:

— Ҳафталаб тоғу-тошларда йўқ бўлиб кетадиган ўғлингизни йўлига кўз тикиб ёш умримни ўтказайми? Дунёга икки марта келмайман-ку.

Ана шундан кейин кампир келинининг қўлидан овқат емай қўйди. Уни ҳаром билиб, кирини ҳам ўзи ювиб, қозон-товоғини ҳам бўлак қилди. Аммо лом-мим деб боласига бу тўғрида оғиз очмай кўз ёшларини ютди.

Кампир ўғлини сўнгги бор тоққа кетиш олдида, хотинининг сочларини силаб хайрлашаётганда кўрган. Ушанда унинг жигар-бағри қон бўлиб оққан эди. Равшанбек ўша кетганича қайтиб келмади. Домдараксиз кетди. На тириги, на ўлиги топилди. Вертолёт билан ҳам неча бор тоғлар устидан учишди. Ҳар бир ғор, ҳар бир ўнгирни қадамба-қадам қараб чиқилди. Топишолмади. Кампир боласига аза очолмай, на қора кийишини, на оқ кийишини билади. Бодомгул бир-икки ой паришонхотирроқ бўлиб юрдию яна аслига келиб сертақин бўлиб қолди. Бўйнида марваридлар, бармоқларида бриллиант узуклар пайдо бўлди. У кийган кўйлақларни бу яқин орада бирон аёл киёлмайди.

Бу гаплардан Толибжоннинг хабари йўқ. Фақат Азизбекнинг бояги Мирвали тоғани отиб ташлайман, деганидан, бола дадасининг ўлимини Мирвалидан кўр-япти, деб ўйлади. Наҳотки шундай бўлса? Наҳотки Мирвалининг қўли одам ўлдиришга кўтарилса! Мумкин эмас. Толибжон гўдакнинг эзилиб турган юрагини баттар эзмай, деб бу тўғрида бошқа гап очмади.

Пастак бир дўнгликдан ошганларидан кейин ёлғизоёқ йўл ёнғоқзор орасига кириб кетади-да, кўз аранг илғайдиган ялангликка бориб чиқади. Унда офтобда ялтираб жилға оқади. Тошлар орасидан қуйилаётган сув яна тошлар орасига кириб кетади. Яна ер бетига чиқиб илондек тўлғониб-тўлғониб тошларга урилади-да, икки-уч ариқча бўлиниб ювош тартади. Энди шу билан унинг шўхликлари, бевошликлари тугайди.

Ёнғоқзор орасида шағал тўкилган катта йўл. Чорва учун очилган бу йўлдан қўю-қўзилар, эчкилар, қорамоллар ўтади. Ҳар замон орқасидан ожиз чанг кўзғаб машина ўтиб қолади. Кийиксовди момонинг мақбараси шу яқингинада. Азамат ёнғоқ тупларининг сербарг шохлари уни тўсиб турипти.

Болалар қиш кунлари тепадан ченада сирпаниб тушгандек пастга қараб югуриб кетишди. Фақат Толибжон билан Азизбек шошилмай, аста, бир маромда одимлаб боришарди.

Болалар катта йўлни қўйиб, ёнғоқзор оралаб бир-бирларини қувиб кўздан

гойиб бўлишди. Шошилмай пастга тушган Толибжон Азизбек билан болалар кетган йўлдан ёнғоқзорга киришди. Ҳар ёнғоқ тупларики, қучоққа сиғмайди. Бош кўтариб қараган киши осмонни кўрмайди. Қуюқ барглар пастга тангадек офтоб туширмайди. Ҳар бири мушукдек келадиган кирпилар у ёқдан — бу ёққа югуришади. Бу салқин жойларни ёзда тарк қилмайдиган олақарғалар хазон титкилаб юришипти. Улар одам шарпасини сезди дегунча патирлаб кўтариладилар-да, сал нарига бориб яна қўнадилар.

Нимқоронғи ёнғоқзор оёқлаб қолди. Офтобда яшнаган яланглик нури кўзларни қамаштирди.

Толибжонлар келганда мақбара олдида ёнбошига «УзТЕЛЕРАДИО» деб ёзилган микроавтобус турарди. Мақбара орқасидаги сўрида икки-учта бахши тиззасига дўмбирасини қўйиб, ёши олтмишлардан ошиб қолган шаҳарли бир аёл билан қизғин баҳслашиб ўтиришипти. Бериги сўрида — телеоператор бўлса керак, соқол қўйган бир йигит билан кўкси очиқ енгсиз кўйлак кийган, сочи ўғил болаларниқига ўхшаб тузалган қиз оёқларини саланглатиб ўтирипти. Чинор танасига қоқилган патнисдек тунукада ёзув. Толибжон яқин келиб, ёзувни ўқиди.

«Ушбу Кийиксовди она мақбараси инсоннинг табиатга, жониворларга бўлган буюк муҳаббати рамзи сифатида ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИГА олинган.»

Тошўчоққа биратўла тўртта қумғон қўйиб тагига ўт қалаётган йигит Толибжоннинг олдига келди.

— Сўрилар банд эди-я, меҳмон. Анаву ерга шолча солиб берақолай. Тошкентдан опа киночиларни олиб кептилар, шунга...

Толибжон бу опа ким экан, деб ҳайрон бўлиб турган эди, йигит топқирлик билан жавоб қилди:

— Танаймасизми, бу опа бизнинг тоғлардаги хотинлардан, бахшилардан қўшиқлар, дostonлар ёзиб оладиган Алавия опа бўладилар-ку. Кўп яхши, кўп покиза аёл бу киши. Телевизорга ҳам тез-тез чиқиб турадилар-ку. Манаву ёзувни кўрдингизми, шуни ҳам опа Тошкентдан ёздириб олиб келдилар,— у шундай деб чинор танасига қоқилган тунукадаги бояги ёзувни кўрсатди.

Толибжон билан болалар мақбарани айланиб у ёқ-бу ёқларини кўриб бўлгунларича, йигит ёнғоқ тагига шолча солиб ўртага дастурхон ёзиб қўйди. Болалар йўл юриб, анча чарчашган эди. Бир-бирларини босиб шолча устида думалай бошладилар. Бахшилар билан берилиб суҳбат қиляётган Алавия опа уларнинг беозор шўхликларига илжайиб қараб қўярди. Кейин у ўрнидан туриб кўзойнагини қўлига олди-да, бир-бир босиб болалар тепасига келди.

— Ҳа, болаларим, Кийиксовди энани зиёрат қилгани келдингларми? Балли, балли сизларга,— кейин у суҳбатга қулоқ солиб турган Толибжонга юзланди:

— Болаларингизми?

— Йўқ, жиянларим,— деб жавоб қилди Толибжон.

Опа сўрида оёқ осилтириб ўтириб толиққан эди. Болалар қаторига келиб, оёқнинг чигилини ёзай деб чордона қуриб ўтириб олди. Толибжон ундан,— Кийиксовди момо тарихда бўлганми, у ҳақдаги ривоятлар тўғрими,— деб сўради.

Опанинг овози отинойиларнинг овозига ўхшаб фақат битта нотада юрар экан. У киши шошилмай Момо тўғрисида гапира бошлади:

— Тарихда шундай одам ўтган. Тарихий манбаларда бу онахоннинг номи тез-тез учраб туради. Ҳақиқатан ҳам бу табаррук онахон ҳайвонлар феъли-атворини жуда яхши билганлар. Ҳатто йиртқич ҳайвонлар ҳам у кишининг кўзларига бир қараганда гипнозланиб қолган. Онахон қирқ уч ёшида бева қолиб танҳоликда кун кечирган. Ҳайвонлар билан дўстлашиб, ўшалар билан овуниб умр ўтказган. Минг тўққиз юз йигирма еттинчи йилда келганимда ҳам бу мақбарани зиёрат қилганман. Эмизукли боласидан ажралган кийикни қандоқ қилиб соғанлари тўғрисидаги ривоятни шу ердаги кексалардан ёзиб олгандим. Академиянинг фольклоршуносликка бағишланган тўпламларида бир неча марта нашр қилинди. Ўша келганимда «Номоз ўғри» романига материал йиғиб юрган Абдулла Қодирий билан шоир Чўлпонни шу ерда учратганман. Қодирий Чўлпонга шундай деган эди:

— Абдул Ҳамид, шу ривоятни бир дoston қилмайсизми? Жуда ўқишли бир нарса бўларди. Ривоят насрдан кўра назмга яқин. Сиз бунни жуда эплардингиз.

Қадимги юнон афсоналаридаги Клеопатраларни ёздингиз. Бу ундан яхши чиқади. Инсоннинг табиат билан бирлиги, жондорлар билан дўстлиги тўғрисидаги бу дoston ёшларимизга табиатни ғорат қилиш эмас, уни авайлаш, унга меҳр қўйишни ўргатарди.

Чўлпон Қодирийнинг бу илтимосини бажонидил қабул қилди.

— Агар ўрни келиб қолса мен ҳам янги романга киритишга уриниб кўраман. Шу жойларга «Номоз ўғри»ни олиб келаман.

Дoston ёзишни дилига тугиб юрган Чўлпоннинг бошига турли шўр ишлар тушиб, ниятини амалга оширолмади. Абдулла Қодирий ҳам янги романни бошлаёлмай армони-ҳасратда оламдан ўтиб кетди. Ушанда Қодирий Кийиксовди момо Эрону Ҳиндистонда, Туркия билан Афғонистон тарафларда ҳам машҳур, деган эди. Ривоятларга қараганда, Бобораҳим Машраб Каттақўрғонга келганда сўфи Оллоёр уни Кийиксовди момо зиёратига олиб келган эмиш. Манаву мақбарани Амир Темур қурдирган. Устидаги лавҳа битилган кўк тошни Улуғбек ўрнатган. Бу тарихга битилган аниқ гап. Ҳар қалай бу жойни эҳтиёт қилиш керак, дин пешволарининг даромад манбаига айлантириб олишларига йўл бермаслик керак...

Толибжон ҳам, болалар ҳам унинг гапларига диққат билан қулоқ солардилар. Толибжон қараса улар орасида Азизбек кўринмади. У ёқ-бу ёққа аланглаб тополмади.

Азизбек Кийиксовди момо мақбарасини қучоқлаб, сағана ғишларини силарди. Кўзёшлари селоба бўлиб илтижо қиларди:

— Момо! Момогинам! Дадам қайда? Айтинг, сиз биласиз, моможон! Кийикларингиздан, осмонда учиб юрган қушларингиздан, бўрилардан, тулкилардан, айиқлардан сўранг дадам қайдалигини айтишсин. Жон момо, дадамнинг дарагини айтишсин. Мен дадагинамни соғиниб кетдим. Катта энам йиғлай-вериб кўр бўлай деяпти. Кечалари тик этса эшикка қараб, йўл пойлайди. Момогинам, дадамни топиб беринг, топиб беринг. Ёлвораман. Совуқда қолган кийикларингизни, адашган кийик болаларингизни, йиқилган майиб турналарингизни боқиб, қўйиб юборганман. Қушларингизга дон сепаман. Қор ёққан пайтларда кийикларингизга атаб йўлларга хашак уйиб қўяман. Дадам қани? Дадагинам қани? Топиб беринг, жон момо!

Толибжон унинг тепасига келди. Сағана пастида Азизбек сочган тангалар ётарди. Толибжон уни қўлтиғидан олиб турғазди.

— Бўлди, бўлди, Азиз. Узинг эсли боласан-ку. Қўй, қўй энди, жиян! — У шундай демоқчи бўларди-ю, ўпкаси тўлиб айтадиган гапи бўғзига келиб туриб қолганидан, ҳиқиллаб гапиролмасди.

Болалар шолча устидаги дастурхонга тўрвалардаги бор нарсаларни тўкиб Толибжон билан Азизбекнинг келишини кутардилар.

Толибжоннинг дили вайрон бўлди. Томоғидан овқат ўтмади. Ҳали гўдаклик ўй-хаёллари онгини тарк қилмаган бу норасида бошига тоғдек ғам ағдарилганидан, унинг вояга етганда ҳаётда алами бор, руҳи майиб, бир умр кулолмайди-ган кимса бўлиб етишини, одамларни ёмон кўриб қолишини, ҳеч кимга ишонмаслигини, то умрининг сўнгги дамигача юрагини илон-чаёнлар буйдалашини ўйлаб дод, деб юборай деди.

Алавия опа жуда ҳушёр аёл эди. Тоға-жиянлар орасида аллақандай дилгирлик борлигини билиб бахшилар томонга кетди. Болалар жимгина ўтириб, тушлик қилишарди. Улар кун пешиндан оққанда орқага қайтишди. Толибжон тоза ҳавода, чиройли манзараларни кўриб бир оз кўнглим ёришар, деб ўйлаганди. Кийиксовди момо зиёрати ҳам татимай кетди. Қулоғида Азизбекнинг момага носаси эшитилиб турарди: «Момо! Момогинам! Дадам қайда? Айтинг, сиз биласиз, моможон!...»

Йўлнинг ярмига келишганда узоқда, харсанг тошда орқа ўгириб ўтирган бир одамнинг қораси кўринди. Ким бўлди экан? Зиёратга келганлардан бири бўлса керак, деб ўйлади. Харсангда ўтирган гавда болаларнинг шовқинини эшитиб ўрнидан кўтарилди. Угирилиб қаради. Кимсасиз бу тошлар орасида одам боласига дуч келганидан севингандек, икки қўлини силкитиб булар томон кела бошлади.

Бу — Жайрона эди. Унинг кўйлак этаклари буталарга илинганидан йиртилиб, лахтак-лахтак бўлиб, осилиб қолган. Тошларда, шағалларда юраверга-



нидан туфлиси йиртилиб, бармоқлари чиқиб турарди. Толибжонга унинг юз-кўзлари жуда таниш. Уни қаердадир кўргандек, гаплашгандек.

Жайрона ҳолдан тойган, аранг оёқда турарди. У Толибжонга бир муддат тикилиб қолди. Кўзларидаги кўрқув аста ўча бошлади.

— Сиз... сиз Толибжон Усмонович эмасмисиз? — дея базўр овоз чиқарди.

Толибжон ҳам уни таниди. Овозидан таниди. Бу овоз бир ярим йил Асвон тўғони қурилишида унга ҳамроҳ бўлганди. Толибжон олис араб юртида ишлар экан, Жайрона унинг шахсий таржимони бўлган эди. Шаддод, бир гапирсанг иккини қайтарадиган, кўп ўқиган, кўп мутолаа қилган, мулоҳазали қиз эди. Бутун қурилиш аҳлининг кўзини ўйнатиб оловдек кийиниб юрарди.

— Сиз, сиз Жайронасиз, тўғрими?

Жайрона бош ирғаб тасдиқлади.

Бу пайт болалар «зарур бир иш» билан банд эдилар. Йўл ёқасидаги икки том бўйи тошга тармашиб чиқиб, оҳак билан ўз номларини ёзардилар. «Тўхли, Хуршид, Барот, Мирзакарим, Обид, Сангин, Жаҳонгир, Азизбек, Рашид». Рўйхатнинг энг тепасига «Толиб тоға» деб ёзилган эди. Аввалига хира кўринган ёзувлар офтобда қизиган тош саҳнида оппоқ бўлиб қуриди, қўйди.

— Бу томонларда нима қилиб юрибсиз, Жайрон? — деди ногаҳон учрашувдан ҳайрон бўлган Толибжон.

— Сўраманг. Гап кўп. Укам шу томонларда геологлар партиясида практика ўтаётган эди. Топдим, кўришдим. Қайтишда йўлдан адашдим. Эрталабдан бери сарсонман. Узингиз нима қилиб юрибсиз?

— Мени уйим шу яқин жойда. Жиянларни айлантиргани чиққандим.

— Битта илтимос, Толибжон ака, юравериб ҳол-жоним қолмади. Мени катта йўлга чиқазиб қўйсангиз.

— Хўп, хўп, жоним билан, аммо шу аҳволда шаҳарга қандоқ борасиз? Бу кеча бизникида дам олиб, саҳарда йўлга чиқсангиз қандоқ бўларкин?

Жайрона бош чайқади.

— Шу бугун кетишим керак. Толибжон ака, мени бу ерда кўргангизни, илтимос, бировга айтмасангиз. Кейин тушунтириб бераман. Албатта, айтаман.

Толибжон хўп деди-ю, тош устида уймалашаётган болаларга кетдик дея ишора қилди. Сал йўл юришгандан кейин орқадан ёнбошига «УзТЕЛЕРАДИО» деб ёзилган микроавтобус келиб ёнларида тўхтади. Алавия опа деразадан бош чиқариб, қай томонга борасизлар, деб сўради. Толибжон ҳозир ўннга бурилиб кетишларини айтди-да, агар шу кетишда Тошкентга бораётган бўлсанглар, мана бу синглимизни ҳам олакетсанглар, деб илтимос қилди. У айтганча экан. Толибжон Жайронанинг автобусга чиқишига ёрдамлашиб юборди, машина жилди. Ҳар куни бир бор ёмғир ювиб ўтадиган шағал йўлда хирагина чанг кўтарилди, халос.

Келаётганда шошилмай орқада юрган Азизбек қайтишда шошиб олдинда борарди.

— Мунча шошасан, Азизбек? — деди Толибжон унга етиб олиб.

— Энам уйда ёлғиз. Мендан хавотир олиб, остонада ўтиргандир.

— Нега ёлғиз бўлади?

— Аям кетиб қолганлар. Мирвали тоға марказдан бир ўзига уч хонали уй берган. Узи кўчириб олиб кетди. Энам икковимиз қолганмиз.

У Толибжонга ялт этиб қаради-да:

— Билиб қўйинг, Толиб тоға, мен директордан қасдимни оламан.

У шундай дедию шағал йўлда елдек югуриб кетди.

## XI

Толибжон хотини ўлиб, бошига оғир жудолик тушган кунларда бу қиз унга кўп меҳрибончиликлар қилган эди.

Толибжон хотинини кўмгандан кейин юраги бўм-бўш бўлиб қолди. Уйга кирса ҳувиллаб қолган уй ютаман дейди. Мусофир юртида дардлашадиган ҳамдардинг бўлмаса, кимга йиғлаб, кимга кўнглингни очасан. Яхшиям шу Жайрона бор экан. Кунига шу яради.

Жайронанинг ўшанда унга таржимон қилиб тайинланганига тўрт ойча бўлган эди. Шефнинг бошига мусибат тушган ўша кезларда Жайрона унга ҳамдам

бўлди. Кечалари то эснаб уйқу элтгунча ёнида бўлди. Баъзан унинг кимсасиз уйида ётиб қолган пайтлари ҳам бўлган.

Одам тафтини одам кўтаради, деганлари нақадар зўр гап эканини Толибжон ана ўшанда билганди. Куни билан қурилиш объектларида иккови бирга бўлишар, ишдан қайтишгач, Жайрона ошхонага кириб кечки таом тайёрлаб, бирга тамадди қилишарди.

Жайрона пазанда аёл эмасди. Пиширган овқати гоҳ ёғли, гоҳ ёғсиз, гоҳ тузи баланд, гоҳ тузи паст бўларди. У ўзининг овқат пиширишга укуви йўқлигини яхши биларди. Таомни ўртага қўйганда, албатта: қорин тўлса бўлди-да, деб қизиқчиликка айлантларди. Ниҳоятда пазанда хотиннинг ширинширин овқатларига ўрганган Толибжон учун бу овқатни ейиш анча мушкул эди. Аммо етти ёт бегона аёл вақтини аямай, унга атайлаб овқат пишириб, олдига олиб келса, эмаслик ноинсофлик бўларди. Толибжон умримда ҳеч қачон бунақа ширин овқат емаганман, деб мақтаб қўярди.

Жайронага ҳеч ким Толибжонни ёлғизлатиб қўйма, ҳолидан хабар олиб тур, деб тайинламаган. У одамгарчилик, қолаверса юртдошлик бурчини ўтаётган эди.

Толибжоннинг аҳволи танг эди. Дард устига чипқон, деганларидек, безгакка чалиниб қолди. Кўрфаз этакларидаги кўлчаларда пайдо бўлган чивинлар безгак тарқатарди. Толибжон тўрт кун ўзини билмай иситмада ўртаниб ётди. Безгак хуруж қилганда аввал қалтиратиб совуқ қотдиради. Кейин бирдан ҳарорат ошиб кетади. Ҳар гал иситма хуруж қилганда Толибжон терлаб, кийимбоши шалаббо бўлиб кетарди. Жайрона уни ечинтириб, баданларини артиб, тоза кўйлак кийдириб қўярди.

Ҳадеганда иситма қайтавермади. Докторларнинг дорилари, уколлари ҳам қор қилмасди. Жайрона элчихона боғбонининг маслаҳати билан безгакка чалинган кўп беморларни даволаган бир кампирни бошлаб келди. Кампир саксон ёшларга борган бўлса ҳам ҳали тетик, қадди расо хотин эди.

Уни умрида неча марталаб заҳарли илонлар, чаёнлар чаққан экан. Илон, чаён чаққан кишиларни тупуги билан даволар экан. Кампир Жайронага мастава тайёрлашни буюрди. Устига «Кибрит» деб ёзилган гугурт қутичасида олиб келган иккита қора кўнғизни олов куракка қўйиб кўйдирди. Кейин уни майдалаб муручга аралаштирди-да, маставага солди. Иштаҳаси йўқлигидан овқат емай қўйган Толибжонга зўрлаб ичирди.

— Бўлди. Эрталаб отдек бўлиб кетасан,— деди у,— Аммо кечаси иситманг қирқ даражага чиқади, кўрқма. Ҳарорат бирдан тушади.

Кампир кетди. У айтгандек кечаси Толибжон иситмада куйиб ёнди. Алаҳсираб хотинини чақирар, ўғлини, қаёқларда юрибсан, деб койирди. Тердан кўрпа-тўшаклар шалаббо бўлганди. Шу алфозда ухлаб қолди.

Толибжон иш билан бўлиб навбатдаги безгакка қарши уколни олмаган эди. Бепарволиги панд бериб ана шундай азобли дард аламини тортарди.

Эрталаб кўзини очганда танида безгакдан асар қолмаганди. Аммо қуввати йўқ эди.

Жайрона унинг ёнидан жилмас, ўз жигаридек унга меҳрибончиликлар қиларди. Кирини ювади, ўзини ювинтиради. Уйини йиғиштириб, кўзи сал илиниши билан халта кўтариб бозорга югуради. Оғзига ёқадиган нарсалар топиб келиб, едиради.

Толибжон дармонга кириб ўзига кела бошлаганда у Жайронага қандоқ қилиб миннатдорчилик билдиришини билмай қийналарди.

Бир куни иккови балконда чой ичиб ўтиришганда Толибжон дилидаги гапини айтди:

— Жайрона, ҳеч ким ўзга юртда дардга чалинмасин экан. Ўз юртингда оғрисянг, юртингни ҳавоси ҳам дори бўлади. Аммо мусофирликда жуда ғариб бўлиб қоларкансан. Яхшиям сиз бор экансиз. Минг раҳмат. Бўлмасам ким билади, нима бўларди. Ҳеч қачон сизнинг яхшилигингизни унутмайман. Ўлмасам сизга бу яхшилигингизни ўн чандон ортиқ қилиб қайтараман.

Жайрона кулди.

— Бу яхшиликни сизга қарзга бераётганим йўқ, ахир одам-

миз-ку, наҳотки пича яхшиликка ҳам миннат қилсак, шу тузалиб кетганингиз қилган яхшилигингиз,— деди.

Жайрона бирпас жим қолди. Кейин дилига келган гапни айтсаммикан, айтмасаммикан, деган мулоҳаза билан остки лабини сўриб узоқ шифтга қараб ўтирди.

— Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?

Толибжон, майли, айтинг, деди.

— Толибжон ака, сиз курашга ярамайдиган, иродаси бўш одам экансиз. Сиз Толстой назариясига амал қиладиган кишилардансиз. Биласизми, Толстой зулмга қарши бош кўтарма, деган ғояни олдинга суради. Сиз бир марта бош кўтариб ерпарчин бўлдингиз. Иккинчи бош кўтаришга юрагингиз дов бермай қўйди. Тақдирга тан бериб, ўзга юртларда сарсон бўлиб юрибсиз. Зўравонликка қарши бош кўтаришга ожизлик қилиб қолгансиз. Гапнинг очиғини айтсам, мен сизга қойил эмасман. Эркак одам олов бўлиб яшаши керак. Бутун иродасини, кучини, ақлини ўзининг ҳақ эканлигини исбот қилишга сарфлаши керак. Сиз нима қиляпсиз, э... — Жайрона ҳафсаласи пир бўлган одамдек қўл силтаб қўйди.

Толибжон ер ёрилмадию ерга кириб кетмади. Бир ҳисобда унинг гаплари чин эди. Толибжон тақдирга тан бериб яшаётганини сезмасди. Шу топда сезди. Буни унга Жайрона айтди.

— Бу ерга келиб нима иш қиляпсиз? Ҳозирги қилаётган ишингизни шу ердагилар ҳам бемалол қила олишади. Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга келиб қиладиган иш эмас бу. Сизни мутахассис сифатида юборишган эмас. Қувғин қилишган. Тўғрими?

Толибжон бош ирғаб унинг гапини тасдиқлади.

— Ана, ўзингиз ҳам биласиз, буни. Нега индамайсиз? Нега бош кўтариб ҳақлигингизни исбот қилолмайсиз? Нега Москвага ёзмайсиз. Нега Политбюрога хат юбормайсиз?

Толибжон бир хўрсиниб олди.

— Ким билан олишганимни билмайсиз-да, синглим. У жуда катта одам. Бутун Урта Осиёда энг мартабали киши. Ундан баланд одам йўқ.

Жайрона э, қўйинг-э, дея ўрнидан туриб кетди.

Бемор одамнинг дилини оғритиб қўйдим, деб яна қайтиб келиб, жойига ўтирди.

— Мендан хафа бўлманг. Бир қизиб кетдим-да.

Толибжон бошини кўтармай жавоб қилди:

— Аммо рост гапни айтдингиз.

Жайрона қатъий гап қилди:

— Уйланинг, Толибжон ака. Ўзингизга ўхшаган иродасиз, бўшашган аёлга эмас, олов бўлиб ёнадиган, йиқилса ер тишлайдиган, тишли, тирноқли аёлга уйланинг. Бўлмасам давр шамоллари сизни учуриб кетади. Бўронларда оёқ остида қолиб кетасиз. Мен айтганни қилинг. Юрганда оёғидан ўт чақнай-диган хотин олинг.

Толибжоннинг кўнглидан ялт этиб бир гап ўтди. У айтаётган аёл ўзи эмасмикан? Кўнглига келган гапдан ўзини койиди. Мени бошига урадимми? Ёшим эликдан ошган бўлса, юртимда эретган ўғлим бўлса? Яқин орада келин кўрайдиган одамман.

Бу тўғрида ораларида бошқа гап айланмади. Жайрона унга дори ичириб то кўзи уйкуга кетгунча бошида ўтиради. Кўзлари бирам чиройли. Худди жайрон кўзларига ўхшайди. Энгашиб унинг қўлтиғидан градусникни олаётганда сочлари осилиб юзидан сирпаниб ўтади. Ундан аллақандай баҳор иси анқиб кетади. Шунда Толибжон ўзини-ўзи бошқаролмай қолади. Аста қўлларидан ушлайди. Бармоқларини силайди. Жайрона қўлини тортиб олмайди, қўйиб беради. Толибжон бирдан ўзига келади. Қўлини унинг қўлларидан олади. Мени кечиринг, дейдию кўзига қараёлмай юзини ўгиради.

Толибжон тамоман тузалиб кетолмайди. Асабийлик дардига мубтало бўлади. Сал нарасага қизишиб кетадиган, биров билан гаплашганда силтаб ташлайдиган бўлиб қолади. Буни Жайрона билади. Дарбадарлик, хотинининг ўлими, унга жабр қилган одамга бош кўтаролмаслиги уни шу қўйга солган.

Элчихонадагилар маслаҳатлашиб уни Ватанига қайтариб юборишга қарор

қилишади. Жайрона аэропортгача кузатиб чиқади. Шунда Толибжон ўзига бе-  
ниҳоя кўп ва самимий меҳрибончилик қилган бу қизга дил-дилдан миннатдор-  
чилик билдиради.

— Жайрона, келинг, акаларча пешонангиздан бир ўпиб хайрлашай.

Жайрона пешонасини эмас, юзини тутуди. Нозик қўлларини унинг бўйнига  
чирмаб, лабини лабига босади, мен боргунимча уйланиб қўйманг, деб ярми  
ҳазил, ярми чин бир гап қилади. Толибжон то самолётда Тошкентга келгунча  
бу гапнинг маъзани чақишга уринади. Кўнглида унга нисбатан қайноқ бир ҳис  
уйғонганини сезади. Сезадию тарки одат, амри маҳол, дегандек журъатсиз-  
лиги кўнглидаги бу гапни нари суриб қўяди.

У Тошкентга келганда ҳам Жайронани тез-тез эслаб қўярди. Яқин беш ой  
бўлдики, уни эсламай қўйганди.

Бугун ваҳший тоғлар орасида у билан юзма-юз келди. Ҳеч ўйламаган,  
кутмаган бир пайтда олдидан чиқди.

— Эрга тегдимикин? Ё ҳали ҳам сўққабош бўлиб юрибдими?

Толибжоннинг кўнглида ухлаган хотиралар уйғониб кетди.

## XII

Бир ойдан ошдики, Толибжон дунёда нималар бўлаётганидан беҳабар.  
Газета йўқ, телевизор ҳали ҳам ишламайди. Довонда ўпирилиш бўлганми  
ё бирон иш қилишяптими, йўл бекилиб, транспорт қатнови учун сой ёқасидан  
вақтинча омонат йўл қилинган. Бу йўл бекатдан икки километрча пастликда.  
Автобуслар ўша томондан ўтиб кетаверишади. Толибжон ўрганган гавжум бе-  
кат энди жимжит. Кабобпаз ҳам кўрасини кўтариб сойликка тушиб олган.  
«Тоғ асали» сотадиган йигит йўл бекилмасдан олдин довоннинг нариёғига ўтиб  
кетган. Йўл қачон очилади, умуман довонда нима иш қилишяпти, Толибжон  
билмасди. Мирвали ҳам ишлари кўпайиб кетиб Толибжондан хабар олмай  
қўйган. У бева кампирнинг буқачасини бўғизлагандан буён Толибжоннинг  
ундан анчагина кўнгли олинган, Азизбек ҳам дилига хиралик солиб қўйган  
эди.

Толибжон аввалгидек сокин сойликка тушиб кетганича, кечгача минг хил  
хаёллар суриб яна қайтиб чиқарди. У ҳар гал қайтаётганда гувала деворли ҳов-  
ли остонасида Азизбекни учратарди. У ўша-ўша камгап, бировга қўшилмас,  
ўз ўйлари билан ўзи овора эди.

Тўғри, Толибжон бу орада икки марта Қоплонбоп билан Дукатга бориб  
сой бўйларида айланиб юрди. Бу кезишларда хаёлан режалар тузиб чиқди.  
Лекин унинг режалари Мирвалига маъқул бўлармикан?

Қоплонбопдан ўтадиган соини қувурдан оқизиш керак. Токи сойга селлар  
ҳар хил нажосатни ювиб тушмасин. Мана шу ифлосланган сувдан дукатлилар  
калит касалига мубтало бўляптилар. Шундоқ катта, миллионер, имкониятлари  
ҳар қандай харажатни писанд қилмайдиган хўжалик учун бир километр ерга  
қувур ётқизиш қийин бўлмаса керак. Қоплонбоплилар учун бир тегирмон сув  
оқадиغان лоток қўйса бемалол етади-ку.

Толибжон кўнглида хомчўт қилган бу режасини Мирвалига айтсам ёқа-  
дими, йўқми, деб ўйларди. Ахир унинг тухум қилмайдиган товукқа дон бер-  
майман, дейиши аниқ. Ё тўппа-тўғри обкомга ёзсинми? Йўқ, аввал ўзи билан  
гаплашай, деб ўйлади Толибжон.

Мирвали ғалати феълли одам. Ишига аралашадиганларни унча хуш кўр-  
майди. Бировнинг маслаҳатини олмайди ҳам. Илгарилари келиб ҳолинг не, деб  
Толибжоннинг кўнглини овлаб кетарди. Энди уни бутунлай унутиб юборди.  
Бормисан, йўқмисан, демайди.

Толибжоннинг эса қиладиган иши йўқ. Саланглаб у ёққа боради, бу ёққа  
келади. Қўл учида кун кўриб турган бир ветврачнинг рўзғорига шерик бўлиб  
ўтирипти. Халқда: меҳмоннинг иззати уч кун, деган гап бор. Тирик товон бў-  
лиш ҳам етар, деб ўйларди Толибжон.

У қаёққа боради? Тошкентга кетай деса, у ерда унга кимнинг кўзи учиб  
турипти. Бирон ишнинг бошини ушлай деса, бу қишлоқда унга мос иш йўқ.

Мирвали унга бир-икки ишни айтиб кўрди. Албатта Толибжон эплайдиган  
иш. Фақат Мирвали бир сирдан беҳабар. Агар Шавкат Раҳимов Мирвали уни  
ишга олганини эшитса иши чаппасига кетиб қолади.

Толибжон ўйлай-ўйлай диққинафас бўлиб кетди. Кампир энасига, бир айланаиб келай, деб уйдан чиқдию боши оққан томонга кета бошлади.

У юриб-юриб, терскай тарафдаги адирга чиқди. Қишлоқ болалари шу тарафда қўй-эчкиларини боқишарди. Эллик чоқли эчки тошдан-тошга сакраб, ўтлаб юришипти. Қўйлар пастликда. Болалар эса қумғон тагига ўт қалаб гурунги қилишяпти. Толибжон улар даврасига қўшилиб, гапларига қулоқ сола бошлади.

Дунёда ҳали гуноҳга қўл урмаган, виждонига азоб берадиган хоинликларга дуч келмаган, ўй-хаёллари ўзидек беғубор инсончалар... Атрофда худди шу сабийлардек покиза, суви ҳам, ҳавоси ҳам, дов-дарахтлари ҳам ифбат пардасини йўқотмаган, инсон тафаккури яратмиш кимё мўъжизаларига, бирни бор қилмоқ учун ўнни йўқ қилувчи фан «ютуқлари»га рўпара келмаган бир поклик ҳукмрон эди.

Қумғон вақирлаб қайнаб кетди. Алюмин кружкада чой ҳўплаганда лабининг куйишига қарамай болаларнинг оғзи гапдан бўшамасди. Уларнинг алмойи-алжойи гапларидан Толибжон мириқиб кулар, ҳузур қиларди.

— Биласизми, каклигимнинг биттаси ўлиб қолди?

— Нега? — деди ҳайрон бўлиб Толибжон.

— Хўрозга бостирган эдим, бечора какликнинг орқаси битиб қолди-да, тезак ташлаёлмай уч кунда ўлди.

— Э, ўл-э, шуни гап деб гапирасанми? Уял-э...

Бола ўйлаб-ўйлаб бошқа нарса айтмоқчи бўлди:

— Битта гап айтайми? Бировга айтмасанглар айтаман. Кийиксовди момом урсин, деб қасам ичсанглар айтаман.

— Бўпти, қасам ичамиз.

— Бир кун воҳли туриб какликларимни ёввойи мушук олиб қочмадими, деб ҳовлига чиқсам, Мирвали тоға бизми девордан ошиб тушяптилар. Аввалига кўрқиб кетдим. Мирвали тоға бармоқларини лабларига босиб, тиссс, дедилар-да, ёнларидан битта ўн сўм чиқариб, кўрганингни бировга айтма, деб эшигимиздан чиқиб кетдилар. Бирпасдан кейин Равшанбек тоғам девор нахрасидан қараб, жиян, шаттан биров тушмадими, деб сўрадилар. Мен йўқ, ҳеч ким тушмади, ёввойи мушук ўтди, дедим. Анчадан кейин Равшан тоғанинг сўкинганини, Бодомгул кеннойимнинг йиғлаганини эшитдим. Ана шу.

— Ва, — деди бир бола. — Мен бирон қизиқ гап айтасанми, деб ўйлагандим.

Гапи қизиқ чиқмаганидан хижолат тортган бола ҳафсаласи пир бўлиб хўриллатиб чой ича бошлади.

— Ундан кўра индийский кинога билетсиз кирганингни айт. Толиб тоға, эшитинг, жуда болаган.

Бола эндиғиси қизиқ бўлади, деб гап бошлади:

— Қоплонбопди қулубига индийский кино келганди. Билетимиз йўқлиги учун эшикда ўтирган киши киритмади. Шошма, боплайман, дедим. Болалар билан битта тирик какликдан гаров ўйнадим. Четга чиқиб дўппимнинг астарини ағдариб кийдим. Сочларимни тўзғитиб қўзларимгача туширдим-да, контрол тоғанинг олдига бориб ёлғондакам ҳиқиллаб йиғлаб туравердим.

— Нега йиғлайсан? — деди контрол тоға.

— Аям шу кинога кириб кетган. Уйда келинаямни тўлғоқ тутиб қолди. Мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Келинаям ўлиб қолади, деб кўрқиб кетяпман.

Контрол тоға ўйланиб туриб шундай деди:

— Уйингда ой-куни яқин келининг бор экан, кинода нима қиласан мочағар! — Кейин менга қаради. — Бор, кириб аянгни чақириб чиқ.

Ичкарига кирдим-ў, дўппимни ўнглаб, сочларимни тўғрилаб, одамлар орасига биқиниб маза қилиб кинони кўрдим. Шу.

Болалар унинг ҳикоясидан қотиб-қотиб кулишарди. Толибжон бу боланинг муғомбирлигига, топағонлигига қойил қолди. Ичида, бу боланинг калласи ишлар экан, ўқиса яхши одам бўлади, деб қўйди.

Пастдан бир отлик чиқяпти.

Болалар уни дарров танишди.

— Отқулоқ тоғам келяптилар, — деб чувиллаша бошлашди.

Унинг «Отқулоқ тоға» деб аталишига сабаб бор эди.

Бундан тўрт йил олдин апрель ойининг охирларида тоғдан сел келади. Ма-

на шу тоғанинг бригадасидаги куртак ёзиб қолган олма кўчатларини ювиб кетади. Мирвали Биринчи май кунни ҳамма байрам қилсин, деб далада ишларни тўхтатади. Совхоз марказида сайил уюштиради. Сайёра бозор келади. Морожнийчилар, кабобчилар келишади. Катта қозонда ош дамлашади. У ёғи Қарши, бу ёғи Самарқанд театридан артистлар келади. Эркагу аёл, ёш-яланг совхоз марказини тўлдирган. Уйин-кулги авжида. Бирдан Мирвалининг дала айлангиси келади. Машинани ўзи бошқариб далаларни айланиб чиқади. Охири мана шу Эрали тоғанинг ерларига ўтади. Қараса бригада аъзолари байрам қилмай қайтадан кўчат экишяпти. Мирвали машинадан тушиб, улар олдига келади.

— Нима қияпсизлар?

Байрам тантанасидан кечиб олма кўчати экаётганимизни кўрган директор хурсанд бўлади, деб ўйлаган бригадир Эрали мақтанганнамо дейди:

— Кўчат экаяпмиз, олма бўлади, ўртоқ директор.

— Май ойида эккан кўчат кўкариб олма бўладими? Отнинг қулоғи бўлади,— дейди Мирвали уни масҳара қилиб.

Эралига мақтов ўрнига майна бўлгани жудаям алам қилади. Шартта икки тиззаси билан ерга ташланади. Қўлларини осмонга кўтариб нола қилади.

— Э, худо, агар борлигинг рост бўлса, шу кўчат эккан жойларимизнинг бир-икки гектаридан директор айтган нарсадан чиқазиб берасан. Омин! — дейди.

Мирвали аввалига ҳайрон бўлиб туради-да, кейин бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади.

— Енгдинг. Енгдинг мени, номард.

У шундай деб, машина багажнигини очади. Боя теплицадан олган лимон, бодринг, помидор солинган қутини кўтариб ариқ бўйига қўяди. Кейин қоғоз коробкадан уч шиша ароқ олади-да, Эралининг ўз қўлига беради.

— Экиб бўлганларингдан кейин маишат қилларинг.

У машина томон кетар экан, вой номард-е, вой ярамас-е, мени боплади-ку, деб ҳиринг-ҳиринг кулади.

Ана шундан бери Эрали чавандознинг номи Отқулоқ тоға бўлиб кетганди.

Отқулоқ тоға ҳаддан ташқари содда, тўпори одам. Бир муддат Мирвали билан оралари бузилиб юрди. Кейин, шу одамнинг нимасидан хафа бўламан, деб Мирвали уни кечирди. Илгаригидек гаплашиб кетишди.

Мирвали Олий Совет сессиясида аксар шоир Ғафур Ғулом билан ёнма-ён ўтирарди. Шоирнинг олтмиш ёшлик юбилеи нишонланишини эшитиб, Мирвали унга:

— Юбилей қилиб, биз томонларга борсангиз совхозимизда тўхтаб ўтинг. Бизда адабиёт мухлислари кўп. Бир адабий кеча қилайлик. Ундан ташқари, сиз Олий Советга биринчи марта биз томонда сайлангансиз,— деб илтимос қилган эди.

Кунларнинг бирида обкомдан телефон қилиб, Ғафур акани таклиф қилган экансиз, совхозингизни программага киритиб қўйдик, палон кунни келади, деб айтишди.

Адабий кечада уни табриклаш ва тўн кийдириш Отқулоқ тоғага топширилади. Бу одам умрида шеър ўқимаган, шоир ким, композитор ким унга барибир эди. Мактаб директори икки кун унга гап ўргатади. Адабиётимизнинг карвонбошиси, денг. Шеъриятимизнинг фахрисиз, денг. Ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методи асосчиларидан бирисиз. Сизнинг «Шум бола», «Ёдгор» қиссаларингиз, «Вақт», «Сен етим эмассан» каби фалсафий шеърларингиз халқ орасида машҳурдир. Биз бу ноёб шеърят дурдонларидан баҳраманд бўлганимиздан ғоятда миннатдоримиз, деб айтасиз. Тушундингизми? Эсингиздан чиқмайдими?

Тоға хотиржам бўл, деб уни тинчитади.

Тантанали кеча бошланади. Катта клубга одам сиғмай кетади. Мактаб болалари шеърлар ёдлаб келишган, ўқитувчилар шоирни қутлуғ олтмиш ёш билан табриклаш учун жуда чиройли нутқлар ёзиб келишган.

Биринчи бўлиб Отқулоқ тоғага сўз берилади. Мирвали президиум столига икки қўлини тираб туриб уни яхшилаб таърифлайди.

— Ҳозир устоз шоиримизни муборак олтмиш ёш билан қутлаш учун совхозимизнинг энг илғор маккажўхорикори, илғор боғбони, фронтвик, зўр ча-

вандоз, қатор орденлар соҳиби...— шу ерга келганда у Отқулоқ дейишга тили бормай, асли отини тополмай анча довдираб туриб қолади. Кейин ўзидан сўрайди,— лақабингдан бошқа асли отинг нима эди?

Пастдан Эрали, Эрали, деган овозлар чиқади.

— ...Сўзни ҳозиргина яхшилаб таъриф қилинган маккажўхорикор Эралига берамиз.

Эрали мақтовларни эшитиб эриб кетган экан, айтадиган гапларини тамоман эсидан чиқазиб қўйиб Ғафур Ғуломга мўлтираб қараб туради. Бир минут туради, йўталиб қўяди. Икки минут туради, йўталиб қўяди. Кейин қўлтиғидаги тўнни ёзиб унга тутади.

— Бу майда қавиқ тўнни Ургут бозоридан етмиш сўмга олганмиз.

Кейин унинг бошига дўппи кийдиради.

— Буни Шаҳрисабз бозоридан олтмиш сўмга олганмиз.

Ана ундан кейин қийиқни уч бурчак қилиб бир учига жез пойнакли карки сопли пичоқ солинган қиннинг бандидан ўтказиб белига боғлайди.

— Буни Чироқчидаги пичоқчига машина рессоридан юз сўмга ясатганмиз.

Ҳамма ишни кўнгилдагидек қилдим, деб ўйлаб залга қараб керилиб туради-да, одамлар ундан яна нимадир кутаётганини сезиб:

— Шу,— дейди.

Мирвали ер ёрилмайдию ерга кириб кетмайди. Унга икки кун тинмай нутқ ўргатган ўқитувчи стул тагига кириб кетади.

Меҳмонларни кутиш учун боққа дастурхон тайёрлатиб қўйишган эди. Мирвали меҳмон шоир одам, кўп катта дастурхонларни кўрган, уятли бўлиб қолмайлик, Расулбек дастурхонга аралашмай қўяқолсин, врач Седона дастурхон тузатсин, деб тайинлаган эди.

Седона столни гулдек қилиб ясатибди. Уртага биллур вазада гул. Ҳар бир ликопча тагига салфетка бостирилган. Бир томонга қошиқ, бир томонга санчқи билан пичоқ қўйилган. Ичимликлар алоҳида столда. Ўзи пиширган бўлса керак, аллақандай пироглар, тортлар дастурхонга тортилган эди.

Мирвали буларни кўриб Седонанинг дидига тан беради. Ғафур Ғулом кериши билан Седонага кўзи тушади. Ичида, бай-бай-бай, одам боласи ҳам шунақа кўҳлик бўладими-я, деб қўяди. Умивальникда қўлини ювади. Седона унга оҳорли сочиқ тутади. Шунда унинг димоғига жуда хушбўй, ҳаддан ташқари хушбўй атир ҳиди урилади. Шоирнинг боши айланиб, гангиб қолади.

Овқат пайтида Седона унинг тўғрисида ўтириб қолган эди. Ғафур Ғулом ярми чин, ярми ҳазил қилиб дейди:

— Ҳой қиз, тўғримда ўтирма, бошқа ёққа бориб ўтир!

— Нега? — дейди Седона ҳайрон бўлиб.

— Кўзим тиниб кетяпти. Сендан бошқа ҳеч нарса кўринмаяпти. Худди кўзимга офтоб тушаётганга ўхшайди. Мунча чиройлисан, ҳой қиз?

— Билмасам,— дейди ийманиб Седона.— Онам шунақа қилиб туққан бўлсалар мен нима қилай?

— Йигит пайтим бўлса албатта опқочиб кетардим, тоғ болалари почча, деб юришарди.

Ҳазил-мутойиба билан зиёфат ҳам тугайди. Меҳмонлар қўзғалишади. Мирвали баланд овоз билан:

— Почча, қаёққа шошяпсиз, куёв чорларни ўтказиб кетардингиз-да,— дейди.

Ҳамма баробар кулиб юборади. Шу кулги товушлари орасида чинни пиёланнинг жарангига ўхшаган бир овоз ажралиб туради. Бу Седонанинг овози эди.

Ғафур Ғулом кетар олдида Мирвалига бир конверт беради-да, шофёрига, ҳайда, деб буюради. Машина жойидан қўзғалади. Мирвали машина кўздан йўқолгунча қараб туради-да, конвертни очади. Пул. Ичида бир парча қоғозда ёзув:

«Тўн учун етмиш сўм. Дўппи учун олтмиш сўм. Пичоқ учун 100 сўм. Еган овқатимиз учун 50 сўм. Ҳами — 280 сўм» деб ёзилган эди.

Мирвалининг бутун вужудидан тер қўйилиб кетади. Ҳозир бориб Эрали Отқулоқни то оғзи-бурнидан қон келгунча дўппослайман, дея у ёқ-бу ёққа қараб уни тополмайди. Эрали аллақачон жуфтакни ростлаб қолган экан. Шундан

кейин Эрали унга кўринмай юради. Мирвали уни уришга-ку, урмадия, аммо урганган баттар қийнади. Беш йиллик якунида уни ордендан ўчиртирди. Совхоз бўйича энг кўп ҳосил кўтарган бўлса ҳам уни қурилтойга обормади. Эрали неча чақириқлардан бери район советига депутат қилиб кўрсатиларди. Бу галги сайловда уни ҳатто қишлоқ совети депутатлигига ҳам ўтказдирмади. Мирвали унга шунча тўсқинликлар қилгани билан сира аламидан чиқолмасди. Олий Совет мажлисларида Ғафур Ғуломга кўринолмай чет-четларда ўтириб юрди. У ҳар гал мажлисга борганда 280 сўмни олиб борар, уни Ғафур Ғуломга беролмай қайтарди. Бир кун у Эралини топиб: ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, дедию Ғафур Ғуломга обориб бериш учун 280 сўмни Эралининг қўлига топширди. Уни Тошкентга жўнатди. Бир ҳафта йўқ бўлиб кетган Эрали Тошкентдан хандонхушон қайтиб келди. Одамлар уни худди ҳаждан келгандек ўраб олишди. Эрали аввал Мирвалига учрашиб Алишер Навоий, Пушкин, Муқимийларнинг саломларини етказди.

— Навоий айтдиларки, Мирвалига айт, шу яқин ораларда Пушкин билан Муқимий ҳазратларини олиб бораман. Ҳозирча мендан унга салом айт, деб тайинладилар.

Мирвали кулишини ҳам, кулмаслигини ҳам билмай серрайганча туриб қолди. Ахир, Навоийнинг ўтганига 500 йилдан ошган бўлса, Пушкиннинг ўтганига икки юз йил бўлай деб турган бўлса, Муқимийга ҳам етмиш-саксон йил бўлай деяпти. Ғафур ака бу Отқулоқнинг соддалигини билиб роса лақиллатганга ўхшайди.

Дарҳақиқат шундай бўлганди. Ғафур Ғулом уни гапга солиб кўрса, соддаликда ёш боладан ҳам ўтаман, дейди.

Эрали борган куннинг эртасига шоирнинг уйига чеккасидан соқол қўйган таржимон келиб қилган таржималарини ўқиб бераётган эди. Сал ўтиб шоир Ҳабибий Қўқондан келган Чархийни бошлаб келиб қолади. Ғафур Ғуломнинг шайтонлиги тутиб таржимонни Пушкин деб, Ҳабибийни Навоий деб, Чархийни Муқимий деб Эралига таништиради.

Эрали шундоқ буюк одамлар билан ҳамсуҳбат бўлганидан ўзида йўқ шод эди. Ғафур Ғулом Ҳабибийга юзланади:

— Ҳазрат, шу Эралигина жуда пок, ҳалол одам. Совхозда жўхори, тамаки экади. Шуни бир дуо қилиб қўйсангиз.

Ҳабибий ҳам шумгина одам эди. Боплаб уни дуо қилади.

— Азиз авлиёлар қўлласин, тангримнинг шу мўмин-қобил бандаси Эралигинага тайёр дастёр бўлиб қолган фарзанд ато қилсин. Шу бандагинанинг хонадонада бўйига етган қизлар туғилсин. Омин!

Ғафур Ғулом кўзида ёлғондакам ёш билан омин, деб бошлаб беради. Эрали Ҳабибий — Навоий гапираётганда ҳов тақсир, ўргилай тақсир, деб туради. Ғафур Ғулом Эралига ишора қилади:

— Туринг, қуллуқ қилинг, этакларини ўпинг.

Эрали ихлос билан қуллуқ қилади. Икки кўзи жиққа ёшга тўлиб унинг этакларидан ўпади.

Эрали бу гапларни чойхонада одам гавжум пайтида мақтана-мақтана айтиб берди. Одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулишар, дунёда шунақа ҳам содда одам бўладими, деб ҳайрон қолишарди.

Мирвали ундан қасдини олгандек бўлдию, бари гуноҳларидан ўтди. Яна бояги-боягидек бўлиб кетишди. Барибир тўй-ҳашамларда, гап-гаштакларда уни гоҳ Александр Сергеевич Пушкин, гоҳ Алишер Навоий, гоҳ Мавлоно Муҳаммад Амин Хўжа Муқимий деб чақиришарди. Эрали бора-бора бу номларга ҳам кўникиб кетган эди.

Толибжон у тўғрисидаги латифанамо, аммо рост ҳангомаларни кўп эшитган, аммо ўзи билан бақамти келиб юзма-юз гаплашмаган эди. Мана, у пастдан амиркон локдек йилтираган отини миниб хотиржам чиқиб келяпти.

Қанчалаб кўпкариларда соврин олган отни кўрган болаларнинг кўзлари яшнаб кетди. Чой чойда, нон нонда қолиб болалар гурра йўлига чиқишди. Болалар уни орқаваротдан Отқулоқ десалар ҳам, олдида Эрали тоға деб аташарди. Эрали келиб отдан тушди. Истиқболига чиққан Толибжон билан қуюқ сўрашди. Бу пайт болалар отнинг ёлларидан силашар, бири қанд, бири нон тутарди.



Толибжон Эралини икки-уч марта кўрган бўлса ҳам гаплашмаган эди. Бир-пас гаплашмоқчи бўлди.

— Тоғ кезиб қопсиз-да, оқсоқол,— деди Толибжон унга қумғондан чой қуйиб узатар экан.

— Шу десангиз, укагинам, оёқни мазаси йўқ. Куз келди дегунча осколкка урган жойи зирқираб жонимни суғуриб оламан, дейди. Шунга товга мумё қидириб чиққан эдим. Тополмадим. Бу геологлар бошимизга битган бало бўлди. Пастликлардаги етмагандек энди вертолётда келиб одам чиқолмайдиган жойлардагисини ҳам қийратишяпти. Тоғлар ҳам оёқ-ости бўлиб кетди, укагинам. На какликни қўйишади, на қуённи. Бургут нима, бировга жағи тегмаса, тили тегмаса, тоғ-тошлар тепасида савлат тўкиб, ҳаммаёққа файз киритиб юрган беозор бир қуш. Шулардан ҳам бир-иккитасини отиб туширишди. Нима қиласан, ярамас, гўштини еб бўлмаса, патини болиш қилиб булмаса... Бунақада жамики жонворлар тоғнинг тожиклар томонига ўтиб кетади. Жонворларни қийратганларни Кийиксовди момонинг арвоҳи уради.

Толибжон унинг гапларига қулоқ солардию икки кўзи отда эди. Жонвор қоп-қора, зулукдек. Манглайида узунасига ўсма баргидек оппоқ қашқаси бор. Қолган жами ери қора бахмалдек силлиқ. Икки қулоғи диккайган, бўйни узун. Кўзлари одам кўзига ўхшаб атрофга жуда зийрак боқади. Толибжон дунёга донғи кетган араби отларни ҳам кўрган. Уларни бу от олдида оддий юккаш от деса ҳам бўлаверади.

— Зўр от экан, — деди беихтиёр Толибжон.

Эрали отга меҳр билан қараб қўйди.

— Бу Қора Лочиннинг невараси.

Толибжон Қора Лочин қанақа от, билмасди. Фақат Дукат яқинида шунақа, Қора Лочин деган қишлоқ борлигини эшитганди. У томонларга йўли тушмагандан қанақалигини билмасди.

— Унга бобосининг номини берганман. Яқинда икки ёшга киради. Катта тўй қилиб бердим. Икки бўзак, бўйи бир ярим метр келадиган қўчқор сўйдим. Юртга ош бердим. Атроф қишлоқлардан жами уруш ветеранларини айтдим. Биткомбинатга обориб ўзига ўлчаб бахмал ёпчиқлар тиктирганман. Тошкентга бир борганимда Ғафур Ғуломга учраган эдим. У киши билан кадрдонлигимиз бор. Яхши узанги излаб юрибман, дегандим, бир Йўлдош чавандоз деган ўртоғиникига оборди. Бояқиш қариб ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолган экан. Ғафур Ғулом мени у кишига таништириб отимнинг таърифини қилиб кетди. Гап орасида бир яхши узанги кераклигини қистириб ўтган эди, жуда зийрак, ҳушёр одам экан, ўғлини қақриб қулоғига бир нима деди. У қўлини кўксига қўйиб, хўп, хўп, деганча орқаси билан юриб чиқиб кетди. Бир оздан кейин қийиққа тугилган оғир бир нарсани отасининг олдида қўйди. Йўлдош чавандоз қийиқни очган эди, ба фармони худо, кўзларимга офтоб тушгандек қамашиб кетса бўладими. Нақш чекилган бир жуфт узанги.

Чавандоз узангиларга узоқ тикилиб турди-да, бир хўрсиниб олди.

— Мана шу буюм сизга мендан совға. Бу узангиларга оёқ тираб не-не улоқларда соврин олганман. Энди қаридим. Биз томонларда от ҳам йўқ, улоқ ҳам бўлмайди. Бир яхши чавандоз оёғига тирак бўлсин. Олинг, иним.

Тошкент тарафларда кўп саховатли, мард инсонлар бўлади-да. Ёнимдан ҳамёнимни чиқазиб «Победа» олишга йиғиб юрган пулларимни дастурхон устига тўқдим. Йўлдош чавандознинг қошлари чимирилиб кетди. Ғафур Ғулом зарда билан пулларни тўплаб ҳамёнга тикиб қўйди-да:

— Айб бўлади, Эрали иним. Ҳамёнингизни киссага солиб қўйинг, керак бўлади, — деди.

Шундоқ қимматли нарсани бекордан-бекорга олиб кетишга хижолат чекардим. Белбоғимдаги карки сопли пичоқни шартта қини билан чиқазиб олдига қўйдим.

— Ҳеч бўлмаса шуни олинг, ака. Мени хижолат қилманг, — дедим.

Йўлдош чавандоз пичоқни олиб, у ёқ-бу ёғига қараган бўлди. Тиғини тирноғига ботириб кўрди.

— Зўр пичоқ. Китобники шекилли. Устаси ҳунарвон экан.

Кечгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб Чавандознинг кўнглини олди. Кетаётганимизда у кўзда ёш билан Ғафур Ғуломга илтижо қилди.

— Ғафур, унақа узоқлаб кетма. Ғаниматга ўхшайман. Қазойим етса лаҳад-га ўзинг қўй, — деди.

Ғафур Ғулом қайтиб бориб унинг елкаларидан қучиб юзларидан ўпди. Пешоналарини силади:

— Сен ўлмайсан, кадрдоним. Ахир иккимиз не-не балоларнинг оғзидан чиқмадикми. Омон бўл, дўстим. Энди тез-тез келиб тураман.

Қайтиб машинага ўтирганимизда Ғафур Ғулом камгап бўлиб қолди. Мени автовокзалга опчиқиб қўйди-ю, сўзсиз хайрлашди. Уша узангини бахмалга ўраб сандиққа солиб қўйганман. Шаҳрисабзга бориб бир кекса устага эгар заказ қилдим. Хотинимнинг кумуш билагузугини ҳам обориб берганман. У ер-бу ерига кумуш қаданг, деб тайинладим.

Толибжон ҳар қанча таърифли той бўлса ҳам бунча ҳурмат жуда ортиқчаку, деб ўйлаб ўтирарди. Охири сўрашга мажбур бўлди:

— Мунча энди, нима бўлса ҳам битта от-да, Жудаям ортиқча меҳр қўйворибсиз, оқсоқол.

Эралининг энсаси қотгандек қийналиб илжайди.

— Сиз Қора Лочинни билмас экансиз. Билмасангиз, билиб қўйинг. Қора Лочин урушда яраланганимда жангдан олиб чиққан. Яраланиб госпиталга тушганимда бутун СССРни айланиб мени қидирган.

Эрали хотираларга берилиб кетди-ю, бошидан ўтганларни шошилмай айта бошлади:

— Қирқ иккинчи йилнинг ҳали ердан қор кетмаган эрта кўкламида тоғ қишлоқларидан урушга от олишди. Икки юз эллик от чавандози билан армияга кетди. Мен ҳам Қора Лочинимни миниб йўлга тушганман. Ҳаммамизни пойизга уришди. Орқадаги икки вагонда ем-хашак запас қилинган. Қозоғистоннинг Қизил Урда деган жойида икки ой машқ қилиб отишга, қилич уришга ўргатишди. Тахминан июнь ўрталари бўлса керак, Смоленск деган жойда вагондан тушдик. Ҳаммаёқ ўрмон. Йўлларда мажақланган танклар борми, машина-ю, тўп-замбараклар борми, сочилиб ётарди. Уч кун ўрмон оралаб кетдим. Тўплар, отишмалар овози эшитила бошлади. Хулласи, бизни эртасигаёқ жангга ташлашди. Ун кун кечалари немис окопларига бостириб борамиз. Яқин келганига қилич соламиз, узоқроқдагисига ўқ узамиз. Йигирма икки кун жанг қилганимиздан кейин немис устимизга самолёт солди. Бай-бай-бай, ана қиёмату, мана қиёмат, ҳали у ёнимда, ҳали бу ёнимда бомба портлайди. Бир маҳал қарасам, тиззамнинг пасти жизиллайди. Силаб кўрсам, илиқ шилимшиқ нарса. Осколька теккан экан. Шу орада соним ҳам жизилляпти. От жонивор қон ҳидини билади. Остимда ўйноқлаб кетди. Эгар, ёпқич шилп-шилп қон бўлиб кетди. Бошим айланиб кўзим хиралаша бошлади. Эгар устида чайқалиб-чайқалиб охири қуладим.

Немис бизни қуршовга олиб кела бошлаган эди. Суворийлар орқага, ўрмон ичига қараб қамчи босишди. Мен ҳамон бир оёғим эгарда, ерда судраляпман. Қора Лочин ярми тупроққа тўлган окопга ўмганини бериб тиззалади. Елкаю сағри ер билан баробар бўлди. Судралиб аста ўзимни эгарга олдим. От бир мункиб турди-ю, қамчи босмасимдан ўрмонга қараб югурди. Орқамдан автоматчилар тариллатиб ўқ узиб туришпти. Бир маҳал орқамга қарасам, мотоцикль билан қувишяпти. Қора Лочиннинг нўхтасини бир силкиган эдим, ё ба фармони худо, қанот чиқаздими, билмайман, туёғи ерга тегмай учиб берди. Йўлдан чиққан қарағайларга ана уриламан, мана уриламан дейман, йўқ, Лочин шунақа бурилишлар қиладики, ақалли шинелимнинг этаги тегмай ўтиб кетаман. Немис орқада қолиб кетди. Мотоцикль пот-поти ҳам эшитилмай қолди. Шундан кейин нима бўлди, билмайман. Урмон ичкарисидаги дала госпиталида бризент палатада ётибман. Қора Лочин палатага ҳар замон бир бош суқиб менга қараб кўяди. Эртасигаёқ мени машинага солиб темирйўл томонга олиб кетишди. Ҳар замон бош кўтариб бир қарайман. Машина орқасидан Қора Лочин жонвор елдек югуриб келяпти. Мени санитария вагонига олишаётганда носилкадан бош кўтариб қарайдим. Қора Лочин безовта қараб турипти. Кўзида ёш борга ўхшаб кўринди. Ким билади, менга шунақа туюлиб кетдими, ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим. Поезд жўнаб кетди. Деразадан қараб турган санитар йигит, отингиз поезд орқасидан чопиб келяпти, деб айтди. Ҳозирги футболни телевизорда айтиб турадиганларга ўхшаб от қанақа чопаетганини, қоқилганини, олисда кў-

ринмай қолиб кетганини бирма-бир айтиб турди. Юрак-бағрим эзилиб кетди. Бу отни болалигидан боққандим. Тоҳир-Зухра киносида Тоҳир минган от борку, ўшанинг боласи эди. Жиззахдаги от заводидан иккита тўрту-тўртлик туркман гиламига айрибош қилиб олгандим. Шундоқ вафодор от уруш йўлларида қолиб кетганига сира-сира чидамасдим. Олис юртларда туғишган жигарим қолиб кетгандек, ичимга чироқ ёкса ёришмасди. Вагон олдида мўлтираб тургани ҳеч кўзимдан кетмайди. Уйлайвериб, озиб чўп бўлиб кетибман. Икки ой госпиталда даволашди. Операция қилиб, чап оёғимнинг икки жойидан осколька олиб ташлашди. Ярам битгандан кейин инвалидга чиқариб, уйга жавоб беришди. Келибманамки, ҳар куни неча марта лаб отхонага кираман. Ёллари илиниб қолган қашлоқчиларни силаб йўғлайман.

Кунларнинг бирида ҳассага таяниб пастликдан чиқиб келаётгандим, тепада йигирма-ўттиз чоқли киши катта йўлга қараб жим туришипти. Олдиларига бориб мен ҳам қарадим. Пастликдан судралгандек бир от чиқиб келарди. У юрганда тез-тез мункиб кетар, оқсоқланиб аранг юрарди.

От шу алпозда судралиб анча яқин келиб қолди. Болалар пастга гурра югуришди. Иккитаси қайтиб келиб от эгарига милтиқ билан каска осиб қўйилганини айтди. От менга қаеридир Қора Лочинни эслатарди. Оёқ оғриғини ҳам унутиб от томонга югурдим. У менинг Қора Лочиним эди. Озиб қовурғалари кўриниб қопти. Ёллари ўсиб осилиб ётибди. Оёқларидаги тақа едирилиб тугаб, туёқлари сидирилиб гўшти чиқиб қопти. Қора Лочинимнинг бўйнига осилиб, хўнг-хўнг йўғлай бошладим. У жониворнинг баданлари дирилларди. Тоғ йўллари тошлоқ бўлганидан унинг юриши ниҳоятда қийин эди. Ерга юраги бетламай оёғ тегизарди. Шартта тўнимни ечдиму пора-пора қилиб йиртдим. Тўрттала туёғининг тагига қалин қилиб пайтава қилиб ўраб чиқдим. Пешонасидан, юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб уйга етакладим. Орқамиздан тумонат эргашди.

Одамлар бу от энди ўнганмайди, дейишди. Мен уларнинг гапларига парво қилмай, туёқ ярасига малҳам қўйдим. Ҳар куни дурадгор устанинг уйидан қопда қипиқ олиб келиб тагига тўшайман. Юрганда оёғи зирқирамасин, деб шундай қиламан. Икки ой деганда Қора Лочин аслига қайта бошлади. Лекин ҳалиям уни ташқарига опчиқмайман. Туёғи обдан тузалгани йўқ. Тақа уриб бўлмайди. Баъзи-баъзида ҳовлида йўлига қипиқ сепиб етаклаб юраман. Ёллари тараб, келинчакларнинг гажагидек қилиб қайчилаб қўйдим. Ҳар куни бир марта илиқ сувга латта хўллаб аъзойи баданини артиб чиқаман. Икки ой ўзим емадим, унга едирдим. Орадан уч ой ўтказиб оёқларига тақа урдирдим. Етаклаб катта йўлга опчиқдим. От жонивор йилтирайди. Машиналарда, автобусларда ўтганки одам бор, бир қараб кўяди.

То туёғи тузалгунча отхонада диққинафас бўлган Қора Лочин дала йўлларини соғинганиданми, очикчама чиққанига суйинганиданми остимда ўйноқлаб борарди. Худди цирк отларига ўхшаб бўйнини бир томонга ташлаб ёллари силкитиб-силкитиб йўртарди. Қишлоқ хонадонлари олдидан, гузарлардан ўтаётганимизда одамлар фронтчи отга ажиб бир ҳурмат билан қараб қолардилар. Жангга оти билан кетиб қайтмаган узангидошларимнинг ота-оналари, бола-чақалари кўзларида ёш билан орқамиздан қараб қоладилар. Чоллар, кампирлар Қора Лочиннинг бўйинларини, ёллари, сағрилари билан, боламни қайга ташлаб келдинг, жонвор, қани энди тил-забонинг бўлса-ю, болагинам қайларда ётганини айтиб берсанг, деб пичирлашарди. От жуда зийрак жонивор бўлади. Уларнинг нима деяётганларини билаётгандек гуноҳкорларча бош эгиб кўзларини ердан узмай тураверарди.

Беш йил уни кўпқарига солдим. Беш гал совринни олдик. Ҳар гал кўпқаридан қайтаётганимизда ғалабадан кайф қилган Қора Лочин ерга туёқларини қаттиқ-қаттиқ уриб эркаланиб, тантиқланиб, ўйноқлаб келарди.

Шу беш мартадан кейин уни кўпқарига солмай қўйдим. Энди у анча ёшга бориб қолган, мағлублик нималигини билмай қўяқолсин, дегандим. Аммо пахта байрамларида бўладиган кўпқариларга оборардим. Лекин даврага ташламасдим. Жонивор остимда ўйноқлаб даврага интилавёранди. Жиловни маҳкам тортиб интилишига йўл бермасдим. Ушундай пайтларда уйга қайтганимизда хомуш бўлиб қоларди. Ерга туёғини қаттиқ ташламасди. Бошини эгиб, ақалли бирон марта бўлсин кишнамай азадан қайтаётгандек бўлиб қоларди. Жонивор ғалаба гаштини суролмаганидан ўкинса керак-да.

Байрам парадларига уни ясатиб олиб чиқардим. Минбар олдидан ўтаётганимизда музыка оҳангига мослаб туёқ урар, калласини силкитганда ёллари бўйнининг гоҳ ўнг томонига, гоҳ чап томонига ошиб тушарди. Минбардагилар ҳам, томоша қилаётганлари ҳам қийқириб фронтчи от шаънига олқишлар ёғдиришарди. Қора Лочин жангга жўнаган ва қайтмаган отлар номидан намойишга қатнашаётганини ҳамма биларди. Одамлар қўлларидаги гулдасталарни бизга отишарди. Албатта бир-икки гул унинг ёлига илашиб қоларди. Мен ҳам, Қора Лочин ҳам ўзимизда йўқ шод эдик.

Кейинги икки-уч йил уни тизгину нўхталардан холи қилиб қўйдим. Эрталаб дарвоза очишим билан у ҳам ташқарига чиқади, Пастликка, туманлар судралган дарё томонга бир дам қараб туради-да, аста-секин ўша томонга энади. Кеч пайти қоронғу тушмай яна отхонага кириб келади. Қишлоқларда кўрганки одам бор, унинг ёлларини тараб, бўйинларини силайди. Урушдан ўғли қайтмаган хотинлар этакларида унга ем тутадилар. Тул қолган келинчаклар, чавандозимни қайларга ташлаб келдинг, лочиним, деб бўйинларига осилиб йиғлашади. Чойхоналар олдидан ўтаётганда одамлар еб турган нонларини бурдалаб этакларида унга тутадилар. Қора Лочин бунга ўрганиб қолган. Кечгача адирларда, сой бўйларида ўт чимдимлаб келади. У мухбирлар айтганидек, қариллик гаштини суриб юрарди.

Жониворни бияга қўйдим. Амиркон локидек қоп-қора ялтироқ қулунли бўлди. Қулунимиз дунан бўлди, ғунон бўлди.

Бир куни, июль ойининг ўн еттинчи куни эди. Буни аниқ биламан. Улсам ҳам ўша кунни унитолмайман. Келаётсам кўчамизда одамлар у ёқдан-бу ёққа қочиб юришипти. Болалар додлаб гурра-гурра югуришяпти. Қарасам, Қора Лочин ўзини ҳар томонга ташляпти. Деворларга бошини уради. Дарахт таналарига урилиб гурсиллаб йиқилади. Урнидан туриб, яна телбадек дуч келган томонга ўзини отади. Одамлар Қора Лочин қутирипти, деб ўйлашипти. Йўқ, у қутирмаган. Нима бўлганини биламан. Эрталаб кетаётганимда химизатор йигит йўл четларида ўсган ўтларга дори сепаётган эди. Алдрин деган бир дори бор. У сепилган гиёҳни еган жониворки бор, азоб билан ўлади. Шу дори касофатидан қанча сигиру қанча қўй нобуд бўлган. Мажлисларда одамлар Мирвалига шу дорини септирма, деб неча марта худонинг зорини қилишган. Қулоғига олмайди. Мана энди Қора Лочин ҳам шу дорининг қурбони бўляпти.

Югуриб бориб, жон ҳолатда Қора Лочиннинг бўйнига осилдим. От мени танимади. Олд оёқларини осмонга кўтариб бир силкинганда ариққа бориб тушди. Жонивор шу алпозда ярим соатдан ортиқ ўлим билан олишди. Охири ҳолсизланиб ёнбоши билан гурсиллаб йиқилди-ю, бошқа туролмади. Икки-уч марта бошини кўтариб осмонга қаради.

Осмон кўм-кўк эди. Тумшуғида ниманидир осилтириб лайлак учиб ўтарди. У худди сувда сузаётгандек жуда осуда учарди. Қора Лочин лайлак то чинорнинг қуриган оппоқ шохлари орасидаги сават уясига қўнғунча кузатиб қолди-ю, бирдан бошини ерга ташлади. Кўзларини кулранг парда босди. Орқа оёғи икки-уч марта оғиз силкингандек бўлди.

Эсимни йўқотиб қўйгандим. Хаёлимга нима кепти, денг. От ҳам ўйлармикин? Уйласа нималарни ўйлаётганикин, деган гап хаёлимдан ўтса бўладими. Жанг майдонларидаги портлашлар, даҳшатли замбарак овозларни эшитаётганмикин? Олис фронт йўлларидан бу ергача уч ярим ой юриб кечирган азоб-уқубатларга тўла йўлларни кўраётганмикин? Кечган дарёлари, ошган довону, чўли-биебонларни кўраётганмикин? Кўпқарилардан ғолиб чиқиб, уйга гижинглаб қайтганларини эсладиммикин?

Июль ойининг ўн еттинчи куни Қора Лочин шон-шухратларга тўла умрини поёнига етказган эди.

Бу тоғ ораларида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тез тарқаб кетади. Қора Лочин билан урушга кетиб қайтмаган узангидош дўстларимнинг ота-оналари, бола-чақалари бирпасда етиб келишди. Омон қайтганлардан ўттиз чоқли чавандоз елдек учиб келди.

Қора Лочинни иззат-ҳурмат билан тупроққа қўйдик. Чавандозлар отларини етаклаб қабри атрофида айланишди.

Қора Лочиндан бир зурёд қолди. Худди отасининг ўзи дейсиз. Отини Қора Жайрон қўйдим. Уч ёшга кирганда булутга сакрайдиган, туёғидан ўт

чақнайдиган от бўлди. Кўз тегишидан кўрқиб, кўчага опчиқмайман. Тоғ оралиқларидоги ялангликларда миниб юраман. Хотиним ёлларига кўзмунчоғу туморлар осиб ташлади. Мен сизга айтсам, Қора Жайроннинг бобоси, хў ўша Тоҳир минган Қорабайир бир марта Жиззахдан ўғирланган. Уни Асакадаги Турсунбой Холиқов деган пичоғи кескир раисга эски пулга эллик мингга сотиб кетишган экан. Қорабайир асли Будённийни учетида тураркан. Уни қидириб-қидириб Асакадан дарагини топишади. Раис отни бермайди. Будённий Усмон Юсуповга кўнғироқ қилгандан кейин Холиқов отни беришга мажбур бўлади. Отни бечора байталга қўёлмаган экан. Доғда қолади. Барибир думига қадалган дўланани олиб қолади. Шу Турсунбой Холиқовни қидириб бориб дўланани сўраб олмоқчи бўлдим. Аввалига кўнмади. Кейин инсофга келиб белбоғнинг қатидан чиқариб берди. Пул берсам олмади. Ана шу дўланани катта бобонгдан қолган, деб Қора Жайроннинг қуймичига қадаб қўйдим. Бу дўлана ҳар қандай балоқазолардан асрайди. Танига дард йўлатмайди, дейишади.

У томони Кавказдан бу томони Тожикистону Туркменистондан отингни сотасанми, деб харидорлар кела бошлади. Гўрни сотаманми? Одам ўз боласини ҳам сотадими?! Қора Жайрон фарзандимдек гап-ку. Ҳатто биттаси мойи артилмаган янги ГАЗ-24 миниб келиб эшигим тагига кўндаланг қилди. Шуни ол, отни бер, деб туриб олди. Кўнмадим. Ҳеч бўлмаса отни бир кўрай, деб ялинди. Кўрсатмадим. Доғистондан бир йигит келди. Қўлимга иккита эллик сўмлик тилла заём тутқазди. Ҳар бирига ўн минг сўмдан ютуқ чиқкан. Любой савдогар ўн минг ютуқли заёмни йигирма минг сўмга олади. Ўзим ўн беш минг бериб олганман. Икковини сотсанг, қирқ минг бўлади, отни менга бер, дейди.

Бетига эшикни қарсиллатиб ёпиб уйга кириб кетдим. То қоронғу тушгунча эшик тагида ғингиб ўтирди. Кечаси хабар олгани чиқсам, кетиб қолган экан. Юрагимни ваҳм босди. Бунақада бир кун эмас, бир кун Қора Жайронни ўғирлаб кетишади, деб ўйладиму Панжикент томонга отни олиб ўтиб кетдим.

Қанчалаб кўпқариларда соврин олган Сангин деган йилқичи чавандоз дўстим бўлгучи эди. Шуни йўқлаб бордим. Панжируд яқинидаги яйловга йилқи ёйган экан. Топиб бордим. Мени кўриб севишиб кетди. Хотинига қозон осишни буюрди. Анзур пиёзи солинган хушхўр шўрва ичиб, қимиз симириб қизишиб олганимдан кейин шундоқ, шундоқ, дедим. Шу Қора Жайрондан зурёд олмоқчиман, байталларингга қўяйлик, дедим. У ҳам Қора Жайроннинг таърифини эшитган экан, ўрнидан туриб отнинг сағрисига шапиллатиб уриб, асби хўб, деди. У аввалига отини ташлаб кетадию бирон ўн кундан кейин келиб хабар олади, деб ўйлаган экан. Мен то байтал бўғоз бўлгунча ёнида бўлишимни айтдим. Биламан, у Қора Жайронни уч-тўрт байталга қўймоқчи. Шунча байталга чопган от — от бўладими? Унда фақат аравага қўшишга ярайдиган бўлиб қолишини биламан. Ўша ерда қолиб кетдим.

Сангин уюрдан еттита байтални ажратди-да, менинг ихтиёримга берди. Мен уларни Қора Жайрон билан алоҳида ажратиб яйловга ёяман. Уюр бошқа тарафда, булар бошқа ёқда. Қора Жайрон аслзода от эмасми, аввалига байталларга парво қилмади. Бирон икки кун ўтиб унисини искаб, бунисини искаб охири ўмғонида ярим ойга ўхшаган оппоқ тамғаси бор байтал билан искашиб қолди. Қора Жайроннинг бу қилиғи менга ўтиришмади. У танлаган байталнинг туёғи сариқ эди. Туёғи сариқ от кўпқаригаям, улоққаям ярамайди. Сариқ туёқда тақа яхши турмайди. Юмшоқ бўлганидан тез едирилиб гўшти чиқиб қолади. То Қора Жайрон у билан обдан тил топишмай туриб ундан айиришим керак. Сангин билан икковимиз арқон ташлаб уни уюрдан айириб катта уюрга обориб қўшдик. Қора Жайрон кишнаб, туёғи билан шағалларни титкилаб яқин боргани тепа бошлади. Икки-уч кун шундай жиннилик қилиб юрди-ю, ҳайвон экан-да, сариқ туёқни унитиб бошқа байтал билан искашиб кетди. У уюрдаги бошқа байталларга қайрилиб қарамас, фақат ўзи танлагани билан алоҳида ўтлайдиган эди. Сангин байталларни қайириб уюрга олиб кетди. Мана шу икки от кетидан юрдим. Қора Жайрон танлаган байтал худди циркнинг отларига ўхшарди. Жилови тортилмаса ҳам бўйнини орқага тортиб гижинг туриш қиларди. Юрганда ҳам худди аллақандай куйга рақс тушаётганга ўхшарди. Асли шундоқмиди ё Қора Жайронга ёқиш учун шундай қилиптими, билмасдим. Орадан бирон ҳафта ўтиб байтал ювош тортиб қолди. Энди ўйноқилаб юрмас, бўйнини гижинг қилиб кишнамасди. Сангин унинг бу ҳолини кўриб ўрисчалаб всё,

деди. У шу биргина сўз билан байталнинг она бўлаётганини билдирган эди.

Байтал кўпинча бағрини ерга бериб мудрарди. Сангин эса уни ётгани қўймас, зах ерга бағрини бериб ётишига йўл қўймасди.

Байталнинг савдосини битишмоқчи бўлдим. Сангин бу байтал совхозники эканини, сотишга ҳаққи йўқлигини айтди. Кейин ўзидан бир маслаҳат чиқди.

— Олиб кетавер, жўрам. Сен менинг қирқ йилги узангидош жўрамсан. Олиб кетавер. Қулунлагандан кейин йўлинг тушса ташлаб кетарсан.

Қадрдон дўстимга қайта-қайта раҳматлар айтиб, бир отимни икки қилиб қишлоғимга қайтдим.

Онам раҳматли баъзан кеч пайтида ухлаб қолсам, уйғотиб юборар эдилар. Болам кунботар пайтида ухлама, ёмон бўлади, дердилар. Шунақа маҳал ухлаб қолган эканман, юрагим сиқилиб ҳовлида айланиб юрдим. Қоронғи тушиб осмонда юлдузлар милтирай бошлади. Биз томонларда юлдузлар катта бўлади. Қарасанг, кўзни олади. Уйқим қочиб, у ёққа юраман, бу ёққа юраман, кўнглим нотинч. Худди бир палакат бўладигандек. Хўроз икки чақирди ҳамки, кўзимга уйқу келмайди. Осмони фалакда чироғини пирпиратиб самолёт ўтиб кетди. У кетгандан кейингина гулдираши эшитилди. Тоғу-тошлар гулдираб узоқ-узоқлардан анча пайтгача акс-садо келиб турди. Итлар улиди. Қўю-сигирларнинг безовта маъралашлари эшитилди. Кейин дунё сув қуйгандек жимиди-қолди.

Айвоннинг устунига суянганча кўзим илинган экан. Қанча мизғиганимни билмайман. Бир нарса тарақлаб кетдию шошиб кўзимни очдим. Тонг ёришиб келаётган экан. Офтоб тиф урган чўққининг учи ялт-ялт қилиб кўзни оламан, дейди. Отхона томонга жон ҳолатда югурдим. Эшик очиқ. Қора Жайрон йўқ. Йўлакка югурдим. Дарвоза ланг очиқ. Пастликда тарақа-туруқ туёқ товуши келяпти. Тирмашиб дўннга чиқдим у пешонамга шапатиллатиб урдим. Бегона одам Қора Жайронни пастликка қараб қамчилаб елдириб кетяпти. Чирқиллаганимча қолавердим.

Дунё кенг, мамлакатнинг у бурчидан-бу бурчига юриб етолмайсан. Осмон узоқ, ер қаттиқ, қайга бораман. Биронта Қора Жайронни кўрдим, деган мард топилмади. Кўнглимда фақат, фақат бир умид учқунлаб ичимни ёритиб турарди. Қора Жайрон қайда бўлмасин, бир кун эмас бир кун минган чавандозни эгардан ирғитиб қайтиб келади. Шу умид мени ушлаб турарди.

Омонқўтонлик йигитлардан тўрттаси Москвада «Волга» арзон бўлади, деб белига пул тугиб кетишган эди. Шулар иккита «Волга» миниб қайтиб келишди. Эрали чавандоз нотоб бўлиб қопти, деб кўргани киришди. Шунда биттаси ғалати гап айтиб қолди.

Каспийнинг у томонида машинани баржага урамиз, деб кутиб турган эдик. Красновод томондан келган баржадан папақ кийган, белидаги қайишга ханжар таққан қорасоқол йигит булутдек бир отни етаклаб тушди. Худди Қора Жайроннинг ўзи. Ичимда, Қора Жайрон дунёда битта десам, яна битта бор экан, деб қўйган эдим. Яқинига бордим. Жилов тутган қорасоқол йигит, иди, иди, деб мени от яқинига йўлатмади. Демак, демак, ўша от Қора Жайрон экан-да.

Шу гапни эшитдим у Қора Жайрондан умидимни уздим. Кавказ тоғларининг қайси бир сўқмоғида менинг Қора Жайроним йўртиб кетаётганикин, деб ўксиб-ўксиб йиғладим.

Бутун бир қишни ғаму-андух билан ўтказдим. Тоғ этақларидан қор кетиб пастликлар яшилланиб қолган апрель ўрталарида байталиб қулунлади. Қарасам боласи қора сақичдек ялтираб турипти. Кўзларим яшнаб кетди. Севинганимдан қийқириб юборай дебман.

Шунга андармон бўлиб, Қора Жайрон кўзимдан сал нари кетгандек бўлди. Эртаю кеч фикри-зикрим шу қулунда бўлиб қолди. Уни юваман, тарайман, эндигина мўй тортиб келаётган ёлларини, меҳр билан силайман. Онаси уни мендан қизғанади. Тепмоқчи бўлади. Қалласи билан нари суриб ташлайди. Барибир мен қулунга суйкалиб боравераман. Кунгай тарафларда ердан тафт кела бошлаганда қулун билан бияни етаклаб олиб чиқаман. Яғринини офтобга соламан. Жониворнинг қоп-қора сағриси офтобда ялт-ялт қилиб кўзни олади. Ўтган-кетганнинг кўзи тегмасин, деб уларни овлоқроқ жойда офтобга соладиган бўлдим. Шундай қилиб қулунчамни ортмоқлаб юриб оёққа турғиздим. Мен унга, у менга ўргандик. Қайга борсам орқамдан эргашади. Ота-боболари

Қора Лочин, Қора Жайронлардан ёдгор бўлсин, деб унга Қора Бахмал деб ном қўйдим. Шу номга ўргатдим. Чақиршим билан қулоқларини дик қилиб қарайди. Қулун эди, дўнан бўлди. Дўнан эди, ғунон бўлди...

Эрали чавандоз шундай тўлиб-тошиб гапирардики, дунёда отдан бошқа ҳеч қандай мўъжиза йўқдек. Дунёнинг бирдан-бир мўъжизаси шу отдан иборат эди.

Болаларнинг силаб-сийпашига ўзини қўйиб берган бу от чинакамига гўдакларнинг қора бахмалдан тикилган ўйинчоқ отига ўхшаб кетарди.

Эрали гапириб-гапириб кўнглини бўшатгандек эди. Ичи тўлиб турган экан, бир тўкиб солди-да.

У совиб қолган чойни бир симиришда бўшатиб ўрнидан турди.

— Энди мен кетай.

У кетди. Лекин Толибжоннинг юрагида қандайдир илиқ, майин бир меҳр қолди.

### XIII

Бугун довон бозори гавжум бўлди. Ўтган машина бир тўхтамай иложи йўқ. Биров кийик ўти, биров анзур пиёз, биров кечки ўрик, биров қурут харид қилади.

Азизбек бугун балиқ олиб чиққан. У уч кундан бери тутган балиқларини ҳовлидаги сув тўлдирилган бочкага ташлаб йиғаетган эди.

Эрталаб туриб балиқларни уч кило, уч килолик қилиб ўн бир бўлакка бўлди. Уларнинг ой қулоғидан тол навдаси ўтказиб шода қилди.

Айвонда жун савалаётган кампир сўридаги шода-шода балиқларга қараб:

— Болам, жуда кўпайиб кетибди-ку, қандоқ оборасан? Кўтаролмайсан, ярмини обор. Қолганини эртага опчиқарсан, — деди.

Азизбек бош чайқади.

— Бўгун сотвормасам бўлмайди. Эртагача айниб қолади. Ўттиз кило юк нима бўпти. Зинғиллатиб олиб кетаман.

У шундай деб балиқларни шодаси билан қопга солиб, орқалаб опчиқиб кетди.

Довон бозорида ҳаммавақт балиқ бозори чаққон бўлади. Азизбек келиши билан тол соясига клиёнка ёзиб, балиқ шодаларини териб қўйди. Атрофини йўловчилар ўраб олишди.

— Шодасига қанчадан сўраяпсан?

— Олти сўмдан.

— Инсофинг йўқ экан. Тўрт сўмдан берай, хўп, де.

Азизбек кўнмади. Харидор нархни сал кўтарди.

— Бешдан берай. Тўртта шодасини олман. Хўп, де.

Азизбек савдолашиб вақт ўтказгудек бўлса балиқлар айнаб қолиши мумкин. Ана шунинг учун беш сўмданга кўнақолди.

Харидор қизиқиб кетиб битта йигирма беш сўмлик узатиб ҳаммасига балиқ олиб қўяқолди. Бешта шодани кўтариб машинаси томон кетди.

Йигирма минутларга қолмай Азизбек балиқларни сотиб бўлди. Ерга ўтириб олиб пулларини санашга тушди. Роппа-роса эллик беш сўм бўпти.

Азизбекнинг бирпасда шунча пул ишлаши бошқа болаларга алам қилди. Биттаси унга эшитдириб:

— Онаси Бузуқ, Мирвали тоға билан қочиб кетган, — деди.

Азизбек қалтираб кетди. Шу гапни айтган бола томон хезланиб интилди:

— Нима дединг? Яна битта қайтар.

— Ёқтими? Яна эшитгинг келяптими? Айтганим бўлсин. Сени аянг жалаб.

Азизбек унинг ёқасига чанг солди. Иягига калла урди. Бола орқага икки-уч тисарилиб-гандираклар борди, лекин йиқилмади. У жон ҳолатда ердан тош олиб Азизбекка ўқталди.

— Яқинимга келсанг, шу билан бошингга соламан.

Азизбек уни писанд қилмай бораверди. Бола қочди. Кетатуриб қўлидаги тошни отди. Тош Азизбекнинг тиззасидан пастига тегди.

— Шошма, қўлимга тушарсан, — деди болдирини силаркан Азизбек. Ҳозиргина савдоси яхши бўлганидан қувонган Азизбекнинг кўнгли вайрон

бўлди. Қишлоқда онасининг Мирвали билан кетиб қолганини ҳамма биларди. Бу тўғрида сира Азизбекнинг олдида гапиришмасди. Ўртоқлари гаплашиб турганда унинг қораси кўриниши билан жимиб қолишарди. Шунда Азизбек албатта аямни гапиришяпти, деб ўйларди. Ичлари куйиб кетарди.

Ҳозир у қишлоққа қайтаркан, аясининг бу қилмишидан ўзини қўярга жой тополмай юм-юм ёш тўкиб, аччиқ қисматидан ўкиниб келарди.

Унга бурилиш жойида совхознинг «Волга»си турарди. Азизбек аясини олиб кетган бу машинага нафрат билан бир қарадио юзини четга ўгириб жадал кета бошлади. У тахминан машинадан йигирма қадамларча узоқлашган эди, орқасидан, Азизбек деган овоз келди. Бу овоз унга қадрдон, бешиқда ётган пайтидан, қон-қонига, жон-жонига сингиб кетган эди. Шартта ўгирилиб қаради. Дўлана тагида турган Бодомгулнинг сурма босилган кўзлари Азизбек томон илтижо билан боқиб турарди.

Аяси сочини кестирипти. Ўсмир болаларга ўхшатиб кестирипти. Тилла тиш қўйдирипти. Бўйнида шода-шоода марварид. Оёғида учи бигиздек ингичка олчаранг туфли. Кўйлагининг этаги тиззасидан тўрт энлик юқорида. Бармоқларида, қулоқларида бриллиантлар ялтирарди.

Азизбек онасини кўрмаганига бир ярим ой бўлганди. Тушларига кирарди. Катта энасига билдирмай бурчак-бурчакларда йиғларди. Онасининг овозини эшитиб баданига ширин бир нарса ўрмалаб кетди. Ҳозир бораман, бағрига отилиб, ўкириб-ўкириб йиғлайман, деган ўй бир онда хаёлидан югуриб ўтди.

Аммо қаршисида турган хотин унинг онасига ўхшамасди. Бу бошқа Бодомгул эди.

Азизбек онаси томонга ўгрилганча қимирламай туриб қолди. Унга интилмади. Бодомгул боласи томон кела бошлади.

— Бегим. Бегжоним. Соғиниб кетдим, болам. Бери кел.

Азизбек жойидан қимирламади. Онасига қарамай юзини терс ўгириб тураверди.

Бодомгул келиб, уни босди. Кучли атир ҳидидан нафаси қайтган Азизбек онасини ўзидан нари итарди.

— Соғинмадингми, болам? — деди овози титраб Бодомгул.

Азизбек индамади.

— Аҳволингни қара. Кийимларинг ҳам тўзиб кетибди. Мен сенга костюм, этик олиб келдим. Ундан кейин...

Бодомгул гапини тугатмай машина томон жадал кетди. Ундан шошиб битта тугун олди. Яна қандайдир кичкина қоғоз қоробка ҳам олди.

— Мана, мана, — деярдди у ўғли томон шошиб келаркан. — Зўр костюм. Финларники. Кўрганда ўртоқларингни кўзи ўйнайди. Сенга атайлаб, бўйнингга осиб юрадиган магнитофон олиб келдим. Зўр ашулаларни ёзволиб эшитиб юрасан. Этикка ғарч солдириб тикдирдим. Юрганингда ғарч-ғурч қилди.

Бодомгул қўлидаги нарсаларни Азизбекка узатди. Азизбек икки қадам орқага чекинди.

— Керакмас. Керакмас...

— Нега унақа дейсан, болагинам. Мен сени олиб кетгани келганман. «Волга»га солиб опкетаман.

Азизбек бошини кўтариб онасига ёмон қаради.

— Менга унақа қарама, болам. Онангман-а.

— Катта энамни кимга ташлаб кетаман. Аҳволи нима кечади?

— Ҳафтада, ўн кунда бир хабар олиб турасан.

— Катта энамни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман. Сиз билан кетмайман. Сизни ёмон кўраман. Мирвали тоғаниям ёмон кўраман. Сиз... сиз...

Бодомгулнинг қошлари чимирилди.

— Нима? Менга нима қипти?

Азизбек онасига сиз бузуқ хотинсиз, деб айтолмади. Лахча чўғ бўлиб турган бу гап томоғида туриб қолди.

— Мирвали тоға сени яхши кўради. Ўзим ўғил қилиб оламан, деяпти. Юр, кетайлик. Велосипед олиб бераман.

Азизбек бошини сарак-сарак қилди.

— Кетинг, кетинг, ая. Агар яна келсангиз, ўзимни отиб қўяман. Ўртоқларим, мени жалаб хотиннинг боласи, деб эрмак қилишяпти. Кетинг. Ҳозироқ...



Азизбекнинг овози хирқираб гапиролмай қолди. Унинг кўзларидан ўт чақнаётганга ўхшарди.

— Мана кўрарсиз, Мирвали тоғани албатта отиб ташлайман. Дадамнинг ўчини оламан.

— Дадангни у ўлдирган эмас, эсингни йиғиб ол.

— Мени сиздақа онам йўқ. Кетинг!

Азизбек шундай дедию кескин бурилиб тупроқ йўлда жадал юриб кетди. Бодомгул қўлидаги нарсаларни унга узатганча, орқасидан югурди.

— Болам, болагинам. Пешонамда биттагина боламсан. Ундай қилма. Агар сен хўп, десанг уйга қайтиб келаман. Бирга турамиз.

Азизбек орқасига қарамас, йўл-йўлакай жавраб борарди:

— Керакмас, келманг. Уйимизга қадам босманг. Сиз ёмон хотинсиз.

Бодомгул тўхтади. У ҳаммавақт ўғлим измимдан чиқмайди, деб ўйларди.

Яқин бир ярим ойдирки, у ишқ ўйинларига берилиб, айш-ишрат оғушида энтикиб, Мирвалининг эркалашларидан худди туш кўраётгандек мавҳум бир оламда яшаркан, қишлоқда Азизбек исмли боласи борлигини бирон дақиқа хаёлига келтирмаганди. Энди ишқ оташлари ўчиб, бадани совуганда боласини эслаб қолди.

Ишқ ўйинлари бир гуриллаб ёнган гулханга ўхшайди. Кимнингдир кўксини бир дақиқа иситади, олов тиллари билан унинг ҳисси-ҳирсиётларини жумбушга келтиради.

Бу хил олов ўйини дарров сўнади. Устини лаҳзада кул босади. Бодомгул кўксига Мирвали ёққан гулхан ўча бошлаган эди. Ишқ ўйинлари поёнига етай деб қолганди.

Бодомгул кўксини иситган, кўзларига анвойи нурлар жилвасини намоиш қилган, фақат тушлардагина бўладиган бир сирли олам аста-секин асли ҳолига қайтаётган эди. Бодомгул ана шу мастонавор оламда энтикиб-энтикиб яшаркан, ҳаётимнинг бу ёғи нима бўлади, деб ўйламаган эди.

Энди ўйлаяпти. Танида ишқ оташи совуганда, булутларгача учириб олиб чиққан муҳаббат кайфи тарқай бошлаганда боласини эслаб қолди. Дунёда бирдан-бир суянадиганим, орзу-умидларимни рўёбга чиқарадиган ўғломим, деб йўқлаб келганди.

Ёшлигида бошига рўзғор ташвиши тушган болалар бирдан улғайиб қоладилар. Гап-сўзларида, юриш-туришларида катталарга хос одатлар пайдо бўлади. Айниқса орият биринчи ўринга чиқиб қолади.

Бодомгул ҳақидаги гаплар Азизбекнинг ич-этини тимдаларди. Юрагида онасига нисбатан ғазабми, нафратми ўзи ҳам ҳали билмайдиган бир алам яшарди. Баъзан: қани энди онам пок, беғубор бўлсаю худди болалигимдагидек остонага ўтириб уйга келишини интизорлик билан кутсам, деб ширин хотираларга берилиб қоларди. Бирон одам бу бола Бодомгулнинг ўғли деса эзилиб, Равшанбекнинг ўғли деса кўкси тоғдек кўтарилиб кетарди.

Энди Бодомгулга ўз боласи, келин бўлиб тушган қадрдон қишлоғи, оғанини, опа-сингил бўлиб кетган қўни-қўшнилари бегона бўлиб қолганди.

У қайтиб машинага чиққанда шофёр қўлидаги тугунга қараб бош чайқади.

— Ўғлингиз анчагина ўжар кўринади.

Бодомгул индамади. У ўз ўйлари билан овора эди. Дунёда ҳамма нарсадан мосуво бўлган бу аёлнинг ҳозирги аҳволи жуда аянчли эди.

Машина уни икки қаватли уй олдига ташлаб, қайтиб кетди. У энди зинага оёқ босаётганда орқасидан бир аёл кишининг, келдингизми, деган товуши эшитилди. Бодомгул ўгирилиб қарадию уни танимади. Бир вақтлар ниҳоятда чиройли бўлгани билиниб турган, энди хасталикданми ё турмуш машаққатлариданми ранги синиққан, юзига бемаҳал ажин туша бошлаган бу аёлни илгари бирон марта кўрмаганди.

— Менда ишингиз бормиди? — деди ҳайрон бўлиб Бодомгул. Хотин ҳа, деб бош ирғади. Лекин Бодомгул унга уйга кириш, деб айтмади.

Хотин истеҳзо билан деди:

— Йиғлабсиз-а? Ҳали кўп йиғлайсиз, синглим. Вақтида биз ҳам қон-қон йиғлаганмиз.

Бодомгулнинг зардаси қайнаб кетди.

— Нега унақа дейсиз? Менга бунақа дейишга нима ҳаққингиз бор? Узингиз ким бўласиз?

Хотин унга ўқрайиб қаради.

— Ҳаққим бор учун гапиряпман. Ким бўласан, дедингиз? Кимлигимни айттайми? Мирвалининг сиздан олдинги ўйнаши бўламан. Бўйнингиздаги шода-шода марваридлар аввал менинг бўйнимда эди. Мирвали омон бўлса бу марваридлар ҳали кўп хотинларнинг бўйини безайди. Сиз ҳарқалай текисгина экансиз. Бир ярим ойдан бери ишқ ўйинида мастсиз. Мирвали ҳеч бир аёл билан икки ой бирга бўлмаган. Кўрпа кўтарадиган пайтингиз келиб қопти. Бу ишлар менинг бошимдан ўтган. Маслаҳатимга қулоқ солинг. Кетинг бу уйдан. Мирвали шарманда қилиб ҳайдамай туриб кетинг. У осонликча ҳайдамайди. Шип-шийдон қилиб ҳайдайди. Бармоқларингиздаги узукларни, бўйнингиздаги марваридларни олиб, кейин ҳайдайди. Обруйингиз борида кетиб олинг, синглим.

Хотин унга раҳми келгандек бош-оёқ бир қараб чиқди-да, шўринг қурсин, дегандек маъноли илжайди. Кейин хайр ҳам демай кетаверди.

Бодомгул унинг орқасидан беҳуш қараб қолди. Иккинчи қаватга судралгандек аранг кўтарилдию уйга кириб ўзини диванга отди. У алам билан, куйиб-ёниб, ўртаниб йиғларди.

#### XIV

Тоғ болаларининг қувончи чексиз эди. Эрталабдан хонадонларда телевизор экранлари ёришди. Болалар деразаларга парда тутиб сабрсизлик билан мультфильм бошланишини кутишарди. Экранда гулга тўлган боғлар, чексиз яйловлар, тоғ этакларида булутдек ўрлаган қўйлар, чўққилардан қуйилаётган шаршаралар, олма-анорга, қовун-тарвузларга тўлиб кетган гавжум бозорлар, «қарилик гаштини сураётган» кексалар, оталари елкасида қўлларида шар ушлаб параддан ўтаётган гўдаклар, тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмони уяётган «зангори кема»лар...

...Туғруқхона. Доя хотин қўлида янги туғилган чақалоқ. У болани баланд кўтаради. Ташқарида нурга йўғрилган рангин далалар, боғлар. Гўё шуларнинг бари сеники, деяётгандек.

Оқ либосга бурканган келинчак билан «ҳаёт завқидан маст» куёв. Улар қучоқ тўла гулдаста билан мотамсаро она ҳайкали томон кетмоқдалар.

Адирларда лола териб юрган болаларнинг бошлари аранг кўринади. Кўчани тўлдириб карнай-сурнай билан куёвнавкарлар келишяпти. Автобуслар, машиналар тўхтаган, ҳамма уларга завқ-шавқ билан қарайди.

Далаларда атлас кўйлак кийган қизлар ғўза чопиқ қилишяпти. Гажақ қўйган серпардоз жувонлар «завқ билан» сигир соғишяпти. Куёвлардек кийинган, кўкси орденларга тўлган чўпон сурув-сурув қўй орқасидан най чалиб кетяпти. Унинг юзида табассум, қарашлари маъноли, хаёллари порлоқ эртани кўриб тургандек.

Дала шийпони худди келин тушган уйдек ясатилган. Дастурхонда турфа ноз-неъматлар. Ариқ бўйида оппоқ халат кийган ошпаз палов дамляяпти. Жизиллаб турган кабобдан кўтарилаётган нимранг кўкиш тутун пахтазор бўйлаб таралади. Ғўза чопиқ қилаётган сўлқилдоқ бахтиёр колхозчи қизлар ҳар кунги бўладиган тушликларга ўрганиб кетишган бўлса керак, овқатга занг урилса ҳам ишни тўхтатмаяптилар. Тепаларидан барака дорисини сочиб ўтган самолёт учувчисига мамнун қўл силтаб қўядилар...

Новвой тандирдан узилган лоладек патирилар бетига сув сачратиб саватга ташляяпти. Кўксига иккита орден қадаган бригадир опа дастурхон четига оппоқ крахмалланган салфетка билан қошиқ-санчқиларни териб чиқмоқда...

Авж пардага кўтарилган куй тугамай туриб, экранда «фильм тугади» деган ёзув пайдо бўлди.

Ниҳоят, экранда телетомошабинларга кўпдан таниш, кадрдон бўлиб қолган диктор қиз кўринди.

— Телекамералар, радио микрофонлари Тошкент аэропортидаги халқаро линиялардан учадиган самолётларни қабул қилувчи махсус майдончага ўрнатилган. Бутун Урта Осиё регионидаги барча республикаларнинг раҳбарлари шу ерда. Тошкент меҳнаткашларининг минг-минглаб вакиллари шиорлар, транспарантлар кўтариб олганлар. Уларнинг қўлларида гулдасталар, юзларида табассум...

Сочларига анвойи ленталар таққан пионер қизлар юқори мартабали меҳмонга гулдасталар тутиш учун сабрсизлик билан кўкка боқадилар. Кўп ўтмай осмон бурчида азамат ҳаво лайнерининг қораси кўринди. Ҳукумат раҳбарлари жим бўлиб қолишган. Улар Тошкент тепасида фахрий доира ясаётган «ИЛ-62» ҳаво лайнеридан кўз узишмайди. Ана, гулдурос солиб самолёт ерга келиб кўнди.

Кутиб олишга чиққанлар олдида «ҳаммамиз учун ҳурматли» Шавкат Раҳимович дадил юриб борарди. Самолёт эшиги очилиб, трап қўйилди. «Ўзбек пахтакорларининг отаси» — меҳрибон отахонимиз, биринчи бўлиб юз кўрсатди. Музика янгради. Пионерлар қафасдан кўйворилган қушлардек самолёт трапи томон учдилар. Раҳбаримиз гулларга кўмилиб кетди. Бирдан экранда Мирвали Рихсиев кўринди. У қўлида раҳбаримиз томон оппоқ дастурхонга қўйилган нонтуз кўтариб борарди. «Ўзбек пахтакорларининг отаси» нондан бир тишлам ушатиб тузга ботирди-да, оғзига олиб борди. Кейин у Мирвалининг елкасига қоқиб, нимадир деди.

У ҳамма раҳбарлар билан кўришиб бўлгач, аэропорт биносига қараб юра бошлади. Илгариги келишларида бошини бир томонга сал эгиб, жуда чаққон одим ташларди. Бу гал ундай эмас, тез-тез мункиб кетар, қаёққа келиб қолганини билмаётгандек атрофга аланглаб кўярди.

Аэропорт томида бирваракайига саккизта карнай ват-ватлаб қулоқларни қоматга келтирди. Минг-минглаб одамлар қўлларидаги байроқчаларни силкитиб азиз меҳмонни табрикладилар. «Азиз меҳмон» эса боя оғзига солган нонни ҳамон ютолмай лунжида ҳўллаб ивитиб борарди...

Тошкент кўчалари. Юз минглаб одамлар йўл четларида қўл силтаб отахон тушган машинани кузатиб қолдилар...

Диктор қиз: «Тошкент аэропортидан олиб кўрсатган репортажimizнинг махсус сони тугади. Шу билан, Ўзбекистон телевидениесининг кундузги эшитиришлари ниҳоясига етди» деб эълон қилди.

Мультфильм кутиб ўтирган болалар ҳафсаласи пир бўлиб тарқаб кетишди. Уша куни кўча-кўйда, гузарларда, бозорларда: «Ўзбек пахтакорларининг отаси» Мирвалининг елкасига қоқиб кўйди, деган гап бўлди. Унинг дўстлари, қойил қилди, душманлари куйиб ўлсин, деса душманлари, энди у билан олишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, деган хулосага келишди. Чойхонада телевизор кўрганлар орасидан бири, отахонимиз пишиб қоптилар, юзларига нариги томоннинг шарпаси тушиб қопти, деб юборди. Бу гапни эшитганлар ўзларини эшитмаганга солиб, бу гапни сен айтмадинг, мен эшитмадим, шу гап шу ерда қолсин, телевизор кўрмай мен ўлай, дегандек ерга қараб ўтираверишди.

Толибжоннинг бу томонларга келганига ҳам икки ойдан ошди. Бу орада тўрт-беш марта Мирвали билан гаплашди. Тоғларга чиқди. Унинг қилаётган ишларига қараб туриб, дўстининг қанчалар ишбилармон бўлиб кетганига, жуда қийин, мураккаб ишларни ҳам чўчимай дадил амалга оширишига қойил қоларди. Унинг ғайратига, тузган режаларига, шу режалар ҳар қандай қийин бўлишига қарамай бошлаб юборишига тан бермай иложи йўқ эди. Тоғларда булутдек судралиб юрган сон-саноксиз эчкилар, Америка фермерлариникидан ҳам яхши зотдор қорамоллар боқиладиган чорва жойлари, кафтдек текис жўхоризорлар, ниҳоятда дид билан парвариш қилинган боғлар шу Мирвалининг режаси-ю, тиришқоқлигидан эканини биларди. Мирвали ҳўжаликни қаттиққўллик билан бошқарарди. Бирон одам унинг измидан чиқиб ўзича бир иш қилолмасди. Ҳамма нарса ҳисобда, ҳамма нарсанинг саноғи бор эди.

Республиканинг номдор пахтакор районлари йилига тўртта «Жигули» ололмаган пайтларида Мирвалининг гаражида ўндан ортиқ «Жигули», беш-ўнта «Москвич», бир-икки «Волга» мойи артилмай турарди. Бу машиналарни у энг яхши чорвадорга, энг яхши пахтакорга тантанали вазиятда топширарди. Омборларда уну-гуручлар бир-икки йилга етадиган запаси билан турарди. У совхоз аҳлига томорқага макка, беда эктирмасди. Бола-чақанга егулик нарса эк, деб мажбур қиларди. Молингга қанча хашак керак бўлса ана тоғ, ана адир, истаганинча ўриб ол, дерди. Совхоз марказидаги универмагда энг яхши нарсалар бўларди. Импорт костюмлардан тортиб модний этикларгача. Бу молларни ташқаридан келадиганларга сотдирмасди.

Марказдаги катта новвойхонада ёпилган нонларни ўзи контроль қилиб

турарди. Улим-нетим бўлганда ўзи бош бўлиб жами маъракаларини ўтказарди. Тўйларга бошчилик қилиб, куёвними, келинними кам-кўстига қарашарди.

Шундоқ бўлишига қарамай, уни кўпчилик хуш кўрмасди. Кўчадан келаётганда остонада неварасини ўйнатиб ўтирган чоллар аста уйга кириб кетишарди. Тўрт-беш киши тўпланиб гурунг қилиб турганда унинг қораси кўриниши билан ҳар тарафга тарқаларди.

Мирвали анчагина ўзидан кетган эди. Феъли айниб турганида райком секретари келганда ҳам қабулхонада кутдириб қўяр, эртага келсин, деб муомала қилиб юборарди. Обкомнинг биринчи секретари телефон қилганда вақтим йўқ, деб трубкани босиб қўйган пайтлари ҳам бўлган.

Хоҳ амалдор, хоҳ мухбир бўлсин унинг боғларидан, полизларидан тўртта бодринг, ё тўртта олма кўтариб кетган эмас. Қанчаки ҳосил бўлса бари торозига тушар, хатга битиларди.

Тоғларда яшайдиган эркин, ҳеч қандай тартибга бўйин бермайдиган асов, жангари йигитлар ундан кўркишарди. Уғрилик қилган, тартиб бузганлардан биронтасини у қаматмаган. Унинг махсус йигитлари жиноят қилганни тутиб, тоғлар орасига обориб, обдан калтаклаб, шалхак қилиб ташлаб кетишарди. У судралиб-судралиб уйига келарди-ю, бир умр ҳаромдан ҳазар қиладиган бўлиб қоларди. Мирвали бу тоғлар орасида мушти билан, қамчини билан тартиб ўрнатган эди.

Толибжон Қоҳирага кетаётганда Одесса «Грузия» теплоходида Ўзбекистондан Европа саёҳатига отланиб турган туристлар билан учрашганди. Улар орасида машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор ҳам бор эди. Толибжон унинг китобларини ўқиб ғойибдан ҳурмат қилиб юрарди. Унга шу адиб билан суҳбатлашиш насиб қилган эди. Шунда Абдулла Қаҳҳор ундан, иним, қаердан бўласиз, деб сўраганди.

Толибжон туғилган жойини айтганда адибнинг кўзлари яшнаб кетганди.

— Ажойиб жойнинг фарзанди экансиз, — деганди у. — Улуғбек, Жомий, Навоий қадами теккан ерларда ўсган экансиз. Самарқанддан Тахти қорача довони орқали Темурланг Шаҳрисабзга ўтган. Улуғбек хазинасини Тахти қорача довонига яширган. Навоий Самарқанд таҳсилини тугатиб шу довондан ошиб Ҳиротга қайтган. Бобур шу довондан Кобулга қочган. Лекин бу жойларнинг одамлари антиқа бўлади. Директорларингизни яхши танийман. Унинг асли қиёфасини чизиш қийин. Бир танда икки одам яшаётганга ўхшайди. Бири беқиёс ишбилармон, ташкилотчи, бири ёвуз. Иккови ҳам авж пардада. Бири бирини сиқиб чиқараман, демайди. Иккови ёнма-ён мустақил яшайди. Бир танга иккови навбатма-навбат ҳокимлик қилади. Бири уйғонганда, бири мудрайди...

Абдулла Қаҳҳорнинг бу гапи Толибжонга сал айил ботган эди. Мана энди унинг гаплари нақадар чин эканини тан оляпти.

Унга ким насиҳат қилади? Кимнинг гапини олади? У ҳеч кимнинг қўли етмайдиган баландликда. У ҳаммадан доно, ҳаммадан зўр. Унга тик бориб ҳам бўлмайди, ёнбошидан ҳам келиб бўлмайди.

Фақат биргина одам уни йўлга сола олади. У ҳамма учун ҳурматли — Шавкат Раҳимов. Ким юрак ютиб унга гап айта олади? Айтганда ҳам ўғлим, деб ардоқлаган Мирвалига танбеҳ берармикин?

Бугун мамлакатнинг энг баланд мартабали отахони унинг қўлидан туз та-тиди. Елкасига қоқиб, меҳрибонлик билан миннатдорчилик билдирди. Шундоқ бўлиб турган бир пайтда ким бетлаб унга тик бора олади?!

Толибжон ана шундоқ жумбоқлар чигалига ўралашиб қолганди. Юраги сиқирилиб кўчага чиқди. Азизбек ҳали ҳам остонада ер чизиб ўтирипти. Бу боланинг нияти бузуқ, кўнглига шайтон уя қурган, деб ўйлади ўзича Толибжон.

Сойга тушиб шаршаралар тагида бирпас дилхираликни ёзмоқчи бўлиб турган эди, пастликдан «Нива»нинг ўрлаб чиқаётганини кўрди. Ким бўлди экан? Мирвали ҳали Тошкентдан қайтмаган? Куёви бунақа машинада юрмайди. Бирон ўткинчи машина бўлиши мумкин эмас. Бу йўлнинг боши берк. Халта йўл.

Машина асфальт ётқизилмаган шағал йўлдан силкиниб-силкиниб Толибжоннинг олдига келиб тўхтади. Ундан Расулбек тушди. Жуда ташвишли эди у. Остонада ўтирган Азизбекка ғалати бир қараб олдида, Толибжоннинг тирсагидан ушлаб четга тортиб, кекса тоғолча орқасига ўтишди.

— Бирон ёққа кетиб қолмадимикин, деб ташвишда эдим. Хайрият шу ерда экансиз. Ишлар чатоқ, Толибжон ака.

— Нима гап бўлди? — деди ташвишланиб Толибжон.

— Мирвали Тошкентда. Нима қилишимни билмай олдингизга келдим. Бодомгул ўзини осиб қўйипти. Нима қиламиз, Мирвалининг келишини кутамизми ё... Ҳайронман, марказда уни ҳеч ким танймайди. Ҳамма қариндош-уруғлари қишлоқда. Қаерга кўмиш керак?! Энди маслаҳат сиздан.

Толибжон ўйланиб қолди. Бодомгул қариндош-уруғларининг юзига сёқ тираб Мирвалига элакишиб кетиб қолган. Қишлоқда унинг номини ҳам атамай қўйишган эди. Маракасини шу ерда ўтказишга кўнишармикан?

— Мундоқ қилсак, — деди Толибжон. — Ҳар қанча маслаҳат бўлса қайнонасидан чиқади. Жуда доно, бамаъни кампир. Ўша нима деса шу бўлади.

Иккови Азизбеклар уйи томон юра бошлашди. Толибжон шу топда жуда чиройли халқ мақолини эслади. Ёғ ялаганда ёт, қор ялаганда қариндош кунингга ярайди.

Азизбек ўрнидан туриб уларга йўл берди. У икковига ҳам ҳайрон қараб турарди. Ким билади, унинг хаёлидан нималар ўтди экан. Балки у булар дадамнинг дарагини топиб келдиларми, деб ўйлаётганмикан?

Бечора дадасидан жудо бўлгани етмагандек, энди онадан ҳам айрилди. Қариб ана кетаман, мана кетаман, деб турган бувиси ҳам оламдан ўтиб кетса ким билан қолади? Қаёққа боради? Нима қилади?

Кампир айвонда қуритилган тоғ райҳонини уқалаб чўп-хаслардан тозалаб ўтирарди. Бош кўтариб Толибжон билан Расулбекни кўрдию юзида аллақандай қувончга ўхшаш бир нима пайдо бўлди.

— Сандикни очаверайми? Ғойибимдан хабар топиб келганга ўхшайсизлар.

Лекин келган меҳмонлар чехрасида таскин берувчи бирон белги сезмади. Ташвишланиб ўрнидан тура бошлади. Расулбек орқадан келаётган Азизбекка ўгирилди:

— Сен кўчада ўйнаб келгин.

Азизбек жойидан қимирламади. Толибжон кампирнинг ёнига келиб елкасидан беозор босиб, ўтиришга ундади.

Кампир саросимада эди.

— Тўғрисини айтинглар, яширманглар, Равшанбегим бу ёруғ жаҳонда борми? Бор бўлса бор денглар, йўқ бўлса, йўқ денглар. Кутавериб кўзларим тўрт бўлган.

Толибжон билан Расулбек учун топиб келган шум хабарни айтиш ниҳоятда қийин эди. Расулбек кампирга юзланди.

— Эна, неварангиз кўчага чиқиб турсин, уни олдида айтадиган гап эмас бу.

— Бор, болам, бор. Бир айланиб келгин.

Бироқ Азизбекнинг қандайдир фалокатни сезгандек кетгиси йўқ эди. У катта энасининг ҳам гапини олмай қайсарлик қилиб ўтириб олди. Ноилож қолган Толибжон ердан кўз узмай гапира бошлади:

— Энажон, энди қандоқ қиламиз. Бодомгул пешонамизга сиғмади...

Унинг гапи оғзида қолди. Азизбек сапчиб ўрнидан туриб кетдию қафасга тушган шердек ўкириб юборди.

— Даюс, даюс Вали тоға. Мирвали тоға даюс...

Расулбек унинг қўлидан юлқиб тортиб ўтқизди:

— Ўзингни бос, бола! Сабр қил. Кўзёшларинг ҳали керак бўлади. Энди сен катта йигит бўлиб қолгансан. Сабрли бўл. Сенга маслаҳат солгани келганмиз. Эс-ҳушингни йиғиб гапга қулоқ сол.

Толибжон узилиб қолган гапини улади:

— Энажон, сиз хонадоннинг каттасисиз. Сиз нима десангиз, шу бўлади. Йўқ, ўшақда дафн қилиб юборавринглар, десангиз...

— Ундай эмас, — деб кампир унинг гапини бўлди. — Бодомгул бу уйга ёр-ёр билан келин бўлиб тушган. Талоқ олган эмас. Шу уйдан чиқазамиз. Ювиб-тараб гуноҳларидан фориг қилиб тупроққа кўямиз. Фақат битта илтимосим, Мирвали жанозага келмасин, келса оламон тошбўрон қилиб юборади.

Кампир мунгайиб, кичкинагина бўлиб қолди.

Маслаҳат билан Толибжон шу ерда қоладиган, Азизбек билан Расулбек мурдани олиб келгани марказга кетадиган бўлишди.

Толибжон уйига қайтиб чиқиб бўлган воқеани онасига айтди. Кампир нималарнидир пичирлаб юзига фотиҳа тортди.

— Бечора Рисолатнинг шу биттагина неварасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Толиб болам, маракага ўзинг бош бўл. Ҳой, Зайнаб, югур, кўни-қўшинини чақир. Юртга хабар қилишсин. Ўлим қурсин, ўлимгина қурсин, шунақа бемаҳалда, бемавруд келади. Қоқилганнинг остонасидан ўтади. Қоқилганни қоқиб йиқитади. Шўргинанг қургур Рисолатнинг кўрган куни озмиди...

Зайнаб шошиб чиқиб кетди. Орқасидан болалар эргашди.

Етим қишлоқ дўппидек кичкинагина эди. Бир қумгон қайнагунча айланиб чиқса бўларди. Фуқароси бир-бирига қайишадиган, бир-биридан ҳамиятини аямайдиган аҳил эди. Тўй-ҳашамларда ҳамма баробар оёққа турарди. Бодомгул бу сокин, файзли қишлоқнинг хушвоз куйчиси эди. Тўйларда хониш қилганда шамоллар ҳам тўхтагандек бўларди. Қушлар ҳам қўшиғига қулоқ соларди. Кечқурунлари деярли ҳамма хонадонларда магнитофон қўйилар, унда фақат, фақат Бодомгулнинг қўшиқлари эшитиларди. Қишлоқ тепасида Бодомгулнинг овози тошлардан, сойлардан ошиб сузиб юрарди.

У Етим қишлоқнинг файзи эди. Булбули эди. Мирвали шу булбулни қафасга солиб банди қилиб олиб кетгандан буён қишлоқ хувиллаб, файзсиз, мунгли бўлиб қолганди. Бора-бора юртини унутган Бодомгулдан қишлоқлиларнинг ҳам кўнгли қолди. Уни унута бошлашди. Етим қишлоқ аёллари шаънини булғабан, уларнинг бошларини ҳам қилган Бодомгул назардан қолди. Унинг қўшиқлари ёзилган магнитофон ленталарини тоқчаларда чанг босди.

Толибжон уни кўрмаган, қўшиқларини ҳам эшитмаганди. Фақат таърифи узук-юлуқ қулоғига чалинган пайтлар бўлганди.

Азизбеклар ҳовлиси хотин-ҳалажга тўлиб кетди. Эшик ташқарисида етти-саккиз эркак жимгина Толибжонни кутиб туришарди. Маслаҳат билан бировини қабристонга, бировини ғассолга юборишди. Қишлоқ советидан стол-стуллар, чойхонадан самовар, чойнак-пиёлалар олиб келишга жўнатишди. Кампир қабристонга кетаётган йигитни тўхташиб шундай деди:

— Гўрковга тайинланлар, қазиган гўр ёнидан битта жой олиб қўйсин. Ҳеч ким ундан нега, деб сўрамади.

Дўлана тагидаги това тошда етти-саккиз чоқли чол ҳассага бағриларини бериб жимгина ўтиришарди. Ичкаридан чиққан йигит Толибжонга деди:

— Кафанлик керак. Биронта болани магазинга юборинг.

Уларга қулоқ солиб турган чол ҳассадан бағрини узиб деди:

— Қидирма, ҳеч қайда кафанлик йўқ. Бир табаррук зот қазо қилганди, беш кун бурун. Бутун районни қидириб тополмаганмиз. Яқин тўрт йилдирки, область магазинларига сурп келмай қўйган. Мурдани жойнаmozга кафанлаганмиз.

Толибжон ҳайрон бўлди. Наҳотки, олти миллион тонна пахта топшириб битта кафанлик сурп тополмасак.

— Эҳтимол кафанликнинг кераги ҳам бўлмас. Ўз жонига қасд қилганга жаноза буюрмайди. Мурдаси ҳам ювилмайди.

Бу гапни айтган кишига ҳамма баробар ўгирилиб қаради. Бир чол даст ўрнидан туриб, унга ўдағайлаб кетди:

— Буюради, жаноза буюради. Бодомгулнинг жами гуноҳларини тангридан сўраб оламиз. Уни ўз жонига қасд қилишга ким мажбур қилганини билиб турибмиз.

Това тошда ўтирганлар, тўғри, тўғри, дейишди. Ўша гапни айтган киши, «таомилини айтдим-да», дея четга чиқди.

Чол тўғри айтган экан, кафанлик қидириб кетганларнинг ҳаммаси қуруқ қайтишди. Толибжон Зайнабни чақириб, энди нима қиламиз, деб маслаҳат солди.

— Рисолат аямдан сўраб кўрай-чи.

Зайнаб шундай деб ичкарига кириб кетди. Кампир ҳамон ўтирган жойида пичирлаб, тебранарди... Зайнаб унга ҳеч қаерда кафанлик йўқлигини айтди. Кампир бирпас жим қолгандан кейин чўнтаги оғзига қадалган тўғноғични тирмирскиланиб чиқазга бошладан. Каттакон калит олиб Зайнабга узатди.

— Ичкарига кир. Мехробдан тўшақларни тушириб сандиқни оч. Ичида ўлимликка атаган тугуним бор. Олиб чиқ!

Зайнаб ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг сандиқ қулфининг даранглагани эшитилди. Зайнаб тугунча кўтариб чиқди-да, кампирнинг олдига қўйди.

— Ўзинг оч.

Зайнаб тугунни еча бошлади. Ичида бир кафанлик сурп, қоғозига араб алифбосида «Гулжаҳон» деб ёзилган совун, бир шиша атир, қуритилган райҳон, элликтача дастрўмол ва яна қоғозга ўралган нимадир бор эди. Зайнаб уни ҳам очди. Унта қизил ўттиз сўмлик пул. Ювғувчига аталган икки кийимлик сатин, битта пешонабоғ бор эди. Зайнаб кампирга:

— Она, бу пуллар энди ўтмайди. Пул алмашганига ўттиз беш йил бўлай деяпти-ку, — деди. Кампир унинг гапига парво қилмади. Нега ўтмас экан, шу пул шўроникими, ўтади, деди.

— Ҳаммасини обдор, ғассолнинг қўлига бер. Қазойим етса юрт бир амаллаб кўмиб қўяр. Ўлимни кутган ўлмайди, кутмаган ўлади. Қирқ йилдан бери ана ўламан; мана ўламан, дейман. Қани, ўлим ўлгур келақолса.

Соат учлардан ошганда мурдани олиб келишди. Совхоз профилакториясининг врачлари Седона билан бир ҳамширадан бошқа ҳеч ким келмади. Чойшабга ўралган Бодомгулнинг жасадини ҳовлига олиб кирганларида ҳам, уни уйга олиб ўтаётганларида ҳам кампир ўрнидан турмади, қарамади, пичирлаб ўтираверди. Ғассол хотин ювиб, кафанлаб бўлгандан, кейингина уйга кириб Бодомгулнинг юзини очишни буюрди. Одатда ювилган жасаднинг юзи очилмасди. Кампирнинг гапини икки қилишмади. Очишди.

Кампир Мирвали йўлдан урган кундан бошлаб ундан ҳазар қилди. Ювуқсиз, деб бирон марта бўлсин бетига қараб қўймади. Қўлидан овқат емади. Кирчирини ҳам, емак-ичмагини ҳам бўлак қилди. Энди бугун Бодомгул бутун гуноҳларидан фориг бўлиб абадий уйқуда ётарди. Жами гуноҳлари, эл-юрт олдидаги юзқароликлари жони билан бирга танини тарк қилганди. Кампир ювилиб пок бўлган келинининг пешонасидан силади. Нимадир деб пичирлади. Кўзларидан икки-уч ёш томчиси кафанга тушди.

Бодомгул — янги келин бўлиб тушган никоҳ тонгидагидек, ниҳоятда чиройли бўлиб кетганди. Қизиллик қочган оппоқ бетигаги мошдек холи янада қорайиб кўринарди. Қошлари зулукдек қотган. Юмуқ қовоқлари учигаги узун киприклари бир-бири билан жипслашиб кетган эди. Атрофда аёллар фарёд уриб, айтиб йиғлаётган шу дақиқаларда кампир Бодомгулнинг келин бўлиб тушган пайтларини эслаяпти. Эрталабки келинсалом. Бодомгул ҳарир парда ёпиб энг аввал қайнонага салом қилди. Энгашганда елкаларидан ошиб тушган соч-попуклар учигаги қўнғироқчалар бир-бирига урилиб, жаранглаб кетди. Қайнона беқиёс чиройли келиннинг юзини очиб, бир дам томоша қилди. Бодомгулнинг юзи шарм-ҳаёдан лов-лов ёнар эди. Киприк кўтариб қайнонага бетлаб қаролмади. Лаблари, кичкинагина лаблари қимирлади. Ассалом, дедими, нимадир деди. Кампир унинг елкаларини силаб, бахтли бўлинг, болам, қўшгани билан қўша қаринг, деб манглайдан ўпди. Бодомгулнинг пешонаси қизиб кетган, қайнонанинг лаблари куйдиргудек эди.

Кампир энди унинг муздек совиб қолган пешонасига лаб тегизди. Пайваста қошларини силади. Кейин қалтираб турган бармоқлари билан унинг бетига кафан учини ёпди.

— Капалак кийган келади, кафан кийган кетади, — дея пичирлади кампир. — Капалак кийиб келгандинг, болам. Энди кафан кийиб кетяпсан. Асли бу кафан менга аталган эди. Қандоқ қилай, бу жон ўлгур чиқавермаса. Гуноҳларингни гарданамга олдим, болам. Дўзах ўтларида мен куяй. Сен ҳур-ғилмонларга қўшилиб кет. Кафанимни сенга бердим. Покиза танга аталган кафанимни бердим. Тинч ёт, болам. Орқандан ҳеч ким тош отмайди. Бирон оғиз ёмон гап айтмайди. Кўзим тирик экан, сени ёмонотлиқ қилмайман. Тонг-сахарларда тиловат қилиб гуноҳларингни сўраб оламан. Болам, мени қарғама. Мендан рози бўлиб кет. Равшанбеккинамнинг жасади топилса, ёнгинанга ётқизаман. Бирга бўласизлар.

Кампир қалтираб ёнбошига оғиб кетди. Хотинлар суяб ростлашди. Қўлтиғидан кўтариб ташқарига олиб кета бошлашди. Кампирнинг икки қўли оппоқ кафанга чулганган Бодомгул томонга чўзилганча кетарди.

Бу тоғларда кийикдек югурган, шамолдек елган, булбуллардек нола қилган, ҳар баҳор тоғ ёнбағирларида лов-лов ёнадиган лола гулханларидек кўзларни яшнатган, тўйларга файз киритган — бутун қишлоқнинг эрка келинчаги Бодомгулнинг табиат фақат бир мартагина яратиши мумкин бўлган чехрасига энди парда тортилган эди.

Офтоб оғаетганда тобутни елгага олишди. Азизбек олдинда белини бойлаб борарди. Неча ойлардан бери токчада чанг босиб ётган ленталар яна магнитофонга қўйилди. То қабристонга етгунча хонадонларда тобут эшик олдидан ўтиши билан магнитофон қўйишар, Бодомгулнинг чирманда жўрлигида айтган мунгли қўшиқлари то қабристонгача кузатиб борарди. Бодомгул худди ўз жанозасида ўзи фарёд уриб айтиб йиғлаётганга ўхшарди.

Кунботиш уфқи алвон нурларини чўққиларга санчаётган шоми ғарибонда Бодомгулни тупроққа қўйишди.

Ҳар юртнинг машҳур бир нимаси бўлади. Парижнинг жаҳонга машҳур Эйфель минораси. Самарқанднинг дунёни лол қолдирган Регистони, Бухоронинг булутларга боши қадалган Минораи Калони, Етим қишлоқнинг биттаю-битта шу эрка Бодомгули бор эди. Энди у йўқ.

Мирвали уч кундан кейин Тошкентдан қайтди. Бўлган воқеани эшитиб эсанкираб қолди. У чинакамига Бодомгулни яхши кўрармиди? Улар ўртасидаги муносабат муҳаббатмиди? Ҳар қалай Мирвали Бодомгулни бирон кун кўрмай қолса, кўнгли у томонга талпинаверарди. Бирга бўлган пайтларда дунёнинг жами ташвишларини унигиб, бағрига сингиб кетарди.

Мирвали юраги бетлаб кундузи Етим қишлоққа боролмади. Қош қорайганда машинани пастликда қолдириб пиёда қабристонга борди. Ҳали ой кўтарилмаган. Гўрковнинг ҳужрасида чироқ ёниб турарди. Мирвали гўрковга учраб Бодомгулнинг қабрини кўрсатишни сўради. Гўрков ўт-ўланлар ўсиб кетган, гўрларнинг кўпи ўпирилган, ёз ўртаси бўлишига қарамай дарахтлари барг ташлаган, тош сағаналар тагида шамлар липиллаб ёнаётган ваҳимали қабристонда Мирвалини эргаштириб борарди. У янги, устига атиги биттагина ҳасса санчилган қабр олдида тўхтади. Бу Бодомгулнинг гўри эди. Мирвали қабрнинг оёқ томонида жуда узоқ чўккалаб ўтирди. Бир оғиз ҳам сўз айтмади. Бирон марта бўлсин бошини кўтариб атрофга қарамади. Шу энгашганича қимирламай, мункайиб ўтираверди. Охири Мирвали икки тиззасига тиралиб ўрнидан турди. У тураётганда ичидан кучли бир хўрсиниш келди. Чўнтагидан дастрўмолчасини олиб милкларини артди. Кейин яна гўрковга эргашиб дарвозахона томон юра бошлади.

У кетар олдида гўрковга санамасдан бир даста пул тутқазди. Ҳеч нарса демади. Афтидан, гўрков нима қилишини ўзи билса керак, бош ирғаб орқасидан қараб қолди. Мирвали узоқлашгандан кейин, у ҳужрадан шам олиб чиқиб яна Бодомгулнинг бошига борди. Шамни ёқиб, бирпас қараб турди-да, кейин қуриган ўтларни шитирлатиб орқасига қайтди.

Бойўғлининг хунук сайраши эшитилди. Ой кўтарилиши билан чирилдоқлар базми бошланди. Упирилган гўрлардан бир-бирини қувиб чиққан ёввойи мушукларнинг бўғиқ, ёқимсиз миёвлашлари эшитила бошлади.

Еттинчи лампа аранг ёритиб турган ҳужрада гўрков қуръон тиловат қиларди.

## XV

Мирвали довонга келганда одам тирбанд эди. Машиналар, автобуслар тикилиб кетган. Дўнгликдаги омонат минбар атрофи алвонлар билан ўралган. Радист йигит микрофонларни созлаяпти. Йўлнинг энг баланд жойида устига парда тортилган ҳайкал баландлиги супаси билан бирон ўн беш метрча келиб қолар. Пастликда яна бир ҳайкал. Чодир ёпилганидан унда нима акс эттирилганини билиб бўлмас эди. Ёш-яланг йўл ёқасига туташ тоғ этакларига чиқиб олган. Ҳар бир тош, ҳар бир харсангда одам. Кўчма ошхоналарнинг йиғма столларида ҳар хил таомлар. Кабобпазнинг кўли-кўлига тегмайди. Автолавка олдида одам ғужғон ўйнайди. Офтобда қуйиб кетган одамлар тинмай шиша оғзидан минерал сув ичадилар. Қўлтиқтаёқли, ҳассага таянган, кўкси орден-медалларга тўла уруш ветеранлари бир тўда, бир тўдада раққосою ҳофизлар. Довоннинг бериги томони ҳам шундай. Қайнар, Макрит, Урус томондан келган машиналар тизилиб кетган.

Мирвали машинани минбар яқинига келиб тўхтатди. «Нива» эшиги очиқ. Шофёр бола рация трубкасини қулоғига тутиб нималардир қичқиряпти. У Мирвалини кўриб трубкани жойига қўйди.



— Ҳали Дарғом кўпригидан ўтишгани йўқ. Ўтиши билан хабар қилади. Мирвали Омонқўтонга ҳам ана шундай рақияли машина қўйган. Раҳбарларнинг машинаси ўтиши билан хабар қилади.

Асли бугунги маросим кеча ўтиши, Москвадан келган «Ўзбек пахтакорларининг отаси» маросимга қатнашиши керак эди. Тошкентдан телефон қилиб, отахон қатнашолмайдиган бўлиб қолдилар, эртага ҳаммамиз учун ҳурматли Шавкат Раҳимовнинг ўзлари қатнашадилар, деб хабар қилишган эди. Мирвали кечаси телефон қилиб кимлар келишини сўраб олган. Шунга қараб дастурхон тайёрлаган, айтадиган гапларини дилига тугиб қўйган эди. Умуман Мирвали Раҳимовнинг ҳар келишига албатта битта янгилик тайёрлаб қўярди. Мактабми, клубми, кўприкми у киши келганларида очиларди. Мана бугун у кишини ниҳоятда севинтирадиган воқеа, уруш қурбонларига тикланган ёдгорликни очиш маросими. Албатта ўзлари лентани қирқадилар. Бугунги бўладиган оламшумул воқеа туфайли Шавкат Раҳимович Мирвалининг аллақанча гуноҳидан ўтадилар. Биринчининг номига қанчалаб шикоят хатлари боришини у биларди.

Мирвали атрофга аланглаб Толибжонни қидира бошлади. Эрталаб, олиб келинглр, деб унга машина юборган эди. Анчадан бери ҳолидан хабар ололмагани туфайли орага мабодо гинахонлик тушган бўлса шу бугунги тантанада ёзилиб кетади, деб ўйлаган эди. Толибжон кўринмади.

«Нива»даги рақиядан хабар келди. «Меҳмонлар Дарғом кўпригидан ўтишди. Учта енгил машина. Ёнбошига «Телевидение», «Кинохроника», деб ёзилган иккита автобус. Олдида ГАИ машинаси...»

Мирвали қопқоқли ён соатига қаради. Минбарга чиқиб радистдан микрофон ишлайдими, деб сўради. Радист микрофонни чертиб кўрди. Тоғлар этагида ўқ узилгандек радио карнайлари гумбурлаб кетди.

Мирвали микрофонга яқин келиб бир йўталиб олди.

— Гапимга қулоқ солинглр. Ун беш минутдан кейин раҳбарлар етиб келишади. Йўлдан четга чиқиб туринглр. Нурали бахши, Абулғози ота, Борот полвон, пионерлар вакили, минбарга яқин жойга келиб туринглр. Илтимос, ёш болалар оёқ остида ўралашмасин.

Тўда орасида кўлида дўмбираси билан саллали Нурали бахши, қўлтиқтаёқли, кўкрагида иккита Шухрат ордени бор Абулғози ота, қаҳрамон бригада бошлиғи Борот ака ва сочига лентани капалак қилиб тақиб олган ўн икки ёшлардаги қизча минбар олдига келишди. Мирвали микрофонга аввал бир пуфлаб, гап бошлади:

— Эрали, Эрали чавандоз, суворийлар пастликда тахт бўлиб туришсин. Ўзим команда берганимда парад бўлиб минбар олдидан ўтасизлар.

Область ва район раҳбарлари етиб келишди. Мирвали минбардан тушиб, улар билан кўришаркан, нималардир, деб кулдирган бўлди. Ҳар гал Шавкат Раҳимов бу томонга келганда албатта область ё районда бирон ўзгарш бўларди. Мирвали раҳбарга ким яхши, ким ёмон ишлаётгани, кимлар ўз вазифасига нолойиқ эканини тушунтириб қўярди. Раҳбар учун унинг гапи гап эди. Кимларни ўзгартириш, ўрнига кимларни қўйиш режаси билан Сурхон томонга ўтиб кетарди. Бугун Мирвалининг хандон-хушон кўришишидан уларнинг кўнгли таскин топгандек бўлди. Йўқса, у область ва район раҳбарлари билан бу хилда гаплашмасди.

Омонқўтондаги рақиядан хабар келди:

«Машиналар довонга ўрлай бошлади. Тезлик қирқ километр. Область ГАИсининг машинаси олдинга ўтди. Йўл бошлаб боряпти. Унинг орқасида Республика ГАИсининг «Волга»си. Тезлик ўзгармаса тўққиз минутда етишади...»

Мирвалининг кўрсатмаси билан милиция ходимлари одамларни йўлдан четга суриб, карнайчи, сурнайчию ноғорачиларни шай туришга ундашди. Оломон бирдан жимиб қолди. Ёнбағирлардаги тошларга чиқиб олган ёш-яланглр қараб туришипти. Сал фуррсатдан кейин улар: келишяпти, деб қичқира бошлашди. Мирвали бошчилигидаги область ва район раҳбарлари йўл четига чиқиб меҳмонларни кута бошлашди. ГАИ машинаси тепасидаги карнайдан, йўлдан четга чиқинглр, қаршидан келаётган машиналар четга чиқсин, деган овоз эшитилди. Олдинда ГАИ машинаси, кетидан тўртта О рақамли қора «ЗИМ-134», орқасидан «Чайка» Мирвалилар турган жойга келиб тўхтади. Мирвали чаққонлик билан бориб қора машинанинг эшигини очди. Ундан Шавкат Раҳимов тушди. Тушдию Мирвали билан кўпдан кўришмаган ота-болалардек қучоқлашиб

кўришди. Раҳимов уни бағридан қўймай туриб, нимадир деди. Мирвали бош силкиб жавоб қилди. Орқадаги «Чайка»дан генераль Луқмонов тушди. Мирвали у билан ҳам қадрдонларча сўраша кетди. «Волга»лардан мухбирлар фото-чилар, энг орқадаги «Чайка»дан Жайрона чиқди. У орқа эшикни очиб кимларнидир тушишга ундади. Бўйнига фотоаппарат осган, жинси шим, чий бахмал костюм кийган икки кекса нотаниш киши тушди. Мирвали улар билан ҳам кўришгани борди. Жайрона унга маъноли жилмайиб меҳмонларни таништира бошлади:

— Франция қаршилик ҳаракатининг иштирокчилари. Республикамизга меҳмон бўлиб келишган. Ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Раҳимовнинг таклифлари билан бу ёққа келишяпти.

Кейин у меҳмонларга француз тилида Мирвалининг кимлигини тушунтирди. Улар бош силкиб, шундоқ мухтарам одам билан танишганларидан миннатдор эканликларини изҳор қилишди.

Мирвалининг юрагини ваҳм босиб кетди. Бу манжалақи кўпчилик ўртасида ўша воқеани гапириб қолмасмикин. Айниқса Шавкат Раҳимовнинг ўзлари шу жойдалик пайтларида обрўйим уч пул бўлмасин-да, деб ўйларди. Аммо Жайрона ҳеч гап ўтмагандек, унга қараб жилмайиб турарди.

Меҳмонлар Раҳимовга эргашиб минбарга кўтарилишди. Митингни Мирвали очди.

— Қадрли дўстлар. Халқимиз Ватан учун кўксини қалқон қилган, жон олиб, жон берган, юртимизни фашизм балосидан халос этган қаҳрамонларни асло унутмайди. Қурбон бўлганларнинг хотираси ҳамиша дилларимизда. Шу тоғлар орасидаги кичик-кичик қишлоқлардан минг тўққиз юз қирқ иккинчи йили икки юз эллик чавандоз ўз оти билан фронтга жўнади. Шулардан ўттиз бир нафар чавандоз ва бир от қайтиб келди. Бугун биз Ватан учун жон берган икки юз ўн тўққиз чавандоз ва икки юз қирқ тўққиз жангчи — отларимизга ёдгорлик очамиз. Уларнинг порлоқ хотираси ҳамиша кўз олдимизда турсин. Бизнинг социалистик Ватанимизда ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди... Ўртоқлар, ёдгорлик лентасини қирқишни ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Шавкат Раҳимовдан илтимос қиламиз.

Чапаклар янгради. Раҳимов тахта зинадан Мирвали етагида пастга тушди. Устига чодир ёпилган ёдгорлик олдида қайчи қўйилган патнис ушлаб турган қиз ёнига келди. Қайчини олиб лентадан бир қаричини кесиб олди. Уни олдиндан тайёрлаб қўйилган тўғноғич билан костюмининг ёқасига қадаб қўйди. Шундан кейин тасмани оҳиста тортди. Ёдгорлик устидан чодир сирпаниб пастга тушди.

Мармар супа тепасида ўн метр баландликда нуруний бир она гавдаланди. Унинг бир қўлида кийик боласи. Ёнида шоҳдор она кийик йўлга қараб турипти. Онанинг қўллари пастликка қараб чўзилган.

Ҳар ер, ҳар ердан «Кийиксовди энам», «Кийиксовди момом», деган товушлар эшитила бошлади. Карнайлар ват-ватлаб, ноғоралар тараклади. Уларнинг акс садолари тоғ ўнгирларида айланиб-айланиб, яна қайтиб оҳиста пастликларга эниб кетарди.

Кино ва телеоператорлар ёдгорлик атрофида айланиб суратга ола бошладилар.

Мирвали йўл бошлаб тахминан юз метр наридаги устига чодир ёпилган яна бир ёдгорлик томонга юрди. Яна бир қиз патнисда қайчи тутди. Раҳимов кесиб олган лентани Мирвалининг кўкрагига қадади-да, тасмани тортди. Парда сирғалиб тушганда бир метрча баландликдаги супачада қоп-қора бир от пайдо бўлди. Унинг эгари қошига автомат билан каска илинган. От довонга, Кийиксовди момо томон ўрлаб кетаётди. Оломон яна қичқирди:

— Қора Лочин, Қора Лочин!

Яна карнай-сурнайлар, ноғора-чирмандалар садоси тоғу-тошларга бош уриб дарёларга гулдирак солди.

Раҳимов билан Мирвали чапаклар, қийқириқлар остида яна минбарга чиқишди. Мирвали микрофонга яқин келди.

— Азиз биродарлар, фронтга кетиб қурбон бўлган чавандозларнинг авлодлари, узангидошлари уларнинг ишларини шараф билан давом эттирмоқ-

далар. Ҳозир фронтда қаҳрамонлик кўрсатган чавандоз ва бугун ҳайкали кўзингиз олдида намоён бўлган фронтчи Қора Лочиннинг оғир жанглардаги ҳамроҳи Эрали чавандоз бошчилигидаги суворийларни фахрий парадга таклиф қиламиз.

Радист йигит магнитофонга отлар туёғи товушини эслатадиган куйни қўйди.

Пастликдан чавандозлар от йўртиб чиқиб кела бошладилар. Олдинда оқ яктак кийган кўксига қатор жанговар орденлар таққан Эрали чавандоз эгарда мағрур келарди. Унинг орқасида Чағир от минган ёшгина чавандоз, ундан кейин олмакўз Бўйра от минган шоп мўйловли чавандоз кўринди, Қийқириқ, чапак бўлиб кетди. Кетма-кет Жийрон, Тўриқ, Саман, Чил, Тулпор, Қорабайир, Чўбир минган юз чоқли чавандоз ўтди. Улар кенг саҳни икки айланиб минбар олдига келиб саф тортишди. Ҳамманинг кўзи ўйнади. Ҳафсала билан ювиб-таралган, қимматбаҳо тақинчоқлар билан безатилган отлар ерга туёқ қоқиб кишнаб турардилар. Айниқса малла тўриқ худди капча илондек бўйнини гажак қилиб, тинимсиз кишнади.

Шавкат Раҳимов шу пайтгача республиканинг турли жойларида етишадиган отларнинг ҳамма зотлари бир жойга тўпланганини кўрмаган эди. Бизда шунча хил от бор экан, деб завқланиб кетди. Мирвалининг қулоғига нимадир деди. Мирвали пастда, от устида шавққа тўлиб турган Эралини имлади. Эрали отдан тушиб Қора Бахмалнинг ёлларини силади-да, кейин аста юриб, минбарга кўтарила бошлади. Раҳимов унинг истиқболига чиқди. У билан икки қўллаб кўришди. Билагидан ушлаб микрофон томон бошлади.

— Қани карвон, халққа бир нима денг.

Эрали қўлини кўксига қўйиб узр сўради. Мирвали гапга аралашди:

— Ота, унда тил-забон йўқ. Хў, сизга айтган эдим-ку, Фафур Фулом билан учрашувни. Уша табриклаган йигит шу бўлади.

Раҳимов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унинг кулгисини микрофон ҳаммага ошкор қилади. Халойиқ ҳам гурр-гурр кула бошлади. Раҳимов Эралининг елкасига қоқиб қўйди. Кейин Мирвали митингни очди. Раҳимовга сўз берди. Ҳамма учун ҳурматли раҳбар узок гапирди. Инсон ва табиат, инсон ва жонзот деган гапларни айтди. Мирвалидек уддабурро, ишбилармон, юрт учун кечаю-кундуз меҳнат қиладиган азаматларни халқ ҳамма вақт эъзозлашини айтди. Ундан кейин пахтачилик соҳасидаги ишларга ўтди. Беш ярим миллион учун олиб борилаётган жанг ва шу меҳнат fronti жангчилари кўзлаган мақсад сари дадил бораётганликларини айтди. Ва шу билан, кунни кеча Тошкетга келган кадрдон устозимиз, ўзбек пахтакорларининг меҳрибон отаси республика пахтакорларининг ишига жуда юксак баҳо бериб, азамат даҳқонларимиз план устига яна эллик минг тонна қўшиб беришга қодирликларини таъкидлаганини айтди. Биз бу ишонччи шараф билан оқлай олишимизни айтиб бутун пахтакорларимиз номидан сўз бердим, — деди.

Биринчининг нутқи қарсақларга кўмилиб кетди. Ундан кейин пионер қиз, кекса пахтакор, уруш ветерани сўзга чиқиб бахтиёр ҳаётимиз учун партия-ҳукуматдан миннатдор эканликларини гапирдилар. Охирида Нурали бахшига навбат берилди.

Нурали бахши бу томонларда жуда машҳур эди. Тоғлиларнинг бирон тўйи, марақаси, гап-гаштаги усиз ўтмасди. Нурали бахши бирон сабаб билан қатнашолмаган тўйдан одамлар, бу тўй-тўй бўлмади, деб қайтишарди.

Нурали бахши этаги тиззадан юқори олача тўн кийган, бошида кўк салла, оғзи тўла тилла тиш. Чап қўлида ушлаб келаётган дўмбирасининг қошига ҳар хил туморлар, мунчоқлар, ипак попуқлар тақилган эди. У катталарга бирма-бир салом бериб микрофон ёнига келди.

— Ассалому алайкум, яхшилар, яхшилару жўралар, жўралару биродарлар, биродарлару кадрдонлар. Қани айтинг, қай дostonман қўшиғимни бошлайин, дoston айтиб кўнглингизни хушлайин. Тойир ман Зуврани айтайми, Юлдуз ман Қундузни айтайми, Гўрўғли султонни сўйлайми, Равшанхондан бошлайми? Алпомишбек елка ташлаб, кўкрак кериб, мана мен деб турганда, бахшиларга бошқа дoston чикора. Шўйтиб Алпомишдан ўқийин.

Нурали бахши бир томоқ қирди. Дўмбирасининг қошини қулоғига яқин обориб бир-икки тинғиллатди. Кейин аста куйлай кетди:

— Ҳайй, ҳайй, ҳаййёҳай... Ҳайй, ҳайй, ҳаййёҳай... Алқисса, Барчин

айтди: — Алпомиш келса келибди-да, Алпомиш келди, деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кета берайинми? Бу алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзидан қолади. Менинг тўрт шартим бор, шу тўрт шартимни қилган кишимга тегаман. Алпомиш қилиб, олсин, хоҳи қалмоқларнинг бири қилиб олсин. Шу сўзимни хон тўрамга айтиб бор, — деб бир сўз айтиб турган экан.

Ҳайй, ҳайй, ҳаййё ҳай, ҳайй, ҳайй, ҳаййё ҳай...  
От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,  
Ботирни ингратар найза яраси.  
Келган бўлса Қўнғирот элининг тўраси  
Қирқ кунлик йўл Бобоҳоннинг ораси.  
Бобоҳон тоғидан пойга қиламан.  
Кўздан ёшини мунчоқ-мунчоқ тиздирса,  
Қўшқанотнинг қўйруғини сўздирса,  
Бобоҳондан пойга қилиб ўздирса,  
Оти илдам бойваччага тегаман.  
Мендайн оймнинг ҳолин билганга,  
Оша юртдан меҳнат тортиб келганга,  
Душманларга қора кунни солганга,  
Ёй тортишса ёйи синмай қолганга  
Мен тегаман шул ёйандоз полвонга.  
Минг қадамдан танга пулни урганга  
Мен тегаман шул қирағай мерганга...

Бу сўзни Барчиндан эшитиб, Қоражон айтди: — Бу ўйни сен ўнғай топдинг, аёллик қилиб, мен шуни дейман, деб Алпомишнинг этагидан ушлаб ўтирганда, ҳодиса ишлар пайдо бўлар эди. Бу ишинг бинойи бўлди, — деб Қоражон отланиб бораётди эди, бир кам тўқсон алп келаётди эди, Қоражоннинг олдидан чиқиб қолди. Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди:

— Қоражон қаёқдан келаяпсан?

Қоражон айтди: — Ўзбакнинг қизиникидан келаяпман.

— Ўзбакнинг қизининг муҳлати битди, учрашдингми, нима жавоб айтди?

— Ўзбакнинг қизининг айтган сўзи шу бўлди.

Алқисса, Қоражон Барчининг ҳамма шартларини бирма-бир тўкиб солди.

Бу сўзни эшитиб Кўкалдош алп айтди: — Ўзбакнинг қизининг кўнгли менда, пойга бўлса, ўзиб келмоқ Кўкдўнаннынг тани; кураш бўлса, тўқсон алпнинг бирини қўймасдан йиқмоқ фақирнинг тани; ёй тортишганда ҳам менинг ёйим синмай қолади: минг қадамдан танга пулни депти, беш юз қадамдан танга пулни ураман, минг қадамга борган сўнг, чоғлаб қўйиб юбораман, бу ёғини мужмалтоб қилиб оламан. Сен бу остингдаги олачани қаёқдан олдинг? — деди.

— Қўнғиротдан Алпомиш деган дўстимиз келган экан, бу шунинг оти.

— Шу юртлардан шул отни миниб, хотин олиб кетаман, деб аҳмоқ бўлиб юрурми?

Кўса синчи деган синчиси бор эди. Синчисига айтди: — Тушиб ўзбакнинг отини кўр, қани.

Синчи тушиб Бойчибарни кўрди: қаричлаб кўрди: сағрисининг устидан қулоғининг ўртасигачайин тўқсон олти қарич чиқди: айил тортуви олмиш уч қарич чиқди. Сағрисини силаб, бурнидан найча қўйиб, дурбин билан қараб кўрдиким, қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти буклам-таклам бўлиб ётир.

— Ўзбакнинг оти қандай экан? — деди.

— Ўзбакнинг оти андай экан. Ўзбакнинг қизига бурилмай қўя қол, — деди.

— Чинингни айт, — деди.

Синчи отни таъриф қилиб, чин шул, деб бир сўз айтиб турган экан:

Ҳайй, ҳайй, ҳаййё ҳай, ҳайй, ҳайй, ҳаййё ҳай,  
Йилқичинда ўзи келган синлидир,  
Тўбишқон туёқли, марол беллидир,  
Аросат кунинда ажаб холлидир,  
Қимматбаҳо экан Ўзбакнинг оти.  
Минганларнинг ҳақдин етар мақсади.  
Қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти,  
Асил тулпор экан Ўзбакнинг оти.  
Асил тулпор экан Ўзбакнинг оти.  
Буни минган Қўнғиротнинг бекзоти

Ун икки ой сен отингни боқтирсанг,  
Йўл-йўлакай йўлга гулмих тўктирсанг,  
Авайлаб ўтади Ўзбакнинг оти.  
Ун беш кун илгари берман ҳайдасанг,  
Бўшалса ўзади Ўзбакнинг оти...  
Чопа берсанг олтойчалик йўлларда,  
Ингранса ўзади Ўзбакнинг оти...

Нурали бахши бир дам нафасини ростлаб шундай деди:

— Эй, биродарлар, сўзни сўзга уласанг сўз келади. Оталар айтганки, оти борнинг бахти бор, деб. Момолар айтганки, эй ўғлон, уч нарсани, белингдаги пичоғингни, остингдаги отингни, никоҳингдаги хотинингни бировга берма деб. Шу уч шартни бажарсанг эл ўғли бўласан.

Бугун шу тоғларимизнинг Алпомиши Эрали чавандоз от ўйнатиб майдонга кирди. Унинг минган бедови Алпомиш минган Бойчибарнинг авлоди бўлади. Шу Қора Бахмалнинг бобоси фашистларга қирон солган Қора Лочин бўлади. Қора Лочиннинг отаси Тойир Зувра киносиди Тойир минган учар от бўлади. Ушбу ўқиган дostonимди шу Қора Бахмалнинг авлоди-аждодига бағишладим...

Чапагу-қийқириқлардан тоғу тошлар ларзага келди. Денгиз довулидек адирлар, қоялар гупбирлади. Бу гапларга тушингандек Қора Бахмал туёқ қоқди. Учаман деб талпинаётган лочиндек кўкка қараб пишқирди. Кишнади, ёллари силкитди. Сағрилари дир-дир титради...

Нурали бахши гулдуролқишлар, қийқириқлар остида минбардан тушди. Ҳамма учун ҳурматли раҳбарнинг илтимосига биноан Эрали чавандоз Қора Бахмални миниб даврани икки-уч айланадиган бўлди. Эрали чаққонлик билан ўзини эгарга олди. Қора Бахмал шуни кутиб тургандек ўйноқлади. Давранинг ярмига етганда жўшиб кетди. Худди циркнинг отидек бирам ҳунарлар кўрсатди, бирам кўрсатди. Олдинги чап оёғини бир кўтаради, ўнг оёғини бири кўтаради. Худди тебранаётгандек бўлади. Ҳар тебранганда ёллари, сағрилари ялтираб-ялтираб кетади. Эрали сўлиқни тортмаса ҳам, бўйинини худди шахмат отларидек гажак қилиб ёллари билан силкитади. Гоҳо бошини чап томонга буриб, юрар йўлига бир кўзлаб қиё боқади. Амрикондек қоп-қора ўмгони билан силкиниб ялт-ялт қилади. Эрали чавандоз ечилиб кетди. У ҳозир эгар устида эмас, қандайдир булутлар устида сузаётгандек. Лаб-лунжини йиғиштириб ололмасди. У баъзан сувлиқни беозор бир силкитиб қўяди. Шунда Қора Бахмал олд оёқларини кўтариб орқа оёқларида тик қотади. Эрали гоҳи-гоҳида эгар қошига бағрини бериб Қора Бахмалнинг манглайига қўл чўзади. Пешоналарини силайди. Ёллари ҳовучига сидириб ўпади. Танга сочгандек яна бўйни узра селпиб юборади. Қора Бахмал бу эркалатишларни билади. Эркаланиб, тантиқланиб бошини чап томонга бурди-да, ўнг томонга гир айланади. Шунда аёллари худди ўртада чир айланаётган раққосанинг улама сочларидек ҳаволаниб боши баробар кўтарилди. Оломон қийқиради. Қора Бахмални, Эрали чавандозни алқаган овозлар янграйди.

Ана шундай минг хил мақом, минг хил муқом билан Қора Бахмал гижинглаб бобосининг ҳайкали олдида тўхтади. Эрали эгардан тушди. Ҳайкалнинг у ёқ-бу ёғига ўтиб обдан тикилди. Бу от чинакамига Қора Лочиннинг ўзи эди. Ҳайкал-торошнинг совхоз музейидан Қора Лочиннинг тўрт-беш хил рангли суратини олиб кетгани қулоғига бир кирганди. Жуда ўхшатибди. Эрали супачага чиқиб Қора Лочинни силаб қўйди. Бўйнига бошини қўйиб юзларини суртди. Халоскорим, қадрдоним, деб пичирлади. Укириб йиғлашдан ўзини тийди. Упкаси тўлиб, томоғига иссиқ нафас текилиб қолди. Оломон жимиб кетди.

Бирдан одамлар автолавкага ўзларини уришди. Қўлларига нима илинса харид қилавердилар. Эрали орқага қайтганда йўл-йўлдан одамлар чиқиб, эгар олдида, от бўйнига атласми, беқасамми гиламчами ташлайвердилар. Эрали, ҳой биродарлар, катта одамлар олдида мени хижолат қилманглар, уялтирманглар, деб шунча тавалло қилса ҳам, қани энди, уларни тўхтатиб бўлса. Биров кафтига қўл соатми, ён соатми, дурбинми қистириб кетар, эгар қошига совун қутидек кичкина радио приёмниклар илиб кетишарди. Совға-саломдан отнинг бўйни тўлиб бошигача чиқиб кетди. Тўн, қийиқларни Эралининг тақимига қистириб кета бошлашди.

Эрали шармандалик бўлмасин, суллоҳлик бўлмасин, дея умрида биринчи марта Қора Бахмалга қамчи тегизди. От ўйноқлаб кетди. Эрали жиловни чаван-

дозлар тўдаси томонга солди. Неки совға тушган бўлса барини чавандозлар олди-га ташлади-ю, Қора Бахмални Кийиксовди момо ҳайкали олдига йўртди. Узи эгардан тушиб жilовни қўйиб юбормай, момога бош эгиб турди. Қора Бахмал ҳам эгасига тақлид қилиб бошини ерга теккунча эгди. Олд оёқлари билан асфальтни тирнай бошлади. Бутун довон, минг-минглаб оломон сув қуй-гандек жимиб қолди. Гўё ҳеч ким нафас олмайгандек. Эрали ҳам, Қора Бахмал ҳам бошини кўтарганда одамларнинг олқишидан, чапакларидан, қийқирикларидан тоғ-тошлар момақалдироқдек гулдиради. Эрали маст эди. Оёғи ерга тег-май муаллақ туриб қолганга ўхшарди.

Мирвали минбарда туриб оломон орасидан Толибжонни қидирарди. Ния-ти уни Раҳимов билан таништириб қўйиш эди. Аксига олиб оломон орасида То-либжон кўринмасди. Пастда, шундоққина минбар тагида қўш аппарат билан навбатма-навбат сурат олаётган Расулбекка кўзи тушди. Аста юриб тахта зи-надан тушаётганда французлар билан гаплашиб турган Жайронанинг олдидан ўтди. Жайрона қирғий қараш қилиб маъноли бир илжайиб қўйди. Бу нима де-гани экан? Бопладимми, деяптими, ё узр сўраяптими, билолмади. Кейин бориб Расулбекни четга тортди.

— Толибни топ. Тушлик тайёрланган жойга олиб бор. Албатта топ, — деди.

— Толибжон акам шу ердалар. Ҳозир топиб айтаман.

Мирвали яна тепага чиқиб, Раҳимовнинг ёнидан жой олди.

Энди навбат артистларга, бахшиларга келди. Раҳбарлар минбардан тушиб машиналар томон юра бошладилар. Шавкат Раҳимов машина томонга эмас, Қора Бахмалнинг жilовидан ушлаб турган Эрали чавандоз томон юрди. Эрали ўзини йўқотиб, у ёқ-бу ёғини тузата бошлади. Белбоғини тортди. Дўписини олиб бошқатдан кийди. Отининг ярми ўнг, ярми чап томонга тушиб қолган ёл-ларини бир томонга ташлаб қўйди. Ёнидан дастрўмолини олиб отнинг сал-пал кўпик силққан оғзини артди. Қилган ишидан хижолат тортиб, ўша дастрўмол билан терлаган ўз пешонасини артди. У Раҳимов билан икки қўллаб кўришди.

— Яшанг, чавандоз, — деди Раҳимов. — Қойил қилдингиз. Раҳмат сизга. Асл чавандоз экансиз. Ота-боболаримизнинг удумини яхши сақлабсиз.

У шундай дедию Эралининг қўлини қаттиқ қисиб машинаси томон кета бошлади. Уни кузатиб турган чавандозларнинг ичлари куйиб кетди. Ҳасад ўти танларини қиздирарди...

Раҳимовнинг машинага етишига икки-уч қадамлар қолган эди. Шу пайт одамлар тўдасидан бир кампир юлқиниб чиқдию унинг оёқлари тагига ўзини отди. Бу Равшанбекнинг онаси Рисолат эна эди. Мирвалининг юраги орқасига тортиб кетди. Унинг кўнглида ҳозир Бодомгул тўғрисида, уни Мирвали йўлдан урди, ўлимига сабабчи бўлди, деб айтади, деган гумон келди. Раҳимов энгашиб кампирни турғизди. Нима бўлди, эна, деб сўради.

— Боламини топиб беринг, Равшанбек деган лочиндек ўғлим дом-дарак-сиз йўқолди. Кўрдим, деган одам топилмайди. Жон болам, қўлингиз ҳар жойга етади. Икки кун бўлди, келинимни ҳам тупроққа қўйдим. Бир нораства бола билан мунғайиб қолдим. Отангизни арвоҳи қўлласин, мартабангиз бундан ҳам улўғ бўлсин, болагинамни топиб беринг.

Раҳимов қовоғини солиб обком секретарига қаради.

— Бу қандай гап?! Нега одамларнинг додига қулоқ солмайсизлар? Сиз-лар амал креслосида нима қилиб ўтирибсизлар? Бутун бошли бир одам йўқ бў-либ кетадию парвойи-палак юрибсизлар. Ё бу ишни ҳам Мирвалига топширай-ликми? Унда сизлар нима иш қиласизлар? Райком қаёққа қараяпти? Яхши-яхши актив хизматчиларни кавлаштириш ўрнига мана бунақа ишлар билан шуғуллан-син, — у шундай деб министр Луқмоновга юзланди. — Бу ишни ўз қўлингизга олинг. Текширинг. Бир ҳафта муддат бераман. Натижасини менга ёзма равиш-да хабар қилинг.

Раҳимов кампирнинг елкаларидан силаб, хотиржам бўлинг, она, бу иш шундай қолиб кетмайди, деди. Кейин машина эшигини очди.

Кампир дуо қилганча қолди. Обком секретари билан райком секретари Қодировларнинг рангида қон қолмади. Иккови серрайиб, бир-бирига қараб қолишди. Ҳеч ким уларни, юр, демади. Раҳимов улар билан хайрлашмади ҳам.

Мирвали кўпдан тўғрилган бу икки рақибини яна бир марта доғда қол-дириб кетганди.

Мирвали тушликни сой бўйидаги салқин арчазорга тайёрлатган эди. Бу жой фақат азиз меҳмонларга атаб қурилган. Меҳмонхона, ёзлик ва қишлик ошхона. Шаҳрисабз усталари ясаган ўймакор чорпоянинг ярми сой тепасига чиқарилган. Уттиз метрларча пастликда сой буралиб-буралиб оқади. Ҳар бири филдек келадиган тошлардан ошиб тушаётган сув гувиллайди. Сойнинг нарёғи, қарасанг бошингдан дўппинг тушиб кетадиган баланд тоғ, худди пичоқ билан кесилгандек, учи булутларга санчилган бўлса, таги сувга ботиб кетган. Арчалар орасига экилган мажнунтолларнинг эгик бошлари мармар йўлкаларга тегиб турипти. Уч-тўрт яшар бўлиб қолган оқ теракларнинг одам бўйи етадиган жойдаги айри шохларида булбулларнинг пиёладеккина уялари.

Қардош афғон халқига озиқ-овқат, кийим-кечак, рўзғор буюмлари олиб кетаётган «Совтрансгагентство»нинг «Алка» машиналари довонга кучаниб кўтариладилар. Уларнинг бўғиқ гуриллашлари бу жойга эшитилмайди.

Бу томонларда кунига бир-икки марта ёмғир шаррос қўйиб ўтарди. Шунинг учун ҳам дарахтларнинг барглари шамолда пилдираганда, гоҳ аврасини, гоҳ астарини кўрсатиб ажиб бир ўйинлар қилади. Баъзан шамол новдаларини узоқ бир томонга қайириб турганда яшил тўнани ечиб оппоқ ятак кийгандек бўлар, шамол дастидан силкиниб ўзини ўнглаганда яна яшил тўнани елкага ташлаб олганга ўхшарди.

Ҳаво қимиздек ҳузурбахш. Тўйиб-тўйиб нафас оласан. Қушлар наъмасига қулоқ тутиб аллақандай эртақлар оламига тушиб қолгандек бўласан.

Шавкат Раҳимов минбарда, офтоб тиғида ҳаддан ташқари лоҳас бўлган эди. Бу сўлим гўшага келиши билан душга тушмоқчи бўлди. Мирвали унга: агар истасангиз фин ҳаммомини тайёрлаб қўйганмиз, деганда у: йўқ, ҳожати йўқ, деб жавоб қилди. У то шудан чиққунча Мирвали кийимхонадаги илгакка оҳорли чех пижамасини олиб, оёқ остига янги тапочка ташлаб қўйди.

Мирвали дастурхон тузаб юрган Расулбекдан, Толибни кўрдингми, айтдингми, деб сўради.

— Э, қўйинг уни, бормайман, катталарга тоқатим йўқ, деди.

Мирвали, вой аҳмоге, деб бош чайқаб қўйди.

Раҳимовга ҳамроҳ бўлиб келганларнинг кўпи йўлнинг нариги бетида ёнғоқзордаги иккинчи даражали меҳмонлар учун қурилган оромгоҳда қолишди. Фақат министр Луқмоновгина бу жойга ҳуқуқли эди. Луқмонов кўксига орден ленталари қадалган генераллик мундирини курси суянчиғига кийдириб қўйди-да, пастликка — сойга шилдираб сув тўкаётган қувурни икки оёғи орасига олиб ювинди. Мирвали унга ҳам оҳорли сочиқ тутди. Муздек тоғ сувидан тани яйраган Луқмонов артина-артина Мирвалининг олдига келди.

— Хўжайин Шаҳрисабз томонга ўтмайдилар. Бир оз дам олиб Тошкентга қайтадилар. Эҳтимол Жиззахга қўниб ўтсалар. Мен қоламан. Кечлатиб кетаман. Сизга айтадиган гапларим бор.

Мирвали ҳазил аралаш сўради.

— Яхши гапми, ишқилиб?

— Яхшиям деёлмайман, ёмон ҳам. Фақат икковимизга алоқадор гап. Яхши-ёмонлиги қандоқ тушунишингизга боғлиқ.

Мирвали жиддийлашди.

— Шундоқ яхши кунда мени диққат қилмай, айтиб қўяқолсангиз нима қилади.

— Ахир милиция деган ҳар қанча яхши гап бўлса ҳам, аввал бир сиёсат қилади-да, — деб Луқмонов пичинг қилди. — Менам ахир милицияларнинг каттаси ман. Шунақа гуноҳдан холи эмасман.

Мирвали хандон ташлаб кулди.

— Милиция бироннимадан умидвор бўлса гапини сиёсат қилишдан бошлайди. Нима бало, жиндек қуруғидан керак бўлиб қолди шекилли? — У шундай деди-ю, ҳазилим айил ботмадимикан, деб унга кўрқиброқ қаради. Луқмоновнинг юз-кўзида ранжиган аломат сезилмади. У ҳам пичингга-пичинг билан жавоб қилди:

— Қуруғи яхши-да, моғорламайди. Ҳўли тез айнийди. Ундан ташқари, тириги ҳам ёмон бўлмайди.

Мирвали аввалига бу нима дегани экан, қўй-пўй сўраяптими, бу паст, деб ййлаб турди-ю, хаёлига бир гап лоп этиб келиб қолди.

— Тириги керак дейсиз, ахир Жайрона ўзингизники-ку.

— Э, омон бўлинг, менга Жайрона эмас, уни оборган...

Раҳимов пижама тугмасини қадаб улар томон келарди. Луқмоновнинг гапи оғзида қолди. Кейин, кейин гаплашамиз, ҳар қалай гапимнинг ярмигача тушинибсиз,— деди.

Шавкат Раҳимовнинг табиати равшан эди. Бу сўлим гўша унга ҳаддан ташқари ёқарди. Ҳар гал Қашқадарёми, Сурхондарёгами ўтганида, кетишида ҳам, қайтишида ҳам шу жойда бир-икки соат ҳордиқ чиқазарди.

— Одамларга жайронман, шундоқ жойларимиз бор, Кавказга борадилар. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтадилар-да. Қани энди ташкилотларимиз шу тоғлар орасига пансионатлар қуришса.

Мирвали ҳадди сифадиган одамларга кўнглидаги бор гапни айтадиганлардан эди. Раҳимовга ҳеч ким айтолмайдиган гапларни у айтарди.

— Ота, шаккоклингим учун бир қошиқ қонимдан ўтинг. Бу тоғларни мен ит бўлиб қўриқлаб ётибман. Пансионатлар қурсак, санаториялар қурсак оёқости бўлиб кетмасмикин? Бу томонда одамлар қора терга тушиб, офтоб тиғида далада ишласа, бу томонда минг-минглаб эчки кўтарган чангни ютиб чўпонлар юрса, тамаки захрини ютиб, ранги заъфарон бўлиб чопиқ қилса, шулар олдида ярим яланғоч дам олувчилар қуёшда танини қизитиб ётса, қандоқ бўларкин? Қўқон йўлидаги тоғларда конлар очилляпти, геологлар ҳаммаёқни илма-тешик қилиб портлатишляпти. Парранда-ю, даррандалар аллақаяёқларга бош олиб кетишляпти. Биттагина шу «Тахти қорача» омон турипти. Келинг, шуни бутун сақлайлик.

Агар шу гапни бошқа одам айтганда Раҳимов силтаб ташларди. Унинг гапларини кулиб туриб эшитди. Кейин баракалла, деб елкасига қоқиб қўйди.

— Мана бу гап чинакамига юртини севадиган одамнинг гапи. Шунинг учун ҳам сизни яхши кўраман-да.

Учовлон аста-секин юриб арчазор четига чиқишди. Олис чўққилар, юксалган адирлар кўриниб турарди. Қуёшга терскай бўлганидан бу томонда нам узоқ сақланар, шунинг учун ҳам эрта кўкламдан то куз шамоллари увлагунча кўм-кўк бўлиб турарди. Адирлардан тоғнинг турли томонларига асфальт йўллар чўзилиб кетган. Раҳимов бармоғини бигиз қилиб тоғдаги асфальт йўлларни санай бошлади.

— Бир, икки... ўн саккизта йўл. Мунча кўп. Эчкилар ўрлаши учун асфальт йўл қуриш шартмиди? Ҳар қайси йўл неча километргача чўзилган?

— Бир километрлиги ҳам бор, бир яримлиги, ярим километрлиги ҳам...

— Роса пулни сочибсиз, ўғлим. Шу йўлларга қанча сарф қилдингиз?

— Бир миллиону уч юз эллик минг,— деди хотиржам Мирвали.

Раҳимов афсуслангандек бош чайқаб қўйди.

— Министр, қаёққа қараб ўтирибсизлар? Биз республика бюджетига тийинлаб йиғиб, қўшяпмиз. Одамлар товуққа дон сочгандек миллионларни сочишляпти.

Луқмонов Мирвалига савол назари билан қаради. Раҳимов яна сўзини давом этдирди:

— Қадрдонлигимиз, ота-болалигимиз ўз йўлига. Бунақа ишларда менга орқа қилманг.

Мирвали ўзини йўқотмади, эсанкирамай дадил жавоб қилди:

— Ота, бир миллион уч юз эллик минг сарфлаган бу йўллар икки йилда тўрт ярим миллион даромад берди. Бу тоғлардан йилига тўрт марта хашак ўрдираман. Уша ерда преслатиб тоғ-тоғ қилиб, уйиб қўяман. Ердан қор кетмай республикадаги жами хўжаликларингиз молига хашак тополмай зир югуришади. Бу томони қирғизлар, бу томони тожиклар хашак қидириб қолишади. Кўнглингизга келса ҳам айтай. Уша менман деган Попдаги директорингиз ҳам икки марта хашак сўраб келган. Уруф сепмасам, суғормасам, ўзидан-ўзи ўсиб ётган теппа-текин бойлик бўлса... Йўл қурган йилимизоқ ўзини оқлаб яна озроқ даромад ҳам берганди. Мана бу ёғи ғирт фойдага кирган.

Раҳимов билан Луқмонов маъноли қараб олишди.

— Сиз ҳозир ўн саккиз томонга кетган йўлларни кўряпсиз. Манави чўққи орқасида Жом тарафга чўзилган яна шунақа йўллар бор. У ёғидагиси ўз чорва-



миз учун. Ота, яна бир келганингизда олиб чиқай. Нью-Йоркка келиб қолдимми, деб ўйлайсиз. Пресланган хашаклардан бир шаҳар пайдо бўлган. Машина билан тоғ бўйи хашаклар орасидан юриб охирига етолмайсиз. Тоғ орасида яна тоғ пайдо бўлган. Февраль ўрталаридан бошлаб бу йўллардан жамики областнинг рақами қўйилган машиналарнинг кети узилмайди. Март охирига бориб ҳамма хашакларни ташиб кетишади. Ота, ҳар келганингизда бир янги нарса кўрсатардим. Бу гал ҳеч балоси йўқ экан, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Янгилик бор. Совхозни бойитадиган, бекорчиларни ишга соладиган янгилик.

У шундай деб уларни ошхона орқасидаги икки хонали бинога бошлади.

Бино келди-кетдиларни кутадиган хизматчилар учун қурилган эди. Уларни остонада эллик ёшлардан ошган татар хотин билан унинг келиними, қизими кўхликкина бир жувон кутиб олди.

— Опой, қани ҳунарингизни кўрсатинг,— деди Мирвали.

Стул устида парраги олиб ташланган бир винтелятор турарди. Аёл қўлига бир қисим тивит олиб винтелятор тугмасини босди. Паррак ўрнига ўрнатилган урчуқ пириллаб айлана бошлади. Аёл тивит учини ҳимариб урчуққа олиб борган эди, хўплагандек ўраб кетди. Урчуқ бир зумда опой қўлидаги тивитни ямлаб бўлди.

— Янгилигимиз мана шу. Ўзингиз биласиз, Қоплонбогдаги аёллар серфарзанд. Ишлаб чиқаришга қатнашмайди. Шуларни ишга соляпмиз. Мана шу опой икки юзтасини ўқитяпти. Элликтасининг уйига шунақа винтелятор обориб берганмиз. Юз элликтасини клубга тўплаб олдига биттадан винтелятор қўйиб бердик. Гириллатиб ип йигиришяпти. Манави синглим, опойнинг келинлари бўлади. Ҳозир етмиш аёлга рўмол тўқишни машқ қилдирыпти. Опчиқинг, рўмолларни кўрсатинг.

Жувон ичкарига кириб кетиб бир оздан кейин тўрт-бешта оқ тивит рўмол кўтариб чиқди. Раҳимов биттасини қўлига олиб ёзиб қаради.

— Оренбург рўмолларидан қолишмайди.

— Ундан яхши. Бу оппоқ тивит. Уларники кулранг. Экономист билан ўтириб ҳисоблаб чиқдик. Ип йигирадиганларнинг ойлиги ўртача 175 дан, рўмол тўқийдиганларники 210 дан айланяпти. Ўртача бир фабрика қуриш учун лойиҳа буюртирдим. Лойиҳа келиши билан қурилишни бошлаб юборамиз. Тивит ўзимиздан. Ота, шу давлатга топширадиган тивитнинг бир қисмини ўзимизга қолдиришга ёрдам берсангиз. Кейин яна битта илтимос. Оқ тивитга жуда паст нарх қўйилган. Қора тивитники баланд. Акси бўлиши керак эди. Қора тивитни бошқа рангга бўяб бўлмайди. Оқ тивитни истаган рангга бўяш мумкин. Шунга яраша нархи баланд бўлиши керак. Нарх-наво комитети билан гаплашиб берсангиз дегандим. Жуда сув текин нарх қўйишган-да. Чўпонларнинг хусусий эчкиларидан тараб олган тивитларини чайқовчилар 50 сўмдан олиб кетишади. Москвада 100 сўмдан сотишади. Бизникига етти сўм нарх қўйишган, шу ҳам инсофданми?

Бу гапларни эшитиб Раҳимов тамоман лол бўлиб қолганди. Бу йигитнинг омилкорлигини қаранг-а, ҳар бир нарсадан хўжалик учун фойда чиқзади. Калласи соат механизмидек тинмай ишлаб туради шекилли.

Тоғлилар серфарзанд бўлади. Аёллар бола-чақа билан овора бўлиб ишламай қўядилар. Эрлари Қарши, Жиззах, Каттақўрғон томонларга қовун, пиёз экишга гектар байлашиб кетиб, кеч кузда қайтадилар. Ота-она, хотин, етти-саккиз болани боқиш осонми, ахир. Мирвалининг ўйлаб топган бу иши бутун бир қишлоқ аҳли ҳаётида революция қилади, деса хато бўлмайди. Қойил. Совхоз учун яна бир даромад манбаи бу.

— Генерал,— деди Раҳимов,— агар Мирвалига ўхшаган яна ўттиз-қирқта хўжалик раҳбари бўлганда кечалари тинч ухлардим. Афсуски, бунақаси битта-да.

Раҳимов ялт этиб Мирвалига қаради.

— Ўғлим, боя, митинг пайтида одамлар орасида бир кишига кўзим тушиб қолди. Толибжон Усмонов деган одам бўларди. Шу эмасми?

— Янглишмабсиз, ўша,— деди Мирвали.— Бу ерга чақирган эдим, негадир келмапти.

— Келмайди. У ярамас одам. Генерал, танийсиз-а? Анави ифвогар академикнинг думларидан.

Луқмонов дарров эслади.

— Эсимда, область партия конференциясида оғзига келганини қайтармай жавраганди.

— Бу жойларда нима қилиб юрипти? — деб сўради Раҳимов.

Мирвали яхшиям Толибжоннинг келмагани, келса нақ балога қолардим, мени бир худо асрапти, деб кўнглидан ўтказди.

— Ота, асли у Омонқўтоннинг Етим қишлоғидан. Чет элларда юриб, кўп жабру-жафоларни бошидан кечирипти. Хотини ўлипти. Уғли ҳалок бўлипти. Нервинний бўлиб қолган экан, дўхтирлар, тоғларда, тоза ҳавода даволанишни буюрган экан. Бир-икки ойдан бери шу ерда.

— Бошқа тоққа борсин,— деди Раҳимов қатъий оҳангда.— Бу атрофда унинг қорасини кўрмай. Генерал, ўзингиз бир шуғулланиб қўйинг. Ҳа, айтганча, французларни қаёққа ташлаб келдинглар?

— Нариги боғда,— деди Мирвали.— Телевизиончилар билан мухбирларга қўшиб қўйганман.

— Чакки қилибсиз, ўғлим. Улар жуда азиз меҳмонлар. Бу томонга уларни мен бошлаб келганман. Бу ёққа чақиринг!

Мирвали хижолатдан қип-қизариб кетди. Қўлини кўксига қўйиб узр сўрагандек бир қимтиниб олди. Кейин улар билан яна чорпоя олдига келиб, меҳмонларни чақиргани йўлни кесиб ёнғоқзор томонга ўтиб кетди.

Раҳимов унинг орқасидан завқ билан қараб қолди.

— Жуда олов бола-да. Иши пишиқ. Режаси аниқ. Тоғларда кезгани-кезган. Тиним нималигини билмайди. Товонидан ўт чақнайди-я.

Мирвали кетаркан, ўйларди: бу генералнинг гапим бор дейиши сал ғалати-роқ бўляпти-да. Отахоннинг бу офаринларидан кейин кўнглида қанақанги ёмон нияти бўлса ичида қолади. У киши шундоқ деб турганда бунинг қўлидан нима иш келарди. Кейинги кунларда аноним ёзадиган ярамаслар кўпайиб кетган. Биламан, уларга хат бориб туради. Ишқилиб манави манжалақи Жайрона отахон олдида бўлган ишни гуллаб қўймасин-да. Хотин кишига ишониб бўладими? Отахонга рўпара келмасин, деб атайин уларни ёнғоқзорда қолдирган эдим. Лекин у мени доғда қолдириб кетди. Мен ҳам анойилардан эмасман. Шу пас деса ётадиган, товукмижоз тайёр нарсани қўлдан чиқариб юборганимга асти чидамайман. Майли, ноумид шайтон. Олмадек қилиб қўйнимга солганимни ўзи билмай қолсин.

Бу Толибни нима қилсам экан? Роса бошоғриғи бўлди-ку!

Қайтишда Жайрона билан Мирвали олдинда, орқада меҳмонлар келишарди. Жайрона шайтонлик қилиб силкиниб-силкиниб куларди.

— Энди кулаверасиз, — деди Мирвали маъноли қилиб. — Бир эмас, икки марта мени тузлаб кетгансиз. Кулинг, кулаверинг.

Жайрона гапни илиб кетди.

— Сизни шунақа тез-тез тузлаб турмаса айниб қоласиз. Тузлаган яхши-да.

— Нима, сизга гўшт бўлдикми, тузлайсиз?

— Тузлаган гўшт хушхўр бўлади. Одатим шунақа, тузланган гўштни жонимдан ҳам яхши кўраман. Чайнаган сари мазаси чиқади.

— Майли, — деди Мирвали тантилик қилиб, — Агар ейишингиз, чайнаб-чайнаб ейишингиз рост бўлса, бутун танамни тилиб тузлаб ташланг-э, ғиринг, десам номардман.

Улар ана шундай пичингу тагдор гап билан бир-бирини мот қилолмай арчазорга келганларида Раҳимов кийиниб чиққан, министр билан тушликка ўтирмай уларни кутишарди.

Дастурхон устидаги дока очилди. Расулбек ҳар галгидек, ажойиб пазандалигини намойиш қилган. Аввал сели билан каклик дўлма тортилди. Раҳимов парҳез таом ерди. Унга ёғсиз товук шўрва билан обдан қайнатилганидан титилиб кетган товук гўшти қўйишди. Бедана табакадан жиччагина татиб кўрди-ю, помидор сувини ичиб ўтирди. Аммо бошқалар овқатдан бош кўтаришмасди. Таом устида Раҳимов Жайронадан сўради:

— Қизим, маршрут ўзгармаганми? Меҳмонларни қаерларга обормоқчисиз?

Жайрона катта зиёфатларда, жуда эътиборли кишилар давраларида кўп бўлган. Бундай пайтларда ўзини тутишни яхши биларди. Бокалга қуйилган бор-

жомдан битта ҳўплаб қоғоз салфеткага оғзини артди-да, шошмасдан жавоб берди.

— Аввал Улуғбек Расадхонасини, ундан кейин Шоҳизинда ансамблини, Гўри Мирни, Афросиёб музейини кўрсатамиз. Ундан кейин Сахий Бухорий мақбарасига оборамиз.

Раҳимов унинг гапини бўлди.

— Бухорий мақбарасини маршрутдан чиқариб ташланглар. У ерда ҳозир жуда одам кўп. Ифлос. Ҳар хил қаланғи-қасанғилар тўлиб кетган. У жой феодализмни эслатади. Яна қаерга обормоқчи эдингиз?

— Самарқанд чинни заводига...

— Жуда яхши. Ундан кейин қайтишда Жиззахга қўниб ўтинглар. «Москва» колхозини кўрсатинглар. Бухорога ўтмайсизларми?

— Вақтимиз етмаса керак. Индинга Тошкентда уруш ветеранлари билан учрашув бор. Етиб келишимиз керак.

— Маъқул, — деди Раҳимов. — Энди менга жавоб, сизлар бемалол ўтириб дам олинглар. Хўш, генерал бирга қайтаммизми?

Мирвали ичида шу ярамасни олиб кетса эди, деб ўйларди.

— Рози бўлсангиз мен қолсам, — деди Луқмонов. — Бир-иккита ҳал қиладиган ишлар бор эди. Коллегияда кўриладиган ишлар.

Раҳимов, ихтиёрингиз, деб ўрнидан турди. Мирвали Расулбекка имо қилган эди, ошхона орқасига липиллаб ўтиб кеди. Мирвали билан Луқмонов уни машина олдиғача кузатиб боришди. Расулбек битта тугунча билан қоғозга ўроғлиқ кичкинагина нарса кўтариб келди.

— Ота, йўқ демайсиз. Узимиз тўқиган рўмол. Маҳсулотимизнинг олди, опа ўрасинлар.

Биринчи хижолат бўлиб олиш-олмаслигини билмай туриб қолди.

— Қандоқ бўларкин. Бу порага кирмайдими? Енгил саноат министрига кўрсатаман. Ички имкониятлардан фойдаланиш қанақа бўлишини билиб қўйсин. Буниси нима? — У қоғозга ўроғлиқ нарсага имо қилди.

Мирвали уни Расулбекнинг қўлидан олиб очди. Кичкинагина, пеницилин шишасида қандайдир оппоқ суюқлик эди.

— Асаларининг сути. Пипетка билан тил тагига томизиб, бирон соат суюқлик ичмай турасиз.

— Биламан, — деди Раҳимов. — Мана бунга катта раҳмат. Бу инсонни жуда тетик тутлади. Рўхини енгиллатади. Меҳнат қобилиятини оширади.

Раҳимов шишачани олиб, шофёрга узатди.

— Машина холодильнигига солиб қўйинг.

Раҳимов ҳамма билан қуюқ хайрлашиб, жўнаб кетди. Улардан кейин Жайрона ҳам рухсат сўраб ўрнидан турди. Меҳмонлар «Чайка»га чиқишаётганда Жайрона Мирвалига тағдор бир гап қилди.

— Туз-пуз керак бўлса хабар қиларсиз, — деди Жайрона. Бу Мирвалининг, мени тузлаб кетдинг, деган гапига ишора эди.

Меҳмонлар жўнаб кетишди. Арчазор жимиб қолди. Пастда телевизиончиларнинг ширакайф овозлари эшитилиб турарди.

Луқмонов билан Мирвали иккови мармар йўлкадан келишар экан, генерал гапни нимадан бошлашни чамалар, Мирвали бўлса бу ярамаснинг айтадиган гапи яхшилик бўлсин-да, деб ўйларди.

Иккови аста-аста юриб, арчазордан чиқишди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Луқмонов ўтиришга жой излаб, катта оппоқ бир това тошга кўзи тушдию, бориб ўтирмоқчи бўлди. Чанг эмасми, деб бармоғи билан сидириб кўрган эди, тоза экан. Утирди. Кейин Мирвалини ёнига ўтиришга ундади. У ҳам келиб ўтирди.

Бу жойдан олис тоғлар, пистазорлар, ёнғоқзорлар қуюқ туман ичида жуда ғалати бўлиб кўриниб турарди.

— Хўш, гапни нимадан бошлай, оғайни? — деди генерал.

— Ия, — дея унга қаради Мирвали. — Шунчалик гап кўпми, нимадан бошлашни билмаяпсиз.

— Кўп. Жуда кўп. Тонг отгунча гаплашсак ҳам тугамайдиган гаплар.

Мирвалининг юрагини ваҳм босди. Кейинги бир-икки йил ичида қилган иш-

лари кўз олдидан ўта бошлади. Қай биридан хабар топди экан? Агар ёмон нияти бўлса мен билан гаплашиб ўтирмасди. Биттасига буюрарди, зингиллатиб олдига солиб олиб борарди. Ё отахонга тушунтириб бошимга минг бир балоларни соларди. Йўқ, у бошқача йўл тутяпти.

Довонга кўтарилишда ўнг томонда бир машина сиғадиган йўл бор. Бу йўл охирида каттагина саҳни эгаллаган теракзор. Мирвали шу Луқмоновнинг илтимоси билан кичкинагина, атиги 5 хонали дача қурган. Унда министрликдан келган генераллар, полковниклар дам олиб кетарди. Бошқа кунлари район милицияси ходимлари ичкиликбозлик қиладиган жойга айланиб қолган эди. Бу иш кўнглига ўтирмаган Мирвали дачага олиб борадиган йўлни бузиб ташлади. Хоналарни қулфлатиб ташлади. Балки Луқмонов шунинг аламини олмоқчидир...

Мирвали ниманики тахмин қилса, тўғри чиқарди. Унинг мушоҳида қилиш қобилияти кучли эди. Ҳар бир ишни, гапни мантиқдан келиб чиқиб мулоҳаза қиларди. Шу топда республикадаги милиционерларнинг хўжайини, министр, генерал уни четга тортиб айтмоқчи бўлган гапларини тарозига соляпти. Бир гап бор? Ё дўпписи тор келиб қолган ё мени шилмоқчи.

— Менга қаранг, Мирвали, ҳозир жонингиз менинг қўлимдалигини биласизми?

Унинг бу гапи Мирвалига малол келди. Ахир, у кимсан Олий Совет депутаты, Қаҳрамон, қолаверса Биринчининг энг яқин кишиси. Бу генералчага у билан бу хил гаплашишга ким ҳуқуқ берди.

— Нима? — деди Мирвали зарда билан. — Мени кўрқитмоқчимисиз? Овора бўласиз?

Луқмонов ўрnidан туриб кетди. Мирвали ҳам турди. Бир-бирини тепмоқчи бўлиб турган иккита хўрозга ўхшарди улар.

— Менга қара, гўдак. Сени уч модда билан айблаيمان. Бири кекирдагингдан, бири киндигингдан, яна бири оёғингдан дорга осадиган айблар. Агар биттасини айтсам оёқларим тагида эмаклар юришга ҳам рози бўласан.

Мирвали бўшашди. Модомики, у шу хил баланд келаётган экан, демак қўлида рад қилиб бўлмайдиган далиллар бор.

— Айтинг! — деди Мирвали сал ён бериб. — Айтаверинг. Чўзманг.

Иккови яна тошга ўтиришди. Луқмонов кўп маҳбусларнинг терговига қатнашган, генерал формасини кўрганда қалт-қалт титраганларнинг кўпини кўрган эди. Аммо манави ўша кимга бўйин бермайман деб турган олифтаннинг чиранишлари совун кўпигидек ёрилиб кетишини ҳам биларди.

— Боя биринчининг оёғига йиқилиб илтижо қилган кампирнинг ўғлини танийсизми? Анави йўқ бўлиб кетган чўпонни...

— Биламан, — деди Мирвали.

— Шуни сиз ўлдиргансиз. Мана шунинг учун сиз бўйнингиздан осиласиз.

— Тухмат қиляпсиз, — Мирвали ҳеч чўчимасдан унинг кўзларига тик қараб айтди бу гапни.

— У оддий чўпон эмас эди. Бунга яхши биласиз. У сизни киндигингиздан осадиган гуноҳингиздан хабардор эди. Учинчиси — оёғингиздан осадиган гуноҳингиздан бир оздан кейин айтаман. Аввал биринчисини ҳал қилайлик, — у шундай деб ён чўнтагидан қаттиқ муқовали дафтарча олиб ичидан бир сурат чиқазди. — Манави ўша чўпон Равшанбекнинг ўлдириб ўнгирга ташлаб кетганингизда олинган сурати. Шундан гаплашайлик. Хўш, нима қиламиз? Нима қилишимизни ўзингиз айтинг. Сиз айтганча бўлади. Агар келишолсак.

Мирвали ўзини ўнглаб олди. Аввалига у министрда рад қилиб бўлмайдиган далиллар бор, деб сал-пал чўчиган эди. Энди уни лақиллатмоқчи бўлди.

— Менга қаранг, ака. Хўш, шундоқ бўлган деяйлик. Қандоқ қилсам, сиз айтган дорга бўйнимдан осилмайман.

Луқмонов жавоб ўрнига бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бири-бирига ишқаб кўрсатди.

— Қанча? Битта етадимми?

Луқмонов яна овоз чиқазмади. Икки бармоғини кўрсатди.

— Бу кўп, — деди Мирвали.

Луқмонов: сиз билан келишолмадик, деб ўрnidан турди. Мирвали уни этагидан тортиб ўтқазди.

— Бўпти. Розиман. Лекин ҳужжатларни қўлимга берасиз.

— Розиман, — деди Луқмонов.

— Энди иккинчисини... Киндигимдан осадиган гуноҳимни айтинг.

Луқмонов дафтарчасини олиб, ёзувларни ўқий бошлади.

— Совхозда эллик минг эчки бор, деб ҳужжатлаштиргансиз. Аслида 70 минг эчки бор. Сиз ҳар йили эллик минг эчки туғилади, деб ҳужжатлаштиргансиз. Аслида 70 минг эчкидан 20 минг така бўлиб, 50 минги иккитадан туғади. Ҳар йили бор эчкилар ёнига 100 минг эчки қўшилади. Сиз йилига эллик минг эчкини тоғдан ошириб савдага ўтказасиз. Ҳар бир эчкига арзон-гаров нарх қўйиб йигирма сўмдан пуллайсиз. 50 минг эчки 20 сўмдан неча пул бўлади? Ҳисобини ўзингиз биларсиз? Бир миллион сўм бўлади, тўғрими? Мен сизнинг тонна-тонналаб сотадиган тивитларингизни ҳисобга киритмаяпман. Ундан ҳам икки-уч юз минг даромадингиз бор. Хўш, буларни нима қиламиз? Ё гувоҳларни чақирайми?

Мирвали ҳар қандай танг пайтда ҳам ўзини йўқотмасди. Рақиби олдида ҳеч қачон паст келмасди. Аммо бу гал озроқ ён бермаса бўлмасди.

— Хўш, нима қиламиз? — деди Луқмонов.

— Нархини айтинг? — деди у аста таслим бўлиб келаётганини унга сездирмай.

— Сиз айтинг!

Мирвали битта бармоғини кўрсатди. Генерал энсаси қотгандек лабларини буриб, учта бармоғини кўтарди. Мирвали иккитасини кўрсатди. Генерал ҳамон учта бармоғини кўтариб турарди.

— Бўпти. Мени шилишга келган экансиз. Энди оёғимдан осадиган гуноҳимни айтинг.

Луқмонов чап чўнтагидан қалам билан чизилган харитага ўхшаган қоғозни олиб, тош устига қўйиб, букланган жойларини бармоқлари билан текислаган бўлди.

— Нималигини бияпсизми?

Мирвали билмади.

— Яхшилаб қаранг. Майдонтолдан бошланган йўл. Бу ёғи қаёққа олиб боради? Қани, яна бир қаранг! — Мирвали бир қарашдаёқ билди.

— Бу Жайронани олиб борган ғордаги пинҳона ишратхона йўли. Ичида нималар борлигини айтиб берайми? Видео магнитофондаги ленталарда кимлар ва нималар суратга олинганини ҳам айт, десангиз айтиб беравераман.

У шундай деб, тош устига бир даста сурат ташлади. Мирвали суратларни бир-бир кўра бошлади. Ҳамма хоналар алоҳида-алоҳида суратга олинган. Видеодаги воқеалар ҳам фотога ўтқазилган.

— Йўл эсингиздами ё ўзим оборайми? — деди Луқмонов. — Калит идорада, сейфда қолган, десангиз, мен калитимни бериб туришим мумкин.

Генерал чўнтагидан иккита калит олиб жаранглашиб тош устига ташлади.

Унинг далилларини асло рад қилиб бўлмасди.

— Биламан, — деди Мирвали ғазаб билан. — Бу ўша жалаб, Жайронанинг иши. Даюс, қўлимга тушарсан. Киндигигача тиламан.

— Хўш, буни нима қиламиз?

Мирвали индамади. Ҳали ҳам ғазаб ўтида қовриларди.

— Хўш, буни нима қиламиз? — деб такрорлади генерал.

— Нархини айтинг, — деди жаҳл билан Мирвали.

— Бу иш пул билан битмайди.

— Бўлмаса нима билан битади? — деди Мирвали унга савол назари билан қараб.

Луқмонов бир муддат тек қолди. Кейин деди:

— Шу жойни менга берасиз. Вассалом. Шунда оёғингиздан осилишдан қутуласиз.

— Берганим билан сиз бу жойларга боролмайсиз. Неча жойга шлагбаум қўйганман. Ундан ташқари, сиз элга таниқли одам бўлсангиз.

— Бу томонидан хотиржам бўлинг. Вертолётни нимага чиқазган.

— Шартингизга рози бўлишдан олдин битта гап сўрайман. Очиғини айтинг, бу Жайрона дегани қандоқ бало? Шунинг ишими?

— Гапни кавлаштираманг.

— То шу жувонни бир кеча бағримга босмас эканман, ўлсам армоним ичимда кетади.

Луқмонов хандон ташлаб кулди.

— Чучварани хом санаманг, Мирвали. Бу Жайрона жувон эмас, ҳали қиз бола. У ҳатто Миср араб республикасининг президенти Анвар Садатнинг ҳам олдига похол ташлаб кетган. Сиз ким бўпсиз.

Мирвали вой-бў, деб юборганини билмай қолди. Генерал ўрнидан турди.

— Бу ерда пулингиз йўқдир. Мен кириб, бир оз ухлаб олай. Унгача сиз бориб олиб келинг. Мен одатда бугунги ишни эртага қолдирмайман.

— Ҳужжатлар нима бўлади?

— Сиз берадиганингизни беринг, ҳужжатлар ўша заҳоти бўлади.

— Генерал! Бир гап сўрасам майлими?

— Майли, — деди ҳайрон бўлиб Луқмонов.

— Сиз менинг ўрнимда, мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, бўйнингизга беш юз минг сўм юклаб қўйсам, худди менга ўхшаб индамай бераверармидингиз?

Луқмонов орқасига қайтди. Кутилмаган бу сўроққа бирдан жавоб беролмай пича ўйланиб турди.

— Албатта, берардим. Биласизми, Мирвали, бу бир қимордек гардкам иш. Омад бир сизга, бир бошқага келади. Омадинг келдими, ол, омадинг кетдими, бер. Мана шунда ўғилболача иш бўлади.

— Раҳмат, — деди Мирвали. — Сиздан худди шундай жавоб кутган эдим. Мен пулни олиб келгани кетдим.

Мирвали шундай деб машина томон юрди.

Луқмонов унинг бу сўроғига унча эътибор бермади. Сўроқ тагида қандоқ сир-синоат ётганини ўйлаб кўрмади. Хотиржам ётоққа кириб кетди.

Мирвали ҳеч қачон, ҳеч кимга ем бўлган эмас. Генерал хамирдан қил суғургандек қилиб ундан ярим миллионни оламан, деб қатъий ишонди. Тортишмаганига, савдолашмаганига, ақалли бирон марта ундоқ эмас, деб эътироз билдирмаганига ҳайрон бўлмади.

Равшанбек кейинги эчки ҳайдаганда йигирма кун уйига келмаган эди. Кунора тоғ орқасига эчки ҳайдаб, чангга беланиб, сўқмоқлардан юраркан, уйига сира боргиси келмасди. Унга хиёнат қилган Бодомгулни кўришга тоқати йўқ эди. Йигирма кундан бери ҳайдаётган эчкилар ҳисобда йўқлигини Равшанбек биларди. Аммо бу тўғрига бировга лом-мим, деб оғиз очишга қўрқарди. Унга шерик бўлиб бориб келаётган Расулбек олди-соттига аралашмай четда турарди. У ана шунақа қилган ишидан из қолдирмайдиган уста эди. Уч юз минг сўмни ушлаб ҳам кўрмади. Нима бўлса Равшанбек бўлсин, деб ўзини эҳтиёт қилди.

Равшанбек сўнгги отарни «эгаси»га топшириб келаётганда ҳам Расулбек у билан ёнма-ён қайтмади. Ундан тахминан икки-уч юз метр орқада қоралаб келаверди.

Равшанбек чарчаган, бутун вужуди чангга беланган, отда мудраб келарди. Замбуруғ қоя тагидаги камарда милиция капитани уни кутиб турганини билмасди. Камар оғзига келганда капитан йўлини тўсди. Равшанбек доводи раб қолди. Орқада келаётган Расулбек ўзини панага олди. Капитан тўппонча ўқталиб Равшанбекни отдан туширди. Расулбек бўйнидаги фотоаппаратни олиб узоқдан оладиган объектив қўйди. Равшанбек то отдан тушгунча икки марта суратга туширди. Капитан от эгаридаги хуржунни кўрсатиб, нимадир деди. Равшанбек орқасига тисарилди. Капитан хуржунни эгардан тортиб туширди. Ичидагиларни ерга тўкди. Пачка-пачка юз сўмликлар ерга тушди. Расулбек тинмай суратга олаверди. Капитан Равшанбекка нимадир деб бақирди. Равшанбек энгашиб пулларни хуржунга сола бошлади. Шунда капитан унинг бошига гуваладек тош билан урди. Равшанбек муккаси билан йиқилди. Капитан пул тўла хуржунни елкалаб унинг жасадига қаради. Кейин оёғи билан суриб уни пастликка тепиб юборди. Ана шундан кейин капитан ёлғизоёқ йўл билан жадал юриб кетди.

Расулбек бу воқеани ўз кўзи билан кўрибгина қолмай, ўн беш чоқли фото кадрга муҳрлаб қўйганди.

Ҳозир Мирвали машина рулини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга асабий буриб бораркан, Расулбек айтиб берган бу воқеани яна бир марта эслади.

Мирвали қайтиб келганда Луқмонов олдига кичкинагина, папирос қутиси-

дек магнитофон қўйиб, ўзи яхши кўрадиган ҳофиз қўшиқларини эшитиб ўтирарди. Мирвали йўталгандан кейин бошини кўтарди:

— Бўлдими?

— Бўлди, ака, — деди Мирвали. — Машинангизни менинг машинамга ёнма-ён қилиб қўйинг. Уша жойда гаплашамиз.

Мирвали яна машинага чиқиб уни орқалатиб оборди-да, генералнинг қора «Волга»сига ёнма-ён қилиб қўйди. Луқмонов машина ичида китоб ўқиб ётган шофёри, милиция старший лейтенантига, бир айланиб кел, деб буюрди. Шофёр индамай машинадан тушдию арчазор оралаб кетди. Луқмонов кабинадан бир жигарранг папка олиб Мирвалига салмоқлаб кўрсатди. Кейин машина юкхонасини очиб қўйди. Мирвали кўтариб келган дипломатни юкхонага бепарво ташлади. Луқмонов юкхона қопқоғини қарсиллатиб ёпди.

— Ҳаммасими? — деди у.

— Ҳаммаси. Икки юз минг, — деди Мирвали.

— Ия, — дея қошлари керилиб кетди генералнинг. — Бештага гаплашганмиз-ку.

— Учтасини аввал олганингиз эсингиздан чиқдими? Хотирангизнинг мазаси йўқ экан, генерал.

Луқмонов ғазабдан титраб кетди.

— Ким билан гаплашаётганингизни унутма. Қачон сендан уч юз минг сўм олганман. Туҳмат қилмоқчимисан?

Бу гапдан Мирвали пинагини ҳам бузмади. Қайтага уни эрмак қилиб кула бошлади.

— Кекирдагингиздан отаман. Кимлигимни билмас экансан.

— Мени сенламанг, — деди ҳамон совуққонлик билан Мирвали. — Сиз билан офтобда қатиқ яламаганман. Бешигимни тебратган бўлсангиз ҳам сенламанг. Дипломатда икки юз минг бор. Қани, ҳужжатларни чўзинг. Ана ундан кейин боя савдосини битишганимиз, кекирдагимдан отадиган айбим тўғрисида гаплашамиз. Ана ўшанда уч юз мингни қачон олганингизни айтаман. Агар олган қарзингизни исбот қилиб беролмасам, уч юз минг тайёр. Ҳозирнинг ўзида бераман. Келишдикми?

Луқмонов унинг шартларига ноилож рози бўлди.

— Гугурт борми? — деди Луқмонов.

Мирвали машинадан битта гугурт олиб тушди.

— Мен сизга битталаб узатавераман, сиз ёндираверасиз.

Луқмонов тўрт саҳифали қоғоз узатди. Сўнгги тўртинчи саҳифа тагини йиртиб қўлида олиб қолди.

— Бу кейинги тўрт йил ичида довондан оширган эчкилар ҳақида. Кимга, қанчадан сотганингиз аниқ кўрсатилган.

Мирвали шошиб, қоғозга кўз югуртира бошлади. Унда Расулбек билан Равшанбеклар олиб ўтган эчкилар сони, кун ва ойлари аниқ кўрсатилган эди.

— Буни кимлар ёзгани мана бу ерда. Буни ўзим куйдираман, — шундай дея боя йиртиб олиб қолган бир бурда қоғозни кўрсатди. — Ким ёзганини билишингиз шарт эмас.

Мирвали гугурт қақиб қоғозларни тутди. Ярми ёнгунча ушлаб турди-да, кейин ташлади.

Луқмонов машинкада ёзилган экспертиза хулосасини унга узатди.

— Бу чўпон боланинг ўлими тўғрисида. Равшанбек исмли чўпон эканини тасдиқлаган. Ёндирасизми ё эсдаликка олиб қоласизми, ихтиёр сизда. Манавулар сизни Равшанбек билан Замбуруф қоя тагидаги камарда гаплашиб турган пайтингизни кўрган икки гувоҳнинг кўрсатмаси. Булар тожик чўпонлари. Хотиржам бўлинг, бу ҳужжатлардан нусха кўчирилмаган. Кўряпсизми регистрация ҳам қилинмаган, рақам ҳам қўйилмаган. Бир ўқиб чиқинг-да, куйдириб ташланг. Экспертиза хулосасини куйдирмадингиз-ку?

— Эсдаликка олиб қолмоқчиман, — деди хотиржам Мирвали.

Луқмонов энди Мирвали эсанкираб қолади, ўзини унинг оёқлари остига ташлаб ёлворади, деб ўйлаган эди. Ажаб, акси бўляпти. Довдирамаяпти ҳам. Қўйиб берса, ҳатто ундан баланд келмоқчи. Нимасига ишонапти.

Луқмонов папкадан ўн-ўн бештача, саҳифалари ип билан чатилган қоғозларни олди.

— Булар устингиздан тушган аноним хатлар. Ҳаммасини оқибатсиз қолдирганман. Биронтаси дафтардан ўтказилмаган. Вагонларда Сибирга жўнатилган қуруқ мева ўрнига той-той тивит жойлаганингиз...

Луқмонов бир дам гапиришдан тўхтади. Кўзларини қисиб Мирвалига жуда ҳам даҳшатли қараш қилди.

— Мана шу хатни ишга солиб юборсам, биласизми, нима бўларди? Сўзсиз отилишга ҳукм қилинардингиз. Бунақа жиноятни давлат кечирмайди.

Мирвали унинг бу гапларига парво қилмади.

— Шунақа деб ўйлайсизми? Вой-бў, қўрқитиб юбордингиз-ку.

Мирвали қоғозларни ғижимлаб ерга қўйди, гугурт чақди. То ёниб тугагунча қараб турди.

— Мана, энди тамом! Хотиржам ухлашингиз мумкин. Бу нарсаларни фақат тушингизда кўрасиз, — деди генерал.

— Аноним ёзганлар яна бош кўтармайдимиз?

Генерал пичинг қилди:

— Боши омон бўлса кўтаради-да.

— Жайронанинг боши омон-ку?

— Ундан хотиржам бўлинг. Яқин орада уни бирон мамлакатдаги элчихонага таржимон қилиб юборамиз. Хўш, энди қарздан гаплашайлик. Қачон қарздор бўлиб қолган эканман?

Тантана қилиш, эзғилаш навбати энди Мирвалига келганди. У костюмининг чўнтагидан конверт чиқазди. Уни очмай, қўлида ўйнаб туриб гап бошлади:

— Машинадаги дипломатни олиб ичидаги пулни санаб кўринг. Кўчадан топсанг ҳам санаб ол, деган гап бор.

Луқмонов нималар бўлаётганини билмасди. Беихтиёр бориб машина юкхонасидан дипломатни олиб тош устига қўйди-ю, пулларни санай бошлади. Тўппа-тўғри икки юз минг сўм чиқди.

— Энди манаву конвертни очинг, — деди Мирвали буйруқ оҳангида.

Луқмонов конвертни олиб очди. Ичидан бешта сурат чиқди. Генералнинг қўллари дир-дир титрай бошлади. Кўзойнагини олиб артмоқчи бўлди, ёнини излаб дастрўмол тополмади.

— Ўзингизни қўлга олинг, генерал, — деди сохта меҳрибонлик билан Мирвали. Луқмонов унга ёмон қараб қўйди.

Унинг қўлидаги суратларда Равшанбекнинг ўлими, милиция капитанининг пулларни олаётгани, хуржунни орқалаб кетаётгани жуда аниқ акс этган эди.

Расулбек профессионал фотограф эканлигини яна бир марта намойиш қилган эди.

— Хўш, қалай. Ўғлингизни танияпсизми?

— Сен провакаторсан.

— Сенламанг, дегандим-ку, сизга. Агар бу исботлар ҳам сизни қаноатлантирмаса, яна ундан ҳам зўрини ўртага қўяман. Ёнингиздаги бояги магнитофонингизни олинг. Битта антиқа лента бор, қўйиб эшитасиз.

Луқмонов унга еб қўйгудек бўлиб қараб турарди. Мирвали шимининг чўнтагидан магнитофон кассетасини олиб унинг олдига ташлади.

— Ўғлингизнинг овозини эшитинг.

Луқмонов кассетани магнитофонга қўйди.

...Равшанбекнинг ўлиmidан ўн беш кунлар ўтиб Луқмоновнинг ўғли, милиция капитани тоққа ўртоқлари билан овга келади. Мирвали худди шундай қулай фурсатни кутиб юрарди. У Луқмоновнинг ўғлини тушликка таклиф қилади. Овқат устида Расулбек олган суратларни олдига қўяди. Агар бўлган воқеани ўз оғзи билан айтиб бермаса ҳозироқ органдан одам чақириб, қаматишини, ишини трибуналга оширишини айтади. Озроқ ичиб довдираб қолган капитан ҳамма гапни айтиб беради. Мирвали унинг гапларини магнитофон лентасига тушириб олади. Капитан ўшанда бу ишни дадамнинг топшириғи билан қилганман, билиб қўй, сенга қўлимдан пул бермайман, мен йўл кўрсатаман, ўзинг пул топасан, деган деб айтади. Хуржундаги уч юз минг сўмни обориб дадасига берганини бўйнига олади. Ўша гаплар мана шу лентага ёзилиб қолган.

Луқмонов ўғлининг овози ёзилган лентани эшитар экан, қафасга беихтаёр тушиб қолган шердек тўлғонарди.

— Хўш, қалай? — деди Мирвали истеҳзо билан. — Бу тоғларнинг чумоли-



сидан тортиб чумчуғигача саноғли. Битта бегона капалак учиб келса ҳам биламиз. Биров келиб, одам ўлдириб, пулини олиб кетадию билмаймизми?

Луқмонов индамади. Унга еб юборгудек бўлиб бир қараб қўйди.

— Чўпоннинг хуржунидан олган уч юз мингни беришингиз шарт. Бу пул бўйингизда осилиб ётган қарз. Сиз боя одам ўлдиргансан, шу гуноҳинг учун уч юз минг берасан, деб савдолашган эдингиз. Энди шу фактни сизнинг ўзингизга сотаман. Яна уч юз минг бўйингизга тушади. Олти юз минг тўлайсиз. Боя икки юз минг сўмни қойил қилиб олган эдингиз. Бунга тан бераман. У шундай деб тош устидаги дипломатни олиб ўз машинасининг олд ўриндиғига ташлади.— Бу пул сизники. Боя айтганим олти юз мингдан икки юз минг сўмини тўладингиз, деб ҳисоблайман. Яна тўрттаси қолди. Боя ўзингиз бугунги ишни эртага қолдирмайман деб айтган эдингиз. Икковимиз бир хил эканмиз. Мен ҳам эртага қолдирмайман. Ёнингизда тўрт юз минг борми? Тошкентга бориб олиб келасизми? Шундай қилақолинг. Мен сизга ўхшаган худбин эмасман. Рақибимга ишонман. Манаву суратларни ҳам, кассетани ҳам аввал қўлингизга бериб қўйиб, кейин ҳақимни оламан. Бу ёғидан кўнглим тўқ. Суратларнинг негативи, магнит лентасининг асли ишончли жойда.

Луқмоновдаги аввалги ғурур, ғўдайиш, ўзига ишонч аллақайга ғойиб бўлганди. У энди тамоман таслим бўлиб, афтодаҳол бир алпозда бошини эгиб ўтирарди.

Бутун республика милициясини оёққа турғизадиган, ёмон кўрган одамидан аёвсиз қасос оладиган генерал, министр энди ночор бир аҳволда эди.

— Мундоқ қилайлик, — деди Мирвали. — Сиз Тошкентга бориб овра бўлиб юрманг. Яхшиси Самарқандга боринг. Ахир, ҳамма топган-тутганингиз опангизни қўлида-ку. Шундай қилақолинг. Ҳам яқин, ҳам нақд. Шофёрингиз шу ерда қолади. Сизни менинг шофёрим оборади. Пулни шофёримга бериб, ўзингиз қайтиб келмасангиз ҳам майли. Машинангиз пул келгандан кейин кетади.

Луқмоновнинг рангида-ранг қолмади. Малла қошлари бир кўтарилиб, бир тушарди.

— Ҳайрон бўляпсиз-а. Пулимни қаерда сақлашимни бу қаёқдан билади, деб ўйляпсиз. Уйламанг. Сиз бутун республиканинг сирини биласиз. Мен сизнинг сирингизни.

Яқин йигирма йил одамларга зуғум қилиб яшаган, қанчалаб бегуноҳ кишиларга жабру зулм ўтказган бу одам энди оддий бир совхоз директориға ўйинчоқ бўлиб қолганди.

— Шофёрим машинани самолёт қилиб юборади. Қирқ минутда Самарқандга олиб боради. Қирқ минутда қайтиб келади. Опангиздан пулини олиб санашингизга, боринг, ярим соат кетсин. Жами бир юз ўн минут. Яъни, ўн минута кам икки соат муҳлат бераман. Келишдикми? — Мирвали шундай деб ён соатининг қопқоғини очиб қаради. — Ҳозир ровна соат тўрт. Ўнта кам олтида пул қўлимда бўлиши керак. Агар айтган пайтимда келмаса, мендан гина қилмайсиз. Кечки самолёт билан ҳужжатлар Москвага кетади. Шошилинг, генерал!

Мирвали ошхона олдида табуреткада ўтириб чой ичаётган Расулбекка қаради.

— Машинага бензин тўлатиб ол.

Луқмонов касалдан турган одамдек дармонсиз судралиб машина олдиға келди. Бор-йўғини шилиб олган Мирвалиға нафрат билан қаради.


— Сен одам эмас, қашқир экансан.

— Тўғри айтасиз, генерал, — деди Мирвали. — Икковимизнинг тупроғимиз бир жойдан олинган.

Расулбек «Волга»ни елдек учириб кетди. Машина орқасидан қараб қолган Мирвали:

— Шўринг қурсин, шу фаҳм-фаросат билан министр бўлиб юрибсанми, — деб қўйди.

**Охири келгуси сонда**



Сафо Очил

## СЕВГИ СЕНИНГ БАХТИНГ ДЕЙДИ КИМЛАРДИР

Йил азобин чеккан сайёҳ ва  
унинг туши ҳақида баллада

Йўлга чиқди бир сайёҳ,  
Кенг дунёни кўмсар у.  
Қаҳрин сочса-да саҳро,  
Йўқ эди зарра кўркув.

Кўпроқ қийнарни чанқоқ,  
Хаёлида қатра сув.  
Руҳи, жисмида бироқ  
Умид аталмиш туйғу!

Бечорага ниҳоят  
Гужум кўриниб қолди.

Куч-қувват эниб ғоят,  
Саҳродан чиқиб олди.

Гужум тагида булоқ —  
Чанқаганлар армони.  
Қониб-қониб ичган чоқ,  
Қайтадан жўшди жони.

Мудраб сал-пал ўтмасдан,  
Туш кўрар... Туши тотли! —  
Атрофидан кетмасдан  
Ўтлар тушовлик оти...

### Тундаги ёлғизлик Ҳолат

1  
Қуёшга сиғинаман,  
Зар тож кийган қуёшга!..

Кун бўйи  
ўртанди қалбгинам  
нотинч сукунат сасидан...  
Ва сесканиб дафъатан  
қопга қамалган  
нажотсиз,  
қасоскор мушукдай

типирчилаб  
уриндим-эй ҳар ёнга.  
Бардош бера олмадим  
туннинг исканжасига.

Чидолмай  
сапчиб-сапчиб  
осмонга,  
тишлаб-тишлаб олдим мен  
уфқнинг кўксидан.  
Уфқнинг тим қора кўкси гўзал!  
— Ҳо-о-й ки-и-м бо-о-р?  
— Ҳеч ким!..

2  
Сукунат, бу — шафқатсиз жимлик —  
туби кўринмас жар у,  
сени,  
мени,  
уни чорлаб қаърига  
«олқиш»лар ўқийди,

юракни тарс ёргудек  
ваҳшатли сукунат кўшигин  
куйлаб даҳшатли овоз ила,  
қулоқларим қилмоқда кар.  
Тўлиб кетди кўкрагим,  
томоғимда омонат юрак...

Булутлар таскин бергандай,  
гўё ҳамдард бўлгандай  
аврар,

шивирлар.  
Яна жим...  
Шунда уфқни  
такрор кўксимга ёниб босдим,  
илоҳий бир куч билан.

Бундан  
рашки келди туннинг —  
чоки сўкилди,  
ахир,  
уни ўпгандим,  
қучгандим,  
ғазаб билан,  
азоб билан,  
ҳавас билан,  
ўч билан!  
Бормоқда олам ёришиб.  
Ана,  
уфқнинг бетида  
тишим ўрни  
кўринди қизариб!..

## Аваз Ўтар монологи

Озор тортдим сийнама, дунё иши озор экан,  
Асли, билсам, бу дунё ғавгога мўл бозор экан.

Ўша бозор ичинда юрибман, оҳ, асал истаб,  
Морбозлардан бол сўраш беҳудаю бекор экан.

Мадорим йўқ, хастамен, излайдурман дилга малҳам,  
Йиқилганни топташ, бу, замон учун қарор экан.

Жонни жонга қотгудек, ким топибдур яқин ўртоқ,  
Кимни кўрманг тили дўст, вале кўнгли ағёр экан.

Қўл-оёғим занжирбанд ва урилмиш тилимга қулф,  
Не кўринмиш кўзимга, ваҳимали мозор экан.

Зоринг айтиб йиғлама, кимга зарил оҳинг сенинг,  
Барча учун теппа-тенг бепарволик шиор экан.

## Мавридсиз муҳаббат


### Ҳазилнамо

Муҳаббат дардига йўлиқдим яна,  
Шу ёшимда пари тутмас мани ёр.  
Тақдир айлар бугун ҳукмин тантана,  
На гуноҳим бор-эй, на гуноҳим бор?

Тақдирми бу, ёки шўрми пешонам,  
Нега ахир севги куши — парвонам,  
Ё устимдан, дўстлар, куларми олам,  
На гуноҳим бор-эй, на гуноҳим бор?

Севги сенинг бахтинг, дейди кимлардир,  
Ишқ мулкида тахтинг, дейди кимлардир,  
Койиб, менинг ғамим ейди кимлардир,  
На гуноҳим бор-эй, на гуноҳим бор?

Сўнсин, Сафо, майли, сўнсин матонат,  
Бу мавридсиз келган ўтли муҳаббат,  
Қон қақшасин, дағ-дағ титрасин тоқат,  
На гуноҳим бор-эй, на гуноҳим бор?



Исроил Субхонов

## КЕЛ, ОҲУЖОН, КЕЛ, ДАРДИМГА ШЕРИККИНАМ БЎЛ

Гулжабининг изтироблари

Исроил Субхонов давра ё гурунларда сукут сақлаб туради. Бу — гапни билмаганидан эмас, балки фаросатидандир.

Унинг шеърлари замирида ҳаракат қилган фикрлар: қадим Бухоро сувроти, ёндирилган китоблар, қум остидаги шаҳарлар, ёддан кўтарилган ҳарфлар... Исроил Субхонов дардига айланган. Ушбу ОБИДАларни шеърларида қайта тикламоқчи. Бу — жасоратидандир.

Шоир — эътиқод одами. Мабодо шоирга эътиқод қўймасангиз, унинг ёзганлари сизга бетаъсир ва сохта бўлиб туюлаверади. Исроилга эътиқод қўйса арзийди. Бу — эътиқодидандир.

Садриддин САЛИМОВ

Оҳ, келди у, боғкўчага келган бу ўша,  
Қўшнаида «Дилхиरोж»ни чалган бу ўша.  
Оҳ, бибижон, ўлибманми уни танитай,  
Бу ўша най, ўша-ўша, менга таниш най —  
Кўпкарида уни ютиб олган, бу ўша.  
Изн беринг, вой, нимадир бу, иби-иби,  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб, «Қизбиби!»  
Сизга айтсам, бибижоним, дилбар аёлсиз,  
Дунёдаги энг ақлли, соҳибжамолсиз,  
Бир умрга остонангиз гардини олай,  
Тегрангизда гир айланиб парвона бўлай,  
Маликаи дилоромим, ўтинчим ёлғиз —  
Изн беринг, вой нимадир бу, иби-иби,  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб, «Қизбиби!»  
Ахир, бу йил ўн еттига кираман тўлиқ,  
Токайгача битта қизга пўписаю дўқ?!  
Ҳамон таъқиб, ҳамон дашном, насиҳат ҳамон,  
Нега энди бобожоним сизни бир замон  
Тулпорида обқочгани эсингизда йўқ?!  
Изн беринг, вой, нимадир бу, иби-иби,  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб «Қизбиби!»  
Юрагингиз муздай қотиб кетганми, ёхуд,  
Нега бунча дилгинамни қийнайсиз, ёху?!  
Қасд қилгандек нимадандир доим норози...  
Вой, бибижон, нечун тинди қўшнаёвози,  
Наҳот, наҳот мени ташлаб кетиб қолди у?!  
Изн беринг, вой, нимадир бу, иби-иби,  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб, «Қизбиби!»...  
Биласизми сизни ёмон, ёмон кўраман,  
Сиз золимни одамларга айтиб бераман!  
Қочинг дейман, яхшилиқча, қочинг йўлимдан,  
Қўйинг мени, э худойим, тутманг қўлимдан!

Ё бўлмаса кўкрагимга пичоқ ураман!  
 Вой, бибижон, атроф нега бунча қоронғу?!  
 Ичим ёниб кетаяпти, дод, ичгинам, сув!..  
 Оҳ, бу нечук садо эрур — адо айлади,  
 Адойи жон адосини садо айлади,  
 Бевафоким бир юракка жафо айлади,  
 Жафо айлаб туриб кимга вафо айлади!  
 Кел, оҳужон, кел, дардимга шериккинам бўл,  
 Улар бўлсам жафосидан, тириккинам бўл!  
 Қўшни қишлоқ томларида ғужғон болалар,  
 Сочганлари сочқи эмас, кўз ёшим бўлар,  
 Наҳот сизга етиб бормас оҳу нолалар?!  
 Кел, оҳужон, кел, дардимга шериккинам бўл,  
 Улар бўлсам жафосидан, тириккинам бўл!  
 Нечундир ой кўринмайдир, ой ҳам йитдими,  
 Қўшни қишлоқ осмонига бориб етдими,  
 Ё уни ҳам ширин сўзлар асир этдими,  
 Теракларим, нега жимсиз, ой ҳам кетдими?!  
 Кел, оҳужон, кел, дардимга шериккинам бўл,  
 Улар бўлсам жафосидан, тириккинам бўл!  
 Пахса уйнинг бўғотига эгилган олма,  
 Мевалари тағларига тўкилган олма,  
 Қўй, қайтадан у кунларни ёдимга солма,  
 Ҳамма кетди, бир сен қолдинг, қатордан қолма!  
 Кел, оҳужон, кел, дардимга шериккинам бўл,  
 Улар бўлсам жафосидан, тириккинам бўл!  
 Кел оҳужон, фақат сенга йўқ эҳтимолим,  
 Фақат сенга юрагимни этурман холи,  
 У ёмон де, у ёмон де, ҳой, айта қол-эй  
 Ва айт: уни муҳаббатнинг тутгай уволи!  
 Бунча ҳуркак бўлмасанг-чи, ела қолсанг-чи,  
 Кел, оҳужон, оҳугинам, кела қолсанг-чи!..

## Абдулла Қодирий

Агар Қодирийнинг ёлғиз тилини  
 Дафн этишсайди бешон, бедоврук.  
 Шул қабр устида ҳурмати учун,  
 Шубҳасиз, кўтарган бўлар эдим туғ.

Бу тилнинг мазаси, ажабланмасдим,  
 Улдириб қўйганда асаларини.  
 Бийрон ўқир экан ҳатто соқовлар,  
 Абдулла Қодирий асарларини.

Ахир, Қодирийнинг ширин тилидан,  
 Тилини тишлаган булбуллар қанча!  
 Бугун улар бари — «Қодирийшунос»,  
 Қолиб кетаверди чаҳ-чаҳлаганча.

Агар юрагингни нокас бандалар  
 Булғаса, ўртаса ва этса ғорат,  
 Қодирийни ўқи — «Ўтган кунлар»у  
 «Меҳробдан чаён», бу — руҳий таҳорат.

Агар миллатимнинг саводи учун  
 Минг йил кераклиги бўлса тўғри гап,  
 Қодирийни билмас миллатлар учун  
 Балки қурмоқ лозим абадий мактаб.

## Боғча мудираси Зулфия Арашева сўзи

Ўттиз икки тиши ҳали чиқмаган,  
Ўттиз икки нафар гўдак — бағримда.  
Олот кенгликлари каби бир Ватан,  
Ўттиз икки буржли фалак — бағримда.


Болалик фаслининг ўзи бир умр,  
Бунда ҳар не азиз, ҳар не муқаддас.  
Уни асрамоққа айлаган масъул,  
Табиатнинг ўзи, йўқ, биров эмас.

Ҳали йиғлаб келар «ўн иккинчи бурж»,  
Ҳали «туманликлар» тарқалмаган деб.  
Ҳали «Муштарий»дан «Зухал» олар ўч,  
Ҳали «Сомон йўли» анча бетартиб.

Қайда қолди ул тонг юлдузи — «Чўлпон»,  
Ё қувиб солдими урушқоқ «Миррих».  
Фалак ҳасратини, дардини қачон  
«Қизил китоби»га ёзар муаррих?!

Коинот, ўтиниб сўрайман, жим бўл,  
Бир нафас ором ол, бунча дийдиё!  
Асаблар бошқара олмайдиган феъл —  
Кел, энди этайлик муроса, дунё!

Мана улуш — ҳар ким ҳаққини олиб  
Ва ҳар ким ўзича тушаверсин рақс.  
Фақат бунда ҳар ким ҳаддини билиб  
Менинг борлигимни унутмаса бас.



Худойберди Тўхтабоев

## МУНГЛИ КЎЗЛАР

Езувчи навбатдаги романига «Мунгли кўзлар» деб ном бериши бежиз эмас. Бола учун энг бебаҳо бойлик, ота-она тўплаган моддий бойлик эмас, балки уларнинг дийдори, илиқ нафасидир. Бола учун ота-онани тирик ва саломат кўришдан улўғ бахт йўқ. Романда болалар бахтсизлигининг бош сабаби молпараст ота-она эканлиги бадий таҳлил қилинади. Қуйида шу асардан боблар ўқийсиз.

Туни билан ухлай олмадим. Кўзим илинди дегунча хобимда ё дадажонимни, ё ойимни кўраман. Ойижонимнинг сочлари тўзғиган, кўйлаклари йиртилган, кўзи тўла ёш. Икки кўлини чўзганча фарёд чекиб, биз томон талпиняпти. Укаларим билан биз ҳам талпинамиз. Етай-етай деганда оёғимиз остидаги ер ёрилади-да, орқага кета бошлаймиз. Ер парчаси яна бирлашади. Дод-фарёд чекиб яна бир-биримизга талпинамиз. Яқинлашай деганда яна ер ёрилади...

— Ойижон! — дея бақириб юбораман.

Чиндан ҳам бақирган эканман. Овозимдан уйғониб кетдим. Кўзимни йириб-йиртиб атрофга қарадим. Нигора ўтириб олиб пиқ-пиқ йиғлаяпти.

— Нега йиғлайсан? — дедим ичим ачишиб.

— Кўрқяпман, — деди синглим ҳиқиллаб.

— Кўрқма, ёнингда мен борман.

— Кўрқмай десам ҳам кўрқиб кетяпман.

— Ухламадингми?

— Уйқум келмаяпти.

— Нега?

— Ухласам кўзимга ойижоним кўриняпти. Бирам йиғлаяптики...

— Мен ҳам ҳозиргина кўрдим.

— Ака, акажон, юринг, ҳозироқ ўша қамоқхонага борамиз. Ёлворсак олдига кўяр, жон ака...

— Кўйишмайди. Кел, яхшиси, менинг ёнимга ўта қол. Сочларингни силаб қўяман. Ойижоним силарди-ку, ўшанақа қилиб силайман.

— Барибир ухлагани кўрқаман. Ойижоним тушимга кириб яна йиғлайди. Йиғлаганига ҳечам чидай олмаяпман. Ака, ойижоним ҳозир қаерда ётган экан?

— Билмадим.

— Тиканли сим устига ётқизишган бўлса-чи?

— Нега ундай дейсан?

— Қизлар айтяпти. Тергов тугагунча айбдорни тиканли сим устига ётқизишармиш. Саволига жавоб бермаса, товонини ёриб туз сепишармиш.

— Ёлғон.

— Илойим ёлғон бўлсин, яна бир марта ёлғон денг.

— Ёлғон, ёлғон, ёлғон! Бўлдими, кел энди, ёнимга ўта қол, сочингни силаб қўяман.

Нигора кўпинча ойижоним билан ётарди. Гоҳо ёлғиз бўлса-да, ярим тунда кўрқ-япман деб яна ёнига ўтиб олар, бундай пайтларда ойижоним унинг бошини юмшоқ-юмшоқ силаб, эркалаб ухлатарди.

Синглим ёнимга ўтди.

Зуфар бошини кўтарди:

— Ҳамма гапларингни эшитиб ётибман, — деб қўйди.

— Эшитиб ётган бўлсанг, энди ухла.

— Уйқум келмаяпти-да.

— Юзгача санасанг ухлаб қоласан.

— Битта гап сўрамоқчиман. Ростини айт, «Волга»ни бировга бермоқчимисизлар?

— Қаёқдан топдинг бу гапни?

— Анови кунни ойим билан пичирлашаётганларингда эшитиб қолдим.

— Бордию, дадамни қутқариш учун керак бўлса-чи?

— «Волга» қутқарадими?

— Қутқаради.

— Мен ҳеч нарса билмайман. Машина меники, тамом-вассалом. Дадам уни менга атаб олган. Уз оғзи билан айтган...

— Бўпти, ухла энди.

Бироздан сўнг синглим ҳам, укам ҳам пишиллаб ухлай бошлади. Фикрларим тарқоқ, нима ҳақида ўйламай, охирини йўқотиб қўявердим.

— Уйғоқмисан? — сўраб қолди бир маҳал Барно холам.

— Сизнинг ҳам уйқунгиз келмаяптими? — дея секин бошимни кўтардим.

— Э, жияним, уйқу қаёқда дейсан. Бу ташвишлар одамни ухлатадими. Акамни қарагин. Акамдек ҳушёр одам ҳам қўлга тушиб ўтирса-я!

— Демак, милиция тоғамдан ҳам ҳушёрроқ экан-да.

— Шунақага ўхшайди... Менга қара, Зафаржон, опамнинг тақинчоқларини Қозихолага нега бериб юбордиларинг?

— Узи айтди-да, менда турса бежавотир бўлади, деб.

— Шу аёлга ҳеч ишонмайман.

— Ойим яхши кўради уни, бирга гап ўйнашган.

— Опагинам ундан, ўша даҳшатли хотиндан кўрқарди. Бир кунмас-бир кун бошимга етади, деб айтарди. Назаримда, кўрққанидан ҳам унга ўзини дўст деб кўрсатиб юрарди. Майли, бўлари бўпти. Эртадан қолдирмай тақинчоқларни олгин. Опагинам шуни илтимос қилди мендан. Ўзим сақлаб бераман.

— Яхши, — дедим эснова аралаш. — Эртадан қолдирмай албатта оламан.

Холам ҳам чўзиб бир эснадию, жим бўлиб қолди. Яна ўй суриб кетдим. Энди, негадир, фикрларим тиниқ, кундек равшан эди. Писмиқ поччамнинг Атоулла муаллим ҳақида айтган қалампирдек ачиқ гаплари ёдимга тушди. Чиндан ҳам бизнинг устимиздан ўша ёзган бўлиши мумкин, деб ўйладим. Ахир, илгари ҳам ёзиб, текинхўрдан олиб, текинхўрга солган, юзимизга қора чапламоқчи бўлган-ку? Муаллим қилғиликни қилиб қўйиб, виждони азобда қолган. Элу юрт олдида ўзини оқлаб олмоқчи. Шу мақсадни кўзлаб бизга ёрдам бермоқчи у... Биз ҳозир ёрдамга жуда муҳтожмиз; дўстдан ҳам, душмандан ҳам кутамиз уни.

Ухлаб қолдим. Кеч ётганим учунми, кеч уйғонибман. Кун чиқай-чиқай деб қопти. Нонуштани айвонга ҳозирлашибди. Атоулла муаллим қаттиқ-қаттиқ гапиряпти:

— Шунақа, Барнобону, энди қовоқ-тумшуқ қилиб ўтирмайлик. Уртамизда нимаики бўлса унутайлик. Мен ҳозир шу болалар учун ҳаммасини кечираман. Оқшом эрингиз менга ўринсиз пичинг қилди. Майли, бунақа пайтда пичинглар ҳам бўп туради. Бу дунё ўзи шунақа, хато қиламиз — тузатамиз, яна қиламиз — яна тузатамиз. Қабрга боргунча аҳвол шу. Одамлар бир-бирини кечириб яшаши керак, бўлмаса ҳаёт заҳар-заққумдангина иборат бўлиб қолади... Сизларни бир меҳмон қилай деб, саҳарлаб қаймоқ бозорига тушдим. Нонни ҳам таниш новвойдан олдим.

Бир нафасдан сўнг Барно холамнинг болаларигача ҳаммамиз дастурхон атрофида ўтирдик. Қаймоқ чиндан ҳам лаззатли, седана сепилган обинон қизариб пишган экан, ҳузур қилдик. Икки кўзим акамда. Хайрият, чеҳраси очиқ, юзу кўзидаги ғаму андуҳларини туни билан муаллим сидириб олибди. Бир нафас бўлса ҳам кулишиб, қақчақлашиб олдик.

Атоулла Исаевич редакция номига ёзган хатини баланд овоз билан ўқиб берди. Остига акам, мен, Зуфар, Нигора — тўрттовимиз имзо чекдик.

— Зафаржон, энди отлаң, болам, — деди муаллим ўрнидан тураётиб. — Ишимиз ўнгидан келиб эртaroқ қайтсак, тоққа жўнаймиз, «Жигули»нинг бир кунлик ҳақини тўлаб қўйганман.



Шаҳримизда чиқадаган «Меҳнат байроғи» газетаси идораси ёнидан кўп ўтганман. Бинонинг ичига кирмаганман холос. Умуман, менинг газеталар ҳақида тасаввурим озроқ. «Ленин учқуни»дан бошқасини ўқимаганман. «Ёш ленинчи»га мактабимизда мажбуран ёздиршиган-у, газета гоҳ қўлимга тегади, гоҳ тегмайди. Акам ўқийди. Иккинчи қаватга кўтарилаётганимизда муаллим, бош редактор ўзимнинг ўқувчим, мухбирликка ҳам ўзим ўрғатганман, тортинма, дадилроқ қадам ташла, деб қўйди. Тортинаётганим йўқ. Аланглаб, ғишт зиналар, ёнбош тушган эшикларга кўз ташлаётган эдим. Устига титилиб кетган чарм қопланган эшик олдига етганда, бордию ишимиз битмаса-чи, деган ваҳимали фикр ўтди бошимдан. Ҳаяжонлана бошладим.

Бош редактор яхши кутиб олди. Урта бўй, лўппи юзли, истараси иссиққина экан. Худди кутилмаган бахт олдида тўсатдан довдираб қолгандек, «ие-ие»лаб ўрнидан туриб, калта қўлларини кенг ёзиб муаллим билан кучоқлашиб кўришди. Кўришаётганда, оббо сиз-эй, оббо устоз-эй, бизни мана шунақанги қийин ишларга рағбатлантириб қўйиб, энди томошамизни кўргани келибсиз-да, деган гапларни ҳам айтди.

Ниҳоят ўтирдик.

— Гапни чўзмайлик, — деди Атоулла Исаевич. — Илтимос билан келдим.

— Бош устига, — қўлини кўксига қўйди редактор.

— Саиджон Каримовлар воқеасини эшитгандирсан?

— Эшитмай-чи, устоз, бутун, шаҳарда шов-шув-ку. Лекин ўзлариям жа кетворган экан-да. Етти кило тилла чиққан эмиш, дейишяпти.

Ёлғон, деган фикр ўтди бошимдан, бор-йўғи эллик икки дона тилла танга эди холос.

— Бу йигитча ўша Саидовнинг ўғли бўлади.

— Ие, ананини қаранг! Бундан йигирма йил олдин мени ҳам худди шу йигитчадек мана шу хонага етаклаб келганимизни ўйлаб турувдим. Истаган пайтингизда бемалол, ука. Бирор нарса ёзиб келдингизми ўзи?

— Йўқ, болам, биз бошқа иш билан келдик. Бу бечораларга ёрдам бериш керак.

Атоулла Исаевич, гапни қисқа қилайлик, деган эди, аксинча, чўзилиб кетди. «Нима бўлганда ҳам болалар руҳан майиб бўлмаслиги керак. Кейин тузатиш қийин. Характерида иллати бор болаларни қайта тарбиялагандан кўра, шу иллатни туғдирадиган ша-роит юзага келишига йўл қўймаслик керак...» Муаллим шунга ўхшаш гапларни айтди. Мен редакторнинг кўзларини пойлаб турардим, қорачиғи гоҳ қисқариб, гоҳ кенгаярди.

— Акаси ўзини осиб қўйди, дедингизми? — сўради редактор.

— Ешлигига борди-да.

— Тўғри айтасиз, устоз, тан азобидан руҳий азоб оғирроқ бўлади, уни ҳамма ҳам кўтаролмайди, майиб бўп қолиши мумкин. Майиб бўлиб ўсаётган болалар озми ҳозир? Баъзи бир ота-оналарга ҳайронсан, болага унинг бойлиги эмас, илиқ нафаси, меҳри, қалб ҳарорати кераклигини тушунишмайди. Қорни тўқ, усти бут, остида машина, номида участка бўлса бас, дейишади. Лекин, билишмайдики, худди шу пайтда бола маънавий жиҳатдан тубанлаша бошлайди. Маънавий жиҳатдан тубан ўсаётган болалар озми? Устоз, очиқ айтганим учун хафа бўлманг, бошқа шаҳарларда қандайлигини билмайман, лекин бизнинг шаҳар аҳли, менинг кузатишимча, сўнги йилларда маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб боряпти. Молу дунёга ружу қилиш, шону шуҳратга интилиб мукофот таллашишлар, амалпарастлик... Э, қай бирини айтаман. Шунчаки тўлиб турувдим-да. Раҳбарларни айтмайсизми, ҳар битта фельетон учун бюрода жавоб беряпман. Товба, иллатларни очишдан нега қўрқишар экан?..

— Менинг давримда ҳамма нарса яхши бўляпти, дегилари келади-да.

— Ҳа, майли, бу бошқа масала, Кечирасиз-у, бу укамлар масаласида нега тўппа-тўғри прокурорга бормадингиз?

— Ўша ёққа боришимиз керакмиди?

— Менимча, яхши бўларди.

— Болам, яхши бўлишини ўзим ҳам биламан. Лекин газета — ҳақиқат ҳимоячиси. Менинг илтимосим — болаларни сақлаб қолиш масаласи — ҳақиқат. Редакция ҳам ўз овозини менинг овозимга қўшса, бу ҳақиқат яна кучаяди. Энди тушунгандирсан?

— Тушуниб турибман.

— Тушунган бўлсанг ҳаракатингни бошла. Эсингдами ўқувчилигингда қулоғингни кўп чўзардим. Гапимга кирмасанг бугун яна чўзаман.

Редактор кулиб ўрнидан туриб кетди.

— Буни қаранг, — деди чап қўли билан қулоғини кўрсатиб. — Чиндан ҳам мени шалпангқулоқ қилиб қўйгансиз. Лекин, устоз, чўзганингиз ҳам яхши бўлган экан, хурсандман. Раҳматли дадам, шу муаллимнинг ажойиб-да, бола деса ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлайди, этагини маҳкам ушла, дерди.

— Мен, Одилхон болам, мақтаниш учун эмас, мавриди келиб қолгани учун айтай, сизлардақанги ёшлик палламда педагог бўламану, баайни Янош Корчакнинг йўлини тутаман, деб қасам ичганман.

— Янош Корчак?.. Эшитмаган эканман.

— Пайти билан унинг кимлигини сенга айтиб берарман. Тезроқ прокурорга телефон қил, гапимиз чўзилиб кетди, болам.

Хайрият, амалий ишга ўтадиган бўлишди. Бир-бирини мақтаб вақт ўтказишдан нима фойда, қаёқдаги Корчакларнинг шу пайтда нима кераги бор. У ёқда ойим билан дадам кўзларини мўлтиллаб ўтиришибди-ю...

Редактор, менинг назаримда, шаҳарнинг энг буюк, энг қудратли, бир оғиз сўзи билан кишилар тақдирини ҳал қилиб ташлайдиган прокурори билан суҳбатда ўзини эркин тутарди. Гап орасида ҳазиллар ишлатиб, гоҳо кулиб, гоҳо стол устидаги бизнинг аризамиздан парчалар ўқиб бериб гаплашарди. Ниҳоят, телефон трубкасини ўрнига қўйиб кулумсиради:

— Саид Каримовлар оиласининг жинояти гоят оғир, деяпти. Ҳозирча ҳеч кимнинг аралашига ҳаққи йўқ эмиш.

— Ана холос, — Атоулла муаллим умидсиз қўл силтади.

— Қани, келаверишсин-чи, деяпти.

— Худди шундоқ дедими, ахир?

— Ҳа, худди шундай деди.

— Ана кўрдингми, Одил болам, сенгаки, шаҳар газетасининг редакторига, бюро аъзосига шундай дегандан кейин, бизга ўхшаган хашаки кишилар... Редакциянинг аралашгани яхши бўлди. Хўп, биз бордик бўлмаса.

Прокуратура идораси редакциядан тўрт ҳовли нарида, пишиқ ғиштдан ишланган, девори шўрлаб оқариб кетган, бир қаватли, пастаккина бинога жойлашган экан. Коридори ҳам одамнинг дилини ғаш қиладиган даражада қоронғи, қабулхонаси ҳам хийла хароб, стол-стуллари эски. Прокурор Ибодов ёшгина, нари борса ўттизларда, қотма, қовоғи солиқ. Кўзига кўзим тушиши билан этларим жунжикиб кетди. Хўмрайиб кутиб олди. Бир нарса ўқиётган экан, қўли билан ўтиришга ишора қилиб, ўшани ўқишда давом этаверди. Анчадан кейин қоғозни жаҳл билан нари суриб:

— Эшитаман, — деди худди ҳозир икковингни ҳам қамаб қўяман, дегандек бир оҳангда.

— Шу... Одил Раҳимов айтган гап, — тортиниброқ деди Атоулла Исаевич.

— Бу йигитча ўшаларнинг ўғлими?

— Ҳа, яна уч фарзанди бор.

— Кеча шу йигитча ўзини осганмиди?

— Йўқ, бунинг акиси. Ўзи мажруҳ, икки оёғи ишламайди у бечоранинг.

Прокурор ўрнидан турди, жуда новча экан. Ёш одам ҳам қотма, ҳам новча бўлса хунук кўринаркан. Гавдага яраша гўшту, қорин ҳам бўлгани яхши экан, деган фикр ўтди бошимдан.

— Исм-шарифингиз? — худди тергов қилаётгандек қаттиқ тикилиб сўради прокурор.

Атоулла муаллим ёшига ярашмайдиган бир чаққонлик билан шошилиб ўрнидан турди. Мен ҳам, худди ток ургандек, сакраб туриб кетдим.

— Йўқ, сизлар ўтиринглар.

— Исмим — Атоулла, фамилиям — Исаев.

— Демак Отелло денг?

— Йўқ, Атоулла.

— Отелло сўзи шу арабча Атоулла, яъни худо берди деган сўзнинг инглизча талаффузи. Отелло, аслида ҳабаш бўлган, тўғрими?

— Ҳа-ҳа, тўғри бўлса керак.

— Атоулла Исаевич, мен юртингизда янгиман. Бир ойча бўлди ишга тушганимга. Аввал Ленинградда эдим. Терговчи бўлиб ишлаганман. Сизни республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деб, менга Одилжон ҳозиргина таништирди. Демак, зиёли одамсиз. Бир-биримизни тушунамиз, деб ўйлайман. Ҳар куни ўнлаб одамларни суҳбатга чақириб, шаҳар психологиясини ўрганапман. Одамлар бу ерда прокурор деса албатта қамайди, албатта жавобгарликка тортади, деб ўйлашаркан. Янглишмасам, сиз ҳам шу фикрда-сиз. Хато қиласиз. Қонунларимиз асосига жамият ва давлат манфаати олинган. Жамият эса якка шахслардан, оилалардан ташкил топади. Ё мен хато гапиряпманми? Демак, қонунларимизда энг аввал мана шу — якка шахслар ва оилаларнинг ҳақ ва ҳуқуқи назарда тутилган. Сиз, бир педагог сифатида, жамият ва давлат манфаатини тушунадиган, унга зарар етказмайдиган ҳар томонлама мукамал шахсларни тарбиялаш билан шуғулланасиз, шундайми? Биз қонуншунослар эса ана шу мукамал шахс ва давлатнинг ҳақ ва ҳуқуқини ҳимоя қиламиз. Илтимосингизнинг менга маъқул томони — болаларни руҳан майиб бўлиб қолишдан сақлаш. Редактор менга шундай деб тушунтирди. Маъқул, маъқул гап! Қани энди бошқа педагоглар ҳам ўз тарбиясидаги ўқувчилари учун ана шунақа жон куйдиришса...

Қовоғи солиқ прокурор Ибодовнинг мен тушунган, тушунмаган, аллақачон зериктириб, эснатиб ҳам қўйган узоқ суҳбатининг якуни шу бўлдики, биз, яъни, тирик етимчалар, ҳибсда ётган онамизни судгача очиқда туришини сўраб шаҳар прокурори номига ариза ёзамиз. Судгача қочиб кетмайди, деган маънода икки депутатдан кафолат хати,

махалла комитети, ойижонимнинг ишхонасидан характеристика ҳам келтиришимиз шарт. Ана шуларни жамлаб топширсак, кейин ўртоқ прокурор уёғини ўйлаб кўраркан...

— Гап кўп, кўмир оз, — деди Атоулла Исаевич ташқарига чиққач. — Лекин, болагинам, умидсиз бўлиш ярамайди. Ҳозироқ енг шимариб ишга киришамиз.

\* \* \*

Ўз ота-онангни, сенга оқ сут бериб ювиб-тараган, опичлаб катта қилган меҳрибон кишиларингни кўз ўнгингда бировлар ёмонлаб, юзига лой чаплаб турса чидай олмас экансан. Қийналиб кетдим, ўлай агар ер ёрилса ерга кириб кетган бўлардим. Акам ўрнида мен ўзимни оссам бўлар экан, деган фикрга ҳам бордим. Бечора акагинам, ору номусдан, одамлар кўзига қарай олмаганидан осган экан ўзини. Кишилар кўзидаги нафрат, ажаб бўлди, деётгандек хунук тикилишлар... Йўқ, чидай олмайман. Миш-мишларни айтмайсизми, Саид Каримовлар уйдан етти кило тилла, нақд пулнинг ўзидан уч юз минг чиққан эмиш. Тилла заёмни эса уч кун санашганмиш... Ёлғон, ҳаммаси ёлғон! Ахир, бундай бўлмаган-ку, воқеанинг тепасида ўзим турганман-ку!..

Зарур ҳужжатларнинг ярмини йиғиш осон кўчди. Ярмини йиғишга эса нақд уч кун кетди. Ойижоним гоҳ ишлаб, гоҳ ишламасди. Ишламаса ҳам номи рўйхатда бор, пулини мудира олиб юрарди. Мудира опам Атоулла Исаев иккимизни қонимизга ташна қилиб юборди.

— Характеристика! Қанақа характеристика? — деб ўзини гўлликка солиб туриб олди.

— Характеристикани билмайсизми? — Атоулла муаллимнинг оқ оралаган қуюқ қошлари чимирилиб, пешонасида тугунча пайдо бўлди.

— Товба, — деди мудира ҳам янги терилган ингичка қошларини ғалати чимириб.

— Товбангизни қўйинг, — деди муаллим. Кейин кеча прокуратурада бўлган гапларни қайтадан такрорлаб, прокурор болам ёмон одамга ўхшамайди, деб қўшиб ҳам қўйди.

— Ёқутхон болаларини илгарироқ ўйласин эди, — яна жеркиб ташлади мудира.

— Энди бўлар иш бўлди.

— Мени аралаштирманг бу ишларга. Судга қатнашга вақтим йўқ.

— Сизни ҳеч ким судга чақирмайди.

— Атоулла Исаевич, мени тинч қўйинг.

— Ахир сиз мудирасиз, Ёқутхоннинг раҳбарисиз.

— Мудира бўлсам нима бўпти?

— Ходимингиз бошига ташвиш тушганда, мудира сифатида бирон фикр айтишингиз шарт.

— Қандай фикр айтишим керак экан?

— Ё яхши деб, ё ёмон деб, ахир ходими қамалиб қолганда раҳбар қўл қовуштириб ўтирмайди-ку!

— Менда, муаллимжон, ҳеч қандай фикр йўқ.

— Бўлмаса, менда ҳеч қандай фикр йўқ, деб ёзиб беринг.

— Уртада туриб берганингиз учун мўмай пулни сиз олинг, балосига мени рўпара қилмоқчимисиз? Мен бир бева аёлман, бошимда эркагим йўқ. Унақа ишларга аралаштирманг мени.

— Мен қанақа мўмай пул олар эканман?

— Бекорга ҳаллослаб юрмагандирсиз, ахир?!

— Мен бу болаларга ачиниб юрибман деяпман, қанақа хотинсиз?!

— Биламиз, сиздақаларнинг қанақа ачинишини. Ёқутхон билан Саиджон акамнинг тиллосидан хомталашда уч-тўрт танга олиб қолай деб чопиб юрганингизни ҳам биламиз.

Атоулла Исаевич тепиниб ўрнидан туриб кетди. Мен ҳам туриб олдим. Негадир оёқ-қўлим қалтирай бошлади. Эҳтимол, ёлғон сўзни эшитганим учундир, эҳтимол, муаллим бизни деб тўхматга қолаётгани учундир. Мудира кўзимга хунук кўриниб кетди. Югуриб бориб томоғидан бўғиб олгим келди.

— Хайриятки, менда ўқимагансан, — қалтираб деди муаллим. — Агар ўқувчим бўлганингда ҳозир тилингни суғуриб олардим.

— Сенламанг мени!

— Суғуриб олардим-да, итга ташлардим.

— Дўқингизни мактабингизга бориб қиласиз.

— Тўхматингни қайтариб ол, ҳозир.

— Ҳеҳ, қайтариб олармишман. Яқингинада, набирамни боқчанга оласан деб, ёлвориб юрувдилару, энди тиллари бир қарич бўп қопди. Хизмат кўрсатган бўлсангиз ўзингизга. Берган олтига гул твагингизни таъна қилиб келган бўлсангиз, ола қолинг ўша гаршокдан баттар тувақларингизни.

— Тўхматингни қайтиб ол, деяпман!

— Қайтиб олмасам-чи?

- Жинойтларингни очиб, сениям судга тортаман.
- Вой-вой, кўрқитиб юбордингиз-ку, вой, энди нима қилдим-а?
- Тўхматингни қайтиб олмайсанми?
- Хўп, ана, қайтиб олдим. Лекин, билиб қўйинг, характеристика бермайман.
- Нега бермайсан, нима сабабдан бермайсан?
- Сенламанг деяпман.

— Энди сени ҳеч қачон сизламайман. Сенлашга ҳам арзимас экансан. Ходими бошига ташвиш тушганда ўзини панага олиб қочган раҳбар, сенлашга ҳам арзимади... Ҳозир ёзасан!

— Ёз-май-ман! Мен у хотинни танитайман ҳам, кўрган ҳам эмасман.

— У-ў, меҳрсиз, шафқатсиз аёл экансан. Сендан тарбиячи чиқмайди. Сенга гўдакларни ишониб топшириб қўйиш катта хато бўларкан. Прокурор Ибодов сендан ўн чандон аёло одам экан. Йўқ, сен энди бу ерда ишламаслигинг керак. Ҳаққинг йўқ! Бу масалани эртагаёқ газетада кўтариб чиқаман. Эҳтимолки, Ёқутхон кўшнимга ўхшаганларни жинойт йўлига бошлаганлар ҳам сенлар бўлиб чиқарсан. Сен, мудира, у кўпинча ишламаса ҳам ҳақ ёзиб келгансан, пулини арра қилгансанлар. Мана сенинг жинойтинг, очиб ташлайман энди.

— Мудира опам оймга тегишли маошнинг ҳаммасини оларди, — деган гап оғзимдан чиқиб кетди.

Муаллим ялт этиб менга қаради:

— Нима дединг?!

— Ойижоним ведомостга қўл қўярди холос.

— Ана жинойту, мана жинойт. Йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди. Зафаржон, кетдик, болам. Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осишади. Бу хонимнинг ҳам жазосини бериб қўядиган пайтлар кеб қолар. Прокурор Ибодов бунақаларни тинч қўймайди. Ҳозироқ бориб ҳаммасини айтамыз.

Орқама-кетин эшик томон йўналаётган эдик, мудира ирғиб ўрнидан турди-да, ҳал-лослаб келиб эшикка кўндаланг бўлди:

— Тўхтанглар.

— Тўсма йўлни, — ер тепинди Атоулла Исаевич.

— Домлажон, қизишиб кетдик. Айб икковимиздан ҳам ўтди. Ўзингиз ҳам гапингизни силлиқина қилиб айтамадингиз-да. Ахир мен аёл киши бўлсам...

— Йўқ, бу гапларингни энди бориб прокурорга айтасан!

Мудира опа хўнграб йиғлаб юборса бўладими! Нега йиғлар экан, ёки ойижонимга, ахир у қадрдоним бўларди-ку, деб тўсатдан ачиниб қолдимикан? Ачинганидан йиғлаб юбордимикан?

— Ахир, муаллимжон, менинг ҳам беш болам бор, — йиғлаб туриб олди мудира.

— Боланг бўлса яхши тарбияла, одам қил уларни. Лекин йўлимизни тўсма.

— Тўхтанг, қанақа характеристика керак эди?

— Энди ҳожати йўқ. Жинойтчининг жинойтчиға берган характеристикаси нима бўларди?

— Зафаржон, сен айтгин, ўғлим, муаллимга тушунтиргин. Мен қизишиб кетдим. Хато қилдим шекилли. Майли, тўхтанг, мақтов қоғоз ҳам бор. Ушандан ҳам биттасини тўлдириб бераман...

Атоулла Исаевич мудирани нари суриб, шиддат билан ташқарига чиқиб кетди. Орқасидан мен ҳам отилдим. Анчагача жим кетдик. Тайёр характеристика билан мақтов қоғозини олмаганимиз алам қияпти. Ҳамма пулни мудиранинг ўзи олади, деб айтмасам бўларкан. Тилимни тийганимда муаллим бунчалик портлаб кетмаган бўларди.

— Жинойт устига жинойт! — деди Атоулла Исаев ўзига-ўзи гапиргандек.

Жавоб қайтармадим.

— Яхшилик ҳам она товуққа ўхшаб туғади, — яна ўзига-ўзи гапира бошлади муаллим. — Жинойт ҳам заҳарли илонга ўхшаб кўпаяверади, унга қарши курашадиганлар уясини тополмайдилар. Товба, боғчада ҳам, магазинда ҳам, базада ҳам бор экан-а, бу жинойтнинг уяси. Нега энди курашяпман деб, шаҳарнинг ярим раҳбари кўкрагига уради.

— Менга гапиряпсизми? — сўрадим жим кетаверишга уялиб.

Атоулла Исаевич тўхтаб, ожизгина жилмайди:

— Сенга гапиргандан нима фойда, болам?

— Энди нима қиламиз?

— Бу имонсиз характеристика берганда ўшани депутатларга кўрсатсак ишимиз осонроқ кўчарди-да.

— Ўзингиз йўқ дедингиз-ку?

— Ўзи нопок экану, унинг ёзганини қайси юз билан мўътабар идорага олиб борамиз. Қаллоблик бугун очилмаса эртага фош бўлади, болам. Яхшиси, маҳаллага борайлик. Раис ёмон одаммас. Уқимишли, фозил киши.

Идора очик экан. Раисимиз яхши кутиб олди. Атоулла муаллимни қўярда-қўймай юқорига, ўзининг раислик курсисига ўтказди. Сиздек мўътабар одам пойгадаю, мен юқорида ўтирсам маҳаллага қайси юз билан қарайман, деди. Нима мақсадда

келганимизни эшитиб ўзида йўқ севиниб кетгандек бўлди. О, сиз ўзи ажойиб одам-сиз-да, қаердаки мажлис ўтказмай, ҳамини сизни мисол қилиб кўрсатаман, деб қўшим-ча ҳам қилиб қўйди.

— Гуллардан ўстириб турибсизми? — сўради энг охирида.

— Баҳоли кўдрат, — деди муаллим.

— Мана бу идорамизга беминнат қилган совғаларингизни қаранг. Қирган одамнинг дили яйрайди-я! Гул бир дунё, туваклардаги безаги бир дунё. Офарин! Агар қўлимдан келганда, хизмат кўрсатган деган яна битта унвон бериб юборардим, сизга. Оҳ, қандай соз бўларди-я! Энди, Атоулла Исаевич, маҳалла комитети номидан ёзиладиган илтимоснома масаласига келадиган бўлсак, мен уни беролмайман. Тўғри, болаларга ачинаман, лекин прокуратурадан ёзма равишда сўров қоғози келтирмагунингизча беролмайман.

— Кўзини мўлтиллаб турган мана бу болаларга наҳотки ачинмасангиз? Ахир Саиджон менинг эмас, сизнинг улфатингиз бўларди-ку?

— Э, Атоулла Исаевич, замоннинг қанақалигини кўриб турибсиз-ку.

— Қосимжон, айбни замонга тўнқамайлик. Бунақанги адолатли замон боболаримизнинг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган.

— Мунозарани бас қиламиз, — Қосим Дадаевич ўрнидан туриб ташқарига йўналди. — Болаларга ачинаётган бўлсангиз мактабга бора қолинг. Тарбия билан муаллимлар шуғулланишади.

— Саиджон билан биргалашиб курортларга борардингиз-а?

Қосим Дадаевич эшикни қарсиллатиб ёпганча ташқарига чиқиб кетди. Бирпас кутдик, яна кутдик — йўқ. Келди-кетди кўпайиб, биздан нуқул раисни сўрашади денг.

— Номард! — деди ниҳоят Атоулла Исаевич ўрнидан туриб. — Тўхта, ўтирадиган ўрнига бир тупурай, бўлмаса аламимдан чиқмайман. Тфу, тфу!

Атоулла муаллим ташқарига чиққунимизча раиснинг ўрнига туфлаб борди. Қўрқиб кетдим. Биз туфайли икки даргоҳдан ҳақорат эшитган муаллим, энди илтимоснома сўраб бошқа жойга бормай қўйиши мумкин эди. Акам, укаларим, бутун қариндош-уруғларимиз мана шу илтимосномага умид боғлаб ўтиришибди. Шу умид чироқ бўлиб, ғуссага тўлган қалбимизни ёритиб тургандек эди. Дадам ҳақ экан-да, ойижоним рост айтган экан-да, қоғозга ўраб бирор нарса узатмагунча, бизнинг шаҳарда иш битириб бўлмас экан-да!

Вужудимни қамраб олган умидсизлик зўрайди. Уёғи қандай бўлади, деган қора ваҳима аслида кеча кечкурун бошланганди. Аёллар номидан илтимоснома ёзиб беришларини сўраб, ойижонимнинг улфатдаги дугоналариникига ҳам бирма-бир бориб келганмиз. Биронтасидан ёруғлик чиқмовди. Ҳатто бир хиллари қўрқиб ҳам кетишди. Эшикларини ҳам очишмади. Нега, нега бундай қилишади а? Ахир бақбақали бўйинларидоги марваридларни, қулоқларидаги бриллиант кўзли сирғалар, оппоқ билакларини сиқиб турган бежамдор сариқ олтинларни уларга ойижоним топган, ҳеч бўлмаса софлигини билиб берган-ку! Ишлари тушганда хоним-хоним дейишиб, бошимиз ташвишда қолганда нега энди чеккага қочишди экан?..

— Нималарни ўйлаб кетяпсан? — сўради Атоулла муаллим автобусдан тушаётганимизда.

— Ўзим шундай, — дедим чайналиб.

— Э, болам, ортиқча ўйларга берилма. Ўй билан иш битадиган бўлса, ҳамма уйига ўтириб олиб, эртаю кеч хаёл сурган бўларди. Ҳаракат қилиш керак, ҳаракат!

— Ҳозир қаёққа кетяпмиз ўзи?

— Депутатникига. Танишим. Аслида ишни ўшандан бошламоғимиз керак эди-я, лекин бунисиям чакки бўлмади, сабоқ олдик. Бир умрга етадиган сабоқ бўлди бу. Одамнинг кимлигини ишинг тушганда биласан. Қовоғингни солинтирма, шаҳримизда яхши одамлар кўп, мана кўрасан.

Ўзбек мактабларида рус тилидан дарс берадиган аёлникига бораётган эканмиз. Атоулла муаллим бундан йигирма йилларча олдин ўша аёл билан бир мактабда ишлаган экан. Оти Маргарита, фамилияси Маркова. Ўзи ҳозир шаҳар Советининг депутати экан. Исми дарров эсимда қолди. Лутфи холам маргаринни кўп ишлатар, магазинга мени югуртирар эди. Депутат опам ошқовоқдек ғўппа семиз бир аёл экан. Назаримда, уйдан юриб эмас, думалаб чиққандек бўлди. Эгнида сариқ атлас кўйлак, бўйни тўла оқ шода маржон.

— Ие, ие, қанақа меҳмон келяпти ўзи? — деди ўзбекчалаб.

Ҳовлидаги ток баланд кўтарилган, остига стол-стуллар қўйилган экан. Ўша ерда ўтирдик.

— Ишимиз тушганда сизни соғиниб қоламиз-да, — деди Атоулла муаллим.

Сухбатга тушиб кетишди. Ҳозирги болалар илмга мутлақо қизиқишмас эмиш. Тарбияси бузилаётган эмиш. Кўпчилиги тайёрга айёр эмиш. Гоҳ ўзбекчалаб, гоҳ русчалаб гаплашишди. Бетоқатлана бошладим. Турдим, ўтирдим, ҳовлида мўъжазгина фонтан бор экан. Суви кўзёшидек аранг мўлтиллаб чиқяпти. Ёнига бориб анча томоша қилган бўлдим. Бир маҳал, бола ота-онанинг жинояти туфайли майиб бўлмаслиги керак,

ҳақ гапни айтяпсиз, уларнинг тақдири учун сиз билан биз курашмасак, менинг депутатлигим, сизнинг хизмат кўрсатган деган шарафли унвонингизнинг кимга кераги бор, деган гаплар қулоғимга чалиниб қолди.

Шошилиб олдиларига бордим.

— Ҳарқалай, прокурор билан ўзим ҳам бир гаплашиб кўрай, — деди депутат опа.

Икковлари қарама-қарши ўтириб суҳбатлашаётган узун столнинг чеккароғида малларанг телефон аппарати борлигига эътибор бермаган эканман. Депутат опа номер терар экан, муаллимга қараб негадир кулиб-кулиб қўярди. Гаплашиб бўлгач, мана бу бошқа гап бўлди, деди-да, ўрнидан туриб ичкаридан дадамникига ўхшаш қизил папка кўтариб чиқди. Депутатларнинг алоҳида варақаси бўларкан, биринчи бор кўришим. Кафолатномани ўшанга ёзди.

\* \* \*

Прокуратура қанақа орган, милиция қанақа идораю, қанақа ҳуқуқи бор? Қайси бири қай бирининг устидан назорат олиб борадию, қайси бирининг сўзи бошқаси учун мажбурий бўлади? Илгари буларни мен фақат бировларнинг сўзлари орқали, яшириб нима қиламан, гоҳо ойим билан дадамнинг пичир-пичирлари орқали тасаввур қилардим. Прокурор ҳаммасининг устидан ҳукмини ўтказа олади, деб ўйлардим. Шунинг учун ҳам, албатта, прокурор бўламан, ойим билан дадам тўплаган бойликни, хазиналарни пойлаб ётадиган аждаҳоларга ўхшаб қўриқлайман, деб ўйлардим. Тасаввурим чала экан. Прокурорнинг ҳамма сўзи ҳам милиционер учун қонун эмас, милиционер истаса, прокурор устидан юқорига шикоят ёзиши, сўзини йўққа чиқариб ташлаши мумкин экан. Бу тартибни ҳамма нарсага ақли етадиган, ўттиз йилдан буён мухбирлик қилиб, қанчадан-қанча идораларга кириб чиққан Атоулла Исаевич ҳам билмас экан. Билганда мени прокурорга эмас, тўппа-тўғри милицияга бошламасмиди?

Урта бўйли, буғдойранг юзи сергўшт, қоп-қора кўзлари ҳамиша чакнаб турадиган, калта қўллари боксчиларникига ўхшаш мушакдор, қамоқда ётган тоғам каби ҳаракатчан, бетоқат бир киши ойижоним устидан тергов олиб боряпти. Пойтахтдан келган эмиш. Шаҳримизда ҳеч ким танимайди уни. Тоғам, бухоролик олтинфуруш Моҳира опа, эҳтиётсизлик орқасида хатога йўл қўйиб тилини тишлаб ўтирган капитан Жўра Усмоновларнинг тергови ҳам унинг ихтиёрида шекилли. Эҳтимол қўлида бир неча терговчи ишлар. Лекин ўзини тутушидан унвони ҳам, ҳуқуқи ҳам жуда каттага ўхшайди. Мен, ўзимча, уни бош терговчи бўлса керак, деб ўйладим.

— Ибодов чучварани хом санабди, — деди Атоулла муаллим иккимиз хонасига кирганимизда. — Ўзи ёзган ордерни ўзи бекор қилолмайди. Область ёки республика прокурори рухсат бермагунча энди бу ордерни ҳеч ким бекор қилолмайди!

Бош терговчи билан прокурор ўртасида ордер масаласидаги тортишув бир неча кун давом этди. Терговчи ҳақ бўлиб чиқди. Прокурор, бор-йўғи бир ой ишлапман холос, билмасдан хатога йўл қўйган бўлишим мумкин, деганга ўхшаш гап айтди.

— Ҳўш, сиз ўзи ким бўласиз? — сўраб қолди бош терговчи.

— Муаллимман, — деди Атоулла Исаевич.

— Муаллим бўлсангиз бу ишларга нега аралашиб юрибсиз?

— Аралашиш тақиқланганми?

— Мумкин эмас.

— Нега мумкин бўлмас экан?

— Қонун ман этади.

— Мен бегона эмасман, муаллимман деяпман! Бу болаларни ўзим ўқитганман. Кўз ўнгимда руҳан майиб бўлиб қолишларини истамайман. Судгача ё отаси, ё онаси очиқда турса осмон узилиб ерга тушадими, совет қонуншунослиги остин-устун бўлиб кетадими?

— Терговга халақит беришлари мумкин.

— Ахир очиқда туришларини депутатлар сўраяпти-ку!

— Гапни чўзиб юбордик, муаллим. Тергов тугагунча сизнинг ҳам бу ишларга, қандай мақсадни назарда тутаетганлигингиздан қатъи назар аралашувингизни қонундан ташқари деб ҳисоблайман. Болаларнинг энг одил ҳимоячиси — қонунларимизнинг ўзи. Аралашманг, аралашсангиз сизни терговга халақит берувчи сифатида айблашга тўғри келади.

— Мени-я?!

— Ҳа, сизни.

— Мана бу қизил тумшуқ болаларни деб юрибман мен.

— Қўйсангиз-чи, бунақа Дон Кихотчиликни.

— Гапингизга тушунмадим.

— Фойдадан кўра зарарингиз кўпроқ тегиши мумкин. Битта ёрдам бераман деган тоғаси Солиҳ Қосимовиди? Оёғи осмондан келиб ўтирибди. Ҳамонки, болаларини ўртага солаётган экансиз, гарчи терговга маълум маънода халақит беришини билсам-да, Ёқутхон Каримовага болалари билан гоҳо-гоҳо учрашиб туришига рухсат бераман.

— Тилингизга новвот, терговчи болам.  
— Шу шарт биланки, бундан сўнг бизни тинч қўясиз.  
— Кўчанинг нариги юзида тўртта тирик етим тонг отгунча фарёд чекиб чиқса, бериги юзида мен тинчгина ухлай оламанми, эрталаб туриб уларнинг мунгли кўзига қандай қарайман?!

— Гапингиз тўғри.

— Қайси бирини тўғри деяпсиз?

— Мунгли кўзларга қараш оғир деганингиз... Гўдаклар кўзидаги мунг кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва кайфиятига боғлиқ. Уларнинг кўзига қараб шу жамият қай аҳволда яшаётганлигини билиб олса бўлади. У ёғини суриштирсангиз, болаларнинг кўзидаги мунгга мен ҳам тоқат қилолмайман... Хўп, хайр, мени тинч қўйинг энди.

Уйга юриб эмас, учиб бордик ҳисоби. Атоулла Исаевич дарвозахонамизга етганда пешонамдан ўпди-да, ана кўрдингми, болам, ҳаракат қилган одам қуруқ қолмайди, деб қўйди. Бир йўла ҳам ойижонимни, ҳам дадажонимни йўқлашимиз керак эди. Лутфи холамни чақириб чиқиб, икки қозонда икки хил таом тайёрлашга киришдик. Ҳаммамизнинг юзимизда қувонч, кўзларимизда шодлик чарақларди. Бамисоли ота-онамиз қайтиб келгандек, бамисоли уларнинг бағрида эркаланиб ўтиргандекмиз. Мажруҳ акам ойижонимни жуда-жуда соғинганини айтиб, қийналсам ҳам албатта бораман, деди. Лекин қандай қилиб? Машинамиз йўқ, беркитиб келганмиз, хонадонимизнинг машинали, бадавлат улфатларидан энди ҳеч нарса сўрамайман, ҳечам, ҳеч қачон! Илтимосномага имзо чекишмади, ўзларини олиб қочишди.

— Салимга бир телефон қилиб кўрай-чи, — деди акам.

Салим — Туроб мелисанинг ўғли, акамнинг жонажон ўртоғи. Бирга ўқишган. Тўғриси, акам уйда ўтирганда у воситачилик қилиб турган. Мактабдан уй вазифаларини олиб келган, бажарганларини олиб кетган. Ҳам ўртоқлик, ҳам муаллимлик қилган у. Попоччи холам, Салим ўртоғинг уйда йўқ, Туроб амакингни ўзи олиб боради, бунақа ишларга у кишининг суяги йўқ, дебди. Машинанинг дарагини эшитиб, синглимнинг қувонганини кўрсангиз. Яйловда юрган қуёнчадек сакраб гоҳ уйга киради, гоҳ ҳовлига чиқади. Зуфар укам обдан ювиниб, янги кийимларини ахтара бошлади. Акам, негадир, тўсатдан хомуш бўлиб қолди. Уйчан кўзларига ғам тўлгандек, қовоқлари ҳам солиниб тушди.

— Сен ҳам янги кийимларингни кийиб олсанг бўларди, — дедим унга.

— Нима, ЗАГСга боряпманми, — деб ғўлдиради у.

Хиёл ўтмай, дарвозахонада Туроб аканинг ўзи ҳам кўринди:

— Хўш аскарлар, тайёрмисизлар?

Милиционер амакиннинг «407» маркали «Москвичи» ўтакетган даражада эски, шалок машина экан. Аккумулятори ўтириб қолибди шекилли, итариб аранг юргиздик. Ичидан молнинг гўнги аралаш кўкат ҳиди келиб турибди. Ҳамиша мойи артилмаган янги «Волга»ларда юрганимизданми, ўтиришимиз билан ака-укалар беихтиёр бурнимизни жийиришиб, бир-биримизга маъноли қарашиб олдик. Нигоҳимизда ҳам шукроналик, ҳам аллақандай қониқмасликка ўхшаш ички бир норозилик бор эди. Йўлга тушишимиз билан Туроб амаки ўғилларининг шаънига эътирозли гаплар айта бошлади: машина қаров билан машина экан. У ҳам худди сигирга ўхшармиш. Сигир эса сут берганидек, яхши қараса машина ҳам гижинглаган оддек чопармиш. Катта ўғли, яъни акамнинг ўртоғи Салимжон ишەқмас эмиш, ўқишдан бошқасини билмасмиш. Уртанчаси тайёрга айёр эмиш, бензинни тўлдириб қўйса тугатиб келармиш-у, машинанинг уёқ-буёғига бундай бир қараб қўяй демасмиш... Туроб ака бу гапларни машинаси светофор ўрнатилган ҳар чорраҳада тўхтаб, биз итар-итар қилаётганимизда хижолат бўлиб айтаётганини сезиб турардим.

— Шу светофорлари ҳам жонга тегиб кетди-да, ким йўлаб чиқарган экан, — деди Туроб ака яна бир чорраҳадан итар-итар қилиб ўтиб олганимиздан сўнг. — Оббо қизим-эй, онажонингни кўргани бораётган экансан-да. Отинг нима эди?

— Нигора, — деб қўйди синглим.

— Исминг ҳам худди ўзингга ўхшаб чиройли экан. Нечанчи синфда ўқийсан?

— Бешинчига ўтдим.

— Ие, менинг қизим билан бирга ўқир экансан-да, отини биласанми?

— Биламан.

— Қани айт-чи?

— Шарифа.

— Шарифаю, Нигора, бир-бирига дугона... Нега бизни кига бормайсан? Борсанг машиначи холанг суту қаймоқлар билан роса меҳмон қиларди. Энди бориб тургин, хўпми?

— Хўп.

— Шарифа сигир соғишни билади, сен-чи?

— Бизнинг сигиримиз йўқ-да.

— Ие, буниси чатоқ экан. Бузоқчамиз бор, ўшани сенга берсам бўларкан, боқиб катта қилиб олардинг.

Светофорли чорраҳада тўхтар эканмиз, машина яна ўчди. Аслида Туроб аканинг ўзи машина ҳайдашни яхши билмас экан. Газни ўчирмаслик керак эди, яна итаришга тўғри келди. Феъли айнаб қолди. Энди машина ремонт қиладиган устахоналарни, мастерларни сўка бошлади. Бу гапларни бизга нега айтаётганлигига ҳам ҳеч тушунмасдик.

— Лекин ота-оналарингдан ташвишланманглар,— тўсатдан сўҳбатни биз хоҳлаган томонга бурди Туроб ака.— Узим ҳар хил баҳоналар билан олдиларига кириб кўнгил сўраб турибман. Қаймоқ ҳам олиб бориб бердим. Одамлар мендан чакки шубҳаланиш-япти. Товба, маҳаллада ким қамалса, мендан кўришадиган бўлиб қолишди-я! Ахир бунақа ишлар билан шуғулланадиган ОБХСС бор, жиноят қидирувчилар бор. Мен, нари борса, қоровулдек бир гапман... Дадаларинг ҳам мендан кўряпти, шекилли. Тергов олиб бораётган йигит чақув қўшнилариингдан тушган деб ишонтириб қўйибди, кимлигини айтмайман, ўзингиз билиб оласиз, дебди. Мен бировнинг жиноятини билсам устидан ёзиб ўтирмайман, шартта бетига айтаман-қўяман. Уртоқ, шу ишинг чакки, тезроқ этагингни ёп, дейман... Саиджоннинг шубҳаси ўринсиз. Акбаржон, ўғлим, дадангнинг олдига кирганингда шу гапларни ётиги билан айтгин, хўпми?

— Хўп,— деб қўйди акам.

— Нима дейсан, қани айт-чи.

— Шу, сиз айтган гапларни айтаман.

— Раҳмат, ўғлим, сен ўзи эсли йигитсан. Бекорга Салим сен билан ўртоқ бўлмаган. Ўртоғимнинг оёғи чўлоқ-да, бўлмаса дунёни оларди, дейди... Лекин, ўғлим, кўпам оёқни ўйлайверма, калла ишласа бўлди. Сен ўзинг нима деб ўйлайсан, маҳалладан ким ёзган бўлиши мумкин?

— Қайдам...

— Йўк, яхшироқ ўйлаб кўр, ўғлим, шубҳа ёмон нарса. Одамни ўлдириб қўйиши мумкин.

— Мен ҳеч нарса билмайман.

— Эҳтимол Атоулла муаллимнинг ишидир бу?

— Йўк, бу гал у киши ёзмаган.

— Қилғиликни қилиб қўйиб, сизларни эргаштириб идорама-идора чопиб юриши бежиз эмасдиров. Ё анча-мунча пул ваъда қилдиларингми? Агар пул аралашса иш яна чатоқ бўлади-я...

— Амаки, Атоулла муаллим бизни яхши кўради, юраги тоза, ачинганидан қияпти бу ишларни.

— Эҳтимол, бу гапингда ҳам жон бордир. У ҳам менга ўхшаб чўрткесар, гарткамчи, писмиқ эмас. Аслида-ку, Саиджон тақдирига тан бериши керак. Ҳамонки, жиноятга қўл урган экан, бугун бўлмаса эртага фош бўлиши турган гап эди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди... Ким ёзган бўлса ҳам ҳақиқатни деб, сизларни мана шундай сарсон бўлиб юришларингнинг олдини олай деб ёзган. Дадаларингга шу гапни айтинглар. Ҳуда-беҳуда одамлардан шубҳаланавермасин.

Шаҳар милицияси қошида тергов бўлаётганларни вақтинча ушлаб турадиган қамоқхона бор экан. Уша ерда тўхтадик. Биноси кўримсизгина, бир қаватли. Кириб-чиқаётганлар кўп, бинонинг шундоққина кираверишида, ўнг тарафида торгина хона бор экан. Тергов бераётганлар йўқловчилар билан шу ерда учрашишар экан. Туроб ака анча маҳал йўқ бўлиб кетди. Кутиш ёмон бўлар экан, ҳар дақиқаси бир кундек туюлавераркан. Кўзимиз эшикда, нафас олгани кўрқамиз. Бордию бу ерда йўқ бўлишса-чи, бордию учрашувга рухсат бўлмаса-чи, деган ваҳима ҳаммамизнинг юрагимизни фижиллаб турибди.

Темир эшик овозсиз очилди, энтиккан, ҳаяжонли Туроб ака кўринди. Ўрнимиздан туриб кетдик.

— Ойижон!! — қичқириб юборди Нигора.

Ҳа, Туроб аканинг кетидан ийманибгина ойижоним кириб келмоқда эди. Шу пайтдаги ҳолатимизни барибир таърифлаб беролмайман. Сўроқлардан қийналган, бизни соғиниб тунлари ухлай олмаган, ранги синиққан, кўзларининг ости кўкариб, сочлари тўзиган ойижонимиз кириб келмоқда эди. Бир-биримизнинг бағримизда эриб йўқ бўлиб кетдик. Қучоқлашамиз, ўпишамиз, йиғлаймиз. Мактабимизда баҳс бўлувди. Уртага, энг бахтли дақиқангиз, деган савол ҳам ташлашувди. Ушанда жавоб беролмовдим. Кишининг энг бахтли дақиқаси интизор онанинг иссиқ бағрига бош қўйган палласи бўларкан. Мен ҳам, акаму укаларим ҳам шу аснода бахтли эдик. Бахтиёрликдан энтикаётган эдик. Қайноқ ҳаяжонлар, тубсиз қувончлар тўлқинида симобдек эриб бормоқда эдик.

— Бас, — деди ойижоним бизни оҳиста ўзидан четлатиб. — Энди бирпас гаплашайлик.

— Йўк, йўк! — деди Нигора баттарроқ ёпишиб, — яна бир нафас ачомлай, ҳидингизга тўймаяпман. Ойижоним! Ҳар куни тушларимга кирасиз, сизни бу ерда қийнашмаяптими?

— Нега қийнашар экан?

— Қизлар айтяпти.

— Ишонма уларнинг гапига. Терговчилар... маданиятли йигитлар экан, сизлаб гапи-



ришади. Энди, нари тур, Акбар акангни ҳам бирпас бағримга олай. Келганидан буён тумшайиб ўтирипти шўрликкинам. Қани, ўғлим, бери кел-чи, вой арслоним-эй, нега рангинг бир аҳволда?

Акамни Туроб амаким кўтариб кириб силлиқ тахтага ўтқазган эди. Ойижоним ёнига сурилиб унинг сочлари ўсиб кетган бошини кўксига босди. Оҳиста-оҳиста силаб, пешонасидан, юзларидан ютоқиб ўпа бошлади:

— Нега бунча озиб кетибсан ўғлим, тобинг қочдимми?

— Соғман ойижон.

— Кўзларинг... ич-ичига ботиб кетган.

Зуфар чақимчилик қилишни яхши кўрарди. Бу гал ҳам ўзини тутиб туролмади:

— Бунингиз одам бўлмай қолди.

— Нима бўлди ўзи? — ҳушёр тортиб сўради ойижоним.

— Асаби бузилган, ҳаммага бақиргани-бақирган.

— Ундай қилмайди энди. Қилмайсан-а?

— Кейин ойижон бунингиз жиннига ўхшаб кун бўйи эшикни ичидан беркитиб ўтирадиган одат чиқарган. Кўпинча овқат ҳам емайди. Уришиб қўйинг.

— Кўчаларга чиқиб айланиб келсанг бўлмайдимми, полвоним, нега бундай қиласан?

Акам ойижонимнинг кўксидан бошини олиб хўрсинди:

— Одамлардан уяламан.

— Парво қилма, арслоним. Ўзингни, укаларингни ўйла. Одамлар ўзи шунақа — бойиб кетсанг кўролмайди, оқчаб қолсанг беролмайди... Бизнинг йўғимизда бир-бирларингга меҳрибон, аҳил бўлинглар.

Ойижоним ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди.

Эшик очилиб навбатчи милиционер кўринди. Вақтимиз тугабди. Тортинибгина Туроб ака ҳам кирди. Акамни қўлига кўтариб олди. Ойижоним, сен бир нафас сабр қил, айтадиган гапим бор, деб мени олиб қолди. Нигора остонага етганда орқасига қайтиб, ойижонимнинг бўйнига осилди.

— Кетмайман, сизни ташлаб ҳеч қаёққа бормайман! — дея чинакамига додлашга тушди. Навбатчи милиционер, гарчи қовоғи солиқ бўлса ҳам, раҳмдилгина экан. Эртага келсанг яна ойингнинг олдига ўзим киритиб юбораман, ҳар куни келгин, ҳар куни киритаман, дея аранг юпатди.

Ойижоним иккимиз ёлғиз қолдик. Ўзини зўрга тутиб турган экан, кўзларидан дувиллаб ёш тўкилиб кетди. Бутун борлиғи зирқираб оғриётгандек, алам билан бош чайқай бошлади.

— Ойижон!

— Қўй, бир йиғлаб олай.

— Ўзингни уринтириб қўясиз.

— Юрак-бағрим эзилиб кетяпти, болагинам. Даданг ўлгур очикда бўлса ҳам гўрга эди-я. Бечора тоғанга ҳам жабр қилиб қўйдик. Бизни деб гуноҳсиз бошини балага тиқиб олди... Бир кечада юз мингдан айрилдик-а, юз минг!!

— Қуйинманг ойижон, пул топилар, — дейман ўзимнинг ҳам ўпкам тўлиб.

— Йўқ, йўқ, й-ўўқ, болагинам, бойликлар даданг иккимизнинг бағир қонимиздан йиғилган эди. Ўғлим, эслигим, ўзимни ёмон сезяпман, юрак ўйноғим ҳеч тўхтамаяпти. Ҳа, майли, гап қўшмай тур, айтадиган гапим бор. Заргарларга айт — ҳеч нарсани бўйнимга олганим йўқ. Эсингдан чиқмайдимми?

— Йўқ, эсимдан чиқмайди.

— Кейин, ўғлим, ҳозироқ бориб, Қозихолангдан менинг тақинчоқларимни қайтариб олинглар. Холанг икковинг боринглар, уйда катта мис чойнак бор-ку, тилхати ўшанинг жўмрагида. Найча қилиб тиқиб қўйганман. Энди тур, қўлтиғимдан ол, юрак қурғур яна хуруж қилди шекилли. Юролмайман, яхшиси, докторни чақир, тез бўл...

\* \* \*

Дадажоним Нигора билан Зуфарнинг пешонасидан ўпиб, тахтада ўтирган акамни қўлига кўтариб олди.

— Ақлли боласан, — деди унинг ҳам юзларидан ўпа туриб. — Укаларингга бошқош бўлгин. Мендан ташвишланманглар, бир-икки йил беришадиганга ўхшайди. Бир-икки йил холос. Суддан сўнг, муддатимни шартлига айлантириб, уйга келиб-кешиб тураман. Гап шу. Туробжонга раҳмат айтинглар. Яхшилигини унутмайман. Мендан қайтмаса, худодан қайтар. Хўп, хайр, дадил бўлинглар. Зафаржон, сен бироз сабр қил, кейинроқ чиқарсан.

Навбатчи милиционер ҳушини йўқотгандек карахт бўлиб қолган акамни кўтариб, Нигора билан Зуфарни ордидан эргаштириб ташқарига чиқиб кетди.

— Ойинг қалай экан? — шошилиб сўради дадам.

— Сизга салом айтди.

— Юракдан шикоят қилмаяптими?

- Унчалик эмас.
- Гаплашиб кўйдим, бугун-эрта госпиталга чиқариб юборишади.
- Раҳмат, дадажон.
- Қулоқ сол, ўғлим, бу гапларни аслида оиламизнинг каттаси — аканга айтишим керак эди. Лекин, начора, аввало ногирон, югуриб-елиб иш битиролмайди. Қолаверса, фикримиз бошқа-бошқа, менинг йўлимга юрмади у. Эҳтимол, тўғри ҳам қилгандир... Иккита топшириқ бераман сенга. Бу иш қалтис, бировга ишониб бўлмайди.
- Ойижоним ҳам топшириқ берди.
- Майли, уни ҳам бажар... Қанақа топшириқ?
- Қозихоламдаги тилло тақинчоқларни тездан қайтариб олиб, ишончли жойга беркитар эканмиз.
- Ҳали олганларинг йўқми уларни?!
- Холам билан борувдим...
- Хўш?
- Бермади.
- Ёвуз хотин у. Аждаҳонинг урғочиси... Унинг оғзидан бир нарсани қайтариб олиш, ҳай-ҳай... бу онангинг соддалиги... Тилхатга эҳтиёт бўл! Қулоқ сол энди, эсли ўғлим, тоғанга ўхшаб таваккалига иш тутма. Етти ўлчаб бир кесишга ўрган. Тоғанг қиморвозга ўхшаб иш тутарди. Катта боссанг — катта оласан, эмиш... Топган гапини қаранг... Сенга иккита топшириқ бераман, ўринлата олармикансан?
- Ҳаракат қиламан, дадажон.
- Садир амакингникига борасан. У сени яхши кўради. Шу ўғлингни, худо хоҳласа, ўзим куёв қиламан, набира куёвим бўлади, деб ҳазиллашиб юрарди. Уша амакингни ахтариб топасан, идорасида эмас, уйда гаплашинглар. Иложи бўлса, суҳбатларингда хотини — Қўмондон холаг иштирок этмасин. Амакингдан «Волга»ни кимнинг номига ўтказайлик, деб сўра.
- Дада!
- Гап кўшма.
- Ахир у оиламизнинг обрўйи-ку, — ойижонимнинг ҳаммиша айтадиган гапи эсимга тушиб кетди.
- Обрў қолдими ҳозир, ўғлим! — дадам ичи ёниб кетаётгандек чуқур хўрсинди. — Модомики «Волга» обрўйимиз экан, бошимизга ташвиш тушганда ана шу обрўйимиздан фойдаланишимиз керак.
- Бозорвой амаким кўнмаса-чи?
- Кўнади, ҳамма гапдан хабари бор. Садир амакиннинг бир оғиз сўзи кўп нарсани ҳал қилади. Жазо муддатини икки-уч йил камайтиради. Бу ишни эртадан қолмай тугатинглар, хўпми?
- Зуфар роса тўполон кўтарса керак.
- Нега тўполон кўтаради?
- «Волга» меники деб юрарди, ичидан тушмасди.
- Уканга тушунтир. Дадам эсон-омон чиқса бунақалардан яна нечтасини олиб беради, дегин. Хўп, энди, топшириқнинг иккинчисига қулоқ сол. Бибиқиз аммангникига қора кунларимизга керак бўлар деб, озгина пул ташлаб қўйган эдим.
- Яқинда ўзлари ҳам келишувди.
- Аммангми?
- Ҳа, поччам икковлари. Уша пулниям олиб келишган экан.
- Олиб қолдиларингми?
- Йўқ, қайтариб олиб кетишди.
- Машинани тинчитганингдан кейин қишлоққа жўнайсан. Уша пул қанча бўлса ҳаммасини олиб келасан. Ёлғиз қайтма. Ё поччанг, ё амманг кузатиб келсин. Пулни Бозорвой амакингга берасан.
- Дада!
- Жон ўғлим, эҳтиёт бўлгин.
- Дада, бош терговчи ёмон одамга ўхшамайди. Болаларнинг мунгли кўзига қарай олмайман, деяпти. Инсофли экан...
- Мен ҳам уни ёмон деяётганим йўқ.
- Уша амаки, ўртага биров аралашса, тоғаларингни кўйига тушади, деяпти.
- Майли, ўғлим, бу масалада ҳар биримизнинг ўз нуқтаи назаримиз бор. Бир лаънати одам пора берганман, деб менга тўхмат қиляпти.
- Ҳақиқатан ҳам... ўша порани олганмидингиз ўзи?
- Илгари олардим. Лекин ўша куни кўлимга ҳам ушлаган эмасман.
- Демак, тўхмат қиляпти экан-да?
- Ҳа.
- Ёмон одам экан.
- Бизнинг давримизда яхши одам ўзи кам топилади? Уша лаънати даъвосини қайтиб олишга тайёр. Лекин катта пул сўраяпти. Бошқа иложимиз йўқ. Муддат яна икки-уч йилга камайиши мумкин. Сен пулни келтириб бер, қолганини Бозорвой амакинг тинчита-

ди. Тур энди, эслик ўғлим, хайрлашамиз. Баракалла, дадил бўлларинг. Узоқ ётмайман. Айтгандек, Атоулла муаллимга раҳмат айт, ҳаммасини эшитдим. Эсон-омон чиқсам, бир умр хизматини қиламан.

Чорраҳаларда тез-тез тўхтаб, Туроб аканинг машинасини итар-итар қилиб, уйга арағ етиб келдик.

Хайрият, тилхат жойида экан. Шошилиб Барно холамга телефон қилдим. Ойи-жонимдан, дадамдан салом келтирганимизни айтдим. Севиниб кетди, овозгинангдан ўргилай, деди. Сиҳат-саломатликларини суриштирди. Яхши, дедим. Яхши деган тилларингдан ўпай, деди. Лекин Қозихоладан тақинчоқларни олишга бугун келолмас эмиш, холодильникдан сув ичиб ангина бўп қобди, иситмаси баланд эмиш.

Трубкани жойига қўяётганимда ҳовлиққанча Бозорвой амаким кириб келди. Бозорга тушганга ўхшайди, иккита қора сумкани тўлдириб харид кипти: сабзи, пиёз, тўрт килоча келадиган қўлда сўйилган қўй гўшти, қовун...

— Ие, қовун ҳам чиқибдими? — севиниб сўради Нигора синглим.

— Аллақачон тарвуз чиққан-у, — дея тўнғиллаб қўйди харидларга лоқайд қараб турган Зуфар. — Бўлар-бўлмасга эчкидек сакрайверар экансан-да!

— Ажаб бўпти, сакрайвераман! — дея синглим ёқимли ҳиди гуркураётган қовунни бағрига босди. — Шу деганинга энди сенга бир тилим ҳам бермайман.

— Ҳай, айтгандек, яхши бориб-келдиларингми?.. Айтмадимми, бу Атоулла муаллим бало деб. Астойдил бўлса министрларни ҳам мот қилиб қўяди. Обруйи бор-да, қурмағурнинг. Лекин бечора Саид акамни пичоқсиз сўйди-да, бу муаллим. Саид акам уни қаматувди. У бўлса сизларнинг ташвишларингни қилиб юрибди. Ҳа, майли, дунё ўзи шунақа. Хўш, Саид акам қалайлар?

— Яхши.

— Менга бирон гап айтмадиларми?

— Айтдилар.

— Машина масаласидами?

— Ҳа.

— Яна?

— Яна пул ҳақида ҳам гапирдилар.

— Ўша пулни, жиян, — Бозорвой амаким негадир тўсатдан жонланиб кетди, — тезроқ олиб келишинг керак. Ҳамма ишлар битай деб турибди. Худо хоҳласа, кўрасан, уёғини ҳам боглаймиз. Машинани эртагаёқ ҳал қиламиз. Майли, бош-кўзларингдан садақа.

— Лекин садақа жуда кўпайиб кетаяпти-да, — дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

— Иложимиз қанча, жиян, садақа сўрайдиганлар ҳам кўпайиб бораяпти-да.

— Дадам, Садир амакин билан ёлғиз ўзинг гаплаш, ёнларингда гувоҳ бўлмасин, деди.

— Тўғри айтибди. Бунақа ишларда бегоналар аралашмагани маъқул. Машинасиз ҳам мана бундай яшаймиз, керак бўлса сизларни ўзим елкамда олиб юраман. Чиқ елкамга ҳозир, шаҳарни бир айлантириб келай...

Ўзи шу Бозорвой амаким ғалати одам-да. Яхши кўраман, ўлай агар, жон-дилимдан ортиқ кўраман уни. Оққўнғил, қувноқ, дадам уни оламни сув олса тўпигига чиқмайдиган йигит, деб атайди. Рост, беғамлиги ҳам бор. Қандайки воқеа юз бермасин ҳаммиша қувноқ, кайфияти аъло. Машинанинг рулига ўтирганда яйраб ашулалар айтганини кўрсангиз. Жиндек ичиб олса, тамом, чапак чалиб ўйинга ҳам тушиб кетаверади. Бугун бўлмаса эртага ўзини ҳам терговга чақириб қолишлари мумкин-у, кайфиятини зиғирча бузмайди. Қувноқ одамлар билан яшаш осон бўларкан...

«Горторг» раисиникига йўл олдим. Бора-боргунча, қизиқ, машинани ўзи олармикан, бирон қариндошларига берармикан, ёки терговга ёрдами тегадиган битта-яримта милиционерга ҳада қилармикан, дея ўйлаб бордим.

Хайрият, ишдан қайтган экан. Шоҳона ҳовлининг ўртасига қурилган шоҳона айвонда ёнбошлаб, рангли кафель ёпиштирилган ҳовузчадаги рангли балиқчаларнинг ўйинини томоша қилиб ётган экан. Бир арава келадиган хотини лорсиллаб, бурнидан ҳуштак чалиб, мени илиқ кутди. Бағрига босиб, елкамни юмшоқ-юмшоқ силаб қўйди. Эрининг олдига бошлаб бора туриб, ота-онамининг аҳволига қизиққан бўлди. Навбатдаги борганларингда мендан албатта салом айтинглар, деди. Садир амаким менга кўзи тушиши билан, назаримда, хўмрайгандек бўлди. Юрагим шиф этиб кетди. Яқинига боришим билан ёнбошидаги бахмал ёстиқни олиб бериги ёнбошига қўйди-да, кўсовдек ориқ қўлини менга узатиб:

— Эй, келинг-келинг, куёвбола! — деб қўйди.

Чеккароққа омонатгина ўтирдим. Шу заҳоти яна мени унутгандек, тарелкадаги нон увоқларини балиқчаларга ташлаш билан машғул бўла бошлади. Аввалги нафратим яна кўзгалди. Бу одам, гарчи дадамнинг иш борасидаги устози, ўттиз йиллардан буён муомила қилиб келаётган яқин бир кишиси бўлса-да, уни ёқтирмайман. Овозини бурнидан чиқариб димоғ билан гаплашади. Ўзи, такрор айтаман, шунақаниги қотмаки, худди ёғочдан ясалганга ўхшайди. Мен, умуман, басавлат, қадди-қомати келишган раҳбарлар-

ни хуш кўраман. Кўча-кўйда шунақа кишиларга дуч келсам, орқасидан анчагача анграйиб қоламан. Нега шунақаман, ўлай агар билмайман.

— Хўш, куёвбола, эшитаман...

Хаёлим бўлинди. Ғалати илжайдим. Айтадиган гапимни ҳам унутиб қўйдим.

— Хўш, дадангнинг аҳволидан хабар олиб турибсизларми? — яна сўради Садир Бадалович.

— Раҳмат, ҳозиргина бориб-келдим, — дедим шоша-пиша.

— Қалай экан?

— Яхши. Сизга салом айтдилар.

— Даданг бизга ўхшаганларга тагин салом айтадиган бўп қопти-да?

— Ҳа, шунақа бўп қоптилар.

— Камбағалнинг эси пешиндан кейин кираркан.

— Тушунмадим, — дедим чўчиброқ.

— Даданг бошқа гап айтмадими?

— Машина масаласини айтдилар. Амакингдан сўра, «Волга»ни кимнинг номига ўтказишимизни айтсин, дедилар.

Яна балиқчаларга увоқ ташлаш бошланди. Бир минут, икки минут, уч минут... Амаким жим. Ҳар замонда гўштсиз юзининг қаеридир учиб-учиб қўяпти холос. Ҳаяжонлана бошладим, терлаб кетдим. Кетсамми, ўтираверсамми?

— Анали ифвогарни ишга аралаштириб чакки қилибсизлар, — деди ниҳоят Садир Бадалович менга қарамай.

— Кимни? — дедим ҳеч нарса тушунмай.

— Муаллимни айтаяпман.

— Муаллим бизга яхшилик қилди, амаки.

— Бе, сен ҳам, куёвбола, дадангга ўхшаб лақмароқ экансан. Бир-икки яхшилик қилган бўлиб сирларингни билиб олади-да, кейин устларингдан пақиллатиб ёзади, хавфли одам! Ўзларингни тортинглар ундан... Бузоқнинг югургани сомонхонагача, ўзи ким-у, унинг яхшилиги қаёққа борарди? Куёвлигидаги костюмини қариганда ҳам кийиб юрибди-ю, яна ҳаммага ақл ўргатмоқчи бўлади. Хўш, даданг нима деди ўзи?

— Шу — ҳозир айтганим...

— Бу гапни яна бошқа биров ҳам билдими?

— Бозорвой амаким икковимиз биламиз холос. Машина ўшанинг номида-да.

— Оғзиларингдан гуллаб қўйманглар, дадангга жабр бўлади.

— Яхши!

— Узи, аслида, дадангни бу гал бир жазолашим керак эди-ю, ҳа, майли... кейинги пайтда бизни менсимай қўювди. Қаёқдаги қаланги-қасангилар билан алоқа қиладиган бўп қолди. Биз киму, улар ким. Эртага борсанг дадангга шу гапларни айтгин.

— Хўп.

— Ташвишланмасин, тегишли ўртоқларга тайинлаб қўяман. Ишини енгиллатиб беришади.

— Раҳмат амаки.

— Ҳозир уйларингга бир йигит боради, машинани ўшанинг номига ўтказасизлар. Эртадан қолмасин, бўлмаса дадангнинг ўзига жабр бўлади. Оғзиларингдан гуллаб қўйсаларинг, икки марта жабр бўлади.

Қўмондон холанинг, вой болагинам, бирпас сабр қил, овқат тайёр бўляпти, дея қисташига ҳам қарамай, тезгина чиқиб кетдим. Бозорвой амаким хурсандчилик кунимизга атаган паловини дамлаб, менинг қайтишимни кутиб ўтирган экан. Чақчақлашиб ўтириб едик. Кетидан қовун сўйдик. Бир маҳал дарвозахона кўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқсам бегона, йўқ, жуда ҳам бегона эмас, сал-пал танишроқ бир йигит турибди.

— Мени Садир Бадалович юбордилар, — деди сўрашиш учун иккала қўлни баробар узатиб. — Машина масаласида...

Ичкарига таклиф қилдим. Таклиф қилдим-у, дарвозахона чироғини ёқишим билан афтига қараб дарров танидим. Бульвардаги будкада газсув, музқаймоқлар билан савдо қиладиган йигит. Ёз пайтларида уни ҳар куни бўлмаса ҳам кунора кўриб турардим, дарров танимаганимни қаранг... Эртасига оиламизнинг қувончи, обрўи бўлган «Волга»мизни йиғлаб-йиғлаб ўша чўлоқ йигитнинг номига ўтказдик. Сотиш, ҳада қилиш ҳуқуқи билан совға қилдик. Қаёқдандир ҳид олиб қолган Зуфар укам уч кунгача шилқ-шилқ йиғлаб юрди.

\* \* \*

Аммамникига барвақтроқ етиб бораман деб ҳарчанд уринсам ҳам, ишим юришмади. Бўлмаса тонг саҳарлаб турган эдим, автобуснинг ҳам биринчи рейсига илинувдим. Ёки автобуснинг имиллаб юргани сабабчидир, ишқилиб, чошгоҳ маҳалида аранг етиб бордим. Дадажоним болалиги ўтган тоғ бағрига жойлашган бу баҳаво, ям-яшил дарахтларга кўмилган қишлоқчада илгари ҳам кўп бўлганман. Қишлоқ эмас, эртақлардаги жаннатнинг ўзи. Мевалари ширин, сут-қатиғи зўр, кўчаларига силлиқ асфальт ётқи-

зилган. Тоғ томондан пастга қараб гоҳ жилдираб, гоҳ шовуллаб оқадиган сувларини айт-майсиэми? Илгари, дадажоним очиқдалигида, ишлари гумбурлаб кетаётган пайтларда, мана шунақа ёз палласида келардик. Дадажоним ялангоёқ бўлиб оларди-да, бизни ҳам шундай қилишга кўндирарди. Кейин ҳаммамизни эргаштириб даштдаги анҳор бўйига олиб борар, лойқа сувда мириқиб чўмилар эдик. Кўпинча мажруҳ акамни ҳам олиб борардик. Поччам — аммамнинг кампаг эри ҳам гоҳ бизга кўшилар, тоғ орасидан худди насосда дамлангандек отилиб чиқаётган анҳор ёйилиб оқадиган жойгача акамни елкасида кўтариб борар, Акбаржон, нега бундай енгилсан-а, деб кўяр эди. Баъзан дадам анҳор бўйидаги иссиқ кўмда танамизни иситиш учун думалашиб ётганимизда болалигини эслаб кетар, илгари бу ерлар кета-кетгунча даштлик эди, дея хўрсиниб гап бошларди. — Урикзорлар, ёнғоқзорлар, эҳ-хэ, ҳар дарахтлар эдики, қучоғинга сиғмасди. Молларни ёйиб хўбориб, қиш бўлса ўртага катта гулхан ёқиб, атрофини қуршаб, уйдан келтирган зоғора нонларимизни оловда товлаб, мева-чеваларимизни дастурхонга тўкиб... эҳ-хэ, ёз бўлса мана шунақа чўмилишиб, кўмларда мана шунақа думалашиб... эҳ-хэ, ҳар ўйинларимиз бор эдики, мен ярим қақиримгача нафас олмадан зувиллаб бора олар эдим, дея яна хўрсиниб кўярди... Ҳозир эса дадажоним қамоқда ётибди. Ким билади, ўша фароғатли дамларни эслаб, маъюс тортиб ўтиргандир.

Аммамларнинг кўшқанотли, бир маҳаллар бўялиб, вақт ўтиши билан энди ранги ўчиб, олачалпоқ бўлиб қолган эшиклари қия очиқ экан, Хайрият, уйларида одам борга ўхшайди деб ўйлаб, севиниб кетдим. Чунки ишни битириб тезгина қайтиб кетиш ниятида эдим.

— Ким бор? — овоз бердим дарвозахонага киргач.

Жимлик, ҳовлининг юзи тўла оқ, чипор, товуқлар. Нималарнидир териб ёйишиб, афтидан, ўзларича мамнун бўлишса керак, ўз тилларида қуқулашиб ашула ҳам айтиб юришибди. Яна овоз бердим. Ҳовли боғдан бир пахсагина девор билан ажратилган. Ўша томонда аммамнинг катта ўғли Абдукарим кўринди. У мен билан тенг, бир ойда кетмакет туғилган эканмиш. Мен етти кунлик каттаман, холос.

— Ие-ие, — деди Абдукарим мен томон чопқиллаб келаётиб, — ие-ие, мана буни қаранглар, ие!

Афтидан жуда севиниб кетди шекилли, юз-кўзи чарақлаб келяпти. Уни азалдан яхши кўраман. Поччамга ўхшаб думбулгина, оқ-сарикдан келган юзининг ҳандалақдек дум-думалоқлиги, кўзларининг ҳамиша одамнинг раҳмини келтирадиган даражада ғамгин боқиши ҳам поччамникига ўхшайди.

— Ие-ие! — деди яна ёнимга келиб. — Зафаржонмисан, ана буни қаранглар. Қўлим ифлос, ҳозир юваман, ҳозир! Укаларинг қани, аканг-чи? Ойим, ҳаммалари келади, девди-ку, ана буни қаранг-а!

Ювинди. Қўл олиб кўришдик. Боғ томондан укалари Абдухалим билан Абдуфаттоҳ ҳам чопқиллашиб келишди. Урик теришаётган экан, қўл олишдик.

— Аммам қани? — сўрадим бетоқатланиб.

— Фермада, — дейишди ака-укалар бараварига.

— Поччам-чи?

— Уям.

— Ферма узоқми?

— Узоқ эмас-у, — тушунтирди Абдукарим, — лекин ўзлари тушликка келишади. Қозонга товуқ шўрва солиб кўйганман, ойим айтувди. Товуғимизнинг ярми яхши тухум бермай кўйди. Товуқ қариса уч-тўрт кунда битга туғадиган бўлиб қоларкан. Пушти камайиб кетармиш. Дадам, энди булардан фойда йўқ, сўйиш керак, деди. Бугун иккитасини қозонга солдик, Зафаржон, сен ҳеч товуқ сўйганмисан, йўқ дейсанми? Жони жуда қаттиқ бўлади. Бўйинини узиб ташлаганингдан кейин ҳам сакраб юраверади.

— Йўғ-э, — дедим ишонмай.

— Ишонмасанг, ана, Абдухалимдан сўра. Биттаси роса ўн минутча сакради.

— Боши бўлмаса ҳам-а?

— Боши кўлимда эди, ўзи бўлса ўчоқ бошида сакраб юрибди. Тоғам қамоқдан чиқдиларми?

— Чиқиб қолар, — дедим хўрсиниб.

— Келинойим-чи? — яна ғамгин кўзларини пирпиратиб сўради Абдукарим.

— Ойим ҳам яқинда чиқади.

Ойижонимни эсладим, юрагимга ғашлик чўкиб, гапимиз қовушмай қолди. Абдукарим укаларини боққа ҳайдади. Тушликкача яна ўн челақдан термасаларинг, овқат емайсанлар, деб ўдағайлади. Ўзи молнинг гўнгида таппи думалатаётган экан. Ўша ёққа ўтдик. Қизиқ, молнинг гўнгига кўмирнинг кукунини кўшишаркан. Яхши ёнармиш, алангасининг иссиғи кучли бўлармиш. Абдукарим, афтидан, туғилганидан буён фақат таппи думалатиш билан шуғулланаётган бўлса керак, машғулотнинг ҳавосини шунақа оптики, чаққонлиги, ҳаракатларининг ўлчанганлиги, берилиб кетиши — ҳамма-ҳаммаси ҳавасимни келтириб юборди.

— Буқа ҳам ўзларингникими? — сўрадим, негадир, гаплашиш учун бошқа гап тополмай.

— Үзимизники, — бошини кўтармай деди Абдукарим. — Дадам, кузгача боқсанг беш юз кило юк беради, деяпти.

Яна нималарнидир сўрагим бор. Лекин ботинолмай турибман. Уртоғимнинг пишллаб, қора терга ботиб, шошилиб ишлаётганлиги, менинг эса олифта кийиниб олиб, молхонанинг димоғни ачитиб, кўнгилни оздирадиган ёқимсиз ҳидидан бурнимни жийириб, икки қўлимни биқинимга тираб томошабин бўлиб туришим ўзимга ёқмаяпти. Қизик, гўштни яхши кўраман-у, молхонанинг ҳидини ёқтирмайман.

Боғнинг этагига қараб юрдим. Бора-боргунча гилос кўкартиришган экан. Эртангилари тугабди, кеккиларида битта-иккита бор, чумчуқ чўқиганлари ҳам кўп. Ости бедазор, тиззага уриб қопти. Яқингинада суғорилган бўлса керак, гуркураб ўсиб, атрофга димоғни эркалайдиган намхуш ҳид таратиб турибди. Қалбимда аллақандай илиқлик туйдим, танам яйраб кетди. Кўм-кўк беда устига думалагим, чалқанча ётиб жимирлаб турган осмонга тикилгим келиб қолса бўладими! Бир марта, дадам билан келганимизда, кенг бедазорга чиқиб худди шундай қилувдик. Назаримда ўша дақиқаларда туйган хузур-ҳаловатим эсимга тушиб кетди шекилли.

— Зафар ака, — дея мурожаат қилди етти ёшли қариндошим Абдуфаттоҳ. — Ҳа, урикни менга теришасизми, ёки акамгами?

— Сенга теришаман, — дедим яқинига бориб.

— Ана, эшитдингми? — қувониб кетди Абдуфаттоҳ. — Сен бўлсанг, менга теришгани келяпти, дейсан.

Афтидан, олти туп мирсанжали ўрикнинг устида қанча меваси бўлса, поччам тонг сахарлаб туриб ҳаммасини қоқиб бериб кетганга ўхшайди. Ҳа, шундай қилганлиги аниқ. Мева ўз-ўзидан шунча тўкилмайди. Ҳар биттаси чақалоқнинг муштидай келадиган ўриқлар ер билан битта бўлиб ётибди. Аммажоним ҳар йили қиш палласида бизга халта-халта туршак кўтариб борарди. Шулардан қуритиб оларкан-да.

Ишлагим келиб қолди. Улай агар, шундай бир иштиёқ қўзғалдики, ўзимни тутолмай қолдим. Шимим билан кўйлагимни ечиб, гилоснинг шохига илдим.

— Мана кўринг, — зорланди Абдуфаттоҳ, — акам билан менинг челагимни солиштиринг, қайсиси катта экан. Доим менга катта челак беришади-да, кейин ўзлари норманг битмади деб, устимдан кулишади.

Абдуфаттоҳ челагини акасининг ёнига келтириб қўйди:

— Айтинг-чи, қайси бири новча экан?

— Сеники новчароққа ўхшайди.

— Ҳечам-да, — ўн икки ёшли қариндошим Абдухалим ўрик теришдан тўхтаб бошини кўтарди, — уники новча бўлгани билан қорни кичкина. Меники пастроғ-у, бақалоқ. Уникига саккиз кило, меникига ўн икки кило кетади. Эй, Фаттоҳ, терсанг ёнгинимасдан тер, бўлмаса ҳозир ҳайдайман.

— Ҳайдаб бўпсан.

— Ҳайдайман.

— Ҳайдасанг, велосипедингнинг камерини тешиб қўяман.

— Ҳўп, кел бўлмаса, челақларимизни алмаштириб оламиз.

— Йўқ, энди алмаштирмайман, — челагини кўтариб ўз ўрнига қайта бошлади Абдуфаттоҳ. — Фақат мен яримроқ олиб бориб тўкаман.

— Билганингни қил, маҳмадона, — қўл силтади Абдухалим.

Теришга тушдим. Ҳар хил: сарғайиб пишганлари, пишиб ўтиб кетганлари, ҳали пишиб улгурмаган кўкимтирроқ бўлиб турганлари ҳам бор. Бир хиллари поқиллаб қоқ иккига бўлиниб кетган, данаги очилиб ётибди. Тўлган челақни нарироқдаги бўйра тўшалган хирмонга тўкиб келяпмиз. Абдухалим ҳам поччамга ўхшаб камгап, бир нарса сўрасанг кулумсираб, қисқагина жавоб беради-да, яна бошини эгиб олади.

— Меники ўн олти челак бўлди, — деди Абдуфаттоҳ акасининг тепасига бориб.

— Бор, ишингни қил, — акаси бошини кўтармай жеркиб берди.

— Сеники ўн тўртта бўлди холос, энди мен дам оламан.

— Ҳалақит берма деяпман.

— Сеники ҳам ўн олтига бўлгунча кўчага чиқиб ўйнаб келаман.

— Қани, ўйнагани чиқиб кўр-чи!

— Чиқсам-чи?

— Йўқ, Абдуфаттоҳ ўйнагани чиқмади, кўрқди шекилли. Челагини чилдирма қилиб бир-икки чалган бўлдию, яна теришга тушди. Челак ярим бўлмасдан белини ростлаб:

— Уҳ! — деб қўйди чўзиб.

— Нега ухлайсан? — сўрадим қизиқиб.

— Мен ҳали қўйимга ўт ҳам ўришим керак.

— Қўйинг ҳам борми?

— Ҳали кўрдингиз-ку, урғочилари меники.

— Кўзилариямми?

— Кўзилариям.

— Бўрдоқилари-чи?

— Унга Ҳалим акам қарайди, ем беради холос. Кўкўт бермайди. Кўкўт қўйни оздириб қўярмиш... Мен аҳмоқ бўлиб, ҳар куни далага ўт ўргани бораман.

— Сенга қийин экан.

— Бўлмасам-чи. Анови куни қўлимни ўроқ кесиб кетди. Мана кўринг, ўйнаганим қўйишмайди мени...

— Новвос-чи, унга ким қарайди?

— Сигир билан новвосга катта акам қарайди. Биз қўрқамиз. Сигир-ку, майли-я, новвос чатоқ. Қутуриб кетган. Кўрмадингизми, бурнидан ҳам ингичка занжир ўтказиб қўйганмиз. Акамдан бошқаси олдига боролмайди.

— Товуқлар-чи? Унга ким қарайди?

— Товуқлар... улар ўртада... Сиз товуқ гўштини яхши кўрасизми?

— Сал-пал.

— Мен жуда ҳам яхши кўраман, юмшоққина-да. Дадам, чаққонроқ бўлгин деб, менга нуқул оёғини беради. Бўйинини ёмон кўраман. Кемираётганимда юрагим сиқилиб кетади. Сизлар ҳам товуқ боқасизларми?

— Йўқ?

— Мол-чи?

— Йўқ.

— Вой, унда нима иш қиласизлар?

— Уқиймиз.

— Уқишдан кейин-чи?

— Яна ўқиймиз.

— Ёлғон. Мени алдаяпсиз. Сизлар футбол, яна хоккей ўйнайсизлар.

Тўғри, дея ўйладим ичимда, биз ўйин ўйнаймиз, улар ишлайди. Атоулла муаллим ҳам шунақа, болаларини ўйнатмайди. Туроб милиционер ҳаммасидан баттар, ўғил-қизларига баб-баробар иш тақсимлаб, нормасини бажармаса овқат ҳам бермайди. Нега шундай қилишар экан-а, нега? Ахир ўйнаганда одам мазза қилади-ку, яйраб кетади-ку! Улар гол уришнинг гаштини билишмайди-да, шунинг учун ўйнашмаса керак... Лекин, қизиқ, мен ҳозир, мана, ўрик теряпман, демак ишляяпман. Киши ишлаганда ҳам худди ўйнагандаги каби ҳузур қилиши мумкин экан-да... Қизиқ, нега дадам бизни бу ҳузурдан маҳрум қилди экан? Йўқ, дадам-ку, хоҳларди-я, ойижоним қўймасди. Болажонларимни қора меҳнатга бермайман, дерди. Бечора, ойижоним, бизни қанчалик яхши кўрарди-я, бизни деб мана қамоқхонада ўтирибди. Эҳ, ойижон, эҳ, дадажоним, нега бизни бунақа ишларга ўргатмадиларинг? Мана, аммамларнинг сигиру новвосларини, қўю товуқларини қаранг, бу боғларни яшнаб турганини кўринг, буларни ҳеч ким тортиб олмайди. Бизники, нимаики топган бўлсак, ҳаммаси хомталашга тушиб кетди. Кимнинг амали катта бўлса, ўша кўпроқ олди. Яна олишса керак... Уҳ, энди буёғи нима бўларкан?

Ҳовли томондан овоз эшитилди. Бошимни кўтардим. Қани-қани, деганича ҳаллослаб, қулочини кенг ёзиб, аммам келмоқда эди.

— Бўйларингдан ўргилай, жигаргинам! — аммам мени бағрига олатуриб йиғлаб юборди. Ютоқиб, юз-кўзларимдан ўпа кетди. Афтидан, акаси қамалиб қолганлиги туфайли қалби аламга тўлиб турган эканми, шуларни кўзёшлари билан чиқариб юбормоқчи бўлдими, узоқ йиғлади. Қўлтиқлашиб ҳовлига ўтдик. Айвондаги катта каравотга атлас тўшак ёзди. Ёнбошимга бахмал болишлар қўйиб берди.

— Қани, гапир, акам шўрлик чиқай деяптими?

— Қайдам, — деб қўйдим.

Аммам бош чайқаб хўрсинди:

— Келиним-чи?

— Унгаям ҳаракат қилишяпти.

— Товба, ҳеч қутилмаган фалокат-а, бир йўла икковлариям-а! Ҳай, аммагинанг ўргилгур, нега уканг билан синглингни олиб келмадинг? Аканг-чи, Акбаржоним қани? У шўрлик бу аламларни қандай кўтаряпти экан, фил бўлса бели синарди-я! Шўрликкинам ўзи ожизгина эди, қандай чидаяпти экан, нега олиб келмадинг уни? Ахир, мана, мевачевалар пишиб қолди, беш-ўн кун ўйнаб кетарди-ку, ўзи тузукми? Уша куни борганимда афтига қараб қўрқиб кетдим; кўзлари тўла ваҳима эди.

Аммажон, ўша куни сизлар кетишларинг билан акам нима сабабдандир ўзини осиб қўйди, ўлишига сал қолди, деб айтгим келди-ю, ўзимни тийдим. Аммамнинг юраги ҳасратга тўлиб турган экан, бўшатиб олсин, дедим.

— Ҳой, Абдукарим, — деб қақирди аммам, — ишингни бас қил, шўрвангга қара, картошқасини солганмисан? Ҳозир даданг ҳам келиб қолади-я. Об-бу, Зафаржон-эй, аммангни кўргани келибсан-да? Қандай яхши-я! Оёғингни узат, яйраброқ ўтир... Уша куни борганимда ҳовлиларинг тўла одам экан, дурустроқ гаплашолмадик... Овозаси қишлоққа ҳам етиб келган. Ҳаммаёқда миш-миш гап. Акангизнинг уйидан бир пуд тилло чиққан эмиш, деб мендан сўрашади. Ростми шу гаплар?

— Эллик иккита танга чиққан холос.

— Э, товба, шунга шунча ваҳима-я.

— Уям бобомдан қолган экан.

— Заргар бобонгданми?

— Ҳа.

— Э, худойим-эй, боболарингдан тилло қолган эканми а? Келиним қачон кўришмайлик, очимдан ўлдим дерди-ку?.. Дадангнинг олдига бориб турибсизларми? Рангрўйи қандай? Акагинам-эй, нега бундай бўп қолдикин-а? Ота-бобомиз битта қора қозону, тўртта кўрпа билан яшаб ўтган эди-ку. Шунча молу дунё, шунча ойнавон уйлар, шунча пул... вой акагинам-эй,... ҳаммаси шу заргарнинг қизи Раънохон туфайли бўлди-ёв. Вой, товба, одамлар бунча очкўз бўлмаса, ахир одамнинг кўзи тупроққа тўлади. Наҳотки буни тушунишмаса... Майли, амманг ўргилсин, худо хоҳласа ҳаммаси жойга жойига тушиб кетади. Ҳатми-қуръон ўқиттирдим, ота-оналаримиз яшаб ўтган жойга бориб чироқ ёқдим. Мана, икки ҳафтадан буён «Мушкулкушод» ўқиттиряпман. Худо хоҳласа, акагинам билан келинимнинг мушқули осон бўлади. Отин биби айтяптилар, бир ойга қолмай икковиям озод бўлармиш. Ҳой, Абдукарим, мен гапга тушиб кетдим энди, қозондан картошкани ол, эзилиб кетади-я. Зафаржон, шу ўртоғинг ажойиб бола бўлди-да. Қунда тиним бор, қумурсқада тиним бор, бунда тиним йўқ. Товба қилдим-эй, худди дадасининг ўзи-я. Мошина оламан деб ҳаракат қиляпти. Дадасига қолса-ку, кўнмайди-я, худо берган икки оёқдан яхшиси борми дейди поччанг. Уртоғинг укаларини ёнига олиб гилос сотди, яхшигина пул қилди болагинам. Мана, новвос боқяпти, қўйлариям семириб қолди. Майли, олса олар. Ҳамма минганда нега биз минмас эканмиз... Ҳой, Абдукарим, оқ пиёздан бир товоқ тўғраб солгин. Хушхўр бўлади. Уч-тўрт кун тургани келдингми?

— Иложи бўлса, — дея чайналиброқ жавоб қайтардим, — бугуноқ қайтаман.

— Вой, бунча шошмасанг?

— У ёқда ишлар тифиз-да.

— Қўй бунақа гапларингни. Эртага бориб укаларинг билан акагни ҳам олиб келсан. Ана, катта уй бўш, ўша ерда турасизлар. Акамнинг иши бирёқлик бўлгунча бағримда олиб ўтираман.

— Иложимиз йўқ-да, аммажон.

— Ахир, у ерда қаровсиз қоласизлар-ку? Бу ерда мен қандай ухлайман?

— Лутфи холам қараб турибди.

— Барибир, бегонада у. Жигарнинг меҳри бошқа бўлади. Ё ўзим бориб турайми?

— Фермадасиз-ку?

— Колхознинг моли қаровсиз қолмайди.

— Барно холам келиб турибди.

— Ҳеч бўлмаса Нигора қизимни жўнатгин. Пешонамга қиз битмади. Жўнатасанми?

— Майли.

— Майли деган тилларингдан ўргилай. Овозинг ҳам худди акамникига ўхшайди-я. Айтгандай: анови кунни, акамга беринглар деб, бировдан товуқ пишириб юборувдим, олиб бордимми?

— Ушани чиндан ҳам сиз бериб юборганмидингиз?

— Хушбўй мурчлар солиб пиширгандим.

— Дарвозахонага ташлаб кетган экан, биз уйда йўқ эдик-да. Аввалига ҳайрон бўлдик, кейин сумкадаги аччиқ куртдан, райҳон солиб тайёрланган сузмадан сиз жўнатган бўлсангиз керак, деб тахмин қилдик.

— Ичига икки энлик хат ҳам солайлик десам, поччанг кўнмади-да. Ўзи тўртта товуғу, миннат қилгандек, ичига хат ҳам соласанми, деб.

— Аммажон, мен зарур бир иш билан келганман, — дедим иккиланиб. Шу пайтда амманнинг меҳри оташида ўзим ҳам селдек эриб бораётган эдим. Холадан онанинг, аммадан отанинг ҳиди келади, деган гапни эшитувдим. Назаримда, шу пайтда қаршимда аммажоним қиёфасида нафақат дадажоним, балки мен ҳеч қачон кўрмаган, кўришим ҳам мумкин бўлмаган бобожоним, бувижонларимнинг қайноқ меҳри, илиқ нафасини туюётгандек эдим. Шу аснода пул ҳақида гап очиш ноқулай эди-да.

— Айта қол, қанақа иш билан келдинг? Худо хоҳласа ҳаммасини битирамиз. Шукр, поччангнинг обрўйи баланд бу ерларда. Ҳамма жойга қўли етади. Қўшалок ордени бор, депутат ҳам бўлган.

— Поччам гапиролмайдилар-ку, — дедим. — Нега уни депутат қилишади?

— Вой, аммагинанг гиргиттон-эй, депутатнинг гапириши шартмикан? Қўл кўтаришни билса бўлди-да. Қанақа иш билан келдинг ўзи? Рангинг оқариб кетди, тинчликми?

— Пулга келдим.

— Дадангнинг пулигами?

— Ҳа.

— Шунча пул... ўзига керакмикан?

— Ҳа.

— Қамоқхонада овқатни текинга беради, дейишувди-ку?

— Бир тухматчига берарканмиз.



— Тухматчига, товба, ҳам тухмат қилсин, ҳам пул олсин. Шаҳарда нима бўляпти ўзи?

— Шунақа бўп қолди-да. Пул берсак, тухматини қайтиб оларкан.

— Майли, тойлоғим, акагинам пул билан тухматдан қутулса, аяманглар. Керак бўлса, биз ҳам қараб турмаймиз. Машинани бир йил кейин олсак, ўлиб қолмасмиз. Ун тўрт минг экан, рўмолчага тугиб сандиққа ташлаб қўйдим. Ҳаммасини олиб кетасанми?

— Ҳа.

— Тухматчининг каттасига учрабди-да, акам шўрлик.

Поччам кириб келди. Сухбатимиз бўлинди. Унинг ғалати одати бор: ким билан бўлмасин ҳамиша кучоқлашиб кўришади. Кўришаётганда, албатта, белингизни сиқиб ҳам кўяди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Суякларимни зирқиратиб юборди. Аммамга ўхшаб уям узоқ ҳолу аҳвол сўради. Нима иш билан келганимни эшитиб, шунча пул билан ёлғиз жўнатиб бўлмайди, ўзим кузатиб бораман, деди.

Товуқ шўрвани ҳузур қилиб ичганимиздан сўнг шаҳарга отландим. Поччам, негадир, оппоқ кўйлаги устидан аммам айтган иккита орденини тақиб, депутатлик белгисини ҳам қадаб олди. Нега бундай қилди, ҳалигача тушунмайман. Эҳтимол, савлатлироқ бўлиб кўринсам, ўғрилар таҳдид қилмас, деб ўйлагандир. Бора-боргунча менга насиҳат қилиб борди. Пулнинг ҳаммасини бир йўла берманглар, деган гапларни ҳам айтди. Бўлиб-бўлиб беринглар, ҳар берганда тўрт энлик бўлсаям тилхат олинглар, деб тайинлади...

\* \* \*

Сўнгги кунларда акам ғалатироқ бўлиб қолди. Биздан ўзини олиб қочади, гаплашмайди, кун бўйи хонасида ёлғиз ўтиради.

— Яна йиғладингми? — сўрайман сезиб қолган пайтларимда.

— Йўқ? — совуққина жавоб қайтаради акам.

— Кўзларинг ёш юқи-ку?

— Сенга шундай туюлаётгандир.

— Ҳечам-да, ойнага қарагин, қовоқларинг ҳам шишиб кетибди.

— Зафаржон, укагинам, мени тинч қўйинглар.

— Ахир бу аҳволда ўзингни еб кўясан. Ҳеч бўлмаса кўчаларга чиқиб айланиб келсанг, ўртоқларингникига борсанг бўлмайдимми?

— Уяламан улардан. Одамларнинг кўзига қарашга ботинолмай қолдим. Сизларга ачинаман дейишди-ю, кўзлари тўла нафрат. Ул, бу кунингдан баттар бўл, деган маъно аксланиб туради. Бир кунмас-бир кун бошимизга ана шундай кунлар тушишини сезардим. Ойижоним мени жиннисан, дерди, дадам бўлса, сени китоб бузди, Атоулла нобуд қилди, деб уришарди... Йўқ, укажон, мен қийналяпман, эзилиб кетяпман, эҳтимол дадам билан ойижонимни қамоққа мен тиққандирман, ҳаммасига менинг ўзим айбдордирман!..

— Нега, ҳадеб, шу гапни такрорлайверасан?

— Ҳа, майли, укажон, бас қилайлик. Ундан кўра гапириб бер, аммамлар яхшими? Ўзи нега борувдинг, нега мендан яширасан? Нуқул Бозоровой амаким билан пичир-пичир қиласизлар, менга ишонмайсизлар, душманларингман. Эҳ, ўша куни ўзимни яхшилаб осолмаганимга ҳалигача афсус қиламан. Бир йўла ҳаммасидан қутулардим. Сизлар ҳам мендек тили аччиқ дардисардан қутулган бўлардиларинг.

— Акажон, ундай дема, биз ҳаммамиз сени яхши кўраимиз.

— Ойим билан дадам ҳам мени бир чеккага чиқариб қўйиб, нуқул сен билан сирлашишади.

— Ҳечам-да.

— Анови куни борганимизда ҳам бизни чиқариб юбориб, сени олиб қолишди. Хўп, ўшанда нимани гаплашдиларинг?

— Акангга яхши қарагин, дейишди.

— Ёлғон!

— Ўлай агар, шундай дейишди.

— Қўйсанг-чи, укажон. Мен ҳаммасини сезаман. Уша кундан буён Бозоровой амаким билан ҳар томонга зир югуриб юрибсизлар. Деразадан кўриб ўтираман, нуқул пичир-пичир, шивир-шивирлар... Қишлоққа нега бординг?

— Ўзим, шундай...

— Шундай эмиш... Поччам сени бекорга кузатиб келмагандир?

— Шаҳарда иши бор экан.

— «Волга»ни кимга ҳада қилдиларинг?

— Дарров кимдан эшита қолдинг?

— Зуфар айтди. Менга қара, укажон, тўғри, мажруҳман, яримжонман. Сизларга ўхшаб югуриб-елолмайман. Лекин оёғим ишламаса ҳам калла озгина ишлайди. Уша «Волга»ни товламачиларга бергандан кўра давлатнинг ўзига топширган маъқул эди. Энг холис, энг адолатли ёрдамни давлатнинг ўзи берарди... Яна хато қиялмаслар.



- Касалхонага ётқизишмоқчи.
- Узингиз қатнаб юрган касалхонагами?
- Милицияники бошқа бўлармиш.

Ойижоним кўзларини юмиб жим қолди. Яна калта-калта нафас ола бошлади. Ҳаво етишмаяпти шекилли, сўлғин юзларида реза-реза тер кўринди.

- Заргарларга мен айтган гапни етказдингми?

— Айтдим, ойижон, хурсанд бўлишди. Улар ҳам сизни қутқариш учун ҳаракат қилишаётган экан.

- Тақинчоқларни... олдиларингми?
- Ойижон!

Билмадим, шу аснода мен ниманинг таъсирида эканман, ҳалигача тушунмайман. Бу ўзиммидим, ёки менинг қиёфамда бағритош бир йигитча ўтирганмиди? Олдим, ҳаммаси жойида десам тилим узилиб тушмасди-ку, ойижонимнинг алағда кўнгли тинчиб руҳида сокинлик, дилида озгина бўлса ҳам ором пайдо бўларди-ку. Нега бундай қилдим нега? Ҳозир айтганимдек, ойижонимнинг ўзидан бирор ақли маслаҳат чиқар, деган фикрга борган эдим шекилли, воқеани батафсил сўзлаб бердим. Улай агар, маслаҳат олиш учун шундай қилувдим.

Ойижоним остки лабини қонатгудек қаттиқ тишлаб, гоҳо бошини ожиз-ожиз силкиб тинглади, кўзлари юмуқ эди. Пешонасидаги тер қуюқлашаётганини кўрдим. Киприклар орасидан ёш томчилари думалаб тушди.

— Йиртиб ташладими? — ҳамон кўзларини очмасди ойижоним, — мени... елпи, ҳаво етишмаяпти...

Йўқ, мен хато қилиб қўйдим, ҳа-ҳа, хато қилдим! Нега бундай қилдим, нега? Қўйлагимни ечиб елпияпман. Пешонасидаги реза-реза терларни сидириб оляпман, нима қилдим энди? Хурсанд қиладиган бирон хушхабар айтишим керак, ҳа-ҳа, худди шундай қиламан! Ахир ҳаммамиз ҳам ойижонимни қутқариш учун ҳаракат қиляпмиз-ку. Дадажоним ҳам қўл-оёғи боғлиқ бўлишига қарамай, жим ўтиргани йўқ, ҳеч нарсани аямаяпти, пул бўлса пул, машина бўлса машина ҳада қиляпти...

Ойижоним кўзини очиб хиёл кулумсиради:

- Утиб кетди шекилли, қўрқдингми?

— Йўқ, унчалик эмас.

— Укаларингга айтмагин.

— Хўп, айтмайман. Ойижон, дадам ҳам сизни деб ҳеч нарсани аямаяпти. Бир амаллаб ойингни қутқарайлик, уёғи кейин бир гап бўлар, деяпти.

— Бечора, унга ҳам осон эмас.

— Сизни деб «Волга»ни ҳам ҳада қилиб юбордик.

— Ҳада қилдик?!

— Энди ҳаммаси яхши бўлади, ташвишланманг.

— Кимга ҳада қилдиларинг?

— Садир Бадалович амакимга.

— Вой шўрим!

— Кейин... қишлоқдан пул ҳам олиб келдим.

— Пул, кимдан олиб келдинг?

— Дадамнинг аммамда пули бор экан, ўн тўрт минг... Сизга нафи тегар, деб уни ҳам ҳада қилдик.

— Вой шўрим... Мени ушла, йқиламан. Ҳамширани чақир, тезроқ!..

Ойижоним юрагини чангаллаганча сўхбатлашиб ўтирганимиз — курсининг суянчига бошини оҳиста қўйди. Ранги докадек оқариб бормоқда эди...

Мен ҳозир акамнинг ҳадди сиғиб қилган илтимосини бажариш учун, хурсанд ҳолда борар эканман, кетма-кет хатолар қилиб, ойижонимни қийнаб қўйганимни эслаб кетдим. Тўғри, ҳамшира келиб дори ичиргач, ойижоним хийла ўзига келиб, ожизгина кулумсиради. Хайрлашаётганимда пешонамдан ўпиб, қалтираб турган қўллари билан елкаларимни силаб ҳам қўйди. Лекин, барибир, юрагимдаги ғашлик дуркун-дуркун кўзғалиб, ишонсангиз, биқинимни чимдиб-чимдиб оляпман.

«Қурилиш магазини»да клей харид қилаётганимда кутилмаган, ҳа-ҳа, чиндан ҳам ҳеч кутилмаган бир воқеа юз бердию, руҳимдаги ғашлик ўз-ўзидан тарқалиб кетгандек бўлди. Магазинга гуриллашиб, бир-бирини итаришиб, ана-ана дейишиб, ҳеч сабаб бўлмаса ҳам қиқирлашиб кулишиб бир йўла саккиз-тўққиз чоғли синфдошим кириб келса бўладими! Мен, негадир, ҳеч хушламайдиган, лекин шундай бўлса ҳам ўзини менга ҳаммиша бошқалардан яқинроқ олиб юрадиган аёлчи Илҳом; саккиз йилдан буён бирон марта ҳам «беш» баҳо ололмаган қизикчи Ҳамроқул; озгина мақтанчоқ, озгина ёлғончи, шунга қарамай жуда ҳам оққунгил ўртоғим Исмоил; мен билан бир партада ўтирадиган, қишин-ёзин осмонга тикилаверганидан варракчи лақабини олган Жалол...

— Оббо сен-эй, — деди Илҳом.

— Орқангдан қувладик, — деди энтикиби Ҳамроқул.

— Автобус билан изма-из югураяпмиз-у, орқангга қарамайсан-а, — деди елкамга муштлаб Исмоил.

— Бутун синф келганмиз, — ҳамон нафасини ростлаб ололмасди Илҳом. — Синф раҳбаримиз ташкил қилди. Шундоқ уйлариинга кирсак, аканг сени «Қурилиш магазини»га кетди, ҳозиргина, деди. Дармон опам, орқасидан югурларинг, бўлмаса кечгача ҳам тентираб юраверади, унинг одатини яхши биламан, деди... Сизлардан кўнгил сўрагани келувдик. Дармон опам, қанақа синфдошсизлар, ҳам отаси, ҳам онаси қамалиб ётса-ю, ҳалигача бир оғиз кўнгил сўрамасаларинг, уят-эй, деди. Рост, ҳар нарса бўлай, ўзимиз ҳам роса уялдик. Қани, кетдик, автобус кутмаймиз, уч бекал холос. Югураимиз. Қизлар ҳам келишган, ҳар нарса бўлай...

Харидимни тугатган эдим. Икки ўртоғим икки қўлтиғимга кириб, уч-тўрттаси елкамдан итар-итар қилишиб, оёғимни ерга тегизмай ташқарига олиб чиқиб кетишди. Узи ўртоқларимнинг ҳаммаси ҳам физкультура дарсида дангасароғ-у, футбол ўйнаганда ёки мана шунақа мавриди келиб қолганда чопағон, астойдил югуришса ортларидан този ит ҳам етолмайди, десам ишонаверинг. Уйга етгунча тилим нақ бир қарич осилиб кетди. Ҳа, чиндан ҳам катта ҳовлимиз болаю қизга тўла, аралаш-қуралаш бўлиб кетишибди. Бир хиллари қўлларида латта, деразаларни артган, бир хиллари калта-култа супурги олиб ҳовли супурган, бошқалари шалолатиб айвоннинг полини юваётган. Дармон опам акам билан ёнбош ўтириб суҳбатлашаётган экан. Яқинлашим билан ўрнидан туриб, қучоғига олди. Худди ойижонимга ўхшатиб пешонамдан ўпди, елкамни оҳиста-оҳиста силлай бошлади. Негадир, ўпкам тўлиб кетди.

— Ана холос, — деди синф раҳбаримиз қўлимдан олиб бир чеккага етаклар экан. — Ҳой болалар, ҳой Меҳри, қани ишга, аввал тугатайлик, кейин тўйиб-тўйиб гаплашамиз. Ҳой Исмоил, анграйма деяпман. Оббо Зафаржон-эй, эсон-омон ўтирибсизларми? Ҳадеб куюнаверманглар, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Қора кунлар кимларнинг бошига тушмайди. Йигитнинг мардига гоҳо мана шунақа синовлар ҳам бўлиб туради. Ўртоқларингга қўшилмасмишсан, ҳаммадан ўзингни олиб қочар эмишсан, бу қанақа қилдиқ? Ота-она учун бола жавоб бермайди... Эҳтимол улар ҳам айбсиздир. Кафолатнома керак экан, нега менинг ўзимга бормадинг?

— Кимдан эшитдингиз? — дедим ўпкам тўлиб.

— Атоулла муаллим айтди. Қонун Ёқутхон опамга судгача очиғда туриш ҳуқуқини берар экан, бу ҳуқуқ сизларнинг тарбиянгиз учун зарур экан. Атоулла муаллим худди шундай деди. Муаллимларни, синфдошларингни оёққа турғизардим-ку. Мана, ўттиз учта синфдошинг, ўн еттита муаллимнинг имзо чеккан кафолатномани тайёрлаб келдик...

Ўзимни тугатмадим, кўзларимдан ғилтиллаб ёш чиқиб кетди.

— Ана холос, нима бало, Саид акам нуқул йиғлоқларни катта қилган эканми? Ҳозиргина Зуфар уканг билан Нигорани аранг юпатган эдим. Кап-катта йигитсан-а, уят-эй!

— Ойижоним касал бўлиб қолибди, — дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб.

— Касал бўлса докторлар, бор, мана биз бормиз, қараб турармидик...

\* \* \*

Ака-укалар катта айвонда қатор ётгандик. Тунда тўшагини ҳўл қилиб қўядиган одади ҳамон қолмаган Нигорани ойижонимнинг илтимосига кўра, ёнгинамда олиб ётувдим. Тун дим, ҳаммамиз ҳам алламаҳалгача яхши ухлай олмаган эдик. Саҳарги салқинда донг қотиб қолибмиз. Темир дарвозамизнинг гумбурлаши, итимизнинг асабий вовуллашидан уйғониб кетдим. Ғира-шира тонг пайти. Саҳармардонда дарвозани дўпиллатаётган ким бўлди экан, кўзимни йириб-йиртиб очиб, ўша ёққа югурдим.

Лутфи холам экан.

— Болагинам! — додлаб елкамга ташлади ўзини. — Шўримиз қуриб қолди, шўригинамиз қуриб қолди! Мен энди қандай чидайман?.. Кеча оқшом эшитиб ишонмай, амакингни жўнатувдим. Тун билан ўша ерда бўлиб келди, рост экан...

— Нима бўпти, холажон? — сўрадим ҳамон уйқум тарқамай.

— Кеча экспертиса ҳам қилдиришибди.

— Нима бўлди, ахир?!

— Амакинг холаи билан поччангга ҳам телефон қилди. Атоулла муаллимни йиғотайлик, маслаҳат берсин.

Дарвозахонадаги ваҳимали шовқиндан акам билан укам ҳам уйғониб ёнимизга етиб келишди.

Лутфи холам ерга ўтириб олиб, тиззасига шапатайлаб бошлади.

— Юраги тўхтаб қопти, экспертиса айтибди, юракдан кетди, дебди.

— Бозоровой амаким билан маҳалламизнинг раиси Қосим Дадаевич кириб келишди. Ваҳимали, кўзлари бежо, бир нав довдирашиб ҳам туришди.

— Ёқутхонимдан ажралиб қолдик! — Лутфи холамнинг изтиробли фарёди дарвозахонани тўлдириб юборди.

— Нима?! — дея қичқириб юбордим. Кейин тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан карахт бўлиб қолдим. Кўзим очик, қўлоғимга овозлар қиряпти, лекин ҳеч нарсани англамайман. Акамнинг бир нуқтага беҳуш тикилиб қолганини, Зуфарнинг ер тепиниб додлаб юборганини кўриб турибман. Ана, Нигора йиғлаб келиб Лутфи холамнинг бағрига отилди. Аёллар келди, фарёд чекиб Барно холам ҳам келди шекилли. Хасис поччам ҳам келиб-

ди. Ана, Зуфарни қўлтиқлаб бир чеккага сургаб кетди. Атоулла муаллимми бу? Ҳа, ўша нега акамни чақалоқни кўтаргандек кўтариб олди у? Юзига юзини босиб турибди... Ойижоним ўлди... Нега ўлади?!.. У тирик эди-ку, нега тирик одам ўлар экан... Ер, одамлар айланяпти, учиб бораётганга ўхшайман. Йиқилдик, ҳаммамиз бирдан гурсиллаб йиқилдик. Ойижоним бошимни силаётгандек бўлди. Кўзимни очдим, ойимми бу, йўқ, Барно холамга ўхшайди.

— Вой холагинанг ўргилсин, ўзингга келдингми?

Ҳа, холам экан. Чап ёнимда доктор опа ҳам ўтирибди, танидим. Ойижонимнинг дугоналаридан. Бошимни кўтардим. Ичкари уйда ётган эканман.

— Нима бўлди? — аста сўрадим.

— Йиқилиб тушибсан, бошинг билан ерга урилибсан, — паст овоз билан деди доктор опа. — Энди бошинг айланмаяптими?

— Сал-пал.

— Хайрият, миянг чайқалмапти шекилли, тура оласанми? Қани, тур-чи.

Турдим.

— Бошинг айланмаяптими?

— Қусгим келяпти.

— Ёт, яна бирпас ётгин.

Барно холам чиқиб кетди. Эшикни очиши билан ҳовли тарафдан йиғи овози гуриллаб оқиб кирди. Унлаб кишилар йиғлаётганга ўхшайди: ув тортяпти, фарёд чекяпти, ҳов-ҳов деган овозлар аралашиб кетяпти, демак ростга ўхшайди, ойижоним оламдан ўтибди... Остонада холам кўринди. Қўлида банорас тўн, қийиқ, дўппи:

— Юра оласанми?

— Бир уннаб кўрай-чи.

— Ма, мана буни кийиб ол.

— Чиқмай турса бўлармиди, — тортинibroқ деди доктор опам.

— Чиқсин, — деди холам кўзларимга тикилиб. — Бўлмаса кейин армон қилади.

Доктор опа кийинтиришиб юборди. Барибир оёғимда дармон йўқ, бошим карахт, юролмайдиганга ўхшайман.

— Ёқутхонни олиб келишган, — секингина деди доктор опам. — Юрақол, ўзим қўлтиғингдан олиб ёрдамлашаман. Ҳечқиси йўқ, шок ҳолатида бўлдингда, уч соатча ётдинг. Қўрқувдим бугун ўзингга келмайсанми деб... Юрақол, ўғлим, онанг билан видолашиб ол.

— Ойижонимни бобом солиб берган катта уйга қўйишган экан. Хона ўртасига ўн қават кўрпа тўшаб, бошини қиблага қилиб ётқизиб қўйишибди. Бети очиқ, кўзлари юмилган, юзлари хиёл ширинқираган. Атрофида одам кўп. Акам бош томонида ўтирибди, Зуфар билан Нигора оёқ томонида, полга ётиб олишган.

— Ойижоним, шириним! — деб бошини чайқаб ер муштляпти Нигора. Бизни ташлаб қайларга кетдингиз, мени энди ким эркалайди, ким бошларимдан силайди? Янги кийимлар тикиб берардингиз, яхши таомлар пишириб берардингиз, сочларимни ювиб, атир-упалар сепиб қўярдингиз. Ойижон, кўзингизни очинг, бир оғиз гапиринг, бу менман, Нигора қизингизман. Кечалари ёнингизда олиб ётардингиз, эртақлар айтардингиз, эртақларни ким айтади энди менга?

Гулшанимда гулим эдингиз,  
Боғлардаги булбулим эдингиз,  
Ойижоним, кўз тегмасин деб тумор тақардингиз,  
Соғиндим деб хумор боқардингиз.  
Энди менга ким хумор боқади!  
Униб-ўсгин дердингиз,  
Тўйларингни ўзим кўрай дердингиз,  
Нега тўйимгача турмадингиз!  
Ойижоним,  
Доктор бўлгин дердингиз,  
Касал бўлсам ўзинг боққин дердингиз!  
Меҳрибоним,  
Сизга доктор бўлолмадим,  
Бир пиёла сув бериб  
Дардингизга дармон бўлолмадим.  
Армонда кетган онажоним,  
Жон қизим деб йиғлаб-йиғлаб,  
Дармондан кетган онажоним.

Нигоранинг булбулигуё бўлиб жавраб, кўксини йиртиб йиғлашига аёллар чидай олмай, ув тортиб юборишди. Зуфар ҳамон бақадек ялпайиб полда ётибди. Икки қўллаб ер муштляйди, бошини уради. Акам муллаваччалардек бошини эгиб жим қотиб қолган... Қизиқ, менинг кўзимга бир томчи бўлса ҳам ёш келмади, ҳамон ҳушим ўзимда йўқдек.

— Ҳей қизим, бас қил энди, — деди юзини қора рўмол билан ўраб олган бир аёл. — Ўзингни уринтириб қўясан.

— Майли, йиғласин, — деди бошқа аёл, — юраги совийди. Айтиб-айтиб йиғласин. Ёқутхоннинг орқасидан йиғлаб қоладиган бундан бошқа кими бор. Йиғла қизим, тўйиб-



гизмайман, деб қасам устига қасам ичган сиз эмасмидингиз? Қўмондон хола, менга чақчайманг, ҳозир бориб бўйнингиздаги ўша марваридларингизни юлиб ариққа отаман... Йўқол, ҳамманг! Опагинам сувдан покиза чиқди. Унинг пок юзини энди сен ҳаромхўрларга кўрсатмайман. Зуфар, нега қараб турибсан, таёқни келтириб бошига ур, бу ўғри-бошиларни! Опагинам покиза кетсин бу дунёдан...

Одамлар ҳангу манг. Пиқиллаб йиғлаётганлар ҳам жим бўлди. Узим ҳам ҳайрон эдим. Холам нега бундай қилди экан, уят эмасми?

Маросимни бошқараётган хола ичкаридан шошилиб чиқиб:

— Энди, қўшнилар, хафа бўлмайсизлар. Амри вожиб, дейдилар. Уликнинг эгаси нима деса шу, — деди. Сўнг алами ошиб, ғазаби қайнаб, бутун борлиғи дириллаб қалтираётган Барно холамини етаклаб ичкарига кириб кета бошлади. — Қўйинг, куйинманг. Ҳаммаси яратганнинг ўзидан. Умри қисқа экан, бандасининг қўлидан нима ҳам келарди. Айб уларда ҳам эмасдир. Эрлари яхши топгандан кейин яхши-яхши кийинишади-да. Лекин, уёғини суриштирсангиз, там-там бўлиб келганлари ўзимга ҳам ёқмай турувди. Уликка ясаниб келиш уят.

Ойижонимнинг улфатлари ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳанг-манг эдилар. Бир-бирларига зимдан боқиб, чимирилишиб, елка қисиб туришарди. Биринчи бўлиб, бир арава келади-ган Қўмондон хола тилга кирди.

— Ҳой, Барно пошшо, уялинг! — деди жун арқондек қалин қошларини кериб. — Ёқутхон сизга опа бўлса, бизга қиёматли дугона эди.

— Кўрсатмаса-кўрсатмасин, — деб унинг енгидан тортди Қозихола. — Узи киму, чайқовчи опаси ким бўларди! Улигинг бошингдан қолсин, кетдик.

Бирин-кетин таманно билан чиқиб кета бошладилар. Яна йиғи кўтарилди. Бизни ичкарига олишди. Ойижонимни оппоқ кафанга ўрашибди, юзи очик, лаби хиёл қимтинброқ турибди. Худди, Зафаржон, қорнинг ҳам очгандир, ўғлим, овқатланиб ол, мактабингдан кечга қоласан, деяётгандек.

Кўксимни бир нарса куйдиргандек бўлди.

— Ойижон!! — назаримда оғзимдан олов отилиб чиққандек бўлди. Ҳаммаёқ айлана-ниб кетди. Нигорани бағрига босиб турган аммам, акамни ҳамон чақалоқдек қўлига кўтариб олган Атоулла муаллим, хотинлар, болалар — ҳамма-ҳаммаси айланяпти. Ойижоним ўрнидан туриб қўлларини чўзганча мен томонга юриб келаётгандек... Холамининг фарёди, Нигоранинги чинқириши, қариндошларнинг пиқиллаши — ҳамма-ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетяпти. Тобутни кўтариб киришаётганини ҳам кўргандекман. Тобутмиди, улкан бир қуш қанотларини саланглатиб кирдимиз, англай олмай қолдим...

\* \* \*

Шаҳар касалхонасида бир неча кун алаҳлаб ётдим. Гоҳ ўзимга келиб, гоҳ яна ҳушимдан кетиб қоламан. Узимга келган пайтларимда фикру хаёлларим, барибир, ойижонимга бориб тақалади. Наҳотки, абадул-абад кўз юмган бўлса, наҳотки қайтиб кўрмайдиган бўлсам, йўқ, йўқ!!

— Йўқ! — дея ўрнимдан туриб кетаман.

Ҳамхоналарим ҳамширани чақиришади. Биргалашиб ўрнимга ётқизиб, дорилар ичириб юпатишади, ором берувчи сўзлар айтиб тинчлантиришади. Улим ҳамманинги бошида бор экан. Каттадир, кичикдир ажал тикилиб келса қочиб қутилолмас экан. Эндиги вазифа, яъни менинги вазифам бошимизга тушган фалокатга мардонавор туриб бериб, укам билан синглимининг бошини силаб, мажрўҳ акамнинг кўнглини чўктирмаслик учун унга ҳам меҳрибонлик кўрсатишдан иборат экан. Мен йигит эканман. Йигитлигим оғир кунларда синовдан ўтаркан. Ҳамхоналар, даволовчи докторларнинг ҳар куни менга айтадиган гаплари ана шулардан иборат бўлади. Яхши, дейман-да, кўзларимни чирт юмиб оламан... Хаёлимда, барибир, яна ойижоним кириб келаётгандек бўлади. Бу хаёл эканлигини билиб тураман. Майли, хаёлда бўлса ҳам бир нафасгина меҳрибонимнинг илиқ нафасини туяй, юзларига тўйиб-тўйиб боқиб олай дейман-да, хаёлотга яна эрк бераман... Елкасига оқ халат ташлаб олган ойижоним бир қўлида егулик ўралган тугунча, бошқасида бир даста гул (у гулни яхши кўрарди), оҳиста-оҳиста босиб киради-да, оёқ томонимга омонатгина ўтириб:

— Тузукмисан, арслоним? — деб сўрайди.

— Тузукман ойижон, — дейман маънос боқиб.

— Бошингнинг айланиши қолдимми?

— Сал-пал бор ҳали.

— Нима бўлувди ўзи, ўғлим?

— Қаттиқ қўрққанимда миямнинг майда қон томирчаларидан бири жиндак лат ебди, — дейман оғриётган жойини бармоғим билан кўрсатиб. — Докторлар тезгина тузалиб қоласан, дейишяпти.

— Асалим-эй, мени деб шу кунларга қолибсан-да? Кел, бошингни тиззамга қўй, уқалай. Ҳа, ана шундай, ёқяптими, оғриқ босилдимми?

— Босилди, ойижон.

— Босилган бўлса, турақол асалим, уйга кетамиз. Дадажонинг кутиб ўтирибди. «Волга»мизга тушиб лола сайлига борамиз. Эсингдами ўтганили қирга борганимизда менга бир кучоқ лола териб ҳада қилган эдинг. Сени бағримга босиб юзларингдан ўпган эдим. Эсингдами?

— Эсимда, ойижон.

— Яна териб берасанми?

— Тераман, албатта териб бераман ойижон.

— Терсанг, менинг қабримга қўйгин, хўпми?

— Нега ундай дейсиз, ойижон?

— Ахир, ўғлим, мен ўлганман-ку.

— Йўқ, сиз ўлмагансиз, йўқ, йўқ!!

Бақриб ўрнимдан туриб кетаман. Яна ҳамширалар югуриб киришади. Яна насиҳат, яна ором берувчи, юпатувчи сўзлар.

Оқ халатининг этаги полни супуриб, бирин-кетин Нигора билан Зуфар кириб келишади. Бу — хаёлот эмас, йўқ. Ранглари олқиндидек синглим ва кўзлари ич-ичига ботиб маъюсланиб қолган укамнинг айнан ўзлари. Икковининг ҳам кўзларида ёш, қовоқлари солиниб турибди.

— Тузукмисан? — дейди Зуфар кўлидаги сумкани тумбочканинг устига қўйиб.

— Яна келдиларингми? — дейман ўрнимдан турмоқчи бўлиб. — Овора бўлибсизлар-да.

— Лутфи холам салом айтди.

— Ўзларинг яхшимисизлар?

— Кечаги овқатни емабсан, холам хафа бўлди.

— Иштаҳа йўқ, — дейман ўзимни оқлаб. — Дадамдан хабар олдиларингми!

Укамнинг қовоғи баттарроқ уйилиб тушади.

— Рухсатнома сенинг номингга ёзилган экан-ку.

Жим қоламиз. Нигора оёқ томонимда ўтирибди. Кўзлари тўла ғусса, киприкларида ёш томчилари илиниб турибди. Бир-биримизга изтироб билан нигоҳ ташлаймиз... Сингилгинам, эй товба, худди ойижонимнинг ўзгинаси-я, қўйиб қўйгандек. Оҳуниқидек қопқора мунчоқ кўзлари, ингичка қошларининг алланечук чимирилиб туриши, пешонасининг кенглиги, яноқларининг қизиллиги... Иккимиз ҳам йиғлаб юборамиз.

— Акажон! — дейди-да, Нигора эгилиб оёқларимни маҳкам қучоқлаб олади. Бошини силайман. Соқларининг майинлиги ҳам худди ойижонимникига ўхшади.

— Йиғлама, — дейман аранг тилим айланиб.

— Қачон чиқасиз? — сўрайди синглим бош кўтармай.

— Бугун-эрта жавоб беришса керак, — дейман. — Бутунлай соғайиб қолдим. Мана, қарагин, бошимни уёқ-буёққа бемалол буряпман.

Гарчи, бошимнинг айланиши босилмаган бўлса-да, далда учун ўзимни дадил тутиб, икковларини кўчагача кузатиб чиқаман. Хайрлашаётганимизда синглим, худди энди бошқа кўришиш насиб бўлмайдигандек, мени маҳкам қучоқлаб олади. Қани энди юпатиб бўлса, қани энди юпанч берадиган бирон сўз топилса. Йўқ, онадан жудо бўлиш ҳар қандай фарзандга ҳам оғир. Аммо қиз болага ўн чандон оғир бўларкан, бечора синглим!

Атоулла муаллим ҳам тез-тез келиб турди. Коридорда пайдо бўлиши биланоқ сезадиган бўлиб қолдим. Гурсиллатиб қадам ташлаб, полларни лапанглатиб юборади. Гуриллаган овоз билан қаттиқ гапиради. Ҳамшираларга ҳазил-мутойиба сўз айтиб, худди от кишнагандек, баланд овоз билан кулади.

— Яна конфет ейдиган бўлдик, — деди ҳамхоналарим.

— Эҳ-ҳэ, — дейди Атоулла муаллим хонага қадам босиши билан, — Ҳалиям янги бўшанган хотинга ўхшаб чўзилишиб ётибсизларми? Уят-э! Ҳеч бўлмаса ташқарига чиқиб, эшакминди ўйнасаларинг бўлмайдимми? Қани, турларинг ҳамманг, қизиқ-қизиқ гаплардан гаплашамиз, латифа айтишамиз.

Кейин, чиндан ҳам, ҳаммамизга икки донадан попукли конфет улашади. Улаша туриб болаларнинг берига юзланади: сенинг отангни ўзим ўқитганман, ҳеч кундалик тутмасди... Бошқасига: сенинг онанг ҳам ўзимда ўқиган, аълочи эди, шаҳар олимпиадасига қатнашган, дейди. Учинчисига эса: эҳ-ҳэ, сенам шу ердамисан, қалай, буванг эсон-омон юрибдимми, бирга ўқиганмиз, хўп ажойиб ашула айтарди-да, Ҳалима Носирова унинг олдидан ип эшолмасди, деб чўяди. Бу гаплар ростми, ёлғонми, ҳеч биримиз билмаймиз. Лекин, шундай бўлса ҳам, бир-биримизга қараб жилмайишиб, борлиғимизни эзиб турган дард азобидан, умидсизликдан озгина бўлса ҳам қутулиб, руҳимиз чароғонлашиб кетади.

— Қани, юр, — дейди Атоулла муаллим қўлтиғимдан олиб, — ҳовлига чиқамиз. Дардни ётиб эмас, юриб, ҳаракат билан енгиш керак. Шу ёшга кириб ҳалигача бирон марта касалхонада ётган эмасман. Кўрасан, тўқсонгача ётмайман ҳам. Дард дангасани йиқитади, ғайратлидан қочади. Умидсизлик — одам боласининг офати. Дунёда қанча дард, қанча ғаму ташвиш бўлса ҳаммасидан ҳам оз-оз тотиб кўрганман. Ҳаммасини ҳам енгганман. Ҳамиша енгаман деган ният билан яшаш керак. Ниятинг қанча катта бўлса, ғайратинг ҳам шунча зўр бўлади... Онанг вафот этди, начора, сақлаб қололмадик, бой-



ликка ружу қилди, бойлик уни еди... Лекин, Зафар болам, бу дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. Келиш бор экан, кетиш ҳам бор. Кетганлар учун йиғлайверсак, унда ўзимиз ҳам тамом бўламиз. Ҳей, Зафар болам, йиғи билан ўлганлар қайтса мен ҳаммадан кўп йиғлаган бўлардим... Уч ёшимда отамдан, худди сенинг ёшингда онагинамдан жудо бўлганман. Йиғладим, тўғри. Лекин бир-икки кун холос. Кейин ўзимни қўлга олдим. Ўзимга бўлган ишончим, ғайратим, мана шулар сақлаб қолди мени. Ўқидим, ҳунар ўргандим, сингилларимни куёвга бердим. Эҳ-ҳэ, сен ҳам, Нигора қиз, Зуфар полвонларни ўқитасан, уйлаб-жойлайсан... Қани, хасталигимни унутдим, де-чи.

— Унутдим, домла.

— Ҳозир кайфиятим яхши, дегин-чи.

— Ҳозир кайфиятим чиндан ҳам яхши.

— Энди ҳамиша яхши бўлади, дегин-чи.

— Ҳамиша яхши бўлади.

— Қани, бир-икки сакраб кўр-чи.

— Бошим айланади-да.

— Айланмайди. Сакра, баракалла! Хўш, айланмаяптими?

— Ҳа, айланмаяпти энди.

— Яна сакра, сакра. Энди-чи?

— Йўқ.

— Ана кўрдингми, болам, сенда айтарли касаллик йўқ. Рухий хасталикка учрагансан. Миянга лат еган ўрин ҳам йўқ, докторлар хато қияпти. Балки қаттиқ кўрқув натижасида ўша миянгадаги бир ўринда кучли кўзғалиш бўлиб, ўша жой ҳалигача босилмай, тугунча бўлиб тек турибди. Бир-икки марта юракдан кулсанг, тарқайди-кетди. Буни руҳий ҳолат, кайфият дейишади. Касаллик эмас, болам... Энди мен кетай. Қани, бир ачомлашайлик-чи...

Синглим биринчи бор мени йўқлаб келганда пешонасининг тангадеккина ўрни оқариб қолганини пайқовдим. Иккинчи бор келганда томоғида ҳам ўзининг кафтича жой қизаринқираб турганини сездим. Кейин келмай қўйди. Кеча Барно холам болалари билан келувди, Нигорани сўрасам:

— Вой-вой, холагинанг ўргилгур, синглинг чатоққа ўхшайди, — деди ваҳимали оҳангда сўзлаб. — Юзи ола-чалпак бўлиб, кўчага чиқолмай ўтирибди. Зурлаб кўйлагини ечтирган эдим, вой худойим, ҳамма ёғи оқариб ётибди.

Касалхонадан чиқиб кетдим. Бир ҳафтача докторма-доктор югурдик. Синглимга аллақандай модда етишмаётган эмиш. Номини айтишувди-ю, ҳозир эслай олмаяпман. Ўша моддани ишлаб чиқарадиган без ишламай қолган эмиш. Бу ҳолат қаттиқ куйинганда, ғаму ташвиш ҳаддан ташқари кўпайиб кетганда юз бераркан. Бошқа иложимиз қолмади. Нигорани тери касаллари шифохонасига ётқиздик. Барно холамнинг таниши экан, доктор ҳеч қандай совға-саломсиз қабул қилиб олди.

Акам ҳақида эса ҳозир сизга ҳеч нарса айтмасам ҳам бўлади. У бизни жуда қаттиқ хафа қияпти. Касалхонага-ку, мени кўргани лоақал бирон марта ҳам бормади. Икки мартагина қисқа-қисқа хат бериб юборибди холос. Қалайсан, тезроқ тузалиб чиқ, хўп хайр — бор-йўғи шу! Чиққанимдан буён эса бир оғиз ҳам гаплашганимиз йўқ. Чинакам жиннига ўхшаб қолган. Кун бўйи хонасига қамалиб олади.

— Оч, — дейман эшикни итариб.

— Йўқол, — деган овозини эшитаман.

— Чиққин ахир, биз билан овқатлангин.

— Йў-қол!

— Бу аҳволда касал бўп қоласан.

— Тинч қўйинглар мени.

Ҳар куни аҳвол шу.

Ниҳоят дадажонимнинг ҳузурига кириш учун берилган рухсатномани янгилашга муваффақ бўлдим. Ҳеч ким аралашгани йўқ. Ўзим ҳаракат қилдим. Боравериб терговчининг жонига тегиб кетдим шекилли, ниҳоят берди.

Атайлаб кечқурун бордим. Эртароқ борсам, тергов кетаётган бўлса, барибир, рухсат беришмасди. Учрашув хонасида узоқ туриб қолдик. Бошқа ёққа олиб кетишган бўлса-я, дея юрагимни ваҳима боса бошлади. Йўқ, шубҳам ўринсиз экан. Ниҳоят, эшик аста очилди.

— Дадажон! — сакраб ўрнимдан туриб кетдим.

— Ўғлим, — йиғлаётгандек қалтироқ овози эшитилди дадажонимнинг.

Кучоқлашганимизча узоқ тик туриб қолдик. Хўрсинамиз, унсиз йиғлапмиз. Кўришмаганимиз — шу бир ой ичида бошимиздан ўтган барча ташвишларни сўзсиз ҳикоя қилаётгандекмиз. Дадам елкамни силай-силаёй ниҳоят:

— Ўтирайлик, — деди бехолгина.

— Утирдик. Сўлиб, бир бурда бўлиб қобди. Юзларини тириш қоплаган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган. Ўзига ярашибгина турадиган бақбақасининг эти қочиб, халтадек осилиб турибди. Оғир бир ўй вужудига буровиқ солиб, жонини қийнаб боряпти шекилли, қўлларини муштга тугиб, тишларини синдиргудек ғижирлатиб қўйяпти.

— Эҳ дунё, — деди оҳ аралаш. — Ойингни бериб қўйибсизлар-да?  
 — Дадажон!..  
 — Боролмадим, минг афсус, охирги йўлга кузатолмадим уни. Майли, кўргилик экан. Бошимни уриб ёрдим, лекин иложини тополмадим. Ўғлим, мени кечиринглар.  
 — Дадажон, йиғламанг.  
 — Ўғлим, эслигим, мени кечиринглар. Онанг билан хайрлашолмай қолдим. Ўзларинг қалайсизлар? Акангдан хавотирдаман, куйинчак эди, қандай чидаяпти экан?  
 — Акам ҳам... яхши.  
 — Нега олиб келмадинг? Негадир уни жуда соғиняпман, кўргим келяпти. Нуқул тушимга киради дегин. Янаги сафар албатта олиб келгин, хўпми?  
 — Хўп.  
 — Зуфар полвон-чи?  
 — У ҳозир лагерда. Барно холам путёвка олиб берди. Учинчи сменага кетди.  
 — Нигора қизим-чи, униям жуда соғиндим. Нега олиб келмадинг? Ранг-рўйи тузукми? Онасига қаттиқ ўрганган эди. Шўрликкина, қандай чидаетган экан... Ишдан қайтишимни пойлаб йўлакда ўтирарди, ачомлашиб уйга кирардик, эрталаб бўйнимга осилиб хайрлашарди.  
 — Уям лагерда.  
 — Яхши қилибсизлар. Барно холангга айт. Сизлардан энди бохабар бўлиб турсин.  
 — Озиб қолибсиз, дада.  
 — Ҳа энди, бизни бу ерга семиртириб боққани олиб келишмаган-да, ўғлим. Кўпроқ ойингга куйдим. Шундай бўлишини ҳеч ўйламовдим. Аттанг!  
 — Ўзингизни ишларингиз қалай, дадажон?  
 — Меникими, ҳа энди... тергов ҳам тугай деб қолди, шекилли.  
 — Сизга енгил бўляптими, ахир?  
 — Нима десам экан, енгил ҳам бор, чигал жойлари ҳам кўп. Ҳаммаси терговчининг кайфиятига боғлиқ. Ҳа, айтгандек, раҳмат, ўғлим, қишлоқдан олиб келган пулингни таъсири зўр бўлди. Тухматчидан қутилдим, сўзини қайтиб олди. Қўлига берганим йўқ, столига ташлаб чиққанман, дебди. Эй номард-эй... Хўп, ўғлим, энди кўп куйинаверманглар. Қутилиб чиқиб кетишим ҳам мумкин. Уртоқлар ҳаракат қилишяпти, мени қутқариш борасида ўзларини ҳам қутқарган бўлишади-да. Акангга яхши қара, укаларингга эҳтиёт бўл, ҳамма умидим энди ўзингдан. Ўғлим, мени кечиринглар, ўзимни эмас, сизларни қийнаб қўйдим. Кўрмайин босдим тиканни, тортадирман дардини, дейишган экан. Билиб-билмай катта аждаҳолар домига дуч бўлиб қолган эдим. Чиқиб кетиш учун чумчуқдек чирилладим, иложини қилолмадим. Йўқ, ҳамма айб ўзимда. Ўзимнинг ожизлигим сабаб бўлди. Атоулла муаллим ҳақ эди, аканг ҳақ эди. Бирини довдир, бошқасини тентак деб ҳисоблабман. Майли, ўғлим, мени кечиринглар. Балки онангнинг ўлимига ҳам мен айбдордирман. Чайқовчилик қилишини билардим. Билиб, ўзимни билмасликка олардим. Нега, нега бундай қилдим экан, нега вақтида уйни сотиб бошқа жойга кўчиб кетмадим экан, нега? Йўқ, ҳаммасига ўзим айбдорман. Қўли қадоқ бир деҳқоннинг боласи эдим-а!

— Йиғламанг, дадажон!  
 — Йўқ, ўғлим, бу гапларни кимгадир айтиб, юрагимни ёзиб олишим керак эди. Кимга айтаман? Сендан бошқа тушунадиганим йўқ... Эсингдами, қишлоққа чиққанимизда даштга олиб борардим. Ўрикзорлар, ёнғоқзорлар бўларди... Қишлоққа қайтиб кетамиз, ўғлим. Уч-тўрт йил беришса керак. Қутулиб чиқишим билан ҳаммамиз қишлоққа кетамиз.  
 — Дадажон, йиғламанг, мен қийналяпман, чидолмаяпман, жон дада!  
 — Майли, ўғлим, қийналсанг ҳам эшит, бу гапларни. Менинг аччиқ тақдирим сизларга сабоқ бўлсин. Хўп, ана, бас қилдим. Атоулла муаллимга айт, мени кечирсин, мен ўшанда ноҳақ эдим.  
 — У сизни аллақачон кечириб юборган.  
 — Бағри кенг одам экан.  
 — Сизнинг ўрнингизда бизга оталик қияпти у.  
 — Мен қутулиб чиққунча ўшандан ажралманглар, этагини маҳкам ушланглар. Эсон-омон чиқсам, худо хоҳласа, бир умр хизматини қиламан.  
 — Бу гапларни, дадажон, анув кунни ҳам айтувдингиз. Ўзига етказганман.  
 — Яна айтгин, такрор-такрор айтгин. Хўп, энди хайрлашамиз. Жиндек йиғлаганимга елкамдан тоғ ағанагандек енгил бўп қолдим-а. Ҳаммаларига салом айт, ўпиб-ўпиб қўй. Қара-я, чинакам йигит бўп қопсан, ўғлим, қучоғимга сиғмаяпсан...

Онамизнинг «қирқ»ини камхарж, камтаргина қилиб ўтказдик. Қишлоқдан аммам билан поччам келишди. Қўй сўйиб нимтасини, икки яшиқ қизил ҳусайни узум, эртапишар, нок, қовун-тарвуз, хуллас, қўшнилариининг орқаси дўмбоқ «Жигули»сини тўлдириб келишибди. Бизга харж қилдиришга қўйишмади. Бусиз ҳам чиқимдорсизлар, жим ўтиринглар, дейишди. Қариндош-уруғларимиз, қўшниларимиз қирқ чоғли эркагу, яна шунча аёл бўлди холос. Мен буни сизга айтмоқчи эмасдим. Улим бўлгандан кейин йигирмаю қирқи ҳам ўтказилади-да. Мен айтмоқчи бўлган нарса бутунлай бошқа — ойижонимнинг қўш

қанотли эшикдек келадиган силлиқ матога ишланган каттакон сурати. Ҳамманинг кўзи, эътибори ўшанда бўлиб қолди. Акам ишлабди уни. Бир ойдан буён хонасига бекорга қамалиб олмаган экан. Инжиқлиги, сиркаси сув кўтармай қолганлиги, кеча билан кундунинг фарқига бормай кўйганлиги бежиз эмас экан. Чақалоқ дунёга келаятганида аёл дард тутиб, қандай тўлганса, акам ҳам шундай тўлғаниб, қийналиб ойижонимнинг тирик қиёфасини матога тушираётган экан. Бечора акам-эй. Йўқ, у чиндан ҳам буюк.

...Кенг адир, баҳор палласи. Осмонда сийрак булутлар... Ҳар биттаси пиёладек келадиган лолалар қийғос очилган. Ойижоним хиёл олдинга эгилиб, лолага қўл узатяпти. Енгилгина шаббода борга ўхшайди. Ойимнинг иккита қилиб ўрилиб кўксига ташланган сочи ердаги қизил лолаларга қўшилиб шамол таъсирида тебранаётгандай. Ойижоним қўл узатган лола, худди узилишдан қочаятгандек, бемаврид нобуд бўлишни истамаётгандек, бир томонга хиёл эгилиб турибди... Ойим турмушга чиқмасдан олдин бўй-басти тўлалигича суратга тушган экан. Уша сурат уйимизнинг тўрида ҳаммиша осиглиқ турарди. Ойим гоҳо: «Қара-я, бир маҳаллар сочларим қанақа узуну, қанақа қалин эди-я, — деб қўярди. — Юзларимдаги қизиллик-чи, сизлар ўғирлаб қўйдиларинг уни...»

Акам ўша фотодан нусха олганга ўхшайди. Лекин фотода онамиз беқиёс гўзал, ҳусн-латофатдан, вужудига сиғмаётган ёшлигидан ғурурланиб, тонгда очилган атиргулдек яшнаб турарди. Акам чизган суратда ўша бўй, ўша қомат, кўксига тушиб турган ўша икки ўрим соч бор-у, юзларидаги ёрқинлик, барқ уриб турган қувноқлик йўқ, кўзлари тўла ташвиш, ғам...

— Вой, товба, худди Ёқутхон келинимга ўхшайди-я! — деди аммам ҳовлига қадам босиши билан айвонга қўйилган суратга тикилиб.

— Ўхшайдими? — деб сўради акам мамнун бир оҳангда.

— Жудаям-а, э, товба!

— Менам, ўзи ойижонимнинг суратини чизмоқчи бўлувдим-да.

— Худое қўлинг дард кўрмасин, — дея аммам акамни бағрига босиб, юзларидан ўпиб қўйди. — Сени албатта қишлоққа олиб кетаман. Клубимизни беагани сувратчи ахтариб юришибди. Остингга баланд курси қўйдириб бераман. Бир бошлаб чизгин. Жияним чизган деб бир мақтаниб юрай.

Барно холамнинг эри — Хассис поччам ҳам сурат олдида кўп ўралашди. Баъзи бир лолаларнинг юзини силаб, яқинроғига бориб ҳидлаб ҳам кўрди.

— Барно ўхшатибсан, жиян, — деди охири.

— Янаям, шошилиб ишладим, — деб қўйди акам.

— Қанча вақтинг кетди шу расмга?

— Бир ойча.

— Бир ойда чизган бўлсанг... чакана эмас экансан, жиян. Сотмоқчи бўлсанг қанча беришаркин?

— Сотмайман.

— Мабодо сотмоқчи бўлсанг деяпман-да?

— Ҳечам сотмайман.

— Менга берсанг, жиян, ўзим яхшигина пуллаб берардим. Культмагда расмлар кўп-у, бунақа жонлиси кам.

Ул-булга унаб юрган Барно холам суҳбатни эшитиб қолиб, ҳой дадаси, уялмай-сизми, қайси бола ўз онасини сотади, деб жеркиб берди. Поччам нари кетатуриб:

— Бу, шунчаки сурат-ку, — деб қўйди-да, яна орқасига қайтди, — менга қара, жиян. Биз икковимиз келишсақ бўларкан. Сен мана шунақа суратлар чизиб берсанг, мен ўзимнинг магазинида пуллаб турсам. Қалай?

Акам бош чайқади...

Атоулла Исаевич сурат остига тўшалган ўринда ёнбошлаб ётган акамнинг ёнига келиб:

— Табриклаш навбати энди бизга келди, — деди. — Баракалла, болам! Умидим катта эди, оқладинг. Мен сени шунчаки, ёғочга гул соладиган уста бўлади, деб юрардим. Вужудингда мен пайқамаган бошқа бир гўзаллик ҳам бор экан. Очилибсан, баракалла, болам! Мен орзу қилиб чиқолмаган чўққиға сен чиқадиганга ўхшайсан. Лекин расминг ҳали чалага ўхшайди. Нимадир етишмаяпти. Шу ҳолича ҳам зўр. Анча-мунча рассом ҳали-вери бунақасини чизолмайди... Ёқутхоннинг лолага интилиб, интилаётган нарсасига етолмайгани яхши. Кишида фикр туғдиради. Уйлатиб қўяди. Лекин булутлар орқали нимани ифодаламоқчи бўлганлигингга яхши тушунмадим.

— Оиламиз бошига тушган ғаму ташвишни назарда тутган эдим. Чизаётганимда ҳаммиша кўз ўнгимда қоп-қора нарсалар тургандек бўлаверди. Уша қора нарсаларни булут қилиб чиздим. Лекин жуда ҳам қора қилиб юборганим йўқ. Ораларига нур ара-лаштирдим.

— Ҳа, гап буёқда дегин. Ёқутхоннинг кўзлари тўла ғам...

— Ғам борлиги сезиляптими? — шошилиб сўради акам.

— Менга шундай туюляпти.

— Мен ойижонимнинг қалбидаги тубсиз армонни ифодаламоқчи бўлувдим.

— Эҳтимол, шундайдир, — ҳамон ўйга толиб суратга тикиларди Атоулла Иса-

евич. — Мен, болам, армонли одам билан ғамга ботган инсоннинг кўзларини яхши кузатмаган эканман... Гулларни шамол учириб кетай деб турибди...

— Бу — ойижонимнинг рўёбга чиқмаган орзулари.

— Йўқ, болам, менинг назаримда умидсизликни сал бошқачароқ ифодалаш керак. Тағин, ўзинг биласан. Хуллас, расминг чалароқ. Яна ишлаш керак. Ишласанг зўр нарса чиқадиганга ўхшайди. Бир вақт келиб, Атоулла муаллим довдирроқ киши эди, мени чақалоққа ўхшатиб тиззасига олиб, пешонамдан ўпиб, дилимга рағбат соларди, ўша довдир биринчи устозим бўлади, деб эсласанг бас. Расмларинг орқали мен ҳам яшайман, ота-боболаримизнинг руҳи ҳам яшайди. Энди, болам, сўнгги гап шу: гултувак ясашни тўхтат. Уни биздақа жайдари усталарга қўйиб бер, расм ишлашга ўт, етилиб қолибсан.

Ғамларга ботиб, сиркаси сув кўтармайдиган инжиқ бўлиб қолган акам ўша куни бамисоли дунёга қайтадан келгандек эди. Сурати туфайли эшитган мақтовлар, онажонимни унутганим йўқ, у ҳамиша менинг қалбимда яшайди, деган ёрқин умиддан қалбида туғилаётган мамнуният ҳисси томирларида ловуллаб ёниб, бутун вужудини аллалаётгандек эди. Мамнуният киши юзида гул бўлиб очиларкан, кўзларини чақнатиб юборар экан. Акам шу дақиқада таърифлаб бўлмайдиган даражада хурсанд, овозлари ҳам шўх, ўктам эди.

— Энди дадажонимнинг ҳам суратини чизаман, — деди ҳамма кетгач.

— Яхши ўйлабсан, — дедим хурсанд бўлиб.

— Биласанми, қандай ҳолатини чизаман?

— Қани, айт-чи.

— Мен дадажонимнинг қишлоқдан шаҳарга келган дастлабки пайтларини яхши кўраман. Ушанда у меҳнаткаш эди. Пешона тери билан яшаб, пора деган нарсалардан узоқ юрарди.

— Ҳалиям ўша пора деган аччиқ сўзинг ёдингдан чиқмабди-да?

— Тирик бўлсам, бу мараз сўзни ҳеч қачон унутмайман. Оиламизни мана шу вайрон қилди... Дадажонимнинг суратини вагондан елкалаб юк тушираётган ҳолатда тасвирлайман. Елкада оғир юк, юзидан шовуллаб тер қуйиляпти, лекин ўзи мамнун. Қалай?

— Узинг биласан, — деб қўйдим.

Акам онамизнинг руҳини шод қилиш учун, мана, суратини чизди. Мен-чи, мен нима қиялпман? Ҳатто унинг тириклигидаги орзу-армони — тақинчоқларини қайтариб олишнинг ҳам уддасидан чиқолмадим. Ношудманми, ландовурманми? Йигирма минг сўмлик тақинчоқ-а, йигирма минг сўм! Буларни йиғаман деб онамизнинг юрак-бағри эзлиб кетган. «Қирқ» ўтказган кунимиз оқшомида худди шуни ўйлаётгандим. Барно холам ҳам шу фикрда экан. Ҳатто мендан кўра ҳам унга кўпроқ алам қилаётганга ўхшайди. Нега десангиз, шу пайтда, шу дақиқанинг ўзида Қозихоланикига бориб тақинчоқларни қайтариб олиш зарурлигини унинг ўзи айтди.

— Бора қолайлик, — деди. — Вақт ўтган сари юрагимга ваҳима тушяпти.

Қозихола, Муҳамедов, турмушга чиқиб кетган катта қизи билан ранги совуқ куёвлари, афтидан, кечки овқатни еб бўлиб, энди қовунхўрлик қилиб ўтиришган экан. Қозихола нима мақсадда борганимизни пайқаб шошилиб ўрнидан турди-да, бизни нарироққа бошлади. Барно холам гапни чўзиб ўтирмай:

— Биз тақинчоқларни олиб кетгани келувдик, — деб қўяқолди.

— Қозихоланинг ингичка терилган қошлари ғалати чимирилганини пайқадим.

— Қанақа тақинчоқ?!

— Қанақа тақинчоқ бўларди, Ёқутхон опамники-да.

— Опангиз айтмаган экан-да. Қамалмасдан бир кун олдин ўзи келиб, тақинчоқ билан кумуш қутичани олиб кетган-ку!..

Барно холам, назаримда, пов этиб ёниб кетгандек бўлди.

— Уялинг-эй! — деди энтикиб.

— Товба, — деди Қозихола семиз қўлини кўксига қўйиб. — Тепамда худо бор-а.

— Анови куни келганимизда, мана жияним ҳам ёнимда эди, ўз оғзингиз билан айтмадингизми, тақинчоқлар менда, бежавотир туради, деб. Зафаржон, сен айтгин.

— Худди шундай дегансиз, хола, — дедим. Кейин, ойижоним вафотидан олдин олдига борганимда, тақинчоқларни Қозихолангдан зудлик билан олинглар, деб тайинлаганини ҳам қўшимча қилдим.

— Ёқутхон эгачим ўзи сўнгги кунларда довдираб, эси кирарли-чиқарли бўлиб қолганакан. Ана, Муҳамедовдан сўранглар, терговчиларга ҳам нуқул пойма-пой, довдир жавоблар қайтарибди.

— Тақинчоқларни беринг! — деди Барно холам худди охирги марта сўраялман, дегандек бир оҳангда.

— Бориб эгасидан сўранг уни! — деди Қозихола ҳам худди гап тамом, дегандак бир оҳангда.

Мени қалтироқ тутиб кела бошлади. Барно холам ҳам, назаримда, ғазаб ва нафрати ошганидан гапиролмасди, шекилли, икковлари бир-бирларига тикилиб қолишди. Барно холам, негадир, йиғлаворай-йиғлаворай деб турибди. Қозихола, билмадим, нима сабабдандир кулимсираб боқяпти.

— Тақинчоқ сизда! — деди ниҳоят Барно холам овозини тишларининг орасидан чиқариб.

— Вой, сингилжон-эй, — кулумсираб жуда юмшоқ гапирди Қозихола. — Наҳотки ишонмасангиз? Ахир сиз эсли-ҳушли аёлсиз-ку! Ана, ишонмасангиз Муҳамедовдан сўранг. Ҳой, Муҳамедов, сиз айтинг.

Куёви билан қарта ўйнашга тушиб кетган Муҳамедов юзини биз томонга ярим буриб:

— Нимани айтай? — деб сўради-да, яна ўйинга берилди.

— Ёқутхон тақинчоқларини олиб кетганини-да. Мени уришиб берганингизни айтинг.

— Ҳа, уришганман, — деб қўйди Муҳамедов ўйиндан бош кўтармай.

— Дарров эгасига қайтар, демаганмидингиз?

— Ҳа, шундай деганман.

— Кейин Ёқутхон дугонам келганини ҳам кўрувдингиз шекилли?

— Ҳа, кўрганман.

— Ана, эшитдингизми, сингилжон? Муҳамедов кичкина одам эмас, старший судья, старший-а! Ёнида куёвим ҳам ўтирибди. Уям кичкина одаммас, горисполкомда квартир отделининг бошлиғи. Йўқ, сингилжон, бу тухматингизни қўйинг!

Яна жим қолишди. Яна ҳалиги ҳолат: бирининг кўзида ғазаб, нафрат, бошқасиникида тантанавор қувлик. Барно холам лаблари пирпираб, худди хамир қораётгандек икки муштини каравотга тираб, секин ўрнидан тура бошлади.

— Ҳой, бунча шошасиз, — деди Қозихола ораларида ҳеч гап бўлмагандек меҳрибонлик билан. — Қовун сўямиз, ҳовузга ташлаб қўйганман, муздеккина...

Барно холам индамади. Уйга етгунимизча ҳам миқ этмади. Дарвозахонага кираётганимизда алам билан бош чайқади-да хўрсиниб:

— Опагинам-эй, бунча содда бўлмаса-я! — деб қўйди.

Туни билан икковимиз ҳам ухлаёлмадик. Олтинларни қайтариб олиш ва шу йўл билан қоронғи гўрда ётган ойижонимнинг руҳини шод этиш учун ҳар хил режалар тузиб кўрдик. Албатта шунча бойлик очқўз ва инсофсиз бир аёлнинг қўлида қолишини икковимиз ҳам истамасдик. Қозихола ўз қўли билан ёзган ва кейинчалик яна ўз қўли билан йиртиб ташлаган тилхатнинг чала-чулла парчаларини стол устига ёйиб, бир-бирига яқинлаштириб, ямаб қайта-қайта ўқиб кўрдик. Энг ёмони — тилхатнинг бошланиши билан охири йўқ. Сувда оқиб кетган экан. Шундай бўлса ҳам ҳамма умидимизни сиёҳи чапланиб кетган шу қоғоз парчаларига тикиб, эртага шаҳар юридик консултациясига боришга, у ерда холамнинг яқин бир таниши бор экан, ўшандан маслаҳат ва ёрдам сўрашга қарор қилиб, ўрнимизга чўзилдик.

Адвокат опадан ҳам наф бўлмади.

— Боши йўқ, охири йўқ, — деди ўйчан. — Бу парчалардан бирон гап чиқариш қийиндир-ов. Қани, ўғлим, айт-чи, ойинг кумуш қутичани Қозихолага бераётганда ёнларингда сендан бошқа гувоҳ бормиди?

— Йўқ, — деб бош чайқадим.

— Сен қамоқдаги ойингни кўргани борганинда, ойинг тақинчоқлар Қозихолада, уни тезроқ ол, деганда, ёнларингда сендан бошқа яна бирон киши бормиди?

— Йўқ, — дедим мен.

— Қозихолаю Муҳамедовларга ўхшаганлар билан... Йўқ, даъволаринг тасдиқланса хўп-хўп, бўлмаса, тухматчига чиқариб, ўзларингни жазолаб қўйишлари мумкин... Хавфли одамлар улар. Сизларга бирон маслаҳат беролмайман.

Барно холам қандай аҳволга тушганини билмайман. Дорихонасида иш кўп, ўшаларга овуниб, эҳтимол унутиб юборгандир, лекин мен бир неча кунгача ўзимга келолмадим. Кап-катта хотиннинг тониб туриши, илонникидек кичкина кўзларини бақрайтириб, ўртага худони қўйиб, муттаҳамлик қилиши... дунё-дунёмни қоронғи қилиб юборди. Назаримда онамнинг вафотидан ҳам, дадамнинг қамоқда ётишидан ҳам шу муттаҳамлик азоби мени кўпроқ қийнаётгандек эди. Тақинчоқларни қайтариб олишининг минг бир хил режасини тузган бўлдим. Уйларига ўғирликка тушсамми, панада пойлаб туриб бошига тош билан уриб ўлдирсамми, шоҳона саройдек уйларига ўт қўйсамми... ўйламаган ўйим, тузмаган режам қолмади. Аммо ҳеч бориға ботинолмадим. Иродам сустлигиданми, табиатан кўр-қоқ бўлганимданми, ишқилиб ботинолмадим.

Тўсатдан, тоғамизнинг устидан суд бошланармиш, деган шум хабар келдию, миямни ғовлатиб юборган бу қора ўйлар, назаримда, мени тарк этгандек бўлди.

\* \* \*

Тоғам ҳотамтой, меҳмондўст бўлгани учунми, қувноқ, серзавқ табиати туфайлими, очикда юрганида кўп ўртоқ орттирган эди. Уша ўртоқлари жим ўтиришгани йўқ. Унинг жиноятини бекор қилиш, ҳеч бўлмаса енгиллатиш учун зир югуришаётганини гоҳ Бозорвой амакимдан, гоҳ кўчадаги одамлардан эшитиб турганман. Пул билан жиноят олишуви, мана, сентябргача давом этди. Қонун. Уни Атоулла муаллим умумхалқ иродаси, ҳақиқат-

лар йиғиндиси, деб атайди. Ҳа, шу ҳақиқатлар йиғиндиси уч ой давом этган ўйин пайтида пул томонига ўтди, ёки жиноятни тасдиқлайдими, мана шу бугун, биринчи сентябрда маълум бўлади. Суд мажлиси пахта тозалаш заводининг катта клубида, очиқ тарзда ўтар экан. Буни бизга ҳамма нарсадан энг аввал хабардор бўлиб юрувчи ва шу одати учун ўзини бахтли ҳисоблайдиган Бозорвой амаким айтди.

Тоғам бизни деб қамоққа тушди. Бундай пайтда мен ўзимни лоқайд тутиб панага қочсам ғирт номардлик бўлади, шундай эмасми? Кейин, ўзингиз ўйланг, нақ уч ойдан бундан кўришмаганмиз, соғинганман. Суд баҳонасида кўришиб олсак, бунинг нимаси ёмон?! Энг муҳими, ҳа-ҳа, энг аҳамиятлиси, тоғам савдо оламининг арслонларидан, икки бора қамалиб тажриба ҳам орттирган. Тажрибали арслоннинг қонуншунослар билан олишганини кўришга ич-ичимдан қизиқаётган эдим.

Акамнинг деразасини қия очиб:

— Сен борасанми? — деб сўрадим.

— Қаёққа борар эканман? — деди акам ётган ўрнида.

— Бозорвой амаким айтди-ку, — деб эслатдим. — Бугун тоғамнинг суди бўлади.

— Яхши, шаҳарда яна битта олғир камаяркан.

— Ака, тилингни заҳарлиги ҳеч қолмади-да.

— Йўқол! — дея акам юзини тескари ўгириб олди. Тамом, энди унга гап уқтириб бўлмайди.

Пахта тозалаш заводининг клубига илгари кўп борганман. Икки серияли ҳинд фильмларини нуқул шу ерда кўрсатишарди... Лекин суд процессида иштирок этиш, тоғамнинг қонуншунослар билан мардонавор олишганини кузатиш менга насиб этмади. Ҳа, ҳа, буюрмаган экан. Дарвоза олдидаёқ йўлим тўсилди. Қовоғидан қор ёққан Фотима келинойим, олишиб қолсак албатта эзиб ташлайман дея шайлангандек қиёфали, новчадан келган, қотма бир йигит ёнма-ён туришган экан. Келинойимнинг айтишича, тоғамнинг адвокати шу киши эмиш. Адвокат менга қараб:

— Йигитча, сиз бу ерда кўринмай турсангиз яхши бўларди, — деди негадир жуда паст овоз билан.

— Нега кўринмас эканман? — дедим хиёл чўчиб.

— Сизни таниб қолишлари мумкин.

— Танишса-чи?

— Исмингиз Зафаржонми?

— Ҳа.

— Фамилиянгиз Каримов, шундайми?

— Ҳа.

— Йигирма саккизинчи июнь куни кечаси тоғангиз билан бирга бўлгансиз, шундайми?

— Шундай.

— Уша кечаси Солиҳ Қосимович билан Жўра Усмоновлар тинтув пайтида топилган бойликни бўлиб олиш ҳақида маслаҳат қилганда сиз иштирок этгансиз. Йўқ деманг, яширинча олинган фотосуратлар кўлимда турибди. Бахтингизга жиноятчилар, бу йигитчани танимаймиз, тасодифан тушиб қолган бўлса керак, дейишган. Тўғриси, тоғангизнинг илтимоси билан шундай қилишган. Мана бу фотолар суд пайтида қўлдан-қўлга ўтиши аниқ. Биронтаси сизни таниб қолиб, ана у, залда мунғайибгина ўтирибди, дейиши ҳам мумкин. Яхшиси, йигитча, бу ердан жўнаб қолинг. Акс ҳолда иш яна чалкашиб кетади.

Саволга ўрин қолмади. Йиғлаворгудек бўлиб орқамга қайтдим. Суд мажлиси уч кун давом этди. Гап ташишни яхши кўрадиган Бозорвой амаким ҳамма гапни етказиб турди. Айтишича, ҳаммамизнинг тасаввуримизда арслондек, чинакам олишса беш-тўрттасини пийпалаб нобуд қилиб қўйиши мумкин бўлган тоғам бу гал ўзини, негадир, кўйдек ювош тутибди.

— Товба, — деди Бозорвой амаким, бизга эмас овқатланиб ўтирган хотини Лутфи холамга қараб. — Шу, Солиҳжонга ҳеч тушунмадим бу гал. Ҳамма айбни осонгина буйнига олди-қўйди-я. Сўз навбати келиши билан мўмингина бўлиб ўрнидан туриб, гражданин судья, савол-жавобни чўзиб ўтирманг, айбномада эълон қилинган жиноятимга тўлиқ иқрор бўламан, чиндан ҳам мени жин оздирдими, билмасдан шу жиноятга қўл уриб қўйибман. Босаётган қадамимда жиноят элементи борлигини билмаганман. Ўз синглимни химоя қиляпман, деб ўйлабман. Қонун бўйича ҳар қандай жазога лойиқман, дедия. Лекин, Лутфи, ўзинг ҳам яхши биласан, шу — Солиҳжоннинг ҳам хонлиги, ҳам беклиги бор-да. Мард ҳар қандай шароитда ҳам мардлигини қиларкан-да. Томошабин бўлиб келганлар ҳам қойил қолишди унга.

Биз билан истар-истамас овқатланиб ўтирган акам афтини ғалати жийриб:

— Шу ҳам мардлик бўпти-ю, — деди масхара оҳангида.

— Мардлик бўлмай нима бу? — ҳайрон қолди амаким.

— Тоғам қувлик ишлатибди яна.

— Товба, нимаси қувлик экан бунинг? Сенга ҳеч тушуниб бўлмайди ўзи.

Акам олдидаги овқатни жаҳл билан нари суриб қўйди...

— Сиз барибир тушунмайсиз.

— Сен тушунган нарсани мен тушунмас эканманми? Жа катта кетвординг-ку...

— Катта кетганим йўқ, — жойлашиброқ ўтириб олди акам. — Тоғамнинг ўз айбига шошилиб иқрор бўлганлигининг сабаби бор, амакижон, билмасангиз билиб қўйинг. Айбига иқрор бўлишнинг иккита йўли бор. Бири, судьялар айбланувчининг айбини ашёвий далиллар, гувоҳлар, экспертиза хулосалари ёрдамида исботлагач, айбдор иқрор бўлишга мажбур. Мажбур деган сўзимга эътибор беринг. Иқрорнинг иккинчи тури, бу гувоҳлар, ашёвий далиллар ишга тушмасдан олдин айбланувчининг содир қилган жиноятига чин юракдан айтган товбаси. Товба билан мажбур бўлишнинг ўртасида катта фарқ бор, амакижон. Судьялар буни инobatга олишади. Товба қилганга муддатни камроғ-у, айбини мажбуран бўйнига олганга кўпроқ белгилашади. Тоғам буни яхши билади, икки марта қамалиб чиққан-да. Тоғамнинг бу ҳаракатида мардликдан кўра устамонлик кўпроқ.

— Сен нуқуд китобдаги гапларни айтяпсан, — деб қўйди Бозорвой амаким мот бўлганини тан олгиси келмай.

— Тўғри, амаки, китобдан ўқиганман, — иқрор бўлди акам. — Ойижоним билан дадамнинг бошига ташвиш тушгандан буён қонуншуносликка оид китобларни ўқиб чиқдим.

— Нима бало, судья бўлмоқчимисан?

— Йўқ, шунчаки қизиққанымдан. Ишонсангиз, Ўзбекистон жиноят кодексини ёдлаб юбордим. Истаган моддангизни сўранг, тушунтириб бераман.

— Э, қўйсанг-чи, — қўл силтади оқкўнги Бозорвой амаким. — Мени бунақа нарсаларга ақлим етармиди. Ундан кўра мана бу ширин таомлар билан юзта-юзта қилганим маъқул. Лутфи, тишининг кавагида асраб қўйганингдан борми? Биласан-ку, шу зорманда бўлмаса томоғимдан овқат ўтмайди.

Лутфи холам амакимнинг сўзини икки қилолмайди. Эркакнинг сўзини икки қилган аёл нариги дунёда дўзахга тушади, деб ишонади. Ярим шиша арақ келтириб хонтахта устига дўқ эткизиб қўйди, амаким пиёлани тўлдириб қўйди-да, ҳузур қилаётгандек шу ҳузур тезроқ туғаб қолишини истамаётгандек узоқ симирди. Ичиб бўлгач, лабини кафти билан сидириб, афтини ғалати бужмайтириб:

— Бай-бай-бай, мунча ширин бўлмаса-я, — деб қўйди. — Жиянларим, анови кунги гапим гап. Мен ўлимдан қўрқмайман, йўқ! Улсам, нариги дунёда арақ масаласи қалай бўларкан, мана шундан қўрқаман. Лекин, Лутфи, ваъдангни унутмайсан, ўлганимда гўримга тўрт яшик арақ қўясан... Хўп, қани энди таомга. Ҳой судья, сен ҳам яқинроқ ўтир, еганимиз бундай бир ичимизга тушсин.

Бозорвой амаким эртасига худди шу пайтда, дастурхон атрофида давра қурганимизда суддан олган таассуротларини яна ҳикоя қилиб берди.

— Э, Лутфихоним, — яна хотинига қараб гапира бошлади. — Бу, областдан келган судья бало экан. Капитан Жўра Усмоновични оғиз очиртирмай қўйди-я. Ерга михлаб ташлади десам ишонавер. Ҳар саволлар бердики, хаёлимда биқинини бураб ўйиб олгандек бўлди. Лекин адолатли экан, маладес! Қани энди Саиджон акамнинг ишини ҳам ўша кўрса, анча энгиллашарди-да. Ёқут Каримова вафот этганлиги учун уни жиноятдан озод қилсамиз, деди. Тинтув пайтида уйдан олинган пул, заём ва бошқа буюмлар масаласи эса Саид Каримов судидан кейин ажрим бўлади, деди. Шундайлигича давлатга ўтказилсин, деса нима бўларди?! Ҳукми ҳам зўр ёзибди: Солиҳ Қосимовга тўрт йил, Жўра Усмоновга ўн бир йил... Залдагилар қарсак чалиб юборишди. Ўзиям одам роса йиғилган экан-да, нима бало суддан кейин бирон дефицит товар сотилади деб ўйлашганми...

Томоғимдан овқат ўтмай қолди.

Ўн учинчи сентябрь куни, ўн учинчилиги аниқ эсимда, нега десангиз, ўшанда шариллатиб ёмғир қуйганди, кечқурун ширакайф Бозорвой амаким, ёмби топиб олган хасисдек севиниб кириб келдида, одатича кафтларини бир-бирига ишқаб:

— Ҳаммаси мана энди жойида бўлади, — деб қўйди. — Кўнди, кўплашиб аранг кўндирдик.

— Нимага кўнади, ҳеч нарса тушунмаяпман, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Айтгандек, сенинг хабаринг йўқ эди-я. Тоғанга адвокатлик қилган йигит областдан келган, бало экан. Солиҳ тоғаларининг муддатини тўрт йилга туширди-я. Қаттиқ олишди ўзиям. Ана шу йигит даданга адвокатлик қилишга розилик берди. Агар Саид акамнинг жиноятини йўққа чиқариб қутқариб берсанг, бошинг баробар зар тўкамиз, дедик. Зўр йигит экан, кўнди. Ана энди яримтани майдалаб ичсак бўлади.

Амакимнинг, бўйинг баробар зар тўкамиз, дегани менга маъқул бўлди. Дадамни қутқариш учун, қутулиб ҳовлига кириб келаётганида дадажон, дея бўйнига бир осилишимиз учун тоғ баробар олтинимиз бўлса ҳам ҳада қилардик. Орадан уч кун ўтиб, эрта-лаб Зуфарни мактабга жўнатиб, касалхонадаги синглимни кўргани отланаётган эдим, дарвозахона кўнғироғи ожизгина жиринглаб қолди. Чиқсам, тоғамнинг суди олдидан кўрганим — адвокат йигит турибди.

— Сиз, янглишмасам, Зафаржон бўласиз, шундайми? — деб сўради.

— Ҳа, ўшаман.

— Дадангизнинг ҳимоясини менга топширишган, хабарингиз борми?

— Эшитганмиз, — дедим.

— Озгина суҳбатлашаск.

Озгина эмас, анчагина суҳбатлашдик. Дудуқланиб, тутилиб-тутилиб гапираркан. Гаплашаётганда кўзи сизда эмас, атрофда бўларкан. Нуқул от тақалаётгандек так, так деб тураркан. Дадажонимнинг мактабимиз ҳовлиси атрофи ўралганда темир панжара олиб бергани, тинчлик фондига уч марта пул ўтказгани, ҳар йили пахта мавсуми даврида баъзи ходимларга бош бўлиб теримга чиққанда мақтов қоғоз олгани — ҳамма-ҳаммасини аниқлаб кетаётганда, ўша мақтов қоғозларни менга беринг, суддан кейин албатта қайтариб оласиз, деди.

Суд бошланишига икки кун қолганда ҳаммамиз эшитдик.

Аммам мен беҳабар қолмай деган эди, Зуфар бориб айтиб келди. Эрталаб барвақт туриб бутун қариндош-уруғлар пахта тозалаш заводининг катта клубига қараб йўл олдик.

Барвақт борганимиз яхши бўлган экан, олдинги қаторда ўтирдик. Бир нафасда зал тўлиб кетди. Ғовур-ғувур, пичир-пичир, йиғлаётганлар бор. Шу пайтда — бадқовоқ судьялар иш бошлалари олдида, кўнглимдан нималар кечганини сизга таърифлаб беролмайман. Йиғладимми, ширин хаёлларга берилдимми, укаларимга тинчлантирувчи сўзлар айтдимми, ҳар нарса бўлай, эслай олмайман. Ҳаяжоним кучли эди. Ҳаяжон кучли бўлганда хотира сусайиб қоларкан.

Залдагилар гуриллаб ўрниларидан туришди. Олдинда милтиқли тўрт соқчи, ўртада сочлари тақир олинганидан бошлари лампочка нурида йилтираб турган саккиз судланувчи, ортларида яна милтиқли соқчилар, туртиниб-суртиниб кириб келишяпти. Зал ҳаяжонда, кўзлар жовдирайди. Таниш юзларни ахтаришади. Юзлаб аламли, ҳасратли нигоҳлар тўқнашган бўлса керак. Хўрсинишлар, пиқиллаб йиғлашлар авжга чиқиб боряпти.

— Дадажон! — қичқириб юборди Зуфар. — Дадажон, биз бу ердамиз. Ҳаммамиз келганмиз...

Бечора дадам, худди ток ургандек қалқиб кетди-ю, ўзини тезгина ўнглаб, биз ўтирган қаторга маъносиз кўз ташлади. Нигоҳи бир нафас, фақат бир нафасгина қотиб қолгандек бўлди. Мен, ўзингиз ҳам пайқаган бўлсангиз керак, кўзларни кўп кузатаман, ҳар хил ҳолатларга ўзимча таърифлар ҳам берганман. Лекин, орадан мана шунча вақт ўтиб, дадажонимнинг ўша дақиқадаги нигоҳига ҳалигача таъриф тополмайман: афсус-надоматмиди, тубсиз умидсизликмиди, армон пушаймонмиди, бизни кўриши билан қалбида мавжланган меҳрнинг чақинимиди...

...Дадажоним ютиниб, кўзларини чирт юмиб олди. Биллурдек йилтираб турган икки томчи ёш юзидан думалаб тушди. Соқчи елкасидан беозоргина туртиб, юринг, дея ишора қилди. Бизга тескари ўгирилиб, залнинг тўғрисида юриб бораётган дадамнинг елкалари силкинаётганини кўрдим. Дадам йиғлаяпти. Овоз чиқармай йиғлаяпти, дадажоним!.. Ойимнинг мурдасини тобутга олишаётганда қандай ҳолатга тушсам, руҳимда ўшандай бир кайфият пайдо бўла бошлади. Ҳамма нарсани кўриб турибман, лекин уларда на нур, на шакл борга ўхшайди. Ҳиссиз, шуурсиз бўлиб қолдим. Жиддий қиёфали, қовоқлари солиқ судьяларнинг, гувоҳлар, адвокатларнинг жой-жойига ўтираётганини ҳам кўриб турибман. Барибир, уларнинг ҳаракатида ҳам ҳеч маъно йўқдек, барчаси роботларсимон ҳаракат қилаётгандек. Айбномани ҳам эшитдим. Қизиқ, сўзлар қулоғимга киряпти-ю, назаримда қалбимга бориб етмаётгандек. Йўл-йўлакай ширасиз, таъсирсиз бўлиб қолаётгандек.

— Судланувчи Саид Каримов! — судьянинг бутун зални қоплаган оғир, босиқ овози эшитилди. қулоқларим пардасига худди карнай овози зарб билан урилгандек бўлди, кўзларим ярақлаб очилиб кетди. Бошимнинг қарахтлиги ҳам босилиб, шу дақиқанинг ўзида ҳамма нарсани яна ўз ўрнида, ўз қиёфасида кўра бошлаганимни ҳис қилдим. Қизиқ, дея ўйладим, нега энди судловни дадамдан бошлашди экан, ахир унинг фамилияси сал кейинроқ келарди-ку...

Зал сув қуйгандек жим турибди.

— Исмингиз? — сўради қовоғи солиқ, кўзи ўткир судья.

— Саиджон, — деди залга орқасини ўгириб олган дадам.

— Фамилиянгиз?

— Каримов.

— Туғилган йилингиз?

— 1940.

— Туғилган жойингиз?

— Обиравон қишлоғи.

— Турар жойингиз?

— Боғишамол кўчаси.

— Маълумотингиз?

— Олий.

— Ихтисосингиз?

— Экономист.

— Партияда бормисиз?

— Партия аъзоси эмасман.

— Иш жойингиз?



— Шаҳар аралаш савдо базаси.  
— Вазифангиз?  
— Бош омборчи.  
— Айбнома сизга тушунарли бўлдимми?  
Судья «тушунарли бўлдимми?», деган сўзларни атайлаб баланд овоз билан айтди. — Ёки, такрор ўқиб беришимни истайсизми?

Худди шу дақиқада дадажоним орқасига ўгирилиб, бизга — қатор ўтирган фарзандларига бирма-бир назар ташлади. Нигоҳларимиз тўқнашишига улгурмасдан яна тезгина судьяга юзланди.

— Гражданин судьядан бир илтимосим бор, — деди дадам талабчан, қатъий оҳангда.

— Айтинг, — қовоғини баттарроқ солинтирди судья.  
— Залда менинг қоракўз фарзандларим ўтиришибди, — дадажоним тўхтаб елкаси билан қисқа нафас олди. — Уларнинг олдидида жавоб бериш менга қийин. Илтимос, мени ёпиқ суд қилсангиз.

Судья ўнг ва чап томонига тез-тез ўгирилиб, маслаҳатчилари билан фикрлашиб олгач, қаттиқ овоз билан:

— Суд Саид Каримов фарзандларини залдан чиқиб кетишини талаб қилади! — деди.

Ака-укалар бир-биримизга қарашиб олдик. Начора, дадамнинг илтимоси-ку, бу! Бизга қўшилиб Бибиқиз аммам билан Лутфи холам ҳам чиқиб кетишди.

...Суд ўн етти кун давом этди. Зуфар иккимиз, барибир, кунора бўлса ҳам ўша ёққа боришни қанда қилмадик. Гоҳ эрталаб, гоҳ суд мажлисидан сўнг усти берк қизил машинага чиқиб-тушаётганда дадажоним билан кўришиб турдик. Ун саккизинчи куни кечга томон Бозоровой амаким оёқда туролмайдиган даражада маст бир ҳолатда кириб келди.

— Расво бўлди, — деди бешиктерватардек чайқалиб, ўтириш учун жой ахтараркан. — Лутфи, ҳақиқат йўқ экан бу судьяларда! Саид акамга ўн бир йил беришди, ўн бир йил!

— Нима?! Лутфи холам ўрнидан туриб кетди.  
— Уй-жойлар мусодара бўлди.  
— Шу данғиллама ҳовлилар-а?  
— Ҳамма-ҳаммаси.  
— Пуллар-чи?  
— Ҳаммаси кетди. Лутфи, жиянларим, ҳаммаси тамом. Пуллар, заёмлар, тилло тангалар, араб мебеллари... Уларни мана шу елкамда кўтариб келган эдим-а! Кийимликларни айтмайсанми?.. Холодильникни оч, тезроқ яримта келтир, ичим ёниб кетяпти.

\* \* \*

Кўнгил сўраб келувчилар, маслаҳат берувчилар, шикоятни қандай ёзсак дадамнинг ишини қайта кўришлари мумкинлиги ҳақида йўл-йўриқ кўрсатувчилар ҳафта охиригача шунақа кўпайиб кетдики, саногига етолмай қолдик.

— Энди тақдирга тан беришдан ўзга илож йўқ, — деб ўз фикрини баён қилмоқчи бўлди Атоулла Исаевич.

— Нега энди тақдирга тан бериш керак экан? — худди тепишишга чоғланган хўроздек бўйнини чўзиб, қаддини ростлади дадамнинг божаси.

— Чунки, Асодуллобек, суд жуда адолатли ўтди.  
— Адолатли эмиш. Ун бир йил бериб қўйибдию, адолатли дейди-я!  
— Саиджоннинг ўн бир йилга лойиқ жинояти ҳам бор экан-да.  
— Эҳ, сиз жиноят ҳақида гапирманг! — тутақиб кетди хасис поччам. — Аслида ҳамма ишни бузган ўзингиз.

— Мен-а?!  
— Ҳа, сиз.  
— Ҳой, оғзингизга қараб гапиринг, Асадулло. Жаҳлимни чиқарсангиз, девордан нарёққа отиб юбораман-а...

— Саид акам бўлганда сиз бу даргоҳга қадам ҳам босолмас эдингиз.  
— Энди ҳар куни босаман.  
— Ниятингизга етибсиз-да?  
— Йўқ, Асодулло болам, армонда қолдим.  
— Сиз аралашмаганингизда... савдо ходимлари билан қонуншуносларнинг пинҳона ўйинлари бўларди. Билмасангиз билиб қўйинг. Муаллимман, деб оқ ёқа бўлиб олиб юр-верган экансиз-да. Сиз шаҳарда отнинг қашқасидек ҳаммага маълумсиз. Сиздан қўрқишади. Аралашмаганингизда, ўша терговчиларнинг ҳам, судьяларнинг ҳам бола-чақаси бор, нафс ҳаммада бир хил бўлади, унча-мунча олиб, ишни аллақачон тинчитиб юборишган бўларди...

— Тоғаларинг Солиҳ Қосимовнинг қамалиб кетгани камлик қилибди-да?  
— Мана энди шунча тилло тангалар ҳам кетди, — йиғлаворгудек бўлиб деди хасис поччам.

— Асодулло, сиз ҳамма қатнашган очиқ судга нега қатнашмадингиз?  
 — Сизга барибир эмасми?  
 — Йўқ, айтинг, нега қатнашмадингиз?  
 — Ўрнимга одам топилмади.  
 — Қўйсангиз-чи, — қўлини силтаб қўйди Атоулла муаллим. — Нега менинг ўрнимга топиларкан-у, сизга топилмас экан? Йўқ, сиз қўрқоқсиз. Сизнинг тоифангиздаги кишилар суддан, адолатдан қўрқишади. Ўзингизни эҳтиёт қиламан деб, Саиджоннинг тақдирига бепарво бўлгансиз, манави болаларнинг аҳволини ўйламагансиз. Менга эса, Асодулло болам, барибир эмас, муаллимман. Бу юртда кимнинг юзига доғ тушса, ўзимни айбдор деб биламан. Демак, мен ёмон ишлаганман, нонимни ҳалоллаб емаганман. Эсизгина тилло тангалар, дейсиз. Суд залига кўргазма сифатида қўйилган экан, мен ҳам кўрдим ўша тилло тангаларни. Лекин терговчига қойил қолдим. Душманинг бўлса ҳам ҳақиқатчи бўлсин экан. Тангалар ҳақидаги васиятнома қалбаки эканлигини исботлаб берди... Ҳаромдан топилган нарсаларга энди оҳ-воҳ қилиб ўтирмайлик... Мен бугун бу ерга бошқа масалада чиқдим. Ҳукмда Саид Каримовнинг балоғатга етмаган фарзандлари давлат тарбиясига олиниб, болалар уйига топширилсин, деган жойи бор...

— Бас қилларинг! — акам қичқириб юборди-да, таталаниб аравачасига чиқиб, ҳовли томонга ҳайдаб кетди. — Бас қилларинг, энди...

— Жиянларим масаласида, — хўрсиниб қўйди Барно холам. — Ҳурматли доғлажон, кўрсатган меҳрибончилигингиз учун сизга раҳмат. Биздан қайтмаса худодан қайтар. Мен тирик эканман, уларни етимхонага бердирмайман.

Асабий бошланган суҳбат бора-бора мулоимлашиб самимий бир оҳангга кўчди. Уйимиз давлат ихтиёрига ўтиши аниқ экан. Лекин қонун бўйича биз, яъни тирик етимлар, агар маблағ топсак, унинг бир қисмини сотиб олишимиз ҳам мумкин экан

Эл ётар пайтида тарқашди. Ҳар кунгидек, Барно холам тиззасига бош қўйиб ухлаб қолган Нигора синглимни олиб, болалари ухлаб ётган хонага чиқиб кетди. Суҳбат давомида кўзини лўқ қилиб, бот-бот иягини гижимлаб ўтирган Зуфар иккимиз шу хонамизда, худди дадамга ўшаб полга ўрин тўшадик. Негадир, ҳалигача дадажоним билан ойижоним ётиб юрадиган хонага киришга ботинолмаймиз. Худди каравот остидан чиқиб, бизни қучоқлаб олишаётгандек.

Шовуллатиб ёмғир ёға бошлади. Кетидан оламни чароғон қилиб чақмоқ чақди. Қизиқ, кузда ҳам чақмоқ чақар экан-да...

- Уйғоқмисан? — деб сўради Зуфар.
- Ҳа, — деб қўйдим ўйга толиб.
- Сенга бир гап айтмоқчиман.
- Айтақол.
- Фақат йўқ демайсан.
- Қанақа гап ўзи?
- Аввал хўп дейман, дегин.
- Ҳа, ана, хўп дейман.
- Чин сўзингми?
- Чин сўзим.
- Қасам ич, бўлмаса.
- Шу одатинг қолмади-да, Зуфар.
- Йўқ, қасам ичасан. Бўлмаса ухлатмайман энди.
- Хуп, ана, қасам ичдим.
- Тонмайсан-а?
- Йўқ.

Зуфар ўрnidан дик этиб туриб, майкачан ёнимга ўтирди. Ташқари зимистон, уй қоронғи, фикридан нима кечаяптию, кўзларида нималар акслаяпти, билолмайман. Энтикиб туришидан қизиқроқ бир гап айтса керак.

- Дадам қамалди-а?
- Ҳа қамалди.
- Ун бир йилга кетди, шундайми?
- Ўзинг эшитдинг-ку.
- Ҳеч қандай енгиллик бўлмади а?
- Демак, иложи бўлмапти-да.
- Сен бошқа гап айтувдинг-ку?
- Нима девдим?
- «Волга»ни совға қилсак дадамнинг жинояти енгиллашиб, қамоқ муддати озроқ бўлади, девдинг-ку? Бўйнингга ол!
- Тўғри, шундай деб айтганман.
- Айтган бўлсанг энди «Волга»ни қайтариб оламиз, ёрдам беришмади... Эсингдами, дадам ҳамиша «Волга» сеники, дерди.

Мен ҳам туриб ўтирдим. Укамнинг елкасига қўл ташладим. Бу қайсарга гапни ётиғи билан айтиш керак. Бўлмаса пов этиб ёнади-кетади. Қариндош-уруғларимиз билан маслаҳат қилайлик, дедим.

— Барно холамни айтяпсанми? — силтаниб деди Зуфар. — У хотин киши-ку, қандай маслаҳат чиқарди?

— Ундай дема, онамизнинг ўрнида қолди-я. Ҳеч бўлмаса Бозорвой амакимга маслаҳат солайлик.

— Мен энди бориб-бориб ўша пиянистанинг гапига кираманми?

— Акамдан сўрайлик бўлмаса.

— У... жинни-ку!

— Ундай дема, ҳаммамиздан ақлли у, кўп нарсани билади.

— Кун бўйи бошини кўрпага ўраб йиғлагани-йиғлаган, ақлли эмиш... Эртага бориб яхшиликча айтаман. Машинамизни берса бергани, бўлмаса ўзидан кўрсин.

— Кимга борасан?

— «Волга»мизни текинга олганга-да. Мендан яширувдиларинг, ҳаммасини билиб олдим. Мороженоефуруш чўлоққа берган экансизлар. Бизнинг машинамизни нега олади у, нега? Дадам қамалди-ку, энди машина меники. Тамом, вассалом! Ҳар куни бориб кўриб келяпман. Дўкончасининг орқасига қантариб қўйибди. Кечқурун олифтагарчилик қилиб миниб кетади. Соғ оёғиниям синдираман уни. Бўлди, мен ётдим...

Анчагача ухлай олмадим. Нима хаёлларга бормадим дейсиз. Укам қайсар, бир сўз-ли. Бирор ишқал чиқариб қўйса-я! Ҳозир, турган гап, қизишиб кетди. Насихатнинг фойдаси йўқ. Эртага, бадани сал совуганда, бирон ақлли ваз кўрсатиб йўлга соларман. Шу ҳаёлга бордим, кўнглим хийла тинчиб ухлаб қолдим. Лекин, эртасига укам бу ҳақда гап очмагани учунми, мен ҳам паққос унутиб юборибман. Туппа-тузук мактабга қатнаётган эди. Чоршанба куни ўқишдан қайтмади. Кечгача кутдим, дараги йўқ. Маҳалламиздаги «В»да ўқийдиган болаларникига кириб чиқдим. Бугун мактабга бормаган эмиш. Йўғ-э, эрталаб китоб тўла сариқ сумкасини елкасига осиб, оч қолсам котлет олиб ейман деб, мендан пул ҳам сўраган эди-ку! Мактабга қараб югурдим. Электр плиткада чой қайнатиб ўтирган қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳовлиқиб яна уйга қайтдим. Рухимда бир хираллик пайдо бўлди, ваҳима боса бошлади. Борди-ю... йўқ... Барно холам келибди, эриям бор. «Волга» хусусида орамизда бўлиб ўтган гапни буларга айтайми-айтмайми, иккиланиб қолдим. Айтмайман, айтсам, турган гап, унинг ёмон ниятидан бизни нега огоҳ қилмадинг деб, мени ўртага олишади. Гап эшитишга тоқатим қолмади.

Лутфи холам икки-уч бор чиқиб, арслонимдан дарак борми, деб сўради. Хасис поччам телефон ёнида ўтирибди. Милициядан, касалхоналардан суриштиряпти — йўқ! Бўлинишиб, бориши эҳтимол тutilган жойлардан хабар олдик — йўқ!

Йўқ, йўқ, йўқ!

Тонг пайтида дарвозахона кўнғироғи ваҳимали жиринглади. Уйғониб кетдим. Яна, яна жиринглапти. Ҳа, ўша, укагинамнинг ўзи бу. Агар ўша бўлса бир таъзирини берай, деб ўйладим. Йўқ, Бозорбой амаким экан.

— Иш чатоққа ўхшайди, — уйқусираган кўзлари тўла ваҳима эди унинг.

— Нима бўпти? — ҳовлиқиб сўрадим.

— Чўлоқникидан келяпман.

— Қайси чўлоқ, тезроқ гапирсангиз-чи.

— Машинани ҳадя қилувдик-ку, ўшаникидан. Эл ётарда ўзиям келиб кетувди. Машинамни ўғирлатдим деб...

— Ўғирлатдим деб?!

— Ҳа, жиянингизни машинанинг ёнида кўрувдим, ҳазиллашган бўлса айтсин, суюнчиси катта бўлади, девди. Ҳозир ўшаникига бордим, топилмабди.

Тамом, бу ишни Зуфар қилган! Укагинам, нималар қилиб қўйдинг? Чайқовчи деб ном олдик, ҳаромхўр деб ном олдик, энди, бир камимиз, ўғри деб ном чиқаришмиди! Дод дейман, фарёд дейман, кўксимга пичоқ урсам қутуламанми сенлардан? Йўқ, шошиш керак, аммамникига кетган, қишлоққа ҳайдаган у машинани.

Биринчи рейсга улгурдим. Йўқ, бормабди. Аммам додлади, жиянларим таҳликага тушиб қолишди, шаҳарга қайтиб милицияга югурдим — йўқ.

Йўқ, йўқ, йўқ!

Қариндош-уруғлар ҳаммаси оёққа турган. Уч кун игнанинг устида ўтирдик. Эрталаб телефон жиринглади Трубкани ўзим кўтардим — милициядан.

— Зуфар Каримовни ахтаряпсизларми?

— Ҳа! — қичқариб юбордим.

— Сиз кими бўласиз?

— Акасиман.

— Бизга бир келиб-кетолмайсизми?

Учиб бордим. Ахтарилаётган 33—33 КИША номерли «Волга» қўшни область территориясида аварияга учрабди. Ичида ёш йигитча ҳам бор экан. Ёш йигитча?! Бу менинг укам бўлса-чи, йўқ!

— Биздан вакил жўнатишяпти, хоҳласангиз бирга боришингиз мумкин.

— Бораман, албатта бораман.

Йўлга икки соат кетдим, уч соат кетдим билмайман, ваҳима ҳушимни олиб қўй-

ган. Карахтман. Раймилиция идорасидамиз. Сухбатлар қисқа. «Волга» прицепли тракторга урилган. Айбдор — тракторчи, йўлни кесиб чиққан.

— Қани ўша «Волга»? — энтикиб сўрайман.

— Ҳовлида.

Ўзимизники. Ҳа-ҳа, бундан икки ой аввал ҳадя қилганимиз — қадрдон «Волга»-миз — шу! Номери осилиб ерга тегиб турибди. Қаноти букланган, ойна чилпарчин, ўриндиқ орқага сурилган.

— Йигитча қаерда?

— Моргда.

— А?!

— Бугун келмасаларинг кўмиб юборардик.

— Нима?!

— Қоида шундай, уч кундан ортиқ сақлаш мумкин эмас.

— Йў-ў-ўқ!

— Экспертиза ҳужжатлари тайёр.

Бордию, рудда бошқа йигитча бўлса-чи? Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир? Умид бор ҳали, мингдан бири бўлса ҳам — бор. Қоронғи қалбимнинг қаеридадир ёруғлик сезяпман. Илойим шундай бўлсин, худойим сендан сўрайман, ўлган укам бўлмасин. Мен чидай олмайман энди, чидай олмайман! Музхона эшигини очаётганларида юрагим уриб кетди, нафасим етмай қолди. Қоронғи, чиरोқ ёқишди. Алюмин стол устига ётқазиб қўйишибди, оқ чойшабни кўтаришди, укам!

— Укаж-о-он!!

Хона чирпирак бўлиб айланиб кетди. Укам бошини кўтаргандек бўлди, менга қараб кулди, пешонаси эзилиб ичига хиёл ботибди, лабининг чеккасида қон қотиб қолган. Қорнини ёришган бўлса керак, чок изи шундоққина кўриниб турибди... Хона айланяпти, ёнимдагилар айланяпти, укам қўлини чўзиб мен томонга сурғалиб келяпти...

— Мазангиз қочди шекилли? — елкамдан кучоқлади бошлаб кирган доктор. — Чайқалиб кетяпсиз.

Қайтаётганимизда бошимнинг айланиши босилиб, миямнинг карахтлиги аста-секин йўқола бошлади. Укамни яна аниқ кўрдим. Ана у, ёнгинамдаги брезент замбилда ётибди. Юзи очиқ, кўзлари хиёл қисилган, худди менга қараб тургандек... Паҳлавон укам, нега бундай қилдинг? Нега бизни ташлаб кетдинг?.. Ҳей, одамлар, укамдан айрилиб қолдим, отам қамалди, онам ўлди, укам ҳам бизни ташлаб кетди деяпман!.. Ҳей...

— Йиғламанг! — деяпти кузатиб бораётган ҳамшира.

Укагинам-эй, мажруҳ акамизни ўйламадингми? Пес бўлиб қолган синглимизга ачинмадингми, онамизни соғиндингми, ёнига тезроқ бора қолай, қоронғи гўрда ёлғиз ётмасин, дедингми!

Укагинам, тенгқурларинг ичида кўркам, паҳлавону ўктам эдинг. Ушалар билан тепкилашиб, ўйнаб юрсанг бўлмасмиди! Ака, мен келдим, деган қувноқ овозингни энди эшитмайманми? Кўпинча бир ўринда ётардик, елкамизни силашиб, эртақлар айтишардик. Энди ким билан эртақ айтишамиз? Ака, мен паҳлавон бўламан, чемпион бўламан деб, кун бўйи тош кўтарардинг. Мен энди ўша тошларга қандай қарайман?

— Эй, йиғламанг деяпман!

Ҳамшира опа, йиғлаганим йўқ. Укагинам билан суҳбатлашиб кетяпман. Бу бизнинг охирги суҳбатимиз. Эртага уни совуқ қабрга элтиб қўйишади, гаплаша олмаймиз. Ана у, менга тикилиб турибди, лаблари қимтинган, бир гап айтмоқчига ўхшайди, айтолмаяпти... Йўқ, укажон, сен ўз ажалинг билан ўлмадинг, сени мен ўлдирдим. Эҳтиётсизлигим, бепарволигим ўлдирди сени. Ушанда, машинани олиб қочаман деганингда, эгасига бориб, укамнинг феъли бузилди десам, тилгинам узилиб тушмасди-ку!

Вой, укам, ойижонимнинг олдига кетяпсанми, биздан салом айт. Нигора ҳам яхши, Зафар акам сизни қаттиқ соғинибди, дегин. Катта акам сизнинг суратингизни ишлади, гулларга кўмиб ташлабди, дегин. Ана, уйимизга яқинлашдик, ўзинг униб-ўсган уй. Наҳотки бу уйни ташлаб кетсанг. Наҳотки жаранглаган овозинг, қийқириб кулишларинг бу ҳовлида қайтиб эшитилмаса?

Ун гулидан бир гули очилмай сўлган укам!

Дили тўла армон билан кетган укам!

\* \* \*

Эрталаб Атоулла муаллим чиқди. Яна насиҳат қилгани, мен билган-билмаган ҳикматларни айтиб кўнглимни кўтаргани чиқибди. Бу одамни энди ёқтирмай қолдим. Қачон, қаерда учрашмайлик, насиҳат қилгани-қилган. Насиҳатлар жонимга тегиб кетди. Уф, қочгани жой тополмай қолдим. Атоулла муаллим, ўзингни қўлга ол, тақдир сени синаб кўряпти, ҳаммасидан эсон-омон ўтсанг етук одам бўласан, деган гапни айтгани кирибди. Товба, бу оддийгина гап-ку. Уни ўзим ҳам яхши биламан. Шунини айтиш учун уйкумни бузиб, оёғимдан тортиб ўрнимдан турғазини шартмиди?..

Эҳтимол, муаллимда ҳам айб йўқдир. Ўзим шу кунларда одамови бўлиб қолганман.

Ҳеч кимни ёқтирмайман. Ҳамма кўзимга бачкана, майда, шафқатсиздек кўринади. Қаторлашиб кириб келаётган синфдошларимга кўзим тушди. Олдиларида, одатдагидек, раҳбаримиз Дармон опа. Майли, келишса келишаверсин, қайтага қағур-қуғурларини эшитиб бир нафас ёзиламан. Елкамни тоғ бўлиб босаётган ғусса юки озгина бўлса ҳам енгиллашади.

— Қани, ёлғончивой, ўрнингдан тур-чи, — деди Дармон опам эркаловчи оҳангда.

Туриб кийиндим.

— Бор, ювиниб кел, энди.

Ювиниб келдим.

— Ўртоқларинг билан кўриш.

Кўл олишдик.

— Йўқ, ачомлашиб кўришинглар.

Ачомлашдик.

— Нега ваъданнинг устидан чиқмадинг, ёлғончивой? — деди Дармон опам, — бери оқ кел, қулоғингдан бир чўзиб қўяй.

— Қанақа ваъдамнинг устидан чиқмабман? — дедим қулоғимни шунчаки олиб қочган бўлиб.

— Кеча ўртоқларингга, эртага албатта бораман, деган экансан-ку?

— Ўқигим келмаяпти.

— Бекорларни айтибсан.

— Энди, хафа бўлманг, ҳечам ўқимасам керак.

— Йўқ, ўқийсан. Илгари ўқимасанг ҳам энди ўқийсан. Астойдил ўқийсан. Бу гал бизни, мана, ўртоқларинг билан мени директоримиз, завучимиз, бутун муаллимлар жўнаштиди. Олиб келинглар, бўлмаса ўзимиз борамиз, дейишди. Ё уларнинг ҳам ёпирилиб келишини истаяпсанми?

— Кераги йўқ.

Яна, ҳозиргина айтганимдек, насиҳатбозлик бошланди. Бири олиб, бири қўя бошлади.

— Сени бутун мактаб кутяпти, — деди аълочи Илҳом.

— Бир минг ўқувчи-я! — деди ёлғончи Исмоил.

— Наҳотки уларнинг юзига оёқ боссанг, — деди қизиқчи Ҳамрокул, — Йўқ десанг, кўтариб олиб кетамиз.

Бошқа иложим қолмади, кўндим. Дармон опам йиғлаворай-йиғлаворай деб гапиряпти, ушанга ачиниб кетдим. Нега кўндим, билмайман. Эҳтимол, овози ойижонимни кига ўхшаб кетгани учундир. Мактабга бормаган кунларимда ойижоним ҳам худди ана шундай оҳангда ёлворар, қулоғингни кесиб қўяман-а, деган пайтлари ҳам бўларди. Кўндим, фақат бугун эмас эртага, дедим. Ювиниб, кийим-бошларимни тартибга келтириб олай, дедим.

— Чин пионерлик сўзинг-а? — ҳазил оҳангида сўради аълочи Илҳом.

— Чин пионерлик сўзим.

— Алдамайсан-а? — деди ёлғончи Исмоил.

Чиқиб кетишгач, яна ечиниб ўрнимда ётмоқчи бўлиб турувдим, аравачисини шақиршуқур ҳайдаб акам кириб келди-да:

— Зафар, жон ука, энди ётмагин, — дея илтимос қилди. — Юр, менинг хонамга, сенга зўр нарса кўрсатаман.

Зуфар укамнинг вафотидан кейин акам тўсатдан ўзгарди. Мен, фақат менгина эмас бошқалар ҳам, кетма-кет тушаётган фалокатларни у кўтара олмайди, бутунлай ётиб қолиши, ҳатто ҳў бирдаги каби ўзини осиб қўйиши ҳам мумкин, деб ўйлагандик. Йўқ, аксинча, акагинам қувноқ, ҳазилкаш, меҳрибон бўлиб қолди. Кечасио кундузи ишлайди, тинмай расм чизяпти. Қани энди ҳамиша шундай юрса. Ахир менинг бу дунёда ундан кўра яқинроқ, меҳрибонроқ кишим қолмади-ку!

— Қанақа зўр нарса? — деб сўрадим кийим-бошимни қайтадан кийиб.

— Кирсанг кўрасан.

Ойижонимнинг бўй баробар сурати ёнига дадамнинг ҳам елкасида қоп кўтариб турган ҳолати чизилган суратини осиб қўйганини илгари кирганимда кўрувдим. Бошқалар ҳам кўришган. Уша расмлар ёнига бевақт нобуд бўлган Зуфар укамнинг ҳам сурати қўйилибди. Мактабдан қайтган ҳолати чизилган. Чап қўлида папка, ўнг қўли биқинида, юзида ғурур, кўзлари қувончдан порлаб турибди. Ойижон, ўғлингизни ўлиб қўйинг, яна беш олдим, деётгандек, бамисоли шу сўзларни айтиб бўлгану энди мақтов кутаётгандек. У кўпинча яхши баҳолар олиб қайтганда ана шундай ҳолатда бўларди.

— Қалай? — сўради акам.

— Қийиб қўйибсан! — дедим завқим жўшиб.

— Сал-пал ўхшабдим ахир?

— Акажон, сен чиндан ҳам зўрсан... Уч ойда учта расм, қойил! Ишқилиб, сени Тошкентга олиб кетиб қолишмасин-да!

— Кўрқма, кетмайман.

— Йўқ, сен қандай қилиб ўхшатасан, шунга ҳеч ақлим етмайди.

— Бирон кишини қаттиқ севсанг, унинг қиёфаси қалбингда муҳрланиб қолади, кўзингни юмиб олиб бемалол чизаверасан.

— Сен ҳам кўзингни юмиб олиб чиздингми?

— Йўқ, Зуфар укам билан суҳбатлашиб ўтиргандек бўлиб чиздим.

— Овозини ҳам аниқ эшитдингми?

— Аниқ эшитиб турдим. Ке, ёнимга ўтир, укажон, сендан бир нарса сўрамоқчийдим. Фикрингни билмоқчиман. Қани, айт-чи, бизнинг устимиздан биров ёзган деб ўйлайсанми?

— Албатта ёзган-да.

— Нега «албатта» деяпсан?

— Одамлар айтяпти-да.

— Одамлар нимани айтяпти?

— Каримовлар устидан кимдир ёзган, ҳойнаҳой душмани бўлса керак, шаҳарда унақа порохўрлар камми, бошқаларига тегишмади-ку, дейишяпти. Хўш, акажон, сен ўзинг нима деб ўйлайсан?

— Мен ҳам шу фикрдаман.

— Қанақа фикрда?

— Шу... кимдир ёзган. Албатта, ёзган. Лекин унинг нияти сал олижаноброқ бўлиши ҳам мумкин.

— Гапингга тушунмадим.

— Яъни, укажон, ўша ёзган одам шундай қилсам авж олиб бораётган жиноятнинг олдини олиб, отаси билан онасини қутқариб, болаларини хурсанд қиламан, хижолат бўлиб яшайдан озод бўлишади, деб ўйлаган бўлиши мумкин... Хўп, майли, укажон, мен устимиздан ёзган ўша одамни топиб берсам нима қилардинг?

— Сен уни биласанми?!

— Ҳозирча... йўқ. Лекин аниқлаб беришим мумкин.

— Аниқлаб берсанг, мен ўша аблаҳни албатта бўғиб ўлдирардим.

— Нега энди бўғасан, у хонадонимизни покламоқчи бўлган бўлса-чи?

— Нимадан поклайди?

— Ҳаромхўрликдан, жиноятдан-да.

— Акажон, сен унинг кимлигини билсанг тезроқ айт менга. Отамни қамоққа тикқан, онамни ўлдирган, укагинамнинг бошига етган, хонадонимизни вайрон қилган ўша аблаҳни тезроқ айт! Ҳозироқ бориб бўғаман. Кейин ўлигини дарахтга осиб, нимталаб, гўштини итларга едираман. Аниқлаб берасанми?

Акам жавоб қайтармади. Кулумсираб қўйди холос. Эҳтимол у ҳам билмас, янги битирган расмига узоқ тикилиб қолди. Назаримда укам билан хаёлан гаплашаётганга ўхшайди.

— Энди... ҳаммасига чек кўямиз, — деди худди уйқудан чўчиб уйғонгандек бошини силкитиб. — Ҳаммасидан бир йўла қутулиб қўя қоламиз.

— Нимадан қутуламиз? — дея шошилиб сўрадим.

— Шу... бемаъни турмушимиздан-да... Устачилик қиламиз сенга ҳам, Нигорага ҳам ўргатаман. Ҳаммасини янгитдан бошлаймиз. Укажон, мана шу китобларимни мактаб кутубхонасига совға қилмоқчиман.

— Ҳаммасини-я!

— Ҳаммасини!

— Эсингни еб қўйибсан. Беш минг сўмлик китоб бор-а, бу ерда.

— Укажон, номимиз ёмонга чиқди, юзимизда қора доғ бор. Шундай бир иш қилайликки, ўша доғларни ювиб кетсин. Чизган суратларимни, ёғочдан ясаган қушчаларимни, гул тувакларни — ҳамма-ҳаммасини мактаб кутубхонасига совға қилмоқчиман.

— Уйқусираётганинг йўқми?

— Укажон, мени яхши кўрасан-а? Раъйимни қайтарма, қарорим қатъий. Шуларни кутубхонага элтиб бермагунимча, ётиб ухлай олмайман.

Мунозара нақ уч кун давом этди. Лутфи холам, Бозорвой амаким, холам, хасис поччам акамни роса ўртага олишди. Холам, опагинам ўғлимни олим қиламан деб бу китобларни йиққунча адойи тамом бўлувди, жим ўтир, деди. Хасис поччам, ҳамонки булар сенга керак эмас экан, пуллаб бера қолай, бир хилларини ўн сўмдан олади-я, деди. Лутфи холам, ҳади қила қолсин, шуларни ўқийвериб Акбаржоним жинни бўлаёзди, деган гапларни айтди. Ўзи биз қайсарлар авлодиданмиз — акам сўзидан қайтмади. Китоблар меники, тамом, деб туриб олди.

— Билганингни қил, — деди охири Барно холам қўл силтаб.

Акамнинг хоҳиши мактабда ҳам дарров амалга оша қолмади. Бутун бойликлари талонга тушиб турган пайтда қалай бўларкан, дебди бир муаллим. Бу қизиқ устида жаҳл билан қилинаётган ишдир, дебди бошқа бир муаллим.

Директоримиз мени ҳузурига чақириб:

— Очиқ айт, суд ҳукмида бу китоблар мусодара қилинсин, деб қайд этилганми? — деб сўради.

Тинтув пайтида китоблар рўйхатга кирмаганлигини айтдим.

— Аниқ биласанми?

— Ҳукмдан уйда бир нусха бор, олиб келайми?

— Қани олиб кел-чи, — севиниб деди директоримиз.

Лекин ҳукмни олиб бориб берганимдан кейин ҳам, Атоулла Исаевичнинг айтишича, барибир муаллимлар ўртасидаги тортишув тўхтамабди. Охири, ҳа майли, йигитчанинг хайрли ташаббусини бўғмайлик, деб бир қарорга келишибди. — Ҳадаясини қабул қилиб ўзини кутубхонага мудир этиб тайинлаб, тўқсон беш сўм маош белгилайлик. Боқувчиларидан маҳрум бўлишди, бу пул уларга дармон бўлар, дейишибди. Эртасига то кеч пешингача уйимиз билан мактаб ўртасида қатнов тўхтамади. Акам қизишиб кетдим, ёғоч кесадиған станокчаси, ойижоним туғилған кунида совға қилған япон магнитофонигача «Москвич»га юклаб берибди. Охирида ўша «Москвич»да ўзини ҳам олиб кетиб, совға қилған китоблари ёнида ҳар хил кўринишда суратга туширишибди. Орадан тўрт кун ўтгач, жума куни эди, шаҳар газетасида акамнинг сурати босилиб чиқибди. Атоулла Исаевич ўғлидан бир даста газета киритиб юборгандан кейин билдик. Сурат менга ёқмади. Акамнинг юзи ва кўзларида ўша кун мен кўрган қувонч, шодлик йўқ. Кўзлари тўла ғам, худди йиғлаб-йиғлаб чарчаган ва яна йиғлашга чоғланаётгандек бир қиёфада эди. Хасис почтам газетага узоқ тикилиб турди-да:

— Аҳмоқ! — деб қўйди. — Ажинадек қийшайиб тушган шу бир парча суратни деб беш минг сўмлик китобни нобуд қилди-я. Йўқ, барибир, бу акангдан одам чиқмайди. Эсиз-эсиз китоблар, ўрнини топиб пуллаганда камида ўн минг сўм бўларди-я!

\* \* \*

Семириб кетганиданми, пишиллаб бурнидан ҳуштак чалиб гапирадиган суд ижрочиси икки-уч бор келиб қисталанг қилди — тезроқ кўчиб, уйни бўшатишимиз, мен билан синглим шаҳар болалар уйига, акам «Инддом»га ўтиши мажбурий экан. Агар биз халқ суди ҳукмининг худди мана шу қисмидан норози бўлсак, ўша пайтларда, яъни ҳукм эълон қилинган ва унинг бир нусхаси айбдорга берилган соатдан бошлаб ўн кун ичида юқори суд органларига норозилик ёзишимиз мумкин экан. Ҳамонки, норозилик билдирмабмиз, ҳамонки, ҳукм кучга кирдимиз, энди уни бажаришимиз шарт экан.

— Қонун шундай! — деди ижрочи бурнидан яна чийиллаган овоз чиқариб.

Бозоровга амакилар ўтирган ҳовли ҳам бизники. Тўғри, кўримсиз. Пахсадан тикланган учтагина хонадан иборат. Номигагина сомон сувоқ қилинган холос.

— Баҳоргача бирга ўтираверамиз, — деди Лутфи холам кўзига ёш олиб. — Ўша пайтга бориб кўч десанглар, шаҳар ташқарисида жойимиз бор, кўчиб кетармиз. Бўлмаса, Саиджон акам келгунча бирга ўтирамиз. Оқ ювиб, оқ тарайман.

Яна оғирлик, барибир, синфдошларим зиммасига тушди. Шанбаю, якшанбада чумчуқлардек чуғурлашиб, қалдирғочдек қаторлашиб кўч-қўлон ташидик. Мусодарадан кўп нарса қолган экан. Икки кунда ҳам тугатолмадик.

— Қолгани янаги шанбага, — деди аълочи Илҳом. — Ўзиям елкам узилиб кетай деяпти.

— Эртага дарсдан кейин келсак-чи? — сўради лофчи Исмоил. — Мен, барибир, дарс тайёрламайман-ку?

— Эртага мен тишимни олдирмоқчиман, — деди қизиқчи Ҳамроқул. — Ойим, тишингдан тўрттасини олдириб ташла, овқатни кўп еб, бизни хароб қиляпсан, деяпти.

Кечқурун, негадир, туғилиб ўсган уйимизни ташлаб чиқиб кетгимиз келмади. Акажонимнинг хоҳиши шундай бўлди. Ойим билан дадамни эслайлик, қувончли саодатли кечган кунларимизни хотирлайлик, деб туриб олди. Кўзи мўлтиллаб тургани учун йўқ деёлмадик. Хонасига, шундоққина полга ўрин тўшаб ўнг томонига Нигорани, чап томонига мени олиб, биз эшитмаган эртаклари кўп экан; ўшалардан айтиб берди. Кўпинча дадам шундай қиларди. Гоҳо-гоҳо бирга ётиб туринглар, бир кўрпада тепкилашиб катта бўлганмиз деб юрасизлар, дерди. Ким билади, ҳозир акам шуни эслаб кетгандир. Акам ўзи ғалати-да, меҳри товланиб кетса бошқариб бўлмай қолади уни. Гоҳ Нигоранинг, гоҳ менинг юзларимдан оҳиста-оҳиста силаб қўяяпти. Бирга ётганимиздан қалби қувнаб ҳаяжонини босолмаяпти шекилли, гоҳ кескин бошини кўтариб юзимиздан ўпади-да, кейин кулумсираганча узоқ тикилиб қолади.

— Барибир, акажон, сен яхшисан, — дейман меҳрим товланиб.

— Энди ухла, — дейди акам юзимга мисдек қизиб турган юзини босиб.

Эрталаб биргаллашиб нонушта қилгач, синглимни эргаштириб мактабга кетдим. Энди Нигора ҳам қатнай бошлаган. Муаллимлар қўйишмади — чорак баҳони ўзимиз тўғирлаймиз, деб туриб олишди. Учинчи соатда ўтирувдик. Тарих дарси кетаётганди. Хаёлим олти юз минглик қўшин билан бостириб келаётган Наполеонда, эҳ, биз томонда бир миллион қўшин бўлгандамиди, деб ўйлаётгандим...

— Кимнингдир уйи ёняпти! — деди дераза ёнида ўтирган Инобат.

— Ҳаммамиз ўша томонга қарадик. Чиндан ҳам анча узоқда, магазин тарафдан буруқсаб аланга аралаш тугун кўтариляпти.

— Битта-яримтаси кундалигида икки баҳоси кўпайиб кетган бўлса, ўшани куйдираётгандир, — деди Ҳамроқул дераза томон бўйини чўзиб.

— Икки баҳони йўқотаман деб уйига ўт қўядими? — деди бошқаси орқароқдан.  
— Кўпайиб кетса қўяди-да, — деди учинчиси.  
— Диққат! — Муаллима кафти билан столни урди. — Диққат!!  
Ҳаммамиз яна синфга ўгирилдик. Эшик шарақлаб очилиб кетди. Остонада энтиккан, ҳаяжонланган вожатий кўринди...

— Зафар, уйлариң ёняпти!

— Нима?! — сакраб ўрнимдан туриб кетдим.

Ҳовлимиз томон учиб боряпман. Елғон, ёлғон, дейман. Акам бор эди, унга нима бўлди экан, дейман. Ортимдан ўнлаб болалар югуряпти, кимлар, билмайман. Ана, буруқсаётган тутун яққол кўринди, алангага аралашиб буралиб-эшилиб осмонга кўтариляпти. Ут ўчирувчиларнинг қизил машиналари, одамлар, шовқин-сурон, ваҳимали сигнал чалиб яна машиналар келяпти... Бизники, ҳа-ҳа, бизники ёняпти!

Акам нима бўлди? Қочиб улгурдимикан?

Сариқ шлангларда том устига сув сочишяпти. Сув ҳам ёняпти. Баланд-баланд нарвонлар, ниқоб кийган одамлар, роботлардек қиёфасиз кишилар...

— Қўшни томондан ўт!

— Уёқда сув йўқ!

— Деразани буз!

— Лом қаерда? — деган овозлар...

Бориб ўзимни дарвозага урдим. Чўғ бўлиб кетибди. Икки кўлим баробар жазиллаб куйганини сездим.

— Уйда акам бор эди! — бор кучим билан қичқириб юбордим. Яна дарвозага урилдим...

Кейин туш кўра бошладим. Тушимда эмиш мени одамлар кўтар-кўтар қилиб ҳў нарига, Атоулла Исаевичнинг эшиги ёнига олиб бориб, деворга суяб ўтқазиб қўйишган эмиш. Уша ердан туриб ҳовлиққан, энтиккан роботларнинг ҳаракатини кузатаётган эмишман. Ана, аллақандай темир асбоблар билан гумбурлатиб уриб дарвоза кесакисини кўчиришди. Ана, дарвозанинг эшикчаси ичкарига ўпирилиб тушди. Тутун аланга ичидан итимиз отилиб чиқди. Жуни куйиб бўпти. Қип-қизил танасидан ҳовур кўтариляпти. Ваканглаб одамлар орасидан чопиб ўтди. Акам бор эди, дегим келяпти-ю, ўша сўзларни тополмаяпман... Кейин ухлаб қолдим. Қанча ухлаганимни билмайман. Ўзимни яна туш кўраётган ҳолатда сездим. Ҳовлимиз ўртасига, докторларнинг брезентли замбилига ётқизиб қўйишган эмиш, тепамда оқ халатли опа турганмиш. Димоғимга аччиқаччиқ тутун ҳиди уриляпти. Одамлар, қизил шапкали милиционерлар, робот нусха ўт ўчирувчилар... Кимдир додлаяпти, бошқаси кўксига уриб фарёд чекапти.

— Эссизгина, йигит-а! Суягигача куйиб эриб кетибди-я!

— Ўғрилар тилло ахтариб келиб тополмагач, йигитчани каравотга боғлаб ўт қўйишган эмиш.

— Йўғ-э!

— Милиция: канистрдаги бензин портлабди, деяпти.

— Вой тўғри, гумбурлаган овоз эшитилгандек бўлувди.

— Ўғрилар портлатдимикан?

— Мана шуниси жумбоқ-да.

— Ўғри кирса дарвозанинг ичидан қулфлаб кетармиди?

— Вой, худойим, шундай оила вайрон бўлди-я!

— Бир ойда уч ўлим, ҳай-ҳай, ҳеч кимга кўрсатмасин!

— Ишқилиб, мана буниси тирик қолсин денг.

— Нима бўпти унга?

— Кўзи очиқ, ҳеч нарсани сезмаётганмиш.

Ҳаммасини кўриб, эшитиб ётгандекман, лекин ҳеч қандай маъноси, аҳамияти йўқдек. Туш-ку бу, тушда кўпинча шунақа бўлади, деётгандекман. Танимда ҳузур, вужудимда аллақандай эркаловчи, роҳатбахш илиқлик. Илиқлик овоз чиқариб, ухла, ухла, деётгандек... Ойижоним икковимизни тобутга солишаётганларини кўрдим. Хайрият, ойижоним билан яна бирга бўларканман. Бу гапни мен эмас, танимдаги ҳузурбахш ором айтди шекилли. Ухла, ухла деяпти у. Ойижонинг ёнингда, акам ёнингда, укам ёнингда, ухла, ухлаб ором ол, деяпти. Ойим, акам, укам бирлашиб бир вужудга айланишди. Қизиқ, тана битта-ю, қиёфа учта. Учовиям кулумсираб турибди. Ухла, ухла, дейишяпти. Танимдаги роҳат ўшаларнинг овози эмиш. Овоз ташқаридан эмас, томирларимдан оқиб келаётган эмиш: ухла, ухла, ухла!.. Мени тобутга солишаётганини кўриб турибман. Тобутни оқ халатли ҳамширалар кўтаришиб боришаётган эмиш. Ойижоним кўксини йиртиб додлаётгандек бўлди. Акамнинг оёғи соппа-соғ эмиш, тобут ортидан югуриб келаётган эмиш. Зуфар укам, энди у кафан кийиб олибди, югурармиш-у, менга етолмасмиш. Қўлини силкитармиш, гапирмоқчи бўлармиш... Ухла, ухла деяпти танамдаги роҳат...

Неча кун алаҳлаб ётганимни билмайман. Ўзимга келганимда тепамда қизиқсиниб, ҳайратланиб турган докторларга кўзим тушди. Профессор Фозилжоновни дарров танидим. Демак, касалхонада эканман. Утган гал ётганимда ҳам шу профессор қараганди.



— Акам тирикми? — биринчи сўраганим шу бўлди.

Профессор оёқ томонимга омонатгина ўтираётди:

— Массажни тўхтатинг, — деди. Шундагина бошимни кимдир силаётганини сездим. Угирилиб қарагим келди. Профессор менинг саволимни эшитмади шекилли, ёнидагиларга қараб гапира бошлади, — айтдим-ку, латаргия эмас, деб. Шок ҳолатининг энг оғир формаси бу. Такрорланганда, мана шунақа, ҳаммиша оғир кечади. Ҳечқиси йўқ, энди ҳаммаси жойига тушади. Доктор, буёғи энди сизнинг санъатингизга, муҳаббатингизга боғлиқ. Энг муҳими, йигитчани сақлаб қолдик...

— Акам тирикми? — яна сўрадим.

— Бошингизни кўтара оласизми? — сўради профессор. — Қани, бир уннаб кўринг-чи.

Ҳеч кимнинг ёрдамисиз туриб ўтирдим.

— Қалай? — негадир кўзимга яқиндан қаради профессор.

— Бошим жуда оғир.

— Бу — табиий. Доктор, электр леченияни ҳам вақтинча тўхтатинг.

Профессорга берган саволимга аниқ жавобни кечқурун олдим. Барно холам хонамга унсиз йиғлаб кирди. Ёнимга ўтириб, анчагача хўрсиниб гапиролмади.

— Улганми? — дедим шивирлаб.

Холам лабини қонатгудек тишладию, эгилиб тиззамга бошини қўйди...

Шифонинг психотерапия деб аталадиган тури узоқ давом этар экан. Яна бир ойча ётдим. Чиққан куним, кечки овқатдан сўнг, холагинам қўлимга семиз конверт тутқаза туриб:

— Бермасам, акангнинг руҳига хиёнат қилган бўламан, — деди хўрсиниб. — Берсам, яна сенга жабр қилиб қўяманми, деб қўрқаман. Аммо, иложим қанча, ўқиганинг маъқул.

Хат Барно холамнинг адресига-ю, менинг номимга битилган экан. Шошилиб очдим. Акамдан, юрагим уриб кетди.

«Зафаржон, қимматли укажоним!

Ушбу хат қўлингга текканда мен бу дунёда йўқ бўламан. Табиийки, сен уни йиғлаб-йиғлаб ўқийсан. Уёғини суриштирсанг, ўзим ҳам йиғлаб-йиғлаб ёзаётирман. Укажон, мени кечир, ортимда қолаётганларнинг ҳаммасидан қўлларини ўпиб, оёқларига йиқилиб кечирим сўрайман. Ўзини ўлдираётган одам бу дунёда нимаики бўлса ҳаммасининг юзига тупурганидан шундай қилади. Мен эса, укажоним, ҳаммангизни жондан ортиқ севганимдан, севгимни изҳор қила олмаганимдан шундай қилаётирман.

Укажон, қани айт-чи, ўз отасини қамоққа туширган, ўз онасини ажалидан беш кун олдин ўлдирган, яхши кўрган укасини қабрга тиққан одамни нима деб аташади, қотил дебми? Мен қотилман! Ихтиёримдан ташқари юз берди бу даҳшат. Узинг биласан, кўп ўқидим. Икки оёғим шол бўлиб ётар эканман, китобдан бошқа ўртоғим ҳам, суҳбатдошим ҳам йўқ эди. Ақлим ҳам, дунёқарашу барча билимларим ҳам шу китоблар орқали шаклланди. Ота-онамдан бегона бўлиб ўсдим. Ўзимга ёққан қаҳрамонлар, билан, отонамнинг қилмишини солиштирганим сари, бора-бора улардан узоқлашиб кетавердим. Узоқлашганим сари уларнинг бағрига бошимни қўйиб, ойижон, дадажон, деб йиғлар эдим...

Дадамнинг базада пора олишини, ойижонимнинг чайқовчилик билан машғуллигини жуда эрта пайқаганман. Назаримда, кимларнингдир еб турган нонини, устидаги кийимини тортиб олишаётгандек туюларди. Ҳаром, ҳаром деб қичқиргим келарди. Укажон, эсингдами, ҳафталаб овқат емасдим? Эсингдами, устимдаги кийимларимни ечиб улоқтириб, яланғоч ҳолда ҳафталаб кўрпага бурканиб ётардим? Эсингдами, дадажон, пора олишни бас қилинг, дея шовқин кўтарганим? Эсингдами, ойижоним билан ойлаб гаплашмай юрганим? Мени жинни дейишарди. Атоулла Исаевичнинг таъсирида аҳмоқ бўлиб қолибсан, дейишарди. Йўқ, мен ҳеч қачон унинг таъсирида бўлмаганман. Поклиги, ҳалоллиги, таърифларга сиғмайдиган раҳмдиллиги учун яхши кўрардим уни. Қани энди, дадажоним ҳам ўшанга ўхшаса, деб орзу қилардим холос.

Укажон, ўзинг ўйлагин, мендек чўлоқ бир нотавон учун ота меҳридан, она муҳаббатидан улуроқ нарса борми? Дадажонимнинг нимжон оёқларимни силаб эркалатишлари, ойижонимнинг бағрига босиб, юзларимдан қайноқ-қайноқ ўпишлари, икковларининг галма-гал елкаларида кўтаришиб докторма-доктор олиб юришлари, кўнглимни овлаш учун кунора қилган совғалари... Ҳеч бир бола менчалик кўп ўйинчоқ ўйнамаган. Икковлари ҳам мени жондан ортиқ севишарди. Мен, барибир, уларнинг меҳр-оташи-сиз яшай олмасдим. Эсингдами, кўпинча, дадамнинг ишдан қайтишини пойлаб дарвозахонада ўтирардик? Ойижоним жиндек ҳаялласа, юрагим ўйнаб, телефонга ёпишардим. Қилмишларини оқламасдим, лекин ўзларини яхши кўрардим. Ойижоним билан дадажонимнинг меҳр оташидан маҳрум бўлиб қолиш хавфи бора-бора кучайиб, қора ваҳимага айланди. Қўлга тушиб қамалиб кетишса мен қандай яшайман, укаларимнинг аҳволи нима кечади деган, такрор айтаман, қора ваҳима руҳимни қамраб олди. Бордию, деб ўйлай бошладим, жиноятнинг олдини олишга ўзим киришсам-чи, тартибга чақириб қўйишларини сўраб қонун органларига ўзим мурожаат қилсам-чи? Ахир газе-

таларда ҳам жиноятнинг олдини олиш мумкин деб, ҳар куни ёзишяпти-ку!

Такрор айтаман, укажон ойим билан дадамни беҳад севганимдан, улардан ажралиб қолишдан қўрққанимдан шу фикрга бордим. Ушанда менинг бу қарорим жуда адолатли, ҳам ақллидек туюлган эди. Область милициясининг жиноят-қидирув бўлимига хат ёзиб, тартибга чақириб қўйишларини, лекин зинҳор қамамасликларини сўрадим. Жавобини почтадан шахсан ўзим бориб оламан, деб таъкидлаб қўйдим. Узоқ кутмадим. Келган хатда менга ташаккур билдирилиб, қўшимча фактлар сўралибди. Уйимизга қайси магазинлар, қайси экспедиторлар келишини, ойижоним қайси заргарлар билан алоқада эканлигини, укажон, сендан кўра мен яхшироқ билардим. Деразамнинг пардасини қия очиб қўйиб, ҳаммасини зимдан кузатиб ўтирардим. Ҳеч бирини қолдирмай ёздим. Назоратга олинди, деган жавоб келди яна.

Виждоним азобда қолди, укажоним, ёниб кетяпман! Одаллар юзига энди қандай қарайман, сизларнинг кўзингизга қандай боқаман... Хўп, майли, бу қабиҳлигимни бировлар билмас, лекин виждоним туну кун ўзим билан бирга-ку, ундан қандай қочиб қутуламан?


Мен ўзимни-ўзим суд қилдим, қотиллигимни бўйнимга олдим. Энг олий жазо белгиладим — ўлим!

Укажон, хатимни ҳеч тугатгим келмаяпти. Яна озгина бўлса ҳам сен билан сўзлашсам дейман. Сен ҳамиша тўғри тушунардинг. Ҳатто хафа қилиб қўйганимда ҳам кечириб, кулумсираб турардинг. Ҳозир ҳам майин жилмайиб, теппамда қараб тургандексан. Йўқ, хато қилдим. Йиғлаётганга ўхшайсан. Йиғлама, укажон, йиғлама! Мен ойижоним билан укажонимнинг олдига кетяпман. Уз ихтиёрим билан кетяпман...

Меҳрибон укажоним, охири сўзимни ёзишдан олдин сендан илтимос: синглимиз Нигорани ўкситмагин, дадамиз қутулиб келгунча ҳам отаю, ҳам она бўлиб бошини силагин. Яна бир илтимос, учта расм чиздим, учовига изтиробли қалбимни шундайлигича жойладим, узоқ яшагин, умрингнинг охиригача расмларни бировга бермагин. Шунда мен ҳамиша сен билан, сенинг уйингда яшаётган бўламан!

Алвидо укажоним!

Марҳум аканг Акбар».



## ЯХШИГА ЭЛ КУЛИБ БОҚАР

Ҳамза Имонбердиев

Алла

— Ана, Бўри келяпти!  
Ухлай қол, овунчоғим. —  
Қўй шундай деб кўрқитиб,  
Ухлатар кўзичоғин.

— Вуй, анови илонни!  
Ухла тез, болажоним. —  
Чумчуқ шундай кўрқитиб,  
Ухлатар полапонин.

— Ухла, Олабўжи-ёв  
Кўрсатган қорасини! —

Одам шундай кўрқитиб,  
Ухлатар боласини.

Она Бургут аллалар:  
— Ухла, кучга тўлиб ўс.  
Ушбу тоғ-тош, осмоннинг  
Ҳукмдори бўлиб ўс!

Писанд этмай хатарни  
Шунданми полапони,  
Тушларида чарх урар  
Тўлдириб кенг самони.

«Биз «Болалар уйиданмиз»  
туркумидан

### 1. Шойим

Бурчакдаги хонадан  
Келар йиғи овози.  
Қулоқлар динг — бу Шойим,  
Недан бўлди норози?!

Атрофида болалар  
Бўлаётир парвона.  
Тарбиячи холалар  
Елка қисиб, ҳайрона.

Уқсиб йиғлар болакай,  
Дардига ҳеч малҳам йўқ.  
— Бўлди энди!  
— Бўлди, ҳой! —  
Таъсир қилмас алдов, дўқ.

Шу чоқ эшик очилиб,  
Фаррош хола кўринди.  
Минг ўргулиб, айланиб,  
Овутишга уринди.

Бағрига босиб аста,  
Силаганди бошини,  
Аразчимиз бир пасда  
Тия қолди ёшини.

Сабабини билмасдан  
Қарагандик Шойимга,  
Жилмайди: — Ухшар экан  
Овозлари ойимга...

### 2. Қўполлик

Афсус, қўполлик қилдим,  
Акам урди дўқ:  
— Бор кўзимга кўринма,  
Ҳеч керагинг йўқ!

— Билмай қолдим, ишонинг,  
Ака, сўзимга,

— Бас, дедим, бас, кўринма,  
Энди кўзимга!

Ўтиб кетди бундай сўз  
Жону танимдан.  
Кўзларимга тўлиб ёш,  
Кетдим ёнидан.

Қўринмайман кўзига,  
Бўпти, кетаман.  
Ёлғиз акам тошмеҳр,  
Бунда нетаман!

Ҳа, кетаман бир ўзим,  
Бош оқса қайга.  
Балки шарга осилиб,  
Учаман ойга.

Балки миниб Ғиркўкни,  
Жангга кираман.  
Ёғоч қиличим сермаб,  
Ёвни кираман.

Душман билан солишиб,  
Ўларман охир.  
Не қилардим бир ўзим  
Акамсиз ахир.

Келиб қабрим бошига  
Акам бош эгар.  
— Кечир мени, ука, — деб  
Балки ёш тукар.

Ҳеч ким нобуд бўлмаган  
Мендай ёшида...  
— Ука!  
Боқсам, турарди  
Акам қошимда.

Хаёлларим ҳар ёққа  
Сочилиб кетди.  
Хуфтон дилим чарақлаб,  
Очилиб кетди.

Акам бўлса ёнимда  
Қувнаб кетаман.  
Шундай акам турганда,  
Ўлиб нетаман!

Рауф Толиб

### Ўзин ўзи йўқотган бола

Эссизгина, Олимжон  
Ўзин йўқотди.  
Ўз ўрнин, қиёфасин,  
Сўзин йўқотди.

Ўзин ўзи алдаб у  
Хотиржам юрар.  
Ким не деса маъқуллар,  
«Ҳа, ҳа», деб турар.

Дўст айбини юзига  
Айтмайди очик.  
Унга тўхмат қилишса  
Индамас, қизик...

Қўрқиб у машаққатдан  
Сўзлайди ёлғон.

Ёлғон сўзлаб, меҳнатдан  
Қутилар осон.

Мактабда муаллимни  
Қилармиш «хурмат».  
«Беш» олиш-чун бу асли  
Хурмат — хушомад.

У меҳнаткаш дўстларин  
Устидан кулар.  
Фойда унса бировдан  
Икки букилар.

Фақат ўзин ўйлар у,  
Дўст бўлсин қандок?!  
Орамиздан йўқолди,  
Эх, битта ўртоқ.

### Чипор товуқнинг ташвиши

Чипор товуқ жўжаларни  
Кўриб ҳайрон:  
«Қайдан келди бир кечада  
Бу оломон?

Булар бунча бебош, ўжар,  
Бир чатоқ-ей!  
Хўрозчалар бир-бирдан  
Уришқоқ-ей!

Инкубатор тухумларни  
Очар эмиш.

Жўжалар-чи, кўзин очиб  
Қочар эмиш.

Отаси ким, онаси ким,  
Келишмас бир.  
Бу ёшларга ким тарбия  
Берар ахир?

Оналари фермада банд  
Юмуш билан,  
Хўрозчалар умри ўтар  
Уруш билан.»

Хонаки хонанда

Отмай туриб ҳали тонг  
Мовийсойлик қурбақа,  
Қашлаб таранг қорнини  
Бошлар қўшиқ вақвақа.

Тинглаб кўрса Қундузхон  
Қўшнисин вақвақасин,  
Қурбақа сойни эмас,  
Куйлар... ўз бақбақасин.

Чилдирма

Гардишим тўла «балдоқ»,  
Оҳангим қувноқ-қувноқ.  
Ишонмасанг сўзимга,  
Мени аста чертиб боқ.

Тўйга борсам, ғилофда  
Ўтирмайман писиниб.  
Гуллатаман даврани  
Олсам бир оз исиниб.

Жўра Раҳим

Беш оласан деганлар

Лобар чизган расмни  
Ўқитувчи кўрган он,  
Деди: — Яхши, мен унга  
«Тўрт» баҳони қўяман.

У эса ҳайрон бўлди  
Ўқитувчи сўзига.

Сир тутмай айта қолди  
Боқиб унинг кўзига:

— Чизиб ойим ўзлари,  
Қайта-қайта кўрганлар.  
Бу расмингга албатта,  
Беш оласан, деганлар.

«Ёрдам»

Пишди гилос, пишди оқ ўрик.  
Боққа томон йўл олди она.  
Жажжи Лола унга эргашиб  
Атрофида бўлар парвона.  
— Мен ҳам борай, майлими, ойи?

— Не қиласан?  
— Ёрдам бераман.  
— Қандай қилиб?  
— Э, билмайсизми,  
Сиз узсангиз, мен еб тураман.

Обид Расул

Сочпопук тақдилар

Томорқада тол баргак —  
кўринглар, юринглар.  
Сочпопукка лойиғин  
олинглар, туринглар.

Хахалашиб Санобар,  
Сарвигул  
ва Лобар  
Ким ўзарга чопдилар  
чаққонлар,  
баробар.

Йўлда кўриб  
чучмома, қокигул,  
нарғизни,  
Дўппиларга  
тердилар, ҳидлашиб  
ялпизни.

Сўнг баҳорни олқишлаб,  
сочпопук  
тақдилар,  
Баланд қилиб ёшликнинг  
гулханин ёқдилар.

Бибисора Отаева

### Катта бўлгач...

Ўзим кийдим ботинкамни,  
Боғладим ипини ҳам.  
Сочимни ҳам ўзим тараб,  
Ўзим ўрдим мустаҳкам.

Энди йиғламайман ҳеч,  
Жаҳлим чиқмас ҳар гапга.  
Яқин қолди, тез орада,  
Боражакман мактабга.

Абдулла Турдиев

### Урушни тепавериб...

Уруш кўрган бобомнинг  
Бордир қўлтиқтаёғи.  
Урушни тепавериб  
Синган жангда оёғи!..

### Мушук

— Оч қолибди... мушукка —  
Танга беринг, дейди-я?!  
— Шаҳарда бизнинг мушук —  
Фақат танга ейди-да!..

### Осиб қўйдим кўнғирок...

Ўртоғини учратиб,  
Қувонжон қувнаб дейди:  
— Қорамошим кушларни  
Қийрата олмас энди.

Ишонмасанг сен агар,  
Дамир, ўзинг келиб бок.  
Ҳозир унинг бўйнига  
Осиб қўйдим кўнғирок!..

Одил Абдурахмон

### Олмаҳон ҳақида

#### баллада

Одамларга  
текин ишлаб,  
Ёнғоқзорда  
қолдик қишлаб.  
Қорнимизни  
бир оз боқиб,

Ёнғоғини  
бердик қоқиб.  
Шунча кетган  
вақтимизга,  
Пул олмадик  
ҳаққимизга.

Эркин Дўсматов

### Шодининг даккиси

Бир бола бор, оти Шоди,  
Уришқоқлик фикри-ёди.  
Ҳеч ким уни тиёлмади,  
Қаддин ёйдек эголмади.  
Ерга урсанг,  
Кўкка салчир.  
Яхши гапга кўнмас, ахир.  
...Уришганди Шермат билан,

Калтак еди, қаранг, ундан.  
Ҳеч ким унга қарамади.  
Ҳолинг не деб сўрамади.  
Қайси бола бўлса ёмон,  
Нафрат этар эл-оломон.  
Яхшига эл кулиб боқар,  
Яхши бола элга ёқар.  
Шодиларга ўхшаманг ҳеч.  
Дакки ейсиз эртами-кеч.



## БАДИИЯТ—БОШ МЕЗОН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ МУХБИР АЪЗОСИ  
МАТЕҚУБ ҚҶШЖОНОВ БИЛАН АДАБИЕТШУНОС НУЪМОН РАҲИМЖОНОВ СУҲБАТИ

— Бир шарқ донишмандидан «дунёда энг осон нарса нима», деб сўрашганда, «савол бериш», деб жавоб берган экан. Ҳамма осони бизгаю, энг қийини — жавоб бериш сизнинг зиммангизга тушмаслиги учун мунаққид меҳнати ва маҳорати, адабий танқид ва бадият масалалари атрофида суҳбатлашсак. Аристотель, Гегель, Белинскийлар давридан ҳозирги кунгача адабиётдан талаб қилинадиган бош вазифа — бу бадият; ўша кўҳна замонларда яратилган жилд-жилд романлардан то куни кеча эълон қилинган тўрт сатр шеърғача танқидчилик юксак бадиятни излайди. Санъаткорлардан энг кўп талаб қилинадиган нарса ҳам — бадият. Хўш, бунинг боиси нимада!

Бадиятнинг маълум мезонлари бор; лекин унинг ҳадлари йўқ. Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»дан то Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаригача, Алишер Навоий шеърятидан то Фурқат асарларигача, Чўлпон ва Ойбекдан Абдулла Орипов ва Рауф Парфи шеърларигача юксак бадиятнинг кўркам намуналарини кўриш, адоқсиз завқ туйиш мумкин. Еҳуд биргина Алишер Навоий шеърятини олайлик. Буюк шоир шеърятни бадийликнинг мукамал ва мумтоз тимсоли, дейиш мумкин. Лекин «бадиятнинг охириг чеки-чегараси шу, бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас», дея олмаймиз. Негаки, халқимизнинг ўзи буюк истеъдод эгаси. Классикамиз ҳамда совет даври адабиёти-мизда яратилган гўзал бадий баркамол асарлар ижтимоий тараққиётнинг бир кўзгуси; халқимиз маънавий-интеллектуал камолотининг бир белгиси. Шу маънода, шахснинг маънавий коммуллиги ҳам бадият мисоли асло ҳад билмайди.

Маънан коммул инсонни тарбиялаш учун, маърифатли ҳамда бахтли қилиш учун унинг қандай тарбияга муҳтожлигини ва қандай бахтга муносиблигини билиш керак, дейди мутафаккир Гельвеций. Бинобарин, адабий танқидий тафаккур ҳам бугунги қайта кўриш ва демократия даврида коммул шахсни вояга етказишнинг, тарбиялашнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлаётир; адабиёт илмининг бадиятни биринчи ўринга қўйиши ва талаб қилишдан толиқмаслигининг боисини Сиз нималарда кўрасиз!

— Гоявийлик бадийлик орқали акс этади. Йўқса, адабиёт ўз олдидаги вазифасини удалай олмайди. Чернишевскийнинг бу хусусда ибратли бир гапи бор. «Ёзувчи кичикроқ ғояни олиб асар ёзиши мумкин,— дейди у.— Агар бадият жиҳатидан ўша асар бакувват бўлса, асар китобхон орасида кенг тарқалади. Натижада, кичик бир ғоя катта ғояга айланади. Аксинча, ёзувчи катта бир ғояни олиб, заиф асар ёзадиган бўлса, ундай ҳолда катта ғоя кичик ғояга айланиб қолади. Яъни, ўша асарни китобхон ўқимай кўяди. Кўринадикки, ғоянинг ифодаси бадийликка боғлиқ».

— Демак, бадиятнинг табияти ҳам одамларнинг табияти сингари, ҳаёт ва воқелик сингари ниҳоятда серқирра экан-да!

— Бадият жуда кенг тушунча. Ҳаёт ҳақиқати ҳам, халқ дилидаги дардни, муаммоларни кўтариб чиқиш ҳам, образ яратиш ва тилга сайқал бериш ҳам, композицион яхлитлик ва хилма-хил сюжет приёмларини топа билиш ҳам, ҳаётдаги зиддиятларни табиийлигича бера билиш ҳам — барчаси бадиятга киради. Баъзи мунаққидлар уни анча тор тушунади. Яъни, чиройли сўз ва иборалар, образли қилиб айтилса — шуни бадият дегувчилар ҳам бор. Аслида, бадият — бадий адабиётга тегишли барча унсурларни ўз ичига олади. Аристотель айтган ва таърифлаган поэтика — шу! Демак, бадий баркамол асар ғоявий етук, ўқишли бўлиши, ўқувчи дилини ларзага солиши; давр дарди билан бирга кўшилиб кетган бўлиши керак. Масалан, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хази-наси», Пиримқул Қодировнинг «Олдузли тунлар», Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» сингари романларини ўқиганда замон дарди билан халқ дарди яхлит кўрилади. «Абадият қонуни»да ҳар куни ўйлаб юрган, кўриб турган гапларингиз ифодалангандек ҳис қиласиз. Ана шунинг ўзида замон руҳи нечоғлик асарга сингдириб юборилганига гувоҳ бўласиз. Замон руҳининг ўзи роман бадияти-нинг маълум бир қисмини таъминлаб турибди.

Лев Толстойнинг «Анна Каренина» ёки «Триллиш» асарларини олиб кўринг. Уша замонда маънавий-ахлоқий масалаларни шу тариқа қўйилиши замон йўриғига мос эди. Ёки «Евгений Онегин»нинг бадий қуввати нимада? Бу — сюжетни шеърый формада чиройли ифодалаб берилганида эмас. Замоннинг катта дарди шеърый шаклда чиройли акс эттирилганда, китобхон унинг ифода йўсинидан ҳам, мазмунидан ҳам адоқсиз баҳра олади. Ёки Тургенев асарларини олайлик. Уларда Пушкин ва Лермонтов асарларидаги «ортиқча кишилар» ўз кучини сарф қиладиган, имкониятларини ишга солиб кўрадиган майдон излаб қолади. Шу боисдан Тургенев асарлари ҳаёт ҳақида, жамият тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган, ҳаёт ва жамият тақдирига қайғурадиган шахслар. Улар инқилоб сари илгари қўйилган қадам.

Ўзимизда ҳам романлар кўп. Асариятнинг камчилиги нимада? Булар — воқеликни қайд қилади. Қаҳрамоннинг туғилганидан то одамлар билан муносабатлари, бошига тушган савдолар икркиригача батафсил тасвирланади. Лекин ёстиқдек-ёстиқдек китобларда халқ дарди сифатида





— Схеманинг тартиби қандай? Ҳамма ҳам қабул қилавериши, шунга асосланиб иш юритиши мумкинми?

— Унинг моҳияти шундан иборатки, қайси қаҳрамон воқеаларнинг қаерида кириб келди — унинг саҳифаси кўрсатилади; қайси образ қайси образ билан тўқнашди — унинг ҳам бети келтирилади. Қайси боб персонаж нутқи билан бошланди — бу ҳам албатта қайд этилади. Энди, пейзажлар тасвири қаерда учрайди, адиб монологу ва диалоглардан қаерда фойдаланган — ҳаммаси бетмабет кўрсатилади. Хуллас, схема — бу романнинг мўъжаз-миниматору кўриниши бўлади. Роман ўттиз босма ҳажмлими ёки ундан кичикроми, барибир шу ўн-ўн беш бетли схемага сиғдирилади. Унга қараб, қайси образ қаерда ҳаракатга тушади, қаерда лирик чеккинишлар келади, бир сўз билан айтганда, романнинг қайси боблари ва қисмларида нималар тўғрисида баҳс юритилапти, нима гаплар кетяпти — белгилаб қўяман. Романни қайта бир марта ўқиб чиқаману, шу схемага асосланиб фикр юритаман. Бу — мунаққид меҳнатининг бир тури. Бадий асарни тушуниш ва тушунтириб беришда мен учун компас вазифасини ўтайди. Шу тахлитда ишлашга одатланганман. Уни бошқаларга тавсия этолмайман, албатта...

Кейин Белинский, Добролюбовларга қойил қолган жойим бор. Улар ҳеч қачон қуруқдан-қуруқ гапирмайди. Албатта, бадий асардан мисоллар келтириб ўз фикрини исботлайди. Улардан, шу жиҳатдан кўп сабоқ олганман. Шу боис, ҳеч вақт далилсиз гап айтолмайман. Баъзи мақолаларимда, китобларимда цитаталар қўтилганидан кўра меъёридан ортиқчадир. Лекин қаҳрамон нутқиданми ёки бошқа парчаларданми — далил тариқасида келтириб, кейин мулоҳазамни айтишга интиламан. Яъни, менинг ишим кўпроқ текстологик характерда. Нимагадир, шу йўсунда ишлаш менга ёқади. Романни бир сидра ўқиб тақриз ёзиб ташлайвериш ҳам мумкин. Лекин унчалик ишонарли бўлмайди. Илмий фикрлар ҳам китобхонда ишонч ҳосил қилиши учун текстларга суяниб мулоҳаза юритган маъқул. Бу ҳам танқидчидан жуда катта меҳнатни талаб қилади. Бусиз бадий асар мағзини, ундаги ҳаёт ҳақиқатининг маъносини ўқувчига тушунтириб бериш амри маҳол.

— Адабий танқидчиликдаги дастлабки қадамнинг — «Бир танқидий биографик очерк ҳақида» (1956 й.) тақризингиз билан куни кеча нашр этилган «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» (1988 й.) «Садриддин Айний бадияти» (1988 й.) нолики монографияларингиз орасида ўттиз йилдан ортиқ давр бор. Шу орада ўттиздан ортиқ монографик йўналишдаги тадқиқотларингиз, адабий-танқидий мақолалардан иборат жамуаларингиз, уч юздан зиёд назарий ҳамда илмий-оммабоп мақолаларингиз ўзбек, рус ва бошқа қардош халқлар тилларида босилиб чиқди. Республикамизда адабий-танқидий тафаккур тараққиётида муносиб ўрни ва роли бор. Бу ўринда бошқа бир масала хусусида сўрамоқчи эдим. Хусусан, суҳбатимиз мунаққиднинг ижодий лабораторияси, адабий жараён ва танқидчилик, адабиётимиз илмининг бугунги аҳоли, мунаққид маҳорати билан боғлиқ масалаларни қамраб олишга қаратилган. Тўғри, ўнта фарзанд бўлсам ўрни бўлак, дейишди. Ҳар бир тадқиқот ҳам олим юрагининг бир бўлаги, дейиш мумкин. Уттиздан ортиқ асарларингиз ҳам илмда ўз маълум хизмати, ўз ўрни бор, албатта. Лекин шулар орасида қайси асарингизга кўпроқ меҳнатингиз синган! Қайси биридан кўпроқ қаноат ҳосил қиласиз!

— Ҳеч ким ўз китобини чиқатга чиқариб қўймас керак. Қайси бирига меҳнатинг кўп сарф бўлса, ўша азизроқ, қадрлироқ туюлар экан. Масалан, «Ойбек маҳорати» китобимга кўп меҳнат сарфлаганман. У биринчи китобим бўлгани учун эмас, йўқ. У аввал рус тилида, кейин ўзбекча чиқди. Гап бундан эмас. Аввало, шу китобим билан адабиётга кириб келганман. «Ойбек маҳорати» китобим адабиёт илмида менга йўл очди; йўналишимни белгилаб берди. Ва шу йўл билан адабиёт илмида бирон иш қилишга, адабиётда бирон гап айтишга ўзимда ишонч ҳосил бўлган эди.

Баъзан шундай пайтлар ҳам бўлган. Ана шу китобнинг бир бобини ёзиб, Москвадаги илмий раҳбаримга кўрсатдим; у «яхши ёзибсан», деб қўл қўйиб берди.

— Устозингиз ким эди? Уз-ўзингизда ишонч туйғусининг мустаҳкамланишида уларнинг қандай хизмати бор, деб биласиз! Олимнинг, ва умуман, ижодкорнинг ўз меҳнатидан қаноат ҳиссини туйиши ўз кучига ишончини оширади, албатта. Бу нарса олимнинг ўзлигини топиши, ўзига хослигини намоён этиши билан бриккада зухур топади. Шу маънода, устозларнинг йўл-йўриқлари, кўрсатмалари ана шу жараёнда катта таъсир кўрсатиши ёки ҳал қилувчи омил бўлиши мумкинми!

— Бевосита раҳбарим Прешков деган киши бўлган. Лекин кўпроқ академик М. Б. Храпченко билан профессор В. В. Новиковга мурожаат қилардим, маслаҳатлашиб турардим... «Қутлуғ қон» романининг таҳлилига бағишланган олтмиш-етти халқ саҳифалик ишни маъқуллаштириб, ёзги дам олишга кетдим. Отпусқа пайтида ҳам хаёлим ўша иш билан банд бўлди; негадир, кўп ўтмай ўзимга ёқмай қолди. Отпусқадан қайтгач, фикримни айтдим. Раҳбарим ҳам «шундай бўлишини билардим, энди қайтадан ёзасиз», деди. Ишни бутунлай бошқатдан ёзиб чиқдим. Ижтимоий фанлар академиясидаги совет адабиёти кафедрасида М. Б. Храпченко, Глаголов сингари йирик адабиёт мутахассислари иштирокида муҳокама қилинди, яхши баҳо олди. Буни айтишнинг боиси шуки, ана шу муҳокамадан кейингина менда олимликка ишонч туғилди.

Лекин ишончда ҳам ишонч бор экан-да. Доимо ўзига ишонган одам ҳақиқий олим эмас. Шу хусусда биргина мисол келтирсам. 60-йилнинг бошлари эди. «Ҳаёт ва маҳорат» (1963 й.), «Ҳаёт, характерлар ва маҳорат» (рус тилида — 1963 й.) сингари икки-учта китобим чиққан пайтлар. «Ойбек романларида қаҳрамонлар характерини тасвирлаш санъати» деган кандидатлик диссертациямни тугаллаб, Москвага борганимда, устозим академик М. Б. Храпченко билан суҳбатлашиб қолдим. «Автореферат билан диссертацияни олиб келдим: китобим чиқди, лекин, негадир ўзимга ишончим йўқ», дедим. «Шунча китоб ёзиб мендаки ўзимга қатъий ишонч туйғуси йўқ-ку, сенда қаердан ҳам бўлсин», деб жавоб берди устозим. Яъни айтмоқчиманки, олим ўзини юз фоиз ҳақ ҳисобласа унда изланиш бўлмайди, олимликни тўхташиб, бошқа ишнинг этагини туггани маъқул.

Ишонч билан ишончсизлик туйғуларининг қанчалик йўлдошлиги олимнинг ўзига хослигини ҳам белгилайди. Бадий адабиёт билан, ҳақиқий назария билан чинакам шугулланишга аҳд қилган олимда ўз-ўзига ишонч билан қилган ишларидан қаноатланмаслик, ўз ишидан кўнгли тўлмаслик, ишончсизлик туйғулари доимо ҳамроҳ юради. Бу ҳам узвий бир жараён. Бу ҳам диалектика. Шунинг учун олимнинг нуқтан назари, қарашлари силсиласи принципидан ўзига хослиги, оригиналлиги намоён бўлади. Бу ҳам шунга ўхшайди. Бир томондан олимнинг танлаган йўлида, адо этаётган ишларида ўзига ишончи бор; иккинчи томондан, ёзган ишларидан қониқлиш ҳиссини туймай-

ди, ўз-ўзидан кўнгли тўлмайди. Ана шу иккинчи ҳолат олимнинг ўзига ҳослигини кўрсатишда ниҳоятда муҳим роль ўйнайди.

— Матёқуб ака, Сиз салкам қирқ йилдан бери қайноқ адабий жараённинг гувоҳисиз, фаол иштирок этиб келясиз. 60-йиллардаги кескин кўтарилишни ҳам, 70-йилларнинг турғунлигини ҳам, 80-йил ўрталаридан бошланган қайта жонланиш, янгиланиш, сифат жиҳатдан адабиётимиз ривожининг янги босқичини ҳам кўриб, кузатиб, ўрганиб, эстетик баҳолаб келясиз. Адабий танқидчиликдаги камчиликлар ҳам, хийла эришилган ютуқлар ҳам шу орада кўзгудагидек равшан кўриниб қолди. Адабиётимиз илми Бутуниттифок доирасида, украин, грузин, Болтиқбўйи танқидчилиги сингари ўзлигини тўлиқ намоён этолмаяпти; жаҳон миқёсига кўтарила олмаяпти; бу, албатта, жиддий ташвиш уйғотади. Адабиётимиз илми кўнгилдагидек равнақ топмаётганидан далолат беради. Бунинг бош сабабларидан бири — филолог олимларимизнинг хорижий тилларни пухта билмаслиги. Шу тўғрисида фақат ўзбек ва рус тилидаги асарлар билан кифояланиб, рус ва қардош халқлар олимлари тадқиқотларидан ташқари хорижий филолог олимлар илми изланишларидан беҳад қайлампиз. Ана шу омиш, ва яна бошқа сабаблар билан боғлиқ бир камчилик кўзга ташланади. Бу — кабинет олимларининг кўпайиб кетаётганлигидир. Овози маҳалласидан ташқари чиқмайдиган сўфи тақлид олимларнинг кўплигидир. Шу боисданми, олимларимиз ҳам, тадқиқотларимиз ҳам хоналарга, иш столларига ёпишиб қолаётганга, кенгроқ қулоч ёзмаётганга, баландроқ парвоз қилолмаётганга ўхшайди. Бу, биринчидан, адабиёт илмининг турли йўналишлари [совет адабиёти тарихи, классик адабиёт тарихи, шеършунослик, драматургия, наср, фольклоршунослик, болалар адабиёти тарихи, матншунослик, манбашунослик, адабиёт назарияси, таржимашунослик, адабий таъсир ва адабий алоқалар, чет эл адабиёти, социалистик мамлакатлар адабиёти, яқин Шарқ адабиёти ва ҳ. к.] бўйича мутахассислашиб қолиш билан кифояланишда кўринади. Буларнинг ҳар бири эса ўз навбатида яна бир неча тармоқ соҳаларга бўлиниб кетади. Шарқшуносликни олсак, мутахассислар ўз кузатиш объектлари [шеър техникаси, дostonчилик, лирика ҳамда у ёки бу давр — 20—30-йиллар ёки ҳозирги босқич шеърый жараёни] масалалари билан чекланиб қолишаётир. Классик адабиёт, проза, драматургия, таржимашунослик ва бошқа йўналишлар материали, спецификаси, проблемалари юзасидан бирдек билимдонлик билан фикр юритишда оқсаймиз, қийналамиз. Ана шу чекланганлик олимларимизнинг қизиқиш доирасини ҳам торайтириб қўйяпти. Шунинг оқибатида бўлса керак, у ёки бу масалани ўрганишда комплекс ёндашмаймиз, барча қирраларини қамраб олган ҳолда текширмаймиз. Масалан, у ёки бу санъаткор ижодини, маҳоратини ўрганишда кўпинча бадийят масалалари билан кифояланамиз. У яшаган ижтимоий воқелик, тарихий давр, ижтимоий-сиёсий тафаккур тараққиёти, санъаткор дунёқараши, ижодий эволюциясини ижтимоий-бадий тафаккуридаги эволюцион ўзгаришлар билан омухталикда кузатишга одатланмаганмиз. Чўлпон, Фитрат ва бошқа 20-йиллар шоирлари ижодини ўрганишда шу камчилик бор. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, у ёки бу давр адабий жараёнини, тараққиёт тенденцияларини текширишда эса бошқача чекланганликни кузатиш мумкин. Хусусан, бу нарса ёлғиз адабиёт материали билан кифояланишда кўзга ташланади. Адабий материални юзага келтирган тарихий воқеликни, ижтимоий-фалсафий тафаккур, тил хусусиятларини омухталикда, комплекс равишда текширмаймиз; масаланинг шу қирралари, кўпинча эътибордан четда қолади. Бартольд, Бертельс, Жирмунский, Крачковский ва Фитрат, Ҳоди Зарифов, Порсо Шамсиев тадқиқотларида, Ойбек, Ғафур Ғулوم ва Мақсуд Шайхзоданинг илмий ишларида ана шу нурли фазилат — умумфилологик тадқиқот маданияти балкиб туради. Адабиётшунос ва танқидчиларимизнинг кейинги йиллардаги ишларида устоз олимлар фаолиятидаги ана шу етакчи фазилатлар негадир кўринмайди. Умумфилологик комплекс тадқиқот маданиятини ривожлантирмас эканмиз, филологиямизнинг ҳозирги ҳолати билан ва Бутуниттифок ва на жаҳон миқёсида эътироф-эътибор қозониш қийин.

Энциклопедик билимга эга бўлган олимларнинг деярли йўқолиб кетаётгани, адабиётнинг маълум соҳалари бўйича тор мутахассислашиш — адабиётимиз илмининг ожиз томонларидан бирими ёки кейинги йилларда касб этган фазилатими!

— Биласизми, Урта Осиё тарихи учун энциклопедик олимлар характерли. Ҳамма соҳалар бўйича мухтастар билимга ва оригинал нуқтаи назарга эга бўлиш хос хусусият эди. Бу — ўрта асрлар илм-фан тараққиётида комил олим учун зарурат ҳисобланган. Энди, ҳозирги илм-фан ғоят серқирра шохобчалар бўйича кенг илдиз отиб кетди. Боя айтганимиздек, Ҳоди ака, Порсохон акалар ғоят билимдон, маълум даража энциклопедик олимлар эди; лекин барибир торлик бор. Негаки, Порсохон домла классик адабиёт бўйича энциклопедист; лекин бугунги адабий жараён тўғрисида, айтишлик, мен таҳлил қилгандек «Қутлуғ қон»ни ёки «Сароб»ни таҳлил қилолмайди. У киши кўпроқ классик адабиётнинг ҳассос билимдони эди; кўплаб тадқиқотлари бор. Мен эса Порсохон домла адо этган ишни удалолмайман. Ҳоди ака эса, фольклорни ҳам, классик адабиётни ҳам яхши билади. Ҳозирги тушунча ва талаблар бўйича адабиётшунос-танқидчи саводли, ҳофизаси кенг бўлиши, адабиёт, санъат, тарихга тегишли ҳамма соҳани маълум даражада билиши зарур. Лекин ўзининг чуқур илдиз отган бир соҳаси ҳам бўлиши керак. Мен, масалан, шеърят материални анча қийналиб таҳлил қиламан. Гарчанд, Қуддус Муҳаммадий, Қудрат Ҳикмат, Абдулл Орипов ижоди, поэтик изланишлари ҳақида ёзган бўлсам-да, ўзимни прозани ўргангандагидек эркин ва бемаъл ҳис этолмайман.

Яъни, айтмоқчиманки, ҳозирги жамият тараққиёти даражаси биз тушунган энциклопедик билимни талаб қилмайди, ёқтиравермайди ҳам. Ундай бўлса, адабиётнинг ҳар бир соҳаси ва шоирлари хусусида нималардир ёзиб юравериш мумкин. Лекин улар юзакчи бўлади. Шундай олимлар ҳам бор: Улар кўп соҳалардан хабардор, аммо ёзган ишлари эса ҳаммага маълум маълумотлардан нарига ўтолмайди; дарсликлар даражасидан юқори кўтарилолмайди.

Назаримда танқидчилар ҳам универсалликдан кўра, муайян соҳа-йўналишлари, тармоқлари бўйича, ёзувчилар ижоди ёки адабий даврларни, босқичларни ўрганиш бўйича чуқур илдиз отиши керак, деб ўйлайман.

— Булар ҳам танқидчининг ўзига ҳослигини, оригинал фикрлаш малакасини белгилаши жиҳатдан муҳим. Илмда тор соҳалар бўйича мутахассислашиш тенденцияси кенг палак ёзди. Бу нафақат филологияда, умуман фаннинг барча йўналишлари бўйича хос хусусият бўлиб қолди. Бироқ адабиётимиз илмидаги энциклопедизмнинг йўқолиши ҳодисасини ижобий баҳолаш қийин. Не-

гаки, адабиётимиз илми нафақат ҳақон филологиясида, балки умумиттифоқ миқёсда қатъий ўз сўзини айтиб турувчи доимий ўрнини ҳануз тополмаётганлиги сабабларидан бири ҳам шунда эмасмикан! Қолаверса, адабиётшунос ва танқидчиларимиз танлаган ўша тор соҳалари бўйча ҳам илмда нашфиёт саналган жиддий ва салмоқли тадқиқотлар яратишолмаяпти. Бунинг боиси бошқа нарсадамикан! Хусусан, ҳар бир адабиётнинг ўзига хослигини таъминлаган миллий хусусиятлари бўлганидек, мунаққидларимиз ўз индивидуаллигини, яхлит олганда эса, адабий танқидчилигимиз миллий колоритини тўла-тўқис намоён этолмаганмикан! Адабиёт илми ҳам адабий-бадий тафаккурнинг маҳсули-ку.

— Бу ерда ёзувчи билан танқидчининг характерини ҳисобга олиш керак. Масалан, ўзимни прозаик танқидчи деб ҳисоблайман. Табиатимдаги вазминлик, шошилмаслик, майда икир-чикирларга эътибор, синчковлик сингари хусусиятлар шунга мойиллик яратади. Поэзия танқидчилиги билан шуғулланадиган олимнинг характери бошқачароқ. Масалан, Озод Шарафиддиновнинг ўзи шоиртабиат. Шеърларни таҳлил қилганда чиройли, етук чиқади. Яъни, фикрлаш табиатининг ўзида шоирлик бор. Шеърят билан кўп шуғуллангани боисиданми, унинг мақолалари ҳам шеърдек ҳиссиётга, фикрга бой, ўқишли. Ҳар бир олимга ўрганаётган объектнинг таъсири кучли бўларкан. Шеърят билан машғул бошқа олимлар изланишида ҳам буни сезиш мумкин. Чунончи, Наим Каримов ёки Иброҳим Ғафуров мақолалари бунинг исботи. Ўзидаги қобилият, характеридоғи хусусиятлар уларни шеърятга олиб келган. Шеърий жараён, шоирларимизнинг бадий тажрибалари эса ушбу белгиларни янада ривожлантирган.

Энди, адабий танқиднинг миллийлиги хусусида. Танқид адабиётнинг, санъатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олади, ўрганади. Лекин адабий материалга миллий ёндаши деган нарса эриш туюлади. Бу — тўғри бўлармикан?! Негаки, адабиётнинг, санъатнинг ўз қонуниятлари бор. Шулардан бир пункти — миллийлик. Танқидчи шу хусусиятларни яхши билиши керак. Энди, бошқа компонентларни қўйиб, ёлғиз миллийлик билан шуғулланиб кетса, санъат асарини яхлитлигича таҳлил қилиш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун мунаққид ишини миллийликка олиб бориб боғлаш қийин; у кўпроқ санъат, адабиёт тараққиётининг қонуниятлари билан боғлиқ. Мунаққид фаолияти кўпроқ шунга асосланади.

— Ёзувчининг ҳам, мунаққиднинг ҳам қизиқиш ва интилишларини юзага чиқарган, уларга муайян маъно бағишлаган нарса — бу халқ ҳаёти ва тақдири. Ёзувчининг дарди, яъни бадий асардаги ижтимоий дард мунаққиднинг кўнглида акс-садо уйғотмас экан, унинг тадқиқоти китобхон кўнглига ҳам йўл тополмайди. Ижодкор дардига дардкашлик мунаққиднинг бадий асарни тушуниши ва тушунтиришидаги ўзига хослигини, фикрлашидаги индивидуаллигини ҳам кўрсатади.

— Адиб билан мунаққиднинг дарди бир. Ёзувчи нимани дард қилса, танқидчи ҳам шунини дард билади. Ойбек «Қутлуг қон» ва «Новоий»ни катта бир дардлар тўлғоғида ёзган. Танқидчи ана шу дарднинг маъносини чуқур туйиб, унга шерик бўлиб таҳлил қилади. Шу жараёнда мунаққиднинг бошқа бир вазифаси ҳам намоён бўлади. Бу — бадий асарни китобхонга етказиш, ўқувчининг тўғри англашида воситачилик қилиш, маъносини тушунтириш, ёрдамлашиш. Шу жиҳатдан танқидчининг иши яхши китобларни тарғиб-ташвиқ қилишда ёзувчига энг яқин кўмақдошлик.

Бу ўринда масаланинг бошқа томони ҳам бор. Танқидчининг вазифаси фақат танқид қилишдан иборат эмас. Ўз бурчини адо этолмаган асарлар танқид қилинади; ўз вазифасини адо этган асарларни халққа танита билиш, кўрсатиш, тарғиб-ташвиқ қила олиш, моҳиятини китобхонга етказиш керак. Маълумки, ёзувчи асарда ҳамма гапини гапиролмайди. Агар, ҳамма гапни айтмоқчи бўлса, асарини бузади. Шунинг учун танқидчининг вазифаси ёзувчи чала гапириб кетган фикрларни бироз кўтариб қўйиш; ёзувчининг гапларини ярақлатиб очиб бериш. Абдулла Қаҳҳор танқидчиликни кўрпа қавишга ўхшатган экан. Одатда, кўрпа қавилганда игна билан иш кўрилади. Пахтанинг кўп тушган баландроқ жойини камроқ жойига олиб текисланади. Танқидчи ҳам бадий асарнинг айтилмаган таг маъноли гапларини кўтариб бериши, баланд жойининг мазмунини эса очиб бериши керак. Хуллас, асарнинг моҳиятини ўқувчига етказиш керак, дер экан.

Абдулла Қаҳҳор билан иккимизни яқинлаштирган сирли куч — бу дардчиллик бўлса керак. Қайси мавзуда суҳбатлашмайлик, гап айланиб адабиёт орқали айтилиши мумкин бўлган дардли масалаларга келиб тўхталар эди. Ёзувчиларнинг орасида ҳаётга энг катта дард билан қараган ҳам Абдулла ака эди, деб биламан. Мана, бугунги қайта қуриш нуқтани назардан қараганда ҳам Абдулла аканинг асарлари шу бугунги талабга тўлиқ жавоб берапти. «Тобутдан товуси», «Синчалак» ва бошқа асарлари айтиш мумкин. Булар — ҳаёт оқими, жамият тақдири ҳақида доимо ўйлатадиган дардчилликдан.

Демоқчанмикан, танқидий мақолалар ҳам адабий асардек китобхонга ҳузур бағишлаши лозим. Белинский ва Добролюбов асарлари шундай. Ўқувчи бадий асардан эстетик жиҳатдан кўпроқ лаззат олиши мумкин; энди, ўша асарни тушуниш жиҳатидан, маъно топиш жиҳатидан танқидий мақоладан кўпроқ маълумот олиши лозим. Худди шу ўринда танқидчининг даражаси масаласи юзага чиқаяпти. Агар мунаққид бадий асар маъносини тушунтириб беролмаса, ҳали ёзувчи даражасига кўтарилмаган экан. У асарни ҳис қилиш, қийматини белгилаш, эстетик баҳолаш жиҳатидан ёзувчи даражасида туриши керак. Бадий баркамол асарни ҳар гал ўқиғанда янги-янги маъно топасан; танқидий мақолалар ҳам ўқувчида шунанга чуқур фикр уйғотсин; ёзувчи меҳнатининг янги-янги сирларини кашф этадиган бўлсин.

— Баъзи адиблар ҳақида Абдулла Қаҳҳорнинг «Улар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ёзувчилар» деган бир гапи бор экан. Шунга монанд, айтиш мумкинки, кейинги йилларда маҳаллий танқидчиларимиз ҳам кўпайиб кетди. Уларнинг адабий жараёнга назар ташлайдиган ўз «чўққи»лари бор. Адабий асарларга, ижодкорлар фаолиятига «баҳо» берадиган ўз ўлчовлари бор. Ана шу ўз «газ»ларига тўғри келмаган асар ҳам, адиб ҳам танқид ўтида қолади. Ваҳоланки, адабиётнинг асло «гази» бўлмайди. Биттагина бадиият мезони бор — бу маъно. У ижодкорнинг барча асарларидан, адабий жараёндан, адабиёт ривожининг муайян босқичидан келиб чиқадиган бош маъно. Чинакам мунаққиднинг бадий ижодга, адабий асарга, санъаткор фаолиятига, адабиётнинг ижтимоий аҳамиятига ёндашишдаги бош принципи ҳам шунда.

Кейинги пайтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги турғунлик адабий танқидчиликда ҳам таъсир кўрсатди, деган мулоҳазалар айтиляпти. Бунда, қисман жон бор. Дарҳақиқат, адабий танқид шу

даврдда ўзининг ижтимоий вазифасини адо этишда ортга чекинди. Бу нарса, адабий жараён ҳодисаларини, ижодкорлар изланишини баҳолашда субъектив тасаввур ва тушунчалар объектив эстетик баҳо ўрнини эгаллаб олганлигида кўринади. Савиясиз асарлар ижтимоий-бадий тафаккур тараққиётини белгилловчи омилилар сифатида тақдим этилди. Принципиаллик, зийраклик, холис объективлик хусусиятларини йўқотди; «косибчиликка» ўхшаш соҳага айлана қолаёзди. 80-йиллар ўрталаридан эътиборан асарлар мақола ва тадқиқотларда ижодкорлар фаолиятига, истеъодларга меҳр-муҳаббат объектив таҳлил билан омухталикда зўхур топа бошлади. Адабий танқидчиликдаги ижобий сифат ўзгаришларидан бири — бу маънавий бойликларни қайта баҳолашга интилишларда намоён бўлаётди; Чўлпон, Фитрат, Бехбудий сингари йирик фигуралар фаолияти ва умуман 20-30-йиллар адабий меросини баҳолашдаги марксча-ленинча муносабатда янги ижодий тафаккур белгиларини кўрамыз.

Устозлар тажрибасига, Гегель, Белинский, Добролюбов сингари улкан адабиёт назариячилари фаолиятига бот-бот мурожаат этиб туриш танқидчиликни янгилашга, янги қарашларнинг қарор топишига, янги шабдаларнинг кириб келишига катта кўмак берса керак. Белинский сабоқларини, хусусан ўз изланишларининг мисолида айтганда қандай аломатларда кўрасиз!

— Турғунлик даври танқидчилигининг адабий жараёндан, ҳаётдан узилганлигининг биринчи белгиси — бу асарият адабий-танқидий мақолалар жараёнининг барометри эмас, ҳайбаракаллачи-сига айланиб қолганлигидир. Бўш асарларни кўкларга кўтариш, группавозликка берилиш, ҳатто ёзувчи билан танқидчининг шахсий муносабатларини ойдинлаштириб олувчи воситага айланиши сингари нохуш ҳоллар тез-тез такрорланди. Булар — адабий танқидда ижтимоий бурч ва масъулиятнинг сусайиши оқибатларидир. Бизда ҳалиям, танқидни қабул қилиш, эшитиш маданияти ожиз. Жиззакилик кучли. Адабий танқид ва бадий асар бир четда қолиб, ҳар ким ўз қарашларини, улар тўғрими-нотўғрими, қатъи назар, маъқуллатишга берилиб кетаяпти. Булар — адабий танқидчиликнинг чеклангани, назарий тафаккур теранлиги етишмаётгани белгисидир. Шу маънода, Навоий, Бобур сингари классикларимиздан, Гегель, Белинский, Добролюбов сингари жаҳон фалсафий-эстетик тафаккури тараққиётида салмоқли ўрин тутган сиймолар ижодидан доимо озукланиб туриши-ти тафаккури тараққиётида салмоқли ўрин тутган сиймолар ижодидан доимо озукланиб туриши-ти миз шарт. Шу жиҳатдан, Москвада КПСС Марказий Комитети қошидаги Ижтимоий фанлар академиясидаги таҳсил мен учун катта дарсхона бўлган эди. Фронтодалик пайтимдаёқ Тургенев ва Гоголь асарларини, Гаршин деган ёзувчининг асарларини ўқиб, адабиётга бўлган муҳаббатим янаям ошди. Мендан ёзувчи чиқадими-йўқми, мутлақо ўйлаб кўрган эмасман. Лекин, Белинский ва Добролюбовнинг мақолаларини ўқиб, мен ҳам бир кунмас, бир кун шулардай ёзишим мумкин-ку, деган ҳаёлга келганман.

Шу боис Ижтимоий фанлар академиясида кандидатлик диссертацияси учун «Белинский тип-клик ҳақида» деган мавзунини тақлиф қилишганда дарров рози бўлдим. Сўнгра, Белинский асарларини қайтадан мутолаа қилишга киришдим. Белинскийни ўқиб, тўймасдим. Менга ёққани, Белинскийнинг асарини таҳлил қилишдан ҳам кўра, услубининг ўта равлонлиги; фикрни асло туртинмайдиған, қоқилмайдиған, текис қилиб ёзилиши эди. Маълум бир фикр асосида китобхонни чалғитмай, мақсадга тўғри етаклаб бораверади. Белинскийнинг бадий асар таҳлилидаги ана шу изчиллиги мени ўзига мафтун қилганди. Мазкур таҳлил маданияти Белинскийнинг бошқа назариячилардан ажратиб турган бош хусусиятлардан биридир. Белинскийнинг сабоқлари шундаки, у ўз тили ва воситаси билан бадий асарни қайта яратиб беради. Бадий асарни ўқиб, бир баҳа тушунсанг, В. Г. Белинский таҳлилинини ўқигач, икки ҳисса кўпроқ тушунасан; у асарнинг мағзинини чақиб беради. Уша асарнинг сирини, санъатини англагач, беихтиёр ҳайратга тушасан. Мен танқидчининг вазифасини, яхши асарлар ҳақида гапирганда, худди шундай тушунаман.


Биргина мисол. М. Ю. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳромонлари» асарини урушдан олдин ҳам, уруш йиллари ҳам ўқиган эдим. Кейин В. Г. Белинскийнинг шу асар ҳақидаги мақолаларини ўқидим. Ушанда бадий асарини шу тарзда тушуниш мумкинлигидан ҳайратга тушган эдим. Асарнинг воқеалари, сюжети, образлари мана бундай, деган билан иш битмас экан-да, бадий асарда гап кўп бўлар экан-да, деган қатъий фикр пайдо бўлган эди ўшанда. В. Г. Белинский билан Добролюбов мақолаларида нафақат танқидчининг, умуман, оддий китобхоннинг ҳам бадий асар ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборадиган, фикрларини бойитадиган сеҳрли жозиба кучи бор.

Шу билан қаробар, барча жанрлардаги асарларни қайта ўрганиш ва баҳолаш ҳам танқидчилигимизнинг келгуси ривожланиш йўлларини белгилашда муҳим ўрин тутди. Юқориди айтиб ўтган, ўзбек романчилигига оид тадқиқотда проза назариясига доир муҳокамалар маълум даражада бор. Мақсадим, ўзбек романининг пайдо бўлиши, туғилишидан бугунги кунгача босиб ўтган йўлини ўрганиш. Замонга нисбатан романининг тараққиёти, замонга муносабати, романининг эса тақдири, бугунги аҳволи; адиблар, танқидчилик романини жиловлаб қўйгани учун у замоннинг қайси хизматларига яради; халқнинг қайси юмушларини адо эта олди; қайси вазифаларини удалай олмасми? Шу сингари қатор саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Кузатишларга кўра, ўттинчи йиллар адабиётимизда катта бир кўтарилиш самараси — тантанаси бўлган экан. Шундай чўққин кейинги босқичларда кўринмайди. 20—30-йилларни бир қаранг-а: «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Қуллар», «Сароб», «Кеча ва кундуз». Булар — классик асарлар. Яъни, димиқиқ ётган жамият ўз фарзандларини майдонга чиқариб, жамият ҳақида катта полотноларда фикр айтишни тақозо қилди. Кейинги — уруш йиллари, конфликтсизлик, шахсга сиғиниш, турғунлик даврларида ҳам яхши асарлар яратилди. Лекин ўша 30-йиллардаги эркинлик шахсга сиғиниш даврида ҳам, турғунлик даврида ҳам бўлмади. Масалан, Одил Ёқубовнинг тарихий романларини оламизми, «Диёнат» асарини айтмамизми, ёзувчи фикрларини очиб айтаолмаган. Эзоп йўлини танлаган. «Диёнат»даги Отақўзи бошқалар ҳисобига илғор бўлиб олди, деган гапни Эзоп йўли билан яшириб айтиди. Бу ҳам катта ютуқ. Бу жиҳатлари билан «Кўҳна дунё»да ҳам тағдор маъно бор. Маҳмуд Ғазнавий саройидаги интуригалар, фикси-фасод, зиддият, бир-бирини кўролмаслик — булар катта идораларда кечаётган воқеаларга ишора эди. Турғунлик давридаги камчиликларга аччиқ ишора бу. Эзоп йўли билан у жамиятга муносабат билдирди.

— Демак, танқидчи-адабиётшуноснинг бош вазифаси — бу адабий асар моҳиятини тушу-

ниш ва уни тушунтириш жараёнида китобхон дидини тарбиялаш экан-да. Бунинг энг муҳим белгиси — бадий асар ўқиладими-йўқми; китобхонга фойда берадими, йўқми; қайси бир идеални тарғиб қилади; ўша фикр жамиятга фойдали гапми ёки йўқми! Кейин ёзувчи халққа фойдали ўша гапни қай тариқа айта олган! Мунаққид бадий асарни ўрганганда ана шу саволларга жавоб беришга интилади. Яъни, бадий асарда масалалар ҳам, ёзувчининг халққа, жамиятга айтадиган фойдали гапи ҳам бор. Ёзувчи ана шуни айта олмаган бўлса, табиийки, танқидий мақола чиқади. Адиб айтмоқчи бўлган бош маънони тушунтириб беролса, бундан ижобий мақола чиқади.

— Танқидчининг бадий асарни ўрганиши врачларнинг одамни қон томирига қўлини қўйиб кўриб, диагноз қўя билишига ўхшайди. Яъни, асарда ёзувчи нима демоқчи, шуни топа билиш муҳим. Бу — энг оғир иш. Агар, ўша маънони тўғри илғаса, асар «қон томиридаги пульс»ни тўғри илғаган бўлади. Масалан, «Қутлуғ қон»ни таҳлил қилаяпсиз. Ёзувчи шу асари орқали нима демоқчи? Унда ёзувчи оддий бир меҳнаткашнинг ўз-ўзини англаш жараёнини кўрсатиб бермоқчи, десам, мақола бошидан охиригача шунга қаратилиши лозим. Бош стержен шундан иборат. Агар, «Ўтган кунлар»да ҳатто жамият шундай бир вазиятга келдики, уни бошқарадиган ҳокимлари ҳам фожиага учради. Романда айтилмақчи бўлган асосий гап шу. Аксарият олимларимизнинг «Ўтган кунлар»га ёндашганда янглишининг боиси шунда. Ёки, «Сароб»даги стерженни олинг. У — худбиннинг ўлими. «Сароб»нинг таҳлилидаги айрим олимларимиз адашиши ҳам асарда йўқ нарсаларни талаб қилишида. Асарда нима учун ижобий қаҳрамон йўқ: ваҳоланки, ҳаётда бор эди-ку, дейишади. Энди, ҳаётдаги ижобий қаҳрамонлар ҳақида ҳам махсус романлар ёзиш мумкин. А. Қаҳҳорнинг мақсади, бу — ҳаётдаги салбий бир фактнинг табиатини охиригача очиб бериш. Ўша худбиннинг ўлимини кўрсатиш эди. Шу стержен асосида асарга ёндашсам, илмий иш чиқади. Йўқса, чалғиб кетиш мумкин. Айтмоқчиманки, асарни, адабий жараёнини ўрганганда бош вазифа — асосий масалани топа билишда.



Ромиз Равшан

## БИР ДАРДИМ ҚОЛМАДИ ЎЗИМДАН УЛКАН

Қадримни билмади бу одам менинг

Билмадим, бу қайдан топди умримни,  
Бир дали от билан чопди умримни,  
Тоғларга, тошларга отди умримни,  
Қадримни билмади бу одам менинг, —  
Яратган, ол мени бунинг дастидан!  
Кошкийди, умримни бу ер юзида  
Бир ўзга одамга дуч айласайдинг,  
Мени одам эмас, қуш айласайдинг,  
Еки бир қоп-қора тош айласайдинг,  
Мени бу одамга сен нега кўйдинг? —  
Яратган, ол мени бунинг дастидан!  
Ол мени, бер мени, ўзгаларга бер,  
Синиқ ойналарга, кўзгуларга бер,  
Бўлинай, юз бурда, минг бурда бўлай,  
Бу одам юзимга боқа олмасин.  
Мени ойналарнинг синиқларидан  
Тўплай олмасин ҳеч, йиға олмасин, —  
Яратган, ол мени бунинг дастидан!  
Бўлинсам, дардим ҳам бўлинар балким,  
Ҳар дардим юз бурда, минг бурда бўлди.  
Бир дардим қолмади ўзимдан улкан,  
Барча дардларимдан мен улкан бўлдим.  
Бу ернинг устида, кўкнинг остида  
Бўлинсам ҳар бурдам бир ёнга тушса,  
Қачондир, кайфининг хуш соатида  
Яратган, бошқатдан ёдингга тушсам,  
Янгидан тўпласанг синиқларимни,  
Синиқ қўлларимни, оёқларимни,  
Оғзимни, бурниму кулоқларимни,  
Яратган, янгидан яратсанг мени,  
Дунёда энг гўзал кўзгу бўламан.  
Янгидан дунёга йўлласанг мени,  
Бу одам бўлмайман, ўзга бўламан, —  
Яратган, ол мени бунинг дастидан!.

## Бир оролман, ғариб орол

Муҳаммад Ҳоди хотирасига

Билмадим, тушми, на эди,  
Бу дунё қирмизи кийди?!  
Сочларимга бир қўл тегди,  
Онамнинг қўлидан азиз.

Бир дўстим, оғам бўлмади,  
Менсиз ториққан бўлмади,  
Кўйдим, ҳеч боққан бўлмади,  
Энди йўқ кулимдан азиз.

Бир оролман, ғариб орол,  
Туғишганим дунди ётга,  
Энди менга бу дунёда  
На қолди ўлимдан азиз?!

## Айрилиқ

Яна бир шаҳарда юзма-юз келдик,  
Начора, бошқа ҳеч шаҳаримиз йўқ.  
Эҳтимол, биз хушбахт бўла олардик,  
Эҳтимол, хушбахтмиз,  
хабаримиз йўқ.

Орадан шунча йил кечиб кўрганда, —  
Таний олмадим мен,  
мени кечиргин!  
Ўйлардимки, сенсиз ўлиб қоларман,  
Мен сенсиз ўлмадим,  
мени кечиргин!

«Ўлмадим» деяпман, не билай, ахир,  
Эҳтимол, мен сенсиз ўлиб қолганман.  
Қабрсиз, кафансиз ўлиб қолганман.  
Эҳтимол, биз унда айрилмасайдик,  
На мен эндиги эдим,  
на сен эндиги, —  
Айрилдик, шайтонни кулдирдик унда:  
Бу йилнинг,

бу ойнинг,  
бу кундаги,  
Мана шу кўчанинг шу бурчидаги  
Мени ҳам, сени ҳам ўлдирдик унда.  
Сўлимиз, соғимиз одамга тўла:  
Қўл-қўлин ушлашиб эркаклар, хотинлар ўтар.  
Ўзидан хабарсиз,

умрида минг бор  
Ўзини ўлдирган одамлар ўтар.  
Ўтар ўз қонига ботган одамлар,  
Дарвоқе, қон қани?  
Қон, ахир, йўқдир!..  
Ҳамма гуноҳқордир дунёда,  
аммо,  
Дунёда ҳеч кимнинг гуноҳи йўқдир!

Бизсиз битилмишдир бу толе, бу бахт,  
Палаҳмондан учган бир жуфт тошмиз, биз.  
Балки бу дунёда  
ўн-ўн беш йилмас,  
Бундан минг йил аввал айрилмишмиз, биз.  
Ҳалол йўлимизни қўйиб,  
не учун  
Адашдик, бир ўзга йўлдан кетдик, биз?

Балки минг йил аввал саҳв тушиб недир,  
Минг йиллик хатога қурбон кетдик, биз.  
Алмашди ўрнини балки қиш-баҳор,  
Қоришди дунёнинг шаҳари, кенти.  
Балки ўз ичида ўгай оналар  
Ўгай болаларни кўтарар энди.

Умрим бошдан охир ёлғондир балки,  
Толеим ўзгадир ростдан ҳам менинг.  
Хув йўлдан ўтган қиз

онамдир балки,  
Эҳтимол, ўғлимдир бу ўғлон менинг.  
Бу ёлғон умримда

сен ўзинг несан?  
Балки ҳеч севгилим эмассан менинг.  
Онамсан,

синглимсан,

момомсан,

несан?

Фақат оллоҳ билар, кимимсан менинг?

Бизни ким айирар бу айрилиқдан,  
Етмас додимизга на йўл, на кўприк.  
Ўликсан,

тириксан,

ҳар несан,

тўхта?!

Тўхта, ҳеч бўлмаса қўлингдан ўпай!..


Дегайсан: «Ўликман мен, ўликни ўпма!..»  
Қўлимнинг кафтида

совуйди қўлинг.

Дегайсан: «Хайрингни берсин, қўлимни ўпма,  
Қўлимдан, қарагин, қон иси келар...»

Озарбайжон тилидан Карим БАҲРИЕВ  
таржималари.





ТУРК КЛАССИК ШЕЪРИЯТИДАН

Юнус Эмро

XIII аср

Ким на билар, на Қушам ман,  
Шул ой юза тутишам ман,  
Азалидан сархушам ман,  
Ичмишам, аёғим<sup>1</sup> унда.

Далиман, бандни тутмасман,  
Фойдасиз ера кетмасман,  
Ушбу сўзни эшитмасман  
Ва лекин қулоғим унда.

— Дўлоб<sup>2</sup>, нечун инграюрсан?  
— Дардим бордир, инграюрман.  
Ман мавлога ошиқ бўлдим,  
Онинг учун инграюрман.

Маним отим дардли дўлоб,  
Сувим оқар ялаб-ялаб,  
Шундай амр айламиш Чолоб<sup>3</sup>,  
Дардим бордир, инграюрман.

Ман бир тоғнинг оғочийдим,  
На ширин, на аччиғ эдим,  
Ман мавлога очиг эдим,  
Дардим бордир, инграюрман.

Тоғда ёнима кўндилар,  
Қўлим, қанотим йўндилар,  
Дўлоба лойиқ кўрдилар,  
Дардим бордир, инграюрман.

Ишқ бозиргони, сармоя жони,  
Баҳодир кўрдим, жоним қийғони.

Ҳаммасини кўр, камтарин эр кўр,  
Ўксук кўрмагил ҳирқа кийгонни.

Ошиқ бўлганнинг нишони бордир,  
Маломат бўлур балли баёни.

Сир сўзи ошкора эмас,  
Унда сув ўтга куйинмас,  
Туну кун ёнар, ҳеч сўнмас,  
Бу маним чироғим унда.

Юнус бу фикрата толди,  
Бор жаҳон ортида қолди,  
Валлоҳи хуш лаззат олди,  
Тўлмишдир димоғим унда.

Тоғдан бордилар узгани,  
Бузилди барча тузганим,  
Ман бир узанмас ўзанман,  
Дардим бордир, инграюрман.

Дурадгорлар мани йўнди,  
Ҳар аъзом жойина қўйди,  
Бу ингроғим ҳақдан келди,  
Дардим бордир, инграюрман.

Сувни ошоқдан кўтариб,  
Дўниб юксакдан тўкарам,  
Кўринг ман нелар чекарам,  
Дардим бордир, инграюрман.

Юнус, бунга келган кулмас,  
Киши муродина элмас,  
Бу фонийда кимса қолмас,  
Дардим бордир, инграюрман.

Чун Мансур кўрди, ул менман деди,  
Ўта ёқдилар эшиттинг они.

Ўта ёндирдинг, кулин совурдинг,  
Шунчами керак сани севгони?

Зинҳор, эй Юнус, кўрдим демагил,  
Ўта ёқарлар кўрдим дегонни.

<sup>1</sup> Аёқ — қадаҳ.

<sup>2</sup> Дўлоб — сув тегирмони, чиғир.

<sup>3</sup> Чолоб — тангри.

\* \* \*  
Дарвиш бўлган кишилар,  
Ажаб, нечук юрийлар?  
Йўл тақозоси будир,  
Бир бўлар ҳар бир ила.

Иккилик айламагай,  
Ҳеч ёлон сўйламагай,  
Олам булғанур эса,  
Булғанмасдан турийлар

Ажаб бундай ким бўлар,  
Гард юкмасдан турийлар,  
Улардек бўлай десанг,  
Йўлдош бўлгил эр ила.

Эр ила йўлдош бўлган,  
Бўлажакдир кўнгилдан.

Олам йўлдош бўларди,  
Бўлса эди тил билан.

Тилдан ҳеч нарса келмас,  
Сув-ла кўнгил ювилмас.  
Ошиқни судрасалар  
Судрар чилвир қил билан.

Инжа деманг у қилни,  
Бўм-бўш деманг бу йўлни.  
Эранлар келди, кечди  
Ҳар бири ҳар ҳол ила.

Ҳар ким ҳоли ҳолланди,  
У бек эди, қулланди.  
Юнус сан қул бўла-кўр  
Боқ, сўйлашур қул ила.

\* \* \*  
Жонлар жонини топдим,  
Бу жоним яғмо бўлсин.  
Кори зиёндан тондим,  
Дўкконим яғмо бўлсин.

Ман манлигимдан кечдим,  
Кўзим ҳижобин очдим.  
Дўст васлина эришдим,  
Гумоним яғмо бўлсин.

Иккиликни қулатдим,  
Бирлик қўйнига отдим,  
Дарднинг шаробин тотдим,  
Дармоним яғмо бўлсин.

Борлиқ чун сафар қилди,  
Дўст ондан биза келди,  
Вайрон кўнгил нур тўлди,  
Жаҳоним яғмо бўлсин.

Кечдим битмас соғинчдан,  
Зерикдим ёз ва қишдан.  
Бўстонлар бошин топдим,  
Бўстоним яғмо бўлсин.

Юнус на хуш демишсан,  
Болу шакар емишсан,  
Боллар болини топдим,  
Қўвоним<sup>1</sup> яғмо бўлсин.

\* \* \*  
Эй қўбиз ила чашта<sup>2</sup>,  
Аслинг надир, на ишда?  
Санга савол берурам,  
Айтавер, ман эшитам.

Айдурки, аслим оғоч,  
Қўйнинг сингири<sup>3</sup> бир оз.  
Кел, ишратим тингла, кеч  
Ақлингни қўй саргашта.

Айдурлар, манга ҳаром,  
Ман ўғирлик эмасман,  
Чунки аслим сингирдир,  
На ҳаромлик ман гўштда.

Манга сингир дедилар,  
Тоқға сингар дедилар,  
Манинг отим ишқ берди,  
Ман қолмасам ҳеч ташда.

Оғоч, тери терилди,  
Сингир ила бир бўлди,  
Ишқ денгизина толди,  
Баҳона йўқ бу ишда.

Мавлоно суҳбатинда  
Соз ила ишрат бўлди,  
Ориф маъноға тўлди,  
Чун биргадир фаришта.

Ҳам майхонаға борур,  
Ҳам бутхонаға кирур.  
Булар сақларлар сани,  
Ғофил эсанг билишда.

Юнус энди субҳони  
Васф айлагил кўнгилда,  
Айри эмас орифдан  
Бу қўбиз ила чашта.

\* \* \*  
Тоштинг яна далли кўнгил,  
Сувлар каби чоғлармисан?

Оқтинг яна қонли ёшим,  
Йўлларимни боғлармисан?

<sup>1</sup> Қўвон — асалари уяси.

<sup>2</sup> Чашта — олти торли соз.

<sup>3</sup> Сингир — пай, чандир.

Нетай оҳим етмас ёра,  
Топилмас дардима чора,  
Бўлдим илмдан овора,  
Мани энди йўқлармисан?

Йўлларингда мунғайиб, зор  
Тупроқ бўлиб сочилдим-о,  
Қаршимдаги кўкрак керган  
Қаҳри қаттиқ тоғлармисан?

Қорли тоғларнинг бошида,  
Бодраб-бодраб чиққан булут,  
Сочинг ёйиб менинг учун  
Тўлиб-тўлиб йиғлармисан?

Маст бўлди Юнуснинг жони,  
Йўлдаман манзилим қани,  
Юнус тушда кўрмиш сани,  
Бу оламда соғ бормисан?

Туркчадан **Муҳаммад СОЛИҲ** таржималари.

## Қулўғли XVII аср

### Турналар

Ажаб қай диёрдан учиб келарсиз,  
Бир хабар билайин, тўхтанг, турналар?  
Севгилим ҳақида нелар биларсиз,  
Менга бир тасалли беринг, турналар?

Сардорингиз янглиш йўлга бошласа,  
Ногоҳ лочин кўзингизни ёшласа,  
Арғамчингизни у узиб ташласа,  
Айрилиқ нимадир, кўринг, турналар.

Кўнглим паришондир, сафингиз эгри,  
Чидолмас жабрга ошиқнинг бағри,


Азм этиб қайтинглар Бағдодга тўғри,  
Чўлларнинг сафосин суринг, турналар.

Аёз қиш кунлари ғафлатда кечманг,  
Бевақт яна шошиб йўлларга тушманг,  
Овчилар эшитар, қичқириб учманг,  
Соғ-омон манзилга эринг<sup>1</sup> турналар.

Маст этар ошиқни ширин тилингиз,  
Қулўғли оқибат бўлди қулингиз,  
Мардин тоғларига тушса йўлингиз,  
Тупроғини кўзга суринг, турналар.

Туркчадан **Нафиса СУЛТОНҚУЛОВА**  
таржимаси.

<sup>1</sup> Эринг — етинг.



Алиназар Эгамназаров

## ДҮППИДАГИ ДОҒ

Эссе

Қадимда бир хон ўтган экан. У ҳар куни эрталаб ўз саройи дарвозаси олдида чиқаркан. Бу ерга шаҳар амалдорлари, уламолари елиб, хонга салом бериб, таъзим бажо айлашаркан, унга боқий умр, мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилашаркан. Сўнгра тарқалишиб, ўз юмушлари билан овора бўлишаркан.

Кунлардан бир кун хон мана шу маросим пайтида атрофда юпун кийинган бир оқсоқ одам мунтазам айланиб юришга эътибор берибди. Мулозимларидан бирига: «Хув, ўша одамни чақиринглар, бир илинж билан юрганга ўхшайди», дебди. Мулозимлар хон амрини бажаришибди. Шунда ҳалиги одам хон олдида келиб, тиз чўкиб таъзим қилибди:

— Хоним, мен сиздан мансаб ҳам, зару забаржад ҳам сўрамайман, — дебди у. — Фақат бир арзимас илтимосим шуки, ҳар куни наҳорда шаҳар казо-казолари сизга таъзим айлагани келишганида, олдингизга югургилаб келаман, секин қулоғимга сўкиб қўйсангиз...

— Атиги шуми илтимосинг? — дебди хон кулиб.

— Ҳа, фақат шу, хоним.

— Бўпти, сен айтгандай қиламан.

Шундан кейин ҳар куни наҳорда шаҳар казо-казолари хонга таъзим қилгани келишганида ҳалиги айёр чўлоқ секин хон олдида борадиган, хон эса унинг қулоғига пичирлаб сўкиб қўядиган бўлибди. Чўлоқ бу пайтда бошини тавозе билан силкиб, хон сўзларини тасдиқлагандек бўларкан. Одамлар эса бу манзарани кўриб ҳайрон бўла бошлашибди: «Ия, Соли чўлоқ хон ҳазратлари билан соз экан-ку, ҳар куни унинг қулоғига махфий гаплар айтади...» Шундан кейин одамлар Соли чўлоққа ҳам хушомад қиладиган бўлишибди. Қарабсизки, у сал вақтда даранглаган уй-жойлар қуриб, мол-мулкни бўлиб, шаҳар амалдорлари сафига қўшилибди.

Болалигимда эшитганим латифанамо бу ҳикоя турғунлик йилларида тез-тез ёдимга тушарди. Сабаби, ўша даврда турмушимизда мана шу латифани эслатадиган ҳодисалар кўп учрарди-да. «Ҳозир яхши одамлар ўсмаяпти». «Мансаб курсисига ўтираётганлар орасида ҳалоло кам». Турғунлик йилларида халқ орасида юриб бундай гап-сўзларни кўп эшитганмиз. Аслида бу фикр тўғрими? Маълум даражада тўғри эди. Уша пайтда шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган имонсизларнинг куни туққан эди. Мансаб курсисининг сотилиши эса оддий бир ҳодисага айланганди. Одамлар неча сўм бериб совхоз директори бўлгану, неча сўм бериб райком секретари бўлгани тўғрисида халқ орасида миш-мишлар юрарди. Юқорида «суянчиғи» борларнинг ошиғи олчи, биров мушугини пишт деёлмасди. Ҳамманинг нигоҳи юқорида, ҳамма иш тепадан берилган буйруқ билан бўларди. Коллектив фикри, хоҳиши билан камдан-кам ҳолларда ҳисоблашардилар.

Турғунлик йилларида раҳбарлик вазифаларига фақатгина партия аъзоси бўлган кишиларнинг тайинланиши амалпараст ва манфаатпарастларнинг партиёга оммавий интилишига олиб келди. Партиёга кириш айрим кишилар тасаввурида моддий имтиёздан иборат бир нарса бўлиб қолди. Ҳатто баъзиларнинг партия сафига пора бериб ўтганлиги ҳақидаги миш-мишлар қулоққа чалиниб қоларди...

Ҳозирги қайта қуриш шароитида турғунлик даврининг иллатларига қарши кенг миқёсда кураш олиб борилаяпти, бу иллатларнинг ижтимоий илдизига болта урилаяпти. Жумладан, хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечилиб, шахсий ташаббусга кенг йўл очилаяпти. Меҳнатни ташкил этишнинг хўжалик ҳисоби, оила, бригада пудрати, ижарачилик каби усуллари кенг жорий этилиб, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўз-ўзини бошқариш йўлига ўтилаяпти. Бошқача айтганда, корхоналар ва хўжаликларни халққа буткул топшириб, фойдасига ҳам, зарарига ҳам, тўла жавобгар қилиб қўйилаяпти. Бу ҳеч сўзсиз, бюрократиянинг йўлига ғов со-

лади, шахсий ташаббусни ўстиради, меҳнатга ижодий муносабатни жўш урдиради.

Хўш, шу йўсинда иш тутилса эски иллатлар такрорланмайдими, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетадими? Йўқ, ундай бўлмади. Ҳаётда ҳеч қачон эскилик ўрнини янгилик осонликча эгаллаган эмас. Жумладан, турғунлик даврининг иллатлари ҳам яшовчандир. У янгиликча осонликча ўз ўрнини бўшатиб бермайди. Бу худди қирқ йил қозиққа боғлоқли турган филни ечиб юборишгандан сўнг ҳам етти йил қозиқ атрофида айланиб юрганидай гап. Нима учун шундай бўлади? Сабаби, турғунлик даври иллатларининг илдизлари чуқурдир. Бу илдизлар 30-йилларга, мамлакатда репрессия авж олдирилган даврга бориб тақалади.

Яқинда публицист Юрий Карякин шундай деб ёзди: «Охиригача кундаков қилиб ташланмаган сталинизм, қонуний равишда рашидовчиликни дунёга келтирди. Агар ҳозир уни илдизига олиб ташламасак, янада ёмонроқ иллатларни юзага келтириши мумкин». Бу тўғри гап. Бу фикрнинг тўғрилигини кейинги тўрт-беш йиллик тажриба ҳам исботлади.

Республикамикиз Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми бўлиб ўтган кунларни эслайлик. Ушанда пок ниятли барча кишилар кўкракларига тароватли эпкин урилгандай енгил тортдилар, шундай ўзгаришлар бўлишини кўпдан бери кутгандик, деб бир-бирларига юракларини ёздилар. Аммо кўп ўтмай одамлар кимлардир «тоза сувни булгаётганлигини» сеза бошладилар. Сал вақт ўтгач сир очилди — «сувни булгаётганлар» Р. Абдуллаева ва унинг атрофига уюшган кишилар эканлиги ошкор бўлди. Аслида Р. Абдуллаеванинг ярамас иш услуби сталинизм ва рашидовчиликнинг қайта қуриш шароитида намоён бўлган бир кўриниши эди, холос. Бу аёлнинг фаолиятидаги волюнтаризм айниқса кадрларга муносабатида яққол намоён бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов Марказий Комитетнинг 1988 йил январь ойида бўлган пленумида бу ҳақда гапириб шундай деди: «Марказий Комитет бюроси ўз фаолиятига ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бериб, идеология соҳасига партиявий раҳбарлик практикасида туб бурилишга эришмадик, деб ҳисобламоқда... Бошқа кўп соҳаларда бўлганидек, бу жабҳадаги нуқсонлар ҳам муайян даражада идеология фронтдаги кадрлар билан ишлаш борасида содир бўлган камчиликлар оқибатидир. Волюнтаризм, шахсий садоқат, ошна-оғайнигарчилик позицияларидан раҳбарлик ишларига кўтариб қўйилган кишиларнинг кўпчилиги бу масъулиятли лавозимларга муносиб эмас».

Ўттиз етти-ўттиз саккизинчи йиллардаги репрессия ташкилотчиларини молиявий хиёнатда айблаб бўлмасди. Лекин улар кадрларга муносабатда нообъектив эдилар. Бу асли раҳбарликдаги маънавий таназзулнинг бошланиши эди. 60-70-йилларга келиб унинг янги қирралари намоён бўлди — жамиятимизда туяни ютса думини кўрсатмайдиган очофат раҳбарлар пайдо бўла бошлади. Ҳозирги қайта қуриш шароитида бундай раҳбарларга, уларни юзага келтирган социал иллатларга қарши кенг миқёсда кураш олиб борилапти. Бу аслида ҳаётимизда чуқур илдиз отган сталинизмга қарши курашдир.

Умуман турғунлик даврида шундай бир раҳбарлар тоифаси юзага келдики, бундайлар илгари бўлган эмас. Эҳтимол, келгусида йўқ бўлиб кетар. Бу тоифа одамлар йўлига дипломли бўлиб олишади. Кейин дуч келган жойда ишлаб, «шоҳдан-шоҳга» сакраб, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан қилиб юришади. Охири «иложини топиб» «мутахассислиги» бўйича катта бир ташкилотга бошлиқ бўлиб олишади. Бундай раҳбарларда бир жойда қўним топиб, 15—20 йил ишлаган, яхши тажриба орттирган, қобилиятли ходимларга нисбатан пинҳона адоват бўлади. Унинг ўзида шундай сифатлар йўқ-да. Иш масаласида эса худди Аширмат «доно»дек ҳаракат қила бошлайди.

Қадимда бир қишлоқда ҳўкизнинг боши хумга кириб қолибди. Одамлар ҳеч иложини қилолмай бошлари қотгач, Аширмат «доно»ни чақириш керак, дейишибди. Аширмат «доно» келибди-да, ҳўкизни сўйиш керак, деб маслаҳат берибди. Одамлар унинг айтганини қилишибди. Аммо шундан кейин ҳам хумдан ҳўкизнинг бошини чиқариб бўлмабди. Одамлар яна Аширмат «доно»га қарашибди. У хумни синдириш керак, дебди. Одамлар хумни синдиришибди. Шундай қилиб десангиз, ҳўкиз ҳам ўлибди, хум ҳам синибди.

Бу гапларни ўқиган баъзи бир журналхонлар, нима сиз кишиларнинг униб-ўсишига қаршимисиз, дейишлари мумкин. Йўқ, биз одамларнинг ўсишига қарши эмасмиз. Фақат амалпараст бўлмаган, чинакам ишбилармон кишилар униб-ўсишининг тарафдоримиз. Масалан, мен бир заводга ўсмирлигида дастёр ишчи бўлиб келиб, директор даражасига кўтарилган ёки бир шифохонага санитарка бўлиб келиб, шу шифохонанинг профессори ёки бош врач даражасига етган кишиларни кўрсам ҳавасим келади. Аммо ошна-оғайнигарчилик билан амал курсисига ўтириб олган, оддий нарсаларга ҳам фаросати етмайдиган тўнкаларни кўрсам нафратланаман. Бундай раҳбарларнинг бундан 50—60 йил аввал бўлиши бирмунча узрли эди. Чунки у пайтларда аввало малакали кадрлар етишмасди, биринчи ўринда раҳбарнинг сиёсий барқарорлиги турарди. Лекин, айтиш мумкинки, ўша пайтда ҳам кулгили ишлар кўп бўлган. Масалан, 1939 йилда Ҳамза номидаги театрға Фарғона водийсидаги бир шаҳарда НКВДнинг бошлиғи бўлган одамни олиб келиб директор ўринбосари қилиб қўйишган. У театрға келиб биринчи қилган иши Олим Хўжаевни ишдан бўшатиш бўлган экан «Файзулла Хўжаевнинг думисан» деб.

Бу воқеалар бўлиб ўтганидан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида малакали кадрларнинг катта армияси етишиб чиқди. Лекин шунга қарамасдан кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда нотўғри ишлар ҳамон учраб турибди. Ҳозир фақат коллектив фикри билан ҳисоблашилмаган, ошна-оғайнигарчилик, шахсий садоқат позицияларидан иш тутилган шароитдагина масъул лавозимларга тасо-дифий кишилар ўтириб қолишлари мумкин.

Таниқли кинорежиссёр Элдор Рязанов «Огонёк» журналининг 1988 йил 14-сонида босилган «Нега мен ошкоралик даврида телевидениедан кетдим?» деб номланган мақо-ласида Марказий телевидениега ўрнашиб олган, эгаллаган лавозимига мутлақо номуно-сиб бўлган амалдорларнинг тазйиқи натижасида чеккан азиятлари ҳақида ёзди. «Мен би-лишни истайман, мансаб курсисида ўтирганларга бизни таҳқирлаш ҳуқуқини ким бер-ган, — деб ёзди у бу мақоласида. — Биздан кўпроқ ватанпарвар эканликлари хусусидаги мандатни уларга ким берган?.. Ўзгаришлар бўлаётгандек туюлиши — ҳали ўзгариш бўл-ди, деган сўз эмас. Бугунги кунда бизга писмиқлар, бунинг устига номенклатурали пис-миқлар уя қурган муҳит чикора?»

Э. Рязановнинг шу сўзларини ўқиганимда бир пайтлар ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айт-ган гаплар ёдимга келди. Адашмасам, бу 1963 йилнинг баҳорида бўлганди. ТошДУда ўқирдик. «Тобутдан товуш» спектакли муҳокамасига А. Қаҳҳорни таклиф этдик. Шун-да ёзувчи бу комедияси саҳнага қўйилгунча бўлган қаршиликлар ҳақида гапириб туриб (ўшанда кўп ўтмай спектакль «Совет Ўзбекистони» газетасида қаттиқ танқид қилиниб, яна саҳнадан олиб ташланди), турмушимизда ҳар қадамда учрайдиган, олға боришимиз-га ҳалақат бераётган шахсга сиғиниш оқибатларига, амалдаги сталинизмга тўхталди:

«Бош репетиция бўладиган куни Ҳамза театрининг бош режиссёри уйимга хомуш бўлиб кириб борди. Ҳа, яна нима?! дедим уни узоқдан кўриб».

«Бош репетиция бўлмайдиган бўлди, юқоридан тўхтатинглар, деб қўнғироқ қилиш-ди».

Отланиб «юқоридаги»нинг олдига бордим. Спектакль репетицияси нима учун тўх-татилганлигини сўрадим.

«Комедиянгизда республика воқелиги қора бўёқ билан тасвирланган. Чет элликлар кўрса, нима бўлади?», деди у.

«Нима бўларди, ким шундай ишлар билан шуғулланса, ўшаларга уят бўлади».

«Комедиянгиздаги порахўрларнинг прототиплари ҳаётда борми?»

«Ҳаётда бор-да, бўлмаса ҳаводан олиб ёзиб бўлармиди».

— Аслида шунда сийладим, — деди А. Қаҳҳор бизга. — Қаҳрамонимнинг про-тотипи фалон обком секретари десам, нима деган одам бўларди?.. Ҳайрон қолсан ки-ши, баъзи раҳбарлар ўзини Совет ҳокимиятини тираб турган устундай ҳис қилишади. Гўё у кифтини олса, ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетади. Ахир, барака топкур, агар сен Совет ҳукуматининг тираб турган устини бўлсанг, мен ҳам шу тузум учун 30 йилдан бери фишт қўйиб келаяпман-ку...

— Қадимда бир амалдор ўтган экан, ўзиям мансабга муқкасидан кетган одам экан, — деди ёзувчи сўзини давом этказиб. — Бир воқеа бўлиб, у амалдан тушиб қолибди. Шундан кейин одамлар ҳам унга «сомонинг неча пул», демайдиган бўлиб қолишибди. У эса одамларга катталиқ қилган кунларини қўмсаб, кўп изтироб чекибди. Ҳеч иложи бўлмагач, маҳалла ҳовузи бўйига бўйра тўшаб ўтириб олибди. Ҳовуздан кун бўйи хотин-халаж, бола-чақа сув оларкан. Собиқ амалдор эса уларга: «Пакирингни ботир, пакирингни торт!», деб буйруқ бериб, ўртанган юрагига таскин бериб ўтирадиган бўлибди. Очиги, ҳозир «пакирингни ботир...» деб буйруқбозлик қиладиганлар кўпайиб кетаяпти...

Ҳа, турғунлик даврида мамлакатимизда бошқарув аппаратида ишлаётган кишилар миқдори 18 миллионга етди ёки ҳар олти ишловчига биттадан хўжайин тўғри келди. Оқибатда мамлакатда қоғозбозлик, буйруқбозликни авж олдирган бюрократик муҳит юзага келди. Эндиликда партия бу хатоликни тўғрилайпти. Бошқарув аппаратлари кес-кин қисқартирилаяпти. Яқинда бир анжуманда бир олим гапириб, мамлакатимизда йўл қурилиши ва улардан фойдаланиш билан шуғулланадиган учта министрлик бор. Лекин йўлларнинг энг расвосини бизнинг мамлакатда кўриш мумкин. Агар биздаги йўллар Германиядаги йўллар сингари бўлганида, гитлерчилар Москвага икки ойда келишарди, — деди залдагиларнинг кулгиси остида. Дарҳақиқат, қўйчивон кўп бўлса қўйлар ҳаром ўлади, дегани шу бўлса керак-да.

\* \* \*

60,70-йилларда бўлган воқеаларни ҳозир ўйласам А. Қаҳҳорга бўлган тазйиқ рес-публикада танқидий фикрловчиларнинг овозини бўғиш йўлида қилинган ҳаракатлар-дан бир мисол эканлигини, аслида бундай ҳодисалар кўп бўлганлигини ўйлайман.

Ленин ўз фаолиятида беҳудага матбуотга биринчи даражали аҳамият берган эмас. У ҳатто революцион партия тузишни ҳам газета ташкил этишдан бошлаш кераклигини, газета коллектив агитатор, коллектив пропагандистгина эмас, балки коллектив таш-

килотчи эканлигини, таъкидлаганди. Шундан кейинги ўтган давр Ленин батамом ҳақ эканлигини, матбуот танқид ва ўз-ўзини танқиднинг, ошкораликнинг забардаст куроли эканлигини исботлади. Худди мана шунинг учун ҳам турғунлик давридаги тараққиёт душманлари ўз зарбаларини матбуотдаги ҳалол қаламкашларга қаратдилар. Газета ва журналларнинг СССР Журналистлар союзи Уставида белгиланган автономия ҳуқуқи оёқ ости қилинди.

Одатда журналист фаолиятида баъзида ёзилиб, эълон қилинган мақоладан ҳам, уни ёзганча ва ёзгандан кейин юз берадиган воқеалар қизиқроқ бўлади. Айниқса танқидий мақола эълон қилинган, жанжал бўлиши мумкин. Бу аксарият жамоатчиликка маълум қилинмайди. Турғунлик йилларида эса ўткир танқидий мақола билан чиққан қаламкашнинг боши кўпинча ғаладан чиқмасди.

1961 йилда Твардовский редакторлик қилаётган «Новый мир» журналида ёзувчи Л. Волинскийнинг Ўзбекистонга сафаридан сўнг ёзилган «Янги ерларга элтувчи йўл» деб номланган очерки босилди. Ҳаққоний ёзилган бу очеркда республика ҳаётига оид ижобий фактлар билан бир қаторда салбий фактлар ҳам қаламга олинганди. Ўзбекистонда бу очеркни, таъбир жоиз бўлса, «найза» билан кутиб олишди. Л. Волинскийга қарши компания уюштирилди. Унинг очерки республика Ёзувчилар союзининг пленумида, республика зиёлиларининг 1962 йил январь ойида бўлган III съездида қаттиқ танқид қилинди. Бу етмаганидек, мазкур очерк ва унинг муаллифига қарши ёзилган, кўпчилик имзо чеккан подвал мақола «Известия»да эълон қилинди.

Марказдаги нуфузли газетада бу мақола эълон қилинган, очерк муаллифи билан бирга, буюк шоир Твардовский, «Новый мир»нинг ўша пайтдаги ажойиб коллективи қандай маломатга қолганликларини тасаввур этиш мумкин. Аслида «Известия»да бу мақолани эълон қилдирганларнинг мақсади фақат Волинскийга танбеҳ бериш эмас, балки марказдаги Ўзбекистонга келиб ҳар хил материаллар ёзиши мумкин бўлган барча қаламкашларни чўчитиб қўйишдан иборат бўлган.

Ушанда ТошДУнинг журналистика факультетида ўқирдим. Совет матбуоти назарияси фанидан бизларга профессор Очил Тоғаев дарс берарди. У навбатдаги дарсига кирганида биз ундан Л. Волинскийнинг очерки хусусидаги фикрини сўрадик. Домла овозини биров паслатиб: «Очерк ёзишни Волинскийдан ўрганиш керак...» деди. Ортиқ гап айтмади. Яқинда мен домла билан учрашганимда, унинг ўша гапини эслатдим. У кулиб: «Буни қаранг, шу гапим ёдингизда қолган экан-а», деди. Кейин биров хаёл суриб турган, қўшимча қилди: «Ҳа, ўша пайтда марказий матбуотда республикамиздан ёзилган ҳар бир танқидий мақола қаттиқ қаршиликка учрарди, муаллифини бадном қилишга ҳаракат қилишарди. Охири бориб танқид ҳам камайди, республикадаги «касаллик» ичига уриб кетди...»

Шу йил май ойида ёзувчиларнинг Пицундадаги Гулиа номидаги ижод уйида Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари бадий журналлари публицистларининг семинарида москвалик таниқли қаламкашлар, турғунлик йиллари бири «Правда»да, иккинчиси «Известия»да ишлаган — Юрий Апенченко ва Геннадий Лисичкин билан ҳамсуҳбат бўлдим. Улар турғунлик йилларида Ўзбекистондан танқидий мақола ёзиш мушкул ишга айланганлиги ҳақида гапиришди.

— Бир куни «Правда»нинг топшириғи билан Тошкентга бордим, — деб ҳикоя қилди Юрий Апенченко. — Ўзимни қизиқтирган масалада республика Компартияси Марказий Комитети пропаганда бўлимига учрашдим. Бўлимдагилар Рашидовга мурожаат қилишни таклиф этишди. Бу пайтда у киши Бухорода экан. Уша ёққа бордим. Обком биносида қандайдир катта йиғилиш бўлаётган экан. Рашидов билан кулуарда гаплашдик. У мени бир чеккага тортиб, «Правда»нинг Ўзбекистон бўйича муҳбири Н. Ф. Гладковни ёмонлаб кетди:

— Бошлиқларингизга бориб айтинг, Гладков ўзбек халқининг душмани, — деди у.

Унинг катта қора кўзойнаги бор, Ўзбекистонга шу кўзойнаги билан қарайди... Биз республикамизда бундай журналист ишлашни истамаймиз.

Бу гапларни кимсан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат одам гапираётганди. Шунинг учун мен унинг гапларини раҳбарларимизга етказишга мажбур бўлдим. Николай Федоровични ҳам огоҳ қилдим. Рашидов айтган гапларни эшитганида унинг сочи тикка бўлиб кетди:

— Менинг ўзбек халқига душманлигим нималарда ифодаланар экан? Мен шу юртда туғилиб, шу ерда униб-ўсиб, шу халқнинг душмани бўламанми-а? Бу қандай бедодлик? — деди у. — Мен халқ душмани бўлсам, кўрамиз, ўша тухматчи қандай исботларкин. Аммо мен бу юртдан ҳеч қаёққа кетмайман.

— Вақт — энг яхши ҳакам, — деди Апенченко сўзининг охирида, — ўзбек халқининг ҳақиқий душмани ким эканлигини вақт кўрсатди...

Дарвоқе, Н. Ф. Гладков қийналиб бўлса ҳам республикада ишлаб қолди. Аммо худди унга ўхшаб тазйиққа учраган «Известия»нинг муҳбири Г. Меликянц эса республикадан кетишга мажбур бўлди.

Ўша пайтларда фақат марказий органлардагина эмас, балки маҳаллий газета ва журналларда ишлаб, қалам тебратган ижодкорларга ҳам қийин эди.

Сирдарёда Саминжон Султонов деган тажрибали журналист бор. У менга 60-йилларда бошидан кечган бир воқеани гапириб берган.

— Уша пайтларда Мирзачўл ерлари Тошкент областига қарарди. Мен «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу зона бўйича ўз мухбири эдим, — деганди у. — Ёш, ғайратли эдим, кундузи дала кезиб, одамлар билан учрашиб, кечалари газетага материал тайёрлаб чарчамасдим. Область газетаси саҳифаларида очерк, корреспонденция ва фельетонларим мунтазам чиқиб турарди. Танқидий мақолаларим устида жанжаллар ҳам бўлиб турарди. Айниқса, Т. Йўлдошев деган бир юлғич колхоз раисини танқид қилганимда анча сур-сур бўлди. Иш Тошкент обкоми бюросигача чиқди. Охири биз ғалаба қилдик. Юлғич раис қамалиб кетди.

Шундан кейин кўп ўтмай Гулистонда чорвачилик масаласига бағишланган катта йиғилиш бўлди. Биз журналистлар қаерга бормайлик қўлда дафтар ва қалам билан юрамиз, керакли сўзларни ёзиб олишга ҳаракат қиламиз. Мен бу гал ҳам шундай қилдим. Нотиқларнинг сўзларини яхши эшитай деб, залнинг биринчи қаторига, минбарнинг рўпарасига ўтирдим.

Бир маҳал обком секретари сўзга чиқди. У область чорвачилигининг аҳволи ҳақида сўз бошлади-да, бирдан нутқи мавзуини ўзгартириб, кадрларни кадрлаш ҳақида гапира кетди:

— Биз Совет давлатига хизмати сингган, колхоз тузумини мустаҳкамлаш йўлида куч-қувватини аямаган, Ватанга кўпроқ «оқ олтин», гўшт, сут етказиб бериш йўлида кунни тунга улаб меҳнат қилаётган хўжалик раҳбарларимизнинг ҳамиша ҳурматини жойига қўйишимиз, асраб-авайлашимиз керак. Лекин афсуски, айрим тирранча, бебош мухбирлар кўп ажойиб кадрларимизни бўлар-бўлмасга матбуотда уриб, обрўйини тўка-япти, абгор қилаяпти. Мана, шундай ярамаслардан бири шу ерда ўтирибди! — деб обком секретари гарданини чўзиб мени кўрсатди.

Бу мен учун ҳеч қутилмаган зарба эди. Эсим оғиб қолай деди. Бир маҳал ўзимга келсам, йиғилиш тугаб, залда битта ҳам одам қолмабди. Бир ўзим сўппайиб ўтирибман. Урнимдан секин туриб ташқарига чиқдим. Темир йўл томон юрдим. Узимни ўлдирмоқчи, поезд остига ташламоқчи бўлдим. Темир йўл ёнига боргач, яна ўйланиб қолдим. Уйдаги икки нафар гўдак боламни ўйладим. Ушалар етим қолмасин, деб қароримдан қайтдим.

Камина ҳам ўша кезларда Тошкентнинг бир массивида яшнаб турган дарахтларни ўтин учун кесдирган бир қаллобни фельетон қилганди. Орадан икки ой ўтгач, «қаҳрамоним» устимдан юқорига шикоят ёзди. Унинг нега бироз кечикиб шикоят ёзганлигининг сабаби кейин маълум бўлди. Бу орада кесдирган дарахтларининг тўнқасини кундақов қилдириб, жиноят изини йўқотган экан.

Шикоят бўйича мени шаҳар партия комитетига чақиришди. Дарров бордим. Мен билан суҳбатлашмоқчи бўлган одамни яхши билардим. У илгари шаҳардаги ташкилотлардан бирида ишлаган, матбуотда урилиб, кейин силлиққина райкомга ишга ўтиб, у ерда икки йилча ишлагач, шаҳар партия комитетига кўтарилиб келганди. Ҳозир шаҳар журналистларининг «шефи» эди. Уша пайтда таажжубланадиган ҳодиса эмасди, ҳатто матбуотда дабдала қилиб урилганлар ҳам камдан-кам ҳолларда вазифаларидан пастлардилар, нари борганда оддий бир ҳайфсан берилиб, шу даражадаги бошқа бир лавозимга ўтказиб қўйилардилар.

«Шеф» мен билан суҳбатни дўқ уришдан бошлади. Мен ҳам бу одамнинг «таржимаи ҳолини» билганим, ўзимнинг ҳақ эканлигимга амин бўлганим учун паст келмадим.

— Ҳўв бола, кимни ёзганингни биласанми ўзи? — деди у дабдурустан фельетонни олдимга суриб.

— Аввало, мени сенсирманг, мен бола эмасман, ёшим ўттиз еттида, тўрт нафар фарзандим бор.

— Яхши, урган одамингиз кимлигини биласизми? Бу кўп йиллар совет идораларида ишлаган, кўкрагида «Хурмат белгиси» ордени бўлган инсон-ку.

— Нима бўпти, ордени яхши хизматлари учун олгандир, қандини урсин. Лекин ҳозир у жиноят қилди, бунинг учун жавоб бериши керак.

— Бу одам қандай оиланинг вакили эканлигини биласизми?

— «Йўқ», билмайман.

— Ахир, бу оилада ўнта коммунист бор-ку. Унинг ўзи йигирма йиллик стажга эга бўлган коммунист.

— Мен айнан коммунист бўлганим учун ҳам урдим-да, ака, жўн одам бўлса гинам йўқ эди.

— Сиз гапни айланторманг. Коммунистлар ва комсомоллардан иборат бўлган ажойиб бир оилани бадном қилганингизни биласизми, шундан гапиринг!

— Коммунист айб қилса газетада урилмасин, деб қаерда ёзилган? Агар коммунистни танқид қилиб бўлмаса, республика ички ишлар министрлигига бориб, Тошкент қамоқхоналарида ётган собиқ коммунистларнинг рўйхатини олиб келиб берай, уларни ҳам озодликка чиқариш керак бўлар...



Шундан кейин рақибим бироз пасайди, «арзимаган» айб учун яхши бир одамни бадном қилганимни ётиғи билан тушунтира бошлади. Бу жанжал анча вақт давом этди, ҳақ жойида қарор топгунча талай асаббузарликларни бошдан кечиришга тўғри келди.

Уша йиллари яна бир ҳамкасбимиз катта бир савдо ташкилотига бошлиқ бўлган одамни фельетон қилмоқчи бўлиб, унинг олдига борган экан. Бу одам аввалига ёлғон-яшиқ гаплар билан журналистни чалғитмоқчи бўлибди. Лекин бунга муваффақ бўлмагач, дангалига кўчиб дебди:

— Менга қара, укта, нима қиласан бошимни қотириб. Мен сендан ҳам, редакторингдан ҳам, ундан каттасидан ҳам қўрқмайман. Менинг ойлик даромадим мана шунча (у жуда катта рақамни айтибди), бундан шунчасини фалон амалдорга, яна шунчасини пистон амалдорга бераман. Мени ёзганинг билан фельетонинг чиқмайди, агар чиққундай бўлса, сен ҳам, редакторинг ҳам шампанскоенинг тиқинидай учиб кетасизлар... Ундан кўра рўзгорингда нима етишмаслигини айт, мен ёрдам берай, ўзингни ўнглаб ол...

Шундан кейин ҳамкасбимиз ҳасипига нина урилгандай бўшашиб, орқасига қайтибди.

Дарҳақиқат, ўша пайтда редакторлар танқид ёзишга мойиллиги бор журналистларни тез-тез огоҳлантириб туришарди: «Савдо ходимлари билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинглр. Булар шундай халқки, ўзини ҳимоя қилишга келганда пулни аямай сочишади...» Аслида уларни ҳозир ҳам танқид қилиш осон деб бўлмайди. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси минбаридан туриб сўзлаган делегатлар бир партия ҳукмрон бўлган, оппозицион партиялар бўлмаган бизнинг мамлакатимиз шароитида матбуотнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, айни чоқда матбуот ходимларининг масъулиятини ҳам ошириш ҳақида гапирдилар.

Шундай қилиб, матбуотдаги кескин танқидий чиқишлар камая борди. Салбий ҳодисалар республикани ўргимчак уясидек ўраб олди. Охири эса жиноятлар секин-аста фош бўлиб, минг-минглаб кишиларнинг қамалиши, бу воқеалар тилларда дoston бўлиши билан тугади. Бошқача айтганда, касални яширишга кўп урингандик, аммо иситмаси ошкора қилди.

\* \* \*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1984 йилда бўлган XVI Пленуми республикада юзага келган сиёсий аҳволни чуқур таҳлил қилди. Салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатиш, турмушда партия ҳаётининг ленинча нормаларини тиклашга қаратилган қарорлар қабул қилди. Шундан бери тўрт йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврда республикада турғунлик йилларида содир бўлган жиноятларнинг янгидан янги тафсилотлари кўпчиликка маълум бўлди. Бу «ўзбек иши» эмас, балки мамлакатимизда кенг илдиз отган мафиянинг узвий бир бўлаги, Рашидов сингари кишилар эса бу мафиянинг «стрелкачиси» бўлганлиги ҳам айтилди.

Аммо ўша пайтларда ҳам республикамизда имон-эътиқодли, ўз зиммасидаги вазифани ҳалол бажарадиган, халқ ўртасида яхши обрў-эътибор қозонган раҳбарлар бор эди. Коммунистик районида илгари И. И. Ладушкин деган райкомнинг биринчи секретари бўларди. Бир куни бир колхоз раиси унинг уйига юк машинасида ўн-ўн беш яшиқ узум бериб юборибди. Илья Иванович бу узумдан катта бир бошини олибди-да:

— Мен мана шуни есам тўяман, — дебди уни олиб келган одамга, — қолганини колхоз боғчасига олиб боринг, болалар есин.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев колхозига ўттиз йилга яқин вақтдан бери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз Рўзиматов раислик қилади. Мен бу ажойиб инсон билан бир неча марта ҳамсуҳбат бўлганман.

— Отам ҳам деҳқон ўтган, у киши ниҳоятда тўғри, ҳалол инсон эди, — деган эди Миразиз ака бир суҳбатимизда. — Менга ҳам ҳалол бўлиш лозимлигини кўп тайинланганлар. «Ит — ҳаром, қўй — ҳалол, — дерди у киши. — Қўй — битта-иккита қўзилайди, ит эса ҳар туққанида ўнта-ўн иккитага етказиб туғади. Аммо ит ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормаганлиги учун ҳеч кўпаймайди, қўй эса сал вақтда яйловга сифмай кетади. Шунинг учун инсоннинг ҳалол бўлгани яхши. Ҳалол одам униб-ўсиб, палак ёзади, болам».

Бу жун бир ҳикоя, албатта. Аммо халқ бундай ҳикояларни ҳалолликка, ҳақиқатга бўлган табиий интилиши туфайли тўқийди.

— Фалон хўжалик раҳбари қамалиб, уйдан бунча минг сўм пул чиқибди, пистончи амалдор қамалиб, уйдан аллақанча бойлик чиқибди, деган гап-сўзлар юриб қолди. Ахир бу қандай гап?!.. Тирикчилигимиз бир нави ўтиб турувди-ку, — деди Миразиз ака бундан тўрт йил аввал бўлган республика пахтакорлар қурултойи минбаридан туриб ички бир изтироб билан. — Қўйлакнинг доғини ювса кетади, лекин дўппининг доғини кетказиб бўлмайди. Дўппимизга доғ тушмасин, биродарлар, — деди у бошидаги чуст дўппини қўлига олиб, — бу дунёга машҳур дўппи...

Залда ўтирган кўпгина деҳқонларнинг томоғи ачишиб, кўзларидан ёш қалқди.

Афсуски, шундан кейинги воқеалар ҳаётимизда бошида дўпписи бўлатуриб номардларча иш тутган, ифлос қилмишлари билан ўз ҳаётини ҳам, «дўпписи»ни ҳам доғлаганлар кўп эканлигини кўрсатди...

Хизмат юзасидан Бўқада бўлганимда шу ерлик кекса, оқсоқол кишилар билан ҳамсухбат бўлганман. Улардан:

— Бўқада ишлаб кетган райком секретарлари орасида халққа жуда манзур бўлиб, яхши обрў-эътибор қозонган киши ким? — деб сўрадим.

Сухбат беихтиёр жонланиб, мўйсафидлар ўзлари шахсан билган райком секретарларининг барчасига таъриф-тавсиф беришди, ҳар бирининг фазилатиниям, феъл-атворидаги қусуриниям гапиришди. Аммо ҳаммасидан 50—60-йилларда ишлаб кетган Турғун Ражабовни устун қўйишди.

Кейинчалик Мен Турғун Ражабов билан ҳам, унинг даврида Бўқа район ижроия комитети раиси бўлиб ишлаган Рихси Қодиров билан ҳам танишдим. Бу кишиларнинг иккиси ҳам ҳозир республика миқёсидаги шахсий пенсионер, пири бадавлат кишилар, Тошкентда яшашади.

— Бир йили Бўқа райони область социалистик мусобақасида ғолиб чиққани, шунингдек районда советлар фаолияти, ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилганлиги учун область ижроия комитети мени «Москвич» машинаси билан тақдирлади, — дейди Рихси ака. — Шу машинани олишда зарур бўладиган ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида Турғун аканинг ҳузурига кирдим.

— Машинани Сизга эмас, пешқадам қурувчилардан биронтасига берамиз, — деди у киши дабдурустан.

— Нега энди? Машина мен учун ажратилган-ку?

— Сизга енгил машина зарур эмас. Мабодо, бирон ёққа бормоқчи бўлсангизу, пиёда қолсангиз, менга тортинмай айтинг, машина топиб бераман.

Шундан кейин машинани мен эмас, бошқа одам олди. Орадан йиллар ўтди, мен ҳам, Турғун акам ҳам пенсияга чиқдик. Бир кун учрашганимизда унинг ёдига шу ишини солдим:

— Ушанда менинг зиёнимга иш қилгансиз, Сиздан хафа бўлганман, — дедим си-намоққа.

— Йўқ, мен Сизнинг зиёнингизга эмас, фойдангизга иш қилганман. Уша пайтда Сизнинг машина олиш учун пулингиз йўқлигини билардим. Уни олганда ҳам кимдан-дир қарз қўтариб олардиз. Кейин бу қарзни узаман деб ёки бола-чақанинг насибасини қисардингиз, ёки вазифангизни суистеъмом қилардингиз. Мен шундай ишни қилманг, деб машина олишингизга қарши турганман... Мана, ҳозир кимдан камсиз, ўғил-қизнинг ташвишидан қутулгансиз, рўзгорингизда камчилик йўқ, эл-юрт орасида юзингиз ёруғ...

— Инсоннинг ўз ҳаётини яхшилаш учун интилиши табиий ҳол, — дейди Турғун ака. — Лекин бунда киши хиёнат йўлига ўтиб кетмаслиги керак. Айниқса раҳбар одамнинг хиёнат кўчасига кириб кетиши оппа-осон. У ҳар вақт ўзини тия билиши керак. Халқда «кетмас давлат» деган ибора бор. Бу — ҳалол, тўғри йўлли, тўғри гапли, тўғри ишли бўлиб яшаш дегани, ҳалол яшай билиш дегани. Аслида инсондан авлодларга қолажак энг нодир хазина шу бўлади...

Дарҳақиқат, ҳозир турғунлик даври деб аталаётган йилларда ҳам республикамизда Миразиз Рўзиматов, Турғун Ражабов сингари халқ донолигини ўзида мужассамлаштирган раҳбарлар бор эди. Аммо бирники — мингга, мингники — туманга деганларидек, нопок раҳбарларнинг қилмиши яхшиларга соя ташлаб, уларнинг ҳалол хизматини йўққа чиқарар, партия сўзининг салмоғини пасайтирарди. Охири бориб тўғри ишлайдиганларга жуда қийин бўлиб қолди, ўғрининг устидан эмас, тўғрининг устидан кулиш расм бўлди. Ҳалол кишиларни раҳбарликдан мутлақо четлаштиришнинг иложи бўлмаган шароитда Владимир Қодиров, Малик Абдураizzoқов сингари сирли вазиятда ҳалок бўла бошладилар.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули аллақачоноқ ўз умрини тугаллаб, нопок кишиларнинг бойиши, мансабпарастлик туйғуларини қондиришлари учун восита бўлиб қолганди. Бу бизнинг серқуёш республикамизга, халқимизга қимматга тушди.

Ҳозир халқ орасида юриб, республикадаги турғунлик йилларининг салбий ҳодисалари ҳусусида турлича фикр-мулоҳазаларни эшитиш мумкин. Бу мавзуда гапирадиганлар орасида «қўйиб ёзиш» қурбонларини ёқловчилар ҳам бор. Улар: «бу одамларнинг ўрнида бўлсак, биз ҳам шундай қилишимиз мумкин эди. Бечораларни шунга мажбур қилишган-да», дейишади. Бу фикрда маълум ҳақиқат бор. Албатта, қаердаки бирон-бир жиноят оммавий тус олса, бунинг учун биринчи навбатда оддий одамлар эмас, маҳаллий ҳукумат айбдор бўлади. Чунки бу ерда шу жиноятнинг оммавий тус олиб кетиши учун замин юзага келтирилган бўлади. Шунинг учун бу масалада асосий айбдор колхоз бригадирини ёки пахта тайёрлаш пунктининг тарозибони эмас, балки яқингинада ҳам республиканинг «арбоб»лари бўлган, айна чоқда эса СССР Ички ишлар министрлигининг изоляторидида ўтириб мухбирларга интервью бераётган «ака»ларимиздир. Ҳозир уларнинг айтаётган гаплари гитлерчи генералларнинг жавобларини эслатади. Маълумки, фашист генераллари, биз солдат бўлганмиз, фюрернинг буйруғини бажарганмиз, деб айбларини енгиллаштиришга ҳаракат қилишганди.

Бу жиноятчиларнинг бугунги аҳволини, терговчи олдида ўтириб тўккан кўз ёшларини кўрганингда, беихтиёр умр йўллари ҳақида ўйлайсан киши. Улар асли жиноятчи бў-

либ туғилишганди, деб ҳеч ким айта олмайди. Деярли ҳаммаси совет мактабида ўқиб, пионер ва комсомол бўлиб, кейин партия сафига ўтиб, маълум поғонагача меҳнати ва иқтидори билан униб-ўсган кишилар эди. Улар бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули юзага келтирган, иқтисодий субъектнинг мустақиллиги таъминланмаган, у истеъмолчини хоҳлаган мақомига ўйнатадиган мансабдорлардан ҳимоя қилинмаган шароитдаги порахўрлик гирдобига тушиб қолган эдилар. Бунда шахсий нуқсонлари ҳам ўз ролини ўйнади, албатта. Бу гирдоб аввалига барчасини юксакликларга — нурли чўққиларга олиб чиқаётгандек туюлди. Аслида эса тескариси бўлиб чиқди...

Мен бу кишиларни Ленин ва унинг сафдошлари билан қиёслагим келади. Маркс одамларда ҳаммадан кўпроқ қадрлайдиган фазилат оддийлик эди. Унинг буюк издоши Ленин эса «ҳақиқат каби оддий» (М. Горький) эди. У дўстларига ҳам, душманларига ҳам ҳақиқатни, ҳалол гапни дангал айтарди.

«...Коммунистларнинг жавобгарлигини «юмшатиш» маъносида судларга, «таъсир қилишга» заррача бўлса ҳам уринган шахсларни Марказий Комитет партиядан чиқаради. ...Адлия халқ комиссарлигига маълум қилинсинки (копияси губерния партия комитетларига юборилсин), судлар коммунистларни коммунист бўлмаганларга қараганда қаттиқроқ жазолашлари керак» (В. И. Ленин, ТАТ, 62-бет).


Октябрь революциясидан сўнг кўп ўтмай бошланган қаҳатчилик кунларида Совнарком Ишлар бошқарувчиси Ленинга бир челақдан картошка олиши керак бўлган ходимлар рўйхатини тасдиқлаш учун беради. Ленин бу рўйхатни кўздан кечириб, Надежда Константиновнанинг фамилиясини ўчириб ташлайди. Қоғоз четига эса «Крупская Совнаркомда ишламайди» (бу пайтда у РСФСР маориф халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ишларди) деб ёзиб қўяди. Мана сизга ҳалоллик, мана сизга принципиаллик намунаси. Ленин фақат ўзигина ҳалол, принципиал бўлиб қолмай, бошқалардан ҳам шундай бўлишни талаб этарди. У атрофдагиларни мукамал билар, ҳар бир хатти-ҳаракатини синчиклаб кузатарди. У одамларни қай даражада яхши билишини машҳур «Съездга хат»идаги партия арбобларига берган таърифидан ҳам билса бўлади.

Кадрларни танлаганда эса Владимир Ильич аввало кишининг касб малакаси, сиёсий савияси ва ахлоқий фазилатларидан келиб чиқарди. Албатта, мукамал инсон кам, ҳар кимнинг ўзига яраша ижобий ва салбий томонлари бўлади. Ленин биринчи навбатда кадрлардаги ижобий томонларга эътибор беради, шу томонини ривожлантиришга ҳаракат қиларди. У ходим партия Устави талабларини бузса, вазифасини суистеъмол қилса, халқ, давлат мулкани талон-тарож қилса аямаган, қаттиқ жазолаган. Аммо ходим сиёсий хатога йўл қўйса, адашса, уни сабр-тоқат билан тарбиялаган. Шу жиҳатдан доҳийнинг социалистик маданиятимизнинг асосчиларидан бири, ёзувчи, танқидчи, санъатшунос Анатолий Васильевич Луначарскийга муносабати ибратлидир. Маълумки, 1905—07 йиллардаги биринчи рус революцияси енгиланидан кейин, Столипин реакцияси йилларида А. В. Луначарский марксизмни ревизия қилувчилар сафига ўтиб, марксизмнинг фалсафий-назарий ва илмий-тарихий асосларини танқид қилди. Бу даврда А. В. Луначарский катта сиёсий хатоларга йўл қўйди. А. А. Богданов ва бошқа «отзовист»лар билан биргаликда «Вперёд» группасини ташкил этди ва В. И. Ленинга ҳамда ленинча йўлга қарши курашди. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида барча ревизионистларни, шу жумладан Луначарскийни, унинг «марксизмни дин деб эълон қилиш зарурлиги» ҳақидаги идеалистик қарашларини изчил танқид қилди. Айни чоқда Луначарскийга алоҳида муносабат билдириб, у большевиклар сафига албатта қайтиб келади, деб умид билдирди. Вақт В. И. Ленин ҳақ эканлигини кўрсатди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг А. В. Луначарский ўн икки йил РСФСР халқ маорифи комиссари лавозимида ишлади. У маориф ва маданият соҳасида Коммунистик партия сиёсатини амалга ошириб, бу соҳаларни ривожлантириш, маданий ёдгорликларни асраш бўйича катта ишлар қилди. Лекин А. В. Луначарский ўзининг эстетик қарашларида бир қатор хатоларга йўл қўйди. Масалан, у тасвирий санъатда формалистларга қарши етарли даражада қатъият билан курашмади. Ленин ва партия унинг бу хатоларини кўрсатиб, улардан қутилишига ёрдам беришди.

Октябрь революциясини тайёрлаш ва амалга ошириш, совет давлатини тузиш ва мустақамлашда Ленин билан бир сафда бўлган бошқа кишиларни кўз олдимизга келтирайлик: Я. М. Свердлов, М. В. Фрунзе, Ф. Э. Дзержинский, М. И. Калинин, С. М. Киров, Л. Э. Рудзутак, Г. К. Оржоникидзе, В. В. Куйбишев... Буларнинг қайбирини эгаллаган вазифасига нолайиқ эди дея оламиз? Уларнинг барчаси Ленин мактабидан ўтган, революцион кураш оловларида тобланган, чуқур эътиқодли, ҳалол, ўз ишини яхши билган кишилар эди. Шунинг учун ҳам партия ва халқ ўртасида юксак обрў-эътибор қозониб, тарихий шахсларга айландилар.

Баъзилар Ленин — ягона, уни бошқалар билан қиёслаш у қадар тўғри бўлмайди, дейишлари мумкин. Тўғри, Ленин — ягона, инсоният тарихининг ноёб ҳодисаси. Аммо А. В. Луначарский шундай деган экан: «Ҳеч ким Лениндек бўла олмайди, аммо ҳар бир инсон Лениндек бўлишга ҳаракат қилиши керак». Бу жуда тўғри фикрдир. Бу фикрга ҳамма, биринчи навбатда раҳбарлик курсисига ўтирган кишилар амал қилишлари керак.



МАҚСУД ШАЙХЗОДА ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Мақсуд Шайхзода

## «АЛ-БЕРУНИЙ» ДРАМАСИГА ҚАЙДЛАРДАН

«Тахминий бошланмаси»

السیدونگ دار

قىزىلار، فكرات، توشىمى ( )

ماترىيال -

### Биринчи кўриниш

Девонхона. Маъмуншоҳ, аёнлар, замон алломалари. Хорижий ўлкалардан келган кишилар: фаранг, рум, ҳинд, Ғазна, Бағдод халифаси, Миср, Юнон элчилари ўз мавқеларига мувофиқ заррин курсиларда ўтиришибди. Мажлис аҳли кимнидир кутмоқда. Узаро суҳбатлашишмоқда. Маъмуншоҳ гоҳ элчиларга, гоҳ олимларга савол ташлаб, ҳар хил гаплардан гаплашиб ўтирибди.

Эшик оғаси кириб, Маъмуншоҳга таъзим қилиб, дарвозада бир дарвишсифат киши кириш учун изн сўраётганини айтади.

МАЪМУНШОҲ

Кирсин, майли ҳузуримга.

Девонхона эшигидан ичкари қадам қўйган дарвишсифат киши аввал шоҳга, сўнгра ўтирганларга одоб билан таъзим қилгач, тўғри Маъмуншоҳнинг ўнг тарафидаги фахрий ўриндиққа бориб ўтиради. Мажлис аҳли ҳайратда. Узаро пичир-пичир бошланади. Шунда дарвишсифат ўзига таънаомуз қараб турган аёнларга, бир неча элчиларга, ҳар бирининг ўз она тилида шундай дейди:

Таъна қилманг, мен ҳаддимдан ошганимча йўқ,  
Тайинланган ўз ўрнимга келиб ўлтирдим.  
Алломаю аёнлар ҳам бўлсин кўнгил тўқ,  
Мен сизларга халойиқдан туҳфа келтирдим.

МАЪМУНШОҲ

Уламою, фузалою аён, элчилар,  
Мен сизларга танитишга улгуролмаган  
Абу Райҳон ибн Аҳмад Беруний ҳазрат,  
Хоразмнинг ардоқланган улў фарзанди,  
Шуҳрат топган элимизнинг асил дилбанди.  
Тақдир унинг бошин силаб, ардоқламади.  
Кўп юртларни кезмушдур у, сарсон-саргардон,

Аммо, илм хазинасин, хўб топаолган  
Алломаи замонани биз кўп ахтардик,  
Фармон олий билан уни юртга қайтардик.  
У сазовор чандон-чандон иззат-хурматга,  
Тайинланди саройда у олий хизматга.

Мажлис аҳлининг барчаси Берунийга таъзим қилиб, уни  
қутлайди, баъзилар хижолат тортиб ерга қарайди.

#### БЕРУНИЙ

Олампахо Маъмуношоддан кўп миннатдорман,  
Илм бобида эришдигим бу мақоматдан,  
Азиз тупроқ эл қошида кўп бурчдордурман.  
Юртлар кездим жаҳонгашта, юрдим саргардон,  
Аммо умрим соатлари ўтмади бекор.  
Қаъ<sup>1</sup> айланган умматларга не бўлса, даркор,  
Жаҳду жадал этиб доим ўргандим, уқдим,  
Тафаккурга неки келди, китобга битдим.  
Маърифатнинг дарёсидан жавоҳир излаб,  
Маъхазлардан<sup>2</sup>, санадлардан<sup>3</sup> инжулар излаб,

<sup>1</sup> Қаъ — қаттиқ интилиш.

<sup>2</sup> Маъхаз — илк манбалардан.

<sup>3</sup> Санад — энг қадимий, кийик терисига битилган қўлёзмалар.

## «АЛ-БЕРУНИЙ» ДРАМАСИНИНГ ТАҚДИРИ

1963 йилнинг илк баҳорида домла Шайхзода зотилжам билан қаттиқ оғридилар. Апрель ойларига бориб анча соғайиб, оёққа турди. Май байрами арафасида домлани зиёрат қилгани бордим. Узоқ, мириқиб суҳбатлашдик. Гап айланиб Беруний ҳақида ёзаётган драматик асарга тақалди. Шунда домла: «1973 йилда улуғ ҳамюртимизнинг таваллудига 1000 йил тўлади. Бу қутлуғ айёмни иттифоқ миқёсидагина эмас, ЮНЕСКО орқали ҳам жаҳон миқёсида нишонлаш масаласини раҳбар ўртоқларга яна бир бор эслатмоқ даркор...» — деди. Шунда мен Беруний ҳақида бошланган драматик асарнинг тақдирига қизиқдим. Суҳбат сўнгида кетишга рухсат сўрадим. Домла: «Кетмоққа рухсат йўқ. Сездингиз мен толиқдим. Мен бир оз шу ерда (ўзлари ўтирган катда) ётиб дам олай. Ана шу чойшабни устимга ёпиб қўйсангиз (хасталиқдан сўнг домланинг чап қўллари гоҳ-гоҳ мадорсизланиб, ёмон ишлайдиган бўлиб қолган эди) — деди. Айтганларини бажо қилдим. Домла болишга бош қўярканлар. — Беруний ҳақида сўрадингиз. Кабинетга киригиз. Стол устида мовий ранг папка бор. Ушани очиб, танишиб ўтиринг. Саволларингизга янада тўлиқроқ жавоб топарсиз» — деди.

Кабинетга кириб папкани очдим. Қоғозларни бирма-бир варақлай бошладим. Буни қарангки, Беруний ҳақидаги драматик асарнинг қоралама нусхаси битай деб қолган экан. Уқишга берилиб кетдим. Бир вақт Сокина опам кириб, «Мухсинбой, домлангиз чақиряпти» деди. Олдиларига чиқдим. Домла «Папкадаги қоғозлар билан ошнолашдингизми?» — деб сўрадилар. Мен «Домла, асар деярли битибди шекилли» — дедим. Домла: «Эҳ-ҳа, ҳали қаёқда дейсиз. Ҳали қилинажак ишлар ошиб-тошиб ётибди. Сиз танишган нусха бир эскиз холос», — деди. Ушанда мен домланинг рухсатлари билан бошланғич қисмини улгурганимча кўчириб олдим.

Дарҳақиқат, домла 1964—1967 йил аввалларигача, сихатлари ёмонлаша борганлигига қарамай, асар устида тинимсиз ишлади. 1966 йил ноябрда Кремль шифохонасидан қайтгач, орадан сал кун ўтмай, 5 декабрда яна шифохонага тушди. Мен 1967 йилнинг 8 ёки 9 февралда ҳукумат шифохонасига домланинг зиёратларига бордим. Ҳол-аҳвол сўрашиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Шунда кўзим тумбочка усида турган 2 та жигарранг катта дафтарга тушди. Домла қараётганимни сезди шекилли, «Дафтарни бу ёққа олинг» деди. Олиб қўлларига узатдим. «Мана мулла Мухсин, Беруний ҳазрат борасидаги асар ҳам қиёмига етди деса бўлади. Яна устидан бир кўриб чиқиб, машинкага берса бўлади. Насиб бўлса, бир-икки ҳафтадан сўнг уйга кетаман. Бирон ҳафта дам олгач, уни оққа кўчиртирурмиз-да! Сўнг театрда ўқишар... Ҳа, Беруний ҳақидаги драманинг киносценарийси устида ҳам анча-мунча ишлар қилинди. Ишқилиб, бу ниятларини ҳам саҳнада, ҳам экранда кўрмоқ насиб бўлғай!» — деди домла заиф ва хаста овозда. Шунда мен «Домла, ишқилиб эртaroқ отдек бўлиб чиқинг. Майда-чуйда хизматларга Сизни уринтириб қўймасмиз», — дедим. «Бўлма-самчи. Муддао ҳам айнан шундай», — деди домла. Хайрлашиб кетдим.

Таассуфки, домла билан бошқа кўришолмадим. 1967 йилнинг 19 февралда вафот этди. Домланинг адабий меросини ўрганиш комиссиясига масъул котиб қилиб танлангач, мен давтаввал Беруний ҳақидаги асарни кўчиртириб, ишга туширмоқчи бўлдим. Аммо... Уша иккита жигарранг катта дафтар ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам. Исиз йўқолди. Яқинда папкаларим орасидан 1963 йилдаги кўчирма чиқиб қолди.

Устознинг «Ал-Беруний» драмасидан кўчириб олинган парчани, мана бугун, у зоти шариф таваллудининг 80 йиллиги нишонланаётган шу қутлуғ кунларда муҳтарам журналхонлар билан баҳам қўришни лозим топдим.

М. ЗОКИРИЙ  
3 VIII—1988 й.

# براهمة ختة

بدرت (آداب) (صفا تجلیات)

— من من صدمه یازیم ، کوفتیم .

من من یونانیم دما بجزایر نامند آدم دیار .

من من با آزارن یازیم چون عرب کاتبه

من من بر آزار فارسی کتایب آدم آنا تیلیدیم

بسته بندیم

بسته بندیم فزینده طلاقه

تویله ما و ما یازیم بندگی با ...

بدرت (آداب) اما بنگه بنگه میرزا با ...

بدرت کورم کورم کورم کورم ...

تقدیرم کورم کورم کورم کورم ...

(تجربیه ما فخر)

سوره سلین برون ، یازیم کورم کورم !

Аждодларим ҳады этмиш ҳазоин топдим,  
Баҳол қудрат унча-мунча китобат этдим.  
Бироқ қайга ташламасин тақдир шамоли,  
Дилда бўлди ҳамишалик юртим жамоли.  
Азиз Гурганч боғларидан тебратган еллар,  
Мадор берди юрагимга, бут бўлди диллар.  
Баҳамдиллох, она-юртга етишдим яна!  
Она юртнинг жамолидек жамол бормукин?  
Она юртнинг камолидек камол бормукин?  
Алломалар хўб етишди Хоразм элидан,  
Одамларга ҳады этди инжу дилидан.  
Риэзиёт, фалакиёт, илму хандаса,  
Илму нужум, илму тибдан не аъло бўлса,

Хоки покнинг фарзандидур бурро сўзлаган,  
Илму амал уммонидан гавҳар излаган.  
Бу борада сўзлайверсам адо бўлмайди,  
Илму амал тоифаси гадо бўлмайди.

#### МАЪМУНШОҲ

Баҳамдиллоҳ, Хоразмнинг зар тупроғида,  
Не-не зотлар етишмади чаман боғида.  
Ҳар бириси илм бобида Арастуга тенг,  
Биллоҳ, алар нигоҳига жумла жаҳон кенг.  
...Хазинадан неки зарур бўлса, берурмиз,  
Камина ҳам алломага шогирд бўлурмиз.

#### БЕРУНИЙ

Шаҳаншоҳим, лутфингиздан кўп мамнундурман,  
Элу элат қаршисида, бас бурчдордурман.

#### МАЪМУНШОҲ

Жаноби Ҳожиб, ўқинг фармони олийни.

#### ҲОЖИБ

Хоразм давлатида Маъмуншоҳ сўзимиз:  
Алломага тайинлансин ҳовлию боғ антиқа,  
Икки юз минг олтин динор йиллик нафақа.  
Хизматига белгилансин содиқ мулозим,  
Берилгуси бўлса яна биздин на лозим.  
Расадхона қурмоқ учун маблағ берилгай,  
Бу иш учун чора тадбир тезда кўрилгай.  
Боз устига киришилсин хайрли ишга,  
Чорланг улуғ алломалар «Байтул дониш»га.

#### БЕРУНИЙ

Маъмуншоҳга таъзим қилиб

Олампаноҳ, валинеъмат, карамли султон,  
Адолатинг ҳикояти бўлгуси дoston.  
Бу камтарин қулга мунча лутфу иноят,  
Лек, хавфим бор аҳли бўҳтон қилгай шикоят.

#### МАЪМУНШОҲ

Бундай ташвишларга асло ўрин бўлмағай,  
Аҳли бўҳтон орамизга қутқу солмағай.  
Қисинмасдан, қимтинмасдан ишга киришинг,  
Илм офтоби билан зулмат элни ёритинг.  
Фоний умрда қилинажак ишларимиз мўл,  
Хавф солмоқда Хоразмга жазирама чўл.  
Еримиздан азим Жайхун ўтади оқиб,  
Таҳдид солиб қумлар аста келмоқда босиб.  
Бу офатнинг тадорикин ўйламоқ даркор,  
Бамаслаҳат тайинласак бу ишга саркор.  
Ё Беруний, мана, ишлар беҳад, беадад,  
Ночорликдир магар кутсак, фалакдан мадад.

#### БЕРУНИЙ

Таҳликалар, олампаноҳ, айни ҳақиқат,  
Бор гапларни айтай, энди беринг ижозат.  
Маъхазларда битилмишдир қадим ривоят:  
Жайхун окмиш баҳри Хазар<sup>1</sup> сари бетиним,  
Шу туфайли қуриб қолган баҳри Хоразм.<sup>2</sup>  
Шу боисдан қумлар ютмиш кўп қалъаларни,  
Яшнаб турган боғу роғу экинзорларни.  
Ё шаҳаншоҳ, бу ташвишлар — хайрли ташвиш,  
Аслида ҳам кўп серташвиш, мураккаб бу иш.  
Қилғумиздир донишмандлар аро машварат,

<sup>1</sup> Баҳри Хазар — Каспий денгиз қадимий номи.

<sup>2</sup> Баҳри Хоразм — Орол денгизини қадимда шундай деб атаганлар.

Бас, бўлмагай режамизда бирон-бир ғалат.  
Режа битгач етказурмиз олампаҳоға,  
Оқибатда ботмасин деб ҳеч кас гуноҳға.

#### ОЛИЙ АЪЕН

Берунийга саволим бор, ё олампаҳоғ!

#### МАЪМУНШОҲ

Ижозат.

#### ОЛИЙ АЪЕН

Режаларнинг оқибати қандай бўларкин,  
Бу давлатга на даража нафи тегаркин?

#### БЕРУНИЙ

Ҳоиз эмас иш бошлай довруқ солмоқлик,  
Қиёматдан олдин нега ёқа йиртмоқлик.  
Илму амал тарозусига солиб кўрайлик,  
Аждодларнинг тажрибаси мисли хазина,  
Барча ишда билимдонмас фақат бизгина.

Олий аъён маъқул, жавобдан қониқдим, дегандай Маъмуншоҳға таъзим қилади.

#### ИБН СИНО

Тафаккуру сўзларингиз айни ҳақиқат!  
БЕРУНИЙ

Ё Ҳусайн, балли, сўзим айни ҳақиқат!  
Азизларга яна сўзлай фикри ожизим,  
Атрофимиз чўл, биёбон, саҳройи азим.  
Лекин шу чўл, қумликда ҳам ўзга тароват,  
Ҳаёт қайнар, биёбонда ўзга салобат.  
Усти куму, аммо таги беҳад хазина,  
Яширинган тилсимнамо сўнгсиз дафина.  
Топилғуси, шояд, дафиналар калиди,  
Бўлур, ахир, хазина элу юртнинг насиби.

Мажлис аҳлида жонланиш.

#### ИБН СИНО

Ё устозим, сўзларингиз айни каромат,  
Лекин қалбим ичра йўқдир зарра ҳаловат.  
Дунёмизда лиммолимдир зулму залолат,  
Одамларнинг атвориди беҳад адоват.  
Сўғишлардан хунранг оқар азим дарёимиз,  
Бир-бирига қилич тортар, э воҳ бетамиз.  
Билолмасман, кимга тегар тилсим калиди,  
Бўлармикин дафиналар элнинг насиби?  
Қалбим тўла таҳликага, дилда ғалаён,  
Бўлармикин, бу оламда, ҳаргиз альёмон!

#### БЕРУНИЙ

Ё Ҳусайн, башар қалби умид-ла чароғон,  
Ноумидлик шайтонга хос, бўлмас фаровон.

Мажлис аҳлида жонланиш. Ҳар тарафдан маъқуллаш овозлари эшитилади.  
Маъмуншоҳ мамнун тарзда Берунийга қарайди.

#### ҲОЖИБ

Маъмуншоҳнинг ишораси билан  
Машваратга ташриф этмиш аъён, ақобир,  
Алломаю аҳли дониш меҳмони кабир.  
Ал Беруний шарафига боғи Дўшнода —  
Берилажак зиёфатдир сизга мунтазир.

Барча мажлис аҳли боғи Дўшнога чиқади.

Парда



ИККИНЧИ САҲНА  
Кўриниш

Зиёфатдан сўнг Маъмуншоҳ Ҳожиб билан ёлғиз суҳбатда

ҲОЖИБ

Олампаноҳ, сўзлай магар бўлса ижозат?

МАЪМУНШОҲ

Махфий тутма, дилингдаги борини сўзла.

ҲОЖИБ

Алломага шунчалик лутф ортиқчамасми?

МАЪМУНШОҲ

Йўқ, асло, кам дегил, эмасдур ортиқ.  
Берунийдир салтанатнинг шаъну шавкати,  
Алломалик бобидадур чексиз қудрати.  
Кўрсатмоқда у илмда беҳад мўъжиза,  
Ҳанузгача битмишлари уммондан жузъа.  
Шоҳлик, давлат, салтанатлар завол топгуси,  
Қолмас нишон, ер юзидан йитиб кетгуси.  
Абадият насибаси илм, алломанинг  
Тегмас унга касофати ҳеч ҳангоманинг.  
Бу қутлуғ юрт парваришлаб Ал Хоразмийни,  
Кашф айлади жаҳон ичра: «Китоб алжабр»ни.  
Бақоликдан башар аро китобат умри,  
Ёғар ундан наслларга маърифат нури.  
Беруний ҳам ана шундай бақоликка мос,  
Неча-неча авлод унга қилгуси ҳавас.  
Тадқиқлари, битмишлари ўзи бир жаҳон —  
Башарият насли аро ҳеч қолмас пинҳон.  
Олам иши таҳликалик, яхши билурсан,  
Барча фиску фасоддан хўб воқиф эурсан.  
Салтанатда нима кўпдир: иғвогар, бадкор,  
Ичи қора, ҳасадгўю бебок, фирибгар.  
Сирти силлик, ичлари пўк, вайсақ худбинлар,  
Бир-бирининг гўштин евчи қаллоб, бадбинлар.  
Алломага зинҳор-зинҳор етмагай завол,  
Бу улуғвор зоти шариф бўлмагай увол.  
Хизматида бўлсин ҳозир содиқ маҳрамлар,  
Биздан бешак алломага зарур карамлар.

ҲОЖИБ

Бажонидил...


Шу ерда қўлёзма узилиб қолган.

میرزا بقصد شیخ زارر

۱۹۶۵ - ۱۰۶۱

تاکرنت

(حکرت عفا فانی)



Азиз Қаюмов

## УСТОЗ ХОТИРАСИ

Адиб, педагог олим, нотик, олижаноб инсон... боринги, қанча ижобий сифатлар мавжуд бўлса, шуларнинг ҳаммасини ўзида мужассам этган бир зот эди, устоз Мақсуд Шайхзода. Мен бу ажойиб инсон шахсиятининг бой ва мукамаллигини унинг юксак истеъдоди ва жамият ҳаётидаги баланд мавқеи билан мутаносиб деб биламан. Мақсуд Шайхзода билан турли шароитда кўп учрашган, унинг доно ва ибратли фаолияти билан яхши таниш бўлганлардан бири эканимдан мамнунман. Аммо ёшлик, нодонлик туфайли бу мўътабар олим ва адиб билан бўлган ҳар бир воқеани, ҳар бир эшитган сўзимни ўз вақтида алоҳида дафтарга қайд этиб бормаганман. Энди эса узук-юлуқ хотираларни эсга олмоққа, уларни янги авлодга нотўқис равишда етказмоққа тўғри келади. Ҳозирги ёш авлод бизнинг нуқсонимизни ҳам ўзига хулоса қилмоғи керак.

Мақсуд Шайхзода олимлик ва адабликни баравар даражада жойига қўйган бир ижодкор эди.

Мен Шайхзоданинг филология фанлари кандидати даражаси учун диссертация ёқлағанида иштирок этганман. 1948 йил. Илмий кенгаш йиғилиши (Абдулла Тўқай — I) икки қаватли иморатда бўлиб ўтди. Бу бинода ўша йиллари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Президиуми жойлашган эди. Тил ва адабиёт институти ҳам шу иморатда эди. Иккинчи қаватдаги мажлислар залида илмий кенгаш аъзолари жам бўлганлар. Зал одамга лиқ тўла. Биз икки-уч студент ҳам энг орқа қаторда ўлтирар эдик. Диссертантга ўз диссертация мазмунини баён этмоқ учун сўз берилгач, Шайхзода минбарга кўтарилди. Биз уни қарсақлар билан қарши олдик. Бизга кўшилиб барча зал қарсақ чалди. Оппонентларга жавоб сўзи айтганида ҳам зал Шайхзодани қарсақлар билан қувватларди. Ниҳоят мажлисга раислик қилаётган Г. П. Владимиров «Илмий лирикасида оид эди. Шайхзода «Хазойинул маоний»га кирган тўрт девоннинг ҳаммасини ниҳоят диққат билан таҳлил этган. «Бу тўрт девон гарчи умр фасллари билан боғлиқ равишда аталган бўлсада, уларда шоир ҳаётининг турли даврларига оид шеърлари учрайди. Шунинг учун бу тақсимни шартли деб қабул қилмоқ керак. Навоий лирикасини эса унинг «Хазойинул маоний» китобини яхлит асар сифатида қараб таҳлил этмоқ лозим», деган хулосага келган эди. Шундан сўнг диссертацияда Навоий лирик қахрамонининг ички дунёси, унинг чин инсоний гўзаллик шайдоси, олижаноб инсонпарварлик гоёларини зўр куч билан ифодаловчи бир бадий образ экани ёрқин мисолларда кўрсатиб берилган. Шайхзоданинг Навоий ижодини таҳлил ва тарғиб этувдаги хизматлари маълум. Унинг диссертация ёқловидан олдин Навоий ижодига бағишланган «Гениал шоир» мақолалар тўплами босилиб чиққан ва эл ўртасида шухрат топган эди. Шайхзоданинг Навоий ижодига бағишланган кўп мақолалари матбуотда эълон қилинган эди. Ушбу диссертация (машинкада 90 саҳифа) ўзининг мазмундорлиги, Навоий лирикасининг моҳиятини очиб бергани илмий кенгаш томонидан қайд этилди. Кенгаш аъзолари бир оғиздан Шайхзодага филология фанлари кандидати илмий даражасини бермоққа овоз бердилар. Мен асарнинг ҳажмини тасодифан келтириётганим йўқ. Тадқиқотчилар бундан ҳам ибрат олмақлари керак. Диссертация умумий мулоҳазалар билан тўла, сергаплиқдан хомсемиз бўлиб кетган иш бўлмаслиги керак. У яхлит бир мавзуну ҳар томонлама ишлов орқали илмда янгилик бўлган фикр, факт, хулосаларни қисқа баён этса бўлади.

Мавзуну изчил давом эттирмоқ учун энди бир неча йил кейинги воқеаларга ўтаман.

Мен 1961 йилдан 1963 йилгача Ўзбекистон КП Марказий Комитетида фан ва ўқув юртлири бўлими (кейинчалик фан ва маданият бўлими) мудирини бўлиб ишладим. Шунда МК Бюро қарори билан Ўзбекистоннинг бир қанча кўзга кўринган илмий ходимларига докторлик диссертациялари ёқламоқ учун ижодий отпускалар берилди. Шулар қаторида доцент, филология фанлари кандидати Мақсуд Шайхзода ҳам бор эди. Шайхзода Навоийнинг бадий маҳорати бўйича катта тадқиқот иши яратмоққа киришган пайт. Олимнинг билимдонлиги, Навоий ижодига муҳаббати, қобилият ва истеъдоди ҳаммага аён. Аммо, афсуски ана шу докторлик диссертацияси тугалланмай қолди. Бунга маълум даражада Шайхзоданинг саломатлиги ёмонлашгани ҳам сабаб бўлган. Яна унинг ижодий ишлар билан қаттиқ банд бўлгани ҳам (шу пайтларда «Мирзо Улуғбек» пьесаси, «Улуғбек юлдузи» киносценарийси яратилди) инобатга олинмоғи керак. Аммо талантлар ҳалиша ғамхўрликка муҳтож бўлади. Шайхзода ўша пайтда Тошкент педагогика институтида дарс берар эдилар. Агарда Шайхзода бошлаган Навоий ижодига оид докторлик диссертацияси ёқланганда бу ҳам илм-фанга улкан улуш, ҳам Тошкент педагогика институтининг ўша вақтдаги маъмурияти фаолиятида кўзга кўринган самаралардан бири бўлар эди. Чунки Шайхзодада докторлик диссертацияси ёқламоқ ниёти бўлган. Шунга оид бир кичик нохуш лавҳани айтиб ўтмоқчиман.

Мен 1958—1961 йиллари Тил ва адабиёт институтининг директори бўлиб ишлаган пайтимда институтда бир кандидатлик диссертациясига Шайхзодани иккинчи оппонент сифатида чиқмоққа таклиф этдим. Шайхзода домла расмий оппонент сифатида чиқмайман, лекин норасмий оппонент сифатида сўзга чиқиб диссертация юзасидан ўз фикримни айтаман, дедилар, Мен дарҳол йўл қўйган хатоимни англади. Бу хато учун ҳамон ўзимни кечирмайман. Ахир бу одам шунчаки фан кандидати эмас, балки жуда кўп олимларга таълим берган, уларни фан йўлига бошлаган, ўзининг ўлмас илмий-тадқиқотлари билан адабиётшуносларнинг эҳтиром ва эътирофини қозонган олим эди. Биз гоҳо юзаки белгиларга диққат қилиб масаланинг моҳиятидан четланамиз.

Менимча ўша таклиф ноўрин бўлган эди. Аммо шундай нуқулайликлардан бир йўла қутулмоқ учун ҳам Шайхзода докторлик диссертациясига астойдил киришган эди, деб ўйлайман.

Илмий ижод билан бадий ижодни баравар даражада олиб бормоқ жуда мураккаб. Ҳам шоир, ҳам олим бўлмоқни истаганларга қарата Фузулий — «Икки олам мусаххар айламоқ ғоятда мушкулдур» деб огоҳлантирган эди. Яъни илм бир олам, ижод бошқа бир олам, ҳар иккаласини эгалламоқ ғоят қийин иш. Шайхзода ана шу иккала оламни баравар забт этган забардаст олим ва ижодкор эди. Битта мисол: Шайхзоданинг «Фурқат ижоди ҳақида қайдлар» мақоласи фурқатшуносликнинг яхлит ижодий прогаммаси вазифасини ўтайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шайхзода гарчи Тил ва адабиёт институтида ишламаган бўлсалар-да, бу институтининг ҳар бир тадбирида фаол иштирок этар эдилар. 1959 йили Самарқандда Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 50 йиллигига бағишланган илмий сессия ўтказилди. Уни ЎзФА тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ва Самарқанд Давлат Университети уюштирган эди. Шайхзода конференциянинг бошқа қатнашчилари қатори унинг ишида фаол иштирок этди. У марҳум Ҳамид Олимжонни шахсан яхши таниган, билган кишилардан бири. Шунинг учун конференцияда ҳам, ундан кейин баъзи корхоналарда Ҳамид Олимжонга бағишлаб ўтказилган тадбирларда ҳам Шайхзода шоир тўғрисида кўп илҳомли сўзлар айтди, унинг ўзбек адабиёти, маданияти равнақиға киритган улушлари тўғрисида ҳаяжонланиб гапирди. Ҳ. Олимжоннинг бевақт ва ёш сўлган ҳаёти ҳаммада қаттиқ таассуф уйғотар эди. Шуни юмшатиш учун бўлса керак Шайхзоданинг бундай мазмунда бир сўз айтганлари эсимда: «Ўзбек адабиёти тарихига Ҳ. Олимжон ёш, навқирон, кучга тўла бир образ сифатида кирди ва шундай бўлиб абадий қолади. Ҳеч ким уни кексайган, сочлари оқарган, букчайиб, қариб қартайган ҳолда тасаввур этолмайди. У йигитлик бардамлиги, ёшлик навқиронлигининг тимсоли бўлиб яшайди».

Мақсуд Шайхзода ўзбек совет адабиёти ва адабиётшунослигининг пешқадам арбобларидан бири сифатида танилган ва эътироф қозонган. Унинг ўзбек диёрига, ўзбек халқига муҳаббати чексиз эди. Унинг «Ўзига беклик ўзбекка одат» ёки «Тошкентнома», «Ўзбекистон» каби жуда кўп асарлари бунинг яққол гувоҳидир. Аммо Шайхзодани яқиндан билган ҳар бир киши унинг ўз она юрти Озарбайжонни, туғилиб ўсган, болалик йиллари кечган қадрдон Кура дарёси соҳилларини нақадар азиз тутганини жуда яхши билади. Шайхзода ўзлиги, ўз Ватанини унутган, она тили, адабиётини ёддан чиқарган, аралашиб, ўзгариб кетган шахс эмас. Зинҳор шундай эмас эди.

1958 йили Ўзбекистон жамоатчилиги Шайхзоданинг туғилганига 50 йил тўлганини нишонлади. Тошкентдаги 1 Май кўчаси 20-уйдаги иморатда жойлашган Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг мажлислар залида тантанали йиғилиш бўлди. Табрик сўзлари айтилди. Шайхзодага сўз берилганида у барча мажлис ахлига миннатдорлик изҳор этди. Шундан кейин «Тошкентнома»дан бир парча ўқиб берди. Унда шоирнинг ўз туғилиб ўсган ерлари, она юртига муҳаббати илҳомли мисраларда ифода этилган эди. Аини замонда Шайхзода Ўзбекистонда ўзининг камол топгани, элу юрт учун соф дил билан хизмат қилиб обрў қозонганини; «Бири шеъримизнинг ўтли юраги, бири наср уйининг баланд тираги» бўлган Ғафур Фулом, Ойбек сингари улғу адиблар билан дўстлашгани учун тақдирдан миннатдорлигини изҳор қилган эди.

Мажлисдан сўнг эртаси куни «Правда Востока» кўчасидаги ресторанда катта зиёфат берди. Унда Озарбайжон торчилари мусика чертдилар. Озарбайжон кўшиқлари янгради. Озарбайжон таомлари тортилди.

Мақсуд Шайхзоданинг ҳаёт йўли, ижодиёти, турмуши Озарбайжон ва ўзбек халқлари ўртасидаги бирдамлик, биродарликнинг тимсолидир. У социалистик воқелик вужудга келтирган халқлар дўсталигининг яққол бир нишонасидир.

Мен юқорида ҳар бир талант ғамхўрликка муҳтож экани тўғрисида айтиб ўтдим.

Адиб ва олим Мақсуд Шайхзода Ўзбекистон Коммунистик партия ташкилотининг тарбияси ва ғамхўрлиги остида шаклланди ва камол топди. Бу ғамхўрликнинг тирик намунаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига 1937—1950 йиллари бошчилик қилган Усмон Юсуповнинг Шайхзодага нисбатан тутган йўлида аниқ кўринади. Усмон ота талантли кишиларни жондан севар эдилар. У кишининг Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Чархйй, Жўраҳон Султонов, Тўхтасин Жалилов ва бошқа жуда кўп адабиёт ва санъат арбобларига муҳаббати бутун элга ошкор эди. 1946 йили Ўзбекистон Ёзувчилар союзи катта йиғилиш ўтказди. У ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги қарорига бағишланган эди. Мен у вақтда студент бўлсам ҳам адабиётга оид бирор тадбирни қанда қилмас эдим. Шунинг учун ҳозирги Ёзувчилар союзининг мажлислар залида (Пушкин 1. У вақтда бу бинода Тошкент горьком жойлашган эди.) бир чеккада ўлтириб шу йиғилишда қатнашганман. Кўп ёзувчилар сўзга чиқдилар, бир-бирларини танқид қилиб гапирдилар. Музокара асносида залга УзКП Марказий Комитетининг биринчи секретари У. Ю. Юсупов савлат билан кириб келдилар ва Президиумдан жой олдилар. Залда бир жонланиш бўлди. Усмон Юсуповида сўзга чиққанларга луқма ташлаб туриш одатлари бор эди. УзКП Марказий Комитетининг секретари М. Ф. Ваҳобов якуновчи сўз сўзлаётганларида У. Ю. Юсупов у кишига ҳам бир-икки луқма ташладилар. Ниҳоят, «кел мен гапириб қўя қолай» деб ўринларидан турдилар. Залда қарсақлар бўлиб кетди. Ҳамма курсисини олдинга сурди. М. Ф. Ваҳобов қорозларини йиғиштириб минбардан тушдилар. У. Ю. Юсупов 2,5 соат гапирдилар. Кўп масалалар қатори у киши пешқадам ёзувчиларнинг ижодига бирма-бир, ҳар бирининг номини айтиб баҳо бериб чиқдилар. Бу баҳоларга биров қўшилмаслиги мумкин. Лекин У. Ю. Юсуповнинг ўша ёзувчиларнинг асарларидан бохабар экани, уларга ўз муносабатини аниқлаб олгани шундан аён кўриниб турар эди. Шунда

У. Юсупов Шайхзода ижодига жуда юксак баҳо бердилар. Унинг ижодкорлик қобилияти ўткир, таланти ёрқин эканлигини айтдилар. Унинг ижодиёти тўғрисида бирорта танқидий гап айтмай, фақат баланд таърифдан иборат гаплар изҳор қилдилар.

**Ўзгаларнинг олдида сен менга парво**

**қилма кўп**

**Менга парвою аларнинг кайфи яғмо бўлмасин.**

**(С. Абдулло)**

Катта раҳбарнинг очиқ муҳаббати кўпларда ҳасад ва рашк уйғотиши турган гап. Шундоқ ҳам талантнинг душмани кўп. 1950 йили У. Ю. Юсупов СССР пахтачилик министри қилиб тайинландилар ва Москвага ишга ўтдилар. Кўп ўтмай Шайхзода асарларида миллатчилик руҳи топилган бўлдию шоир қамоққа олинди. Бу вақтда ижтимоий адолатсизлик авж олган эди. Биргина Шайхзода эмас, балки кўп бошқа ёзувчилар ҳам шундай қисматга мубтало бўлган эдилар. 1953 йил У. Ю. Юсупов Ўзбекистонга ишга қайтдилар. У киши Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси этиб тайинланган эдилар. Бу лавозимда У. Ю. Юсупов 1954 йилгача ишладилар. Сўнг у кишини лавозимидан бўшатиб, Мирзачўлнинг 4-Боёвут совхозига ишга жўнатишди. У. Ю. Юсуповни Министрлар Советининг раиси вазифасидан бўшатишаётганда унга бир қанча «айблар» қўйилган эди. Шулар қаторида «Миллатчи Шайхзодани қамоқдан чиқариб олгани» ҳам бор эди. Кейинчалик Усмон ота Юсупов Янгийўлдаги «Халқобод» агросаноат бирлашмасида директор бўлиб турган пайтларида бизга шу воқеани айтиб берган эдилар. (Мен у вақтда Госкино раиси эдим. Уша бирлашма ерида кинотеатр қурмоқда эдик). Усмон отага бу «айб» қўйилганда, у киши айтганларки, республика прокурори айтсин, Шайхзода нега қамоқдан озод қилинган? Прокурор жавоб берган: «Ҳеч қандай айби бўлмагани учун озод қилинган» («Освобожден из-за отсутствия состава преступления»). Бу гаплар КПСС XX съезидан олдин бўлган гаплар. Ҳақиқат ва адолатни, талантни ҳимоя қилмоқ учун қанчалар жасорат керак эди у вақтларда. У. Ю. Юсуповда бундай жасорат керагича бор эди.

1966 йил май ойида Тошкент ер қириқлашидан сўнг икки ҳафта ўтар-ўтмас Янгийўлда Усмон ота Юсупов 66 ёшда дунёдан ўтдилар. Мақсуд Шайхзода отанинг маъракасида бошидан охиригача бўлди. Усмон отанинг рафиқалари Юлия Леонидовна Степаненко Мақсуд Шайхзоданинг таъзия сўзларини тинглагач, унга Усмон отанинг Шайхзодага муҳаббат ва ҳурматини эслатдилар ва ундан ўз сихат-саломатлигини эҳтиёт қилмоқни сўрадилар. Мен шу суҳбатда иштирок этганман. Шайхзода ўзининг Усмон ота Юсупов вафотига битган марсия шеърини ўша кун Янгийўлдаги боғда (Ҳозирги У. Ю. Юсупов музейи) Қаркулдак сойига қараган шийпонда ўлтириб ёзганлар. Орадан кўп ўтмади. 1967 йили Мақсуд Шайхзода ҳам дунёдан ўтдилар. Ҳозир ҳар иккала дўст Тошкентдаги Чигатоё қабристонига ўз оромгоҳларида ётишибди. Юлия Леонидовнанинг хоки ҳам ўша ерда.

Устоз Мақсуд Шайхзода тўғрисида хотираларни мен бу ғамгин лавҳалар билан тугатмоқни истамас эдим. Чунки у киши ҳамиша олижаноблик, ижод ва фаол ҳаёт тимсоли эдилар. Мен 1944 йил ноябрдан то вафотларигача кўп вақт устоз Шайхзода суҳбатига мушарраф бўлганман. Ҳеч қачон у кишидан бирор одам тўғрисида ёмон гап эшитмаганман. Ҳамиша хайр, яхшилик, ижод тўғрисида фикр қилар, сўзлар эдилар. Бирор марта ҳасрат, надомат сўзлари у кишидан чиқмаган. Ҳатто ноҳақ айбланиб қамалгач, ундан озод бўлиб келганларидан сўнг ҳам бирор мартаба бировга нисбатан таъна, ўч йўлидан бормадилар. Бундай хислатларни у киши тубанлик деб билар ва улاردан қаттиқ ҳазар қилар эдилар. Ҳамиша фикрлари ижод, эзгулик ташвиқи билан банд эди. Ижодий режалари кўп эди. «Улуғбек юлдузи» киносценарийсини тугатгач, Абу Райҳон Беруний тўғрисида киносценарий ёзмоқ ниятларидан хабарим бор. Эҳтимол Навоий ижодиёти тўғрисидаги тадқиқотларини ҳам киши билмас ёзаётган эдилар...

Устозлар хотираси ҳамиша муқаддас. Аммо янги авлод улар хотирасига ҳурматни ўзининг амалий ишлари билан намоян этсин. Устозлар иши ўзининг муносиб давомчиларини топмоғи керак.

**Азиз Абдураззоқ**

## **БИР КУНИ**

(Ёдда қолган ҳангомалардан)

Бу ҳангомалар кадрдон ва меҳрибон устозимиз, буюк инсон Мақсуд Шайхзода ҳаёти билан боғлиқ айрим лавҳалар. Маълумки, буюк одамларнинг шахси, шахсий ҳаёти уни таниган ва тан олган барча кишиларни қизиқтиради. Жумладан, мени ҳам жуда қизиқтиради. Шунинг учун бу узук-юлуқ кичик лавҳаларни журналхонларга тақдим этмоқчиман.

### **НАҒМА БИЛАН МУШКИ АНБАР**

Одам қанчалик буюк бўлса, шунчалик камтар, хокисор бўлиши қадимдан барчага аён. Шайхзода, Миртемир, Ҳабибий, Чархий домлалар шунақа олижаноб тоифадан эдилар. Улар кичкина болага ҳам иш буюрмаган, бирор кимсага оғирлиги тушмаган, ерни ҳам авайлаб босадиган, бехос-

дан биронта чумолини ўлдириб қўйишдан хавотирланиб, оёқ остига қараб юрадиган азиз-авлиёлардан эдилар.

Шайхзода домла кўпчиликнинг ичига тушиб қолганида хурраги одамларни безовта қилишини ўйлаб, жуда оз ухлашга, иложи бўлса ухламасликка ҳаракат қилар эди. Москвада ўқиб юрган кезларимда ҳам у кишининг шунга ўхшаган бир ҳолатини кузатган эдим. Зиёрат учун меҳмонхонага борсам, бир ўзлари икки кишилик хонани банд қилиб олибдилар.

— Яхши бўлибди, домла, ҳеч ким халал бермайди, бемалол ишлашингиз мумкин, — дедим мен.

— Менга-ку ҳеч ким халал бермайди, — дедилар Мақсуд муаллим. — Бироқ бу ерда ҳам-хонам бўлса, унга мен халал берар эдим. Ахир менда хуррак масалалари юксак савияда-ку.

Уша кезларда шоир Шукрулло акамиз ҳам Москвада эканлар. У киши бир куни кечки пайт Шайхзода домлага телефон қилибдилар. Буни Шукрулло ака ўзлари айтиб берган эдилар:

— «Телефон қилсам, Шайх ака трубкани олиб:

— Лаббай! — дедилар.

— Ассалом алайкум, Шайх ака, мен Шукрулломан, — дедим.

— Ҳа Шукруллохон, ўзларидан сўрасак? — дедилар.

— Шайх ака, бир ўзингиз икки кишилик номерни банд қилиб олибсиз, ҳойнаҳой зерикиб ётгандирсиз, — деб гапни узоқдан бошладим.

Шайх ака ниятимга тушуниб қолдилар шекилли:

— Йўқ, йўқ, Шукруллохон, зерикишга вақт йўқ, ишляяпман, мутолаа қиялпман, — дедилар. — Барибир зерикасиз, ҳадеб ишлайвермайсиз-ку, — дедим мен. Кейин мақсадга ўтдим. — Домла, мен борсам, бирга турсак, қалай бўларкин? Йўқ деманг, илтимос...

— Майли-ку, хуррак масалаларига қалайсиз? — деб сўрадилар.

Мен «хуррак»ни «хўрак» деб тушунибман.

— Овқатдан ташвиш тортманг, домла, — дедим мен. — Қорним тўқ. Ҳозир бораману ётаман.

Хуллас, бордим эрталабгача ухломмадим. Чунки Шайх ака кечаси мириқиб ухламас экан. Бош томонидаги тумба устида турган стол лампаси гоҳ ёниб, гоҳ ўчади. Тумбанинг устида чирғодан бошқа яна газеталар, журналлар, папирос, кулдон, гугурт, термосда чой, Шайх ака кечаси бир неча марта уйғонар экан. Ҳар гал уйғонганида чойдан ичиб, папирос чекиб, ётган жойида газета ё журнал варақлар экан. Ухлаганда бўлса роса хуррак отиб тинчлик бермади. Бир маҳал газетани юзига ёпганича ухлаб қолибди. Ана энди хурракни эшитсанг. Ҳар нафас чиқарганида юзидаги газета ўн беш-йигирма сантиметр кўтарилиб, варракдай дариллайди. Жуда бўлмаса газетани бу ёққа олиб қўйя дедим. Секин ўрнимдан турдим. Оёқ учиде юриб бориб, газетани икки ёғидан бармоқ учиде ушлаб, секин олаётсам, Шайх ака уйғониб:

— Ҳа, Шукруллохон, ўзларидан сўрасак? — дейдилар».

Бу воқеа ҳақида Мақсуд муаллимдан сўрасам:

— Рост, бўлган воқеа, — дедилар домла ва кулиб-кулиб ҳикоя қилиб бердилар.

— «Шукрулло акангиз керак вақтида ширинсуханликни ҳам қотирадилар. Ушанда менга занг қилганида:

— Шукруллохон, мен хуррак отаман-ку, — десам:

— Хуррагингиз мен учун бир нағма-да, — деди.

— Кечирасизу оёғим терлайди... Биласиз, тер ҳиди яхши бўлмайди...

— Ҳа, у биз учун бир мушк анбардир, — деди.

Шундай қилиб бир неча кун мен уни ухлатмадим, у мени ишлатмади».

## ЛИБОС ВА МАЗМУН

1966 йил ёзида Дўрмондаги ижод уйида эканимда мен Ёзувчилар союзида адабий маслаҳатчи эдим. Кунора ишга қатнар эдим. Бир куни эрталаб ишга кетаётганимда Толиб Йўлдош:

— Кечқурун бир шиша вино олиб кел, — деб тайинлади.

Ишдан кейин Маданият министрлигининг чойхонаси ёнидаги дўкonga кирдим. У ерда ҳам мудар, ҳам сотувчи бўлган Незматжон ака мени илиқ кутиб олди. Саломлашиб, икки сўм узатдим.

— Ҳа, виноми? — деди.

— Ҳа, вино.

— Кимга? Толиб акангизгами?

— Ҳа, Толиб акага.

— Заҳарни ичсин Толиб акангиз! — деди у астойдил аччиғланиб.

Кейин коньякдан бўшаган бир шишага пахта ёғи қуйиб, оғзини капрон қопқоқ билан бекитди-да, қоғозга ўраб қўлимга берди.

— Мана шуни олиб бориб беринг Толиб акангизга, — деди у. — Картошка қовуриб, болачақаси билан еса, илҳоми келади. Незмат акамдан совға денг, пул керак эмас.

— Мана, ака, вино деган эдингиз, бира тўла коньяк олиб келдим, — дедим кечқурун Толиб акага ёғни тутқазиб.

Кечки пайт кун ботгандан кейин липа тагида кўпчилик бўлиб ўлтирган эдик. Толиб ака ҳам келиб бизга қўшилди. Ёнимда бир оз ўтириб, кейин фақат менга эшиттириб шипшиди:

— Ҳалигини бир нима қилайлик.

Мен дарров тушундимки, ёғни коньяк десам ишонибди. Биргалашиб туриб кетдик. Ариқдан ҳалиги шисани олди. Ушлаб кўрди.

— Мана, муздек бўлибди. Сен ҳам ушлаб кўр.

Мен кулиб юбордим. Кейин воқеани тушунтириб бердик. Толиб ака магазинчидан ҳам, мендан ҳам ранжиди. Бўшашиб шисани очди.

— Ҳа, ростидан ҳам ёғ экан, — деди кафтига озроқ томизиб, ҳидлаб кўраркан. — Мен қаёқдан билай, — деди сўнг ўксик овозда. — Бунақасини умримда ичиб кўрмаган бўлсам... Устидаги чирой-

ли ёзувини кўриб, ўшанга учибман. Аслида бу шишанг ҳам баъзи усти ялтироқ, ичи қалтироқ олиф-таларга ўхшар экан.

— Ҳа, балли! — дедим мен. — Одамга кийимига қараб баҳо бериб бўлмайди. Либос бошқа, мазмун бошқа.

Эртаси эрталаб нонуштадан кейин Шайхзода домла мени, Султон Қўқонбековни четга чақириб, ҳеч ким йўқ ерда қўлимга иккита ўн сўмлик бердилар.

— Кеча Толибжонни бирозгина ранжитиб қўйибсизлар, — дедилар гўё Султон ака ҳам айбдордай. — Бугун хурсанд қилинглар.

Биз пулни ўша замони нарироқда сигарета чекиб турган Толиб Йўлдошга элтиб бердик. Мана шунақа олижаноб инсонлардан эди бизнинг Мақсуд муаллим.

## САРФ

Кимни-ки йўқотамиз, қадри кейинроқ билинади. Кейин юрагимизни армон кемиради. «Балки», «кошки», «эхтимол» деган сўзларни алам билан тез-тез ишлатамиз.

Шундай қилиб Мақсуд Шайхзодани ҳам муддатидан анча илгари тупроққа топшириб қўйдик. Олтмиш ёшга етиб боролмади. У киши оғир ётганида ҳар ким ҳар хил фикр юритди.

— Шайх акани йўқотса, фақат катта шоирни эмас, балки катта забардаст олимни ҳам йўқотган бўламиз, — деган эди Шўхрат ака.

Бошқа бир ўзбек шоири — ўта даражада истеъдодсиз, дилозор, худбин кимса домланинг касаллиги ҳақида русчалаб ўзича «диагноз» қўйди:

— Это результат бурной молодости.

— Шайхзода домла ўзини тез сарф қилиб қўйди, — деди кимдир.

Бу гапда жон бор эди. Мақсуд муаллим ҳеч вақт жонини ҳам, молини ҳам аямади, аёвсиз сарф этди. Саховатни ҳам, меҳру муҳаббатни ҳам, шукроналиқни ҳам, ҳазил-мутойибани ҳам (албатта беғубор, ёқимли ҳазилни), қўйингчи табиат тўхфа этган буюк одамийликни беҳад-беадад сарфлади, хайрли йўлга ишлатди. Бу — мардлик, чинакам инсоний тантилик эди. Устознинг шунақанги тантилигини, дилбарлигини кўп марта кўрганман, эшитганман. Мана ўша кўрганларимдан, эшитганларимдан айримлари:

Домланинг энг яхши кўрган кўчаларидан бири — Навоий кўчасида икковимиз — устозу шоғирд сўхбатлашиб кетаётган эдик. Ўрдага етганимизда афти ангорю усти-бошига қараб бўлмайдиган ўликнусха жирканч бир дайди йўлимизни тўсди:

— Ака, беш тийин бер, — деди Шайх акага кафтини чўзиб.

Домла уч сўм бердилар. Кутилмаган бу омаддан эсанкираб қолган тиланчи эгилиб-букилиб ташаккур айтди, дуо қилди. Шу пайт Мақсуд муаллимнинг юзида ўтакетган жиддийлик, ҳалиги дайдига ачиниб аломати пайдо бўлди. Гапимиз узилиб қолиб, индамай кетавердик. Сал юргангимиздан кейин:

— Бу лавнати ичади-да! — дедилар домла афсус билан.

— Нега бўлмаса пул бердингиз? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Майли, ичин-да! — дедилар домла.

Бу гапда адойи тамом бўлган, энди қадимги аслига қайтолмайдиган аянчли аҳволдаги бир кимсага нисбатан шафқат оҳанги бор эди.

Мақсуд муаллим шунақанги олижаноблардан эди. Ҳатто ёвузлик қилган инсонларга ҳам заррача ёмонликни раво кўрмас эди (ўч олиш ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас). Ушандоқ ёвузлардан бири домланинг доимий улфати эди, бир неча йиллаб кўзининг ёғини еганди. Айтишларига қараганда уни Мақсуд муаллимнинг бир гуруҳ шоғирдлари — аспирант йигитлар оломон қилиб, қон чикмас жойига урган эканлар. Мен ўша кимса ҳақида савол бердим:

— Шу гап тўғрими? Чиндан ҳам ўша одам Сизга ёвузлик қилганми?

Мақсуд муаллимдан ғалати, Мақсудона жавоб олдим:

— Йўқ, Абдураззоқ акамнинг ўғиллари, у бечора бутунлай айбдор эмас. Менга ёмонлик қилган бўлса ночорликдан, балойи нафснинг буйруғи билан қилган. Қўйинг, бошқа гап-лашайлик.

Мана шунақа кечиримлик одам эди бизнинг Мақсуд муаллим. Бироқ ҳаммани ҳам кечиравермас эди. Ёвузликни, ҳақоратни интиҳосига етказиб қўйган бир баттол бор эди. Домла уни кечиролмай ўтиб кетди... Муаллимнинг вафоти ҳақида эшитганимда чиройлик қор ёғиб турган қиш оқшоми шоми ғарибон бўлиб қолди. Аввалига ишонгим келмади. Кейин шу гапнинг чин ёки ёлғонлигини билиш учун шошиб қолганимдан ҳалиги баттолга қўнғироқ қилибман (у домлага қўшни турар эди).

— Тўғри бўлганда қандоқки, — деди у. — Улимни ҳазил деб ўйламанг.

Мен нима дейишимни билмай, трубкани қўймасдан гапнинг давомини кутдим.

— Ҳаммадан ҳам менга қийин бўлди, — деди баттол. — Таъзиянома ёзишни менга топширишган эди. Ярим кун вақт сарфлаб ёздим. Ҳозиргина тугатиб, редакцияга жўнатдим. Энди дам олсаммикан деб турган эдим...

...Яна бир баттол бор эди. Исми ношарифи Владимир Мильчаков эди. Вой-вой у нобакорнинг бошимизга ёғдирган фалокатлари!.. Сиз сўраманг, мен айтмай дейман-у тил қурғур қичиб турса нима қилай?..

Шу десангиз одам қуриб қолгандай ўша касофат кимса Ёзувчилар союзига партия ташкилотининг секретари эди. Шайхзода домла ва яна не-не даҳо устозларимиз бошига кўп фалокатларни ёғдирган, домлани қаматиб қутилган ваҳшийлардан бири эди. Охир-оқибат Абдулла Қаҳҳор домла уни жаллод деб эълон қилгандан кейин Ўзбекистондан бадарға бўлиб Россиянинг қанча-қанча бурчакларига бориб паноҳ излаб юрди. Заковатли рус ёзувчилари унинг қилмишларини билганлари учун паноҳ бермадилар. Ниҳоят Тулага бориб бир амаллаб жойлашиб қолди. Жойлашдию кўп ўтмай ҳам кўр, ҳам шол бўлиб ётиб, тўнғиз қавмида кетди.

У оғир ётганида Тошкентдаги ижодкор рус ўртоқларини «энди қалайсан?» деган мазмунда телеграмма юбормоқчи бўлишди.

— Йўқ, — дедим мен. — Худо уриб кўйганни биз ҳам тепкиламайлик. Ҳозирги тортаётган азобининг ўзи буюк жазо.

Кечиришни Мақсуд муаллимдан ўрганган эдик-да.

\* \* \*

Яна сарф борасида:

1961 йил. Декабрнинг охирлари. Янги йил харажатлари учун озроқ пул олай деб Карл Маркс кўчасидаги гастроном ёнида жойлашган омонат кассага кирдим (Ҳозир у ерда «Зарафшон» ресторани жойлашган). Керакли пулни олдим у чўнтагимга солиб улгурмасимдан:

— Уэларидан сўрасак, Абдураззоқ акамнинг ўғиллари? — деган таниш овозни эшитдим. Угирилиб қараб Мақсуд муаллимни кўрдим. Кайфияти яхшилиги, кўтаринки руҳда эканлиги шундоққина билиниб турар эди.

— Ваалайкум ассалом, мулла Абдураззоқ акамнинг мулла ўғиллари! — деди у киши саломимга алик олиб кўришаркан.

Кейин домла оғиз очгани кўймай, табрик сўзларини қалаштириб ташладилар:

— Келаётган янги йиллари муборак бўлсин! — дедилар кўлимдаги пулга ишора қилиб ва ниҳоят:

— Янги папаха муборак бўлсин! — дедилар бошимга қараб.

— Тўғри келганини олавердим, домла, — дедим мен. — Бошқача рангдагиси йўқ экан.

— Йўқ, яхши. Ранги айнан галстугингизнинг рангига паққос мос. Энди тўхтаб туринг, мен майда пул олай. Бирга кетамиз. Бирор жойда овқат еймиз.

У киши шундай деб, омонат касса ходимлари билан куюқ саломлашдилар, уларни ҳам келаётган янги йил билан табриклаб бахт-саодат тиладилар. Керакли пулни олиб (албатта санамасдан олиб), ундан йигирма сўмни кассир аёлга бериб тайинладилар:

— Мана шу пулга янги йилда етти шиша шампан ёки саксон шиша пиво, ё бўлмаса тўрт юз шиша Тошкент суви олиб ичинглар. Агар ҳаммангиз ҳам ичмайдиган бўлсангиз, икки юз стакан семичка олиб қақинглар.

Кўчага чиқишимиз билан:

— Пул бизларга сарф учун берилганда, Абдураззоқ акамнинг ўғиллари, — дедилар. — Ахир бу бечоралар кечгача пул санайди, қўли тузукроқ пул кўрмайди. Умуман, бизга хизмат қилган одамларга яхшилик қилишимиз керак.

Кейинчалик омонат касса ходимларидан бирининг гапига қараганда Мақсуд муаллим уларга ҳар байрам арафасида мана шунақа «ҳайитлик» берар эканлар. Юз-икки юз сўмлар берган вақтлари ҳам бўлган экан. Нашриётлардан қалам ҳақи олганларида ҳам шунақа сахийлик қилар эканлар. Бунинг устига олган пулларини ҳеч вақт санамас эканлар.

Пулни санамоқ кассирни ҳақорат қилмоқдир, — деган эканлар шогирдлардан бирига.

Буни билган кассир хонимлардан баъзилари домлага бериладиган бир бойлам пулдан бир қоғозини олдинроқ суғуриб олиб қўяр экан.

Мақсуд муаллим, ҳатто у кишига бирор марта хизмат қилмаган, фойдаси тегмаган ва тегмайдиган қанчадан-қанча одамларга; бева-бечораларга, етим-есирларга жуда кўп, беҳисоб моддий ёрдам берганлар. Яна шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, Шайхзода домланинг марҳаматидан баҳраманд бўлганлар ҳар турли миллатларнинг вакиллари эди. Устозимиз фақат буюк шоир ва буюк олимгина эмас, балки буюк интернационалист ҳам эди. Ҳозир, шу муносабат билан яна бир воқеа эсимга тушди:

Фарғонанинг истироҳат боғларида янги ошхоналар бор. Уша ошхоналардан бирида Катан исмли ажойиб бош ошпаз бўлар эди. Узи бухорий яхудийлардан бўлган бу одам фарғоналиклардай шинаванда, меҳмоннавоз эди. Шоирларни, ёзувчиларни яхши кўрар, Адҳам Ҳамдам билан қалин эди, икковлари ҳазилкаш эдилар. Умуман, Адҳам ака Фарғонадаги ҳамма яхудийлар билан дўст, иттифоқ. «Мен яхудийман», — деб яхудийча гаплашиб, анча-мунчасини ишонтирган у фарғоналик афандимиз.

— Бизнинг тўғримизга ҳеч шоир ёзмади-ёзмади, — дебди бир кун Катан Адҳам акага. — Охир ўзингиз катта шоирсиз, бир шеър ёзинг. Неужели ошпазни ёзиб бўлмаса? Ўзингиз биласиз, ишимиз оғир, нозик...

Бу илтимосни ошпаз бир неча марта қайтариб, Адҳам аканинг эсига солаверибди. Ахйри ўша ошхонада улфати чор гурунглашиб ўтиришганда ҳазилкашлардан бири:

— Жилла бўлмаса тўрт қатор тўқинг, бечора хурсанд бўлсин, — дебди.

— Тўқинг, Адҳам ака, — дебди иккинчи шинаванда ҳам. — Биласизки, бу ошпаз шеърни тўшунмайди. Ичида «Катан» деган сўз бўлса бас-да.

Адҳам ака қараса бўлмайдиган. Уйлаб туриб, Катаннинг ҳам ошпазлиги, ҳам пивофурушлигига ишора тарзида (Катан пиво билан ҳам савдо қилган экан) тўрт сатр шеър тўқибди. Уни аввал улфатларига шивирлаб ўқиб берибди. Кейин Катанни чақириб, бутун ошхонага эшиттириб ўқибди:

**Ош бузилди, шовла бўлди,  
Қай авлиё қилди нафас!  
Сув қўшар ғирром деганда  
Битта Катан бўлса бас.**

Адҳам ака шеърни ўқиб бўлиши билан:

— Қойил! — дебди Катан. — Қўлни ташланг! — Адҳам аканинг кафтига кафти билан шарақ этиб уриб: — Бор экан-ку ҳақиқат! — дебди астойдил. Ана ўша пайтда ошхонадаги столларда давра қуриб ўлтирган серзавқ фарғоналикларнинг гуриллаган кулгиларини, қийқириқларини бир тасаввур қилинг-а.

1961 йил ёзида бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари Тошкентдан Фарғонага боришади. Адҳам

Ҳамдам уларни Катаннинг ошхонасига олиб боради. Бош ошпаз хурсанд бўлиб, елиб-югуриб хизмат қилади, меҳмонларни тотли таомлар, аъло навли ичимликлар билан сийлайди. Ултириш сўнгида Шайхзода домла ҳамма ёзувчилар номидан Катанга миннатдорчилик билдириб:

— Шу бугун, шу соат, шу дақиқадан бошлаб шу ернинг номи Катанобод бўлсин! — дейди-лар.

1962 йил февралда Миртемир домла, Саид Аҳмад ва камина уччовлон Фарғонага борганимизда Адҳам ака шу воқеани ҳикоя қилиб бериб:

— Уша жойнинг номи Катанобод бўлиб кетди, — деди.

Буни Шайхзода домланинг ёдига солганимизда:

— Мезбоннинг тузини оқламоқ меҳмоннинг бурчидир, — деган эдилар.

Мана шунақа тенги йўқ олижаноб инсон эди бизнинг Мақсуд муаллим. Одамларга яхшилик қилишни, одамларни хурсанд қилишни ўзи учун шарафли бурч деб билар эдилар. Кўпинча учрашиб қолганимизда:

— Овқат еймизми? — деб сўрар эдилар.

У кишининг мақсади бизни меҳмон қилиб, кўнглимизни хушнуд этиш эди. Айтишларига қараганда Шайх ака институтда домлалик даврларида ўз талабаларини кўп марта меҳмон қилган эканлар. Ҳатто баъзан зиёфат сўнгида ўша кунни олган маошларини ҳамма талабаларга баробар тақсимлаб берган вақтлари кўп бўлган экан. Домланинг саҳийлиги ҳақидаги бунақа гаплар, айниқса у кишининг вафотидан кейин давраларда худди ривоятлардай такрорланадиган бўлиб қолди. Ушандоқ ривоятнома воқеалардан ёдимда бор баъзиларини қоғозга тушираман.

Биринчи воқеа:

Мақсуд муаллим институтда домла вақтида моддий қийинчиликдан эзилиб юрган бирор талабага битта юзталикини бериб, икки пачка «Казбек» папиросидан келтиришни илтимос қилар эканлар (буюрмас эканлар, илтимос қилар эканлар). Талаба папирос келтириб бергандан кейин қайтимини олмас эканлар.

— Узингизда тураверсин, — дер эканлар. — Кейинги гал менга папирос керак бўлганида мана шу пулдан олиб келиб берасиз.

Аmmo кейинги сафар домла бошқа талабага битта юзталиқ бериб, папирос сўрар эканлар. Бу институтда аъна тусига айланиб кетганидан талабалар қайтимни ўзаро баҳам кўришар экан.

\* \* \*

Иккинчи воқеа:

Мақсуд муаллим институтга кираверишдаги зинапоёда сигарета чекиб турган эканлар. Ранги синиққан, кўринишидан касалмандга ўхшаган бир аёл ийманибгина келиб саломлашибди.

— Домла, мени кечиринг, — дебди у. — Яқинда касалхонадан чиқдим. Ишга тушгунимча дори-дармонга, парҳез қилиб туришимга ҳамёним чидамаяпти...

— Ҳозир... — дебдилар домла аёлнинг гапини бўлиб. Нарироқда турган бир домланинг ёнига бориб сўрабдилар:

— Пулингиз борми?

— Бор.

— Неча пулингиз бор?

— Беш юз сўм.

— Ушани менга бериб турунг.

Беш юз сўмини қарзга олиб, ҳалиги аёлга бериб юборибдилар.

— Бу нима қилганингиз, Шайх ака? — дебди ҳалиги домла.

— Афсуски фақат беш юз сўмингиз бор экан, — дебдилар Мақсуд муаллим, — агар минг сўмингиз бўлганида олиб, ўша хотинга бериб юборар эдим.

\* \* \*

Учинчи воқеа:

1952 йил охирларида Мақсуд муаллим ноҳақ қамоққа олиндилар. 1954 йил ёзида оқланиб чиқиб, ёру дўстларини суриштирибдилар. Ушанда дўстман деб юрганлардан бирови, ҳали айтганимдай кўзининг ёғини еб, ёвузлик қилган, яъни домланинг қамалишида жонбозлик кўрсатган бир кимса ўпка силдани силласи қуриб юриб ўлган экан.

— Э, чатоқ бўлибди-ку, — дебдилар домла. — Бориб, бола-чақасига таъзия билдирмоқ керак.

Кимдандир уч минг сўм қарз кўтариб, икки нафар дўстлари билан биргаликда ҳалиги кимсанинг уйига борибдилар. Унинг хотинига таъзия билдирибдилар:

— Сабр қилмоқ керак, келин, — дебдилар. — Раҳматлик яхши дўстимиз эди, улфат эдик, пешонамизга сиғмабди. Мен яна улфатчиликни давом эттирармик деб уйлаган эдим, бўлмади. Энди мана бу пулни олиб қўйинг. Маъракаларига ишлатинг. Менинг ҳам ҳиссам қўшилсин. Буни дўстим билан бўладиган улфатчиликларга ишлатмоқчи эдим, насиб бўлмади.

Домла шундай деб, икки минг сўм берибдилар. Бева аёл ўкириб йиғлаб юборибди. Эрининг кирдикорларини билганидан домланинг бу олижаноблиги бошига урилган гурзидай бўлиб туюлибди.

Кўчага чиқишганида ёнларидаги ҳамроҳларидан бири:

— Буни қандоқ тушунса бўлади, домла? — дебди.

— Мен бахтиёрман! — дебдилар Мақсуд муаллим. — У мени йўқотмоқчи эди, ўзи гўмдон бўлибди. Табиат ўчмани олиб берибди. Юринглар, бир овқат еймиз.

Шундай қилиб қолган минг сўмининг ярмини ресторанда сарфлаб, охирги беш юз манатни уйга элтиб, келинойимиз Сокина опага берибдилар.

— Ана, Сокина, сенга нон пули...



Тўртинчи воқеа:

Мақсуд муаллим ва Сокина опа курортга кетишди. Уйдан хабар олиб туриш учун етти ёт бегона бир кампирни толиб қолдиришди. Қайтиб келишса кампир йўқ. У Сокина опанинг тақинчоқларини, яна қанчадан-қанча қимматбаҳо буюмларни олиб, жўнаб қолган экан. Сокина опа йиғлаб-сиқтаб, муаллимни тезлашга тушибди:

— Топмоқ керак у шум кампирни! Додини бермоқ керак!

— Йўқ, — дебдилар домла. — Бордию уни қўлга туширдик дейлик. Узи қўлга тушгани билан ўғирлаб олиб кетган нарсаларини тўла-тўқис топиб беролмас нима бўлади? Бордию топиб берди ҳам. Бари бир қамалади. Қамоқда бизни қарғаб-қарғаб ўлиб кетади. Ундан кўра ўша нарсаларни сотиб еса, ўла-ўлгунича етади. Умрининг охиригача бизни дуо қилиб яшайди. Йўқолган нарсаларни бўлса мен ишлаб топиб бераман.

Бешинчи воқеа:

Мақсуд муаллимнинг вафотидан бир неча кун кейин уйларига бир кампир кириб келибди. Йиғлабди, қуръон ўқибди, йиғлабди, қуръон ўқибди, яна йиғлабди. Роса йиғлаб бўлиб:

— Сокинахоним, мени танимайсиз, лекин мен Сизни танийман, болаларимдан эшитганман, дебди.

Кейин бошидан ўтган воқеаларни баён этибди:

— Узим тулман. Эримдан уч ўғил билан қолган эдим. Катта ўғлим Шайхзода домланинг қўлларида ўқирди. Озроқ касал бўлиб, тўсатдан ўлиб қолди. Уни кўмишга, бир йиллик мавлиятини ўтказишга мана шу гўринг тўла нур бўлгур Шайх пул берди. Кейин қолган икки ўғлимни ўқитиб одам қилди. То булар беш йил-беш йилдан ўқиб, институтни битиргунича эрингиз раҳматлик ҳар ойда пул бериб турди. Энди мен Сизга айтсам, айланай, бунақа қарзни узамиз десак, билмадим икки ўғлим неча йил ишлаши керак?..

— Мен розиман, — дебди Сокина опа, — раҳматликни ҳар замон эслаб, қуръон ўқиб қўйсангиз кифоя.

Мана шунақа хотамлардан эди бизнинг Мақсуд муаллим. Ҳеч кимдан ҳеч нарсани аямас эди. Сарф қилаверар эди. Сўхбатимнинг бошларида айтганимдай ўзини ҳам сарф қилиб қўйди. Парҳез деган нарсани билмай ўтди домла. У киши овқатни маза қилиб ейишни кўриб ҳавасингиз келар эди. Уйда, иш столининг устида ҳам ҳамиша бирор хил ширинлик, чой бўлар эди.

— Овқат ейсизларми, йигитлар?

Салом-алиқдан кейин тўсатдан берилган биринчи савол шу бўлди. Домла бир киши билан бирга эски «Зарафшон» ресторанидан чиқиб келаётган эдилар. Биз — Хайриддин Салоҳ иккимиз ресторанга кириб бораётган эдик. Хайриддин бир жилмайиб қўйди.

— Раҳмат, домла! — дедим мен. — Биз шу ерда бирозгина сўхбатлашиб кетмоқчимиз...

Агар «хўп» десак борми, Мақсуд муаллим ўша замони биз билан бирга кириб, яна овқат ейиши мумкин эди.

— Бу болаларни Самарқандга юбориш керак, чунки Зарафшонни яхши кўришадди, — дедилар ҳамроҳ кишига.

Кейин бизга иштаҳа тиладилар.

— Майда пул берайми? Пулинглар етарлими? — дедилар чўнтақларидан бир даста пул чиқариб. — Шунини олиб қўйинглар.

Пулни олмадик. Ташаккур билдирдик. Хайрлашдик.

Мақсуд муаллимнинг сахийлигию овқатни маза қилиб ейишни кўп давраларда гапиришар эди. Бир куни Миртемир домла кулиб-кулиб, қизиқ воқеани гапириб бердилар:

Езувчилар союзида мажлис жуда ҳам чўзилиб кетибди. Ҳамма ҳам мажлисдан очиқиб чиқибди.

— Овқат масалаларига қандай қарайсиз? — деб сўрабдилар Миртемир ака.

— Тўрт кўз билан ва табассумкорона қараймиз-да, — дедилар Мақсуд муаллим.

1966 йил ёзида Езувчилар союзининг Дўрмондаги боғида эканимизда шу воқеани Сокина опага айтдим.

— Домлангизни эҳтиёт қилинглари, — деди опа ташвишланиб. — Суюқликни кўп ичиш мумкин эмас, юраги шишиб кетади. Сув ўрнига бодринг, помидор, ҳўл мева ейиши керак экан. Доктор шундай деди.

Биз бу ҳақда гапира олармидик?

Гапираолмадик. Минг асаби таранглашгани билан аламини ичига ютаверадиган Мақсуд муаллим ўзини сарф қилишда давом этаверди. Юраги куйганидан хоҳлаган пайтида хоҳлаганича чой, сув ичаверди, бир касалхонадан иккинчи касалхонага тушаверди.

## УНВОННИНГ ТАЛҚИНИ

Охириги марта касалхонага тушганида вафотидан сал илгари домлага «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган унвон берилди. Ушанда Туроб ака билан кўргани, табриклагани бордик. Ҳамма шароитлар муҳайё қилиб қўйилган кенг палатада Сокина опа билан чойхўрлик қилиб ўтирган эканлар. Қучоқлашиб, ўпишиб кўришдик.

— Арбоб бўлганингиз билан табриклайман! — десам:

— Ҳа энди арбоблар билан ўйнашманг-да, Абдураззоқ акамнинг ўғиллари, — дедилар одатдаги теша тегмаган лутф билан.

Уша вақтда менга ҳазил бўлиб туюлган бу гап аслида жуда тағдор экан. Қаранг, арбоб

у ёқда турсин, ҳатто биз билан қанча вақт улфатлик қилган ёки «Устозимсиз» деб кечагина этагимиздан тутиб юрган бирон кимса энг кичик, пастак креслода ўтириб қолса ҳам унга тўғри гапни айтиб маъқул қилолмаймиз, қайтага ёмон отлиқ бўлиб қоламиз.

Ё қудратингдан!..

Муҳсин Зокиров

## «ШУЛ ДИЁР ДИЛБАНДИМАН»

Устоз Мақсуд Шайхзода тарих ва тақдир тақозоси билан 1928 йилда Тошкентга келди. Ўзбек юрти унинг ўз ватани бўлиб қолди. Мен устоз билан 30 йилга яқин ҳамроҳ бўлдим, 20 йил давомида эса у зоти шарифнинг адабий меросини ўрганиш комиссиясининг котиби сифатида архивларини ўрганаман. Лекин нашр этилган ва дафтарда қолган асарларида, турли доиралар билан ёзишмаларида, давра ва хусусий суҳбатларнинг биронтасида устознинг ўз тақдирдан андак бўлса ҳам норозилик ёки нолиш аломатларини ўқимадим, эшитмадим. Йўқса, устозга қарши озмунча маломат тошлари ёғдирилмади. Тухмат ва бўҳтонлар, фисқу фасодлар ва ниҳоят 1952 йилнинг сентябрь ойида қамоққа ташланиши. Асарларида аксилинқилобий ғоялар ташвиқотчиси ва шундай яширин ташкилотнинг етакчиси деган айбнинг тўнқалиши. Бир гуруҳ «софдил» «пок виждонли», «ўта ватанпарвар» (ҳаммаси 12 киши) зиёлиларнинг «бу бадбин, ғаламис шахс социалистик ватан душмани» деб шохидлик бериши оқибатида устозни Тошкент область суди 25 йил қамоқ жазосига, уни ўтагач, 8 йил гражданлик ҳуқуқидан маҳрум этилиши ҳақида ҳукм қилди. Суд ҳукми ўқилиб, мажлис ёпилгач, Облсуд раиси Муҳиддин Турсунов суд мажлисида ҳозир бўлганларга қарата: «Ўртоқлар, Мақсуд Шайхзодадек ифлос, ашаддий халқ душманларига ҳозир ўқиб эшиттирилган ҳукм жуда енгил жазо. Агар иложи бўлганида бундай манфур шахсни ўз қўлларим билан бўғиб ва тирноқларим билан бўғизлаб ўлдирардим. Шундагина ўзимни гражданлик ва ватанпарварлик бурчимни бажарган бўлардим!» — деб хитоб қилди.

Ўспиринлик ёшидан бошлабоқ тақдирнинг ана шундай даҳшатли зарбаларига (уни 18 ёшида, 1928 йили миллатчи ва аксилинқилобчи дея уч йилга Озарбайжон тупроғидан суд ҳукми билан сургун қилгандилар) мардонавор бардош бериб келган бу улуғ инсон ҳайратланарли даражада мард ва некбин эди.

1954 йил ёзида оқлиниб, қамоқдан озод қилинганидан кейин то 1958—59 йилларгача ҳам бир гуруҳ ноинсофлар домла Шайхзодага кун бермади. Бир неча муддат ёзган асарларини нашр этилишига тўсқинлик қилишди. Ниҳоят, 1958 йилда «Тошкентнома»нинг бунёдга келиши ва нашр этилиши устозга бир оз рўшнолик келтирди. Шунда ҳам ғаламислар «Тошкентнома»ни турли рангларга бўяб, уни адабиётимизда янги ҳодиса эканлигини инкор этишга, шоирнинг катта ижодий ютуғини камситиш борасида озмунча елиб-югурмади. Ҳатто, ўз ношоён фикрларини 1959 йилда Москвада бўлган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида молдавия шоири Булдай воситасида Москва адабий жамоатчилигига маъқулламоқчи бўлдилар. Албатта, бу хатти-харакатлар устознинг истеъдод қудрати қояларига урилиб, чил-парчин бўлди. Бироқ, Мақсуд Шайхзода ҳам ўзгалар қатори жонли одам. Шубҳасиз, юқорида зикр этилган можаролар силсиласи уни ич-ичидан кемириб, охир-оқибат барвақт гўрга тикди. Аммо, ажабланарлиси шундаки, ўз бошидан кечирган шундай ҳодисадан кейин ҳам устознинг оғзидан бирон марта бўлсин шикоят, афсус-надомат сўзларини эшитмадим. Аксинча, бу улуғ зот ҳамиша, қандай шароитда бўлмасин, умидворлик кайфияти, ижодий меҳнат, илҳом, бағоят чуқур некбин фикр — хаёллар оғушида умр кечирди.

Ўзим гувоҳи бўлган бир неча воқеалар замирида бу улуғ зотнинг азамат иродаси ва жўшқин ҳаётсеварлиги, мусаффо инсоний қалби ва покиза виждон соҳиби эканлигига қатъиян имоним қолди.

Биринчи воқеа 1958 йилнинг баҳор ойларида Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати ўн кунлиги бўлиб ўтди. Шу ўн кунлик палласида домла мени йўқлатдилар. Уйларига бордим. Салом-алиқдан сўнг домла: «Мулла Муҳсин, хабардорсиз, озарбайжонлик ёр-дўстлардан бир гуруҳи эртага пешинда бизникига меҳмон бўлурлар. Улар ўзбек элининг ўзига хос ноз-неъматлари — pista, бодом, ёнғоқ, қора майиз, баргак, кунжут ҳалво, пашмакни жуда хуш кўради. Мен бандман. Сокина опангиз бетоброқ. Шу ноз-неъматларни ҳозирлашда ёрдам берсангиз. Узлари ҳам албатта ҳозир бўлғайлар. Аминманки, бунда ажиб суҳбат бўлғуси», — дедилар. Илтимослари бажо бўлди. Соат тўртларда атоқли адилблар Сулаймон Рустам, Мирза Иброҳим, академик Сумбатзодалар ташриф буюришди. Дарҳақиқат, жуда қизгин суҳбат бўлди. Шунда Сулаймон Рустам жуда нозик бир гапни ўртага ташлади: «Мақсудбей, қулоқ ос. Ўзбек ерига келганингга 30 йилча бўлди. Майли, қардошлардан биз жуда миннатдор. Сени кимсан шоир Шайхзода қилиб етказмиш. Обрў-эътиборингни ўрнига қўйди. Билурмиз, озарлардан аразинг бор. Барча яхшилар номидан узр сўраймиз. Энди, ватанга қайт. Сал вақт ўтмай академик бўлурсан. Алоҳида ҳовли-жой. Мардакиёнда<sup>1</sup> эса ажайиб боғ хизматингда. Очиғини айтганда, бу ерда обрў-эътибордан ўзга нима ҳузур-ҳаловат топдинг?! Қамоқ жазосими?! Мана бу тўртинчи қаватдаги кичик хоналарми?! Ахир, саломатлигинг

<sup>1</sup> Мардакиён — Боку ташқарисидаги боғ-роғли мавзе.

бир аҳволда. Ҳар куни, тўртинчи қаватга тушиб-чиқаверсанг ажалингдан беш кун бурун фавт (йўқлик, ўлим) бўлгунг.

Ватанга қайтиш билан шоир ва алломалигинг сўниб битмайди-ку, ўйлаб кўр, она юрт — она юрт-да».

Сухбатда ҳозир бўлганлар чуқур сукутга ботди. Анча давом этган жимликдан сўнг домла дедилар: «Азизим Сулаймон. Гапларинг самимий эканлигига имоним комил. Тўғри, Озарбайжон ўз туққан онам. У ҳар қанча эркалимни кўтаради, ёзуқларимни (гуноҳ. Бу домланинг ўз иборалари.) кечиради. Бунга аминман, кўнгилм тўқ. Аммо, очигини айтсам, бир мулоҳазада сен ҳақсан. Араз ҳақида сўзладинг. Тўғри, 17—18 ёшли бир ўғлоннинг янглиш кўйган қадамани ўз вақтида ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан тўғриласи ҳодир бўлмаган юртга «сургун муддати тугагач» қайтиб боришга рағбатим бўлмади.<sup>1</sup> Лекин асосий сабаб бу эмас. Озарбайжон туққан онам. Кўкрак сути берган. Бунинг учун бир умрга бурчдорман. Илло, Ўзбекистон иккинчи ва асосий онам. У менга кўкрак сути бермаса ҳам илик сути берди. Ардоқлаб, авайлаб, парваришлади. Кимсан — шоир Шайхзода даражасига кўтарди. Бироқ, иккинчи онанинг кўнгил жуда нозик бўлади. Андаккина кўйилган ноҳўя қадам ва ё хатти-ҳаракат билан унинг кўнгил шишасини чил-чил қилиш ҳеч гап эмас. Эндликда мен унинг юзига оёқ тираб, беандишалик қилсам, ижодкор сифатида, қолаверса, оддий бир инсон сифатида эл-улус олдида нима деган одам бўламан. Ҳали ҳаётдан умидим, ижодий режаларим аллақанча. Тошкент ҳақида бир лирик достон битдим. Ҳали у сизларда таржима бўлмади. Унинг хотима бобида шундай мисралар бор (домла китобни варақлаб, ўқиб, сўнг таржима қилдилар):

**Урмим бино бўлиб Озарбайжонда,  
Кечди болалигим у гул маконда,  
Низомий ватани, Ганжа ўлкаси,  
Ўпкамга тўлдирди шеър ҳавосин,  
Кура наҳрин мулойим, тинч музикаси,  
Кўнгилда уйғотди, куйлаш ҳавасин,  
Лекин шоирлиқнинг нозик толеи,  
Кулди Сирдарёнинг ҳавзаларида.  
Ўзбек қуёшининг чин оталиги,  
Акс этди мастоба косаларида.  
Ҳазрат Навоийнинг ўпиб қўлини,  
Ўзбек водийсида отимни сурдим,  
Ижод карвонининг узоқ йўлини —  
Азиз йўлдошлар-ла ўтолдим, юрдим,  
Йўқ, мен тақдиримдан эмасман, хафа,  
Шоирлик унвони бахтимдан тўхфа!**


Домла яна бир китобни варақлаб, «Мени ака дейдилар» шеърини ўқишга тутиндилар. Уни ҳам озорча таржима қилгач, яна сўзда давом этдилар: «Ҳозир фикру зикрим улуғ аллома Улуғбекнинг бадий образини бунёд этиб, уни ҳам сахнада, ҳам экранда мужассамлаштириш билан банд. Сўнгра кўпдан бери менинг хаёлимни Шарқнинг буюк қомусчи олими хоразмлик Абу Райҳон Беруний сиймоси чулғаб олган. 1973 йилда унинг таваллудига 1000 йил тўлади. Янглишмасам, бу 1000 йиллик юбилейлар орасида биринчи минг йиллик бўлса керак. У зоти шариф алломанинг табарруқ образини ҳам сахна ва экран воситасида намойиш этиш орзусидаман. Ундан ташқари Шарқнинг энг буюк сиймоси бўлмиш Мирзо Бобур ҳақида бир сахна асари яратиш ниятим ҳам йўқ эмас. Ўзларингга маълум, рафиқам Сокина хоним ҳакима (врач). Унинг ҳам орзусига қулоқ осмоқ даркор. Бу-хоролик буюк ҳақим ва мутафаккир Абу Али ибн Синони ижодий назардан четда қолдирмасам деган умиддаман. Мана шу ижодий режаларимни рўёбга (албатта, саломатлик бўлса) чиқарсам деган умиддаман.

Сен қамоқни эслатдинг, азизим Сулаймон. Шубҳасиз, 33 йилга ҳукм қилинмоқ — даҳшат. Агар шундай бўлганда, суяқларим Сибирда чириб кетиши турган гап эди. Бу даҳшат бир мен эмас, кўпларнинг бошига тушди. Эл айтгандек, кўпга келган фалокат бўлди. Шукрки, замон ўз ўрнига тушди. Яна юртга саломат қайтдик, ибтидоси даҳшату интиҳоси қутлуғ бўлди. Ҳеч кимдан гинам йўқ. Ўпкаламайман ҳам. Яна замон қофиласи (карвон) билан ҳамқадамман. Ичи қора ғаламислар барча замонларда бўлган, ҳозир ҳам истаганча топилади. Ва бундан кейин ҳам бўлажак. Лекин итнинг оғзи теккани билан дарё суви мусаффолигича қолғуси. «Ит ҳурар, карвон ўтар».

Гапнинг маромидан Сулаймон Рустам қаттиқ ранжигандай бўлиб, «Мақсудбей! Мақсудбей! Чўх қайсарсан. Охиринда пушаймон ўлурсан дея кўрхарам! Ҳарна бўлсанг-да, соғ ўлғайсан!» деди ва мажлис аҳлига шу орзулар учун қадаҳ кўтармоқни таклиф этди. Мирза Иброҳим деди: «Сулаймон муаллим, Мақсудбейдан ранжима. У ҳақ гапни айтди. Эндликда у бутун вужуди билан ўзбек қардошлар унинг озар ўғли эканлигини аллақачон унутиб юборишган. У бутун жони ва тани билан ўзбек элининг фарзанди бўлиб қолган. Ундан ўпкалаш ортиқча, қани, ҳозирўн, Мақсудбейни шу она заминда янада баркамол, ижодда тағинда олий пояларга эришмоғи учун қадаҳ кўтарайлик».

Орадаги совуқлик ҳам кўтарилгандек бўлди. Шунда домланинг рафиқалари Сокинахоним: «Бале, Мирза муаллим, дилимдаги гапни айтдингиз»,— дея сухбатга илиқлик киритди. Шундан кейин меҳмоннавозлик самимий давом этди.

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода Доғистоннинг Дарбент шаҳарида муаллим бўлиб ишларкан, ўзининг шеър, мақола ва ўқитувчилик фаолиятида миллатчилик ғояларини ташвиқ қилишда айбланиб, 1927 йилда қамалган. Сўнг уч йил муддатга Ўзбекистонга сургун қилинди. 1928 йилда Тошкентга келди.



# ГУРУНГЛАШИШ БАҲОНА

ёки масаланинг моҳияти

Драматург Машраб БОБОЕВГА ошкора мактуб

Ҳурматли Машраб Бобоев!

Мана, қўлимда Сизнинг бешта пьесангизни ўз ичига олган «Қани менинг юлдузим?» деб номланган китобингиз. Улар бундан ўн йиллар олдин яратилган. Агар йиллар асарларнинг тугалланишини ҳисобга олиб қўйилган бўлса, бошланганига 15—20 йиллар бўлгандир. Йилларни аниқлашга шунинг учун уриняпманки, бу драмаларингиз айти ёзилаётган пайтларда республикамизда (нафақат бизда!) турғунлик қусури, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, алдамчилик, танқидни кўтара олмаслик, ошна-оғайнигарчилик, яхши кадрларни чеканка қилиб туриш касаллиги авжига чиққан экан. Уша пайтдаёқ Сиз ўта курашчан қаҳрамонларингизни ҳаёт сахнасига олиб чиқиб иллатларни фош этган экансиз. Уларда ўша давр дарди бу дардларга малҳам излаётган чинакам ватанпарвар Шах муносабати қалқиб турибди. Бу дардларни изҳор этишнинг таъсирчан йўллари ҳам (шаклини десам бошқачароқ маънога бурилиб кетадигандек кўринди) топгансиз. Бу йўлларнинг бири драмаларингизнинг ҳаммаси жиддий тортишув, баҳс, фалсафий гурунг асосига қурилганлигидадир. Аслида-ку сахна асарлари ўзи персонажларнинг ўзаро гурунги тарзида яратилади-ю... Аммо бошқа драмалардаги «гурунг» билан Сизнинг қаҳрамонларингиз уюштирган **гурунг** ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Сиз гурунглашиш баҳона масаланинг моҳиятини очишга интилгансиз, асосий гою гурунг орқали ҳал этилади. Умуман, гурунгга, баҳслашувга мойиллик Сизнинг ижодингизга хос бўлган фазилатга айланиб бормоқда. Ахир, шеърый мажмуаларингиздан бирини «Сўз», бошқасини «Гурунг» деб бежиз номламагандирсиз?!

Бешала драмангиздан тўрттасида («Қани менинг юлдузим?» да ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини кўтаргансиз) жамиятимизнинг олға боришига халақит берадиган, унинг поклигига заҳм етказадиган иллатларга ўт очасиз. Аммо бу иллатлар ва улар унган вазиятлар бир хил эмас. Демак тўқнашувлар ҳам, кутблар ҳам хилма-хил. Мана шу конфликтларни ечиш, тортишувчи томонларнинг руҳиясини очиш усулларини излаш Сизга қуқур психологик драмалар яратиш имконини берган. Янгича йўлдан юришга интилиш ҳар доим ўзига хосликка олиб келади, анъанавий шакллардан дадил воз кечишни тақозо этади. Сиз бундан чўчимагансиз. Натижада драмаларингизда янгилик унсурлари кўпайган. Бу янгилик давтаввал олинган материалда, мазмунни очишда кўринади. Гоюни етказиш кўпроқ бош қаҳрамон зиммасига юкланади. Улар турли вазиятлар, турли тортишувлар, турли жанрларда голиб чиққанлигини ўзлари сўзлаб берадилар. Тўғри, бу усул асарларингизда ҳаракат ўрнига кўпроқ гапбозлик, сўзамоллик қусурини келтириб чиқарган. Шунга қарамай, қаҳрамонингиз томошабин-ўқувчи билан юзма-юз дардлашиш, очикчасига гаплашиш, баҳслашиш имконига эга бўлади.

Драмаларингизда асар қаҳрамони билан таништириш усули ҳам янгича. Тўғрироғи, улар ўқувчи-томошабинга ўзларини ўзлари тақдим этадилар, таништирадилар. Бу таништирув гоҳ анкета саволларига жавоблар («Ўттиз ёшлилар»), гоҳ ўзи тўғрисида ахборот («Ер томири»), гоҳ драмадаги персонажларнинг суҳбатига, ҳаракатига халақит бермаган ҳолда автор изоҳи («Қадам ранжида») тарзида амалга оширилади. Мана шуларнинг барчаси охир оқибатда драмалар иштирокчиларининг ҳаёт ва жамиятда тутган ўрни, одамлар учун зарурлиги масаласига боғланади.

Сизнинг қаҳрамонларингиз ҳар доим ҳақ иш учун, эл-юрт манфаатини кўзлаб меҳнат қиладилар. Бу йўлда улар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар, чунки «ҳақ одам ҳеч қачон енгилмас»лигига (Шавкат) ишонадилар. Мана шундай фазилатлари билан бизга Шавкат, Қилич, Саид Алиев («Ўттиз ёшлилар»), Бегимқул, Зебо, Нусрат («Ер томири»), Азамат, Хуррамқул, Абдували («Қадам ранжида») маъқул бўладилар. Мана шу мен тилга олган уч драмангизда мутелик, бўйсунувчанлик, мунофиқлик, иқтидорсизлик, интизомсизлик каби иллатларнинг илдиэлари очилади, уларни қуритиш йўллари изланади. Шу жиҳатдан драмаларнинг адолат, ҳақиқат тантанасига қаттиқ ишонган етакчи қаҳрамонлари Шавкат, Бегимқул, Азамат, Абдувалилар кучли фош этувчи характерлар даражасига кўтариладилар. Зеро, улар курашган, эришган ҳақиқат бизнинг ҳақиқатимиз, умумхалқ ҳақиқатидир. Лекин пьесаларингизда шундай шахслар ҳам учрайдики, уларнинг ҳар бири ўз тушунчаларидаги мўрт ҳақиқатдан мустаҳкам истеҳком қуриб олганлар ва ўшани қўриқлаш билан банд бўладилар. «Ўттиз ёшлилар»даги Музаффар, Тальат, «Қадам ранжида»даги Шоди, Орифхон, «Ер томири»даги Ғафур Маллаев мана шундай типлардан. Улар замонавий манкуртлардир («манкурт» атамасини фақат кечаги кунини, ота-онани унутган шахс сифатида тор тушунмасак), ҳар бири бойликка ҳирс қўйган, шахсий манфаати йўлида одамлардан қасд олишга аҳд қилган, якка ҳокимлик байроғини баланд кўтарган, хотиржамлик психологиясига муккасидан кетган, ўз шахсини улуғлаган, аммо илдизи чирик, мана шундан талвасага тушган кишилардир.

Хуллас, драмаларингизда меҳрсиз, иқтидорсиз врач, тарбиясиз муаллим, ахлоқсиз ота ва болалар, ерни севмайдиган, уни ҳис этмайдиган «деҳқонлар» фош этилади. Бу иллатларни фош

этишда актив иштирок этувчи персонажлар билан биргаликда мавқеига қараб пассивроқ ҳаракат қилувчилар ҳам бор. Масалан, «Қадам ранжида» («Гурунг») драмангизда асосий фош этувчи ҳарактерлар Азамат, Хуррамқул, Абдували акалардир. Агар Азамат ва Хуррамқуллар ўзларининг ҳаққоний сўзлари, айбнома нутқлари билан Шодини, Орифхонни ва уларни рўёбга чиқарган, қўллаб-қувватлаётган шароитни фош этсалар, Абдували ака юрагидаги минанинг портлаши билан фош этишга якун ясайди. Бу ерда Ҳасанбой пинҳона фош этувчидирки, бунинг боиси ўқувчига ангилашиб туради.

«Ер томири» пьесангиз бошдан оёқ мунозара шаклида яратилган. Асарни иккинчи ном билан ўзингиз ҳам «Мунозара» деб атагансиз ва қаҳрамонларингиз ўз ҳақлигини исботлаш учун бутун умрини тортишув, мунозара, курашга бағишлаганликларига урғу берасиз. Зеро, бусиз ҳаётнинг қизими йўқдир. Мунозара марказида ҳаётини Ер билан пахтабасиз тасаввур қилолмайдиган, Ерни севган, унинг томир уришини, нафас олишини, бутун ҳолати, кайфиятини бутунча ҳис қила олувчи фидойи деҳқон Бегимқул туради. Сиз Бегимқулни шунақа одамларимиз борлигидан фахрланиб, улкан меҳр билан яратгансиз. Унга гард юқини истамайсиз, барча бало-қазолардан ҳимоя қиласиз, оғир вазиятга тушиб қолаётганингизга ачинасиз. Аммо Бегимқул суяган тоғлар залворли, мустақкам, бу бизга ҳам, Сизга ҳам, ўзига ҳам ишонч бағишлайди. У фолиб қақди ва биз қувонамиз. Айниқса, бугун! Ахир, бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам Бегимқулларга нечоғлик қийин бўлган?!

Аслида ҳам шу Бегимқуллар, Азамат, Абдували акалар, Шавкат, Саид Алиев сингари фидойи кишиларимиз бўлмаганда, курашмаганда пахтачилик ва хўжаликни бошқариш соҳасида фош этилаётган ҳозирги иллатлар нақадар чуқур бўларди! Яхшиям бахтимизга мана шундай ватанпарвар пахтакорлар, зиёлилар, Акмал Умарович каби партия раҳбарлари бор. Шулар об-ҳавони тозалаб турмаганларида Ғафур Маллаевга ўхшаган бюрократ, ўзбилармон, ҳоқими мутлақликни истовчи раҳбарлар, Шодивой, Орифхон, Ғайрат, Султон сингари лоқайдлар хонадонимизнинг янада кўпроқ булғанишига сабаб бўлардилар.

Хуллас, Сиз Апрель (1985) пленумида таъкидланган ва партиянинг кейинги анжуманларида, XXVII съезлда ривожлантирилган, ҳозирги пайтда халқимиз томонидан астойдил қўллаб-қувватланаётган ҳаётий масалаларни қаламга олгансиз, кучли тўқнашувлар, баҳслашув-мунозаралар асосида ёритиб бергансиз. Мана шу кураш майдонида ҳаракат қилаётган қаҳрамонларингиз фикрлаш доираси кенг, жамиятда эгаллаган ўрни аниқ, миқёси катта одамлардир. Уларнинг «муштдек юрагига жаҳон» жойлашади, ўзлари эса оламга сифмайдилар. Улар орзуси осмон каби бепоеён, қалби Помир тоғларидан ҳам юксакроқ замондошларимиздир. Мана шундай одамларга чексиз, меҳр, уларни кўз қорачиғидек асраш зарурлиги туйғуси асарларингизнинг ўқ томирини ташкил этади. Муҳими, бу туйғунгизни ўқувчи-томошабинга юқтира олгансиз.

Машрабжон! Биласизки, бизда қорилган ҳамирдан турли нон хиллари (ширмай, патир, гижда, лочира каби) тайёрланади. Сизнинг пьесаларингиздаги ҳамир (материал) — иқтидорсизлик, интизомсизлик, қўшиб ёзишларга қарши курашдан қорилган. Шу ҳамир — материалдан турли маҳсулотлар пиширгансиз. Сиртдан қараганда уларнинг таъми, кўриниши ҳар хил. Масалан, «Уттиз ёшлилар» врачлар доирасида, «Қадам ранжида» зиёлилар, савдогарлар ва оддий колхозчилар орасида, «Ер томири» қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўртасидаги тўқнашувлар ҳақида боради. Лекин уларнинг мақсадлари йўлида кўзлаган манзиллари бор. Оқибатда драмаларингизда бир-бирига эмасдош характерлар пайдо бўлган. Ҳа, Шавкат, Бегимқул, Абдувалилар бир томонда, Музаффар, Орифхон, Шоди, Ғайрат, Ғафур Маллаевлар иккинчи томонда қайсидаги фазилатлари ҳамда иллатлари билан бир-бирини эслатиб турадилар. Албатта, бу билан мен улар бир-бирларининг адабий нусхаси бўлиб қолган демоқчи эмасман. Ҳар бири тобига етказиб пиширилганидан такрор, ўхшашлик томонлари сезилмайроқ ўтиб кетади.

Этибор берган бўлсангиз, Машрабжон, мен юқорида «гапбозлик», «сўзамоллик» каби атамаларни ишлатганим. Бунинг сабаби аксар драмаларингизда вазиятнинг танланиши боисми ёки бошқами, ишқилиб, персонажларингиз ҳаракат ўрнига кўпроқ гапирдилар. Адабиётшунос С. Мамажоновнинг «Гурунг» асарингиз тўғрисида айтган қуйдаги фикри ҳам ўринли: «М. Бобоевнинг «Гурунг» («Мина портлади») пьесасида ҳам ҳамма нарсага бир нуқтага йўналтириш этишмайди: прозаизмда учувчи бу иллат — ҳаётдаги камчиликларни воқеа ва характерлар орқали кўрсатиш ўрнига фақат санаб кўрсатиш илллати бунда ҳам бор. Асарда гап кўпайиб, ҳаракат сусайган». Прозаизмга хос бўлган бундай қусур айниқса, «Қани менинг юлдузим?» пьесангизда аниқ сезилади. Унда ҳаракатдан кўра насрий изоҳлар, авторнинг аралашуви кўпайиб кетганлигини ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керакки, уни қиссага айлантирибсиз. Яхши қилибсиз. Чунки драматик асар саҳна учун яратилар экан, бу пьесани аввало ўйнаш, қолаверса, мазмунни томошабинга мукамал етказиш жуда мураккаб эди. У ўқувчида оғир таассурот ҳам қолдиради.


Шунингдек, персонажларингиздан кўпчилигининг адабийроқ сўзлашлари сезилиб туради. Яна улар кўпинча вақт ва ўрин-жой маъносини англаувчи «— ганча» ҳамда «— гунча» қўшимчаларининг фарқига бормайдилар. Масалан, Шоди «Сизларни хафа қилганча...», Пошша хола «Овқат пишганча бир-иккита уйни кўриб келай», Худойбердиев «Мен манави дорини топганча қанча адашдим ахир» дейдиларки, бу гаплардаги «— ганча» қўшимчалари ўрнига «— гунча» ишлатилиши керак. Чунки улар (қўшимчалар) аслида персонажлар мақсад қилгандек вақтни эмас, ўринни, ҳолатни англатиб турибди. Дилбар эса «Бир йўла» дейиш ўрнига, «Бирдан болаларни олиб кела қолай» деб гапирдики, унинг бу сўзлари ҳам ўзбек тили тузилишига хос эмас.

Машрабжон! Сизни кўпроқ «шахси танлаган касбига тўғри келмайдиган одамлар» фожиаси, тақдири безовта қилар экан, илтимос, улар характери ва хатти-ҳаракатларида, айниқса, нутқида ўз-лигидан узоқлашиб кетмаса...

Кўриб турибсизки, мен пьесаларингизнинг мавзуси, материали, образлари таҳлили устида батафсил тўхталиб ўтирмадим. Бинобарин, ҳозирги билимдон, ўқимишли ва идрокли ўқувчига бунинг зарурияти ҳам йўқ. Драмаларингизнинг долзарблиги, яшовчанлиги, моҳияти тўғрисида уларда озгина таассурот ҳосил қилган бўлсам, шунинг ўзи етарли. Қолганини ўзлари тоғиб олишар. Ахир, уларнинг фикрлашига ҳам ўрин қолдирайликда, нима дедингиз?

Сизга ижодий муваффақиятлар тилаб:

Йўлдош СОЛИЖОНОВ



Файзулла Қиличев

## ИСЛОВАТХОНА «МАЛИКА»ЛАРИ

(ёки фоҳишабозлик ҳақида айрим мулоҳазалар)

Аёллар ҳақида салбий сўз айтиш жуда оғир.

Халқимизда азалдан ўзига хос одат бор. Уғил фарзанд вояга етгач уни уйлантириш ота-она қарзларидан бири ҳисобланиб келинган. Одатда бўлажак кудалар ўзаро келишиб олишганларидан сўнг маълум муддат (ойлар, ҳатто йиллар) тўйга тайёргарлик ва янги рўзгорни моддий базасини тузиш учун қолдирилган. Мана шу давр ичида бўлажак келин билан куёвнинг учрашувлари махсус ташкил қилинади. Кўпчилик олимларимиз, изланувчиларимиз ўз «асар»ларида ўзбек халқи ва одатлари ҳақида сўз юритганда йигит билан қиз тўйгача бир-бирларини мутлақо кўрмасдан, кўр-кўрона, ота-она ихтиёри билан уйланишганини ёзишади. Бу фикрлар кўпам тўғри эмас. Юқорида айтганимиздек, келин-куёв бир-бирини таниб олишида ўзига хос синовдан ўтиши учун имконият-учрашувлар ташкил қилинган. Бу учрашувлар «қаллиққа бориш», «қаллиқ ўйини» деб аталиб, ота-оналар ёки яқин қариндошлар томонидан ташкил қилинган. Шу учрашув — «қаллиқ ўйини»да йигит қизга яхши кийимлик, тақинчоқлар, ширинлик совға қилиб бориши одат бўлган. Бу одат ҳозирги кунга қадар ҳам айрим областларимизда (Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд) сақланиб қолган. Бошқа айрим регионларда (Тошкент, Фарғона водийси) бўлажак келин-куёвни бир-бири билан пинҳона учраштириш одати бор. Агар қиз йигитга ёқиб қолса, ўзи билан олиб келган совғаси — тоза кийимликми, нафис буюм ёки матоми қизга топширади.

Яна бир азалий «одат» борки, унинг тарихидан кўра, яқинроқ ўтмиши ва ҳозирги кундаги ҳолатидан фикрлашган маъқулдир. Чунки унинг давомчилари ҳаром йўллар билан умумхалқ дастур-хонидан чегириб қолган молу-пулини қўлтиқлаб олиб, «қаллиқ» — суюқ оёқли қиз-жувонларни ахтариб умрини ўтказётган бир гуруҳ шахслардир.

Мен прокуратура органларида кўп йиллик иш тажрибамда учратган жиноий ишларни, шикоят хатларини варақлаб, кўрган-эшитганларимдан шу хулосага келдимки, «тўқликка-шўхлик»дан келиб чиқадиган ҳаром қилиқлар анча томир отган экан.

Бу гуруҳ одамлар оиласи борлиги, ёши, жамиятдаги ўрни, мансабидан қатъий назар, ўйнаш тутади. Тўғри, мен ўйнаш тутишни оқламаган ҳолда, агар бу муносабатлар ўзаро муҳаббат, бир-биринга интилиш беғараз бўлса, ҳар бир инсон ҳаётининг, шахсий муҳокама қилиш ножоиз ҳисобланган томонини назарда тутмоқчи эмасман. Мен жазманини пул ҳўкли билан сақловчи, текин-

---

Ҳурматли редакция! Мен «Шарқ юлдузи»нинг ҳар бир сонини қизиқиб ўқиб бораман. Журналда яхши асарлар эълон қилинапти. Ҳаётимизнинг турли томонлари акс эттириляпти. Лекин бу хатимда мен бошқа бир масалани ўртага қўйгим келади.

Мен педагогман. Бир қиз, уч ўғлим бор. Яқинда қўшнимиздан бир гапни эшитиб ҳайрон бўлдим. Тошкентда фоҳишабозлик қиладиган хотин-қизлар, яширин исловатхоналар анча-мунча экан. Ёш-ёш студент қизлар ўз танини сотиб, «тирикчилик» қилиб юрар экан. Бир вақтлар «Қўрқинчи Техрон» романини, Мопассан ҳикояларини ўқиганимда кўнглим ғаш бўлиб, ларзага тушар эдим. Аммо яқин-яқинларгача бизда суюқоёқ хотинлар йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблар эдик. Кейинги пайтларда матбуотда бундай бузуқлар ҳақида материаллар бериб бориляпти. Яна бир гап. Эшитишимга қараганда фоҳишаларни қонун йўли билан жазолайдиган модда йўқ экан. Ахир бу қанақаси! Ҳали айтганимдай, мен педагогман, онаман, ўқувчиларимнинг, болаларимнинг қисматига бефарқ қарай олмайман...

А. ҲАЙИТОВА,  
Тошкент шаҳар, Юнусобод массиви.

РЕДАКЦИЯДАН: Журналхон ташвишланганича бор. Афсуски, турмушимиздаги бу иллат ҳақида яқин-яқинларгача лом-мим дейилмасди. Тажрибали юрист, қаламкаш Файзулла Қиличев мақоласида фоҳишабозликнинг турли жиҳатлари, турли сабаблари очилган.

хўрлик билан яшашга ўргатувчи, эл-халқ ва бола-чақа насибасидан чегириб бир фоҳишага обориб бериб, ўзича «қутуриб» юрганларни айтмоқчиман.

Авалло шу нарса маълумки, бирор эркак ўз меҳнати эвазига, пешона тери билан топилган пулга ўйнаш ахтармайди. Энг яхши даромад олувчи мансабдор ҳам ёлғиз бўлсаку «ҳай-ҳай», хотини, болалари бўлса, рўзгор эҳтиёжидан орттириб уй қуради, машина олади, дала ҳовлини обод қилади, сайру томошга боради, лекин ўйнаш ахтариб, уни сақлаб, боқиб, кийинтириб юришга сарфиёти етишмайди. Бундайлар бошқа шаҳарга командировкага, сафарга ёки дам олишга, даволанишга етиб борар-бормас кўзи аланг-жалаңг, чўнтагини чаңгаллаганча жувон-фоҳиша ахтармайди.

Демак, аввало фоҳишабозликка интилувчи эркаклар, пул, қимматли совға-салом эвазига аёллар билан жинсий яқинлик қилувчи «куёв»лар ўғри, талончи, каззоб, давлат ва жамоат пулини ўмарувчилар ёки одамлар мулкани турли фирибгарликлар билан шилган жиноятчилардан иборат бўлади десак хато қилмаймиз.

Мен эркакларнинг фоҳишабозликдаги ролини мутлоқ қоралаган ҳолда, ҳаром ишдаги иштироклари, юқорида айтганимиз — ҳаром пул топишдаги жинояти соясида кўринмай кетишини эътиборга олиб, бу борадаги суҳбатимиз мавзуини фоҳишаларга қаратишни маъқул кўрдим. Маълумки, фоҳишабозликни фоҳишалар қилади, улар эса асосан — аёллардир.

Азиз ва мўътабар инсон — она ҳақида мадҳ айтавериб, адоғига ҳеч ким етиб боролмаган. Лекин шу номга даъвогар бўлатуриб, вақтинчалик кайфи-сафо йўлини тутиб, ҳатто фарзандларидан фаҳшни афзал кўриб кетган аёллар қанчадан-қанча эканлигига ишонасизми?

Бизда катта камчиликлар ёки томир отган жиноятлар ҳақида ҳам «онда-сонда учраб турадиган айрим ҳоллар, айрим инсонлар...» деб айтишга ўрганиб қолинган. Биз келтирмоқчи бўлган ҳолатлар, минг афсуски, «онда-сонда...» эмас-да! Бу нарса анча-мунча томир отган. Милиция, прокуратура, суд органларидаги том-том ишлар фикримиз далилидир.

Айниқса бирор жиний ишга аралашиб қолган бузуқ аёлларнинг сўроқдаги кўргазмаси билан бораверсангиз «занжирли реакция»сининг нақд устидан чиқиб қоласиз.

Чилонзор районида яшовчи Гулчехра Т. ўз «фаолияти»ни жуда эрта бошлади. Ҳаётнинг бирор қиррасини билмай туриб, ёнидан ўтган эркак зотини бирортасини назардан қочирмас эди. Уқши, ўрганиш, меҳнат қилиш ҳисси унга ёт эди. Ҳалоллик билан бахт топишни хаёлига ҳам келтирмади. Ичкилик ва ишратга берилиб кетиб, ота-онани ҳам бевақт «гўрга тикди».

Уч хонали данғиллама уй-ҳойда ёлғиз қолган «фаолияти»ни авж олдириб юборди. Ўзига ўхшаган ахлоқсиз «дугоналар» ва ўғри-каззоб эркакларни йиғиб тонгортача фоҳишабозлик билан машғул бўлди. Орада «ўйнаш»дан ўғил ҳам туғиб олди. Қўни-қўшнилар, милиция ходимлари уни огоҳлантиришар, жарима солишар, муҳокама қилишарди. Бошқа нимаям қилишсин, ахир қонунда бошқа жазо бўлмаса? Охир-оқибат уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишди, холос.

Хўш, Гулчехра паразитларча ҳаёт кечирди, неча ўнлаб ёшларни ёмон йўлга бошлади, қанча оилалар, тақдирлар инқирозига сабабчи бўлди, маҳаллани, қўни-қўшнларнинг юзини ерга қаратди. Аёл деган номга, она деган номга доғ туширди. Жазо эса...

Гулчехранинг қўшнисини Ирина С. ҳам ундан қолишмади. Эри вафот этгандан сўнг кўп ўтмай унинг хотирасига хиёнат қилди. Болалари Лена ва Женя кўзи олдидан мурдор ишларини бошлаб юборди. Гўдак болалар оналарини бегона одамлардан қизғаниб устига ташланганларида уларни аёвсиз савалади. Болаларни врачлар ўлимдан асраб қолишди. Фоҳишага айланган аёл она номидан маҳрум қилинди...

Фарғона шаҳрида Умида Д. исмли аёл маст ҳолда жамоат жойида тўпалон кўтарди, ашаддий безорилик қилди. Унинг қилмишига баҳо бериш мақсадида шахси ўрганиб чиқилди; бу аёлнинг ҳаммаёғи тиллага «беланиб» кетган экан. Уйи эса пул, қимматбаҳо буюмларга кон бўлиб кетган... Маоши атиги 70—80 сўм бўлган фаррош аёл бунча бойлиқни қаердан олган — эри билан ажралишганда унга радио, телевизор, холодильник ва бошқа рўзгор анжомлари теккан эди, холос. Олти ёшларда кизи билан икки хонали уйда яшарди. Орадан саккиз йил ўтди. Шу давр мобайнида унинг уйи тўрт хонали бўлди. Аввал болаҳона, сўнг ҳовлида ҳаммом қурилди. Хоналарни чет эл мебеллари безади. Кийим шкафига кўйлақлари сиғмай қолди.

У хазина топганимкин деб ўйлаётгандирсиз? Йўқ! Терговда Умиданинг суноқоёқлик — фоҳишаликни ўзига касб қилиб олганлиги, устига-устак хали ўн гулдан бири ҳам очилмаган қизини «ҳашардор»ларга қўшиб бераётганлиги аниқланди. Суд аввало, уни ягона қизига оналик ҳуқуқидан маҳрум қилди. Ҳаромдан йиққан молу-мулки мусодара этилди. Ўзи эса... қизининг номунига зўрлаб текканликда иштирокчи ва қўшмачи сифатида жиний жавобгарликка тортилди. Қилмиш-қидирмиш... Адолатли ҳукм...

Хўш, Умида ўз хатти-ҳаракатлари билан жиноят йўлига қираётганлигини, ўзининг келажагини, қизининг бахтини оёқ ости қилаётганлигини билмасмиди? Йўқ, биларди, у ўзи танлаган йўлни жуда яхши биларди, аммо нафс балоси уни ҳаром-ҳарис комига йўллади, ору-номусни, шарм-ҳаёни унутди.

Унинг бузуқчилик кўчасига кириб кетганлигини шу пайтгача наҳотки қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари сезишмаган бўлсалар? Билишарди. Улар ўзларини билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олишади. Ана шу лоқайдлик туфайли фоҳиша аёлнинг ҳеч нарсадан тап тортмасдан кўн-гилнинг истаган кўчасида юраверишлари учун шароит яратилди.

Лоқайдлик... Дангал айтиш мумкинки, содир бўлаётган жуда кўп жиноятларнинг илдишлари, суриштириб келсангиз, охири шунга бориб тақалади:

Зарина Б. оқшом тушишини сабрсизлик билан кутар, бетоқат бўлиб соатига тез-тез кўз ташларди. Соат миллари эса жуда имиллаб юраётгандек туюлди унга. «Эҳ, тезроқ кеч бўла қолсайди!» — ўйлади у ичи қизиб.

Қаерга ошиқаяпти бу қиз? Тўйгами? Еки дугонасиникига бормоқчимми? Йўқ!.. У... «ов»га бормоқчи, фоҳишаликка!..

Шу пайт Заринанинг ичиде кимдир «бу ниятингдан қайт, охири ёмон бўлади, ахир бир марта... эсингдан чиқдимми?» дегандай бўлди. У бир дақиқа ўйга чўмди. Бу овоз унинг ёдига ноҳуш хотираларни солди: илгари «кўнгил очиш» пайтида кўлга тушгани, кўпчилик ўртасида мулзам бўлиб «Энди бундай номмақулчиликни қилмайман», деб ваъда берганини эслади.

Қиз иккиланди, бир қарорга келолмай боши қотди. Шунда, беихтиёр кафтида ўйнаётган жа-  
фақ-жарақ пуллари тасаввур қилдую қора кўзлари чақнади: «Бораман».

У шахд билан йўлга тушди. «Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисидаги ёруғда ўзини товлаб, нари-  
бери бориб келабошлади. Ва ниҳоят...

Унинг юрагида ғалати, ёввойи қувонч бош кўтарди. Ёнидаги ёши ўтиб қолган кишининг қучоғи-  
да эркаланар, хаёли эса «даромад»га эртаси куни нима харид қилиш билан банд эди.

Келинг, энди Зарина билан яқиндан танишайлик: у эндигина ўн етти ёшга кирди. Ота-онаси,  
акаси, сингиллари бор... Унда нима учун у бу нопок йўлга қадам қўйди? Унинг бу иш нақадар тубан-  
лик эканлигига ақли етмайдами? Ёшлик қилаяптими? Уз ҳаётини боши берк кўчага олиб кираяпти-  
ку?

Унинг хатти-ҳаракатларининг боисини тушуниб олиш учун, кечаги кунларга қайтмасдан ило-  
жимиз йўқ.

Зарина бундан 3 йил бурун, аниқроғи 1984 йил ноябрь ойида ўз-ўзидан уйдан кетиб қолди. Ҳеч  
ким уни уришган эмасди. Кетганини уйдагилар ҳам билмай қолишди. Лена исмли дугонасиникига  
борди. Сўнг сайрга чиқиб кетишди. Лена бир группа йигитчалар билан таништирди. Кейин музика  
эшитишга таклиф қилишди. Озгина-озгина винодан татиб кўришди. Роса ўйинга тушишди. Сўнг эса...  
7 кундан сўнг милиция ходимлари Заринани уйига элтиб қўйишди...

Эндигина ўн тўрт ёшга кирган қизнинг уйдан чиқиб кетиши таажжубга солади кишини. Модо-  
мики, шундай воқеа юз берган экан, демак бу хонадонда қиз учун оғир вазият вужудга келган деб  
ўйларсиз? Афсуски, йўқ. Лекин шунга айтиш керакки, бу пайтга келиб Заринанинг юриш-туришида  
ножўя қадам олишлар кўзга ташлана бошлаган эди. Уни-буни баҳона қилиб уйдан чиқар, ҳар хил та-  
ниш-нотаниш тенгдошлар билан кинога борар, подьездларни «обод» қилишарди. Ота-она, яқинла-  
ри тегишлича «тергамадилар», ҳар ким ўзининг иши билан банд бўлди.

Айни ўсмирликнинг нозик даврида қизнинг тақдирига бепарқлик, лоқайдлик қилинди. Мак-  
табдаги кўпни кўрган тажрибали ўқитувчилар Заринанинг тарбияси устида астойдил қайғуришмади:  
ишлари фақат ота-она билан суҳбат ўтказиш, синф мажлисларида қизлар хулқи ҳақида насихатбоз-  
ликдан нарига ўтишмади. Яъни, «...назорат ўрнатдик...», «...суҳбат ўтказдик...», «муҳокама қил-  
дик...», «...ишлаб чиқдик...» дегандай сийқаси чиқиб кетган усуллар...

Энди воқеага қайтайлик. Милиция ходимлари Заринани уйга келтиришгач, кўп ўтмай мактаб  
маъмурияти шундай ҳужжатга имзо чекишди:

«...Зарина Р. қобилиятли, намунали хулқи билан ажралиб туради. Ўқишни яхши ўзлаштиради.  
Фаол жамоатчи, меҳнатсевар... Топшириқларни виждонан бажаради. Меҳрибон ва ибратли ўқувчи,  
ҳурмати баланд...»

Бу ҳужжат... уни ҳунар-техника билим юртига жўнатиб мактабни эса «шаънига доғ тушишдан  
қутқариб қолиш» учун эканлигини сезган бўлсангиз керак.

Кўп ўтмай милиция бўлимидаги янги папкада мана бундай ёзувлар пайдо бўлди: «...Зарина  
ўта энгил табиатли, чекади, бир неча марта маст ҳолда бўлганлиги кўзатилган. Саёқ қизларга қўши-  
либ бузуқлик қила бошлаган... Совға эвазига жинсий алоқа қилишда фош қилиниб оғохлантирил-  
ган...» Узундан-узоқ ёзилган ҳужжатнинг охирида Зарина... фоҳиша деб аталган эди.

Бундай аҳолга олиб келган умумий сабабларга кейинроқ қайтиш мақсадида яна Зарина ҳақи-  
да тўхталайлик: бу 17 яшар навниҳол қиз катта хатога йўл қўйди. У ўзида уйғонган энгил ҳавасларга,  
майлларга қул бўлиб қолмаслиги, қайтанга уларни жиловлаб ўзининг маънавий қиёфаси учун кура-  
шиши керак эди. Аммо унда ирода етишмади. Энгил ҳаётга интилди. Турли ерларда учраб туради-  
ган суyoқ оёқ аёл-қизларни ўзига раҳнамо деб билди. Бунинг оқибати унинг ўзи учун ҳам, ота-она,  
ака ва сингил, мактаб учун ҳам ёмон бўлди. У барвақт номусини йўқотди. Сўнгга эса нафси «ғовлай»  
бошлади: танасини пуллашга ўтди. У келажагини барбод қилди, наҳс ботқоғига ботди. Энди орқага  
йўл йўқ. Фақат олдинда, унинг ўзига кўпроқ боғлиқ бўлган бир қанча йўллар турибди. Қайси бирини  
танлаш эса...

Фоҳишабозлик русча «проституция» деб аталиб, бу лотинча *prostitutio* яъни шарманда қила-  
ман, номусдан ажратаман, деган маънони билдиради.

Яқин-яқин вақтларгача мамлакатимизда «фоҳишабозликка чек қўйилган, бизда бу иллат йўқ»  
деб келинди. Муаммо устидаги «оқ парда»ни олиб ташламоқчи бўлган айрим жонсарақ кишилар-  
нинг «оғзига урилди». Бу ёлгон ростгўйлик устидан ҳукмрон бўлган, ҳақиқат камалакдай эгилиб, си-  
най-синай деб турган даврлар эди. Таажжубки, кўпчилик «жиловдор»лар учун шуниси маъқул эди.  
Уйлашга, бош қотиришга ҳам ўрин йўқ. Фоҳишалар ва улар атрофидаги «арвоҳ капалаклар» сафи  
эса гуркираб ўсар, борган сари кўпаярди.

Фоҳишабозликнинг илдизи қадим-қадимларга, деярли инсон онгли ҳаётга қадам қўйган кун-  
дан бошланган, десак хато қилмаймиз. Бу иллатни «онгли ҳаёт»га тақаганимизнинг боиси шундаки,  
фоҳишабозлик ҳам онгли равишда қилинадиган ҳаракатдан иборатдир. Ҳаётий мисоллардан бири-  
га мурожаат қиламиз:

Музлатиш комбинатида секретарь-машинистка бўлиб кўп йиллар ишлаб келган Р. С. Вилен-  
скаяни коллективда иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатишди. Бу серҳаракат ва мулозаматли аёл иш-  
билармонлиги билан ажралиб турарди. Уни кўпчилик ҳанузгача ҳурмат билан эслайди.

Аммо...

Кейин маълум бўлишича, Виленская ишда бошқая, уйда — шахсий ҳаётда бутунлай бошқа  
аёл экан. У Чилонзор районида жойлашган кўп қаватли уйнинг 3 хоналик квартирасида ёлғиз яшар-  
ди. Эри ўлиб кетган. Ягона қизи турмуш қуриб, чиқиб кетган эди. Қўни-қўшилари вақти-бемаҳал  
Виленскаянинг уйига кириб чиқиб турган кишиларни кўришар, лекин бу «беозор» кишилар ҳеч  
кимга ҳалақит беришмаганлиги учун «одам олдиға одам келадида» деб қўйишарди. Бир куни унинг  
уйига иккита аёл кириб келди. Кийиниши, ўзларини сипо тутушидан, бу аёллар ҳақида бирор но-  
жўя фикрлаш гуноҳга ўхшаб туюларди. Ичаридаги суҳбатни эшитган ҳар қандай кишининг эса эти жун-  
жикиб кетиши аниқ: улар пулдор эркак топишдан ва учрашувдан умидвор бўлиб келишган экан.

Виленская ўзига таниш фоҳиша — асли қарағандалик, ёлчитиб бирор жойда ишламайдиган  
Лариса Свершукка кўнғироқ қилади. «Клиент» кераклигини уқтиради...

Шу кечаси вақт алламаҳалга етганда Лариса кириб келади ва бир «фрайер» билан келганлиги-



ни маълум қилади. Виленская эшикни очиб, «меҳмон»дан 30 сўм олгандан сўнг ичкарига қўяди. «Меҳмон» — Р. Микаэлян таниқли жиноятчи — Лариса билан пинҳона кўз уруштириб, «гап-лашиб» олганлигини уй бекаси сезмай қолади. Шу кечаси тонга яқин Лариса билан «кавалери» алланарсаларни кўтаришганича оёқ учида уйдан чиқиб кетишади, уйда эса «бека» боши қоқ бўлингани ҳолда ўлиб ётарди.

Тергов узоқ давом этди. Кўп йиллардан бери фоҳишабозлик, қўшмачилик билан шуғулланаётган Виленскаянинг унча-мунча жамғарма пули, қимматбаҳо буюмлари борлиги Ларисага маълум экан. У ўз навбатида буни Микаэлянга айтди. Оқибатда эса «ўғрини қароқчи урди» хилидаги оғир жиноят содир бўлди.

Бу воқеани келтиришдан мақсадимиз шуки, қаерда номус сотиш, фоҳишабозлик бор экан, жиноятчилар шу атрофда айланиб юради ва бу «томоша»нинг оқибати мана шундай фожеа билан тугайди. Айрим ҳолларда эса нафақат фоҳишалар, уларнинг қўни-қўшнилари, ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган кишилар ҳам жабрланиши мумкин. Чунки халқимизнинг «қозонга яқин юрсанг қораси юқади» деган гапи бежиз айтилмаган.

Давлат ва жамоат мулкни таъмағирлик билан, шахсий бойлик орттириш мақсадида эгаллаб олишга қаратилган жиноятлар, шунингдек, ўғирлик, талончилик, босқинчилик, камомад, мансабни суиистеъмол қилиш ва фирибгарлик каби жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатади-ки, бу ишларнинг деярли ҳаммаси у ёки бу даражада фоҳишабозликка бориб тақалади.

Матбуот органлари орқали ёки бўлиб ўтаётган очиқ суд мажлислари материалларидан маълум бўлган — 80-йиллари жиноий ишларининг қайси бирини варақлаб кўрсангиз, «қаҳрамон»лардан хоҳ партиявий раҳбар, хоҳ хўжалик раҳбари, хоҳ пахта заводи директори, хоҳ савдо ходими ёки маъмурий органларда масъул ходим бўлсин давлат, халқ пулининг мўмайгина қисмини ўмарганига дуч келасиз. Тергов фақат қанча пул ўзлаштирилганини эмас, балки бу пул қаерга сарфланганини ҳам аниқлаши лозим. Буни қарангки, бебилиска топилган пул инсонни бузади, деганлари рост экан. Ҳаромхўрлар хотини, бола-чақаси бўлган ҳолда, яна бир нечтадан ўйнаш-текинхўр аёлларни шу ҳаром топилган пул ҳисобидан сақлаб турган ва катта миқдордаги пуллари фоҳишабозлик йўлида — суюқовёқ аёлларга сарфлаганлар. Эркалар-ку ўғирлиги ва сарфиёти учун жиноий жавобгарликка тортилиб, муносиб жазоларини оляптилар. Лекин бу ҳамтовоқ аёлларчи? Қайси бир фоҳиша «қаллиғи» соғураётган пуллари унинг ойлиги — пешона тер билан топилган иш ҳақи эмаслигини билмайди? Ҳаммасини билади. Ҳар бир мижози ғарра-ғарра сарфлаётган пуллари попоқлик билан, жиноий йўл билан топилганлигини жуда яхши тушунади. Оддий бир меҳнаткашнинг бир ойлик иш ҳақи миқдоридеги пулни, қандайдир бир лаҳзалик лаззат учун, у ҳам бўлса маст-аласт ҳолда «қутуриб» кечадиган ҳайвоний ҳирс учун сарфлаган одам бу пулни ё кимнингдир уйдан ўғирлаб ёки давлатнинг «тубсиз кисса»сидан шилиб келганини аъло даражада билади.

Хўш, шундай экан, нега бу фоҳишалар вақти келиб жиноятчилар билан бир қаторда ўтиришмайди? Нега бундай ҳолларда уларнинг жавобгарлигини белгилловчи қонун йўқ? Ахир, жиноят қонуни жиноий йўл билан топилган пул ёки мулкни яширишга ёрдам қилиш, «шундай йўл билан топилган маблағ эканлигини билатуриб сотиб олиш» каби хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик бор-ку?

Лекин жиноий ҳаракатлар оқибатида тўпланган пуллари фоҳишалик йўли билан ўзлаштириш, талон-тарож қилишда иштирок этиш, ўғирлик пуллигини билатуриб, тан сотиш эвазига ўзлаштирилганлик учун жавобгарлик йўқ?

Айрим қонуншуносларимиз «фоҳишалар ўзларига сарф қилаётган пул қаердан келиб қолганини билмаслиги мумкин. «Кимнинг билмаган нарсаси учун жавоб бериши мумкин эмас», дейишади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Мана далил:

Фоҳишалар ўз «мижозлари»ни жуда яхши билишади. Улар «қаллиқ» танлашда х ато қилмайдилар: чўнтагида доллар бир чет эллики бехато «отадилар», қассобни шофёрдан, савдо ходимини матбуот ходимидан, ферма мудирини ўқитувчидан, бухгалтерни инженердан, кассирни партия ходимидан адашмай ажрата оладилар. Бу касб эгаларининг ойлик иш ҳақи миқдоридан ҳам, даромад манбаларидан ҳам жуда яхши хабардорлар. Урилик пулни билатуриб шерик бўладилар-у; жавоб беришда томошабин бўлиб тураверадилар.

Сурхондарё областида бир магазин мудир 50 минг сўмдан ортиқ миқдорда давлат пулини еб юборганлиги учун қўлга тушиб, қамалиб кетди. Терговда у йигитга бир жувон элакишиб юрганлиги аниқланди. Маълум бўлишча, у бу йигитни йўлдан уриб «пинҳоний йўлдош»ига айланган, «уни соғиб ичган». Йигит билан бир неча марта курортларга борган. Гувоҳларнинг айтишича, бу аёлнинг камтаргина хонадони, у мудир билан «донлаша бошлагани»дан сўнг яхшигина ремонт бўлиб, турлитуман буюмларга лиқ тўлибди, ўзи эса тиллага «беланибди»... Хўллас, мудир қамалиб кетди. Пуллари эса фоҳишада қолди: мудир давлатни, фоҳиша мудирини шилди. Яна «ўғрини қароқчи урди». Лекин нима учун «ўғри» қамалади-ю, «қароқчи»нинг мушугини биров «пишт» демайди, эски «қасбини» давом эттираверади? Янги «қаллиқ»лар эса панжара ортидан қараб қолиш учун номзодликка навбатда турганликларини ўйлашмайди ҳам. Бу аёлни жавобгар қилишга қонунимиз «ожиз»лиги сизга қизиқ туюлмаяптими-а?

Фоҳишаликни «қасб» қилиб олганлар ўзларининг инсоний қиёфаларини йўқотиб, жиноятчилар қўлида буюмга айланиб қолганликларини тушуниб етмайдилар. Уларни истаган пайтда буюмдек сотиб олиб, пайти келганда бошқаларга пуллаб юришганда ҳам ўзларини ҳеч кимдан кам кўрмайдилар.

Юқорида айтганимиз, республикамиздаги собиқ мансабдор шахсларга нисбатан олиб борилаётган тергов ишларида порахўрлик чуқур томир отганлиги кўзга ташланади. Пора берувчилар ўз «ҳомий»ларини кўнглини олиш учун бир тарафдан пул, тилло буюмлар берганлар. Бундан ташқари суюқ аёл-қизлар — фоҳишаларни пул эвазига бошлиқларига қўшиб қўйиш йўлидан ҳам фойдаланганлар. Бу ўринда фоҳишалар бир буюм вазифасини бажаришган. Жиноий йўл билан тўпланган пулнинг бир қисмини иккинчи бир жиноятчига топширишда оралиқ предмет бўлиб хизмат қилганлар. Жиноят кўриб чиқилаётганда эса улар фақат гувоҳ сифатида иштирок этадилар.

Гарчанд биз масаланинг бу тарафи ҳақида фикрлашар эканмиз, айрим ҳамдардлашадиган жойларда тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки сотиш фоҳишабозлик туғдирувчи омил сифатида ҳам

хавфли ҳаракатдир. Шунинг учун республикамиз жиноят қонунининг 221-моддаси порнографик (уятсиз) асарларни, босма нашрларни ва расмларни ёки бошқа шу характердаги нарсаларни тайёрлаш, тарқатиш ва эълон қилиш ёхуд сотиш мақсадида сақлаш ва тарқатганлик учун, тегишли буюмлар мусодара қилиниб, бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши ёки 300 сўмгача жарима жазосини белгилайди.

Чунки бу ҳаракатлар тубан ҳис-туйғулар, орсизлик, ҳаёсизликни уйғотиш мақсадида ясалган, жинсий муносабатларни акс эттирувчи нарсаларда ифодаланган ва кўпинча, энгил табиатли шахслар психологиясига тез таъсир қилади. Орсиз, ҳаёсизларга эса фоҳишабозликкача бир қадам... Жуда қизиқ эмасми? Қандайдир уятсиз суратлар, буюмлар учун жинсий жавобгар қилиш мумкин-у, «фалон сўм берсанг жинсий алоқага тайёрман», деб ҳар куни бир эркак тагидан иккинчисига ташланадиган беҳаё «ўзиюрар уятсиз»лар учун жазо бўлмаса?

Ёки Ўзбекистон жиноят Кодексининг 218-моддаси иккинчи қисмда «Вояга етмаганларни... фоҳишабозлик... билан шуғулланишга жалб қилиш...» учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Савол туғилади: нега фоҳишабозлик билан шуғулланишнинг ўзи жиноят деб тан олинмайди? Нима учун фақат вояга етмаганларни фоҳишабозликка жалб қилиш учун жинсий жазо бўлиши керак? 18 ёшга тўлишга бир неча кун етмаган қиз учун кимдир жинсий жавобгар қиланадиган, «юбилей»идан эртасигаёқ уни фоҳишабозликка жалб қилавериш мумкинга ўхшаб қолади?

Жиноят қонунимизнинг 220-моддасини олайлик. Бу модда дарбадарлик, тиланчилик ёхуд бошқача тарзда текинхўрларча ҳаёт кечирганлик учун жинсий жазо белгилайди.

Текинхўрларча ҳаёт кечирининг энг тарқалган формаси сифатида фоҳишабозлик тан олинми керак эмасми? Ахир фоҳишалар ишлашдан бўйин товлаб, осонгина мўмай пул топиш пайида бўладилар-ку?..

Ҳеч қандай меҳнат қилмасдан (қонунда ижтимоий фойдали меҳнат дейилади) пул-молга эга бўлишадими-ку? Лекин фоҳишаларга ушбу моддани тадбиқ этолмаймиз?

Жиноят қонунимизда фоҳишабозликка қарши курашда амалда бўлган бирдан-бир модда бор. Бу 219-модда бўлиб, «Фоҳишахона ва қиморхоналар очиб ёки сақлаш, шунингдек, таъмагирлик билан қўшмачилик қилганлик» учун молу-мулкни мусодара қилиб ёки қилмай, икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилайди.

Бундай бузуқлик уяларини сақлаш ғаразли қўшмачилик, таъмагирлик билан қилинганлиги учун айбдорлар жазоланади. Лекин бу ерда ҳам ноҳақлик кўзга ташланиб қолади. Узингиз ўйлаб кўринг. Фоҳишалик «касби»ни пухта эгаллаган аёл бирор ишга ўрнашиб олади-да, меҳмонхона ва ресторанларда «ов» билан шуғулланади. Уткир ҳиссиёт ахтарувчи «бойвачча»ларни беҳато нишонга олади. Лекин улар «савдо»ни охирига етказишлари учун «жой»дан қийналишади. Шунда ёлғиз яшайдиган кампирми, боши билан ичкиликка сўнғиб кетган дарди-бедавоми, кўнгли бўшроқ таниши топиб, 5—10 сўм пул ёки бир шиша спиртли ичимлик ҳисобига жазмини билан «гаплашиб» олишга руҳсат сўрайди. Бора-бора бундай «уй эгалари»ни мазахўрак қилиб қўядилар. Ҳар бир фоҳишалик «акти» учун ўртача 50 сўм атропоид «даромад» қилинса, шундан 35—40 сўми фоҳишага, 10—15 сўми «бека»га тегади. Албатта, бундай ҳол узоқ давом этмайди. Бу «кишбилармон»лар қўлга тушадилар. Тергов ҳам бўлиб ўтади. Фоҳишалар, жазманлар аниқланади. Натижаси нима бўлади деген? Фоҳишалар оғоҳлантирилади. Жазманлар оғоҳлантирилади. Жарима тўлашлари ҳам мумкин. Судга эса фақат «жой берган»лар боради. Суд жазосига ана шуларгина тортиладилар.

Раиса Г. 1931 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида яшайди. Унинг фоҳишабозлик кўчасига кирганига кўп йиллар бўлди. Аввал ўз номусини пуллади. Сўнг «бозори касод» бўлган (қарилликда!), бошқаларни қовуштириб «лаззатланадиган» бўлди. Ҳамёни ҳам қаппаверди.

Раиса билан ўтказилмаган тадбир, кўрилмаган чора қолмади. Ҳатто бир-икки марта қамалиб ҳам келди. Бир мунча вақт ўзини яши тутиб юрди. Сўнг яна «безгак хуруж» қилиб қолаверди. Навбатдаги «қоровул»да турганида милиция ходимлари келиб қолишди. Уйдаги жим-жит хоналардан қип-яланғоч эркак-аёлларни судраб чиқишди...

Табиийки, шу ерда фоҳишаларга нисбатан кўриладиган чоралар нимадан иборат деган савол туғилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 31 июль 1987 йил Фармони билан тасдиқлаган «маъмурий жавобгарлик ҳақида»ги кодексининг 186-моддасига кўра фоҳишабозлик билан шуғулланганлик учун оғоҳлантириш, 50 сўмгача жарима, агар бир йил давомида такрорланса 200 сўм жарима жазосидан бошқа чора йўқ. Ёки 186-моддасига кўра, чет эл граждандарига буюм, пул олиш мақсадида ҳар хил йўллар билан элакишиш учун, аввало 100 сўмгача, такрорланса 200 сўмгача жарима солиш мумкин.

Тўғри, фоҳишабозлик билан шуғулланганларни ушлаш, текшириш, фоҳишалик орқасидан топган буюм ва пулларни олиб қўйиш, мажбуран медицина кўригидан ўтказишга юбориш мумкин. Ма-на шулар билан чегараланилади, холос. Бир кунда «ошиқ»лар сонини 2-3 тадан 10 тагача етказадиган фоҳиша учун 100—200 сўм жарима тўлаш, йўл-йўлакай «чирт» етказиб тупургандай гап эмасми?

1941 йилда туғилган Дина К. уч боланинг онаси, завод ишчиси, Чилонзордаги шинамагина квартирада яшарди. Оила ҳаёти уни зериктира бошлади. Эри кўзига балодай кўринадиган бўлиб қолди. Кунлар ўтган сайин хаёлидан пулдан бошқа фикр аримайдиган бўлди.

Анчагина тўлишиб қолган қизи Юлияни кузатар, ўзини ойнага солиб кўрар ва пулдор эркакларнинг кўнглини топса анча-мунча даромад қилиши мумкинлигини ўйларди. Лекин... Эри халақит беради-да!..

Дина бўлар-бўлмасга жанжал чиқара бошлади. Охири мақсадига эришди. Эри билан ажралишди. Уйда «ҳоким» бўлиб олди. Энди бу хонадонга турли пакет, тўрхалта кўтарган эркаклар серкатнов бўлиб қолди. Бу ҳол бир қанча муддат давом этди.

Динанинг топган «харидор»лари кеча-кундуз тиним бермаганидан безор бўла бошлаган Юлия бир бўшроқ йигитга ўзини покиза кўрсатиб тегиб олди ва кўчиб кетди. Дина илгаригидай «фаолияти»ни давом эттиролмади қолди. Даромаднинг баракаси учиб қолгани уни ташвишлантира бошлади: «ёши ўтиб борарди-да!

Ресторанма-ресторан юриб официантлар орасидан шерик қидира бошлади. «Лаббай», деганлари ҳам бўлди. Уларга уй адреси ва телефонини қолдирди. «Иши» бироз жонланди: уйига хо-

тин, эркалар кела бошлади. Уйи ичкиликбозлик, пинҳоний учрашувлар жойига айланди. Ҳар гал уй бекасига маълум миқдорда, 10—30 сум атрофида пул тўланарди. Дина қизларнинг адресларини йиғиб юрарди. Шу билан уйи исловатхонага, ўзи кўшмачи-«севги» ахтарувчи эрка ва хотин ёлловчига айланди. Бу орада қизи Юлия ҳам эрининг кўзини шамғалат қилиб келиб-кетиб турди...

Қарангки, «ёмон қилиқ юқумли бўлади», деб бекорга айтишмаган экан. Динанинг қилмишларидан хабардор бўлиб қолган кўшниси Зайнаб Х. эрига маслаҳат солди: «Осонгина пул топиш йўли бор...»

Бу хонадон ҳам кўп ўтмай учрашувлар, ҳаром-харишликлар учун «қадамжо»га айланди.

«Парилар уяси» фoш қилинди. Бу «қадамжо»нинг «эзибатчилари» бирма-бир тавба-тазаррусини айтишди. Кимлар денг? 16, 27, 21, 25, 29... яшар қиз-жувонлар. 25, 40, 45... ҳатто 60 яшар эркалар... студент, иши, бухгалтер, савдо ходими, медицина ҳамшираси, артист, педагог, қассоб, ошпаз ва... оилалик, ажрашган, болалик она, кўп болали ота, орденли мутахассис, комсомол, КПСС аъзоси, раҳбар ва ҳоказолар...

Номуссизнинг катта-кичиги бўлмас экан.

Совет қонунлари СССРда хотин-қизларнинг жинс дахлсизлигини, ёки жинс эркинлигини қўриқлайди. Ҳар қандай мажбурий-зўрлик ишлатиш билан боғлиқ жинсий алоқалар учун айбдор шахсларга жинсий жавобгарлик белгиланган.

Қонунларимиз мажбуран номусга тегиш учун жавобгарликда жабрланувчи ор-номусли, пок қалбли қизми, ёки фоҳишами бир хил жазо белгилайди. Бир шиша вино учун ўз танини дуч келган кишига таклиф қилиб юрган дайди аёлни вино олиб бермасдан номусига текканлиги учун бир қанча ёш йигитлар жинсий жавобгарликка тортилиб, 13—15 йилга қамалиб кетгани кўпчиликка маълум. Чунки, улар фоҳиша айтган винони олиб беришмаган, бу эса аёлга алам қилган, у ариза ёзиб келган эди-да! Бундай ҳол бузуқ аёлларга кўпроқ қўл келарди. Улар турли йўллار билан обурули, топиш-тутиши яхши шахсларга элакишиб, олиб, ўзлари «фурмачаси тошганича» ичкилик ичишар, сўнгра эса «беҳуш ҳолда қаршилик кўрсата олмасликдан фойдаланиб», «номусимга тегди» деган сўзга таяниб, хоҳлаганларича катта пул талаб қилишар, қаматаман деб қўрқитишарди. Қонун эса уларни ҳимоя қиларди!

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, кўпчилик буржуа мамлакатларида фоҳишаларга, ахлоқи бузуқ аёлларга нисбатан қилинган ҳаракат учун «мажбуран номусга тегиш» деган жиноят қонуни қўлланилмайди. Утган асрнинг 40-йилларида яшаб ўтган таникли немис қонуншуноси ва криминалисти А. Фейербах «Номусга мажбуран тегиш жинояти фақат ўзини бадномликдан асраганлар учундир, тўғри келган эркалар билан алоқада бўлиб кетаверганлар учун эмас, фоҳишани жинсий алоқа қилиш учун зўрлаш шарт эмас, жуда нари борганда шахсга нисбатан зўрлик деб баҳолаш мумкин» — деб таъкидлаган эди. Революциядан илгариги рус криминалистикаси ҳам шунга яқин позицияда бўлган. (И. Я. Фойницкий. Жиноят ҳуқуқи курси).

Ҳўш, фоҳишабозликка чет элларда муносабат қандай?

Масалан, Венгрия Халқ Республикаси қонунлари фоҳишабозлик учун жинсий жавобгарлик белгилайди. Венгрия жиноят Кодексида: «Ҳаром ишлар ва ахлоқ бузишга олиб келадиган ҳаракатлар билан шуғулланувчи шахс бу нарсани касб қилиб олса, жиноят содир этган деб ҳисобланади ва бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш иши, шунингдек, пул жаримаси тўлатиш билан жазоланади» — дейилган.

Бундан ташқари суд ҳўкми билан фоҳиша яшаб турган жойдан бадарға қилиниши мумкин. Фоҳишабозлик ҳаракатлари учун маъмурий чоралар қаторида 60 суткагача қамоқ ва 10 минг форинггача (ВХР пул берилиги) жарима тўлатиш жазоси берилади.

Германия Демократик Республикаси жиноят қонунлари бўйича, фоҳишабозлик жамоат тартибига таҳдид солади, аҳоли ахлоқини бузилишига таъсир қилади, деб ҳисобланиб, икки йилгача муддатга қамоқ, шартли жазо ёки озодликдан маҳрум қилиш чоралари белгилайди.

Польша Халқ Республикасида фоҳишабозлик учун уч ойгача қамоқ, ҳуқуқини чегаралаб қўйиш ва жарима жазолари амалдадир.

Руминия Социалистик Республикасида фоҳишалар учун уч ойдан уч йилгача, Чехословакияда 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари мавжуддир.

Капиталистик мамлакатларда эса фоҳишабозликка бошқача қаралади. Масалан, Германия Федератив Республикасида фоҳишалик профессия — касб деб тан олинган. Фоҳишалар маълум миқдорда доромад солиғи тўлаб турадилар ва ёши етгандан сўнг стажига қараб пенсияга чиқарилади. ГФРда фоҳишабозлик тўғрисида айрим кечлашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, фоҳишабозлик билан аҳолиси 50 мингдан оз бўлган шаҳарларда шуғулланиш мумкин эмас. Шунингдек, катта шаҳарларда ҳам, марказий кўчалар, мактаб, болалар муассасалари, диний қадамжолар яқинида фоҳишабозлик қилиш таъқиқланган. Бу тартибларни бузиш эса ГФР қонунчилигида жиноят деб танилади ва уни бузганлар жазога тортиладилар. Менинг бу борадаги шахсий фикрим шуки, агар илгаригидай бизда фоҳишабозлик йўқ бўлиб кетган деган позицияда турилса, оқ билан қорани ажрата олмай қоламиз. Гарчанд биз аёлларни ҳақиқий номи билан — аёл деб атасак ва иккинчи қисмини фоҳиша деб тан олсак, қонун ҳам шунга қараб қўлланилиши керак. Ахир номуси поймол қилинган қиз — аёл билан аллақачон номусини тарк этган фоҳиша қонун шохсупасида бир қатор ўтириши мумкин эмас-ку!

Биз кўп йиллар давомида фоҳишабозлик капитализм жиноятига хос деб, аввало ўзимизни алдаб келдик. Унинг пайдо бўлишини аёллар меҳнатига кам ҳақ тўланиши, бой ва камбағаллар мавжудлиги, ишсизлик, қашшоқлик кабиларга боғладик. Бизда бундай социал иллатларга чек қўйилган, деб ноғора қоқдик. Кўчаларда, меҳмонхоналарда, дам олиш жойларида фоҳишаларни кўриб, кўрмаганга олдик. Нафақат ўзгалар, бутун ҳаёти танини пуллаш билан ўтаётган аёлга «сиз жалаб, фоҳишасиз» деб кўринг эди, уни ҳақорат қилган, шахсини пастга урган, фурурига тегиб, жиноят қилган ҳисобланар эдингиз.

Бундай муносабат бузуқлик, фоҳишабозликнинг устига парда тортади, уни жирканч «касб» эканлигини яшириб, бу «касб» эгаларини рағбатлантиради. Яхши-ёмонни ажрата олмай қолиб, бу иллат билан курашни қийинлаштиради. Притонлар (исловатхона) деярли барча жиноятларнинг келиби чиқишида озми-кўпми омил саналади. Бу жойлар айниқса фоҳишабозлик тараққий этишига биринчи «база» бўлиб хизмат қилади. Хоҳ қимор ўйини, хоҳ порногафия билан ўралашувчи, хоҳ ич-

киликбозлик ёки бангихона ишқибозлари тўпланмасин, бу «давраларда номус орадан кўтарилган бўлади ва бу жойларга қадам босган хотин-қиз фоҳишаликдан холи бўлмайди.

Самарқанд шаҳрида бир неча маҳалла «Шоввоз»лари «ким зўр?» қабилада фаолият кўрсата бошлаганлар. Йигитчалар маълум доирадаги ёш қизчаларни гўё «ўз ҳимоясига олганлар». Навбат-даг «ҳимоядан сўнг «шоввозларнинг «штаб-квартираси»—хилват жойлардаги уйчага йиғилишиб, спиртли ичимликлар ичиш, наркотик моддалар истеъмол қилиш билан шуғулланганлар. Ёш қизлар ўз «собон»ларидан қайси бири билан алоқада бўлганларини ҳисобига етаолмасдан, тубанликка кетаётганликларини сезмай қолишган. Бора-бора йигитлар ичкилик ва наркотик моддаларга «чанқоқ» бўлиб қолишиб, қизларни «қишга солган»лар. Қизлар ҳам ҳеч тап тортмай, «ким ошди» савдосига ўзларини қўйишиб, фоҳиша деган номни «фахр» билан ёрлик қилиб олганлар.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, наркомания, бангиликка ружу қўйган хотин-қизларнинг биронтаси ҳам фоҳишабозлик кўчасидан ўтмай қолмайди, бу иккала иллат доимо бирга юради.

Ҳозирги кунда республикамызда фоҳишабозликка қарши бир қатор тадбирларни амалга оширилмоқда. Яшириб ўтиришдан не фойда, 1984—87 йиллар давомида ўтказилган амалий ишлар натижасида республикамыз шаҳар ва қишлоқларида 10 мингдан ортиқ суюқ оёқ аёллар аниқланиб, махсус рўйхатга тиркалди. Фақат 1987 йилда ушланган фоҳишалар орасида 1248 таси турли хил юқумли таносил касалликларига мубтало эканликлари қайд этилди.

Рашида Ф. олий маълумотли педагог, мактабда ўқитувчилик қиларди. Институтни битирган йили турмуш қурди. Аммо оила ҳаёти Рашидани қониқтирмас, кўпроқ пули, тақинчоғи, кийимлари бўлишини хоҳларди. Эрини қийнайвергач, охири эр уни ташлаб кетди. Иккинчи бор топиш-тутиши яхши бир йигитга «кўнгил берди». Лекин буниси яхшигина пул топиш билан бирга «яхшигина» ичар ҳам экан. Маст-аласт ҳолда уйга «дўст»ларини эргаштириб келар эди. Рашида эрининг дўстлари орасида «топарман»ларини кўзи илғаб қолди. Устомонлик билан уларга суйқалиб, совга-инъом эвазига жинсий алоқа қиладиган одат чиқарди. Бора-бора бу ҳол эрига маълум бўлиб қолди ва у аламини ароқдан ола бошлади. Мутлақо алкоғолизмга чалиниб, даволанишга юборилди. Рашида энди «ишни кенг кўламда бошлаб юборди. Кундузи мактабда ўқувчиларга эзгулик ҳақида, номус, виждон ҳақида ваъзхонлик қилар, кечқурун эса бир қанча қиз-жувонларни йиғиб, пулдор эркакларни «сиқиб сувини чиқариш»дан сабоқ беради.

Бу аёлнинг фоҳишабозлик ва қўшмачилик борасида қилган ишлари ҳар қандай одамни ақлдан оздирарди. Хуллас, унинг «ҳисоби»да турган қиз-жувонларнинг сони 100 дан ошиқ эди. «Харидор»лар эса республикамыздан ташқарида ҳам бор эди. Улар истаган маҳали бу ерда «самимий қабул» қилинар эдилар...

Ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасида деярли 800 га яқин ашаддий фоҳиша рўйхатга олинган. «Иш жойлари» асосан шаҳар меҳмонхоналари, ресторанлар, ётоқхоналар ва махсус уюштирилган уйлardan иборат бўлган бу ифлос «жамоа» билан қонун доирасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатдики, бу қадимий «ҳунар» эгалари аввало ўз жонларига қасд қилар эканлар. Ўз бўйниларига сиртмоқ тортиб, ўн гулидан бир гули очилмасдн сўлиб, барвақт қарир эканлар. Кексайган чоғларида эса ёлғизлик азобидан қийналар, бир пиёла сув тутувчига зор бўлиб қолишар экан.

Фақат 1987 йилнинг ярмида 3 мингга яқин бузуқ аёл таносил касаллиги билан оғриганлиги медицина муассасаларида қайд қилинган. Ўтказилган тадбирлар натижасида мингдан ортиқ уй-жойлар жинсий алоқа қилиш ва интим учрашувлар учун хизмат қилиб турганлиги, қўшмачилик мақсадида фойдаланиб келинганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Зина деган 37 яшар аёл иш жойининг ва меҳнат даромадининг тайини бўлмаган ҳолда системали равишда фоҳишабозлик ва қўшмачилик билан шуғулланиб келган. Унинг уйдан яланғоч эркак ва аёллардан ташқари 68 минг сўмдан ошиқ пул қўйилган омонат касса дафтарида ва бир қанча қимматбаҳо буюмлар топишган. Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирлардан биридан келиб чиққан натижа таҳлили эътиборга моликдир. Бир оқшом ресторан, кафе, меҳмонхоналар атрофида ўралашиб юрган фоҳишалардан 120 таси қўлга олинди. Текширишда уларнинг ярмидан кўпи, яъни 67 таси таносил касаллиги билан оғриганлиги маълум бўлди.

Хўш, бу фоҳишалар кимлар? Аниқланишича, уларнинг ҳар учинчиси Тошкент шаҳридан, ҳар тўртинчиси Тошкент области шаҳар ва қишлоқларидан, ҳар бешинчисининг яшаш ва ишлаш жойининг тайини йўқ, қолганлари эса мамлакатнинг турли шаҳарлари — Москва, Ленинград, Свердловск, Куйбишев, Олмаота, Мурманск, Могилёв ва бошқа жойлардан келган «гастролёрлар» экан.

Улар орасида 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган жувонлар кўпчиликини ташкил қилади. Аммо 14 яшари ҳам, 40 яшари ҳам бор. Социал состави ҳар хил: ўқувчи, студент, ишчи, дайди... Энг кўп қисмини ким ташкил қилади денг? Хизматчи — номига дабдабали давлат идораларида турли ишларда ўралашиб юрадиган «сирти силлиқ» оймичалар...

Яна шу нарса ҳақиқатки, турғунлик йилларида, гарчи кенг оммалашмаган бўлса ҳам, «идоравий фоҳишалар» пайдо бўлди. Бундайлар бирор иқтидори бўлмаган, лекин сирти силлиқ аёллардир. Улар каттароқ идораларга ишга жойлашиб оладилар-да, бошлиққа пинҳона кўз суза бошлайдилар. Уни ўз «тузоғи»га илинтиргач, коллективнинг «маликаси»га айланадилар. Дарҳол иши энгил, маоши мўмай лавозимга ўтадилар, навбатдан ташқари квартира оладилар, тез-тез мукофотланадилар. Энг даҳшатлиси, бу хил бузуқ аёллар бошлиқни «гаҳ» деса қўлига қўнадиган қилиб олгач, унинг ишига аралаша бошлайдилар. Қарабсизки, коллективда адолат тарозиси чил-парчин бўлади, норозиликлар кучаяди.

Аёллар фоҳишалик кўчасига қандай кириб кетиши тўғрисида таг-заминли жавоб топиш қийин. Чунки илгари бу социал ҳодиса тадқиқ этилмас, биз айрим манбаалар — бадий адабиёт, кинофильмлар, хабардор кишиларнинг ҳикояси орқали фикр-мулоҳаза юритардик. Фоҳишабозлик аксарият моддий етишмовчилик, қийин, ночор аҳволга тушиб қолиш натижаларида бошланади, деб тушунар эдик. Наинки, илгари бир бурда нонга зор бўлган аёлнинг танасини пуллагани ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин ҳозирги «мижозлар»нинг аҳоли мутлақо бошқача — бирортаси муҳтожлик кўришмаган. Яшайман деса — уй, ишлайман деса иш жойи, қийналган бўлса атрофида меҳрибон кишилар топиларди.

Фоҳишалар бу «ҳунар»ини кўпдан-кўп сабабларга кўра танлаб олишгани равшан. Лекин энг асосийси уларнинг эс-ҳушини «лаززат ва фароғат» дунёси, осонгина мўмай пул топиш имконияти олиб қўйган. Фоҳишалик билан жарақ-жарақ пул топиб, яхши кийиниш ва ҳузур-ҳаловатда яшаш мумкинлиги кўринган. Сиртдан жилпанглашиб, бахтиёр кўринишга уринган бу бахти қаролар маълум бир даврда арзимас пул ва бойлик тўплайдилар. Аммо, ору-номусидан, соғлиғидан, жамиятдаги ўрнидан, ҳатто ўз инсоний қиёфасидан маҳрум бўлиб, бедаво дардга чалиниб, қолган умрлари азобда ўтиши аниқ. Бу ҳаёт ҳақиқатидир. Фоҳишаларни доволайдиган муассасаларда, жазо ўтайдиган тарбия муассасаларида улардан бирор киши (яқинлари, дўстлари, қариндошлари) хабар олмаганлиги, аксинча учрашиб қолганларида ҳазар қилиб, юз ўгириб ўтишганини яхши биламиз.

Яна бир омил ҳақида тўхталишсак.

Оила мустаҳкамлигига эриша билмаганимиз оқибатида кўпдан-кўп оилалар «синаяпти». Бунинг сабабини ахтариб узоққа боришнинг кераги йўқ. Дангал айтиш керак, бу узоқ йиллар давомидаги занжирли хатоларимиз оқибатида юзага келган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, уй-жой билан аҳолини тўла таъминлай олмаганлигимиз, ёш оила аъзоларининг кам иш ҳақи олиши ва моддий таъминланганликлари, таълим-тарбия ишларининг сусайганлиги ва жамиятимиздаги бошқа нуқсонларнинг «меваси»дир.

Ҳўш, оилавий ажралишлар масаласида аҳвол қандай? Мана, 1950 йилда ҳар 100 та никоҳдан 3 таси, 70-йилларга келиб ҳар 28 таси, бугунги кунга келиб эса 40 тадан ошиғи, деярли ҳар иккита никоҳдан биттаси «сониб» турибди. Мамлакатимиз бу масалада жаҳонда Швециядан сўнг иккинчи «фаҳрли» ўринда туради.

Таҳлиллар шуни исботлайдики, ажралишлардан сўнг, ҳар икки «бева» қолган аёлдан бири бошқа турмушга чиқмас экан. Орзу-ҳавас ва муҳаббат билан, ҳақли равишда бахтли бўлишга интиланган аёл рўзгорда бахтини топа олмай, эру-хотинликдан ҳафсаласи совийди. Эрсиз қолгач, муҳаббатга ишонмай кўяди. Секин-аста тўғри келган эркек билан тасодифий жинсий алоқаларни одат қилади. Ана шу бир қисм аёллар орасидан айримлари фоҳишалар сафидан ўз ўрнини топади.

Яна бир масала бор. Қизларда жинсий уйғониш ва унга қизиқиш шаклланиш даври медиқларимиз фикрига кўра 11—12 ёшдан бошланиб, бу давр 25—26 ёшгача давом этади. Мана шу даврда улар алоҳида эътибор ва муносабатга муҳтождирлар.

14—15 атрофидаги ёшлар, хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин, бузқўлик йўлига тушиб қолиши сабаби сўралганда онаси ёки отасини ичкиликбоз ёки маънавий юзтубан кетганлиги айтилади. Улар ўзлари гувоҳ бўлган гумроҳликлар ҳақида қизариб-бўзариб ҳикоя қилиб беришади.

Мавзумизнинг буларга боғлиқ томони борми, деган савол туғилиши табиий. Ҳа. Боғлиқ томони бор! Орамизда фоҳишабозликни муаммо даражасига олиб келган омиллардан бири ҳам мана шу ҳолатлардир. Ўз уйида, атрофида андоза олиши, ҳаёт тарзини ўрганиши лозим бўлган шахслар — катталарнинг беандиша ҳаётини кўравергач, ҳар қандай ўсмирнинг ҳам ахлоқи бузилади. Кўча-кўйда бемалол дайдиб юришни, подъезд, ертўлаларда тунашни одатга айлантиради. Бу эса тасодифий жинсий алоқаларга олиб келади. Энг даҳшатлиси ҳам мана шу ерда-да! Ким билан алоқа қилишга бефарқ бўлиб қолган қизда нима ташвиш бўларди? Кўпур пул топиш, яхши кийиниш, маишат қилиш ташвишида!.. Шундан кейин у ўз танасини эҳтиёжларига хизмат қилдира бошлайди.

Инсоннинг энг муқаддас бойлиги бўлган муҳаббати, номуסי бозорга — савдога олиб чиқилади — фоҳиша деб номланадиган янги бир шахс пайдо бўлади.

Фоҳишабозликни туғдирувчи омиллардан яна бири порнографиядир. Илгари порнография деганда турли хилдаги уят расмлар, жинсий хирсни уйғотувчи чизмалар, карталар каби суръатлар билан чегараланиларди. Энди эса техника тараққиёти ўзи билан видеофильмларни одамлар орасига олиб кирди.

Турли, ноқонуний йўллар билан чет эллардан келтирилган ёки пулқувар «ижодкор»лар, эрканантиқ ўғил-қизларнинг «чанқоқ босди» қилиқлари оқибатида қўлбола «кинофильм»лар, уятсиз «асар»лар пайдо бўла бошлади.

Сир эмас, бундай фильмлар ҳатто катта ёшдаги кишиларда ҳам қандайдир қизиқишга ўхшаш ҳис уйғотади. Агар томошабин ёшлар бўлса-чи? Улар характер жиҳатидан тез ҳиссиётга берилувчан бўлганликлари сабабли бундай «фильм»ларга «қойил қоладилар» ва тақдир қила бошлайдилар. Вақтида олди олинмаса, уларнинг фоҳишабозлик кўчасига кириб кетишлари ҳеч гап эмас.

Меҳнат қилмай «лаززат» ахтаришга тушиб қолган ёшлар ўқиш-ўрганиш, касб танлашга вақтлари бўлмайди. Бора-бора яшаш учун маблағни ўз «касб»ларидан чиқариб олишга одатланади.

Фоҳишабозлик билан шуғулланувчиларга қарши маъмурий жавобгарлик белгиланганига ҳам бир йилдан ошди. Мазкур қонун билан белгиланган жазо чораси — 200 сўмгача миқдорда жарима тўлатиш билан ўз танасини пуллаш ҳолларига чек қўйилдиими?

Ҳозирча фақат бир нарсани айтиш мумкин: бу иллат ҳақида ошкора фикр-мулоҳаза юритилаяпти, холос. Бир қатор мақолалар эълон қилинди. Қонуншуносларимиз ҳам, граждандлар ҳам фоҳишабозликка қарши курашда «енгил-елпи» чоралар билан тегишли мақсадга эришиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар. Ахир, кўпгина социалистик ва ҳатто, капитал ҳукмрон мамлакатларда фоҳишаларга қарши курашда таъсирчан қонунлар мавжудлигини айтиб ўтдик.

Мен буни қўпол бўлса ҳам «чорасизлик»дан бошқа нарса деб атай олмайман. Ахир номусини бир-икки оқшомда 400—600 сўмга «пуллаган» фоҳишани 200 сўм жарима билан жазолаш кулгили-ку... Дарҳақиқат, Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналардан бири олдида ўтиб кетаётиб, «овчи қиз»нинг, уни тўхтаган милиция ходимига қилган «буйруғи»ни эшитганман:

— Мана, тезроқ жаримангни олда, гапни чўзма. Жазманлар кетиб қолади. (Балки «кутиб қолади» деганди)...

Қайд этиш лозимки, фоҳишалар билан кураш қанча кучлироқ ва ошкора бўлмасин, улар ҳам қараб турмас эди. Бундан бир неча йил муқаддам меҳмонхоналар ва истироҳат боғларида ҳар қандамда тўғаноқ бўладиган «шаддод овчи»ларни ҳозир учратмайсиз. Лекин сал синчковлик билан қаралса «яширин ҳолат»га ўтилганлигини пайқаш қийин эмас...

Текширишлар шуни тасдиқлайдики, фоҳишаликни касб қилиб олганларнинг кўпчилиги енгил-елпи ишларга жойлашиб олар экан. Бир қисми бир сутка ишлаб икки-уч кун дам оладиган смелани ишларда бўлишади. Айримлари эса жавобгарлиги йўқ иш ахтаришиб, устига-устак маълум пул

ҳисобига ўз ўринларида иш бажариб туришга одам топишади. Улар орасида юз-кўзига гард юқтирмасдан «кўча супурувчи — фаррош», «қоровул», «йўл ремонти ишчиси», «қувур тозаловчи», «ўт ўчирувчи» каби касбларда ҳисобда турганлари борлиги маълум бўлиб қолди. (Ҳатто сувга чўкканларни қўтқариш хизматида ҳам «ишлашаркан»!)

Фоҳишабозлик билан шугулланувчи аёлларнинг қилмишлари яна бир қатор текинхўрларга қўл келиши аниқланган. Булар пул илинжида юрган автомобиль эгалари, давлат таксиси ҳайдовчилари, уйларини бўшатиб бериш ҳисобига пул тўпловчи турли қаланғи-қасанғилар, меҳмонхона «бека»лари, ресторан официантлари ва шуларга ўхшаган шахслар экан.

\* \* \*

Республика прокуратураси почтаси турли хил хат-хабарларга тўла бўлади. Улар орасида бузуқлик, фоҳишабозликка тегишли хабарлар, таклифлар ҳам учраб туради. Алам билан ёзилган бу хатлар одатда ана шундай нопокликдан жабр кўрган кишиларга тегишли бўлади.

Мана, уларнинг айримларига эътибор беринг:

Тошкент шаҳар Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан А. Сердюк:

«...Бундан 30 йилча илгари «мамлакатимиз фоҳишабозликдан холи» деб жар солиниб, жиноят кодексларидан бу жиноятни шошма-шошарлик билан чиқариб ташлаб, катта хатога йўл қўйилган. Ҳозирги кунда ўтмиш хатолари кенг миқёсда тузатилмақда. Бу хато ҳам тузатилиши керак...» Менимча жуда тўғри таклиф.

Қарши шахридан пенсионер К. Маллаев:

«...Кейинги пайтда фоҳишаларга нисбатан чора кўриш бирмунча жонлангани яхши бўлаяпти. Лекин бу кам. Ахир порнографияни (уятсиз), бузуқликни тарғибот қилиш каби ҳаракатлар учун жиноий жазо бору, лекин ўз қилиғи билан бузуқликни тарғибот қилиб юрган фоҳишаларга бу моддани қўлламайсизлар? Ахир бир-иккита яланғоч аёл суратидан кўра, ҳаммани кўз олдида билтанглаб, тан сотиб юрганлар эл ахлоқини кўпроқ бузапти-ку!»

Кўқон шахридан етти боланинг онаси Маърифат Турсунова:

«...Бир зинаподдан суяқ оёқ қиз билан бирга кириб чиқиб туриш сизга ёқадими? Бунинг устига уйингизда ўғил-қизларингиз буй чўзиб қолган бўлса? Лекин маъмурий органларга мурожаат қилсак, ҳар гал «огоҳлантирдик, факт тасдиқланмади, нима ҳам қилаолардик», деб елка қисиади. Бу қандай «латталиқ» ахир?!»

Хоразмдан келган бир хатдан. (Хат муаллифининг фамилиясини маълум мулоҳазалар билан келтирмадик):

«...Ўғлим хотинини бегона эркак билан тутиб олганида аччиқ устида уни дўппослаб, тан жароҳати етказди. Ҳаромдан келиб қолган буюмларни топиб, синдириб, ёқиб ташлаган эди. Терговда хотини уйнаш тутиб, пул, мол эвазига фоҳишалиқ қилиб юрганини далиллар билан тасдиқлай олмади. Уни суд қилиб уч йилга қамашди. Ҳозир эса «келин» уйда 2 та неварамнинг кўз олдида фоҳишабозликни авжига чиқарапти...»

Текширишда бу фактлар тасдиқланди. Лекин фақат огоҳлантириш билан чегараланилди. Чунки икки ёш боласи билан бу аёлни жавобгар қилишга қонунимиз ожизда!

Деновлик Р. Тожиддинов: «...фоҳишаларни оқламайман. Лекин асосий айб эркакларда ҳам бор-ку! Эркаклар ўзларини босишмайди. Аёлларни улар бузади. Албатта, фоҳиша аёл жавоб бериши керак. Лекин эркак... унинг иштирокчиси эмасми?..»

Одамлар фикрида жон бор, куюнчаклик бор. Улар билан ҳисоблашиш керак.

Фоҳишабозликка қарши курашни кучайтириш масаласи муҳокамасида жиноят Кодексига бу ҳақда тегишли қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар бўлган эди. Лекин тегишлича баҳо олмади. Кўпчилик қонуншунос олимларимиз, ҳатто тажрибали практик ҳуқуқшунослар орасида ҳам «фоҳишабозликни жиноят кодексига киритиш мумкин эмас, ахир бунини далиллаш, исботлаш қийин бўлади», деган фикрлар бўлди.

Ваҳоланки, жиноят — бу ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинган ҳаракатдан иборатдир. Фоҳишабозликни жиноят деб таниш учун унинг жамоат учун хавфлилиги, қонунга хилоф муносабат эканлиги, одамлар ахлоқини бузиш, текинхўрлик билан кун кечириш, давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишда, оилалар бузилишига ва турли хил таносил касалликлари тарқалишига олиб келаётган хавфи, қасддан содир этилиши каби бир қатор ҳолатлар тўла мавжуд эди.

Қолаверса, жиноятчиликка қаттиқ қонунчилик асосида курашиш керак. Исботлаб бўладими, йўқми, деб иккиланиб ўтириш билан масалага тўғри ёндошиб бўлмайди. Бу менинг шахсий фикрим. Ҳар қандай қонунда халқнинг иродаси ифодаланган ва унинг манфаатига хизмат қилади. Шундай экан, журналхонлар — халқ, бу борада ўз фикрларини, муносабатларини билдирадилар деган умиддаман.

Ҳаётнинг муқаддас мезонлари бор. Қаерда бу мезон бузилса, адолат ўрнини ноҳақлик, диёнат ўрнини хиёнат, ҳалоллик ўрнини ўғирлик, самимият ўрнини таъмағирлик эгаллайди. Таъмағирлик!.. Фоҳишабозликда ҳам бош «рол»ни таъма ўйнайди. Фоҳиша кўзларини қув қилганича учраган «ошиқ»дан иложи борича кўпроқ пул, нарса юлиб қолишга уринади. Аслида фоҳиша ўша эркакдан эмас, балки жамиятдан юлади.

Жамият учун эмас, ўз ғами билан яшайдиган шахсларга ҳеч ким яхшилиқни раво кўрмаса керак, чунки, худбин, ҳусиз, ўз оиласи ва ўз коллективига, ўз дўсти ва она-юртига хиёнат қилган кимсалардан нафратланиш туйғуси табиийдир. Ўз номусини сотган кишидан эса ҳар қандай хиёнатни кутиш мумкин.

Ҳўш, фоҳишабозликнинг бошқа илдизлари ҳам борми? Ҳа, бор. Асосий илдиз бошқа ёқда. Менимча, уни энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдаги нуқсонларимиздан, қолаверса, сексуал масалаларда ошкоралиқ талаб даражасида эмаслигидан, турмушимиздаги етишмовчиликлардан, қонунларимиз мукамал эмаслигидан, инсоний муносабатларда ўзгалар тақдирига лоқайдлигимиздан ахтариш керак...



## Давримиз «қўшиқлари» ҳақида

Бугунги қўшиқларнинг савияси матбуот саҳифаларида тез-тез муҳокама қилиняпти. Бу соҳада «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси олиб бораётган ишлар, айниқса эътиборга лойиқдир. Газетанинг бир қатор сонларида шу масалага бағишланган мақолалар, мутахассисларнинг фикрлари эълон қилинди. Лекин... назаримда бу мунозараларнинг фойдаси жуда кам бўлаётганга ўхшайди. Халқимиз айтганидек, «гап кўп-у, кўмир оз».

Балки ҳурматли ўқувчи менинг фикрларимга эътироз билдирар. Лекин мен ўқувчилар диққатини бир нарсага жалб қилмоқчиман. Бундан ўн-ўн беш йил аввал ҳаваскор эстрада қўшиқчилари — Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда «маҳаллий аҳамиятга эга бўлган» хонандалар пайдо бўла бошлади. Улар ижро этадиган қўшиқлар (агар шундай деб аташ мумкин бўлса!) асосан телба-тескари сўзлар, тайин-тутуруқсиз жумлалардан иборат эди. Ижрода фақат мусиқага зўр берилар эди. Эътибор беринг: аҳамият эмас, балки зўр берилар эди. Агар овоз чиқарса тўнкани ҳам мусиқа асбоби деб кўтариб чиқишарди. Миллий ёки ижтимоий мазмундан йироқ бу «ижод намуналари» тингловчига ҳеч қандай маънавий, эстетик завқ бера олмаслиги аниқ эди. Лекин унга ҳеч ким жиддий эътироз билдирмади. Бу ҳолатни биз балки жамиятимиздаги турғунлик билан изоҳлармиз. Лекин ҳозир-чи? Маънавий покланиш, қайта қуриш даврида-чи? Ёки бундай «санъаткорлар-у» чиллаки «хонандалар» ҳозирга келиб тамоман йўқолдимми? Аксинча, «чиллаки чиллакини кўриб чумак урибди» деганларидек улар кун сайин кўзиқориндай кўпайиб борапти.

Лекин менинг назаримда бу ҳолат ҳеч кимни ташвишга солмаётганга ўхшайди.

Ҳозирги ёшларнинг эстетик диди ва тингловчилик савияси шу қадар пастки, миллий мусиқа ва қўшиқларни умуман тушунмайди десам муболаға бўлмаса керак. Бунга сабаб нима? Шу ўринда диққатингизни бир ташкилот фаолиятига қаратмоқчиман. Бу — овоз ёзиш студиялари. Бир нарсага тушуниш қийин. Бу студияларнинг фаолиятини бирор юқори ташкилот назорат қиладими ёки йўқми? Ахир қандай хонанданинг қўшиқлари ёзиб олинапти, уларнинг савияси қандай, қўшиқлар тематикаси қанақа? Менимча, бу нарсалар ҳеч кимни қизиқтирмайди, шекилли. Акс ҳолда телба-тескари, тайин-тутуруғи йўқ «қўшиқлар»ни тинглашга мажбур бўлиб ўтирмас эдик. Ҳозир ҳар бир шаҳар, автостанция, бозор ва йўловчилар гавжум жойларда албатта овоз ёзиш студиялари «хизматга тайёр». Мана, улар бизга «тортиқ» қиладиган қўшиқларнинг айрим мисралари:

**«Келақол, энди жоним, қўшиқ айтай сенга,  
Севгим сирларини сўйлаб берай сенга».**

Ёки бўлмаса:

**«Кел, эй, жонона, жонона, жонона,  
Бўлай парвона, парвона, парвона».**

Ҳой, азизлар, ахир бунинг нимаси шеър-у, қайси валлават мусиқа арбоби унга куй басталаган? На қофия бор, на мазмун. Шу каби мисралардан иборат «шеърый асардан» қандай завқ, қандай илҳом олиш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Ана шундай «санъат дурдоналаридан» баҳраманд бўлган тингловчига қандай савия, ҳақиқий санъатни тушуниш қобилияти бўлиши мумкин?

Яқинда ўқув практикасида қайтар эканмиз, юқоридаги каби қўшиқларни тинглайериб чарчагач: «Бошқа бир қўшиқ эшитайлик» дедим талабаларга. «Қанақа қўшиқни кўяйлик?» — деди улардан бири. Мен «Муножатми», «Ушшоқми» десам, бир қиз бурнини жийриб: «Шунақа қолақмисиз, домла?» — деди. У қизнинг гапидан ҳам жаҳлим чиқди, ҳам унинг аҳволига ачиндим. Ахир қайда бормасин, эс-ҳуши жойида бўлмаган одамнинг хонишига ўхшаган қўшиқларни тинглайверганидан кейин классик қўшиқларни қайдан тушунсин? Мана, уларнинг севган ашулаларидан бири:

**«Рақсга тушар Шаҳнозалар, Шаҳнозалар,  
Гулга ўхшар Шаҳнозалар, Шаҳнозалар».**

Қўшиқ шу тариқа давом этаверади. Агар мусиқий томонини ҳисобга олмаса, кўпол қилиб айтганда, бир тийинга қиммат нарса. Шунга ўхшаш қўшиқлар тингловчига қанчалик маънавий зарар келтиришини ҳисоблаб чиқишнинг иложи йўқ. Лекин овоз ёзиш студиялари учун масаланинг фақат моддий томони аҳамиятга эга бўлса керак.

Бундай қўшиқларнинг тингловчига қай даражада маънавий озуқа бераётганини, уларнинг фикрлаш ва маданий савияларини нечоғлик ўстирганини биргина мисол билан кўрсатиш мумкин. Университетнинг қабул комиссиясида ишлар эканман, текширилаётган иншоларнинг савияси эмас, балки эпиграф сифатида келтирилаётган шеърый парчалар ҳайратга солди. Мана, улардан бири:

**«Замон, замон, бизнинг замон, даврон бизники,  
Қўлимизда ер-у осмон, имкон бизники».**

Ёки:

**«Тинчлик деган шиор бизга шиор ҳамиша,  
Шиоримиз тарқалмоқда қитъалар оша».**

Бу тинчлик ва бахт ҳақида ёзилган иншоларга келтирилган эпиграфлар. Албатта, эпиграф танлаш ҳар бир абитуриентнинг шахсий иши. Лекин бир нарса кишини таажжубга солади. Наҳотки, бир неча юз йиллик тарихга эга бўлган шеърятимизда тинчлик ва бахт ҳақида абитуриент дидига мос келадиган шеър бўлмаса? Наҳотки, бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон шеърятда, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовларнинг шеърятда шундай асарлар йўқ бўлса?

Биз маиший хизмат деймизу ишнинг маданий савияси ҳақида ўйламаймиз. Ахир қачонгача шу тахлитда фикрлаб, шу аҳволда яшаш мумкин? Бундан ўн йиллардан кейин «Муножот» у «Феруз»ни, «Ушшоғ»у «Тановар»ни кимга қўйиб эшиттираммиз-у, кимдан қандай каромат кўраммиз?

Китоб дўконларида баъзида шундай воқеани кузатиб қоламиз. Баъзи севиб ўқиладиган китобларга жавонларда йиллаб чанг босиб ётган эгасиз китобларни қўшиб сотишади. Бу кетишда миллий қўшиқларимиз ҳам шундай аҳволга тушиб қолиши мумкин. Миллий маданиятни, миллий санъатни тушунувчи ва қадрига етувчи инсонни тарбиялашимиз зарур.

Биз овоз ёзиш студияларининг фаолиятини бутунлай қораламоқчи эмасмиз. Балки иш жараёнида ҳали ҳам кўзга ташланиб келаётган айрим камчиликлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида фикр юритдик, холос. Чунки бизнинг қайта қуриш давримизда ҳар бир ташкилот ва корхона хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик — янги давр кишини тарбиялашга, қайта қуришни жадаллаштиришга хизмат қилиши керак. Овоз ёзиш студиялари ҳам ўз фаолиятларини шу мақсадга йўналтирсалар айни муддао бўлар эди.

**Турғун МУСАЕВ,  
ТошДУ ўқитувчиси.**

Авалло катта журнални тайёрлаб ўқувчиларга тақдим этаётганларингиз учун дилдан раҳмат. Биз «Шарқ юлдузи»нинг ҳамма рубрикалари остида берилаётган мақола, асарларни катта қизиқиш билан ўқиб борамиз. Айниқса наср бўлимини. Яна такрор айтаммиз: биз журналингиздан жуда хурсандммиз. Фақат кейинги вақтларда «Танқидни танқид» рубрикаси остида ёзувчи ва танқидчиларнинг мақолаларини нега босиб чиқараётганингизга тушуна олмаётимммиз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ҳам шу аҳвол. Наҳотки уларнинг ўзаро жиққамушт бўлиб, бир-бирларини лойга қориб ёзган мақолаларини ўқиш биз оддий журналхонларга қизиқ эмаслигини билмасангизлар? Азиз танқидчи ва ёзувчи отахонлар, акахонлар! Ким қачон қанақа хато қилганию қандай бўш асар ёзганини кавлагандан кўра фойдалироқ иш қилсангизлар бўлмайдимми? Емон асар ёзилдимми, муҳокама пайтида фаолроқ бўлиб, уни чиқарманг, чиққандан кейин эса кавлаштирманг! Бўш асар ёзган ёзувчига «Шундай асарни китобхонларга тақдим қилмоқчимсан?» деб жар соласизу ўзингиз бўлса бир-бирингизнинг устингиздан мағзава ағдариб ёзилган мақолаларингизни тақдим қиласиз. Бундай масалаларни мажлисларингизда ҳал қилинг, бизга керак эмас.

Ошкоралик дейсиз, тўғрисини айтганда, ўша турғунлик йилларида ишлаган деярли ҳамма одамдан камчилик топиш мумкин.

Демократия дейсиз. Ҳар ким қилган хатоларини тўғри тушуниб, бу ёғига тўғри ишлаши, ўтмишдан нуқул айб қидирмай, бир-бирини кавламай яшашининг ўзи демократия эмасми? Кечирасизлар-у, кейинги пайтларда танқидчи деганда қора кўзойнак тақиб чап қўлига қалам ушлаганлар кўз олдимизга келадиган бўлиб қолди.

Ундан кўра, бирон ёш ёзувчинингми, шоирнингми асарини босиб чиқарингиз, хулосасини ўзимизга қўйиб беринг. Ахир ўзингиз айтасиз-ку, ҳозирги замон китобхони ёзувчинин кам фикрламайди деб.

Умуман шундай мақолалар ўрнига ёзувчиликни ҳам, шоирликни ҳам даъво қилмайдиган ишчи ёки хизматчи ҳаваскорларга жой ажратсангиз ёки бирон фойдали маслаҳатлар берсангиз яхшироқ бўларди. Биз классик шоир, ёзувчиларимизнинг ҳаётлари билан танишммиз, дарслик орқали, лекин замондош ижодкорлар ҳақида эса деярли жуда оз нарса биламмиз. Шулар тўғрисида маълумот берсангиз ёки таниқли санъаткорлар билан учрашувлар уюштирсангиз миннатдор бўлардик.

Хуллас, сизларга ижодий муваффақият ва ўзаро аҳиллик тилаб:

**Фотима ва Зуҳра ТОЛИПОВАлар  
Миконд заводининг ишчилари.**





Тўхташ Ашуров

## МАГНИТОФОН — СЎФИ

Тонг ғира-шираси. Сизни билмадим-у, мен бундай пайтнинг қадрига етадиганларданман. Лекин маҳалла этагида яшовчи Соли сўфи...

Бугун ҳам шундай бўлди:

— Оллоҳу акбар, оллоҳу акбарррр...

— Уф, — дейман қаламни ташлаб. — Бошланди!..

— Қўяверинг, бақираётган унинг оғзи, — деди хотиним.

— Кошкийди ўз қулоғига ўзи бақирса! Қачон қарасанг, одамларнинг ҳаловатини бузгани-бузган. Энди ёзишга ўтирган эдим... Овозинг ўчгур-а! Соқов-моқов бўлиб қолсайди!

— Вой, унақа деманг-а, ёмон бўлади...

Шу пайт дарвоза тақиллаб қолди.

— Биров келдиёв, дадаси, чиқиб кўринг-чи?

Ҳовлига тушдим. Соли сўфининг азон чақириғи ҳамон баралла янграрди.

— Оллоҳу акбар, оллоҳу акбарррр...

Эшикни эса кимдир қайта-қайта тақиллатиб овоз берди:

— Ҳў Тўхтамурод, ҳў...

— Ҳозир...

Бориб дарвозани очдим. Не кўз билан кўрайки, бошида салла, жиккак Соли сўфи табассум қилиб турарди. Кўзларимни уқалайман. Унгимми-тушимми?! Аранг ўзимни тутдим.

— Келинг, тақсир, хизмат?

— Бир думалоққина ҳинд чойи топиладими, тойбола?

— Топилиб қолар. Дарвоқе, тақсир, айбга буюрмайсиз, бу — азон чақираётган ким?

Сўфи кулди.

— Ким бўларди, каминанинг ўзлари-да, тойбола.

— Тушунмаяпман?..

Сўфи қиқирлаб кулди.

— Соддасиз, Тўхтамурод, соддасиз. Мен эсимни ебманми ҳар куни ширин уйқудан кечиб азон чақиргани. Бунинг устига, хабарингиз бор, кечаси уйимиз олдидаги магазинда қоровуллик қиламан. Ҳаммасини рисолагагидек бажараман деган одамнинг жони темирдан бўлса ҳам чидамайди. — Сўфи яқинроқ келди. Кўчада ҳеч ким бўлмаса ҳам, уёқ-буёққа аланглаб, қулоғимга шивирлади. — Ким азон чақиряпти, демоқчимисиз? Магнитофон, хи-хи-хи. Магнитофон азон чақиряпти!..

— А?!

— Ҳа, — сўфи яна қиқирлаб кулди. — Азонни ҳам механизациялаштириб олганмиз, тойбола.

Қулоқларим остида сўфининг кечаси қоровулликда турган пайтидаги овози ҳам жаранглагандек бўлди:

— Тўхта, кимсан, отаман!

Тунда магазин ёнидан ўтгани чўчиб қолган одамлар йўлнинг нариги бетидан юришади. Чунки сўфи доим: «Тўхта, кимсан, отаман», «Тўхта, кимсан, отаман», деб сайрагани-сайраган.

Бировлар: «Бу сўфининг жағи толмаганини», деса, бошқалар: «Азон айтавериш машини олган-да», деб қўйишади. Менинг эса кўнглимда гумон пайдо бўлди.

— Тақсир, қоровуллик ҳам механизациялаштирилганми? — дедим унга.

— Бировга айтманг-у, аллақачон шунақа бўлган, — деди сўфи кўзларини айёрона қисиб. — Қани ҳинд чойидан бир юмалоқ олиб чиқинг, вақтим зиқ, яна ўн минутдан кейин лентани алмаштиришим керак...

## ДАРВИШОНАНИНГ ОШИ

Ун учинчи ўрта мактаб директори Ботир Садилов бугун ишга барвақт келди. Хўжалик мудир Соли Сўйлоқни йўқлаб тургани, унинг ўзи қаршида пайдо бўлди. У директорга яқинлашаркан, қўллари кўксига, худди сўроқ белгисидек бошини эгди. (Дарвоқе, мактабда унга бекорга «сўроқ белгиси» лақабини қўйишмаган бўлса керак).

— Ассалому алайкум, хўжайин...

Директор унинг саломига алик олиш ўрнига танбеҳ берди:

— Шу комиссия келиб-кетгунча хўжайин демай туринг, худо хайрингизни бергур!

У яна қўлини кўксига қўйди.

— Хўп, хўжайин... кечирасиз.

— Хўш, бугунги комиссия нима масалада келишини биларсиз-а?

— Биламан. Хў... Атеистик тарбия буйича.

— Бунга жавобгарлик ўзингизнинг зиммангизда-а?

— Ҳа, тақсир.

— Атеизм бурчаги янги материаллар билан бойитилдими?

— Албатта. Қўшни мактабдаги материалларни ҳам сўраб келдик.

— Динни фожя этувчи плакатлар ҳам осилганми?

Соли Сўйлоқ оғзининг таноби қочди:

— Плакатлар ҳам гапми, ҳар қайси синфга шиорлар, донишмандларнинг дин тўғрисидаги фикрларини ҳам ёздириб қўйганман. Аммо, кўз тегмасин, жиянингиз Қобилжон ҳам запар рассом-да, қўли гул йигит, уч кечаю уч кундуз ишлади.

— Ҳа, яхши, — деди директор. — Бу, «тантанали» (маиший демоқчи) қисми қандай?

Хўжалик мудир қўлини кўксига қўйиб, маъноли жилмайди:

— Айтганларидан ҳам зиёда, тақсир.

— Ишқилиб, уялиб қолмайлик. Утган сафар биз борганда улар тўкиб ташлашди. Комиссиянинг фикри кўп жиҳатдан масаланинг «тантанали» қисмига боғлиқ. Шу боисдан «меҳмон стол»ни яна бир бор кўздан кечиринг, кам-кўсти бўлса тўғриланг.

— Хўп.

«Сўроқ белгиси» орқаси билан юриб ташқари чиқди.

Ўқитувчилар орасида шивир-шивир: «Келишди, келишди. Нима дейсан, мактабни текшириб, ғалвирдан ўтказишармиш».

Бурнининг устида сўғали бор илмий бўлим мудир Камолитдин Обидович бошлиқ олти кишидан иборат комиссия келди. Махсус тайинланган пионерлар музика садолари остида меҳмонларга гулдасталар тутишди. Комиссия аъзоларидан бошқа ҳамманинг қўли кўксига, уларга тавозе билан салом беришади. Комиссия аъзолари гуруҳларга бўлинишиб, савлат тўкканларича, синфларга йўл олишди. Ҳозиргина атеистик тарбия бўйича ўқувчилар билимини «текшириб» чиққан меҳмонлар хурсанд. Ҳатто, ўзаро текшириш комиссияси аъзоларига ярашмаса ҳам, улар негадир: «Ҳа, энди, бола-да, бола» деб қаҳ-қаҳ кулишарди. Камолитдин Обидовичнинг юзидаги мамнунлик директорга ҳам кўчди.

— Яхши, ўрганса арзийди, — деди.

Директор раҳмат айтиб, асосий «мақсад»га кўчди:

— Қани, бир пиёладан чой ичайлик.

Мактаб ошхонасига кирган меҳмонлар атрофга ажабланиб қарашарди. Оддий стол-стуллар. Ҳатто дастурхон ҳам ёзилмаган. Бурни остига мўйлабча қўйган оқ халатли йигит бир чойнак чой билан стаканлар қўйиб кетди. Бир оздан сўнг ҳалиги йигит келиб директорнинг қулоғига нимадир шивирлади. Директор боши билан маъқуллади. Сал ўтмай, ўртага бир товоқ ош келтирилди.

— Қани, ошга қаранглар, — таклиф этди директор.

Меҳмонларнинг ҳайронлиги ошди. Бир-бирига маъноли қарашди. Бошлиқ хушламайгина қошиққа қўл чўзаркан, елкасини қисиб, лабини бурм, бурнининг учидеги сўғали ўйноқлади. Энди комиссия аъзоларида ташқаридаги мамнунликдан асар ҳам қолмаганди. Тоқати тугаган комиссия бошлиғи гап бошлади:

— Мактабда ишлар чатоқ-ку, ўртоқ директор, бу қанақаси?

Директор таажжубланди:

— Нега?

— «Нега» эмиш! Мана, комиссия аъзолари айтсин. Фақат плакат, шиорлар билан диннинг илдизига болта уриб бўладими? Сўранг-чи, улардан, болалар билан суҳбатлашганларида нималар дейишганини. Ҳалиги бола қайси синфдан, айтинг, Талъат Болтаевич? — У юзи қип-қизил кишига юзланди. Талъат Болтаевич чўнтагидан ёндафтарчасини олиб варақларкан:

— Ҳозир, ҳозир. Ҳа, бешинчи «Б» синфдан, фамилияси Турғун Туробов, — деди.

— Нима деганини айтинг, директор ўз қулоғи билан эшитсин!

Талъат Болтаевич кулгисини аранг яшириб гап бошлади:

— Даданг намоз ўқийдимиз? — деб сўрасам, «онам ҳам ўқийди», деб жавоб берди. Ҳа, энди, бола-да, деб йўлга солмоқчи бўлдим. — Адашмаяпсанми, балки улар намоз ўқишмас, физкультура қилаётганларида кўргандирсан? — десам у: «Адашаётганим йўқ, ахир таҳоратларига ўзим сув иситиб бераман!» деса бўладими! Бутун синфдагилар қаҳ-қаҳлаб кулиб юборишди.

— Бунга нима дейсиз? — комиссия бошлиғи жиддийлашиб, икки қўллаб столни чертарди. — Ана сизга атеистик тарбия. Бу масалада ишларингиз нул!

«Сўроқ белгиси» директорга, директор унга қаради.

— Ҳа, энди...

— Нима энди? Бу масалани РайОНО Советига, иложи бўлса юқорироққа етказамиз...

Директор қизарди. Бошлиқнинг олдидаги қошиқ шарақлаб ерга тушди. «Сўроқ белгиси»дан бошқаси эгилишни эп кўрмади. Улар дилгир ҳолда ташқарига чиқишди. Комиссия бошлиғи ковоғидан қор ёққанча икки-уч қадам олдинга юрди. Директор унга эргашди. Ялинчоқ оҳангда дилини ёрди:

— Уртоқ Камолиддин Обидович, ўзингиздан қолар гап йўқ. Энди, бола — бола-да. Қолаверса, одамгарчилик деган гаплар бор...

Камолиддин Обидович директор томонга кескин бурилди. Титроқ овозда деди:

— Одамгарчилик?! Яхшиси, сиз бу сўзни тилга олманг. Ҳақингиз йўқ, уқдингизми? Сизларда одамгарчилик тугул унинг нишонаси ҳам йўқ.— Унинг дилидаги тилига кўчди.— Хўп, бизнинг ҳурматимиз бўлмасин, комиссиянинг ҳурмати йўқми?! Унинг ҳам обрўсини тўқдингиз. Кечирасиз-у, айтишга мажбур қилдингиз. Сизлар борганларингизда биз ўн сўмдан пул йиғиб девзирада, қора қўчқорнинг гўшт-ёғида ош дамлаганмиз. Сиз-чи? Уялмай-нетмай ўқувчилар ошхонасига олиб кирдингиз. Олдимизга қўйган ошингизни қаранг, сарқитга ўхшайди. Ким ейди, ким? Ақалли битта дастурхон кимнинг отасини ўлдирибди? Ҳеч бўлмаса, комиссия ҳурмати учун столга газета ёпиб қўймайсизларми?!

Гап нимадалигини пайқаган директорнинг юзида шодлик аломатлари пайдо бўлди.

— Биз ҳам одамгарчиликни унутадиганлардан эмасмиз. Камолиддин Обидович, бердисини айтгунча сабр қилинг. Жа, пастга уриб юборманг. Биз ҳам нима қилишни билламиз.

— Шуми билганингиз?

— Йўқ, энди. Бу, маҳалладан чиққан дарвишонанинг оши эди. Уни баҳам кўрмай бўладими?!

— А?!

Комиссия бошлиғининг юзидаги ғазаб аломатлари ёмғир пуфакчаларидек сўнди. У шошқалоқлиги учун узр сўрагандек илжайди. Директор дадиллашди, меҳмонларга юзланди:

— Қани, менинг хонамга марҳамат!

«Сўроқ белгиси» жуфтлаб қўйилган стол устига ёпилган оқ докани кўтарди. Шисшалар бир-бирига урилиб жиринглади. Хонани иштаҳани қитиқловчи хид тутди. Янги узилган помидор, бодринг, кашнич, хасип ва бошқа ўнлаб лаззатли таомларни кўрган меҳмонларнинг кўзлари, биринчи марта шар ушлаган боланинг кўзларидек чақнади. Бир-бирларига уялибгина қарашди.

Жўнаш олдидан комиссия бошлиғи директорнинг елкасига қўл ташлаб:

— Раҳмат, ўрганса, ёйса арзийдиган тажриба тўпланган. Шахсан сизга, қолаверса коллективга раҳмат,— деди.

Директор меҳмонлар кетидан тикиларкан, «сўроқ белгиси»га юрагини ёрди:

— Дарвишонанинг оши бошга бало бўлаёзди.

Атеизм ўқитувчиси хурсанд эди:

— Нима бўлса ҳам қутулдик, худога шукр, денг хўжайин.

Директор унга ёлғондакам ёвқараш қилди.

**ШЕЪРИЯТ**

Уфқимизда Октябрнинг ғолиб байроғи. <b>Ғафур Ғулом, Мамарасул Бобоев, Саида Зуннунова</b> шеърлари . . . . .	3
<b>Азим Суюн.</b> Сарбадорлар. Драматик достон . . . . .	34
<b>Сафо Очил.</b> Севги сенинг бахтинг дейди кимлардир . . . . .	102

**НАСР**

<b>Шукур Ҳолмирзаев.</b> Ҳикоялар . . . . .	5
<b>Саид Аҳмад.</b> Жимжитлик. Роман . . . . .	54
<b>Худойберди Тўхтабоев.</b> Мунгли кўзлар. Романдан боблар . . . . .	107

**БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ**

<b>Исроил Субҳон.</b> Кел охужон, кел, дардимга шериккинам бўл . . . . .	104
--	-----

**БОЛАЛАР ДУНЕСИ**

Яхшига эл кулиб боқар. <b>Ҳ. Имонбердиев, Р. Толиб, А. Акбар, Ж. Раҳим, О. Расул, Б. Отаева, А. Турдиев, О. Абдурахмон, Э. Дўсматов</b> шеърлари . . . . .	151
--	-----

**ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ**

<b>Матёқуб Қўшжонов, Нуъмон Раҳимжонов.</b> Бадиият — бош мезон . . . . .	155
---	-----

**БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ**

<b>Ромиз Равшан.</b> Бир дардим қолмади ўзимда улкан . . . . .	162
--	-----

**ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ**

Турк классик шеърлатидан. <b>Ю. Эмро, Қулўғли</b> шеърлари . . . . .	165
--	-----

**ПУБЛИЦИСТИКА**

<b>Али Назар Эгамназаров.</b> Дўппидаги доғ. Эссе . . . . .	168
---	-----

**ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАП**

<b>Мақсуд Шайхзода.</b> «Ал-Беруний» драмасига қайдлардан . . . . .	176
---	-----

**БАРҲАЕТ СИЙМОЛАР**

<b>Азиз Қаюмов.</b> Устоз хотираси . . . . .	182
<b>Азиз Абдураззоқ.</b> Бир куни . . . . .	184
<b>Мухсин Зокиров.</b> «Шул диёр дилбандиман» . . . . .	190

**АДАБИЙ ТАНҚИД**

<b>Йўлдош Солижонов.</b> Гурунглашиш баҳона . . . . .	192
---	-----

**ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ**

<b>Файзулла Қиличев.</b> Ислолатхона «малика»лари . . . . .	194
---	-----

**АКС САДО**

. . . . .	203
-----------	-----

**ГУЛҚАЙЧИ**

<b>Тўхташ Ашуров.</b> Ҳажвиялар . . . . .	205
---	-----

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 11

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов.** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 11.08.88 й. Босишга рухсат этилди 28.10.88 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
P-14185. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт  
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 168132. Буюртма 4302.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденили  
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41